

Г.Т.Махмудова, М.М.Исхоков, Б.Б.Жалолов

ЗАРДУШТИЙЛИК ХРЕСТОМАТИЯСИ



ЗАРДУШТИЙЛИК ХРЕСТОМАТИЯСИ

Тошкент
“MUMTOZ SO‘Z”
2017

2542-24

Зардуштийлик

437 УУК: 902
КБК 63.2

Г.Махмудова, М.Исҳоков ва Б.Жалолов томонидан тайёрланган «Зардустийлик хрестоматияси» Авестанинг кенг камровли диний-мифологик, фалсафий гоялари, тарихий, этнографик, ҳукукий муаммолари билан боғлиқ жаҳон авестологиясининг асл манбаларини ўзбек тилига таржималари асосида тайёрланган.

Муалиффлар томонидан тизимлаштирилган зардустийлик ва Авестанинг ўкувчиларга номаълум бўлган ва илк бор хавола этилаётган манбалари кенг китобхонлар орасида Авестанинг ноёб ва кўп катламли мөҳиятини кенг таҳлил ва тадқиқ этишга хизмат қиласди.

Зардустийлик хрестоматияси ИДТ-1 А-1-92 ракамли Авестани тизимли тадқиқ этиши ва «Зардустийлик хрестоматияси»ни нашр этиш амалий-техник гранти лойиҳаси асосида тайёрланган.

Зардустийлик хрестоматияси авесташунослик тадқиқог олиб борувчи илмий ходимлар ва кенг ўкувчилар оммасига мўлжалланган.

Масъул мухаррир:

Фалсафа фанлари доктори, доцент, Гули Маҳмудова

Такризчилар:

Фалсафа фанлари доктори М.Жакбаров

Фалсафа фанлари номзоди А.Д.Шарипов

63.2

3-43

Зардустийлик хрестоматияси / Г.Т.Махмудова, М.М.Исҳоков, Б.Б.Жалолов; масъул мухаррир Гули Маҳмудова. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2017. – 376 б.

УУК: 902

КБК 63.2

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги «Фалсафа илмий жаоаси» Мувофиқлаштирувчи кенгашин томонидан нашрга тавсия этилган (2017 йил 28 августдаги 8-сонли баённома).

ISBN 978-9943-4816-9-5

© Зардустийлик хрестоматияси «Фалсафа илмий жаоаси», 2017

© «MUMTOZ SO'Z», 2017

20/60	Allisher Naxabiy nomidagi O'zbekiston M
A 60	1046915 291

МУНДАРИЖА

I.	КИРИШ.....	4
II.	АСОСИЙ ҚИСМ	
1.	Зардүштийлик илохий тизими ва мифологияси.....	9
2.	Заратуштра гаталари	153
3.	Зардүштийлик натурфалсафаси, космогония ва онтологияси.....	217
4.	Зардүштийлик этикаси (ахлоқшунослиги).....	266
5.	Зардүштийлик хуқуки.....	278
6.	Зардүштийлик ибодатлари, расм-русумлари ва урф- одатлари.....	330
7.	Заратуштра шахси ва ҳаётига оид маълумотлар	348
III.	АТАМАЛАР ИЗОХИ.....	355
	ХУЛОСА.....	372

КИРИШ

Ушбу хрестоматиянинг асосий мақсади Авестанинг асл күләмалари ҳамда унинг форс, рус ва бошқа тилларга қилинган таржималари асосида биринчи марта ўзбек тилига тизимли ўтирилган матни билан китобхонларни таниширишдир. Бинобарин, кенг омма *зардуштийлик*, унинг муқаддас китоби ҳақида шунчаки юзаки маълумотга эга. Муаммовий ёндашув асосида тузилган «Зардуштийлик хрестоматияси»ни яратиш заруриятини айни шу ҳолат тақозо этмоқда эди.

Ўз даврининг ilk жаҳон дини сифатида *зардуштийлик* ва унинг муқаддас китоби Авesta умуминсоний қадрияларни, оламнинг яхлитлиги, зиддиятлари ва доимий ҳаракатда эканлиги, бокий ва баҳтли ҳаёт куриш, жамиятни инсоф, адолат, хурфикрлик гоялари билан бошқариш, инсоннинг ҳуқук ва мажбуриятлари, унинг фикр ва амалларининг поклиги, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозониши, меҳнатнинг зарурлиги ва фойдалилиги, фундаменталь ахлоқий гоялар, яккахудолик – ваҳдоният гоясини талқин этган ва ўзида мужассамлаштирган, улардан жаҳон ҳалклари маънавияти баҳраманд бўлган. Мозий инсон тафаккури ва маънавиягининг юксак тараккиёти ва маҳсули ила йўғрилган тараккиёт баҳосидир. Муаллифлар гурухи томонидан *зардуштийлик* ва Авesta таълимотининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, тарбиявий-ахлокий, диний-фалсафий гояларини тизимли тадқиқ этиш ва баркамол авлоднинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига мослаган ҳолда назарий-концептуал кисми ва муаммолар буйича тизимлаштирилган *зардуштийликка* оид матнларни қамраб оладиган «Зардуштийлик хрестоматияси» тайёрлаш ва нашр этиш долзарб масалалар қаторидан ўрин эгаллади.

Авесталогияда Farb ва Шарқ олимлари XX асрнинг охирига келиб катта ютуқларга эга бўлдилар: Авестанинг сақланиб қолган кисмларининг барчаси, зенд ва паҳлавий тилидан қилинган таржималари нашр этилди; ушбу ёдгорликни тарихий, лингвистик, фалсафий жиҳатдан тадқиқ ва таҳлил қилиш анъанаси ва методикаси карор тонди. Шу билан бирга, *зардуштийликда* матнлар таҳлили, илмий асослар ва хулосаларга янада чуқурлашган ёндашувни талаб этувчи муаммолар кўп. Буларга, энг аввало

зардушийлик ва Авестанинг ватанини аниқлаш, Авестанинг асосий ғоялари, гуманистик мазмунини фалсафий таҳлил қилиш билан боғлик масалалар киради.

«Зардушийлик хрестоматияси» қўйидаги муаллифлар томонидан шакллантирилди:

Кириш Г.Т.Махмудова;

Асосий кисмнинг I боби М.М.Исҳоқов («Хурмузд янит», «Язадларга бағищланган матнлар», «Видевдот»), Р.Ўразова («Кириш I»), Б.Б.Жалолов («Кириш II», «Ахура Мазда», «Амеша Спента», «Ҳантан Амеша Спента (Хафт Амешаспенд) янит», «Воҳу Мана», «Аша Ваҳишта», «Ҳаурватат» ва «Амеретат»).

II бобнинг кириш ва «Заратуштра гаталари» қисми – М.М.Исҳоқов ва Б.Б.Жалолов;

III боб Г.Т.Махмудова;

IV боб Г.Т.Махмудова («Кириш»), М.М.Исҳоқов («Видевдот») ва Б.Б.Жалолов («Саддар»);

V боб Г.Т.Махмудова («Кириш»), М.М.Исҳоқов («Кириш» ва «Видевдот»);

VI боб Г.Т.Махмудова («Кириш») ва М.М.Исҳоқов («Ҳаома янит», «Видевдот»);

VII боб Г.Т.Махмудова («Бундахиши») ва Б.Б.Жалолов («Кириш», «Саддар» ва «Динкарл»);

Атамалар луғати Г.Т.Махмудова ва Б.Б.Жалолов;

Хулоса М.М. Исҳоқов ва Г.Т.Махмудова.

«Зардушийлик хрестоматияси»да М. Исҳоқов томонидан зардушийлик илоҳий тизими ва мифологияси, Заратуштра гаталари Авестанинг форсча (Иброҳим Пурдовуд, Жаъил Дустхоҳ ва русча (И.М.Стеблин Каменский) таржималари асосида эркин изоҳли талқин қилинди (Авасто. Марварид таҳририяти. 1992. Техрон; Авасто. Ҳошим Ризо. Техрон. 1990; И.М. Стеблин-Каменскийнинг аслиятдан таржималари. 1990, 1994 ва б.). Г.Махмудова зардушийлик науруфалсафаси, космогония ва онтологияси муаммолари бўйича О.М. Чунакова томонидан тайёрланган, 1997 йил, Москва «Восточная литература» нашриёти томонидан нашр этилган «Сотворение основы» (Бундахишин) – Бундахишин Асослар яратилишининг ўзбек тилига таржима қилди. Бундахишин «Яратилишининг асоси» тизимлаштирилган изоҳлаштирилган ўрта форс тилидаги Авестанинг

йўколган деб ҳисобланадиган «Дамтат наска» қисми булиб асосан космогония ва космология масалаларига бағишиланган¹. Б. Жалолов – «Заратуштра гаталари» буйича янги талқиндан изоҳ ва таржималардан иборат бўлган муаммоларни ва Заратуштра шахси ва ҳайтига оид маълумотларни Копенгаген университети кутубхонасидаги K1, K3a, K3b, K4, K5, K6, K7, K8, K9, K10, K11, K40 ракамили кўлёзмалар; Лондон кутубхонасидаги L1, L4, L17 ракамили кўлёзмалар; Zendavesta or the religious books of the Zoroastrians. Vol. I. The Zend texts. Edited and translated with a dictionary, grammar &c by N.L. Westergaard (– Copenhagen, 1852-1854); Avesta: the sacred books of the Parsis. Vol. I-III. Edited by Karl F. Geldner (– Stuttgart: W. Kohlhammer, 1889-1896) каби манбалардан ўзбек тилига таржимани амалга оширди.

Дунёни дуалистик тушуниш коғтекстида инсоният тарихида илк бор монотеизм ҳамда олам, табиат ва инсоннинг бирлиги гояларини ўзида мужассам қилган зардушийлик таълимотининг диний-фалсафий моҳиятини Авеста материаллари асосида тизимили-концептуал таҳлил килиш асосида «эрта бошланган давлатчилик» ва «стихияли хуқуқий тизим», «инсон хуқук ва мажбуриятлари», «юксак ижтимоий-ахлоқий қадрият сифатидаги табиат ва атроф мұхит мухофазаси» каби тушунчаларни тадқиқ этиш ва Авестада ўз аксини топган инсон баркамоллиги, баъзи ахлоқий тасаввурлар ва категорияларнинг бирлиги каби фалсафий тасаввурларнинг умуминсоний моҳияти аниқланди.

Ўзбекистон авесташунослиги сабит қадам билан жаҳон авесташунослигининг кўп асрлик тажрибаси ва ютуқларини ўзлаштириш билан бир қаторда жаҳон авесташунослигига мавжуд камчиликлар, муаммолар, зиддиятлар юзасидан ўз фикрларипи билдиримокдалар. Зардушийлик диний-фалсафий таълимотини, унинг асосий ижтимоий-фалсафий, ахлоқий, хуқуқий гояларини Авеста материаллари асосида амалга оширилган тизимили-концептуал ҳамда фалсафий-тарихий таҳлил этиш зардушийликнинг умуминсоний ва миллий қадрият сифатидаги тўлиқ ва яхлит фалсафий-аксиологик моҳиятини белгилашга хизмат килади.

Авеста зардушийликнинг асосларини ўзида мужассам килиб, кўп қатламли қомусий тарихий-маънавий ёдгорлик булиб,

¹ Авеста в русских переводах (1861-1996). – Спб.: Журнал "Псев" "Летний Сал". 1998. – С. 454.

Амударёниң ўрта ва қуиі оқимларида, кенг маңында қадимги Хоразм худудида шакланган. Заратуштра ҳижрат килиб үз юртидан чикиб кетгани, Бактрия хукмдори Виштасп хузурига стиб, унга ва давлат аєнләри олдида үз дини ҳак эканини исботлаганидан кейин зардыштийлик Эронда тарқалган. Оламни монотеистик англашга даяват эттан, үз даври үз даври учун инкилобий тафаккур ҳодисаси булган зардыштийликнинг фалсафий ғоялари тез оммалашиб борган. Шу боис зардыштийлик фалсафасини С.Ю. Ольденбург «Энг адолатли дин», Ю.А.Рапорт «зардыштийлик үтмиш аждодларимизнинг энг кучли дини», М.Бойс эса «зардыштийлик – динлар орасидаги энг муштарак таълимотдир», деган фикрларни билдирганлар. Г.Риттер үзининг «Фалсафа тарихи» асарида Авеста матиларида диний панднасиҳатлар ва ривоятларга асосланган тасаввурлар билан бир қаторда фалсафий тафакур элементлари мавжудлигига эътибор беради. Унинг фикрига кўра, Авестанинг ривоятларга асосланган катлами қадимги юонон фалсафасига қараганда бой. Авестанинг алоҳида кисмлари ва унинг умумий мазмуни табиат ва инсон ҳаёти ривожланишининг бирлиги тўғрисидаги хуносага олиб келади⁷.

Европа олимлари тадқиқотларига қараганда рус шарқшум послари, тарихчилари, археологлари, тилшунослари ва файласуфлари пахлавий тилидаги матиларгагина асосланиб колмай, балки Авестанинг мураккаб тақдирини ёритувчи этнографик материалларни ҳам жалб қилишга харакат килдилар. Бу йўналишда А.Г. Периханяннинг «Общество и право Ирана в парфянский и сасанидский периоды» (1983) («Парфия ва Сосонийлар давридаги Эронда жамият ва ҳукук»); О.М. Чунакова томонидан тайёрланган «Зороастрийские тексты. Суждения Духа разума» («Зардыштий матилар. Окил зотнинг руҳий пандлари»), (Дадестан-и меноги ҳрад), «Сотворение основы» («(Борлик) асосларининг яралиши») (Бундахишн) ва бошқа матилар (1997); 1998 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган «Авеста в русских переводах» (1861-1996) («Авеста русча таржималарда») тўплами, И.М.Стеблин-Каменский таржималарини, үзбек давлатчилиги тарихи муносабати билан Э.В.Ртвсладзе, А.Х.Сайдовларнинг тадқи-

⁷Авеста в русских переводах (1861-1996). – СПб.: “Журнал “Нева””, “Летний Сад”, 1998. – С. 34.

қотларини ва улар нашр этган китобга илова қилиб берилган Е.В.Абдулласвнинг русчага «Видевдот» наски таржимасини келтириш мумкин. Шу қаторда М.Исхоковнинг «Яшт», «Видевдот» насклари, Б.Жалоловнинг Заратуштра гаталарининг изоҳли таржимаси кабиларнинг ҳам ўз ўрни ва аҳамияти бор.

Оғзаки анъананинг табиати шундаки, у инсон хаёлига эрк беради. Анъанани давом эттирувчи ҳар бир киши ҳақиқий ва тасаввур қилинган диний образлар уфқини кенгайтиради, унинг томонидан яратилган янги образлар, ривоятлар, малҳиялар, қасидалар, янги диний меъёрлар, ибодат қоидалари ва ҳ.к. мавжуд афсоналар қаторига қўшилиб бораверади. Авестада анъанавий диний шакллар билан шундай янгиликлар биргаликда мавжудлиги билан ҳам дикқатга сазовордир. Булар зардуштийликнинг умумий этиномаданий анъаналярга таянган ва Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида яшаган турли қабилалар орасида шаклланган ва таомил булганинги исботлайди. Мазкур вазият Авестада аксарият турли тарихий даврлар ва ибтидоий топинишлардан бошлиб, оламни монотеистик тарзда англайдиган динларни акс этувчи ҳодиса ва фактларнинг айнан бир хил эмаслигини тавсифлаб беради.

М.М. Исхоков ҳам Александр Македонский Авестанинг илк вариантини йўқ қилиб юборгандан сунг зардуштий рухонийлари уни кайта тиклашга бир неча марта уринганлар, деб хисоблайди. Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида зардуштийлик давлат дини мақомини эгаллаганда бу уринишлар бир максадга йўналтирилган анъанага айланади. Авеста матнлари тилининг фонстикасини тўлиқ ва аник ифодалаш максадида маҳсус ҳарфий-фонстик алифбо яратилади. «Бунинг асосида, - деб ёзди М.М.Исхоков. - Авеста охирги якуний тизимга эга бўлди, унинг таркибига зардуштийларнинг асосий дуоси Ахунаваръя сўзлари сонига мувофиқ, 21 китоб (наск) кирди»³.

³ Исхоков М. Авеста и ее место в истории развития человечества. – Ташкент-Ургенч.: Фан, 2001. – С. 64.

АСОСИЙ ҚИСМ

I

ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОХИЙ ТИЗИМИ ВА МИФОЛОГИЯСИ

КИРИШ

I

Халкниң табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурлари ҳамда әзтиқодлари ривожининг муайян боскичида асотирлар пайдо булади. Үз навбатида асотирлар үзида одамларнинг борлик ҳақидаги тушунчаларини, айниқса, уларни ўраб турғап табиат ва жамиятни қандай идрок этишларини акс эттиради. Инсониятнинг асотирий ижодиети аввало жамоавий хусусияти билан үзига хосдир. Ҳатто индивидуал асотирий ижод намунаси бўлган такдирда ҳам жамоавий ҳамда кўпминг йиллик асотирий ижодий жараён маҳсулидан фойдаланмай иложи йўқ. Масалан, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари шу усулда яратилган⁴. Шу сабабли асотир ижодиети жараёнларининг илк кадамлариданок, одамзоднинг табиат олдида ожизлиги туфайли, турли табиий ҳодисалар олдида ҳимоятсиз одам учун асотир тизимида кўрқинчли, ғайритабиий тимсоллар етакчи ўрин туттан га аксинча, асотирларда ёвуз ва курратли салбий кучларни синишига қодир қаҳрамонлар образлари ҳам пайдо булади⁵. Инсоннинг аклий, рухий, жисмоний қобилияtlари аста-секин унинг табиат сирлари билан ошно булиши, ўзлигини англаши сари йўл оча бошлаган⁶. Натижада, қадимий асотирий дунёкараш тизими илохий карашларга айланган. Энди одам тасаввурнида табиат ҳодисалари устидан ҳукмрон, ҳатто уларни яратишга, тартибга солиб туришга қодир, хулласки, инсоннинг ҳимоятини таъминлашга масъул эзгу илохий тимсоллар тизими пайдо бўла бошлайди. Инсон мана шу тизимни азал-азалдан фактат эзгу кучлар ибтидоси сифатида тасаввур килишга мойил бўлган. Айни шу хусусият зардуштийликнинг маънавий-фалсафий асосларига, космогониясига, диний тизимига хос бўлган⁷. Буни Авестада борликнинг яратилиш

⁴ Фирдавсий А. Шоҳнома. К. I. // Форс тилидан Ш. Шомуҳамедов тарж. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б. 736.

⁵ Токарев С. А. Религия в истории народов мира. – М.: Изд. Полиграфдат. – С. 58, 81.

⁶ Стеблин-Каменский М. И. Миf. – М.: Наука. 1976. – С. 147.

⁷ Махмудова Г. Т. Философская сущность Авесты. – Т.: Изд. журнала «Санъат», 2010. – С. 202.

модели мисолида яққол күриш мүмкін. Зоро, Авеста аввал бопшида дүнёни фақат зэгузилклар мажмуи ва мутаносиблити сифатида тасвирлайды. Үнда ёвузылклар, ўлым йўқ, касалликлар йўқ. Дунё азал ва абад порлоклиқдан иборат - коронғулик йўқ, ёз бор, киш йўқ, зэгу ният бор, ёвуз ўй, ёмонлик ҳакида уйлаш йўқ. Чунки, ёвузылк ҳали туғилмаган. Ростлик, чинлик бор, лекип барча ёвузылкларнинг бош манбаи Ёлғон йўқ. Имонли инсон бор, имонсизликнинг ўзи ҳам йўқ. Зардуштийликда имонли, эътиқоди бутун ва мустаҳкам қавм артабон, яъни яратган борлигига ишонган одам. Ҳақнинг қўрикчиси деб аталали. Хуллас, Авеста борлик дунёни дастлаб ана шундай бир жаннатий тусда таърифлайди ва инсонни шунга муносиб булишга чорлайди⁸. Дунёнинг бу қадар мукаммал ижобий сифатлар билан таърифланиши бежиз эмас. Чунки, инсоннинг олий орзуси қадимий асотирларнинг кўркинчли, гайритабии кучлардан холи, абадий гўзал ва фаровон ҳастта интилишдан иборат бўлган. Бу йўлда инсон онги ажойиб илоҳий тизимни ҳам яратишга қодир бўлган. Зоро, ҳаётнинг реал манзаралари орзудагидан фарқли булиб, серқирра: маъқул ва номаъқул, манфаатли ва манфаатсиз, ҳаётбахш ва ҳалокатли ҳолатлар бор. Яъни ҳаст бутун борлиги билан ижобий ва салбий кутблар зиддиятидан иборат. Буни аввал бошданоқ аттаглан ҳолда ҳаёлий асотирий зэгу дунёга хавф солувчи ёвузылкларни бартараф этишта қодир бўлган кучларни илоҳий зот яратиб қўйган, уларнинг ҳимоятига эришмокнинг бирдан бир омили инсоннинг Аҳура Мазданинг мохияти бўлмиш Ҳак (Арта) йўлида событилиги, зэгу ишларда фаол ва коимлиги, ёвузылкларга карши муросасиз кураши, парвардигор яратган малоикаларга, маъбуздларга ишониши. Уларга эҳсонлар бағишлиб туришdir.

Зардуштийлик дунёкарап тизимининг туб илдизлари ибтидоий қадимиятта тугашиб, Зардуш ислоҳотлари даврида «пайғамбар»га туширилган «ваҳий» даражасида талқин этилган⁹.

Айни шу маънода зардуштийликнинг реал тарихий асослари бор эканлиги масаласи авестапуносликда кўп вақтдан буен муҳокама ва мунозараларга сабаб булиб келмоқда¹⁰. XX аср ўрталарида итальян олими Пагтиаро Зардуштнинг ислоҳоти ҳакида

⁸ Авеста: «Видевдот» китоби // М. Исхоков гаржимаси. – Т.: ТДШИ нашриёт - босмахона булими. 2007. – Б. 13-18.

⁹ Бойс М. Зоровстрия. Верования и обычай. – М.: Наука, ГРВЛ., 1988. – С. 3-4.

¹⁰ Авеста в русских переводах // Раздел зороастрейская мифология. – Спб., 1998. – С. 481.

фикр юритиб, у яратган диний дунёкараш тизимининг тарихий-лигига шубҳаларни олиб ташлаган¹¹. Шу мақоладаң бир оз аввалроқ Ж.Дюмезиль *зардушийлик* ислоҳотлари ҳакида, уларнинг тарихий-лигини асослашга қаратилган макола билан чиққан эди¹². Ҳинд муаллифи К.Чаттоополхайянинг “Зардушийлик ислоҳотлари” номли яна бир мақоласи масалани тарихийлик асосида ҳал қилишга жиддий даъват бўлған¹³.

В.И.Абаевнинг фикрича, *зардушийлик* ислоҳот асосида пайдо бўлған дин эканлиги шубҳасиз. Бу ислоҳотнинг моҳиятида ибтидоий даврларга хос бўлмиш табиат ҳодисаларини илохий-лаштиришдан воз кечиш ғояси стади¹⁴.

Ибтидоий инончлар ўз даврида муайян табиат, ҳайвонот ва инсон омилларига эътиқод қўринишлари бўлгани сабабли уларнинг чин маънода дин була олмаслигини тушунган *Зардушият* амалиётта соф маънавий, руҳий омилларни, улар оркали эса борлиқнинг мавҳум кучлар оркали «бошқарилиш» ғоясини олиб кирди¹⁵. Буни «Гоҳ»ларда *Зардушият* томонидан қалимти «ҳинду-эроний» давр эътиқодига хос амалиёт узвий равишда лъяннатланганида кузатиш мумкин. Жумладан, *Зардушият* сома/ҳаомани, кавиларни, усижжатарни, *карапанларни* «Беҳдин»нинг душманлари деб ҳисоблайди¹⁶. «Ахунаваити Гоҳ»ларнинг бирида (Ясна 32) *Зардушият* архаик қурбонлик урф-одатларини, ҳинду-эроний даврға хос маросимларни қоралайти. Ясна 46-қўшигида *Зардушият* бу масалага яна қайтиб дурутбандлар (имонсизлар, Ёлғон бандалари)ни қоралайди¹⁷.

Зардушийлик пайдо бўлған лавр, милоддан аввалги II минг йиллик охири ва I минг йилликнинг бошлари, яъни бундан уч минг йилга яқин қадимиятдир. Бу бронза ва темир аспи ораглиғида, илк ҳудудий воҳа лавлатчилик уюшмалари даври эди. Ўз замони тақозосига кўра *Зардушийлик* муайян ижтимоий муно-

¹¹ Puggiani L. La civiltà della Persia e la riforma redegiosa di Zarathustra. – Pisa, 1956. – Р. 110.

¹² Dumezil G. La reforme zoroastrienne. – Paris, 1952. – Рр. 61-65.

¹³ Chatropodhyaya K. The religious reform of Zaratushtra // Труды 25-международного конгресса востоковедов. Т.II. – М., 1963. – С. 197-201.

¹⁴ Абаев В.И. Скифский быт и реформы Зороастра // Archiv orientalni. XXIV. I. – Praha, 1956.

¹⁵ Уша аср. – Б.245.

¹⁶ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 254; Каранг: Bishop D. L. Zarathushtas or Viktor in the verbal contest / Journal of North Eastern Society of Columbia University, 1977. – № 9. – Рр. 5-9.

¹⁷ Авеста. Гоҳлар. Ушпавант Гоҳ (46- Ясна) / М.Исхоковнинг таржича қўлзмасидан фойдаланилди. - 19 б.

сабатларнинг маънавий, ҳукуқий, ахлокий-фалсафий асосларини ўзида мужассам этган.

Зардушийлик дастлаб маздопарастилик номи билан аталиб, қадим Турон ва Эрон халқларининг дини, улар учун илоҳиёт бешиги ҳисобланган. Лекин бу таълимотни тўлиқ фалсафий қарашлар мажмуи деб қараш нотўри бўлур эди. Шунга қарамай, ҳудди бошқа динлар каби Зардушийликда ҳам баъзи метафизик, ибтидоий фалсафий қарашлар мавжуд.

Зардушийлик гояларининг мужассами ҳисобланмиш Авестани тушуниш билан боғлиқ мураккабликлар фанда маълум. Чунки Авеста бор бисоти билан вакт ва маконга боғлиқ эмас. Ундаги баён аник шахсга қаратилмаган. Балки ялпи мурожаат унсурлари билан қоришган ҳолда «tinglovchi» ёки «ўкувчи»нинг онига йўналтирилгандек. Айни шу хусусияти туфайли Авестани тушуниш учун унинг пайдо бўлган даврига хаёлан қайтиш, бошкacha айтганда, инсоният ижодий тафаккури такомилининг ибтидоий даврларига «қайтиш», зардушийларнинг фикрлаш даражасига кирган ҳолда матн моҳиятини очилгач, ҳозирги тафаккур қолиптига солиб баҳолаш талаб этилади.

Бу ҳолатни юонон адабиёти тӯғрироғи, мифологик дунёсига татбиқан қағалса, масала янада яққолроқ кўринади. Чиндан ҳам асотирий тэфаккур борликнинг моҳиятини хаёлот орқали жонлантиради, турли тимсолий киёфалар яратади. Уларнинг ўзаро муносабатини эса ердаги кундалик реал манзаралар қолипи орқали идрок этишга уринади. Шу каби ёндашув тамойили Авеста учун ҳам бегона эмас. Жумладан, Авестада космогоник тасаввурлар бир туркумни ташкил этади. Масалан, осмон «Аҳура Мазданинг устидаги либоснинг этаги»¹⁸, курраи заминнинг юмалоклиги, борликнинг «олд» ва «орқа» томони - жануб ва шимол тимсоллари. Бу тушунчаларнинг ахлокий-фалсафий асосда эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат тушунчаларига боғлиқлигининг кузда тутилиши – буларнинг барчаси диний тизим юзага келгунга қадар асотирий тафаккур меваси эканлиги муҳим ва зътиборга лойик ҳолатлардир. Авестани тушунища айни шу мифологик қатламнинг дин тизими доирасига олиб кирилиши муҳим тарихий счим бўлган дейиши мумкин.

¹⁸ Авеста. Яшт китоби // М.Искоков таржими. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 128.

Аввало Зардушт борлик дунёни ягона *Парвардигор* яратган деб уқтириди. «Гоҳ»ларда «...кўлим дуога чузиб сендан илтижо қиласман...» каби жумлалар худонинг онга жойлашган образига, унинг самодаги макопига мурожаатдек жаранглайди¹⁹. Бирок «Гоҳ»лардаги Гэши Урван «Буқа, ҳұқиз рухи» («жони»), унинг худога ноласи, «икки әгиз рух» ҳақидаги банд ва бошқалар асл ваҳдониятдан, эътиқоднинг бўлиниши туфайли чекинишга ухшаб туради. Шу маънода ўз даври учун муҳим маънавий ҳодиса рўй бергаётки, буни изоҳлаш жоиздир: Зардушт Аҳура Маздани якка-ёлгиз яратган зот дейиш билан баробар, Авестада қайд этилган илохиёт - маъбудлар тизимини ҳам яралмишлар қаторига кўяди. Яъни маъбудларниң барчасини Аҳура Мазда бандаларининг эътиқод амалларини осон килиш учун яратган, деб талкин қилинади.

Зардуштийликнинг Эронга тарқалишидан олдинги Ўрта Осиёда кечган илк босқичларида Аҳура Мазда ва унинг атро-фидаги пантеон (илохий сиймолар тизими) нурли, мавҳум сиймолар эди. Жумладан, Аҳура Мазданинг ўзи ва у яратган маъбудларнинг илк макони замон ичра Куёшнинг оргида жойлашган нурафшон Гранӯ Дмани («мақтөв, шон-шараф уйи») деб ҳисобланар эди. Зардуштнинг илк ваҳий олган ери Хоразм гупроғи экани ҳисобга олинса, зардуштийликнинг илк ватани Ўрта Осиё эканини баҳсдан холи дейишга асос бор. Бунинг яна исботи сифатида «Видевдот»даги мифологик «география» ҳам шундан далолатдир²⁰.

Авеста китобидаги мифологик лавҳаларда у ёки бу маъбуд ва маъбуданинг одамга киёс қилинган антропоморф тавсифлари кўп учрайди.

Масалан, *Ардви Сура Анаҳита* қадди-қомати келишган, бўйчан, кўкраклари бўлиқ навқирон кизга уҳшатилади²¹.

Авеста китоби мифологик қатламлари эзгулик ва ёвузлик кучлари ургасидаги қарама-каршиликнинг албатта эзгулик ғалабаси билан тугаши каби оптимистик рух билан сугорилган. Айни мана шу ҳол нафакат Зардуштийлик диний тизимини, балки мифологик қатламлар орқали рамзий умумлашмаларга айланган

¹⁹ Авеста. Гоҳлар. Ахунаванти Гоҳ (28-Ясна) // М.Исҳоковнинг лутған рухсатлари билан таржималари кўлжасидан фойдаланилди. - 19 б.

²⁰ Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: Изд. МГУ., 1948. – С. 352.

²¹ Махмудов Т. Авеста ҳқвиди. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 64.

ахлокий-фалсафий дунёни ҳам қарама-қарши кутбға, яъни яхшилик ва ёмонлик тимсолларига ажратган²².

Авеста мифологиясида космогоник борлық ҳақидағи тасаввурлар дунёси алоҳида диккатта сазовор²³. Авеста мифологияси қатламлари зардуштийлик илохиёт тизимининг Аҳуралар (шарафлашга лойик самовий-рухий зотлар) ва Язатлар (ибодат бағишлишга сазочор зотлар)дан иборат гурухларини қанлай талкин этиш ва дин амалиётида ҳамда ижтимоий-ахлокий муносабатлар доирасида уларнинг ўрни қандайлигини белгилаш билан боғлик²⁴.

Фравашилар ва Язатлардан юқорирок макомда ҳамиша барҳаёт муқаддас зотлар – амешаспенталар туради. Улар Аҳура Мазданинг юқорида айтилған хислатлари, яъни вазифадор эманациялари: *Воҳу Мана, Арта Ваҳшита, Спента Армаситий, Хшатра Варіа, Ҳаурватат, Амеретотлардан* иборат. Бу зотлар ҳар бири ўз соҳаси бўйича ҳомийдек тизим бўлиб, яхлит маънода Аҳура Мазданинг эзгу ўй, илохий тартиб, муносиб куч-кудрат, муқаддас итоат, танисоғлик, жисмонан ва руҳан ҳамиша барҳаётликий кафолатлашлек аник вазифаларга тақсимланганлар. Ушбу ёрдамчи эманацион зотларнинг киёфаси Авестада мавхум тимсоллар қаторини ташкил этса-да, уларнинг тарихий илдизларида табиат ва жамиятнинг айrim соҳаларига, ҳаётнинг реал жабҳаларига ҳомийлик белгилари сакланган.

Жумладан, зардуштийлар оловни эъзозлаганлар, лекин олов уларнинг сигиниш обьекти ҳисобланмаган. Олов зардуштийлар учун ибодатлари пайтида воситачи ролини ўтаган²⁵. Оловнинг осмонга интилган алангаси намознинг дуоларини худога етказди, леб ҳисобланган. Оловнинг энг олий кўрининши – оташдонда ёниб турган муқаддас оловдир. У зардуштийликда «брези саваҳ» леб аталади. Маъноси «энг фойдали олов». Бундай олов зардуштийларнинг ибодатхоналарида доимий ёниб турган. Табиат унсурларини илохийлаштириш, уларга образлар, тимсоллар бериш сув маъбудаси *Ардви* ҳамда *Анамнинат* маъбудлари мисолида ҳам яъқол кўринади.

Аҳура Мазда дини куринишида Аҳамонийлар сулоласи даврида Эронга зардуштийлик ёйилган пайтларда ҳамиша барҳаёт

²² Ўша асар.

²³ Стеблин - Каменский М.И. Миф. – М.:Наука, 1964. – С. 147.

²⁴ Жабборов И. Антик маданий ва маънавият хазиниси. – Т., 2000. – Б.8.

²⁵ Дорошенко Е.А. Зоровстрийцы в Иране. – М.: Наука, 1982. – С.52-84.

амешаспенталар, (муқаддас эманациялар)нинг ҳам одам шаклидаги тасвирлари пайдо бўлди. Бу эса қадимги Эрон салтанатида зардуштийлик яна бир бор дин пешволари томонидан киритилган гоялар таъсирига тушганини кўрсатади.

Язатлар (зардуштийликда мъбудлар) катори *Аҳура Мазда*-нинг яккалиги гоясини бузгандек кўринади. Чунки, Язатлар намоз бағишланиши лозим бўлган маъбудлардир. Улар *Атар*, *Митра* (Мехр), *Хвархпайати* (Хуршид), *Тиштрия* (*Tir*), *Вераттра-га* (*Вараҳран*), *Ардви Сура*, *Аши* ва бошқалар. Улар жамну (замон) – вакт ичра туғилаверади, пайдо бўлаверади. Бу жараён ҳозир ҳам тұхтамаган деб ҳисобланади.

Язатлар *Аҳура Мазда* олдида худолар эмас, балки унинг ўзи томонидан яратилган зотлардир. Улар *Аҳура Маздата* килинган эҳсонлар, ўқилган дуоларни етказиш воситалари булишган. Масалан, мъбула *Сраошага* ўлганларнинг руҳини суроқ қилиш вазифаси буюрилган. У савобни гуноҳдан ажратиб, ким лойик булса бешиштта (жаннатга), нолойик гуноҳкорларни эса дўзахга жўнаттган. Тарихчи Шахристонийга ишорат нақл қилишича, Мухаммаднинг (с.а.в) пайдо булиши «Зенд Авеста»да Зардушт томонидан башорат қилинган. Унга бу ҳақда фарипшта *Сраоша* хабар келтирган²⁶. Фикримизча, бу маълумот старли асосга эга эмас. Авестанинг умумий мазмунидаги бирор тарихий реалликка аник мос келипи хусусияти ҳам йўқ. Чунки, зардуштийлик умуман инсониятга қаратилган таълимот ҳисобланган. Шунинг учун бу ноёб манбанинг макони, хронологик чегараси, ҳатто *Аҳура Мазда* тўғрисидаги хабарни одамларга етказган Зардуштнинг яшаган даври, манзил-макони масалалари мавхум ва аник исботланган эмас.

Авеста илохиёті ва демонологияси диний тасаввурларнинг ибтидоий боскичлари билан боғлиқдир. Инсонга бўйсунмас табиат ҳодисалари аста-секин одамлар онгига маътум барқарор тимсолларга айланган. Мазкур жараён динишунослик ва маданият-шунослик нуктаи назаридан узок даврларни ўз ичига олган ва бир канча боскичларда, бир-бирини алмаштириб такомиллашиб борган. Бу масала динларни тасниф қилиш ёки системалаш маъносида куплаб олимлар фикрини ўзига қаратган. Жумладан, бир катор олимлар диний тасаввурлар ва тафаккур тараккиётига

²⁶ Раҳмонов А., Раҳмонов А. Ислом ҳуқуки. – Т.: ТДЮИ., 2007. – Б.53.

стадиал жараён сифатида карашган. Шу асосда XVIII аср Европа олими К.Вольней 13 хил ибтидоий ва такомил боскичларидағи динларни системалар сифатида баҳолаган. Гегель XIX аср бошларида мавжуд диний қарашларнинг ҳар биридан келиб чиқиб, назарий хулосалар чиқаришга ҳаракат қылған. Масалан, у ҳатто динларни турли ихтиёрий номлар билан атаган. Унинг изидан Г.Ван дер-Левуа динларни тарихий боскичларидағи хусусиятларга күра «узоклашув ва қочиш диши», «уруш ва жапг дини», «осойишталик, хотиржамлик дини», «интилиш, ғайрат, шижаоат ва қиёфа дини», «чек-у өчөрасизлик дини», «абадият дини», «узлат, таркидуңчелик дини» ва бошқалар каби атаган. Қуриниб турибиди, бу каби таснифда тарихий хусусиятлар тавсифлаш булиб, ушинг аниқ илмий ифодаси йўқ.

Бирок бу каби таснифни жиддий қабул қилиш қийин. Дарвоке, ушбу тасниф доирасида *зардуштийликни* «жанг, кураш дини» деб таърифлаб, оддий «маздеизм» деб аташ билан чекланилган²⁷.

Д.Лёббок, С.А.Токаревларнинг кўрсатишича, динларнинг стадиал (боскичли) тараққиёт йўлини етти стадияда - атеизм (хали худо тушунчаси йўқ боскич), фетишизм, тотемизм, шаманизм, бут ва санамларга сиғиниш, худочилик, яъни ғайритабиий илоҳий яратувчиликни тан олиш, эзгуликлар яратувчи худочилик боскичлари каби тақсимлаган. Бу боскичлар нуктаси пазаридан *зардуштийликнинг* ўрни яратувчи худога ишониш ва эзгу ишлар парвардилиги кабиларга мос келади²⁸. Динлар таснифи ва таърифи тарихшунослигига Л.Фрабениус яна тараққиёт динамикасини уч боскичли эканига қайтиб, анимализм (яъпи ҳайвонот культи), манизм (эркакликни бирламчи даражага олиб чиқиш), соляризм (куёш культи) кабиларни динларнинг асоси сифатида олга сурди²⁹. Бу қарашлар билан *Зардуштийликни* қиёс қилинса, унда ҳар уч боскич аломатларини (белгиларни) кўриш мумкин. Масалан, анимализмни олайлик. Авестада *Воҳу Мана* (*Баҳмон*) малак сиймо ҳўқиз тимсолида намоён, (Гевуш Урван-ҳўқизнинг руҳи) тимсоли; *Вараҳраннинг* намоён булиш шакллари, бириқабон, яна бири кўпш үркачли нор түя ва бошқалар; «Видевдот»

²⁷ Токарев С.А. Ранние формы религии. – М.: Наука, 1990. – С.14-15.

²⁸ Уша асар.

²⁹ Frobenius L. Das zeitalter des Sonnenadottes. – Berlin, 1904. – S.14. Қаран- Токарев С.А. Ранние формы религии. – М.:Наука, 1990. – С. 622.

наскида Зардушийликнинг итни мукаддаслаштирилига каратилган боблар мавжуд; *Тиштрия* (Сириус-Tur) юлдузи тимсолидаги мъбуданинг намоён бўлиш шакли-оқ от; Авестада Вароғи қуши, унинг пати улуғланади ва ҳоказо.

Иккинчи босқичдаги манизм унсурлари Авестада илк қаҳрамонлик ғояси орқали ифодаланган Гавамартан (Қаюмарс), Ҳаошянҳа (*Хушанг*), Кави Усан (Кайковус), Сийаваршан (Сиёвуш), Ҳаосрава (Хусрав), Тахмурас, *Фаридун* ва бошқалар.

Учинчи мукаддас объект соляризм бўлса, Авестада Қуёш культига катта ўрин берилган. *Митра Харатит* тоги чўккисига мукаддас Қуёшни тонг сахарда олиб чиқади. Авестада Қуёш шаънига шараф алкови стиб келган:

«Отлари учкур кимдир
Биз унга топинурмиз.
У ўлмас ёлкин
Биз унга топинурмиз..!»³⁰

Демак, бу хил тасниф доирасида ҳам зардушийлик ўзининг универсал ҳусусияти билан ажралиб туради.

Дин тарихини уч босқичга булиб килинган Т.Ахелис таснифига кўра «энг куйи босқич» динлар (фетишизм, шаманизм), иккинчиси «юқори босқич» динларига – кўпхудолик, табиат ҳодисаларига эътиқоданинг нисбатан ривожланган шакллари, ҳамда учинчиси – ахлок тарғибига каратилган динлар фарқланган. Бу таснифга зардушийлик киёс қилинса, унданги ибтидоий тасаввур унсурлари билан бирга, кўпхудолик, ахлокий таълимот ғоялари ҳар учала босқичга бирдек тўғри келишини кузатиш мумкин. Ҳусусан, Т.Ахелиснинг фикрича, диннинг олий даражадаги тақомили унинг муайян шахсга илохий ваҳий орқали хабар қилишгани билан белгиланади. Бу маънода Зардуштнинг «пайғамбарлик» миссияси ваҳий-илохий хушхабар орқали қўзага чикиши диккатга сазовордир³¹.

XIX асрда Авеста Фарб файласуфлари диккатини ўзига жалб этди. Г.Риттер ўзининг 12 томлик “Фалсафа тарихи” китобида, Гегель ўзининг қатор мақола ва нутқларида Авестадаги диний ва фалсафий ақидаларни кенг шархлаб, уларнинг мазмун, мунда-

³⁰ Авеста. Яшт китоби // М.Исҳоков таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.36.

³¹ Бойс М. Зороастрицы. Верования и обычай. – М.:Наука, 1988. – С.7.

рижа жиҳатдан қадимги юонон мифологиясидағи қараашлардан бирмунча бойлигини алоҳида таъкидлаган. «Бу, – лейди Гегель, – чинакам зиё ва яхшилик динидир. Унда зиё зулматта, яхшилик эса зулмга карши қўйилади». Гегель Зардуштни диннинг фаол яратувчиси, курашчан, элпи фаровон, юргни обод килувчи такводор эканлигини алоҳида уқтиради ва уни бу соҳада «ислоҳотчи» деб атайди³².

Авесташунослик тарихида француз тилшуниси А.Бюрнуфнинг «Яснага шарҳлар» китоби янги бир босқич булди. У А.Дюпэррон ишини давом эттириб, Авестанинг лексик ва грамматик хусусиятларини анча пухта ўрганали ва Бехистун ва Персепол коя битиклари тили билан ҳамда қадимги хинд Ведалари билап киёсий-типологик таҳлил этади. Натижада бу олим ёдгорлик қатламини аниқлапда янги бир босқични бошлаб беради. Виндиман ўзининг машхур «Зардуштийлик тажрибалири» номли тадқиқотида *Митра* ва *Анаҳита* ҳакида мифларни хинд эпоси билан солиштирас экан, Бюрнуфнинг киёсий – типологик усули нақадар илмий асосланганчигини яна бир бор таъкидлаган. Шундай килиб, Ғарбий Европа шарқшупослигига Авеста моҳияти хусусида икки йўналиш пайдо булади: айрим олимлар Авеста билан Ведаларнинг илдизи бир, улардаги мифларнинг ўхшашлиги шундай хулоса чиқарипга асос бўлди, дейишса, иккинчи гуруҳ олимлар бунга карши фикр билдириб, «ҳар икки ёдгорлик бўлак-бўлак заминда вужудга келган, уларни моҳиятида жилдий тафовутлар бор, шунинг учун Ведани ҳам Авестани ҳам ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ўрганиш ва баҳолаш лозим», – дейдилар³³. Авестанинг кейинги тўларок таржималари ва улар асосидаги тадқиқотлар иккинчи йўлалиш тарафдорлари фикрлари түғрилигини тасдиқлади. Бу тадқиқотларда бир томондан зардуштийлик динининг катта минтакани камраб олгани, ҳақиқатдан ҳам яккахудоликка асосланган эътиқод эканлиги кенг таҳлил этилса, иккинчи томондан ёдгорлик тилининг грамматик хусусиятлари илк бор илмий жиҳатдан анча пухта текнирилади.

³² Гегель. Сочинения. Т. II. – М.: Мысль, 1972. – С. 630.

³³ Исхаков М.М., Уразова Р.Т., Некоторые вопросы сравнительного анализа уровня мифологии и общественных отношений (на примере Ригведы и Авесты) «Авеста қадриятлари: замонавийлик, дин ва фалсафа». Халқаро илмий конференция. Тутплам. – Тошкент, 2013. – Б. 72-80.

Авестанинг диний-фалсафий дунёкараш тизими сифатидаги моҳиятини курсатишга қаратилган тадқикотлардан бири М.М.Исҳоқовнинг 2003 йилда чоп этилган мақоласидир³⁴. Бу мақола диний тафаккурнинг тарихий босқичлари, хусусан, зардўшийликнинг моҳияти, унинг исломдан аввалги маънавият оламида туттган ўрни ҳакида баҳс юритади. Шу билан биргә инсониятнинг диний тафаккури ҳакида жиддий муроҳазаларни ўргата кўйди. Динлар тараққистида хос ва умумий қонуниятларни очиб берди. Айниска, ислом дини амалиёти доирасида мужассам бўлган ритуалларнинг трансформациян талқинларини кўрсатишида ўзига хос қадам бўлди.

II

Маздаясна (авеста тилида «Маздага ибодат қилиш») зардушийлик динининг авеста тили (бу сўз ҳам шартли равиида қўлланилади. Сабаби, бизгача етиб келган Авеста китоби гатик, кенжা авеста, паҳлавий, гужарат ва форсий тилларида битилган матнлар йигиндисидир)даги номи. Авеста китоби, аникроғи, матнлар тўплами турли даврларда турли авлод вакиллари, хаттоки бир-бирига қарама-карши бўлган диний оким вакиллари томонидан яратилиган диний, фалсафий, тарихий, мифологик ва бошқа мазмундаги матнлар мажмуасининг кейинги даврларда илоҳийлантирилган кўринишидир. Зардушийлар Авеста матнларининг орасида *Заратуштра* таталари деб номлашган (Ясна китобининг 28-34, 43-51, 53-боблари) қисмнинг позил қилингандигига иттифок қиласидилар. Колган қисмларига эса шунчаки муқаддас матн деб қарайдилар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, орийлар эътиқодида илоҳий китоб тушунчasi иброҳимий динлардаги изоҳлардан бирмунча фарқ қиласи.

Зардушийлик динида илоҳий борлик(лар)ни ифодалайдиган бир катор терминлар мавжуд. Булар куйидагилар:

1) пайтейоннинг энг юқорисида *Ахура Мазда* (авестача «доно ҳоким») туради. У бутун борлик, ҳатто илоҳий борликларнинг ҳам яратувчиси³⁵. Кейинги дварда яратилиб, Авестанинг таркибига бирлаштирилган материаллар таникли авестолог У. Маландранинг таъбири билан айтганда, «*Заратуштра* ва

³⁴ Исҳоқов М. Зардуший машаккати ва ислом ҳакикати // Гудистон, 2003. – №1. – Б. 28.

³⁵ Buch M.A. Zoroastrian ethics. – Baroda: Mission press, 1919. – P. 179-180.

*Доронинг Аҳура Маздаси кичик авестада «Дою шлоҳ»нинг шунчаки соясига ийланаб қолди*³⁶. *Аҳура Мазданинг байзи тана аъзоларига қиёс килина бошланди*. Масалан, Қуёш унинг кўзларига³⁷, юлдузлар баданига³⁸ ухшатилди. Бу эса *Заратуштра* томонидан васф қилинган ва ўз навбатида фахмлаш қийин бўлган *Аҳура Мазда* тушунчасининг оддий ҳалқка англаш осон булиши учун ишлаб чиқилган антропоморф талкини эди. Айнан шу ўринда *Заратуштра* таълимоти ва мифологиядан олинган тушунчалар бир-бири билан қарама-карши ҳолатта келади. Яъни *Мазданинг* танаси юлдузлар бўлса (бу ўз навбатида мифология тақсид қилиб яратилган диний қиёс эди), *Тиштар* барча юлдузларнинг ҳокими³⁹ деб эътиқод қилинарди. Демак, *Тиштар* *Мазда* танасининг ҳокими, бошқача қилиб айтганда, унинг ўзининг ҳокими бўлиб чиқади. Бундай ҳолатдан чиқиши йўли сифати *Зардуштий* уламолари мифологиядан киритилиб, пантеонда юқори мавкега кўтариб кўйилган «худолар»ни *Аҳура Мазда*га фарзанд қилиб бердилар: Атар (олов ҳомийси) – ўғли⁴⁰, Ардви Сура – кизи⁴¹ ва бошқалар. Тұгри, *Заратуштра* гatalарида ҳам *Мазда Аҳура Воҳу Мана*, Ашанинг отаси⁴² деб ёзилган. Лекин бу матнларда қўлланилган «ота» (авестачада патар) сўзига унинг ўзагидан келиб чиқкан ҳолда «гарбиячи» деган маъно юклатилган;

2) *Аҳура Маздадан* кейинги погонада *Анеша Спенталар* (авестача «ҳамиша барҳаёт муқаддас ўлмас зотлар») туради. Улар Авестанинг энг қадимий ва мұътабар ҳисобланган қисми *Заратуштра* гatalарида ёк шакллантирилган эди. Улранинг сони олтига бўлиб, улар қўйидагилар: *Аша Ваҳиша* (авестача «энг яхши тартибот, адолат»), *Воҳу Мана* (авестача «эзгу номоддий борлик, тафаккур»), *Спента Армаси* (авестача «муқаддас садоқат»), *Хшатра Ваиря* (авестача «орзукиб кутилган ҳокимлик»), *Хаурватат* (авестача «комиллик») ва *Амеретат*

³⁶ Malandra W. An Introduction to Ancient Iranian Religion. – Minneapolis: The University of Minnesota Press, 1983. – P. 45.

³⁷ Y. 1:11

³⁸ Y. 36:6

³⁹ *Тиштар* Яшт, 44

⁴⁰ Sir. 1:7

⁴¹ Y. 63:3

⁴² Y. 45:4

⁴³ Y. 47:2

(авестача «ўлимсизлик»). Гаталарда Амеша Спенталарнинг сони қатъий килиб белгиланган эмас, бу нисбатан кейинги давр маҳсули. Кенжа авеста тилидаги Авеста матнларида бу Амеша Спенталардан кучлироқ бўлган ва бу таркибга киришга хакдоррок бўлган Язаталар, масалан, *Митра*, Веретрагналар зикр килинади. Шундай бўлса-да, Амеша Спенталарнинг сони қатъий килиб белгилаб кўйилганигидан улар бу доирага киритилмади. *Ахура Мазда* ва Амеша Спенталар зардушийлик муқаллас еттилигини тақкил қиласди ва «Ахура Мазда барча Амеша Спенталардан олийдир»⁴⁴. Аслида Амеша Спенталар *Ахура Мазданинг* эманацияларицир.

3) **Язаталар.** Язата сўзи авеста тилида «хурматга сазовор, таъзим килишга, юкунишга лойик зотлар» деган маънони англатади. Ясна, Яшт ва Язата сўзлари бир ўзакдан ясалган. Бироқ маъноларида турлича стилистик товланишлар бор. Ясна (санскритда яжней) «хайру эҳсон, марсим», Яшт «алқов, шарафлаш», Язата «таъзим қилувчи, юкунувчи». Авеста матнларида кўп учрайдиган язанаиде сўзини кўпгина таржимонлар «мен таъзим бажо киламан, эъзозлайман» деб таржима қилиш мумкин бўлгани ҳолда, «биз сигинармиз» деб ўтирадилар. Ва натижада *Маздаясна* таълимоти билан таржимоннинг субъектив ёндошувга асосланган таржимаси орқали танишаётган ўкувчи уни политеистик дин сифатида кабул қиласди. Бу эса асл моҳиятнинг йўқотилишидир. Баъзан эса *Ахура Мазданинг* ўзини буюк Язата деб кўрсатишлар⁴⁵, хаттохи Заратуштрани Язата деб аташлар ҳам учраб туради⁴⁶. Язаталарнинг сони минг⁴⁷, ўн мингларча⁴⁸ деб кўрсатилса-да, Авеста китобининг сакчаниб қолган қисмларида фақатгина 40 та Язатанини номи зикр этилади. Бизга номлари маълум Язаталарни турли меъёrlар бўйича турлича классификация қилиш мумкин:

— Жинсига кўра: бу борадаги классификация ҳам турлича булиши мумкин: грамматик хусусияти ёки бажарган вазифасига кўра. Грамматик жиҳатдан Даена, Ардови Сура Анаҳита, Зам

⁴⁴ «Биз у (Амеша Спента)лардан Сенн (эй, Мазда Ахура,) олий деб ўтикоғд киламиз». Тахмурас фрагменти, 30 (Zend-Avesta. Part I. The Vendidad. Translated by James Darmesteter. 2nd edition. – Oxford: The Clarendon press, 1895. – P. 283)

⁴⁵ Y. 16:1; Yt. 17:16

⁴⁶ Y. 3:21

⁴⁷ Yt. 6:1

⁴⁸ Vis. 8:1

кабиалар аёл жинсига мансуб булса; *Мантра Спента, Маонгъаҳ, Наирёсанеҳа* кабилар өркак жинсидаги Язаталар хисобланади;

— Келиб чиқишига кура: а) хинду-эроний: *Митра, Аиряман, Ҳаома, Ваю, Апам Напат* ва бошқалар; б) эроний: *Атар, Раину, Ардви Сура Анаҳита* ва бошқалар;

— Функциясига кура: а) сув билан боғлиқ: *Ардви Сура Анаҳита, Апам Напат, Аҳурани*; б) нур билан боғлиқ: *Хварехшаегіа, Маонгъаҳ, Раочаҳ, Асман, Ушаҳ, Тиштря, Ванант, Сативаеса, Ҳаптоириңгә*; в) илм ва калом билан боғлиқ: *Мантра Спента, Даена, Даҳма Африти, Чиста, Дамоиш Упамана, Сраоша* ва бошқалар.

— Худудий мансублигига кура: а) самовий: *Даена, Митра, Раман, Геуш Урван* ва бошқалар; б) заминий: *Зам, Ваю, Атар* ва бошқалар.

4) кейинги погонада *фраваши* (авестача «олдинга ҳаракат»)лар тураси. Эзгуликка хизмат қылувчи барча борликнинг иккинчи номоддий рухий мавжудлиги (инсониятнинг фравашиси улар лунёға келишларидан аввал яратылған⁴⁹). Лекин фравашийлар рух әмас. Бундай тұхтамға келишимизға күйидагилар асос булди:

1) рух сүзи учун алоҳида урван термини мавжуд. Урван пантеонда *фравашилардан* қүйида турувчи борлик эканлығы (айнан мана шу далил *фраваши* ва урваннинг синоними булиши әхтимолини йүккә чиқаради);

2) *урван-рух* инсоннинг иродың әркинилигининг ифодаси, яъни эзгулик ва ёвузылар орасидаги танлов айнан рұхға асосланиб амалға оширилади ва шунға муносиб ажр ёки жазо олади;

3) *фравашилар* факаттегина яхшилик объектлари ҳомийлик килиши;

4) бутун эзгу борликнинг, шу жумладан замин ва үндаги барча географик объектларнинг ҳам *фравашилари* борлигі.⁵⁰

Вазифалари ҳам турлича: ҳимоя (инсоният ва *Воуру Каша күлини*⁵¹, *Ҳаптоириңгә* юлдузларини⁵²), тұғри йүл күрсатувчи (инсонларға ва юлдузлар, ой, күсіп ва сұлғсиз нурларға⁵³), қишлоғынан даудардың қарашасынан сақтап беру (инсонияттың қарашасынан даудардың қарашасынан сақтап беру).

⁴⁹ Үл. 13:17

⁵⁰ Үл. 13:74, 86

⁵¹ Үл. 13:59

⁵² Үл. 13:60

⁵³ Үл. 13:57

faslidan сүнг сувларни куриб қолған ариқлардан кайта оқизиш⁵⁴, лекин *Ахура Мазда* (унинг фравашиси унинг ўзидир⁵⁵) ва бошқа Язаталарнинг фравашиси борлигини⁵⁶ ва уларнинг вазифаси Авеста китобида сакланиб қолмаганлигини инобатта олсак, буларнинг фраваши қандай вазифани бажаришлигини аниклаб бўлмайди. Илоҳий борлик ва инсонларнинг бу дунёда тутган ўринларига караб уларнинг фравашилари ҳам бирбирларидан аъло бўладилар. Масалан, энг қудратли фраваши *Ахура Мазданинг фравашиси*⁵⁷ ва одил инсоннинг фравашиси мингта девни ҳалок қилади⁵⁸, Амеша Спенталарнинг фравашийлари баланд бўйли, қудратли⁵⁹ каби Авестадаги матнлар шундай хулоса қилишга олиб келади.

Фравашилар икки рух: *Спента Майню* ва *Анgra Майню* яратгандарининг орасидаги энг фойдалиси⁶⁰, одил инсонларнинг фравашисини эъзозлаган одамга мамлакатнинг ҳукмронлиги ато этилади⁶¹, улар ҳамаспатмаеда кунлари инсонлар орасига қайтадилар⁶² маъносидаги Авеста матнлари фравашиларга бўлган Зардуштийларнинг имонини шакллантирувчи асосий гоявий таянч булиб хизмат килади.

5) пантеноннинг энг қуйида урван туради. Авестача маъноси рух бўлган бу сўз, барча инсонларда мавжуд бўлган номоддий борликдир. Инсон борлиги Авеста китобида жуда чукур ўрганилган. Унга кўра, инсон бир капча моддий ва номоддий борликстарнинг ўзаро бирлашмасидир. Тана (авестача *тану*) бу дунёда инсоннинг кўринган шакли. Инсоннинг номоддий борлиги қўйидагилардан ташкил топади:

- анху (рух);
- мананҳ (маънавият);
- майню (рухият);
- даена (виждон, баъзан дин);
- баода (акл ёки фаросат);

⁵⁴ Yt. 13:53

⁵⁵ Vd. 19:14

⁵⁶ Y. 23:2; Yt. 13:80, 82, 85

⁵⁷ Yt. 13:80

⁵⁸ Yt. 13:45

⁵⁹ Yt. 13:82

⁶⁰ Yt. 13:76

⁶¹ Yt. 13:18

⁶² Yt. 13:49

- урван (бу тушунча рухдан күра күпрок жонга тұғри келади);
- *фраваши* (инсон учун уни құрықловчи ва унга тұғри йул курсатувчи рухий ҳомий).

АҲУРА МАЗДА

(*ահուր մազդ*) *ահու* паҳ шакли *Օհրմազд*, *Խօրմուզд*, *Խօրմիզд*; форсийча шакли *Օրմազդ*) сүзи *Заратуштра* замонаси учун ҳам қадимиilikни, ҳам замонавийликни үзіда мужассамлаштирган тушунча сифатида майдонға чиқди. «Аҳура Мазда» сүзи икки қисмдан иборатдир. «Аҳура» (*ahura*) сүзининг ҳам этимологик жиҳатдан икки таркибий қисми мавжуд: «*ահս*» (*ahu*) аслида «*անհս*» (*anhu*) бўлиб, «дунё», «дунё халқлари», «рухият», «хўжайин», «жамоа», «охират кунининг хўжайини» каби маъноларни англатади. «*Ահս*» нинг үзаги «*ահ*» (*ah*) бўлиб, «бор бўлмок» маъносини билдиради. *Заратуштра* гаталарида «*ահ*» «*աս*» билан күп холларда ўрин алмашади. Қолаверса, Ригведадаги *Asura* (дев) гаталардаги *Aҳура* билан этимологик жиҳатдан бирдир. Вакт ўтиши билан *Asura* ёвузлик кучи сифатида тараккиёт боскичида «*c*» ҳарфи «*ҳ*» га айланы бошланган. *Заратуштра* эса айнан мана шу ўтиш даврида яшаган. Мери Бойснинг фикрича, *Аҳура* сүзи аввалига ҳинц-эроний пантсонда худоларнинг умумий номи сифатида қўлланилган, кейинчалик эса яккахудолик тушунчасига ўсиб чиқкан.

«*Ահս*» сүзининг үзи ҳам орий тилида «борлик», «дунё» каби маъноларни ифодалаган.

«-ра» суз ясовчи құшимча сифатида эътироф этилади.

Шуңдай килиб, «*Аҳура*»ни «подшоҳ», «бошлиқ», «худо» деб таржима қылса бўлади.

«*Мазда*» сүзи ҳам икки қисмнинг қўшилишидан ясалған: «*маз*» ва «*да*». «*Маз*» авеста тилида «буюк», «катта», «катта бўлмок», «хамду-санога сазовор бўлмок» маъноларини билдиради. «*Да*» мустакил суз бўлиб, куйидаги маъноларни қамраб олади: «бермок», «ато килмок», «яратмок», «бажармок», «бильмок», «тафаккур қылмок», «кесмок», «доно». *Мазда* сүзи Саргон-

нинг миҳхат ёзувлари икки маротаба мидиялик кишининг атоқлари сифатида кўлланилган.

Аҳамонийлар даврига келганды бу икки сўз бирга қўшиб ёзиладиган бўлди: *Āxūra Māzda* (АуроМазда). Нақши Рустамда Доро I нинг тилидан шундай ёзилган: «*A(x)urāMazda буюк шюҳдир*» (DNa 1:1 - қадимги форс тилидан гаржима бизники – Б.Ж.).

Баъзи авесташунослар *Aхура ва Мазда* тушунчаларини бирбиридан фарқлашга ҳаракат қилганлар. Масалан, Бомбай Зардуштийларининг бош рухонийси Дастур Жамаспжи Миночехержи Жамаспасана ўз тадқиқотлирининг бирида шундай ёзади: «*Aхура* тушунчаси борлиқни яратган Ҳудонинг номидир», «*аниқи*, *Мазда ёки Мазда* (Авеста матнларида сўз охиридаги упли ҳарфнинг одатдагидан кўра чўзиқрок талаффуз этилиши одатий ҳол саналади – Б.Ж.) «Яратган» ёки «борлиқнинг илоҳи» маъносини англатмайди, балки у Яратган томонидан ҳалқ қилинган биринчи руҳнинг сифатидирки, у руҳ барча борлиқ, руҳ ва фариштагарни бошқарib туради». Кўринадики, *Мазда* тушунчаси Ахуранинг сифати деб таърифланмоқда. Мери Бойс эса бунинг акси деб изоҳлайди. Лекин кўпгина олимлар бу икки тушунчаларни яхлит ҳолда олиб таҳлил қилганлар.

Юқоридагилардан шундай хулоса килиш мумкинки, *Aхура Маздага* барча нарсанинг яратувчиси сифатида эътиқод қилинган. Буни Заратуштра гатиларининг таҳлили ҳам кўрсатиб турибди: «... ёлғиз Сенгагина, қўлларимни юқорига кўтариб ҳамду-сано (айтиб) яқинлашаман, эй, *Мазда!*» (Y. 50:8).

Дарҳакикат, «Зардуштийликнинг марказида ҳудо ҳақидаги таълимот туради ва унга кўра, *Aхура Мазда* бутун борлиқдан құдратли бўлган зотдир».

Лекин кейинги даврларга келиб Заратуштра нинг монотеистик таълимоти нотуғри талкин қилинди. Натижада *Маздаясна* эътиқоди политсизм деб тушунилди. Аслида Заратуштра эроний пантеон худоларини маънавий тушунчалар сифатида ўз таълимотига олиб кирган эди. Заратуштра гатиларида қуйидагиларни ўқиймиз: *Охирги нуқта бўлган адолатни баён айла, эй, Мазда! Сен Воҳу Мана воситасида, айнан Сенинг Ўзинг бўлган Аша ҳақидаги илоҳий Каломни яратгансан. Амеретат ва құдратли Ҳаурватат драонасини* (бизларга) ато-

аїла (У. 33:8). Заратуштрадан кейинги даврларда Амеша Спенталар борасида жиңиң тортисувулар юзага келди: баъзилар уни Ахура Мазданинг сифатларидан деб билса, бошқалар эса алоҳида худолар деб эътиқод қиласидилар. Таникли инглиз авесташуноси, профессор Л.Х.Миллс бу борада хақли таъкидлаганидек, улар Ахура Мазданинг сифатлари эди. Узок вакт давом этган кураш натижасида иккинчи турухнинг кули юкори келиб, уз ақидаларини диний китобларга кирита бошладилар. Иш шу даражага етдики, ҳатто «Заратуштра ва Доронинг Ахура Маздаси кичик авестада «Доно илоҳ»нинг шунчаки соясига алганиб қолди». Аввалига ҳар хил табиат объектлари Ахура Мазданинг баъзи тана аъзоларига киёс килина бошланди. Масалан, Куёш унинг күзларига, юлдузлар баланига ухшатилди. Бу эса Заратуштра томонидан васф қилинган ва уз навбатида фахмлап қийин бўлган Ахура Мазда тушунчасининг оддий ҳалққа англаш осон бўлиши учун ишлаб чиқилган антропоформистик талқини эди. Айнан шу уринда Заратуштра таълимоти ва мифологиядан олинган тушунчалар бир-бири билан қарама-карши ҳолатта келади. Яъни Мазданинг танаси юлдузлар бўлса (бу уз навбатида мифология тақлид қилиб яратилган диний киёс эди), Тиштря барча юлдузларнинг ҳокими деб эътиқод килинарди (У. 7:44). Демак, Тиштря Мазда танасининг ҳокими, бопікача қилиб айтганда, унинг ўзининг ҳокими бўлиб чиқади. Бундай ҳолатдан чиқиш йўли сифати зардуштий уламолари мифологиядан киритилиб, пантсонда юкори мавқега кутариб кўйилган «худолар»ни Ахура Маздага фарзанд қилиб бердилар: *Атар* (олов ҳомийси) – ўғли, *Ардви Сура* – кизи ва бошқалар. Тўгри, Заратуштра гамаларида ҳам Мазда Ахура Воҳу Мана, Ашанинг отаси деб ёзилган. Лекин бу матнларда қўлланилган «ота» (ав. патар *rašap*) сўзига унинг ўзагидан келиб чиқкан ҳолда «тарбиячи» деган маънно юклатилган. Фикримизнинг исботи сифатида куйидаги строфени келтириш мумкин: *Дев ва ёмон ниятли кимсалар доно Саошянт (йўлини тутувчилар)дан ажратиб қоладилар. Мазда Ахура муқаддас динни олиб келувчининг дўсти ва отасидир.*

Афтидан, юқоридаги таърифланган чоралар ҳам кутилган натижани бермаган кўриниади. «Ахура Мазда барча Амеша Спенталардан олийдир», деган таълимог ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда, *Маздаясна таълимоти бўйича, Аҳура Мазда* бутун борликни яратган, *Воҳу Мана ва Ашанинг* отаси бўлган барча нарсани билувчи азалий ҳамла абадий худодир.

Аҳура Мазданинг 101 исм-сифатлари борлиги *Зардушийлик* ривоятларида зикр қилинади. Хўрд(а) Авеста китобида унинг 101 исм-сифатлари санаб ўтилади:

1. Язад (фор. шакли Изид; эъзозланувчи);
2. Ҳарвесп-гаван (фор. шакли Ҳаркисп-тавон; барча нарсага қодир);
3. Ҳарвесп-агах (фор. шакли Ҳаркисп-огох; барча нарсадан огох);
4. Ҳарвесп-худа (фор. шакли Ҳаркисп-худо; барча нарсанинг ҳукмдори);
5. Абадаҳ (фор. шакли Абадаҳ; ибтидосиз);
6. Аби-анжам (фор. шакли Аби-анжом; интихосиз);
7. Бунастих (фор. шакли Буништ; олам яратилишининг ӯзаги);
8. Фрахтантех (фор. шакли Фарохтанҳаҳ; барча нарсанинг якуни);
9. Жамаға (фор. шакли Жимағ; барча нарсанинг сабаби);
10. Паржатараҳ (фор. шакли Фаржатараҳ; олий);
11. Тум-афик (фор. шакли Том-афих; энг гуноҳсиз);
12. Абарвант (фор. шакли Абараҳванд; барчанинг ёнида ҳозир);
13. Парваңда (фор. шакли Парванд; барчанинг азизи);
14. Ан-аияфах (фор. шакли Ан-аёпа; стиб булинимас);
15. Ҳам-аияфах (фор. шакли Ҳам-аёпа; барча томонидан англаб етилувчи);
16. Аладо (фор. шакли Адар; энг адолатли);
17. Гира (фор. шакли Гиро; барчани тез тутувчи);
18. А-чем (фор. шакли Ачим; сабабсиз мавжуд бўлувчи);
19. Чамана (фор. шакли Чамно; сабабларнинг сабаби);
20. Сафана (фор. шакли Сапинто; юксалтирувчи);
21. Афаза (фор. шакли Афзо; юксалиш сабаби);
22. Наша (фор. шакли Ношо; адолатни таъминловчи);
23. Парвара (фор. шакли Парваро; ризк берувчи);
24. Иянаҳ (фор. шакли Понаҳ; оламнинг ҳимоятчиси);
25. Аин-аснаҳ (фор. шакли Аин-аинаҳ; турли сифатли эмас);

26. Ан-аинах (фор. шакли Ан-Аинах; шаклсиз);
27. Хрошидтум (фор. шакли Хрошидтум; энг мустаҳкам);
28. Минотум (фор. шакли Минутум; энг кўринмас);
29. Восна (фор. шакли Восно; барча ерда ҳозиру-нозир);
30. Ҳарвастум (фор. шакли Ҳарвисптум; барча нарсанинг ичидаги барча нарса);
31. Ҳу-сепас (фор. шакли Ҳус-пош; ҳамда лойик);
32. Ҳар-ҳамид (фор. шакли Ҳамид; барча эзгуликлар);
33. Ҳар-нек-фарех (фор. шакли Ҳар-нек-фараҳ; барча эзгулик ва баҳтиёрик);
34. Беш-тарана (фор. шакли Беш-тарно; азоблардан фориг килувчи);
35. Таро-ниш (фор. шакли Тару-биш; мутлак ғолиб);
36. Аи-аошак (фор. шакли Анушак; ўлимсиз, абадий);
37. Фарасак (фор. шакли Фарашак; муродларни ҳосил килувчи);
38. Пачоҳ-даҳал (фор. шакли Пажуҳадҳаҳ; эзгулик оламининг яратувчиси);
39. Ҳвафар (фор. шакли Ҳвопар; эзгуликлар холиқи);
40. Афахшиаә (фор. шакли Аваҳшаә; муҳаббат ато килувчи);
41. Абарза (фор. шакли Аварзо; барака ато килувчи);
42. А-сатоҳ (фор. шакли Аситу; якун тоимас, тутанмас);
43. Рахоҳ (фор. шакли Раху; хеч кимнинг (иродасига) қарам бўлмаган зот);
44. Варина (фор. шакли Варун; ёвузиликлардан химоя қилувчи);
45. А-фарсфах (фор. шакли Африфаҳ; алданилмас);
46. Бе-фарефах (фор. шакли Авифрип-та; алҷамас);
47. Абй (фор. шакли Адавой; ӯхшаши йўқ);
48. Каме-рад (фор. шакли Ком-рад; муродлар хокими);
49. Фарман-кам (фор. шакли Фармон-ком; барча тилаклар унинг фармони-иродасидир);
50. Аех-тан (фор. шакли Айихтан; танаси йўқ);
51. А-фаремош (фор. шакли Афармуш; унутмас);
52. Ҳамарана (фор. шакли Ҳаморио; ҳисоб-китоб килувчи);
53. Санаеа (фор. шакли Шиоё; танилган, барчага маълум);
54. А-тарс (фор. шакли Атарс; кўркувсиз);

55. А-биш (фор. шакли Абиш; азоб-укубат тортмас);
56. Афраздим (фор. шакли Афроздум; энг олий);
57. Ҳам-чун (фор. шакли Ҳам-чун; доимий);
58. Мано-стиҳ-гар (фор. шакли Минустигар; рухият оламини олддий оламда яратувчи);
59. А-мино-гар (фор. шакли Аминугар; күп рухият оламининг яратувчиси);
60. Мино-наҳаб (фор. шакли Минунахаб; рухият оламида кўздан гойиб бўлувчи);
61. Адар-бал-гар (фор. шакли Адарбодгар; оловнинг ҳавоси);
62. Адар-нам-гар (фор. шакли Адарнамгар; оловнинг суви);
63. Бад-адар-гар (фор. шакли Бодаларгар; ҳавони оловга айлантиргувчи);
64. Бад-нам-гар (фор. шакли Боднамгар; ҳавони сувга айлантиргувчи);
65. Бад-гер-гар (фор. шакли Бодгилгар; ҳавони тупроқка айлантирувчи);
66. Бад-герал-тум (фор. шакли Бодгартум; ҳаводан инсониятни яратувчи);
67. Адар-кибарит-тум (фор. шакли Адар-кибарит-тум; оловдан ҳазиналар яратувчи);
68. Бад-гар-жас (фор. шакли Бодгаржой; барча маконларда ҳозир бўлувчи);
69. Аб-тум (фор. шакли Аб-тум; күп сувларнинг яратувчиси);
70. Гер-адар-гар (фор. шакли Гил-адар-гар; тупроқдан оловни яратувчи);
71. Гер-вад-гар (фор. шакли Гил-вад-гар; тупроқдан ҳавони яратувчи);
72. Гер-нам-гар (фор. шакли Гил-намгар; тупроқдан сувни яратувчи);
73. Гар-гар (фор. шакли Гар-гар; кулоллар кулоли);
74. Гар-о-гар гар (фор. шакли Гар-у-гар; кулоллар кулоли);
75. Гар-а-гар гар (фор. шакли Гар-а-гар; кулоллар кулоли);
76. Гар-а-гар-гар гар (фор. шакли Гар-а-гар-гар; кулоллар кулоли);
77. А-гар-а-гар гар (фор. шакли А-гар-а-гар гар; кулоллар кулоли);

78. А-гар-а-гар-гар (фор. шакли А-гар-а-гар-гар; кулоллар кулюли);
79. А-гуман (фор. шакли Агумон; (мавжудлиги) шубҳасиз);
80. А-заман (фор. шакли Азамон; вактсиз);
81. А-хуан (фор. шакли Ахвон; хеч качон ухламайдиган);
82. А-маст (фор. шакли Амшт хүшёр; доно);
83. Фашутана (фор. шакли Пишутано; абадий химоячи);
84. Падмани (фор. шакли Падамоний; Падман, яъни олтин сохиби);
85. Фирозгар (фор. шакли Фирузгар; галаба ато қилувчи);
86. Худаванд (фор. шакли Худованд; парвардигор);
87. Ахур-мазд (фор. шакли Аврмазд; барча маконда бор бүлган холик);
88. Абарин-кохун-таван (фор. шакли Абарин-кухин-тавон; борликлаги энг қудратли зот);
89. Абарин-но-таван (фор. шакли Абарин-ну-тавон; дунё қайта яратилганда ҳам энг қудратли зот);
90. Васпан (фор. шакли Васпон; барча мавжудотларга етиб борувчи);
91. Васпар (фор. шакли Васпор; барча мавжудотларни олиб келувчи ва олиб кетувчи);
92. Хаяр (фор. шакли Хвовар; раҳмдил);
93. Аху (фор. шакли Аху; оламнинг ҳокими);
94. Аваҳшидар (фор. шакли Аваҳшидор; гаффор, гуноҳларни авф қилувчи);
95. Дадар (фор. шакли Додор; холик);
96. Раёманд (фор. шакли Роюманд; оламларнинг нури);
97. Хореманд (фор. шакли Хариҳманд; Хварно – шоҳлик билан тўлиб гошган);
98. Давар (фор. шакли Довар; фармонбарлор);
99. Керфегар (фор. шакли Кирфаҳ-гир; барча эзгуликлар раҳнамоси);
100. Бохтар (фор. шакли Бухтор; халоскор);
101. Фрашо-гар (фор. шакли Фаршугор; рух орқали оламни қайта тикловчи).

ЯШТЛАР

(Хурмузд яшт – Ахура Маздага алқов)

Кувонсин *Ахура Мазда*, «энг лойиқ» Ҳак таолонинг иродаси рүёбга чикиб, Анхра Майнийү (Ахриман) даф булсин.

Эзгу ўй, эзгу сүз ва савоб ишлар билан эзгу ўй, эзгу сүз ва савоб ишни алқайман. Үзимни бори эзгу уйларга, эзгу сүзлар (айтиш)га, яхшилик ишлар амалига баҳшида қиламан, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз үтираман.

Топинчим ва мактovларим – эзгу фикрим ва сўзим, (савобли) ишларим «станамдаги жоним» билан бирга Сизларга бўлсин, ӯлим билмас Валилар.

Ҳакиқатни шарафлайман: «Ҳакиқат – олий исъмат. Бу пеъматдан шул (киши) баҳрамацдким, савоб унга бўлгайким, ул Ҳак (йулида) энг эзгу, савоб ишдан колмаса»⁶³.

Маздага сигинаман, *Зардушт* ёвлари бўлган девларга ёвман, (*Ахура*) *Мазда* сўзига даъват этаман, деб имон келтираман. Ҳакиқат қўрикчиси тақводор Ҳавонига топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар (бўлсин). Ҳакиқат қўрикчиси тақводор Саванха ва Висйага топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар (бўлсин).

Ҳакиқат қўрикчиси тақводор Рапитвинага топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар бўлсин. Ҳакиқат қурикчиси Фрадат – фшавага ва Зантумага топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар (бўлсин).

Ҳакиқат қўрикчиси тақводор Узайеринага топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар (бўлсин). Ҳакиқат қўрикчиси Фрадат – вирага ва Даҳйумага топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар (бўлсин).

Порлок ва фаровои *Ахура Мазданинг* севинчига топинчу ҳамдлар, суюнчу олқишилар бўлсин.

«Эзгулиқда беназир Эгам сингари», — дея менга оят бошлаб берар Заотар. «Ҳакни билишда энг эзгу бошчи каби» деб айтсии (бу дуони) билгувчи (ҳар бир) тақводор⁶⁴.

⁶³ Бу дуо сўз уч кайта ўқилади, яъни Австстанинг асл матзигида уч марта тақрорлаб ёзилган.

⁶⁴ *Мазда* Яшти ояллари асосида ўқиладиган ви намоз олдидан келадиган бу кириш дуолари ислом динимиздаги салот олдидан айтиладиган тақбир ва ният жумлаларини ёзилатади. Жумладап, бу дуонинг Ҳанси кисми тонгти намоз олдидақ уқисса, Рапитвинага багишлов кисми пешин намози олдидан ўқилган. Чунки Рапитвина куннинг ярмiga хоми ёзик юлувич мъбуд хисобланган. Узайерина намозтар пайгининг хомийси. Шунинг учун унга багишланган дуо куня ботарға яқинлашгаизда ўқиладиган намоз олдидан айтилган. Шулардан кейинги «Порлок ва фаровои *Ахура Мазда* нийз севинчига...» жумласи билан бошлиланувчи дуо Ормиздян (Хурмуздяшт) оялларига маҳсус багишлов бўлиб, бошқа яшларда бу дуо уша яшт мазмунига мувоффик дуо билан алмаптирилди. Масалан, Хуршед яштда Кубинга багишланган дуо келди ва хоказо.

Спитама Заратуштра
Ахура Маздадан сүрок сүрди:
«Борлик хаётнинг халлоқи,
Эй Рухи Муқаддас,
Айттил-чи менга
(Сен буюрган) эзгу аро
Кай бири энг қудратли,
Энг ғолиби қай бири
Ҳам савобноки қайси,
Охират кун кераги?»
2. Не сүз элттар ютуқка,
Недур ул лариларга эм,
Не сүз ажиналарнинг⁶⁵
Ёвлигин барбод этар?
Фоний дунёда не сүз
Эзгуликка йўгрилган,
Не сүз ўткинч дунёда
Дамингдан покланиб,
Булган озода?»
3. *Ахура Мазда* сүз қотди:
«Менинг номим зрур бу,
О, Спитама, О Зардушт,
Ҳар нарсадан қодиррок
Ҳар нарсадан голиброк,
Ҳар нарсадан савобнок
Охиратда эзгу сүз
(Поклагувчи гуноҳдан).»
4. Бул сүз ўта музaffer,
Бул сүз ўта ҳозикдир,
Ул одамлар ва девлар

⁶⁵ Жинлар кабоҳат ва разинтикларнинг холиши, ёвуз рух Ахриман томонидан яратилган бўлиб, *Ахура Мазда* яратсан эзгулик дунёсигинт ёвлари хисобланган.

⁶⁶ Мазда (*Ахура Мазда*) дини юзага келмасдан олдин аждодларимиз деяларни ҳам турли ҳаёттй холатларда химояни кучлар, леб тушунган. Эргаклардаги «ижобий» девлар шу карашларнинг колдигидир. Ёлгит *Ахура Мазда*га ўтиқод тарғиб килинган пайтда девлар кора кучлар сифатида лъяннатланган.

Ёвлигин барбод этар,
Бу борлик ичра шу сүз
Эзгуликка йўгрилган
Фоний ичра бу сўздир
Дамимдан покланиб
Яралган ул рух».

5. Ва сўнгра сўзлади *Заратуштра*:

«Айттил менга бу номни,
О, Муқаддас *Ахура Мазд*.
Ул улуғ номни айттил,
Гузал эзгу номни айт,
Ва энг ғолиб (номни айт),
Ва энг ҳозик (номни айт),
Одамлар ва девларнинг
Ёвлигин тугатгувчи,
Маҳшар куни покловчи
(Ўшал номни айт менга).»

6. Шунда мен қақшатарман Одам ва дев ёвлигин,

Шунда мен қақшатарман
Жодугарларнинг барин⁶⁷.

Мени маҳв этолмас
На дев ва на одамзод,
На афсунгар ва на жин»

7. Шунда *Хурмуз*⁶⁸ сүз очди:

Девларга ижобий муносабат, аждодларимиз билан қадимиий илдизлари боғлик бўлгая хинада халкила дозиргача сакстаниган. Дев, Дева – узагидан тутилган исмлар шундан алалотлайдир. Демак, хинада халки ва бизнинг аждодларимиз уртасида тарихий бўлниш *Ахура Мазда* дини шаклланишидан аввал руй берган. Шу сабабли хинада халқида «Ригведа» каби, нисбатли чустакишилик тилич юзага келган бир пайтда бигза Авеста шаклланган. Ҳар икки қадимиий чуқадлас китобнинг тил жиҳатдан ўзаро яқинлиги хам шу билан изоҳланади.

⁶⁷ Зардуштийлик бу уринида узидан аввалиги примитив диний урф-одаглар, сеҳр-жодуларга ишонишни кораламоқда ва *Ахура Мазда*га ўтиқоди шакллантиримокда.

«Менинг номим –
 Раҳштия, менинг номим
 О Содик, Заратуштра,
 Бир унвоним – Подабон,
 Яна бир номим Кудрат,
 Яна бири Ҳакиқат,
 Бешинчиси – Эзгулик,
 Бу чин номим Мазданан,
 Олтинчи номим Хирад,
 Еттинчиси – Хирадманд,
 Номим Билик – бу саккиз,
 Түккизинчи – Билимдон.
 8. Үнинчи ном – Валилик,
 Үн биринчим – Авлис,
 Үн иккинчим – Ахура,
 Үн учинчи – Энг кучли,
 Үн тұрттынчи – Беғазаб,
 Үн бешинчи – Жұмардлик,
 Үн олттынчи – Ҳисобдор,
 Үн еттитчи – Қарагу,
 Үн саккиз – Табиб Ҳозик,
 Үн түккиз – Ҳолиқ номим,
 Иигирманчи – мен Мазда.
 9. Менга сиғин О Зардушт,
 Тун сиғин, кундуз сиғин,
 Хайру әхсонлар қылғин,
 Сидку қурбонлар қылғин,
 Қылғин неки муносиб,
 Шунда мен ҳозир булиб
 Ердамга ошиқарман,

Шунда сенға мададға
 Шошар эзгу Сраоша⁶⁹.
 Мададкор булар сенға
 Сувлар ҳамда наботот
 Ба художүй фравашилар.
 10. Қачонки, аё Зардушт,
 Одамлар ва девлар ичра
 Ёвликка кирон солмоқ,
 Деву афсунгарларни,
 Кави⁷⁰ мустабидлару
 Машъум Карапанларни
 Иккі оёқ аблахлар,
 Сохтагар даҳоларни,
 Тұртоек қашкирлэрни.
 11. Қонли ва кенг яловин
 номим,
 Баланд кутарған
 Кенг ясокли қүшинни
 Қирғын күлмокчи булсанг,
 Номларим икөр айла.
 Такрор айла уларни,
 Туну кун такрор айла.
 12. Мен – ҳолиқ, мен – ҳомий,
 Мен – нозир ва мен айлам
 Номдир менга эзгулик, рухи
 олий

⁶⁹ Сраоша – нағоз ва әзтиқол ишлары нозири хисоблануучи маъбуд. Уннинг әрдамыда одамлар нағоз адю этиб худога мурижадағышадилар на қабоғат күчләри билән курашадилар.

⁷⁰ Қавилар – Зардуштың көлар кохин-шохлар. Улар Зардушт таълимотига көрши бүлиштеган. Шунинг учун Авестада қавилар мустабидлар, деб коралелтан, Қайдонийлар сүзология шохлары кохин-шох функцияларини үтида гүттән Кай Кубод, Кайковус на х.к. зардушттың кабул күлгән Ништаспа номига ҳам «Кай» унвони күшилған. Лекин имонта келиб, зардушт динини кабул күлгән шохлар Авестада ижобий бағышынади.

⁶⁸ Таржимада Яштларнини ас! авестача матния улчовларини сөзләшігә қарқат қындық. Шу түфайли бир катор исмілар, атамаларнин түрді тарихий даврларға хос шакталарини бүтін улчов тәлабыта қаралған ишлатдик. Натижада Заратуштра – Зардушт, Вераграғна – Варахран-Бахрон, Бахран, Баҳром, Ахура Мазда – Ахурмазд – Ҳұрмұзд, Ардми Сура – Ардесесур каби вариантыарни құллаптага түгри келти (Таржымен).

Шарафлиидир, ҳозик номим жам
Табибларнинг табибиман мен,
Номдир менга беминнат
Дастер,
Энг муқаддас ҳожатбарор,
Менга бир ён номдир *Аҳура*,
Бир томондан номимдир
Мазда.
Номдир менга Тавводор яна,
Тавводорлик барчадан аъло,
Номдир месига
Фароғатбахшилк,
Энг Фароғатбахші ҳам ўзим.
Барчани кўргувчи яна бир номим,
Ўта кўргувчидир ўзим ва кузим,
Жуда хушёр эрур бир номим.
Ўта хушёр эрур такрор бу номим.
13. Менга номдир Нозири олий,
Тагин бир номимдир Изкувар,
билгил,
Мухимлир барчадан – мен Парварлигор,
Мен борликнинг Кўрикчи-симан,
Номдир менга тагин Ҳимоят,
Яна бир ном Билгувчиликдир,
Вокифликдир яна бир тарзим,
Чўпондир номим менинг,
Чорвадорнинг «муқаддас сўзи»,
Ҳокимият ошиғи, ҳокими мутлақ,
Эзгуликка йўгирилган Ҳоким.

14. Менинг номим Ҳакғуйлик,
Менинг номим Алдовсиз
Менинг номим Асрарув,
Менинг номим Қакшаткич,
Остин-устин килгувчи ҳам мен
Вайроналар эттувчи ҳам мен Яратиб бор эттувчи ҳам мен,
Бир ном менга Эзгу фароғат,
Пурфарогат аталсан ҳам, рост,
Менга номдир Роҳат бахшида.
15. Ишлари фойдали – бу мен, бовар қил,
Чиндан ҳам фойданок эрур, у деб бил,
Номимдир Фавойид такрор кил,
Зоваркиндир яна бир номим.
Қудратлидир яна бошқаси,
Ҳакконият яна бир исимим,
Бўйи баланд – яна бошқаси,
Менинг номим Ҳукми каттиқдир
Энг ҳукмрон, ўта ҳукмрон.
Ва яна номим Оқил,
Энг аксли номи деб билгил.
Номим Узокни кўргич –
Мана шулар менинг номимдир.
16. Фано ичра кимки,
О Зардушт,
Такрорлар барча номим,
Такрорлар кеча-купдуз,
17. Тура айтар уларни,
Ёта айтар уларни,
Белбогин боғлай айтар,

Белбогин еча айттар,
Үйидан чиқа айттар,
Сафар олдидаң айттар,
Юргидан кета айттар
Юртига қайта айттар.

18. Унга кор этмас асло
На шу күп ва па шу тун
Ғазабнок бұлиб келган.
Ғазаб кучи-ла елған
На болға ва на найза,
На пичоқ ва на санчкі,
На тош уни йиколмас.

19. Бу номлар йигирмадир⁷¹ –
Химоят ва Қарок
Душманлар алдовидаң,
Гүлохда ҳалокатдан.
Күфр таҳұникасидаң,
Улим чорлар ёлғондан,
Ахриманздалардан
Бу номлар Химоятдир,
Минг пахлавондан аъло».

20. «Бизга ким ҳомий, Мазда,
Сүзларингга мувофик?
Менга ўргат, мен билай.
Бу дүненинг етови, масиҳи
табибини

Эзгу ниятла *Сраоша*,
Ваҳий әлтсін ул зотта,
У бұлса Сенға ҳабиб».

21. «Хварно шарафлансин,
У кучли, Кавийвордир.
Шарафлар Эронвежга,
Мазда берған неъматта!
Дайти сувига шараф

⁷¹ Авеста йигирма сифат орқали ифодаланған бу номлар *Ахура Мазда* нынг сифатлары, гузал исмлари бұлиб, исломдагы “Ал-астма-ал ҳусна” – Аллохнинг гузал исмлары атъянасига ухшап қолдир.

Ардовининг пок сувига!
Бу ғашимат дунёға
Бұлсın туганмас шараф!
«Энг эзгу Тангри мисол...»
(Үн кур)
«Ҳақикат – энг эзгу неъмат...»
(Үн кур)

22. Қодир «Ахуна – Варъя»

Оятин тақрорлаймиз,

Азиз «Аша Ваҳишта»

(Дуосини ёдлаймиз),

Боқий валилік ҳақи

Кудратга сиғинамиз,

Қанотта ва Кучга,

Ғалаба, Ҳоқимиятга

Хварнога топинамиз.

Нурағышон *Ахурмаздага* –

Муқаддасга топинамиз.

«Намозимиз йуллаймиз

Ахура Мазда савоб

Деб тан олган ул зотта».

23. «Энг эзгу Тангри мисол...»

(Икки кур)

Шарафни шарафлайман,

Шарафлайман дуосин,

Кудратин шарафлайман,

Карамин шарафлайман

Порлок *Ахура Мазданинг*:

Тенгсиз Парвардигорнинг

«Ҳақикат энг эзгу неъмат...»

24. «Үзинг аспа Заратуштра-ни,

Тоабад бу содиқ қулингни

Муноғиқ душманлардан.

Унга ҳеч ким зарб бермасин,

Мулкин торож этмасин,

Ҳақни билған бандангнинг

Заррадаң әхсониши

Боқий валилар (эҳсонидек),
Буюк курбонликдек
(Даргохингда қабул эт)».

25. Эзгу ният – мен
яраттаним,
О Заратуштра,
Ҳакиқат ҳам бунёд этдим
Мен.
Ҳокимият – барчага мақбул,
Менинг ҳуқумим ила
пайдодир.

Муқаллас тақводорлик –
Менинг иродам.
Багри бутунлиқ ва Абадият
Тақводорлар мукофотидир,
У дунёсин обод айлагай, –
Бу ҳам менинг хилқатим.

26. О Спитама Зардушт,
Билиб олгин ва идрок эттин,
Садоқатли Заратуштра,
Менинг аклу билигим бирла
«Энг эзгу дунё қандай
пайдодир»,
«Охирати унинг не булур?»
27. «Минглаб чора, минг
туман тадбир». (Уч кур)
(Бор) Муқаллас тақво учун
Муқаддас имон кучи-ла
бузинг
Күнгилларда кину ғаразни.
Кулокларин беркитинг унинг,
Панжасидан тутиңг беомон,
Оёкларин мажақлаб ташланг

Адоватни боғланг (берманг
унга ён)⁷².

⁷² Заратуштрага Ахура Мазда айттапти:
«Сен билиб идрок этишинг менинг сенга

28. Тақводор зот, о Мазда,
Ёлғончини⁷³ енгарми?
Ёлғончини сиғиб Тақводор?
Ёлғонни ҳам енгарми охир?
Худо сүзин эшигтан чоғда
Ахура Мазданинг қулоклариға
Таъзим ила намоз элтармиз,
Худо сүзин хотирда тутган
Ахура Мазданинг оқиллігига
Таъзим ила намоз элтармиз,
Худо сүзин айтиб тургувчи
Ахура Мазданинг тилига
(чексиз)
Таъзим ила намоз элтармиз.
Ушида ва Ушидарна
Тоғларига таъзим этармиз.
Хайру эхсон бағишлиб тун
кун
(Намозимиз бари ул учун)⁷⁴.
29. Суз бошла Заратуштра:
«.....⁷⁵

Муқаддас тақвонинг
Икки күзидан
Кунпаяқун бўлсии
қабиҳ(лар)».
30. «Минглаб чора, минг
туман тадбир».
Имонли одамнинг шаънига
Сажда киламиз, фраваши,
Номи – Асмо Хванҳо (ҳаки),
Тақводор фравашилар (ҳаки)
Мен сидқ ила намоз ўқирман.

ато эттан ишл ва идроким туфайлилар». Де-
мак, «менинг акл-идроям, билимларим ви-
ситасида сен билиб идрок эт».

⁷³ Ёлғончи – зардуштыйликда ҳакиқат, ҳак
ве худони тан олмайдиган коғир эттадир.

⁷⁴ Бу парчаки намоз маросим иштироқчила-
ри жур овозда биргаликда низро этиштап.

⁷⁵ Жумланинг бошланиси тушунварсан.

Гаокерна дарахти ҳәқи
Сидкилдан намоз ўкийлик,
Ул курдатли ва кучли
Гаокерна дарахтини намоз
ичра алқайлик⁷⁶

31. *Ахурмаздининг қулоғи*
(ҳәқи)

Худо сүзин тинглаган үшал
Таъзим ила намоз элтайлик,
Худо сүзин хотирда гуттан
Ахурмаздининг доно ақлига.
Худо сүзин айтиб тургувчи
Ахурмаздининг тилига
(чексиз)

Таъзим ила намоз элтармиз,
Ушида ва Ушидарна
Тоғларига таъзим этармиз,
Багишлайлик тун-кун сидк
ила
Хайру-эхсон (улар ҳакига)
«Ҳакикат – энг аъло
неъмат...»⁷⁷

32. Муқаддас Покликнинг
Яратган хилқатин эъзоз
этайлик.

Бу хилқат аро аввалан,
Ҳакдан ато бўлган у ўзи,
У ўзидир буюклар буюклиги,
(Қодир) эга ва сардор
У – *Ахуре Маздадир*.
Ахриман қатли учун,

⁷⁶ «Гаокерна дарахти» кандайдир асостирий унтутилан тушунча бўлса керак. Уни муқаддас усимлик хаоманинг тури деб ҳисобланган. Танасидан сутсимон доривор модда ахратиб олинган.

⁷⁷ 30-31-бан/шар матнни имонли одамнинг (шашнита) «намоз дуо йуллайлик» кабилияти жумлайдан бошлаб «Лаш Ваднитса» лусигача уч марта тақрор келади.

Қоили ғазаб⁷⁸ маҳви учун,
Мозан девлар қагтоли учун.
Барча девлар чун киргин,
Осий ёлғончиларга ўлим
(*Ахуре Мазда* эрур).
Хилқатни шарафлайлик –
Ғолиблик барори чун
Порлюқ *Ахуре Маздага*,
Авлиё обидларга,
Яркироқ ва баҳтиёр
Зуҳал юлдузга сажда.
Ул имондир шаънига,
Муқаддас рух яратган
Барча хилқат шаънига
(Таъзим адо этайлик).

33. «Ҳакикат – энг олий
неъмат...»

Ато эт баҳту иқбол
Тансиҳатлик бер унга,
Бер унга чидам бардош
Зафарбардор куч бергил,
Эзгулик бер мўлу кўл,
Авлод бер омадбарор,
Умрузоқ қил баркарор,
Бер унга порлок имон,
Яхши кут бер, нур – савоб.
«Ҳакикат – энг олий
неъмат...»

Минг чора, минг туман
тадбир. (Уч кур)
«Ҳакикат – энг олий
неъмат...»

Кел, эй *Мазда*, кўмак
бер. (Уч кур)
Худо ато, олижаноб

⁷⁸ Йизаб Австрия мавзум образиди. У инсон қалбида бузуунилик түгдиради. Мўминларни ҳак йўлдан отдиради. Уни ёвуз деб Азшмага кисбат берилади.

*Варахран зафарбарлор
Кучлари (ёрдамга кел).
Хуш яйловдор Романинг
Кудратбардор Вайунинг
Хилқатлар ичра аъло,
Муқаллас Руҳдан пайдо
Танин ўшал кисмига
Зрувана мутлақлигин,
Чексизлигин тасдик кил,*

Бил анинг абаллигин,
(Тасдик кил, кўмакка кел).
«Ҳақиқат – энг олий неъмат...
Савобга дохиљдир, савоб унга
ёр,
Ажр топгай савоб ҳам унга
Кимнинг кори Ҳаққа
хизматдир».

ЗАРДУШТИЙЛИК МАНБАЛАРИДАН ТАРЖИМАЛАР

... Ахя яса (Заратуштра гаталаридаги биринчи сүз – Б.Ж.) Аұхарманни ифодалаб, у адолатли инсоннинг ҳомийсидир... (Bd. 13:14)

Мутлак меники бўлган бу ёруғ дунёда менки, *Аҳурамазд*, олил инсоннинг, *Воҳуман* чорванинг, *Ардаваҳишт* оловнинг, *Шатваиро* темирнинг, *Спендармад* замин ва оқила аёлнинг, *Ҳорвадаҳ* сувнинг, *Амеродад* ўсимликларнинг (ҳомийсидир) (*Shnsh.* 15:5).

АМЕША СПЕНТА

(መሬም መኋና ፈይሁድ አውሃ «ӯлимсиз муқаддаслик, абадий барҳастлик»; пах. шакли *Амешаспанд*, (*A*)*маҳраспанд*) – олти буюк фаришта: *Воҳу Мана*, *Аша Ваҳишта*, *Спента Армати*, *Хшатра Ваиря*, *Ҳаурватат* ва *Амеретатларнинг* умумий номи. Баъзан *Аҳура Мазда* ҳам *Амеша Спента*. деб эътироф қилинади. Олти буюк илоҳий борлик ва *Аҳура Мазда* муқаддас еттилик – *Ҳаптани* ташкил қилади. *Зардушийлик* диний таълимотига кўра, А.С.*Аҳура Маздадан* кейинги ўринда турувчи илоҳий борликдир. Улар етти икlimни қароргоҳ қилидилар (*Y. 57:23; Ut. 11:14; Vd. 19:13*). Пазанд тилида ёзилган «Шикастай шантан» китобида А.С. сони 33 тага етказилади.

Амеша Спента Аҳура Мазда яратган олти муқаддас борликдир ва унинг ўзи билан муқаддас еттиликни ташкил этади⁷⁹. *Зардушийлик*даги илоҳий борликларни

- 1) *Амеша Спента*;
- 2) *Язата* (*Амеша Спенталарнинг* ҳамкори, ёрдамчилари, баъзан буларни фаришта деб ҳам тушунилади);
- 3) *фраваши* (тушуниш ва тушунтиришга кийин тушунча. Сабаби баъзан кўрикчи борлик дейилса, кўрикланишга эҳтиёжи бўлмаган *Аҳура Мазданинг* ҳам *фравашиси* хақида гап боради. Шунинг учун *фравашиларни* *Амеша Спента* ва *Язаталарнинг* руҳий оламдаги шакли деб, кези келганда оддий инсонларни химоя қилувчи борлик деб тушуниш мумкин. Унда ашаван-

⁷⁹ Dhalla M.N. Zoroastrian theology: from the Earliest Times to the Present Day. – New York, 1914. – P. 26.

ларнинг фраваши деган тушунчага қандай қарашиб керак? «Бизнингча, имонли инсонки бор, ҳар бири фраваши химоятига дохил, демакдир. Чунки Ашавон, бу АРТАБОН, яъни Ҳакпарат инсон демакдир. Зоро, АРТА «илоҳий ҳакиқатдир» (М. Исҳоқов).⁸⁰

Амеша Спенталар етти кишварнинг бошкарувчисидир Зардушийлик эътиқодига кўра, оламда ўтгиз уч хил ер мавжуд булиб⁸¹, улар етти кишварга ажратилади⁸². Шарқий қисм Саваҳ, гарбий қисм Арзаҳ, жанубий қисм: Фрададафши ва Видадафши, шимолий қисм: Ворубарст ва Воругарст, марказий қисм эса Ҳванираз деб аталади⁸³. Саваҳнинг руҳий ҳомийси Ҳаозародатҳри-ҳана, Арзаҳники Ашашагаҳад-е Ҳвандкан, Фрададафшиники Спитоид-и Аустосинан, Видадафшиники Аиризрасп Аустосинан, Ворубарстники Ҳувасп, Воругарстники Қаҳравак, Ҳваниразники Заратушт саналган⁸⁴.

Аша Ваҳишта, Воҳу Мана, Спента Армати, Ҳшатра Ваиря. Ҳаурватат, Амератат буюк Амеша Спенталар саналади.

ҲАПТАН АМЕША СПЕНТА (ҲАФТ АМАШАСПЕНД) ЯШТ

0. Язад номи билан (бошлийман).

Олкишлар бўлсин худо Ҳормездгаки, у олий илоҳдир! Бизга стти Амеша Спента келсин (ёрдамга)!

«Аз ҳама гунаҳ...»

Эзгу амаллар қилувчи зотнинг пок истакларидан Аҳура Мазда хушнуд бўлсин, Ангра Майню йўколсин.

Ашани шарафларман!

«Ашем воҳу...» (уч маротаба)

Маздаясна – Маздага топинувчи ва заратуштри – Заратуштрата эргашувчи, Аҳурунинг диний қоидаларига карши турувчи девларга ёвман, деб иймон келтираман.

1. Кувонсип буюк ва пурли Аҳура Мазда ва яна Амеша Спента!

⁸⁰ Bd. XIX, 13.

⁸¹ Bd. XI, 1.

⁸² Bd. XI, 2.

⁸³ Bd. XI, 4.

⁸⁴ Bd. XXIX, 1-2.

(Кувонсин) *Воҳу Мана*, у бошқа яратилған борликлардан олийдир. (у) *Мазда* яратған доноликки, у табиатан ато қилинади ва (у) *Мазда* яратған доноликки, у эшитиб ўрганиладі⁸⁵.

2. (Кувонсин) энг гүзал бұлған *Аша Ваҳишта*, *Мазда* томонидан яратилған қалбларнинг истагани ва энг қодир *Аиряман* ва *Мазда* халқ эттан ўткір күзли *ашаван Саока!* (Ва яна) тоза темир ҳамда бечораларнинг паноҳи бұлған *Хшатра Ваиря*⁸⁶.

3. (Кувонсин) эзгулик(ка йүгрилған) *Спента Армайти* ва *Мазда* яратған эзгулик(ка йүгрилған) ҳамда ўткір күзли *ашаван Рата!*

(Кувонсин) фасллар, йил ва *Ашанинг* паноҳи бұлған буюк *Хаурватат!*

(Кувонсин) тараккиёт, ҳайвонот, буғдой ва *Мазда* яратған кудратли *Гаокеренанинг* ҳимоячиси бұлған буюк *Амеретат!*

4. (*Ҳавани гаҳ*)

Шарафлармиз кенг яйловларнинг хожаси бұлған *Митра* ва *Рама Хвастрати!*

(*Рапитвина гаҳ*)

Шарафлармиз *Аша Ваҳишта* ва *Ахура Мазданинг Атарини!*
(*Узерина гаҳ*)

Шарафлармиз Апам Напатники, у *Мазда* яратған баланд коматли сохибдир ва у сувларнинг ҳомийсидир!

5. (*Ависиртрема гаҳ*)

(Шарафлармиз) серфарзанд аёлнинг *ашаван фравашишини*, гүзал суратда яратилған ва омонлик маскани бұлған фаслни, *Ахура* томонидан энг гүзал шаклда бунёд этилған *Веретрагна* ва олий *Ванантни!*

(*Ушаҳина гаҳ*)

(Шарафлармиз) адолатли ва адолат сохиби, ғолиб, дунёга ободлик бахш этувчи *Сраошани*, энг одил *Рашнуни* ва оламга тараккиёт ва фаровонлик ато килувчи *Арштатии!*

Юксалсın тоату-иболатлар, юксалсın дуолар!

«Ята аху вайря...» дуосини тиловат қилиб берар менга заотар.

Сүнгра ашаван оқыл сардор (бу дуоларни) тиловат қиласы⁸⁷.

⁸⁵ Sir. 1:1-2.

⁸⁶ Sir. 1:3-4.

⁸⁷ Sir. 1:7

6. Шарафлармиз эзгуликка йүгрилган ва нурли *Ахура Маздани!* Шарафлармиз эзгу хукмронлик бўлган ва эзгулик учун халқ килинган *Амеша Спентади!*

Шарафлармиз *Воҳу Манани*, (у) *Амеша Спентадир!*

Шарафлармиз барча яратилган мавжудотларнинг орасида олий хилқат бўлган лўстнинг садокатини!

Шарафлармиз *Мазда* яратган билимники, у табиатан ато қилинади!

Шарафлармиз *Мазда* яратган билимники, у кулок билан тинглаб ҳосил қилинади⁸⁸!

7. Шарафлармиз энг гўзал *Аша Ваҳиштани*, (у) *Амеша Спентадир!*

Шарафлармиз кўнгилшар тилаги бўлган Аирямани!

Шарафлармиз *Мазда* яратган жасур (*Язата Аиряман*)ни!

Шарафлармиз *Мазда* яратган яхши ва ўткир кўзли Саокани!

Шарафлармиз *Хшатра Ваиряни*, (у) *Амеша Спентадир!*

Шарафлармиз темирни(нг ҳомийси бўлган *Хшатра Ваиряни*)!

Шарафлармиз меҳрибон ва ожизлар паноҳини (нг ҳомийси бўлган *Хшатра Ваиряни*)⁸⁹!

8. Шарафлармиз эзгу *Спента Армайтини!*

Шарафлармиз *Мазда* яратган кўзлари ўткир эзгу ашаван Ратани!

Шарафлармиз *Ҳаурвататни*, (у) *Амеша Спентадир!*

Шарафлармиз фасллар ва сокинлик вактларини(нг ҳомийси бўлган *Ҳаурвататни*)!

Шарафлармиз адолатли йиллар ва одиллар сардорини(нг ҳомийси бўлган *Ҳаурвататни*)!

Шарафлармиз *Амеретатни*, (у) *Амеша Спентадир!*

Шарафлармиз ҳайвонот ва буғдойни(нг ҳомийси бўлган *Амеретатни*)!

Шарафлармиз *Мазда* яратган кудратли *Гаокеренани*⁹⁰!

9. (*Ҳавани гаҳ*)

Шарафлармиз кенг яйловларнинг хожаси бўлган *Митра* ва *Рама Хвастрани!*

⁸⁸ Sir. 2:1-2.

⁸⁹ Sir. 2:3-4.

⁹⁰ Sir. 2:5-7.

(Рапитвина гаҳ)

Шарафлармиз Аша Вахшиста ва Ахура Мазданині ўғли Атарни!

(Узерина гаҳ)

Шарафлармиз Апам Напатники, у Мазда яратган баланд қоматли соҳибадир ва у сувларнинг ҳомийсидир⁹¹!

10. (Ависсрутрема гаҳ)

Шарафлармиз одил зотларнинг яхши, кучли ва мукаддас фравашисини!

Шарафлармиз серфарзанд аёлни!

Шарафлармиз сокинлик вақт булган фаслни!

Шарафлармиз эзгулик киёфаси берилгап омонликни!

Шарафлармиз Ахура томонидан бунёл этилган Веретрагнани!

Шарафлармиз олий Ванантни!

(Ушаҳина гаҳ)

Шарафлармиз адолатли ва адолат соҳиби, голиб, дунёга ободлик баҳш этувчи Сраошани ва одил сардорни!

Шарафлармиз энг одил булган Рашинуни!

Шарафлармиз оламга тараққиёт ва фаровонлик ато қилювчи Ариштатни⁹²!

11. Эй Заратуштра! Йўқ бўлсин Ятуш, дев ва (ёвуз) инсонлар! Эй Спитама Заратуштра! Бу хонадондагиларни барча друж маҳв этар, барча друж хор килган бўлар эди, агар бу илтижолар қилинmasa.

12. Сенинг танангни ва сенинг атраванингни (друж) ҳало-катта олиб боради. Ва саркардани ҳам. Кимни стти Амеса Спента қулласа, уни кулокқа чалинmas (шайтоннинг) вайронкор кучи снга олmas!

Шарафлармиз тулпор жасадли ва Мазда яратган сув бўлган Маздаяснанинг ашаван Даэнасини!

13. Эй Заратуштра! Хато ва айбларимга тавба киламан! Эй Заратуштра! Хато ва айбларимга тавба қилганимда Воҳу Манадан ато қилинган мустаҳкам калом қироат қилинганида, (бу гупоҳлардан инсон) холи бўлади ва (уларни) яксон килади.

⁹¹ Sur. 2:5-7.

⁹² Sur. 2:7.

14. Ва яна юз маротаба қадрсиз килиб, юз маротаба узок-узокларга улоқтириб, яна банди килади. *Маздаясна Даэнасининг фравашиси* (бу гуноҳларни ўз) кудрати билан йўқ килиб юборади.

«Ашем воҳу...»

«Яти-зи ... нашатанем аожсангҳа»⁹³.

«Ашем воҳу...» (етти маротаба)

15. (Ярим овоз билан)

«Ҳормезди хвадае...»

«Ята аҳу ваиря...» (икки маротаба)

Барча эзгуликларнинг яратувчиси бўлган нурли *Аҳура Маздага* ясна, ибодат, куч-ғайратимни бахшида айлайман!

«Ашем воҳу...»

«Керба мазд...»

«Ашем воҳу...»⁹⁴

Зот

Шарафлармиз *Аҳура Маздани*, ашаванлар сардори бўлган одилни! Шарафлармиз эзгулик салтанати ва эзгуликлар қилиш учун яратилган *Амеса Спентани*! Шарафлармиз барча маънавий ва моддий әдолатли борликни, олий ва эзгу *Ашани*, олий ва эзгу *Маздаясна Даэнасини*!

Распи

«Аҳурем... Маздаясноиш»⁹⁵(Y. 35:1)

Шарафлармиз эзгу тафаккурда маскан тутган абадий тирик ва бокий барака бўлган эркак ва асл *Амеса Спенталарни*! (Y. 39:3)

Шарафлармиз сизларни, эй *Амеса Спента*, Ясна ҳаптантангҳами билан!

Шарафлармиз баҳор сувлари (ва) кўприкларга (тошган барака) сувларини!

Шарафлармиз ёлғизоёқ йўлларни!

⁹³ Y. 2:11-14

⁹⁴ Якорида берилган яшт «Амеса Спентанинг кичик яшти» деб аталади. Бунга Ясна ҳаптамиданти (Y. 35:42) хам кўшилса «Амеса Спентанинг буюк яшти» ёносил бўлади.

⁹⁵ Янни мазкур строфени қайтадан кироат килади.

Шарафлармиз мажлис (ларга олиб борувчи) йулларни! (Y. 42:1)

Шарафлармиз силғалуниб оқувчи сувни!

Шарафлармиз эсувчи *Ваюни*!

Шарафлармиз ортга қайтиб келувчи *атраванини*!

Шарафлармиз олис мамлакатлардан *Ашапи* изловичи (зотлар)
ва барча *Амеша Спентани*!

«Енгұе ҳатам...» (Y. 42:6)

Воҳу Мана

(ш}нс 36 ав. «эзгу тафаккур»; паҳ. *Воҳуман*; фор.

Баҳман) – *Аҳура Мазданинг* илк тажаллиси (*Bd.* 1:23), унинг фарзанди (*Dk.* IX. 38:6) ва *Амеша Спенталардан* биринчиси. Чунки ҳамма эзгуликлар эзгу фикр, пиятнинг поқлигидан бошланади. *Ангра Майнюга* карши курашда *Атар* билан биргаликда *Аҳура Маздага* (Yt. 13:77), *Спента Майнюга* ёрдамчи бўлади (Yt. 19:46); қорамол (*Shnsh* 15:4) ва илм ҳомийси, жаниат эшиклигининг қўрикчиси, жаннатийларнинг раҳнамоси (*Aog.* 12), Ака *Манонинг* (ёвуз фикрнинг) душмани (Yt. 19:96). В.М. *Ашо-зуишт* деб аталадиган күш қиёфасига киради (*Sad.* 14:8). *Заратуштра* туғилгацда уни кулдиради (*Dk.* V. 2:5), янги туғилган *Заратуштра* турли қийинчилеклар билан синов килинганда *Ваҳу Мана* ва *Сраоша* уни химоя килиб туради (*Dk.* VIII. 3:17).

Ҳамкорлари: *Тиштря* (*Bd.* 7:3), *Митра*.

Бу *Воҳу Мана* мен яратган (борлиғ)имдир, эй *Заратуштра*!
Бу *Аша Ваҳишта* менинг уз (борлиғ)имдир, эй *Заратуштра*! Бу
Хшатра *Ваиря* менинг уз (борлиғ)имдир, эй *Заратуштра*! Бу
Спента Армасти менинг уз (борлиғ)имдир, эй *Заратуштра*! Бу
Хаурватат ва *Амеретат*, ашаванларга рухият оламида муко-
фотдир у ва улар ҳам менинг уз (борлиғ)имдир, эй *Заратуштра*! (Y. 1:25)

Аҳура Мазда биринчи бўлиб *Воҳуманада* тажалли топди ва у оркали *Аҳура Мазданинг* борлиғи, яратган нарсалари тарақкий этиб кетди (*Bd.* 1:23).

Яратилишнинг асоси бўлган *Ашага, Аҳура Мазданинг Ҳакиқатига* (динига) таъзимлар! *Воҳу Мана, Аши Ваҳишта, Ҳаштга Ваиря, Спента Армаси, Ҳаурватат ва Амеретатларга* таъзим бажо қиласиз! (Y. 16:3)

...Хишмаибя (Заратуштра гаталаридағи сўз – Б.Ж.) *Воҳумани ифодалаб, у чорваларниң ҳомийсицир...* (Bd. 13:14)

Мутлақ меники бўлган бу ёргу дунёда менки. *Аҳурамазд, одил инсоннинг, Воҳуман чорванинг, Ардаваҳишт оловнинг, Шатваиро (Хисасра Ваиря) темирнинг, Сандармад замин ва окила аёлниң, Ҳаурвадад сувнинг, Амеродад ўсимликларнинг* (ҳомийсицир) (Shnsh. 15:5).

Икинчи қарама-каршилик сув сабабли юзага чиқди. Чунки юлдуз *Тиштар* акраб буржида эди, сув эса *Аврак* (Акраб буржининг тўққизинчи кисми – Б.Ж.) кисмида окувчи ҳолда турганида ёвуз вайронкор келди ва ғарбий томонга йўналиган оким йўлида вайронгарчиликларни қилди. Тир йилнинг туртинчи ойидир. Акраб эса орийларнинг туртинчи буржидир. У *Тиштар*-нинг соҳибидир, унинг ичига ёйлади ва ёғингарчиликни юзага келтиради. У эса сувни кучли шамол воситасида олиб келади. Мазкур жараёнларда *Тиштарга Воҳуман, Ҳом ва Бурж* илохиёт борликлари ҳамкор бўлиб келади (Bd. 7:1-3).

Аша Ваҳишта

(*امشاد عاصمه* – *аша* ав. «энг эзгу адолат»; паҳ. шакли

Ардаваҳишт, Ашаваҳишт; фор. шакли Ардивеҳишт, Ордивеҳешт) – Амеша Спенталардан бири, *Аҳура Мазда* унинг отаси (ав. «патар», бу сўзни ҳам «ота», ҳам «тарбиячи», «бокувчи» деб таржима килиш мумкин) (Y. 44:3; 47:2), жаннат эпикларининг кўрикчиси.

«Аши» сўзининг қадимиЙроқ шакли «рта» бўлиб, «оламнинг тартиботи», «адолат», «покдамонлик», «барча нарсанинг ўзаги» каби маъноларни аинглатади. Кейинги даврларда бу сўз «арта» шаклида кўллацилиб, *Друж* – ёлғонга қарама-қарши кўйилади. Ҳар бир *Маздаясний* (Зардуший) ашаван бўлиши лозим.


«Ашаван» сүзи «адолатли», «тартибли», «диёнатли» деган маъноларни англатиб, «аша» сузидан ясалган, янада аникроғи, «аша монанд бўлмок».

Ҳамкорлари: Атап (Y. 1:4; Sir. 1:7; 2:7), Сраоша.

...Ад-та (Заратуштра гatalаридаги сўз – Б.Ж.)
Ардаваҳишти ифодалаб, у оловнинг ҳомийсидир... (Bd. 13:14)

Мутлак меники бўлган бу ёргу дунёда менки, Ауҳармазд, одил инсоннинг, Воҳуман чорванинг, Ардаваҳишт оловнинг, Шатваиро темирнинг, Спендармад замин ва оқила аёлнинг, Ҳорвадад сувнинг, Амеродад ўсимликларнинг (ҳомийсидир) (Shnsh. 15:5).

ХШАТРА ВЛИРЯ



() «кудрат»; «нур сочмок»; паҳ. Шатравар; фор. Шаҳревар, Шаҳриёр) – олти Амеса Спенталардан бири, жинси эркак; ҳокимият (Y. 33:13; 43:8), осмон. ер бойликлари (Shnsh 22:4) ва металл (Zsp. 22:8) ҳомийси. Сифатлари: воҳу (эзгу), Ваиря (интикиб кутилган), ситойши (хоҳланган).

Ҳамкорлари: Осмон, Митра, Хваршид.

...Та-ве-урвата (Заратуштра гatalаридаги сўз – Б.Ж.)
Шатваирони ифодалаб, у темирнинг ҳомийсидир... (Bd. 13:14)

Мутлак меники бўлган бу ёргу дунёда менки, Ахӯрамазд, одил инсоннинг, Воҳуман чорванинг, Арданаҳишт оловнинг, Шатваиро темирнинг, Спендармад замин ва оқита аёлнинг, Ҳорвадад сувнинг, Амеродад ўсимликларнинг (ҳомийсидир) (Shnsh. 15:5).

СПЕНТА АРМАТИ

( ) ав. «мукаддас садокат»; паҳ.

Спендармад; янги фор. Исфандармад) – олти Амеса Спенталардан бири, Ахӯра Мазданинг кизи (Vd. 19:13, 16), Аши Вангуҳининг онаси (Yt. 17:16); ер ҳомийси (Vd. 3:35).

Ҳамкорлари: Хшатра, Даена, Атап Напат.

...Хваетумати (Заратуштра гatalаридаги сўз – Б.Ж.)
Спендармадни ифодалаб, у заминнинг ҳомийсидир... (Bd. 13:14)

ҲАУРВАТАТ

(*шнш*) аш
ав. «мукаммаллик», «саломатлик»; пах., фор. *Хурдод*); – саломатлик, сув (*Shnsh* 13:14), фасл ва йилларни (*Sir.* 1:6) химоя килиш вазифаси юклатилган, *Аҳура Мазда* яраттан аёл жинсидаги (кейинги даврларда эркак жинсидаги фаришта сифатида гавдаланади) *Амеша Спенталардан* бири (*Yt.* 1:25). *Амеретат* билан чамбарчас боғланган. Түртинчи Яшт унга бағишиланган. У *Ҳаши*, *Баши*, *Саени*, *Бужи* (*Yt.* 4:2), *Таирив* (*Bd.* 30:29) девларини ҳалок килади.

Ҳамкорлари: Амеретат, Тиштрия, Ваю, Фраваши.

... *Ята-аиш* (*Заратуштра* гаталаридағи сұз – Б.Ж.) *Ҳаурвататни* ифодалаб, у сувларнинг ҳомийсидир... (*Bd.* 13:14)

АМЕРЕТАТ

(*шнш*) аш
ав. «ұлымсиз»); пах. *Мордод*: фор. *Амордод*) – *Аҳура Мазда* яраттан (*Yt.* 1:25) аёл жинсидаги (кейинги даврларда эркак жинсидаги фаришта сифатида гавдаланади) *Амеша Спенталардан* бири бўлган үсимликлар ҳомийси (*Shnsh* 13:14), осмон, қуёш ва ой (*Спента Армаси* ва *Ҳаурватат* билан бирга) нинг ҳомийси (*AVN* 62:5-6). Заирч девини янчади (*Bd.* 30:29).

Ҳамкорлари: Зам, Арштат, Раину.

...*Яшкяотана* (*Заратуштра* гаталаридағи сұз – Б.Ж.) *Амеретатни* ифодалаб, у набототнинг ҳомийсидир... (*Bd.* 13:14)

5-Яшт

(Обон яшт – Ардви Сура алқови)

Қувонсин *Аҳура Мазда*...

Ардивининг Пок сувлари қувончи (ҳаққи), валинельмат (*Ардви*) ва *Маздадан* хилкат топган бори наботот (ҳаққи) юкунчу алқовларим, қувончу шарафларим бўлсин.

«Энг эзгу Тангри каби»...

% Бу пият сұлтари ҳар бир яштнинг бопинда тақрорланади. Факат у ёки бу яшт бағишиланган маъбулга мурожаат килингандай ўриниларла маъбуллар номи алмашади.

I

1. Сүз котди *Aхура Мазда*
Спитама Зардуштга
Сигингип, эй *Спитама*
Суви лим-лим *Ардвига*,
Дардга эм кент *Ардвига*;
Сигин бутун дунёнинг
Топинчу алковига
Лойик *Ардви Сурага*,
Сигин – девларга кирон,
Содик ул – *Aхурата*;
Нону ризк ўстиргичга,
Подани туйдиргичга,
Бойликлар ундиригичга,
Ерлар саҳнини чексиз
Уфкка дундиригичга,
Ул валинеъматга сигин,
Юртлар яшинатгувчига
Ихлос-ла сигин, *Зардушт!*
2.Мукалласу мұътабар у,
Эр пуштининг озиғи,
Эркак белига мадор.
Иккиатга најжоткор,
Эзгудир у, табаррук у –
Эр пуштиниң куввати
Эзгудир у, эрлик пуштин
Бобаракот этгувчига
3.Ибодат кил, о *Зардушт*
Кирғоқларга урилган
Ворукаш тұлкинлари
Үркачлари ўртада
Осмонга саңчиганда
Ўз сувин айлаб нисор.

Минг күлдан ошиб үтар.
Хар бирини кирк кунда
Айланиб чиқа олмас
Отлик гар шитоб йүргар.
Эзгудир у, эрлик пуштин
Бобарокат этгувчи
Зуврот учун оналар
Пуштини у тұлдирап.
4.Ибодат кил шарафли
Кенглик ичра тенгсизга,
Дунёнинг бор суви бир
Бұлса тенг эмас зетга,
Аёллар бачадонин
Дунёдек этувчи кент,
Иккикатта маңадкор.
Тұғмогида халоскор,
Құксин сутга тұлдирап.
Оқими кудратлики,
Хукариядап⁹⁷ сув олиб,
Ворукашага элтувчи
Ардвига таъзим солиб,
Йұллайн мен нағозим.
5.Унинг битта тармоғи,
Етти кишвар ошади.
Қишу ёзда тинмайди,
Окиб тиним билмайди.
Эркаклар уруглигин
Аёллар бачадонин
Баракот-ла тұлдирур.
Сут тұлдирап құксига.
6.Бунёд этдим мен *Мазда*,
Үйнинг барори учун,
Кишлиқ ва юрт барори,
Улар ҳимояги-чун
Ёр айладим мен уни –

⁹⁷ Ворукаш(а) – мифология денгиз. *Ардиги* тоғдан шитоб билан тушибок, унға күйиді. Узбекистоншынг Кизилкум чүллары үрнидаты кадимги Тетис деңгизи ҳақидағы хотираишин⁹⁸ изи Авестада сакланған, дейніште асос бор.

Хукария (Хукарә, Хукариә) – *Ардай* Сура ішреби баштападигал мифологиян чүккү.

*Ардви Сурани, о Зардушт,
7.Шундай оқар, о Зардушт
Оқар мұқаллас Ардви,
Парвардигор олдида
Оқ билакли ул гузал,
Билакки, отдан күчли.
Күллари ирмок бўлиб,
Ороланиб оқар у,
Шуурида шундай йўй:
«Ким мени шарафларкин,
Ким намоз йўллар менга,
Ким эҳсон йўллар менга,
Муқаддас эҳсон килар.
Ҳаома-ю сут билан
Йўклар мени ким бугун,
Сидқ-у вафоси учун
Кимнидур шод киларман,
Куч-қудрат бағишларман.
9. Бахт учундир намозим.
Баралла ово: билан
Келтириб лойик эҳсон.*

*Ардви Сурни алқайман.
Гузал, нозик нутқ ила
Ҳақ сўзни чин – Рост килиб,
Кўлда тутиб барсиман,
Сутли ҳаома эҳсон
Айласин ихлос килиб.
Сени килгай дилга жо,
Сендан қилсин илтижо.
Ниятлари ёр бўлсин,
Холис кимдир, бор бўлсин,
«Аҳура Мазда «савоб»
Деб курсаттан ул зотта
Йуллаймиз шамозимиз».*

II

10. «Сигин унга, Спитама...»
11. Мана, Ардви аробада

Тизгин тутиб боради.
Кўнглида бир йўй, орзу:
«Кимдир ўша пахлавон
Ким у мени шарафлаб,
Намозин айлар равон...»
Бахт учундир намозим...

III

12. «Сигин унга, Спитама...»
13. Бир хил зотли тўрт оқ той,
Уни элтмоқда равон.
Бу тойлар-чи, беомон,
Девлару жодугарлар,
Жинлару инсон аро
Ёвликка солар кирон.
Маҳв улар ковалару,
Мустабидлар берар жон.
«Улар барча карапан»,
Бахт учундир намозим...
14. «Сигин унга, Спитама...»

IV

16. Улкану нурафшонга,
Бўйчану кўркабойга.
Сувлари кечакундуз
Ер юзида бор сувнинг
Устидан ошиб үтиб⁹⁹
Алқагич сувга сигин.
17. Сигин унга, Спитама...

V

18. Парвардигор Аҳура
Мазда Ардви Сурага
Арианам Ваежуда,
Даитианинг бўйида

⁹⁹ Ардовининг сувлари ҳачима сувлардан улуг ва муқаддас деб билинган. Бу улуглик «сувлар устидаги сув» деб таърифланган.

Намоз этди бахшида
Сутли ҳаома билан
Күлдә тутиб барсаман¹⁰⁰.
18. Муқаддас *Ардви Сура*,
Менга шундай баҳт берки,
Пурушасп ўғли Зардушт
Спитамий күнглигі.
Менга иймон келтириш
Фикрини құяй солиб,
Сұзлари ҳам амали
Мос бұлсін худди колип¹⁰¹.
19. *Ардви Сура* шундайин
Омадни унга берди.
Хак йұлида ким доим
Эхсонни дилдан қылса,
Унга омад берувчи».
Баҳт учундир намозим!

VI

20. «Сигин унга, Спитама...
21. Ҳушанги Пародата
Курбонлик қилди унга
Хара тоғи тагида
Юз той-у мингта сигир,
Бехисоб күйу пода.
22. *Ардвидан* турди сұраб:
«Шундай омад бер менга,
Муқаддас *Ардви Сура*.
То менинг одаму дөв,
Жин, алвасти, жодугар,
Кайёний мустабидлар,

¹⁰⁰ Бу банд мазмунидаві *Ахура Мазда* ге зұтиқод устун көлгүнің кадар *Ардви Сура* нинг мавқеи жуда юкори бұлғалығын ту-шупшиш мүмкін. Ҳатто *Ахура Мазда* унта илтижо қылмокла.

¹⁰¹ Зардуштийлік ахлоқининг уч асоси: фінк, суз ва амал бирлігі, яғни иймонли бўлғиш, сўзда ҳам, кундалик ҳётда ҳам ий-мон-эзтиқоддан чекинмаслик конади.

24. «Сигин унга, Спитама...
25. Гүзәл Йима Ҳұкарай
Қабих қарапанларнинг
Устидан бұлсін ҳукмим.
*Варна*¹⁰² хизматкорлари
Мозан¹⁰³ девларни кирай,
Улар қаҳрин йүқ қиласай».
23. Унинг эзгу ниятин
Ардви ато айлали.
Чунки ҳақнинг йұлиға,
Ким келтирса курбонлик
Омад тутар күлиға».
Баҳт учундир намозим...

VII

- Чүккисин тепасида
Унга курбонлик қилди
Сүйдириб юзта тойни,
Келтириб мингта молу
Бехисоб күйу пода.
26. Ва *Ардвига* шундайин
Ният изҳор айлади:
Муқаддас *Ардви Сура*,
Менга бер шундай омад
Ки, одаму девларнинг,
Алвастию жишларнинг,
Кова мустабидларнинг,
Қабих қарапанларнинг
Бұлайин ҳукмдори
Ва девлардан асрайн
Бойлигу еру мулкни,

¹⁰² *Варна* – бу сұзнинг иккى хил талкни бор: Зардушт таълимотининг ёвлари ҳукмрон булған Ахримаш яраттан юрт; 2. Ахри-ман яраттан Елтон, хирсу хавас ҳукмрон булған юрт.

¹⁰³ Авестада Мозан – мифологик девлар ма-кони. Зардуштийлік Эронга йейилтч. Кас-пийдан жанубдағы үлкага *Мозандарон* номи берилған.

Поданинг семизлигин,
Үтлоқлар (буликлигин).
27. Уни шундай омадга
Сазовор қылди *Ардви*.
Хақ йүлида ким доим
Хаққа эхсон айласа
Омадга ёр қилувчи».
Бахт учун унга таъзим...

VIII

28. «Сигин унга, *Спитама*...
29. Унга уч сош Аждахо
*Баври*¹⁰⁴ номли дахйуда¹⁰⁵,
Курбонликка келтирди
Юз той ва минг қорамол
Сон-саноксиз совлик, кўй.
30. Ва *Ардовидан* тилади;
«Менга шундай омад бер.
31. Муқаддас *Ардви Сура*,
Етти иқлимда одам
Зотини колдирмайин».
Унга бундай омадни
Бермади *Ардви Сура*.
Унга қувнаб намозим
Йўллайман бахт йўлида...

IX

32. Сигин унга, *Спитама*...
33. Атвийанинг вориси
Кудратли *Фрайитона*¹⁰⁶
Турт бурчакли – Варида
Курбонликка келтирди
Юз той ва минг қорамол,
Сон-саноксиз совлик, кўй.

34. Ва *Ардовидан* тилади;
«Менга омад, барор бер,
Токи уч бошли илон
Заҳъокни ҳалок этай.
Уч оғизу олти кўз,
Макру қаллоблик ичра
Газабкор девдан туккан
Эзгу борликка горат,
Дунёнинг заволи-чун
Кудрату кучни йиққан
Ахримандан таркалган
Эзгуликлар хилқатин
Йўқ қилмоқ уйда ният.
Ёлғонда енгилмасни¹⁰⁷.
Мен маҳв этай оқибат.
Олиб кстай у севган
Энг сара аёлларни,
Хушандом *Сахнавакни*¹⁰⁸
Ва гўзал *Арнавакни*¹⁰⁸.
35. Унга шундай омадни
Бахш этди *Ардви Сура*.
Хақ йўлида ким доим
Хақ эхсон қилувчиидир -
Омадга ёр қилувчи.
Менинг намозим унга...
36. Сигин унга, *Спитама*...
37. Енгилмас *Киришаспа*
Пишин кули бўйида
Унга курбонлик қилди
Юз той ва минг кора мол,
Сон-саноксиз совлик, кўй.
38. *Ардовидан* тилади у:
«Менга омад, барор бер,

¹⁰⁴ Баври – уч бошли Ажсадаҳака (ажлаҳо) хукмрон бўлган юрг номи.

¹⁰⁵ Даҳйу – Авестада «юрг, мамлакат» шу сўз билан инфодаланади.

¹⁰⁶ Фариӯн.

¹⁰⁷ Авестада «ёлғон» энг кабир гуноҳ сифати кораланади.

¹⁰⁸ Заҳъок билан боғлиқ эртаклардан уптилган бир вариант колдуни, леб баҳолап мумкин. *Арнавак* «яхши насл бергувчи» маъносини билдиради.

Муқаддас *Ардви Сура*,
Олтин туёк Гардарвани
Тұлқынлари үйнаган
Ворукашанинг бўйида
40. Аё, Зардушт, сиғингил...
41. Ер ости шистирмада
Қабих тур Франграсион
Келтириди унга қурбон
Юз той-у мингта сигир,
Ва ҳисобсиз кўй эҳсон.
Уруш килиб сенгайин.
Ёнгонга эргашганини
Үйларини топайин
Кенгликларга ёйилган
Уфки чексиз ер узра».
39. Унга шундай омадни
Бахш этди *Ардви Сура*
Ҳақ йўлида ким доим
Ҳақ ниёз айлагувчи –
Уни омад барор-ла
Мўлу кўл сийлагувчи.
Намозимдир бахшанда...

X

42. Ва *Ардвидан* тиғлади:
«Менга бер шундай омад,
Ки, муқаддас *Ардви Сур*,
Спитама Зардуштга
Ато булган фарнни¹⁰⁹,
Эран юртларин¹¹⁰ ўтмиш

¹⁰⁹ Фарн – Авеставча Хварно. Илохий ато тиғладиган баҳт, салтанат рамзи. Унга эн булғантарга улуғ тақдирлар, подиолик насиб бўлади. Жумиладан, Зардушт ҳам фарнга лойик бўлиб. Ахуранинг сутгани бандаси, унини эзгу дини ҳажидаги хушхабарни одамларга етказувчи – пайтамбарлик мартвасини олган.

¹¹⁰ Эран юртлар – «арийанам ввежжу» сузининг «арийан» қисмини ҳадимиюй туркӣ «эрән» сўзи билан ҳам боғлаш мумкин. Қад-

- Ва келгувси шоҳлари
Лойик этилган фарнни
Воракуша денгизин
Ўртасида мен туттай».
43. Бундай орзусин унга
Бермади *Ардви Сура*.
Бу баҳт учун намозим
Йўллай *Ардви Сурага...*
44. Сигин унга, о *Спитама...*
45. Унга қилди қурбонлик
Шиҷоатли Кавйусан¹¹¹
Эрзифай тоги узра
Юзта тойу минг сигир
Сўйин саноқсиз жонлиқ.
46. Сунг *Ардвидан* утинди
«Шундай баҳт бср, булайин
Муқаддас *Ардви Сура*,
Одаму дев, инсу жинс,
Жодулари Ёлғослар,
Ковайи зўравошлар.
Ғазабкор карашнлар
Устидан мен ҳукмдор».
47. Бу ниятин *Ардви Сур*
Унга ҳамроҳ айлади.
Ҳақ йўлида ким доим
Ҳақ эҳсошлиар келтирса
Омадин ёр этгувчи».
Баҳт учундир иамозим...
48. Унга сигин, о *Спитама...*

дичий авестача «арийан», қадимги туркӣ «эрән» бир хилда «қаҳрамонлар», «пахлавонлар», «кудратлилар» мъиносига эта. Бу фикр мағбул бўлса, «арийан» сўзини факат «эрон» деб талкин килишидан кўра кенгрок хуносага эринишилган бўлур эди. Шу билан бирга бу хил ёндашув ўлқамизда туркӣ забоён ва эронийзабон ажлодаримизнини янгенистик илдизлари бир экванини таъкидлаш имконини беради.

¹¹¹ Каййусан – афсонавий кайёлийлар сулоласининг «Шоҳнома»да Кайковус шаклида келган вакили Авестада шундай аталади.

49. Эранлар юртларининг
Бошини ковуштирган
Хаосрава шахлавон
Суви тубсиз Чойчаста
Кўлининг кирғогида
Келтирди қилиб курбон
Юз тойу мингта сигир,
Саноқсиз қўйлар эҳсон.
50. *Ардвидан* у тилади;
«Шундайин омад берки,
Муқаддас *Ардви Сура*,
Одаму дев, инсу жинс
Жодугар, сеҳргарлар
Ковайи зўравошлар,
Жоҳил карапанларнинг
Хўкми кўлимда бўлсин.
Минглаб аробаларнинг
Биринчисин бошқарай
От юргурган йўлларниш
Барчаси буйлаб ўзим.
Қабих зот Нереман¹¹²-ла
Чавандозлик баҳсида
У кўйган шистирмага
Тушмайин алдаб қўзим»¹¹³.
51. Ва унга шундайин
Омадни этди тайин,
Ҳақ йўлида ҳақ эҳсон
Қилгувчига ажрини
Бергувчи *Ардви Сура*.
Баҳт йўлида намозим
Унга баҳшида этдим...
52. Сифин эй, *Спитама*...
53. *Ардви Сура* шаънига
Кўксини от ёли узра
Тапшлаб намоз йўллади

¹¹² Нереман – Кайковуснинг ражиби, от синчиси.

¹¹³ Каихусрав тарихидан бир унтутилган ривоят сюжети.

Довюрак жангчи Туса¹¹⁴,
Ўзига соғлик тилаб,
Аравага кўшилган
Отларга сураб қувват,
Душманларни узоқдан
Куришга сураб курбат,
Токи бир зарба билан,
Ҳар бир зарбаси билан
Ҳар бир душман ва барча
Ёвларга келсин кирон.
54. Ва тагин *Ардвига*:
«Менга бер омад, – дели,
– О муқаддас *Ардви Сур*,
Кўрқмас Варсакининг
Авлодларини снгай.
Муқаддас Қанғадаги¹¹⁵
Ҳашатросук танглиги¹¹⁶
(Ичра тўқнашган чогда)
Туронлик кўшинларнинг
Элил зарбда юзини,
Юз зарб билан мингини
Минг зарб билан туманин,
Туман зарбда саноқсиз
(Аскарин олай жонин)»,
55. Бундай тилагин унга
Ёр этди *Ардви Сура*.

¹¹⁴ Туса («Шоднома»да Тус) олдтагидек, «юз той, минг сигир, саноқсиз қўй» курбонлик килмабди. У от ёлита кўкса билан ёнишиб *Ардвига* таъзим ҳолидав тилак изҳор килмоқда. Намознинг ба усули сафар, жавон ва бошка ҳолларда кўзлантган бўлса керак. Бу каби намоз исломда ҳам қабул қилинган.

¹¹⁵ Қанғадаги муқаддас маконлар каторида алоҳида таъкидланиши зардуштийлик ва Авестанинг ватни Туронзамин, Аму ва Сирдарёлар оралинда бўлганинга яна бир далиллар.

¹¹⁶ Қанғада юрти ясси тоғларидан биринадаги дара бўлиши керак. Бу уринда ҳам Тус билан боғлик жангномалардан бирининг колдигини куринг мумкин.

Ҳақ йўлида ҳақ эҳсонлар
 Килгувчига Бергувчи
 Доим савоб-инъомлар».
 Баҳт учундир намозимиз
Ардвига йуллаймиз.
 56. Сигин унга, о *Спитама...*
 Ҳашатросук танглигига
 Шариф Қангҳа юртида
 Ваесакининг уруғи
 Курбонликка сўйидирди
 Юз тойу мингта сигир,
 Саноқсиз кўй сурувин.
 57. Шундай қўлдилар ниyat:
 Муқаддас *Ардви Сура*,
 Бергил шундайин омад,
 Ки, биз мағлуб этайлик
 Довюрак жангчи Тусни:
 Арийоний жангчиларнинг
 Эллик зарбда юзтасин,
 Юз зарб ила мингтасин,
 Минг урганда туманин,
 Тумаи зарбда саноқсиз
 (Аскари ер тишиласин)».
 58. Уларга бу тилакни
 Бермади *Ардви Сура*.
 «Бизга кут келтир, *Ардви*,
 Токи дов жангчи Туса
 Ҳамда арий лашкарии
 Бизлар мағлуб этайлик.
 Эллик зарбда юзин,
 Юз зарб билан мингтасин.
 Минг зарбда ўн мингини,
 Ўн минг зарбда юз мингин
 Юз мингда хисобсизин».
 59. Лекин, бундай омадни
 Унга бермади *Ардви*.

XII

60. Ё *Спитама*, топин унга,
 (Шаънига йулла намоз...)
 61. *Фаридун* кўкка отгач,
 Йиртқич күшга айланган
 Пурва¹¹⁷ намоз йуллади.
 Чин дилдан илҳом ила
Ардви Сура шаънига.
 62. Шу алфоз учеб юрди
 Уч кечаю уч кундуз,
 Пастга – уйи томонга
 Қайтиб учеб тушоимай.
 Учинчи тун ялиниб
 Тонг адоғи чоғида
 Яна намозлар ўқиб,
 Деди *Ардви Сурага*:
 63. «Ё муқаддас *Ардви Сура*,
 Кумакка шошил менга
 Мени қўлла, кувватла
 Ва мен минглаб курбонлик
 Қилай ҳаомали сут.
 Улашиб (одамларга)
 Дуодан пок, муқаддас
Ҳаома эҳсон этай
 Гар тирик қайтсан,
Аҳураберган ерга.
 64. Кенг Ранха¹¹⁸ сувларидан.
Ардки Сура намоён

¹¹⁷ Пурва билан *Фаридун* уртасида кечган воқеа номаълум. Авеста бунга ишора қилиб утади, холос. 61 банддан шу матъумки, Пурва ерла истикомат қилиган каптайдир салбий мифологик персонаж.

¹¹⁸ Ранха – Авестада кайси дарё эканлиги аниқ эмас. И.Стеблин-Каменский Сирдарё билан киёс кишишини таклиф килиди. Лекин унга келтирган исботи у кадар кучи эмас. Бу масалани тугри изоҳивш учун *Фаридун* билан боғлиқ ривоятлариди, унинг каҳрамонликлари тарихий (ёки мифологик) географиясини яхшилаб синчикаш, касрга бориши мумкинлигини уйлаб кўрини қерак.

Бұлди ғұзал киз мисол.
Комати тик улутвор,
Гүё бүйчан бир ниҳол.
Нур ёғылган сиймоси,
Гүё күркем зодагон.
Болдирлари гирдига
Олтін боғич боғлаган¹¹⁹.
65. *Ардви Сур Паурванинг*
Күлидан чакқон тутиб.

Ахұра берган ерга,
Ундаги уй-жойига
Согу омон, безавол,
Илгари қандай бұлса,
(Шундайча) элтиб күйди.
66. *Ардви* бундай неъматни
Етказди унга; чунки
Ким чин дил, иймон билан
(Омад тиляб, баҳт тиляб)
Доим курбонлик килса
Омад ва баҳт бергувчи
Ардви Сура Паурвага
Шундай неъматни
Берди. Чунки у доим
Имон-ла курбонликлар
(Қылғанларни күллайди...)
Баҳт учун топингчларим
(*Ардви Сурага* бұлсинг...)

XIII

67. Ё *Спитама*, сиғингил
Йұлла жүшкін *Ардвига*...
унга...

¹¹⁹ *Ардви Сура* шахслаштырылған орталық инсон киёфасыда тасаввур күлкінгән. Ҳатто бу лавадан уннинг ибтидой маңыздылық като-рида хайкалған бұлғаны анықтауды. То ислом давригача *Ардви Сураны* гасырларда күпілаб тош, сопол хайкалчалар көні таржалған. Уларнің истемі пашрлари ҳам анчагина. Карап: Мешкерис

68. Гайридишлар лашкарин
Сафларини йирокдан
Куриб Жамасы келтирди
Курбонликка юзта той,
Минг сиғир, саноқсиз күй;
69. Ва *Ардвидан* сұради:
«Менга шундай омад бер,
Ё мұқаддас *Ардви Сура*
Токи мен әразілардек
Ғолиб бұлайин жангда».
70. *Ардви Сура* Жамаспга
Шундай омадни берди.
Чунки доим ҳақ йүлдә
Курбонлик қылғанларга
Ажрин берувчилир у.
Баҳт учун топингтайман
Баралла овоз билан.
71. Ё *Спитама*, намозинг
Ё *Спитама*, намозинг
(Йұлла жүшкін *Ардвига*,
Тулиб оккан *Ардвига*)...
75. Ё *Зардушт*, унга топин...
76. Наотар кавм Вистаруш
Унга намоз бағишилаб,
Виванхұхат бүйіда
Юракдан чин сүз ила
72. Сайу-Жидрийшінг уччов
Үғиллари бир йұла
Курбонлик келтирдилар
Ардви Сурага тұлық,
Юзта той-у минг сиғир
Ва саноқсиз қүй-совлик.
73. Сұнг ундан тиладилар:
«Эзгу *Ардви*, ато кил
(Кучу күдратни бизга)
Вайсақи Кара билан
Вара ва Дурекайтани,
Асабанзодаларни,

Уч туронлик «доно»ни
Енгмокликни ато кил
Эзгулик учун жангда».
74. Ва уларга бу омад
(Иқболни берди *Ардви*),
Чунки доим ҳак йүлда
Курбонлик киңгандарга.
Бахт учундир намозим...
Ажрин бергувчилир у.

XIV

Ардвыга шундай деди:
77. «Чин – ҳакикат
сүздир ул
Ардви, эшиттәнләриң.
Девларни худо десган
Каззобларни кирганды.
Бошимдаги сочдан ҳам
Күпрөғин ўлдирғанман.
Ардви, менга күмак бер
Токи Виванхұхати
Сувин кесиб үтгана,
Куруқ йүл бүйлаб кечай¹²⁰.
78. *Ардви Сура* намоён
Булди гүзәл киз мисол.
Курб-кудратли, улутвор
Сарвқаң бүйчан ниҳол.
Гүё күркәм зодагон,

Сиймосидир нурағашон.
Оқизиб жұнатди-ю,
Бир зумда иккى бүлиб
Виванхұхат сувини –
Бир кисмини илгартди.
Бир кисмини тұхтатди.
79. *Ардви Сура* шундайин
Омадни берди унга
Ҳамма вакт ҳак йүлида
Савоб иш килувчига
Ажрин бсрмок - қулида.
Бахт учун намозимни
Барадла овоз билан
Иүллай *Ардви Сура* сенга
Шаънингта мос эңсөнлар
Билан сенга юкуниб
Келсинлар хузурингта,
Муқадлас *Ардви Сура*.
Суг қүшиб шопирилган
Ҳаомадан савоб-чун
Барсман новдаларидан
(Даста тутиб қулида)
Ширинсұхан, пүтк ила,
Эзгу ният ва амал,
Чин юрак-ла айттылган,
Түғри сүз-ла йүлшасин...
«Намоз йүллаймиз унга -
Ахүр Мазда савоб, деб
Намоз буюрган зотта...»

XV

80. Зардушт, сиғингил
үшін¹²¹

¹²⁰ Виванхұхати дарғын – Авеста географиясыннан көрдегі мат.түм әмас Бизнингча, бу даре сүйининг салбый іаъсири, ёки оқимининг халдан ташқари тезлігі туфайлы халокатты экани ҳакида мифологияк тасаввур булған. (Шу сабабын ундан олдай кечүв көкрамон үчүн ҳаяғын. Вистаруш илтичиңсига кура, *Ардви Сура* Виванхұхатининг оқимини шартта тұхтагиб, узилган жойдан олдиншы сүз оқимини олға хайдайды. Юкори кисми әсә тұхтәб түрәди. Орада ҳосил булған йұлакдан Вистаруш нариғи киргіпка утады... У ҳұл булмасстигі әсә ушбу эпизод учун мухым.

81. Унга кијди худойи
Фриён ўғли тур Йўйшта
Ранхируднинг тезокар
Қисми аро оролда
Юз тойчогу минг сигир
Ва беҳисоб совлиқлар.
82. Ва *Ардвидан* тилади;
«Омад бер, *Ардви Сура*,
Менга шунни ўнг келтир.
Токи Ахтйани енгай,
Бадбин айёрни енгай.
Түксон тўккиз топишмок
Хар бири қанча чаток –
Айтса, мен уни тошай
Ёмон ният-ла айтса,
Максади шум Ахтйанинг
(Топишмокларин счай)¹²².
83. Шундай кут инъом этди
Аноҳид¹²³ *Ардви Сура* –
84. Сигин унга, *Спитама...*
85. Холик *Аҳура Мазда*
Эзгу зот хабар берди:
«Ё *Ардви Сура*, келгил,
Мен яратган ср узра

утамиз. Ўкувчи шу сагрнинг давомида 8
банд бор, деб хисоблаши керак. Бу банд-
ларнинг тулиқ таржимаси эса *Ардви Сура*
Йиг' 9-бандида берилган.

¹²² Бу лавҳа эртакслар қаҳрамони билан ка-
бих кучлар уртасидаги топишмок топиш
манзарасини эслатади. Қаҳрамоннинг сингиб
чишиши вкл-идрек, топкирилик каби фольк-
лер манзараларининг қадимий илдизларни
дан гувоҳлик беради.

¹²³ Анахита – *Ардви Суранинг* «покиза,
тоза» маъносини англатувчи доимий сифа-
ти. Бу сифатда *Ардви Суранинг* усимилик-
лар, наботут доҳийси, ҳосилдорлик, фаро-
волликни таъминланган вазифалари ҳам кү-
шидид кетади. *Ардви Сура* сопол ҳайкалча-
лари кўлида анор. бир тутам кўн нограда тас-
вирланиши ҳам шундан. Аноҳид табиат-
янинг ўтчастик рамзи ҳамдир.

Туш юлдуз маконингдан.
Сени шарафласинлар
Алп ҳукмдор эранлар,
Улардан зот ўглонлар,
86. Диндорлар ва қавмлари
Ёлбориш-ла сурасин
Донолигу, валийлик
(Динда маҳкам бўлишда)
Мазда берсин ғолиблик,
Муносиблик, олийлик
Енгилмасликда омад.
Диндорлар ва қавмлари
Ёлбориш-ла сурасин
Билгичлик ва валийлик.
Ҳақ йулида ҳамма вакт
Савоб иш қилгувчига
Ажрин берувчи доим».
Бахт учундир намозим...

XVI

Мазда динии енгишин
Ва *Аҳура* вахийсининг
Лойик камоли учун.
87. Қизлар яхши эр тилаб,
Сенга намоз этсинлар.
Фаровон улкан уй ва
Хожа тилак этсинлар.
Аёл кўзи ёришда
Сен кодир *Ардви Сура*
Кимки нима сураса
(Берувчи ўзинграсо).
88. Аё Зардушт, шул замон
Юлдузли маконидан
Ардви Сура Аҳура
Яратган Ерга томон
Якин тупиб, сўзлайди,
Эзгуликлар кузлайди.

89. Оламга сарвар этиб¹²⁴
Сени *Хурмуз* яраттан,
Бу ҳакиқат, о *Зардушт*,
Мени-да шул *Ахура*
Борликқа ҳомий этиб,
Маъбуд килиб яраттан.
Кудратим. ҳукмим сабаб
Күй-күзи-ю йилки, мол
Барча инсон зоти бор –
Ерда юрар бемалол.
Мазда яраттан барча
Эзгаликни авайлааб,
Барча яхши парсани
Оғилхона молларни
Асраландай асрайман.
90. Шунда *Зардушт* суради
Ардви Сурадан:
«Аё *Ардви Сура*, айт,
Сенга қай тарз сиғинай.
Не курбонлик илинай?
Ки холиқ *Ахура Мазда*
(Күёш усти гумбазда)
Ул Нурафшон ортидан
Сенга йўл очиб берсин,
Ерга этиб кел чаққон,
Илон, курбақа, чаён,
Калтакесак, тезгизак
Ари, пашина, ўргимчак
Етказмай Сенга зиён,

¹²⁴ Пайгамбарга нисбатан «сарвари олам» иборасининг Авестадаги кўриниши. Авеста бу сунни «Рату» леб атаиди. Жонли ва жонсиз табиатдаги ҳар бир тур нарсанинг ўз «рату»си-сарвари, бошчиси бўлали леб тушишилган. Рату бир йула ҳам бошчи, ҳам ҳакам, ҳам эга-хўжайин хисобланган. Бу тавсавур одамларнинг жамоаси бир бошчитга бўйсунган, йилкда вайри, всларида «подшо», турнада сардор, кабилада оқсокол ва д.к. бўлганидек, бу урнида одамзодга сарвар-Зардушт. Исломда ҳам бу ибора ишлатилиши қадимий виъянага тэадири.

Бизга етказмай заҳмат
Йуқолсин зулмат томон¹²⁵.
91. Марҳамат қилици *Ардви*:
Ҳақ учун, аё *Зардушт*,
Кун чиқардан ботгунча,
Шафак кўкни тутгунча,
Намозга бўл бақувват.
Эҳсон-ла йўқла бот-бот.
Дилга туг эзгу ният
Дилда тартиб берилган
Доно маъни, мазмунлар
Қатор-қатор терилиган
Муқаддас сўзнинг барча¹²⁶
Саволу жавобларин
Билгувчи коҳинлардек
Намоз бағишла менга.
92. Менга кильмасин эҳсон,
Хаста, майиб, ногирон
Калтакзада, бедаво
Дардга бўлган мубтало
«Гоҳ»ни кироат қилиб¹²⁷,
Аслида ишонмаган
Ўзин имонда санаб,
Лекин «Гоҳ» куйламаган
На ҳалажу на хотин
Менга эҳсон кильмасин,

¹²⁵ Бу банд И.М.Стеблин-Каменский томонидан асл мэтндан тушириб колдирилган сатрлар хисобига эркин таржима билан тулдирилди.

¹²⁶ Бу урнида муқаддас сўз Ваху савкан. Авеста китобига нисбатан ишлатилин будса керак. «Саволу жавоблар» ибораси эса Авестанинг мазмунида Зардушт ва *Ахура Мазда* ўртасидек сұхбат – савол-жавоб услуби етважлигига ишпоратидир. Агар тундай бўлса, бу банд Авестанинг китобига бирлашибтирилган даврларкда киритилган.

¹²⁷ «Гоҳ» – Зардушт бадиҳа йули билан яраттан давлат сўзлари. Авестанинг «Ясна» китобига 17 та «гоҳ» – күшик саксалашган. Уларни ёд укиш ута савобли хисобланган.

Эти ириб тугаган
Мохов хайри нораво.

93. Күру карлар келтирса,
Эхсон, күлим урмасман
Чулоқ, маймоқ ва тентак,
Тутканок, мажрух, соков,
Ақли лалта экали
Белгили бұлса бирөв,
Курбонликлар килмасин.
Агар бұлса кураги
Е күкрагидан букри.
Асло килмасин эхсон
Менинг учун ҳеч қачон¹²⁸.

94. Эзгу *Ардви Суралан*
Сұради Заратуштра:
«Лә *Ардви Сура*, айт,
Нима бұлғай ахийри
Девларга сиңингичлар
Каззоб зотлар кун боттач,
(Сенга атаб келтирған)
Курбонликлар тақдири?»¹²⁹

95. Матьбуда *Ардви Сура*
Деди унга бу сүзині:
Чин сүздір, ё *Спитама*,
Коронғи окшом чүккач,
Бу курбонликлар томон
Шоша, оёқ чалишиб,
Шармсиз сұкишлар-ла,

Ер-күкни жаром килиб.
Олғи юз-у яна минг
Дев бирдан ташланғанда,
Эхсон эса мен томон
Интилади ҳар қачон.
Лекин мен унда йүкман
96. Олтін тог Хукаряга
Намозим холис элтай
Бүйи минг аш буйидек
Токка чин таъзим этай,
Ундан бизларга томон
Тушар пок *Ардви Сура*
Кулрат-ла, шиддат ила
Элтар бизларга чексиз,
Кут омад ва саодат
Дунённинг барча суви
Келтиролмас шунча баҳт¹³⁰.
Баҳт учунлір намозим...

XVII

97. Унга сиғин, ё Зардушт..
98. Маздағаспайлар давра
Куриб намозга келди.
Күлларда тутиб барсман¹³¹
Ардига юқунцилар
Хвұва, Нотарийлар¹³²
Бири дер: – Бойлик берсін
Бири йұргық от тилар.
Тезда Хувуалар бой

¹²⁸ Зардуштийлик да жисмоний ва рухий соғылымынан мұхым омыл. Носоғлом одам уздын хисобланған.

¹²⁹ Күн боттаңдан кейин *Ардви Сурат* эхсон бағыншаша номаңбул ин деб түшүнілгән. Шомдан кейин килингін эхсоңға яратған девлар, ножинс махсұлдар ташланады. Уларнан тұплапшиша коронгулық ѡрдам берады. Эртаклар ва «етма-етакшалы» хикоя-іваридеги «жинилар бұзылдары» шу айданнанға фольжорларға давомидір. Пок *Ардви Сура* эса – нурағ-поп эзгу сиім. Девлар ишгол күлтән ердан у кетади. Эхсонлар унтағ стиб бормайды.

¹³⁰ Авеста жамияті узиннің балту иқболини мұқаллас *Ардви Сура*-Амударб билан болжайды. Бу дарғаниң қаётбасын қалғаси аж-лодыларимиздин түб цивилизациясы маконғы жанында яққол дағылдир.

¹³¹ Мұқаллас даражасыновадаляр намоз вактида зардуштийлар бир даста барсман тутиб туриши сабабын хисобланған. Ҳумир зардуштий лимнорлары ранглы металдан ясалған сим дастанини ушлаб тұрағылар.

¹³² Зардуштынның дауыватини күлтаб-куватлаган сақоба зоттар.

Кучли бўлди, бадавлат.
Нотарий Виштаспа-чи?
Чопкир отлари ила
Элда орттириди шухрат.
99. Бу омадни уларга
Ардви Сур ато этди...
Бахт учундир намозим...

XVIII

100. Сигин унга, *Спитама*...
101. *Ардви* ирмоқлари минг,
Минглаб кўллари хам бор,
Ҳар бир кўл атрофини
Айланмоқ кирк кунлик йўл,
Учкур отда шахсувор
Чопса отлиқ юриб мўл.
Ҳар ирмоқини бўйида
Савлатли уй-қаср бор.
Ойналари ярқирок,
Минг устунда устувор...
Бир ойнаси миштадек.
Миши эса-милиард
Минглаб тоқи, минг вассса
Юз минг ховон, бозиминг,
Сон саноқсиз синчлари¹³³,
Бири минг, миллионга тенг...
102. Қасрлар ҳар бирида
Чиройли болишлари¹³⁴
Жой-жойига қўйилган
Үрип тўшакли сўри
Минг алпикомат бўйидек
Тенадан оқиб келар
Эзгу сув *Ардви Сура*.
(Шукронасин қила кур),
Хабибим *Заратуштра*,

Шиддат-ла оқиб пастга
Дунёдаги барча сув
Бирлашсан келтиrolmas
Кутни бизга етар у.
Бахт учундир намозим...

XIX

103. Намоз йўлла *Ардвига*...
104. *Ардви Сурага* намоз
Бахш этди *Заратуштра*
Арйанамо Вазжуда,
Дайтиапинг бўйида.
У ерда *Ардви* шаънни
Эъзоз этди, сигинди
Ҳаома ва сут билан,
Барсман новда қўлида
Гузал нутки ёқимли,
Эзгу уй, эзгу амал,
Фикр-ла роси сўзларнинг
Бехато айтди барин,
Ардовидан тилаб омад.
105. «Ментга шундай бер
омад.
Муқаддас *Ардви Сура*,
Токи Арватаси ўғли
Кудратли Виштаспани
Имонга келтирайин.
(Фикрига динни жойлаб)
Ҳак сўзга ўргагайин,
Тўғри йўл қўрсатайин».
106. Унда шундай омадни
Етказди *Ардви Сура*-
Кимки хайру эхсонни
Тугри айласа адо,
Ажрин албат беріувчи.
Бахт учундир намозим...
107. Ибодат қишлоқ, *Спитама*...
108. Фраздан кўл бўйида

¹³³ Тоқи, вассса, ховон, синч – анъанавий чўпкор уй курилишида ишлатилиган ёғоч кисмлар.

¹³⁴ Болиш – лўласимон ювалоқ ёстик.

Күп билимдон Виштасна
Курбонликка сўйлирди
Юз той-у мингта ҳўқиз
Ва совликлар хисобсиз.

109. Сўнг *Ардвидан* тилади:
«Менга шундай бер омад
Мукалдас *Ардви Сура*.
Ғазабкор Тантравантни
Девпараст Пэшанувни
Каззоб Арежатаспни
Эзгулик учун жангда,
Енгид мен ғолиб бўлай!»
110. Шундай омад баҳш этди
Ҳак йўлида хайрни
Доимо садоқат-ла
Қилганин ярлақовчи
Мукалдас *Ардви Сура*,
Бахт учундир намозим...

XX

111. Унга топин, *Спитама*...
112. Унга курбонлик киљи
Чавандоз заривари
Дайитианин бўйида
Юз той-у мингта ҳўқиз
Ва совликлар саноқсиз.
113. Сўнг *Ардвига ёлборди*
«Мукалдас *Ардви*, менга
Омал бер, келтиргин баҳт.
Девларга сиғингувчи
Човут панжа маккорни,
Мунофиклик бандаси
Хумаяка ва инисин
Эзгулик учун жангда
Енгайин, ўнгланмасин!»
114. Унга шундайин омад
Баҳш этди *Ардви Сура*,
Кимки доимо тўғри

Хайр-эҳсон килса ажрин
Бергувчи улуғ кудрат.
Бахт учундир намозим...

XXI

115. Унга сиғин, ё *Спитама*...
116. Ворукаша бўйида
Ваңдарманиш исмли
Арежаспа акаси,
Курбонликка келтириди
Юз тойчоғ-у минг ҳўқиз,
Совлиқ кўйлар-саноқсиз.
117. Ва *Ардвидан* ўтиди:
«Менга баҳш эт шундай баҳт,
Мукалдас *Ардви Сура*,
Токи мен мағлуб этай,
Пахлавон Виштасп билан
Зариварни маҳв этай,
Арийлар лашкарини
Юзип эллик зарб билан,
Мингин эса юз зарбда,
Минг зарбла сон-саноқсиз
Бошига қирғин солай!»
118. Вале унга бу баҳтни
Бермади *Ардви Сура*.
Бахт учундир намозим...

XXII

119. Аё *Зардушт*, намоз ўки
Ардовининг тўлиб оққан
Шифобаҳш сувларига.
Дилида *Аҳура Мазда*—
Девлар ёвига намоз
Бор эзгу очунга мос.
Намозу қутлов ила
Ризқ ўстиргичга шараф,
Пода ундиригичга шараф.
Бойликка бойлик кўшиб.

Ер-мулкка муборак файз,
Эл-юртларни фаровон
Этгич *Ардвига* намоз
Багишла, *Заратуштра*...
120. *Ардви Сура* хизматига
Ахура түрт от берди.
Бир тулпори Ёмғирдир,
Бири Ел, Бири Булут,
Тулшорлари Ёмғир, Ел,
Сувли Булут бирла Дул.
Уни доим күриклаб,
Сувин мүл-күл қилар,
Шулдингу кор, дулу муз,
Ардви Сурани тұлғиз
(Деб үки *Зардуши* намоз...)¹³⁵
121. *Хүкарыйа* чүккисига
(Ибодатим йүллайман).
Олтин каби товланиб,
Осмон кадар бүй чүзган
Минг алш қоматта намоз.
Үндан оқиб тушади
Биз томон *Ардви Сура*
Мукадлас тұлқинлари.
Дунёла барча сувлар
Йиғиса келтиролмас
Микдорда бахт келтирад.
Бахт учундир намозим...

XXIII

122. Бағишила намоз унга
(Ё *Спитамайи Зардуши*...)
123. Олтин ёңқичи күлда
Турар апа, мукадлас
Ардви Сура орзуманд
Бұлиб одамларнинг чин
(Дилдан ибодатига).

Күнглидан үтар секин:
124. «Оҳ, мени ким шарафлар
Ким менга үқир намоз,
Қилиб мүлү күл эхсон
Ҳаома, сут-ла эъзоз?
Садокат ва имоннинг
Савобин берай кимга,
Куч-кудрат ва эзгулик
(Бахшида қиласай кимга?)»
Бахт учундир намозим...

XXIV

125. Бағишила унга намоз
Ё *Спитама*, ё *Зардуши*...
126. Күзга күриниб келди
Мукадлас *Ардви Сура*.
Ёш ниҳол гүзал киздек,
Лек кудратли, пурвиқор.
Бүйи адл, сарвқомат,
Нур таратиб илоҳий.
Олижаноб, пурхикмат,
Башант камзули енгли,
Олтин-зийнатли энгли.
127. Барсман хипчин қулида
Күз-күз қиласир сирғасин.
Түрт кирра куйма олтин
Ахурадан пок хилқат.
Ардви гүзал бүйніга
Таққан маржон шодаси.
Тортыб боғлаган белин
Күкраклари чүккайиб,
Бұлық, таранг турсин деб.
128. Бошига *Ардви Сура*,
Олтиндан юз, куз күйиб
Ясалған чамбар кийган.
(Бу чамбар мисоли бир)
Саккиз гупчак арава
Гилдираги шаклида.

Бу урпапда *Ардви Сура* ҳәёттү намзик
химоячиси.

(Үнга ҳарир матодан)

Боғичбанштар тақиған.
129. *Ардви Сура* эгнила
Уч юз сувсар мўйнадан
Тикилган поча пустин.
Ардви Сура эгнида
Тўрт марта болалаган
Уч юз сувсар мўйнадан
Тикилган поча пустин¹³⁶.
Пустин шундай савлатдор
Кўрган кишига гўё
Олтиндай яраклайди
Ва кумушдай товланар.

130. Энди сендан, Мукаллас
Ардви Сура, тилай мен
Шундайин бир омадни,
Хабибинг булай сенинг
(Ва *Мазда* дини учун).
Мамлакатларни очай.
У юртлар ойлиги мўл,
Чексиз бўлсин озиғи,
Кишнаган тулпорлари,
Филлираклар гичирлаб,
Араваси саноқсиз¹³⁷.
У юртлар омборида
Тириклик чун керакли
Барча нарса ярокли
(Тулиб ётсинг вижирлаб).
131. Энди яна, Мукаллас
Ардви Сура, тилагим
Бергина икки дов-юрак-

Бири икки оёкли

Жанговар аробада
Майдонга кирсий дархол.
Иккинчиси—тўрт оёк.
У ёгийнинг лашкаринг—
Ўнг каноту сўл канот,
Сўл каноту ўнг канот
Сафларини тўзғитсин,
Келган ерга иткитсин.

132. Бу намозимиз ажри
Учун эҳсонга лойик
Неммат етиштир бизга
Юлдузингнинг туридан.
Тушир, *Аҳура* холик,
(Килган Ер узра уни),
Мульбадга ёрдам сткиз,
Хайр этган кафтимизга.
Кўнгил. ё *Ардви Сура*¹³⁸
Ҳақ йулида доимо
Хайр-эҳсон килгувчига
Омад бергувчи илоҳ.
Ва ниҳоят ботирлар
Виштаспа аскаридек
Фолиб булиб қайтсиналар¹³⁹.
Бахт учундир намозим,
Баралладир овозим¹⁴⁰,

¹³⁶ Сувсарнинг турт марта болалаган ёшида—
ти мўйнasi сифатли, гўк ва пишик бўлади,
деган тушунча ифодаланмоқда.

¹³⁷ Аравасолик броиза асринг металидан
тариғи яшас ынсоннинг түғайли кең расм
булган. Авеста жамияти ёса бу уринда ара-
валар, сон-саноқсиз бўлишини орзу килиш
босқичида. Бу давр чил. авъ. II чинг йил-
ликка мувоғик тушади.

¹³⁸ Бу уринда *Ардви Сура* тасаввурлари квё-
лий илоҳий образ сифатида гавдланади.
Демак, бу маъбуданинг образига хайкал си-
фатида маросимчлар учун тасвирлашдан
ташкари хаёлий тимсоли киёфасига ҳам чу-
рожаат тилган. Бу ҳол-илюҳтарни
абстрактлайтириш йулида йирик қадам
Кўлни дуога очини-кафтга савонни қуни-
риш. Бу одат исломда ҳам давом этимола.

¹³⁹ Шу сунгига уч катор энг қадимий матнга,
афтидан, Виштаспа Маздаянса (*Аҳура*) ли-
нини қабул килгач, дуо сүнгарига күшимча
килиб кирилтилган бўлиши керак. Кийс ки-
линг: бошига бандларда чити «Омад
бергувчи» сүнгари билан тугайди.

¹⁴⁰ Намотни ишончли овозда равон тил
бисми аддо читиши таълаб кильинган. Уқиста-

*Ардви Сура шаънига,
Лойик эхсон қиласман.
(Яна бир тилак шулким.)*
Сенга ҳам топинсинлар,
Мұқаддас *Ардви Сура*
Ҳаома-ю сут билан
Барсман хивичлар билан
Күркам, нозик нутқ билан
Эзгу ўй-у эзгу суз

Ва эзгу амал билан
Сүзда коимлик билан¹⁴¹
Ахура Мазда лойик
Деб топған зотта намоз
Ахура Мазда сазовор
Этганга намозимиз
Йұллаймиз биз доимо¹⁴².
133. Энг эзгу илоҳ
каби... (икки кур айтилади).

¹⁴¹ «Суз» бу үринде алестача «санш» – Мазданинг ҳақ илохтығынан тан олиб айтилған имон калимасига ишірет. Бу «суз»дан чекиниш, унға зид ишлар килиш «әлғон», кассоблик сифаттада энг улут гунох хисобланған. Халқымызда берилған сүзге вафо кадряттингиз иелділәрі зардуштыңнда ижтимои ахтот шарты сифаттада екес эттан. «Митра» фаслида бу масалага батағасыл тұхтаймыз.

¹⁴² Авестанинг «*Ардви-Сура*» Яшти піу ерда тұғайды. Сақланған маттнинг давомида «вач»лар, яғни бирор иш бошида ишмінг үнгідан келишини таъминлаш, унға заарар келтириши мүмкін болған күчлардан асараш каби нияттар билан айтыладыған дуо сұллары урта давр (пахлавий) форс тилида құщынча килип киристилған. Бу дүспар қамма «Яшт»лар охирнда бир хилда тақрорланады. Уларнинг бошланиши бундай: «ягона, қлохсан (икки марта)...». Давоми, эса ҳар бир «Яшт» бағицланған маъбуд ҳақида алохидә айттылған сүζілврдір.

Линган дуоларни білмегенділар заотарға иктидо килишлари, ихлос билан унға эргашишлари, баробария овоз чиқармаслыклари ҳам мүмкін бўлған. Бу хол исломдаги «имомга иктидо килиш» кондасига ухшайди.

«Ҳак йўлида энг эзгу бошчи мисол» Ушбу алқовларим ҳакка баҳшила бўлсин..., дея ният килиб, *Aхура Мазданинг* кувончига эзгу фикрим, эзгу сўзларим, эзгу амалларимни йўллайман. Ахриман даф бўлсин. «Ҳақиқат – Олий неъмат...»

6-яшт (Хуршед яшт – Қуёш алқови)

Қуёш... Борлик ҳаётнинг бош манбаи, инсон шуурини илоҳдан олган қудрати ва жонбахш таровати билан шоширган ҳайрат ичра англаб етилмаган моддийликдан онгларда илоҳий даражага кутарилган, сўнгра асогирий тафаккур кенгликлари ва бадиият кузгуси оркали идрок этилиб муқаддас сиймо каби эъзозланган. Қуёш шаънига Авеста китобида келган суюк алқови «Хуршед Яшт» деб номланган. Кўп асрлар оша аждодлардан ҳалқимизга мерос бўлиб етиб келган 21 яштдан энг ихчами, бадиий жиҳатдан гузалларидан бири ҳам шудир. «Хуршед Яшт» Қуёшга бағишлиланган маросимларда барадла овози билан кўйлаб тиловат килинган. Унинг савоби ғоят улут ҳисобланган. Чунки бу алков Очун офтобига хуш ёқиб, ундан Еру кўк, набототу ҳайвонот баҳравор бўлади. «Хуршед Яшт» алқовининг тиловати олдидан уни сидқидилдан айтувчи ҳар бир художўй қуидаги ният сўзларини айтиши лозим бўлган:

«Кувонсин *Aхура Мазда!* Энг лойинку сазонор илоҳ (*Aхура Мазда*)нинг иродаси рўёбга чикиб, Анхра Майнину (Ахриман) даф бўлсин! Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал билан эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу ишларни алкайман. Ўзимни эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амалга бағишлиман. Ёмонликни уйлашдан, ёмон сўздан, ёмон ишлардан юз үгираман.

Топинчimu мактovларим, эзгу фикрим эзгу сўзим, эзгу ишларим жониму таним билан сизларга бўлсин, улим билмас Валилар.

Ҳақни шарафлаб дейман: «Ҳақиқат – олий неъмат. Бу неъматдан ул (киши) баҳрамандким, ул киши савобга дохилким, ким агар ҳак йўлида эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амалдан колмаса» (Бу дуо сўзи уч марта ўқилади, яъни Авестанинг асл матнида уч кайта ёзилган).

Маздага сиғинаман. Зардушт ёвлари бұлған девларга ёвман.
Ахұра Мазда сұзига даъват этаман, деб имон кеңтираман.
*Хакикат күрикчиси, тақводор Ҳавонига топинчұ хамдлар, суюнчұ олқишилар (бұлсии). Хакикат күрикчиси, тақводор Саванҳага ва Висйага топинчұ хамдлар, суюнчұ олқишилар бұлсин. Хакикат күрикчиси Фрадат (Фшава)га ва Зантумага топинчұ хамдлар, суюнчұ олқишилар (бұлсин). Нурағышон ва Фаровон Ахұра Мазда-
га (сиғинишим туфайли) униш севинчи учун Хурshedни олқиши-
лайман, унга-да топинаман, ҳамдлар (айтаман) унга суюнчұ ол-
қишиларим (бұлсин).*

«Эзгуликда беназир Эгам сингари», дея менга оят бошлаб берали Заотар. «Хәкни бишлиша энг эзгу бошчи каби...», деб айтсін бу дуони билгувчи (хар бир) тақводор.

1.Отлари учкур кимдур –
Биз шунга топинурмиз.
Ул Куёп – үлмас Ёлқин
Биз унга топинурмиз.
Чунки күёш ёритпаңда,
Илиқлік таратганда,
Юз минглаб қатор-қатор,
Турфа саф-саф Худолар
Баҳт улашиб ҳаммага,
Омад бағишилаб әлға,
Барор тилаб улусға,
Хакикатта – балоғат,
Очунга – гул-ободлик,
Мазданинг яратғани –
Ерда бұлсии фарогат.
2.Күёш балқиб чикқанда,
Мазда берған ер балқыр,
Оқар сув балқыр шунда
Қайнар булоқ сувлари,
Барча хилқат яшнайди
Мұқалласа рухлар қалқар
Күёш чиккан өніғіда.
Мазда берған ер яйрап
Мұқаддас нурин әмиб,

Сувлар бари баҳравор
(*Бұлар* күёш чикқанда).
Оқар сувлар – мұқаллас,
Булоклар ҳам савобдор,
Түргүн сувлар, денгизлар,
Барча хилқат мұқаллас,
Барча рухлар мұқаддас
(*Күёш* балқиб чикқанда).
3.Чикмаса күёш агар,
Девлар ғорат қылғайлар
Ерда барча хилқатни.
Сұнг бу ерда малойик,
Фаришталар күнолмас,
(*Жин* теккан ушбу ерга)
Үзип күролмас лойик.
Күёшга ким топинса,
Сиғинса Нур Абадға,
Учкур отлиқка намоз
Бағишиласа ким агар,
Ният килиб, зулмат-ла
Бсаёв беллашмоққа,
Зулмат болалари ул
Девларни қакшатмокқа.
Үгри – кассобга кирон

Сехру жодуга – завол,
Фавтдан халос топмоқта
(Ким яхши ният қылса).
Учқур огликқа намоз
Бағишиланган топгуси
Үнүт¹⁴³ бұлмоқдин најот.
Маздага сиғинса ким
Үз жонин уйғун этар,
Үлмас ва мұқаддаснинг
(Номин ким этса,)
Маъбудлар бұлар хушнуд
Ер узра ва осмонда
Күёшга ким топинса,
Сиғинса Нур-Абадга.

5. Топинайлик *Mitraga*
Далалари бепоён
Минг қулоқликка намоз¹⁴⁴,
Күзлари бесададга.
Девлар бошин мұлжаллаб
Үткір найза санғувучи,
Найзадор мерған зотга
Алқову намозимиз!
Топинайлик ой ва кун
Үртасин болғагувчи
*Митранинг ялинита!*¹⁴⁵

6. Бахту омад берсин леб,
Баралла дуо сұзим,
Ибодатим қүёшга
(Юқунчим зар қанотта),
Отлари учқур зотга
Йитмас, Битмас ёлқинга.
Отлари учқур зотга
Эхсон этарман. *Хаома*
Шарбатин сочиб үтга,
Барсман новдаларини
Этарман хайру эхсон.
Эзгу каломлар ила

Хак сұзин дилда тутиб,
Күёшга топинурман:
«Ахұр *Mazda* Вали дея
Тан олган үшал зотга
Ибодатим йүллайман!»

7. «Оlamda әңг ҳак илох...»¹⁴⁶
Намозу алқов Азал
Ҳам Абад Нурағионга
Кудрату мадал берган,
Отлари учқур зотга
«Ҳақиқат әңг эзгу неъмат...»

¹⁴³ Авестада Маршаван исмінде дөв унуги-лип, хотирасылтік рамзи. Унугиши эса маңынан үзилиш бўлиб, ажлодларимиз бундан улларини асрараллар.

¹⁴⁴ Күёш алкови ичига *Mitraga* бағишиланган парча ҳам кириб қолғанлек. Бу, афтидан, *Митра-Мехр-Күёш* тушучалары үзаро яқнаның туғайладыр. «Минг қулоқ»ли, «минг күзли» каби үшшишишлар қудонияғ «ҳамма нарсаны зиһитниши ва күриши» сиғатларининг Авестадаги күришишилдир.

¹⁴⁵ «Ой ва кун үртасини болғагувчи» жумлависи *Митра* әртә тонгда күёшни самога олтинг аравада олиб чиқалы деган Авестача тушунчалини ифодалайды.

¹⁴⁶ Бу жумла билан яштининг якупий дуо айтимлари бошланади. Жумла иккى марта тағрорланады: биринчи бўлиб кохин айтвди, сўнгра намозхон томонидан кохин билан кетма-кет айтилади. Ундан кейин намозхон фотиқа маъносида «Ҳақиқатнинг әңг эзгу сардори, Ҳақиқат – әңг олий неъмат...» каби жумлаларни айтиб тутатади.

17-яшт (Орд яшт – Аши алқови)

Кувонсин Ахура Мазда – «Энг лойик Ҳакнинг иродаси рүёбга чиқиб», Ахриман даф бўлсин. Эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу ишларни алқайман. Узимни буткул эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амалларга бахшида этаман, барча қабиҳ ўй, ёмон сўз ва ёмон ишлардан тияман. Юкунчим, мактовим, эзгу фикрим, эзгу сўз, (савобли) эзгу ишларим «танамдаги жоним» билан бирга сидки дилдан Сизларга (бахшида) бўлсин, эй ўлим билмас Валийлар. Ҳакни шарафлаб (дейман): «Ҳакикат – олий неъмат. Бу неъматдан ул киши баҳрамандким, савоб унга бўлгай, ким агар ҳак (йулида) савоб (иш)дан қолмаса, савоб ишдан қолмаса, савоб ишдан қолмаса». *Маздага сигинаман, Зардушт ёвлари бўлган девларга ёвман, Мазда* (дини)га даъват этаман, деб имон келтираман...

Нурағишоп ва хуш хабарда (менга) етишган Ахура Маздага (сигинишим) туфайли унинг севинчи учун топинчу ҳамдларим, суюнчу олқишлиарим бўлсин!

«Эзгуликда беназир Эгам, сингари» дея менга оят бошлаб берар заотар. «Ҳақни танишимда энг эзгу бошчи каби» – давом эттираман мен.

I

1. Эзгулик келтиріувчин,
Танисоғлик бергувчи,
Куч-кудрати бекиёс,
Шарафноку кўркабой,
Буюк мулкдоримизга -
Эзгу Ашига топинч.
Берур ақлу жовидон.
У дунёсини бериб,
Халос этар гуноҳдан.
2. Ким эъзозлар Ашини -
Ахура Мазда қизин,
Валийлар синглисили
Халоскор билга, дониш,
Мағфират элтувчига -
Эзгу Ашига олқиш,

Топинчимиз эрур баҳш.
Ким эъзозлар Ашини
Назру ниёзлар билан,
Чорласа ким Ашини
Хоҳ ёвук, хоҳ узоқдан-
3.Баралла товушим-ла
Кут сураб топипурман!
Лойик курбонглик билан
Эзгу Ашига юкунч...
Эъзозлайин Ашини
Котиб сут Хаумага,
Кулда барсман повдаси
Эзгу ўю эзгу иш.
Ширин сўзла алқайин,
Ҳакни хақча айтайин,

Арир юракдан олкиш –
Топинчимдир Ашига:
«Намозимиз йүллаймиз
Ахура Мазда савоб, –
Дея тан олган зотга».
Унга ажру савоблар.

II

4. Ашига топинурмиз.
5. Хаумага шараф-шон.
Эъзозлансин ҳак сўзи.
Хаумага шон-шараф.
(Пайғом келтирган бизга)
Заратуштраға шон.
Мастлик кегидан келар
Конхур Дайва–Айшма.
Ичилса агар хаума
Изидан келар Аши.
6. О куркам юзли Аши,
Ёлқини порлоқ Аши –
Элу юрт узра нурин
Сочиб роҳат улаша,
Бергувчи шону шараф!
Йўлинг тушса қай уйга,
Унда муаттэрликдир.
Эзгу Аши қай уйга
Қадам ранжила қилса,
Унда авлод томири
Узилмаслиги тайин,
7. Эр ўрлонларга сендан
Сийлов фаровон юртлар.
Унда ҳар не мұхайёс
Ўрин-тұшаклар тайёр.
Мол-мұлклар туганмас
Берарсан эзгу Аши –
Сен әргаштан зотларга
Сонсиз шараф уларга –
Сен әргаштан зотларга:

«Сен менга эш бұл, Аши:
Куч-құдрати мұл, қодир».
8.(Ашига топинганлар)
Үйлари обод, гүзал.
Турғувчидир безавол,
Унда тұла пода-мол.
Эзгу Аши кимнинг сен
Изма-из йүлдошисан¹⁴⁷.
Ҳамду шараф унгадир –
Кимга бұлсанг сен йүлдош.
«Фаровон үктам Аши,
Менга ҳам бұлғын издош».
9. Сен кимгаки издошсан,
Эзгу Аши, уларнинг
Олтин оёклари узра,
Уйку тахтидир файзном,
Юмшок ёстиклар тұла,
Муагтару йигинчок
«Фаровону алп Аши
Менга ҳам бұлғыл ҳамроҳ».
Хобгоҳ узра үлтирад
Суюкли хотинлари,
Юмшок парёс гикларда
Нафис зийнатлар ичра,
Олтин ичра зебланиб,
Билақузук, мунчоклар.
Сирғалари тұрт кирра.

¹⁴⁷ Аши Ахура Мазда діннінде одағынан одағынан жаңынан атасынан мұкабаға берілген. Ашига сифатыда ҳам тушунылған. У кимга ёндюшік жөннілік, үша одағынан бағыт, омад өр бұлады, деган ишонч бұлғын. Дағында «омад» сўзи «келди» маъносидан айна шу Ашининг яқин келиши туғайли солири бұладынан яхшилік маъносига эзгіледі. Лекин «омад»нинг зардуштылығы билан борлық талқыны унтуылған. Шу туғайли «омади келди» иборасыда иккى марта «келди» маъноси иғодаланаёттыни ҳам зұтиборсиз колади.

Сұзлашишар үзаро:
«Хожамиз келар қачон?
Суюкбадан роҳатин
Тотармиз бизлар қачон?
Фаровон, полвон Ани,
Бўлгил издош, жона-жон!»
11. Уйларида ултирад
Билакузукли кизлар.
Белда чилвир белбоги
Қадди адл барнолар –
Кўрсанг хавасинг қўзгар
(Аши килса муносиб)
...Менга бўл издош, Аши,
Сен маъмур, кудратбоши.
12. (Аши издош зогларнинг)
Оти кишинар туркираб,
Қўкда учар жонивор.
Аробасин тез элтар,
Қўшилса унга отлар.
Узокка учар ўки,
Уткир узун найзаси.
Олду ортдан ёвларга
Улим элтар ҳар қайси.
Кимнингки учкур оти,
Евқур синоҳин элтар,
Гар Аши унга издош;
«...Менга бўл издош, Ани,
Сен – кудратли, сен – ганий».
13. Туялари ўкириб,
Ўркачлари диркирап.
Жангга отиб ўзини,
Моясига интилар.
...Аши, менга бўл издош
«Сен – ганийсан, кудратли».
14. (Кимга мукаддас Ани
Эш бўлса, бўлса ҳамроҳ),
Унинг хазинасига
Кумушу тилла тўлар.

Келар узоқ эллардан
Заррин кимхобу тўнлар.
(Кимга эш бўлса Аши).
15. Бок менга, эзгу Аши,
Юзлангил менга томон.
Рахм кил, дариг тутма,
Шафқатинг этгил эхсон.
Рахм кил, сендири хокон
Сийла, кут бер. унугта.
16. Сенинг отанг улуғвор–
Маъбуллар худоси ул.
Аҳурмаздинг ўзири,
Онаиг Армайтиспантаг¹⁴⁸
Оғаларинг Сраоша,
Алп Рашину ва *Митра*–
Яйловлари уфқ опса.
Сон-саноқсиз қўзлари.
Минг кулоқли ҳам ўша
*Даэна эгачингдир*¹⁴⁹,
Улуғ мақтовга тенгдир.
17. О Аши, тангриберган,
Бошкарарсан гуриб гоз
Борликнинг улуғ чархин
Ва айтарсан шу сўзни:
«Ким у мендан илтижо
(Килаётган – ким ўзи?)
Ёлворғанлар икра энг
Менга хуш, тотли сўзи?»
18. Шунда валий *Спитама*
Заратуштра очди сўз:
Зотан, иисон ичра ул,
Ҳакни айлаган макбул.
Аҳурмаздин алқаган,
Валийларни олған тан,

¹⁴⁸ Спита Арманти – Испандармат – ер маъбудаси.

¹⁴⁹ Даэна – дин. Бу ҳам обраглаштирилган-дир.

Түгилгаң чөгда Зардушт
Үсіб улғайғанда у,
Кувончга сиғмаган сув,
Гуркираб үсганди үт.
19. У турилған чоғида,
Үсмирилк қучогида –
Бұлған кезларидаёк,
Бу поёңсиз оламдан,
Юртнинг чұлу тогидан,
Кочди қабих Ахриман –
Нияти шум Ахриман,
Аламдан чиқиб жони,
Карғаниб ғудранарди;
«Барча тангри менға бас –
Келолмасди ҳеч қачон.
Бир Зардушт мени осон
Маҳв этар – чорам абас¹⁵⁰.
20. Намоз-ла урар мени,
Тошбүрөн килған каби.
«Ахуна Варйа» дуоси
Гүё палахмон тоши.
«Аиа Ваҳишта» дуосин
Үкиб мени күйдірар.
Маъдани эритгандек,
Очундан мени кувар.
Мен биргина Зардуштдан
Топмам жой – жоним күяр».
21. Эзгу Аши шу тобда
Оғиз жуфтлади сұзға:
«Марҳаматим қабул эт,
Ёвук тур карғымга,
Чин юрак-ла, Спитами,
Аравамга яқин үт!»
Келди яқинрок шу он
Спитами Заратуштра
Келди арава томон.

22. Зардуштга аста Аши
Тегиб күйди (эркалаб),
Үнгү сүл күл-ла силаб.
(Унинг боши устида)
Сұнг сийпади буй-бастин,
Хуш сұзлади дил овлаб:
«Күркемсан, Заратуштра,
Сен гүзал, о Спитами,
Оёқларинг хүшибичим,
Күлларинг чақкон, узун,
Сенға бердим Хварио
Қалбинің тескінде роҳат,
Ваъдамга вафо учун».
«Намозим унга тортиқ
Сидқидилдан дуойим.
Лойик эхсоним харчанд
Ашини деб худойим
Қиласай назру ниёзлар...
23. Эзгу Ашига топинч...
(Юкунчимиз унгадир)...
24. Мазда берган күркабой
Хаошиянха Парадата¹⁵¹,
Хара тоги остида
Ашига намоз иўллаб.
25. Тилак айлади изхор:
«Бер менға шундай омад,
То кучим етсин, Аши,
Мозан деяларин енгай,
Күркиб ортимга елмай –
Уларни күрганим чоғ,
Меңдан чучиб тұмтарок
Қочиписин зулмат томон,
Сактолмай жонин омон».
26. Ани юрди у томон
Яқин келди тенгма-тенг,

¹⁵⁰ Абис – беғойда, бекор (уриниш).

¹⁵¹ Хушанг – Пешодий подшоларидан.
Авестада парадата супольаси.

(Хаошийанха Парадата)

Муроди бўлди ҳосил.

27...

28. *Хукарийа чўккисида*

Подалари саноқсиз,

Гузал *Йима* Ашига

Багиштаганда намоз.

29.Шундай қилди илтимос:

Менга бўлсин омад ёр:

«Шундайип баҳтии сткиз -

Мазда яратганки, бор

Подалар бўлсин семиз,

Мазда яратган эзгу

Борликни килай улмас.

30.*Мазда* яратган барча

Хилқат ташна, оч бўлмас

Кариликни, ўлимни

Узоклатай куч борча

Мазда яратганлардан.

Барча *Мазда* яратган

Хилқатдан узок бўлсин;

Гармсэл ва изғирин

Мазда яратганлардан

Минг қишилик йўлда

бўлсин»¹⁵².

31.Аши гўзал *Йимага*

Келди яқин, ёнма-ён.

Шунда тўқ подаларнинг

Соҳиби шоҳ *Йимага*

Бўлди валийлик аён»¹⁵³.

¹⁵² Киш йилнинг Ахримандан яралган ораглиги. Йил ўтиши кишдан чиқишига қараб саналган.

¹⁵³ *Йима* – Аҳура *Мазда*ни илк бора тан олгани зот. У Аҳура *Мазда* иродаси билан ер юзида биринчи подшоҳ бўлган; Унинг даври минг йил. Алковининг ушбу бандиди *Йима* касалликка корши, узум кабиларни йук килиш, киш, иғирин шамолларни даф килиш, Аҳура *Мазда* яратган эзгу борликининг

Кутлуғ бўлсин намозим...

32.Эзгу Апига олкиш...

33.Атвийа уруғининг

Вориси Трайтаона,

Турғ бурчакли *Варнада*¹⁵⁴,

Ашига тошинганда.

34.Шундай қилди илтижо;

«Шундай омадни бергил

Менга муқаддас Аши.

Токи Заҳқокни сиғай

Уч бошли, уч оғизли

Олти бошни ўлдирай.

Маккор, каждил илонни,

Девлардан таркалганни,

Кудрату кучда тенгсиз

Ёлғончи беимонни.

Имону эътиқодли,

Дунё учун оғатни

Ўлдирай, бер имлодни.

Заҳқок тутқун айлаган

Гузал *Сахнавак* ҳамда,

Арнавак гулбаданини,

Соғлом фарзандлар тутиб

Беришилик учун қодир

Аёлларнинг яхисин

Куткариб олиб кетай»¹⁵⁵.

35.Аши келди ёнма-ён

тўқ фаровон булишини орзу қилиди ва пиятлари амалга ошишида Ашидан мадад сурайди. Аши унга яқинлашиб, айтган пиятларининг барини унга ҳамроҳ қилиди. Шунинг учун *Йима* шоҳлик қилинг минг йил давомида инсоният «олтин аср»да яшаган. Улч булмаган, касаллик, кариш булмаган, кишияниг совуклар т-ю, ёзниг жатирамаси булмаган ва ҳокато. Бу мифологик мөгия «Видевдог» китобида ҳам алоҳида таъкидлансан.

¹⁵⁴ Мифологик юртпинг номи леб хисобланади.

¹⁵⁵ Бу лавҳа бугун бир улуттилган эртак матнунига ишоратдир.

Атвийя уругидан,
Кудратли Трайтаонанинг
Сураган ниятлари
Мухайё булди шу он.
Кут учундир намозим...

III

36. Эзгу Ашига олкиш...
37. Шифобахш, қўркам, гўзал
Олти кўзли Ҳаома,
Хара тогин энг юксак
Чуккисида ёлвориб,
Намоз ўқиган маҳал.
38. Шундай тилак суради:
«Муқаддас, эзгу Аши
Менга бахту омад бер,
Токи, тур Франгхрасённи
Туширай қўлга асир.
Сўнг олиб кетай борлаб, –
Олиб борайин борлаб,
Бадкирдорни Ҳаосрав
(Хузурига етказай)
Чайчастанинг бўйида–
Чукур кўл қирғоғида
Токи, уни Ҳаосрав
Макр-ла үлдирилган.
Отасин хунин сўраб
Үлдирсин, килсин гумдон,
Наравидлик қаҳрамон
Аграэррат руҳи ҳам
Топгуси шунда омон».
39. Ҳаомата келди яқин,
Булди унга ёнма-ён,
Дардларга эм гўзал Ҳаома
Ашидан топди эъзоз.
Олтин кўзли муқаддас
Кут учундир намозим...

IV

40. Эзгу Ашига олкиш...
41. Эран юртлар бошини
Қовуштирган Ҳаосров,
Чайчаста – тубсиз кўлнинг
Кўм-кўк суви бўйида
Эзгу Аши йўлида
Намоз-ла ният қилди.
42. Ва Ашидан суради:
«Эзгу Аши ато эт
Менга шундайин омад,
Токи мен үлдирайин
Туронлик Франгхрасённи
Чайчастанинг бўйида.
43. Чукур кўл қирғоғида
Макр ила үлдирилган.
Отам ким Сйаваршаннинг¹⁵⁶
Қасдини ундан олай,
Ҳамда Наравидалик
Аграэррат қаҳрамон
Ўчин бошига солай».
Аши келди ёнма-ён,
Яқинлашди у томон,
Ато этиб эзгулик,
Эран юртлар бошини
Бир эттан Ҳаосравнинг
Ниятин этди осон.
Кут булсин намозимиз...

V

44. Эзгу Ашига олкиш...
45. Спитамаи Зардушт
Ашига ёлворгандা,
Арианам Вайежуда,
Эзгу Даитя бўйида

¹⁵⁶ Накл килинишича, Франгхрасён тұхмат-ларни текпирмай, Сиёвуш (Сйаваршан)ни үлдиришга буюрган.

(Шундайин эъзоз этди,
Сут-ла шопирган Ҳаома,
Барсаман новда қўлида
Нозик, гузал нутқ ила,
Эзгу ўйу эзгу иш,
Эзгу амал ила,
Дил билан тўғри чин сўз,
Энг хақ панд ўғит ила).

46. Шундай килди илтижо;

Спитаман Зардушт

Арйанаму Вайежуда,

Дайтианинг буйида

Ашини килиб эъзоз.

Сут кўшиб ҳаомага

Барсман тутами кулда,

Нозик нутқу лутф ила,

Эзгу ўйу эзгу иш,

Тиник, равон ва тўғри

Талаффузли сўз ила¹⁵⁷

Чин юрақдан Ашига

Ёлвориб бундай деди:

«Эзгу Аши омад бер.

Шундай баҳт бсрки мснга,

Олийнасаб Хутаоса.

(Тағу таҳтли Хугаоса),

Фикрига имон қўнсин.

Нуткига қўнсин имон

(Ҳар икки эзгулик-ла)

Мос ишга кўлин урсин¹⁵⁸.

¹⁵⁷ Авестанинг сўзларини тиник, равон та-лаффуз килиниши лозим бўлган. Чунки Авеста илоҳий суз хисобланган. Замонлар утган сари мукаддас леб билгинган Авеста тили маздаясна жамоаларидаги мавжуд тиллардан фарқ киёв борган. Авестанинг амали учун лозим бўлган асл тилини саклаш эса зардушийликда муҳим шарт бўлган. Бу хол Куръон. Инжил матнлари тилини всл холда саклаш кабул килингани кабидир.

¹⁵⁸ Хутаосада Зардушт (Маздаясан).

Токи у *Аҳура Мазда*

Ахдин кўнглига тутгин
Ва менинг жамоамнинг
Эзгу шухратин ёйсин».
Аши Зардушт ёнига
Яқин келди бир лаҳза,
Тилаги бўлиб бажо
Хутаоса *Мазданинг*
Кирди аҳд-имонига.
Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

IV

48. *Аҳуранинг қизи деб,*

Улмас малаклар сингил,

Деб билган ушал зотни
Эъзозига намозим...

Кимки чорлаб йўқласа.

Узокдами, якиндан

Унга кўмакка шошган

Ашига топинчимдир.

Саошибант¹⁵⁹ донолиги

Туфайли мадад тошган.

Йўқлагандан миннатдор

Аши турма окил зот,

Бахш этгайдир мағфират...

49. Дайти дарёсининг

Ёқасида Виштаспа

Ашига йўллаб намоз

50. Шундай килди илтижо:

«Эй азизу мўътабар

¹⁵⁹ Бу уринда Авестала маҳшар кунида кайтадан келиб бандаларни гуноҳи туфайли илоҳни жазодан куткарғувчи зот ҳакида топ боради. Русча таржимада бу сўз «спаситель» леб берилган. Жаҳон динларидан шу каби тушунчага яхни анъаналар бор. Ислоринийлик динида мессия, исломда мавзий ва б.

Аши, менга бүлгин ёр,
Голибона жанг қилиб,
Бадфөйл Аштааравантни,
Учи кирра қалқонли
Учи кирра дубулға,
Кийган бүйни йүганинни
Виспатарва үглини
(Хуванави чүл бүйлаб
Ёйилган)¹⁶⁰ етти юзта
Түяниңг эгасини
Енгайин мен беомон.
(Аши бер, менга мадад
Душманларни беадад)
Енгайин ғолиб жангда
Йүк қиласай жохил хайон.
Каззоб Аржатаспни¹⁶¹
Ва ярамас Даршинак
Девга келтирган имон
(Құлымда бұлсинг ҳалок).
51. Сұнгра мен маглуб этай,
Ғазабкор Тантрийавантни
Үндән сұнг енгай тамом
Спинжаурушкани
Ва қайтариб келтирай
Хумайя, Варидкани¹⁶²

¹⁶⁰ Асл матнца сатр учыб кеттап. И.Стеблин-Каменский бу үринде түллар «йловининг номи бұлса керав деб таҳмин күлтән. Биз әркин гаржима шылиб «хуванави лйловда...» каби таржичи қилинни маңызулық күрдик.

¹⁶¹ Аржатаспа – Виштасаппниң душмани. Хайана деб номлапланған зарлуғыт диннега кирмай ви қавчнинг дохижларидан деб таҳмин қилинады. Авесталаги хайвона қалқы сосоңнайлар (226–651 йиллар) сулоловаси даврида Эрои давлаттегі хавф солиб турған хоиншарта нисбат берилді. Лекин Авеста матннады мазмун жуда калимги даврларға тегишли.

¹⁶² Бу үринде қандайдыр реал тарихий во-кеаликка, шахсларта ишорит бордек күришады.

Хайона юртидан
(Асирилк балосидан).
Хайон жанғчиларин
Элликта зарбада юз.
Юз зарб билан мингтасин,
Минг урганда, минг туман,
Минг туман зарбда сон-
сиз-саноқсизин үлдирай».
52. Билга зот Виштаспага
Келди Аши яқынлаб.
Берди унга тилагин –
Неники қылған талаб.
Шукронасига намоз
(Йүллайман килиб эъзоз
Ашининг алқовига
Баралла күйиб овоз).

VII

53. Эзгу Ашига намоз...
54. Аши шундай очди сүз:
«Бепушт эркак келтирса.
Эхсонини олмасман
Түғмас хотин худойи
Қылса, кабул этмасман,
Кули ҳалол бұлмаган
Ұсмир эхсонини ҳам,
Эр күрмаган норасид.
Буй етмаган кіз агар»¹⁶³

¹⁶³ Авестада бу үринде «әрлари булмаган ёш кіз» деб тақыдланған. Бу дөл никох мұносабетларининг ибтидой күришшілардан бири – полиандриянинт изи, деб күрнелиши мүмкін. Ушбу бандада ёш, ұсмир йиғитчалар ҳам хайру эксон қылса кабул этилмасынға айтылған. Зарлуштыйлар жамоасы учун 15 ёшда йиғиттін жамиятте тұла азэо килиш мүмкін бўлғап. Унга қадар ұсмир йиғитчча ижтимоий ҳаётда фвол катнашманы. Аши алқовида Аши душмайлар томонидан күвилганда айни шу түр ұсмирлар унни фош этиб кўйишган. Бу хикоя унүтил-

(Келтирса эхсон олмам).
55.Отлари учқур турлар
Наотаридлар билан бир
Булиб, мени кувганды,
Тез беркиниб олдым чүнг,
Буканинг туғғи остидаги
(Чуканок косасига);
Шунда нодон үсмиirlар,
Хамда эрга тегмаган,
Бүй стмаган қизчалар
Мени этдилар ошкор.
56.Яна кувдилар мени
Туронли ва Наотарид –
Учқур отларни миниб,
Мен чаккон яшириндим.
Юз совликни қочиргич,
Уша курдатли күчкор
Бүйни тагига сингиб,
Шүх үсмиirlар ва тумса
Эр күрмаган ёш кизлар
Килдилар мени ошкор.
Сүнг яна қувладилар,
Туронлилар ва Наотар
Қавми миниб зүр отлар».
57.Шундай қилиб, даставвал
Аши йиғлаб зорланди,
Хайз күрмас бир бузук
Аёл киши устидан;
«Унга яқин йулама,
Бир ёстиққа қўйма бош,
Энди унинг дастидан
Кўкка кетайми учеб,
Ерга тушайми қайтиб?
58.Сунгра Аши зорланди,
Ўзга эркақдан туғиб,

тан сюжет колдиги бўлса керак. Унини фикри ҳалл йигинни – ҳангамашада кабул килинмаган.

Боласини ўз эри
Бағрига келтирувчи
Бузук аёл устидан:
«Бундай асл дастидан
Осмонга учайинми,
Ё ерга кириб кетай?
59.Муқаддас Аши аввал
Тирнокка зор бузук аёл
Устидан шикоятда
Йиғлаб зорини айтди:
«Бузукка бўлма ёндош,
Ёстиғига қўйма бош,
Не чора топайнини,
Касофатин даф этай,
Бузуқларнинг дастидан
Ё каро ерга кирай,
Кўкками учеб кетай?
60.Сунгра муқаддас Аши
Йиғлаб зорини айтди,
Бола туғиб ўзгадан
Эрига олиб келган
Бузук аёл устидан:
«Касофатларни нетай–
Қаро ергами кирай,
Кўкками учеб кегай?
61.Сунгра муқаддас Аши
Йиғлаб яна зор этди:
«Кизларни ўтирашиб,
Туғдирмайин чакалок.
Кечикириб қайтарган
Одамлар иши ёмон¹⁶⁴
Мен уларнинг дастидан
Кўкками учеб кетай,

¹⁶⁴ Туркий халқлар орасида қиз олиб қочиши одати батъиҳ хозиргача учрайди. Масалан, «қочиб кетган» қиз котоқ ва корикалпокларда то фартанл курмагунча ўз оиласи ва қавмлари хузурига кайтиши мумкин булмаган.

Ёки ер узра қайтай?»
62.*Ахура Мазда* деди:
Худой бергән о Аши,
Күкка ҳам кетма учеб.
Ерга ҳам қайтиб тушма.
Қол мснинг маконимда,
Малак бўлиб ёнимда.

63.Курбонлик килай сенга.
Сенга бағишлай намоз
Оқилу доно Виштасп
Қылгандек сени эъзоз—
Дайтийанинг буйида
Мульбад жараңгдор овоз
Бирла, кўлла барсаман
Бошлаб берганда намоз
Курбонлик, эҳсон ила
Сени, эй гўзал Аши.
Шарафлаб қилай эъзоз.

10-Яшт

(Мехр янгт – Митра алкови)

1.Сўз котди *Ахура Мазда*
Ститама Зардуштга:
«Мен *Митрапи* ўзимдек
Намозу алковларга
- Лойик қиб яратганман.
Яйловларин кенг килиб
Яратганман мен уни»
Худди *Ахура Маздадек.*
2.Юртни вайрон айлади
Аблаҳ, ёлғончи ҳар зот
Юз мараздан ёмон у,
Мұмминни этар барбод.
Битимга бўлгил содик,
Кимгаки сўз бермагил,
Каззобу тайридинми.
Ақлида маҳкамами –
Ваъдангни адо эттил.

Чунки, битим уртада
Масъул айлар иккөвни:
Қаллобу ҳакгўй тенгдир
Сўз ва битим олдида¹⁶⁵.
3.Яйловлари кенг *Митра*
Чопкир отлар бағишилар
Сўзин оқлагувчига.
Тўғри йўл ато этгай
Бергай *Ахура Мазда*
утин оловин
Сўзин оқлагувчига
Тавдодор *Фравашилар*¹⁶⁶
Авлиёларнинг руҳи
Солих фарзандлар бергай
Сўзин оқлагувчига».
4.Кут ҳақки сажда килгум
Баралла намоз йўллаб
Яйлови кенг *Митрага*
Курбонликлар келтиргум.
Митрага топинайлик.
Яйлови поёнсизга
Эранлар юрти узра
Осойиши бергучига.
5.Кумакка етишсин ул,
Кенгликлар ҳақки келсин.
Келсин бизни кувватлаб,
Рахму шафқат-ла келсин,

¹⁶⁵ Авеста анъаналарига мувоғик Митра битим ва унини бажарилиши устидан назорат килиш каби вазифага ҳам эта. Шунинг учун кадимги зардуштийлик эътиқодидаги одамлар Митра номи билан юсамёд ютиштан. Бу бизнисяг «Худо ҳакки» деганимиз каби дар.

¹⁶⁶ Фравашилар фарнштальарнинг бир тоғаси Фазо улар билан тўла, леб тасавур туттилади. Фравашилар хали дунё яратмасдан уч минг йил аввали яраттилган. Улар келаҗакда туттилашоҳ имонлиларнинг руҳи. Тан билан яшаб, гириклар учри туғагақ, фравашилар яна исл мөвконига қайтади.

Дардларга шифо бұлсии
Фолиблик әлтсін бизга.
Бахтимизға келсін ул,
Тақво булиб келсін ул
Музаффар ва кудратли,
Ёлғонға бүйсінмагич.
Борлық очун алқашыға
Күтловига лойік Мехр
Кенг яйловли¹⁶⁷ ул маъбуд.
6.Хилқат ичра эңг күчли
Алп *Митрага* намозим.
Хайру эхсонлар әлтиб,
Бажо айлайин таъзим.
Сажда килай *Митрага*
Баршиа айғиб алқов
Адоқсиз уңда яйлов.
Митрага топинурмиз –
Адоқсиз яйловдорга.
Сүгли *хаома* билан,
Барсман хипчинлар билан,
Тилда гүзал лутф ила,
Күтлүғ сүзу нұтқ ила,
Сүзу амал бирлиги,
Чинлиги ва ҳақлиги
Бирла келтириб эхсон.
(*Митрага* топинурмиз)
«Ахура Мазда савоб
Тан олган хилқатта
Иуллаймиз намозимиз».

II

7. *Митрага* топинурмиз –
Яйлови кең үл зотта,

Сүзлари чин үл зотта
Мингкулекли¹⁶⁸ алп комат,
Туман минг күзли зотта.
Кудратли ва новчага.
Чексизни илғовчига,
Уйқусиз бедор зотта.
8.Икки ёв юрт ўртаси –
Қонхұр күшин ясоғи
Юзма-юз келган чөдә
Шохлар *Митрадан* Маадад
Сүрар сүкиш олдиdan.
9.Имон билан ким агар
Уни мактаб сүз айтса,
Фикру зикри, кучи-ла
(*Митраны* шарафласа).
Унга юзланар *Митра*
Құмак етказар унға
Яйлови чексиз үл зот.
Музаффар елли яйлов,
Енгіш маъбудли яйлов.
Бахт учун топинчимдир...

III

10. *Митрага* топинурмиз...
11. Ёлворурлар сарбошлар унга
Бағрип беріб отнинг ёлиға.
Соғлиқ сұраб үзігә ундан,
Күвват тиляб оту үловға.
Күрмөқликнинг эвин
сұрарлар.
Узок ердан күз солиб ёвга,
Бир зарб ила барча душманни.
Барча нодұст, барча ғийини
Тилар маглуб этмакни бир
йула

¹⁶⁷ «Яйлови кең» ибораси Авестада тез-тез
үчраб тұрады. Бу хол зардыштыйлук шакты-
ланыёттан узок үтмишда чорвачипик ҳәт-
тинг стакчи тармоги булғанлығы билан бөг-
лик.

¹⁶⁸ Қиес қылғын: Ахура Маздата ҳам жамма
нарсаны әшитүчін деген сифат берилген.

Топинчим баҳт учундир...

IV

12. *Митрага топинурмиз...*

13. Эң биринчи бүлиб
осмоний

Маъбудларнинг сафи ичинда
Хара¹⁶⁹ узра балқииди *Митра*.
Улмас Куёш билан юзма юз,
Оти учқур билан тенгма-тенг,
Музайян ва рангин, олтин
Чуккилардан ул кўриб туар
Эранларнинг борлик ўлкасин.
14. Ботир шоҳлар сўқиپ,
жадалга

Сафлангувчи ушал ерларни,
Осмонупар тогу тошларни,
Сокин, бўлиқ яйловлар ичра
Ўтлаб юрган семиз молларни.
Тўлкинлари баланд сапчиган
Чукур мовий кўлларни кўтар.
Кема юргич кенг дарёлару
Сокин сувлар ўз окимларин
Парут Ишката томон,
Марву Харайва томон.
Сугддаги Гава томон¹⁷⁰
Жадал элтишин кўтар
Ва ё Хваразми томон.
15. Валқисса, Шарқу Ғарбга;
Шимолнинг Шарқу Ғарби,
Жанубнинг Шарқу Ғарби,
Обод Хваниратага¹⁷¹ –

Одам билан лиқ тула,
Музайян иқлим¹⁷² томон
Алп *Митра* назар ташлар.

16. Иқлиmlар¹⁷³ оша *Митра* –
Само тангриси учар
Бахту барор, кут сочиб.
Иқлиmlар оша учар
Само тангриси *Митра*.
Хукмронлик бахш этар,
Музаффарлик баркарор
Этар ул ҳар кимсага.
Ким ҳақ билиб *Митрани*
Ибодат килса унга,
Ва келтирса курбонлик
Топинчим баҳт йўлига...
Баҳт учун ибодатим.

17. *Митрага топинурмиз...*
Алдовларга учмайди,
Ёлғонларга юрмайди.
Уни алдолмас уйда.
Уйнинг беги, эгаси.
Уруғда уруғ боши,
Қабилада йўлбошли,
Мамлакатда ҳукмдор...
(*Митрани алдай олмас*).

18. Агар уйда уй беги
Бўлса кazzоб, алдокчи,
Уруғда уруғ боши
Қабилада – йўлбошли,
Мамлакатда – ҳукмдор...
Митра ҳалок айлагай
Жаҳлу ғазабга миниб.
Уйин ҳам, урурию

¹⁶⁹ Хара (тўлик шакли Харатти) – мифологик тогнинг номи. Митранинг бутун борликни кўриб турадиган муқаддас макони хисобланади.

¹⁷⁰ Суддаги Гава – Ахура Мазда яратган юртларнини иккинчиси Гава, унда сугдлар яшайдилар («Видевслот»).

¹⁷¹ Хваниратат.

¹⁷² Музайян иқлямч.

¹⁷³ Иқлиmlар авестача карпивар, ҳозирги тилимизда кишивар «мамлакат», етти иқлиmlар туپнучаси Авестадан колгандир.

Қабила ва юртнан ҳам,
Үлдирап уй хұжасин.
Махв этар уруғ бошин,
Йиттирап дохийларин,
Юрт қокимларин йикар,
Мулк шоҳларин үлдирап.

19. Газабга тұлғани чоғ
Каззобнинг¹⁷⁴ хаёлига
Келмас томондан *Митра*
Ҳамла қилар тұсатдан.

20. Шак келтирған *Митрага*
Оғга минса, от юрмас.
Олға босмай сапчыйди,
Устда юкин әлтмайди,
Уловини тортмайди.
Отган найзаси қайтар,
Мулжалға олса кazzоб.
Дуойи бадға учраб
Чин сұзға ширк келтирса.

21. Ҳагто чакқонлик билан
Үқ узиб йиққанда ҳам,
Захми бозарап бўлгай
Дуойи бадға учраб.

Чин сўзға ширк келтирса.
Ким каршилир *Митрага* –
Найзасин чалғитар сл
Агар отса мўлжалға.
Дуойи бадға учраб,
Чин сузға ширк келтирса.
Бахт уччи ибодатим...

22. *Митрага* топинурмиз...
Кулфатдан асрайди у,
Каззобдан асрайди у,
Кимки имон келтирса.

23. Бизни балодан аспа,
Жафодан сакла, *Митра*,
Сени алдамасларни.
Сенға тұсқин қылғанлар
Жазога мубталодир.
Битим хоинларининг
Тайин қилиб жазосин,
Газабга дуч қиласан:
Тутмас булур оёги,
Курмас булур күзлари
Эшитмас кулоклари.
24. Учкур найза санчилмас,
Үқ тегмас на узоқдан,
На якиндан тегмас үқ
Митра кўллаганларга,
Аълам¹⁷⁵ кўллаганларга.
Ул курдатли, вокиф ул,
Юз минг туман кўзли ул,
Алдовларга учмас ул.
Бахт учувдир намозим,
Баралладир овозим...

V

25. *Митрага* топинурмиз –
Курдатли ҳукмдорга,
Савоб етказгувчига,
Нотику ул буйдорга,
Ибодатга мойилга,
Осмоний билимдорга,
Худо сўзин ўзида
Жойлаган ушал зотта.
Курдатли ва жангари,
Савобдор ва кодирга
26. Девлар бошин янчгувчи,
Жазосин берғучига.

¹⁷⁴ Каззоб – Авестада ёлғон – дуруг – ёлғон(чи). Зардуңғ тинини қабул қилиб, сунғра сўздан кайттан мушриктар. Уларни *Митра* жазолайды.

¹⁷⁵ Митранинг «билимдоң» деган сифати. Бу сифат Аҳұра Маздига нисбатан ҳам кўлланади.

Битим хоинларининг
Бошига кирон солиб,
Жодугарларни янчиб,
Мамлакатни бир бутун
Элтувчи улуғликка.
Имон келтирса унга
Мамлакатни бир бутун
Элтувчи чўнг зафарга –
Имон келтирганларни.
27. Бўйсинмас юртларни у
Уз йулидан оздирап.
Баҳтдан юзин ўгириб,
Зафарларин тўздирап.
Бўйсинмаса ожизлар.
Минг туман зарба билан
Маҳв айлар уларни
Ул аълам, ул кудратли,
Юз минг туман кўзли ул,
Алдовларга учмас ул.
Баҳт учун намозимдир,
Баралла овозимиз...

VI

28. *Митрага топинурмиз.*
Уйларнинг устунлари
Тутқичига намозимиз.
Қопиғлар турумини
Тутгичга намозимиз.
Поди-ю одамларин,
Тўйдирар ул уйларин,
Ким ибодат йўлласа.
Аксинча, вайроғ этар
Ғазабга минган чоғда.
29. Гоҳ эзгу, гоҳ ғазабионк
Мамлакат учун *Митра*.
Гоҳ эзгу, гоҳ ғазабионк
Одамлар учун *Митра*.
Гоҳ сулҳ ила, гоҳ уруш-ла

Юрг бошкарғучи *Митра*.
30. Соғ хотин сендан ато,
Баккуват аробалар,
Юмшоқ үрин ва ёстиқ
Ато айларсан *Митра*.
Соғ хотин ато сендан,
Мустажкам аробалар,
Үрин, жой ва ёстиқ,
Кутли уйга баҳш этиб,
Тақводор намоз ўкиб,
Номинг тақрорлаганга,
Курбонликлар бағишлаб,
Сенга ёлборганларга.
31. Номинг тақрор этувчи
Намоз-ла ёлборурман.
Хайру эҳсонлар этиб,
Ўтишчим сенга *Митра*,
Баралла ва рўй-рост.
Номингни тақрорлайман.
Намоз-ла йўллагайман
Хайру эҳсонлар этиб.
Сенга, кудратли *Митра* –
Ёлғонлар кор килмаса.
32. Саждамга қулоқ солгил,
Хуш кабул килгил, *Митра*.
Илтижом кабул айла,
Эҳсонимга якинлаш.
Курбонликлар келтирдим
Қабул учун ош бўлсин.
Олғил Шараф уйига¹⁷⁶.
33. О кудратли *Митра*,
Бизга шундай баҳт берки,
Сураганимиз бўлсин.
Ҳам ваъдангта мувофиқ
Мадал бер, зафардорлик,

¹⁷⁶ Шараф уни – зардуштийликда жайнат, бу ерда, эзгу худолар ҳамла тақводорларнинг рухлари куршовида Ахура Мазда туради.

Савоб, умр ва ҳакгүйлик,
Эзгу шараф ва поклик,
Илму маъриф, валийлик,
Художўйлик йўлида
Улуғлик бер ва ҳақлик.
Чин сўзни айтув учун,
Мукаддас сўз демок-чун
34. Токим, эзгулик билан
Яхшилик солиб дилга,
Ишончу шодлик билан
Ёвни барбод этайлик.
Токим, эзгулик билан
Яхшилик солиб дилга,
Умиду кувонч билан
Ёғийларни енгайлик.
Токим эзгулик билан
Яхшилик солиб дилга,
Умиду шавқка тўлиб,
Ёвликни енгайлик биз.
Ёв бўлса одам ё дев
Алвасти, ё афсунгар,
Ёки ковий мустабид.
Ё жоҳил карапанлар
Бахт учун ибодатим...
35. *Митрага* топинурмиз,
Ул қасос элтувчига,
Лашкар етаклагувчи
Минг акл ул ҳокимга¹⁷⁷,
Ҳаммага бош ҳокимга.
36. Жангни бошлагувчи ул,
Туруш бергувчи ҳам ул.
Жангда ул туриш бериб,
Душман сафин парчалар.
Сўкишга кирган кўшин
Қанотлари титрайди.
Титрар яна даҳшатда

Конхўр ёв кўшинлари.
37. Уларга даҳшат солар,
Қўркув хукмин утказар.
Суз устидан чикмаслар
Бошин отар ҳар ёкка.
Сузга хиёнаткорнинг
Боши учар узокка.
38. Кулбасин вайрон этар,
Хонасин этар барбод
Қайдаки аввал шаккок.
Яшаган бўлса агар.
Тақводорни ўлдирган
Ёлғончиларни хор-зор,
Чанг йўлдан ҳайдаб борар
Сузга хиёнаткорнинг
Молларин яйловларда—
Аробалар изидан.
Ҳалқумлари бўғилар
Юздан окиб ёшлари.
39. Бургут пати кадалган
Ўқлари бекор кетар
Отилгач камонлардан.
Кила олмас ярадор
Тан олмаса *Митрани*.
Митра бўлар газабинок,
Яйловлари кенг унинг
Найзалари учкирдир,
Узун – дасталидир ул.
Ёлғончилар отса гар,
Улар ҳам мутлақ абас.
Митрани ким тан олмас
Митра унга даргазаб,
Яйловлари чексиз ул.
Сонконидан учган тош
Бекор кетар ҳавода.
Зарб етказмас ҳеч кимга.
Гар *Митрани* тан олмас.
Бўлса *Митра* фазабинок –

¹⁷⁷ Ут акли.

Яйловлари кенг худо.
40. Тиғлари ёв бошига
отилса-да, қадалмас,
Эта олмас ярадор
Тан олмаса *Митрани*.
Митра бұлғай газабнок,
Кенг яйловлар сохиби.
Чапдаст урган болтасин
Зарби хато кеттандыр,
Эта олмас ярадор.
Митрани тан олмасалар,
Митра бұлғай газабнок –
Яйловлари кенг худо.
41. *Митра* солар құркувлар,
Даҳшатга солар *Рашну*,
Сровша – Аши дүсти
Тұмтарақай қылгуси.
Хомий маъбудлар эса,
Лашкарни тарк айлагай
Тан олинмаса *Митра*.
Газабнок бұлар *Митра* –
Яйловлари кенг худо.
42. Шунда улар кичкириб,
Митра – деб иполон булар.
Кенг яйловин мактабон
Дерлар улуу маъбудга;
«Отлар өлтәр сен томон...
Бизни ёв кирғин килиб,
Ничоклар билан селпар».
43. Ерарат айлады *Митра*
Яйловлари кенг ул зот.
Эллик зарбла юз ёвни
Айлагувчи тез барбод.
Юз зарб ила минг ёвни
Күлгучи парыканда.
Минг зарбыда минг туман
Ёвларни килиб банда,
Минг туман зарбда сонсиз

(Ёвға қирғин солади).
Лекин иймон келтирмаса,
Митра бұлар газабнок –
Яйловлари кенг худо
Бахт учундур намозим.

VII

44. *Митрага* топинурмиз.
Чексиз ер юзини
Қамрагувчи ул зотта.
Бу фоний дунё ичра
Бүй-басты бепоёнга,
Порлок нур таратганга,
Эну бүйи чексизга.
45. Унинг саккиз дастёрі
Саккиз дүнгда үлтирап.
Хар томон назар айлаб,
Үз сүзин бузғанларни
Күриб туарлар ҳар дам.
Тез уларни сезарлар,
Тез ажратиб оларлар,
Ким биринчи мартаба
Бузса ҳам ҳатто сүзин,
Уларни ҳам куарлар.
Битим хиёнати-ла
Ёлғончи күткүсідан
Тақводорни урсалар,
(Уларни ҳам куарлар).
46. Ул тақводорларни *Митра*
Үзи химоят айлар –
Яйловлари кенг худо.
Ортидан ҳам күриклар,
Олдидан ҳам күриклар,
Хар томондан күриклар,
Ёлғонга бүй бермас у.
Башорат қылгич *Митра*
Ёрдамга етиб келгай.
Барчани күриб тургич,

У күдрагли, минг күзли,
Алдаб бўлмайдиган зот.
Бахт учундир намозим...

VIII

47. *Митрага топинурмиз*,
Отлари сергайратга.
Кенг туёқдор отлига.
Қонхўр сў томон елган.
Зич сафларин ёргувчи,
Ёгий юрт сўларининг.
48. *Митра* слиб борган чоғ
Қонхўр ёв сафи томон.
Сўкишган мамлакатлар
Лашкарлари оралаб.
Сўзга хоин одамлар
Кулин ортидан тутар.
Кўзларин кўрмас килар,
Кулокларин этар кар.
Оёкларин шол этар,
Кучин киркиб зарбасин
Сузни бузган ёвларининг
Ва эл-юрт мамлакатнинг
Жазосин шунлай бсрар
Яйлови чексиз *Митра*.
Бахт учундир намозим,
Бахт учун ибодатим.

IX

49. *Митрага топингаймиз...*
50. *Маконини Аҳур Мазда*
Яратсанга топинчим
Хара тоғин устида
Ён бағирлари сон минг
Порлок нурафшон ерда
Коронгуси, туни йўқ
Совуғу, жазираси,
Улим келтирғич дарди
Девлардан тушган лаънат,

Зулмат кўтарилоимас
Харати чуккисига.
51. Абадий авлиёлар
Унда макон туздилар¹⁷⁸.
Баппорат ва имон-ла
Буюк куёш билан тенг
Бу маконни юксакдан
Ва борлик, бу дунёни
Митра кўриб тургичидир.
Ёвузлик учун Қабих
Индан чиккан чоғдаёк,
Учкур аробасига
Отларин кўшар *Митра* –
Яйловлари кенг худо.
Кудратли Сраоша билан
Ҳикматли Нария Санха¹⁷⁹
Ёрдами билан *Митра*
Ёлгончини ўлдирад
Гарчи у саф-саф булсин
Ва ёки якка турсин.
Бахт учундир намозим.
52. *Митрага топинурмиз...*

X

53. *Митрага топинурмиз...*
Хурмаздга ялингувчи
Даст кутариб қулларин
Холикка топингувчи
Шундай ўтинчни сўзлаб:
54. Барча хилқат панохи
Мен *Митра* савобкорман.
Асрагувчи борликни

¹⁷⁸ Зардуштийликда ўлмас валийлар (вместе) тўплувнадиган тогнинг унугтилган обраби булган. У эса Анастасда фикат кичик бир инорат булиб, шу мисрада куринади. Юноналарини Олимпини ёлатади.

¹⁷⁹ Нария Санда *Митрага* ёрдамига юборилган асотирий қаҳрамон.

Мен *Митра* савобдорман.
Лескин мени дуо-ла
Номимни тақрорлабон,
Одамлар эъзоз этса.

Бошқа худолар номин
Тақрорлаб дуоларда
Намоз ўқиган каби,
55. «Мени ҳам эъзозлашса,

Ёл этиб намозларда,
Дуоларда номимни
Бошқа худолар номин
Намозда айттан каби,
Айтган каби дуоларда,
Мен тушиб келур эдим
Одамларга Ҳақ бўлиб
Ўлмас умрим бўлагин
Бахш этардим уларга».

56. Номинг тақрорлагувчи
Намоз-ла ёт этарлар
Тақвадорлар барадла
Хайру эхсон элтарларда.
Номингни атагувчи

Намоз-ла сажда килгум
Кудратли *Митра* сенга.
Хайру эхсонлар килгум
Номингни ёт этгувчи...

57. Саждамга кулоқ согил...

58. Саждамга кулоқ согил,
Хуш кабул қилгил, *Митра*,
Илтижом кабул айла.
Эхсонимга яқинлаш,
Курбонликлар келтирдим,
Қабул эт, ош бўлсин, ул
Олғил Шараф уйига¹⁰⁰.

¹⁰⁰ Шараф уйин – зардуштиликда жанинат, бу ерда, энгиз худолар ҳамда тақвадорлар нинг руҳлари куршоанди Азгура *Mazda* турди.

59. Саждамга кулоқ согил,
Хуш кабул қилгил, *Митра*,
Илтижом кабул айла.
Эхсонимга яқинлаш,
Курбонликлар келтирдим,
Қабул эт, ош бўлсин ул,
Олғил Шараф уйига.
Бахт учун намозимдур,
Бахт учун ибодатим.

XI

60. *Митрага* топинурмиз
Ул шарафга лойикка
Ажиб ҳурмат сазога.
Хоҳлаганда шафкатли,
Ер сувлар эхсон этич
Ободу фароғатли
Юз минг туман кўзли ул
Кудратли ва билгичга,
Алдовларга учмасга
Бахт учундир намозим.

XII

61. *Митрага* топинурмиз
Тик комат ва уйғокка,
Уткир куз шижаоаткор –
Дуони тинглагичга.
Сувни йұналтиргувчи,
Үт-улан устиргичга.
Ерни шулгор қилгувчи
Пурхунар ул оқилга,
Ёлғонларга буй бермас
Яралган хилқатийга.
62. Сүз устидан чиқмаслар
Үндан мадад ололмас.
Ёлғончи баҳтдан маҳрум,
Савоблардан бебаҳра.

Ғазабга кирганинг чоғ

Улар қули шол бүлүр.
Оёкларда тик турмас,
Иккى күздан нур кетиб,
Кулоклари кар бүлүр.
Күт бүлсин ибодатим.

XIII

64. *Митрага топинурмиз,*
Уша қалбиди имон,
Гүзәллик-ла йүгрилган
Зоттадир намозими.
Унга ким топинса гар,
Топгай улуг бир суюнч,
Инсон баҳтини ўйлаб,
У элтар дик уруғин.
65. Учкурлар аро учкур,
Эзгулар ичра эзгу,
Жасурлар ичра жасур,
Шижааткордан эпчи.
Гуллатгувчи барчани,
Маъмур этувчи элни
Подалар этиб ато,
Үгиллар купайтгувчи
Муқаддас Ҳаёт бергич
Ва ҳакқоний ҳокимлик
(Бергувчи тақводорга).
66. У билан Аши ҳамроҳ,
У билан Арта ҳамроҳ,
Ул муқаддас, ул бойлик
Тез юрар аробада
Эрлар жўмардлиги ҳам
Кавийлар Хварносин¹⁸¹
Шоҳона қаттиқ қўллик,
Музаффарлик худоси.

Хварно – кайванийларнинг илохий салтанат ҳакидаги давлат ҳокимият концепциясини асословчи рамзи нурли сиймо. Судчача пари, ўрта форсийда фар.

Тақводорларнинг рухи –
Барчаси унинг билан
У билан ким биродар,
Бўлар бари тақводор.
Баҳт учундур намозим
Баҳт учун ибодатим...
67. *Митрага топинурмиз...*
Филдираклари баланд
Осмоний аробани
Бошқаар¹⁸², кунчиқардан
Парвоз этиб пурвиқор
Ёркин Хванираталск¹⁸³
Куркам иқлим устидан
Мазда берган баҳт ҳамроҳ,
Музаффарлик йўлдоши.
68. У билан бирга Үктам
Аши ароба ҳайдар.
Маздага имонли дин
Иулларин фориғ этар.
Осмоний аргумоқлар,
Яркирок ва порлоклар,
Нурафшону оппоқлар,
Танин сояси йўқлар
Аробани элтарлар.
Само кенгликларида
Зафар маъбули эса
Иулшагай олисларга,
Солиб куркув ва даҳшат
Барча дев. иблислар-у

¹⁸¹ Митра бу уринда самодз күёпнинг олтина аравасини бошқарувчи сифатида таърифланган. Бундан-да кенгюқ талқин этилса, бу фалак гардишини айлантирувчилик функциясилир.

¹⁸² Хванираша, Ер юзининг Одамлар яшайдиган кисми, унинг эса энг гузал кисми. Бу гушунчани Ўрта Осиёга киёс юлинига булади.

¹⁸³ Муқаддас нарсалар нур билан йўгрилади, деган яонинги Авестада акс этиши.

Гуноқкор риёкорга.
69.«Илло, дуч келмайлик биз,
Эгамнинг газабига.
Ёвга минг зарб бергувчи
Митранинг нафратига.
Ададсиз кузлари бор.
Кудратли ва билгич у,
Ёлғонни йўқ қилгич у.
Бахт учундир намозим...

XIV

70. *Митрага топинурмиз...*
Олдида *Баҳром* учар¹⁸⁵
Аҳуранинг хилқати.
Ғазабкор қабон мисол
Ўткир тишли, сержахл...
Санчилса ҳар ўлдиргувчи
Қозик типлари кескир.
Кутуриб ҳеч йулатмас
Жаҳлдор, юзи ола
Оёклари темирдан –
Олди ҳам орқаси ҳам
Томирлари ҳам темирдан,
Куйруғи ҳам темирдан,
Жағлари ҳам темирдан.
71. *Хужум килароқ жадал*
Ўқдек отилар ёвга
Матонат-ла йикар у
Ёгийнинг ёриб кўксин
Душман умурткасини,
Ҳаётин тиргагини
Мажаклаб бузмагунча,
Ёвни ўлдирдим, дея
Таскин топмайди кўнгли
Душман умурткасининг

Мағзини узмагунча
Ҳаётининг тиргагин
Мажаклаб бузмагунча.
Ҳамлада этар яксон
Тери, тук суюкларин
Қону мияси бирла
Қоришар, ким риёкор.
Бахт учундир намозим...

XV

73. *Митрага топинурмиз...*
Шодликни канда килмай,
Кўлин кўкка кутариб,
Ҳурмузд парвардигорга
Ёлвориб лейди шундай:
«О мукаддас Рух, холик»
Эзгу борлик яратган!
Мени ҳам эъзозлашса...¹⁸⁶
75. *Маконни асрагаймиз*
Тарк этмай уни асло!
Хонадонни асраймиз,
Уругни асрагаймиз,
Элни тарк этмагаймиз,
Мамлакатни авайла.
Душмандан қудратли кул
Асраган каби барин.
Матонат-ла йикар у
Ёгийнинг ёриб кўксин
Душман умурткасини,
Ҳаётин тиргагини
Мажаклаб бузмагунча,
Ёвни ўлдирдим, дея
Таскин топмайди кўнгли
Душман умурткасининг
Мағзини узмагунча

¹⁸⁵ Вертрагіа – Австрада уруши голиблик маъбути. Ўрта аср ва ҳозирги шакли

¹⁸⁶ 55-бандлант такрори.

¹⁸⁷ Митранинг яна бир сифаги.

Хастининг тиргагин
Мажақлаб бузмагунча.
Хамлада этар яксон
Тери, тук сүякларин
Кону мияси бирла
Коришар, ким риёкор.
Бахт учундир намозим...
76. Ёвлар аро ёвликни
Сен парчаларсан, *Mittra!*
Кирон сол эзгуликнинг
Котилига, о *Mittra*,
О, отлари хуш атвор,
Аробаси пурвиқор
Ким ёрдамга чорласа
Доим ёрдамга тайёр.
77. Сендан сўрайман мадад,
Келгил бизга ёрдамга.
Эҳсонлардан бўл маминун.
Хайру курбон мўлу кўл
Йулингга бағишладик
Ҳимоянгда турмок-чун
Узок умрлар куриб,
Маконингда юрмок-чун.
78. Куреклайсан юртларни
Топинса гар *Mitraga*—
Яйловлари чексизга.
Қакшатарсан элларин
Mitraga бўйсунмаснинг
Сени мададга чорлаб.
Дейман, келсии кумакка
Кулратли ва Омилкор,
Мактювларга лойик зот
Шарафга лойиқ *Mittra*,
Мулқда Буюк ҳукмдор!
Бахт учун намозимиз...

XVI

79. *Mitraga* топинурмиз...

Макон ато этар ул
*Rashnudan*¹⁸⁸ сўнгра инъом—
Авлодларга авадлик.
80. Маконни асррагувчи,
Ростгўйлар химояти,
Сен жамоа ҳомийси
Ростгўйлар таянчисан.
Ато этарсан солиҳ
Фарзандлар. Ва ғолиблиқ
Aхурадан пайдодир.
Махшар куни сурокда¹⁸⁹
Харобдир риёкорлар,
Туп-туп булиб ётарлар.
Бахт учун намозимиз...

XVII

81. *Mitraga* топинурмиз
Макон ато этар ул.
Сўнгра *Rashnudan* инъом —
Абадлик авлодларга.
82. Минг ҳунар ато этди
Унга *Aхура Mazda*.
Юз минг туман кўз берди.
Шу кузлар билан *Mittra*,
Шу илму ҳунар бирла
Ёлғончини кузатар,
Жазолар бурди йўқни
Кузлар шарофати-ла,
Ҳунарлар ҳикмати-ла
Алдовлардан халос ул,
Кудратли худо *Mittra*.
Юз минг туман кўзли зот
Аълам ва кучли маъбуд

¹⁸⁸ Рашигу — адолат ва низом фарипласси. У дунёда сурок чогида гуноку савобларни ўз тарозусида улчагувучи зот.

¹⁸⁹ Миттра Рашну ва Срафшалар у дунёда ул-ғанларни сурок киляшиади.

Ҳеч алданмас улуг зот.
Бахт учун намозимиз...

XVIII

83. *Митрага топинурмиз...*
Күлин чўзиб кўкларга,
Юрт ҳокими ёлборар
Ёрдамга уни чорлар.
Кўкка чўзиб қўлларин,
Қабила дохийлари
Мадад илтижо айлар.
84. Кўкка чўзиб қўлларин
Уругбоши ёлборар,
Мададга чорлар уни.
Унга чўзиб қўлларин
Уй сохиби умидвор,
Уни мададга чорлар,
Сигир бўзлаб термилар,
Мадад ўтиниб ундан
Соғиб ол, деб ёлборар.
Кўлин чўзиб *Митрадан*,
Уни ёрдамга чорлаб,
Ҳакгўй гадо ўтинар
Махрум бўлган хуқукин.
85. Бул ёлборишнинг саси
Кўк ялинлари узра
Ерни чарх айлангуси.
Етти иклимдан оша
Намоз-ла этар парвоз,
(Гўё мукаддас) сигир
Маъраб тараттган овоз.
86. Уни хайдаб кетган чоғ
Дуога кутариб кўл
У ёрдамга чорлайди
Эслайди подасини;
«Қачон бизни орқага –
Подага элтар *Митра*,
Яйловлари чексиз зот.

Қачон ҳаққа қайтарар
Ёлғон яйловда сарсон
Чин йўл излаганларни».
87. Кимда-ким ризо бўлса,
Шуни қўллайди *Митра*
Яйловлари чексиз зот.
Ким ғазабга сазовор,
– Вайрон айлайди *Митра*
Кенг ўтлоқли, яйловдор.
Үйлару, қунокларин
Туману, эл-юртларин
Мамлакатларин барин.
Бахт учун намозимиз...

XIX

88. *Митрага топинурмиз...*
Шифобаҳш ва олтин куз
Нурли пок Ҳаома-ла
Унга ибодат килган
Куқупар Ҳаратининг
Хукарйа аталган чунг
Энг юксак чўққисидан
Покиза ва топ-тоза,
Бегидир Барсман ила
Тоза хайру эҳсон-ла
Бехато оятлар-ла.
(*Митрага топинурмиз*)
89. *Аҳура Мазда* мүғ¹⁹⁰ килиб
Ёнига олди уни.
Ибодатга сидқ ила
Шавқ ила куйлагични.
Коҳин дилдан улуғвор
Намоз йўллаб астойдил
Аҳур Мазд шаънин куйлар,
Муқаддас ўлмасларни
(Шарафлаб намоз йўллар).

¹⁹⁰ Мүғ – Авестада Мазда дини пешвоси.

Овози құкка үрлаб,
Күкда ялинга мингаш.
Ер юзини сайр айлады
Етти иқлім янграйді.
90. Ул аввалин қохиндир¹⁹¹,
Юлдуз безакли Ҳаомани –
Худонинг неъматини
Юксак Ҳаритига элгган
Аҳур Мазд паноҳ берган.
Улмас авлийлардек,
Куркам юз, киёфалик.
Ҳатто отлари учкур
Куёш ҳам унга боқиб.
Хурмат изхорин этган.
91. *Митрага* топинайлик,
Яйлови кенг ул зотга,
Минг кулокликка топинч
Минг туман күзли зотта!
Намозу шарафларга.
Лойик бұла бер доим
Эрлар уйда, *Митра!*
Сенға аҳди бор әрни
Савобга дохил күлгил.
Олсин ўтин ва барсман
Хавонча, сут¹⁹² ва даста
Пок ювилған¹⁹³ құл ила
Ўгиру даста тутсын
Барсман тутиб, дуо-ла
Пиширсін ҳаомани
Куйлаб «Ахуна-Варъя»¹⁹⁴

¹⁹¹ Бу Ҳаоманинг узи. Бу биринчи булып илохий ҳаомани яңчиб түйгін ва сувидан мұқаддас ичимлик олған.

Сут – қаома усичилигинин сиқиб чикарилған шарбати.

Ювилған құл – Авеста тахорет шартлавридан бири. Исломға ҳам кириғи.

Ахуна-Варъя дуоси Зерлұшт диннің тұтықол иғодасы бұлған. Исломдаги кали-

(Оятини барадла).
92. Бу динни қилем маңқул
Яратған Аҳура Мазда
Муқаддас үй амри-ла,
Әзгу ҳақ буйругиңча,
Әнг мақбул ҳокимлик-ла.
Пурхикмат Вали ҳақки,
Улмас Бутунлик бирла
Одамлар кирған динни
Үргатди Аҳура Мазда.
Абад Улмас Валилар
Таннадилар шу динни.
Митрага-чи, Яратған
Ул меҳрибон Аҳур Мазд
Ер юзида устувор
Ҳокимлик ҳукмин берди.
Улмас Валилар Сени¹⁹⁵
Ҳакиму ҳоким дерлар.
Сен динни поклагувчи –
Әзгу яралған динни.
93. Икки дунёда бизни
Саклагин панохингіда
Яйловлари кенг *Митра!*
Бу фоний дунёда ҳам,
У бокий дунёда ҳам
Алдоқ Ұлимдан асра,
Алдоқ газабдан сакла.
Алдов лашқарларининг
Жирканч қонли яловин
Күтарған ёвдан сакла.
Девлардан бадкор, чиркин,
Аччиқ нафрат ғиз-ғизон
Этган ғазаб қасидан
(Сакла бизни эй *Митра!*)
94. Улдовимизга мадад

мен нақхат на қалыман шаходат синівери на-
тиғаннан бажартған.

¹⁹⁵ Митраны

Бергил *Митра*, эй илох,
Яйловлари кенг маъбуд.
Саломатлик бер бизга.
Ёвни узоқдан күргич
Үткир кўз бергил бизга.
Бир зарб ила душманни,
Ёгий ва нодустларни
Ва ҳар не ёвни бир-бир,
Токим биз маҳв этайлик,
Бахт учун намозимдир...

XX

95. *Митрага топинурмиз...*
Ер энин кучиб ўтгич,
Куёш ботган чогида
Кенг Ернинг икки четин
Ҳадсиз юмалоқ ерининг
Четларин камраб ўтгич,
Самою арз аро не –
Ки бор, борини күргич
(*Митрага топинурмиз...*)
96. Кўлда юз тирли болта –
Юз зарбли асбоб туттган¹⁹⁶
Ёвни тубан йиккувчи.
Сарик маъдандан қуйиб,
Олтин сувда сугорган
Кудратли ул куролдир,
Куролдир ул музaffer.
97. Даҳшат-ла ундан титрар
Ул касофат Ахриман.
Даҳшатта тушар ундан
Лаънати газаблар ҳам.
Даҳшат кўркинч-ла титрар
Илки узун танбаллик¹⁹⁷

¹⁹⁶ Жами болтаси юз тигли, юз зарбли скіфлари муболага шакли деб квадмоғи көрек. Жанг болтаси намуналари бронза асри Урта Осиё ёдгорликларида кўп учрайди.

Даҳшат-ла титраб қакшар
Барча жин, барча Девлар
Ва осий қасамхўрлар.
98. «Рахматидан бенасиб
Қилмасин бизни *Митра*,
Зарби бизга етмасин
Кудрати чексиз *Митра*
Яйловлари поёнсиз!
Бизни асрар, паноҳ бер,
Зарбангдан холи қилғил,
Эй яйлови поёнсиз!»
(Бу намоз етишганда)
Маъбулларнинг кучлиги,
Энг жасури уларнинг,
Энг тириги уларнинг,
Энг ғолиби, зафарвор
Бўлур Ерга нозил у –
Митра, чексиз яйловдор.
Бахт учундир намозим...

XXI

99. *Митрага топинурмиз...*
Олдида девлар кўркиб,
Каззоблар титрагувчи
(Маъбудга топинурмиз...)
Учар кўк бўйлаб *Митра* –
Мамлакатлар эгаси.
Яйловлари чексиз зот.
Учар ўнг томон узра¹⁹⁸
Айланиб кенг заминни
Чекига стиб булмас
Юмалоқ, чунг заминни¹⁹⁹

¹⁹⁷ Авестада Бушайаста. Қуллари узун дев. Одамлар гайратини узун қуллари билан тўқтатиб, лангисаликка тортади. Уни сингиш – савоб.

¹⁹⁸ Митра юёш ботгандан кейин Гарбдан Шарқка Жанубий ярим шар бўйлаб кайтиб учади, деб тушиунлган.

100. Аша дўсти *Сраоша*²⁰⁰

Митрадан ўнгда учар.

Бўйлор қудратли *Рашну*²⁰¹

Митрадан сўлда учар.

Сувлар, ўсимлик, кўклар,

Барча валилар руҳи

Митранни ўраб борар.

101. Бургут патли ўқ берар

Уларга худо *Митра*.

Учароқ агар етса

Душманларнинг юртига,

Аввало этар хароб

Бир зарб ила уларининг

Одами ва отларин.

Бир кун қақшар Митрадан

Ҳам одаму, ҳам отлар.

Бахт учун намозимиз...

XXII

102. *Митрага* топинурмиз...

Отлари унинг оппок

Найзаси узун, санчоқ,

Тез учардир ўқлари

Йикар, бўлса ҳам узоқ

Отса чақон аскари.

¹⁹⁹ Авестини яратган ажодолар тасинвурнила
Ерникиг юмалоқлиги ва доиравий ёзиклиги
тушунчалари коришиб кеттан. Лекин ерии
юмалок леб билишининг ўзи тафаккурнииг
китти эди.

Аша – Ҳаюнсат. Сраоша унинг ҳамрохи;
и тоаткорлик ва интизом маъбути. Кимки
и тоатсиз бўлса кўзидаги гурэн билан уриб
жазолайди. Сраоша начоғт адоси устидан
нағорат килиб туради. Одамлар навоғт ор-
кали худо билан мулокот киладилар, ибодат
йўллайдилар, қабоҳат кучлари билан кура-
шадилар.

Рашну – тартиб, интизом ва адолат маъ-
бути. У маҳшарда тароzu билан туркб ўл-
ганиларнинг гуноҳу савобларини ўлчаб ту-
ради.

103. Уни Ҳормуз²⁰² яратди

Борлик эзгу дунёни

Асрагувчи маъбуд деб.

У соқидир, куриқчи

Борлиқни асрагувчи.

Мазда яратғанларни

Ухламай пойтайли у,

Ухламай асрайди у.

Бахт учундир намозим...

104. *Митрага* топинурмиз...

Ёлғончини тутар у

Узун қўллари билан.

Шарқла каллоб упланар,

Ғарбда ў ҳалок булар.

Ранха²⁰³ бошида бўлсин

Хоҳ бўлсин ер каърида

(Барбири тугар *Митра*).

105. Ёлғончини камровга

Олар икки қўл ила.

Адашган ўксик киши,

Мунгли калбнинг сохиби

Қайғу-ла шундай уйлар –

Ки, гўё *Митра* курмас

Қабоқатнинг бирини,

Разолатни у курмас,

Курмас барча ёлғонни.

Агар қараб турмаса.

106. Лек менинг дилимдан

Шундай кечади:

Жонзот йўқки дунёда,

Митра эзгу фикридан

Кучли фикр бор деса.

Жонзотки йўқ дунёда,

Митра эзгу ишидан

²⁰² Аҳора *Мазда*.

²⁰³ Ранха – Сирдарё, Ривханини боши – «упок мантиғ» деган кучма маънони ифода
лаган.

Кучлирок иш амали
Бор, дея айта олса²⁰⁴.
107. Жонзст йүкки дунёда,
Илохий *Митра* каби
Тафаккури чүшг бүлса,
Аҳди бүлса ўткиррок.
Жонзотки йүк дунёда,
Икки қулоги билан
Шунчалик сезигир қулок.
Митра эшигтан каби.
Ёлғончилар барини
У күриб турғувчиидир.
Кудратли ҳамла бирла
Хужум килиб чикар у.
Учар у голибона.
Ўткир бир қарашиб ила
Кўрар барча иллатни.
108. (Ва ўтказар дилидан):
Ким менга сажда килур,
Менсимиади ким мени?
Кимдан топарман топинч,
Кимга нозил барокат?
Бахт кимга, кимга соғлик
Эҳсон эта олурман?
Ким кутган эзгулигин
Мендан олишга лойиқ.
Кимнинг пуштида бугун
Олий насаб авлодлар
Уруғини ундиргум?
109. Кимни қудрат ва ҳукм,
Ва енгилмас черик-ла
Кутмаганда тақдирлай.
Ҳокими мутлақ ғазаб-ла
Ёгий ҳокимин бопин
Шафқатсиз тошлар янчиб

Жазосин олмоғи чин.
Агар жаҳолат қылса,
Ғазабнок тұлса агар,
Митрапинг бир сүзи-ла
Тушеб қолар ғазабдан –
Солихлик бұлур ато.
110. Кимга дард кимга үлим,
Йүксиллик ва баҳтсизлик
Келтириб жазолайин.
Кимнинг зотли авлодин
Бир зарб-ла маҳв этайин.
111. Кимнинг зур ҳокимиият,
Енгилмас черигини
Бирдан тортиб олайин.
Ҳокими мутлоқ янчар
Ёв ҳокимининг бошин.
Жазосин кечиткирмас
Агар минса жаҳлга.
Митрадан олар мадад
Ва тушар у жунбушга
(Бұлса гар *Митра* худо
Ёмон сұздан норизо).
Бахт учундир намозим...

XXIII

112. *Митрага* топинурмиз...
Кумуш найза қулида,
Олтин совут эгнида.
Қамчилла-хайдаб борар
Яғриндор улуғ сарбоз.
Митрага сиғинувчи
Юртларга келгап чоғда
Кенг водийларни эҳсон
Қилар яйловлар учун.
Унда пода ва одам
Яйраб яшайди ҳар дам.
113. Мададга кесла қолсинг
Митра бирлан Аҳура!

²⁰⁴ Авеста аллокий мақомлари эзгу фикр, эзгу сүз ва эзгу амал бирлігінни биринчи үринге күйди.

Камчинининг зарбидан
Отлар кишнар юз карра;
Хавода хуштак чалган
Камчилари ва таранг
Камонларининг учкур
Үки тифи, нишидан
Кон түкканлар кирилур,
(Сурилур ер юзидан).
114. О *Митра*, ато айла,
О ялови чексиз зот,
Уловимизга кувват,
Үзимизга тансихат,
Ёвимизни узоқдан
Күрмокликка бер имкон.
Бир зарб ила уларни
Махв этайлик беомон.
Ёвки бордир, барчасин
Ва юзма-юз хар бирин.
Бахт учундир намозим...

XXIV

115. *Митрага топинурмиз...*
О уй сардори *Митра*,
Уруг, аймок ва халқнинг
Мамлакат, жамоанинг
(Сардори улуғ *Митра*)²⁰⁵
116. *Маздаясна имонин*
Сўзи икки дўст аро
Айтилса йигирма бора,
Юргдошлар аро бу сўз
Айтилса бора ўттиз,
Эмакдошлиар орасида
Кирк бора айтилса у,
Эр-хотин уртасида
Эллик бора такори,

Шогирдлар орасида
Олтмиш бора айтилса,
Шогирду устоз аро
Етмиш бора айтилсин.
Куёву кайноталар
Саксон бор айтса такрор,
Ака-ука ўртада
Бу сўзни тўқсон айтар.
Аҳди юз бора такрор.
Минг бора кайта айтар
Икки юрт ушбу сўзни
Ва миллиард милиард—
чексиз бор
Маздаясна Имонин
Сўзин такрор этилса²⁰⁶
Пуркудрат кунлар келур,
Вақти зафарлар келур.
118. (*Митра* вахий айлади):
«Ибодатин ижобат –
Килгумдир мен албатта
Хоҳ факир, хоҳ подшоҳнинг
Разил Ахриманийунинг
Орзусига зид ўла
Хара оша учган кун²⁰⁷
Каби, о *Спитама*,
Ибодатин мен лаббай,
Деб ижобат килгайман.
Хоҳ факир, хоҳ подшоҳнинг.
Бахт учундир намозим...

XXV

119. *Митрага топинурмиз...*
«*Митрага сиғингил ва*
Ундан хабар бер (элга

«Атар» тақрор этилса.

²⁰⁷ Куёш Хара тогидан ошиб утиб Авестала таърифланётган юртта уз нурини эштани каби...

Авеста жамияти. — Нмаро — уй, вис — уруг, наб — халқ.

Менинг элчим), Спитама!»²⁰⁸

Талпинсинар *Mitraga*
Барча *Маздаяснийлар*²⁰⁹

Барча молу, күй ёчки
Даррандаю, парранда
Қанот бирла учгувчи.

120. Күриклар күрчи *Mitraga*
Маздага имондорни.
Мукаддас *Хаома* мүл
Күйиб эхсон айласин,
Имонли такводорлар
Үндән түйсин ва консин,
Сүнг *Mitraga* шарафлансын,
Яйловлари чексиз зот.

Токим күнгли чоғ бүлсин,
Қаҳрин күйиб раҳматин
(Бандаларга ёғдурсин).

121. *Спитама Заратуштра*
Хормуздан сүраб туур:
О *Аҳура*, айт менга
Такводорлар эхсонни
Кай тарз истемол килсин.
Токим, *Mitraga* шарифрок
Бүлсин. Яйловлари кенг
Бизлардан бүлсин ризо,
Қаҳрин күрмасин раво».

122. *Аҳура Мазда* деди:
«Уч кече ва уч кундуз
Килсин ғул, тахорат.
Сүнг тазарру айласин
Үттиз дарра олгандек»²¹⁰.
Сүнг юзланиб *Mitraga*
Яйловлари кенг ул зот

²⁰⁸ Ахура Мазда Зардуст Спитамага чуро-жат кильмоқда.

²⁰⁹ Маздаяспа – Маздага сиғынувчи башда-лар.

²¹⁰ Янни гуюх юлтани учун 30 дарра жа-зога лойик одамдек күчли бүлсив.

Шаънига намоз элтсин.

Икки кече ва кундуз
Үзин ювиб тарасин.

Ва тазарру айласин,
Йигирма дарра олган
Каби гавба айласин.

Сүнг юзлансин *Mitraga*
Яйловлари кенг зотга
Хаома эхсонидан
Аслю ича күрмасин
Бирор зот агар билмас
Ҳамду сано оятин,
Ё Виспрат сурасини²¹¹.
Бахт учундир намозим...

XXVI

123. *Mitraga* топинурмиз...

Нурли жаннат маконда²¹²
Аҳура Мазда яратганга

Биз ҳамдирмиз имонда.

124. Құл күтариб дуога
Ұлмасга нола киңди²¹³.

Алп *Mitraga* олиб чиқди
Порлок Олкиш уйидан
Үзипинг енгил юргич
Олтін аробасини –
Күркам чиройлисими.

125. Бу учкур аробани
Тортар тұртта парку от.

²¹⁰ Виспрат – «Барча бобиар» дуо-ю такбирлари (виспа рата) – Авестанинг бир қитоби, намозда үқияладиган ояғ ва суралар түркүми. Зардышгийлар буларни билишларни шарт қисбланған.

²¹¹ Авестада жапнат күпинчә «Шараф Үйин», «Олкиш маскани», «Нурағыш маскан» каби иборалларда келади.

²¹² Улмас, абадий мағужудлик Митранинг сифатларыдан. Дөйөм уйғок, куриб турувчи, әшитиб турувчи ва бошқалар каби.

Рух эмган ва абадий
Учкур түртга аргумок.
Олд туёғи олтиндан,
Орқаси кумуш тақа.
Түртови бир бўйинча
Билан битта боғланиб,
Рахмат нурдан эшилган.
Ёғоч такин биркитиб
Шотига илмок этилган²¹⁴.
126. *Митрадан* ўнг томонда
Энг тик қомат, табводор
Бағанд буй *Рашну* борар
Аъламлик сўл томонда
Адл тик, авлиёвор
Ок либос ичра бу зот
Келтирап хайру эҳсон
Будир либоси Имон
(*Мазда* динига эътиқод)²¹⁵.
127. *Митранинг* изларидан
Борар маъбуд *Вараҳран*
Ғазабнок Қабон мисол.
Сержаҳл ўткир тишли,
Ханжардек қозик тишли
Ҳалюк этар бир йўла.
Кутуриб йўлатмас зўр,
Кўркинчли ола-була.
Учмоқда тенги йўқдур.
Митранинг олдида-чи,
Порлок олов боради
Кавийлар Хварноси.
128. *Митра* аробасида
Яйлови кенг ул зотнинг

Кичик томиридан минг
Аъло камон тортилган
Илохийвор учгувчи
Илохий бор теккувчи
Девлар Манфур бошига.
129. *Митра* аробасида,
Яйлови кенг ул зотнинг
Олтин пойнак минг ўқбор.
Сара ўқ, пат бошоқли²¹⁶
Вахший куш канотидан,
Шоҳдан икки найзали,
(Пати илмок санчкили).
Илохийвор учгувчи,
Илохийвор теккувчи
Девлар манфур бошига.
130. *Митра* аробасида
Яйлови кенг ул зотнинг
Минг найза-санчки бордир,
Сара, ўткир учдордир.
Илохийвор учгувчи.
Илохийвор теккувчи
Девлар Манфур бошига.
Митра аробасида
Яйлови кенг ул зотнинг
Минг болта-ҷўқмори бор
Энг яхни маъданлардан
Кўш тирли ва ўткир, ихчам
Илохийвор учгувчи,
Илохийвор теккувчи
Девлар манфур бошига.
131. *Митра* аробасида
Яйлови кенг ул зотнинг
Минг пичок бор – дудама
Икки томони тирли.
Илохийвор учгувчи,

Хотир араванині шотиси қайиш билан
боғлаб бўйинчали кушилади.
Аъламлик – Адура *Малданинг* сифати. У
ок либосда. Даена дин киёфасида Аълам-
лик Авестада асоссан Даснадан фарқли ра-
вишида Чисти деб аталади. Лекин бу уринда
казифалар умумлашиб хелган.

²¹⁶ Камон ўқига пат ўрнагиши унинг учиси
траекториясини яхши таъмитлаган. Алишер
Навоийда «бошоқли ўқ».

Илохийвор теккувчи
Девлар манфур бошига.
Митра аробасида
Яйлови кенг ул зотнинг
Бордир мишта
Сара маъдан, темирдан
Илохийвор учгувчи,
Илохийвор теккувчи.
Девлар манфур бошига

132. *Митра* аробасида
Яйлови кенг ул зотнинг
Унинг ажиб болтаси
Кулочлаб солмокка ўнг,
Юз кескир юз зарбли, чунг²¹⁷
Иккич ёвни юз тубан,
Сарик маъдандан куйма
Усти тоза олгиндан.
Кудратли куролдир бу,
Ёвга солар у кутқу.
Ва зафаринок курол бу –
Илохийвор учгувчи,
Илохийвор теккувчи
Девлар манфур бошига.

133. Барча девни маҳв этиб,
Каззоблар барин кириб,
Қасамхўр додин бериб,
Митра учеб ўтади.
Яйловлари кенг ул зот
Шарқ-Гарб оша ўтади
Шимол-Шарқу Шимол-Гарб,
Жануб-Шарку Жануб-Гарб –
Гўзал ер узра учар
Ва порлок Хванират
(Узра учеб у ўтар).

²¹⁷ Масофага отиб теккишладиган жалт болтаси. Бронъя асри ёлғорликларида куп учрайди. Каранг Аскаров А. Сополиятепа Тошкент, 1975.

134. Унга пешвоз титрайди
Қабиҳ чиркин Ахриман
Ва лаънати Жахолат
Титрар унинг олдида.
Узунқўл Танбалчик ҳам
Титрар унинг олдида,
Унга пешвоз титрарлар
Борлик бари девлар ҳам
Гуноҳкор ёлғончилар.
135. Дерлар «Бизни жазога
Мустахик килма, *Митра*,
Яйловлари чексиз зот!
Бизни ўлдирма, *Митра*,
Яйловлари чексиз зот!»
Энг кучли худо булиб,
Энг жасур булиб маъбуд,
Энг чакқон булиб маъбуд,
Энг зафарвор, энг ғолиб
Митра Ерга тушади –
Яйловлари кенг ул зот.
Бахт учундир намозим...

XXVII

136. *Митрага* топинурмиз...
Оппок аргумоклари
Тортар ул аробани
Бир гилдираклини тортар²¹⁸
Олтину тошлар ила
Яркирок безаклини²¹⁹
Ўз маскани томонга
Эҳсон келтирган чоги.
137. «Савоб булсин ҳар
кимки, –

²¹⁸ Бир гилдиракли араба – бу фалак ва күёш демакдир. *Митра* унги харакатта келтириб айлантиради лемокчи.

²¹⁹ Олтин, тош, яркирок безаклар – осмондаги юлдузлар демакдир.

Деди *Ахұра Мазда*, –
О содик *Заратуштра*,
Такводор кохин кимга
Дуосин багишиласа,
Тажрибали ва олим,
Кохин намоз йулласа,
Барсман билан буркаса.
Митрага эхсон этиб!
Шу зотнинг маконига
Келур түгридан-түгри
Митра, Кохин агарки,
кимдал
Бұлса чин ризо,
Айтган сүзга мувофик
Ва аймолга мувофик».

138. Кулфат келсин у зотга, –
Деди *Ахұр Мазда*, –
О содик *Заратуштра*,
Кимни риёкор кохин
Тажрибасиз, бебилим
Намозда дуо қылса,
Күлиға тутиб барсман
Ёйса ҳам, ҳатто уни
Ибодатла күф-суфлаб
(Кор килмасин ул зотга).

139. *Мазда* ярлакамагай,
Авлиё амешаспант.
Ва *Митра* раҳм этмагай –
Яйловлари чексиз зот.
Агар ким менсимаса,
Мазда ва үлмасларни.
Авлиё ва *Митрани* –
Яйловлари кенг зотни
Хор этса *Рашын* ясогии,
Хор этса ҳақиқатни.
Дунсни улгайтгувчи
Ҳақни ким менсимаса.
(*Митра* күлламас уни).

Бахт учундир намозим...

XXVIII

140. *Митрага* топингаймиз..
«*Митрага* сиғинурман,
Деди *Ахұра Мазда*, –
Эзгу ва құдратлиға
Самовий ва Афзалға
Эң раҳмдил ва ажыб
Макони осмондага
Ва қаҳрамон сарбозга.

141. У тутар, о *Спитама*,
Күлида ғолиб курол
Күлда ғолиб аслаха.
У зулматда күз юммас
Алдовларға у үчмас,
Күчлилардан күчлидир,
Донолардан у доно.
Унинг ортидан елиб
Борар ғолиб Хварно.
Минг кулок ва құдратли
Мириад күзли худо.
Алдаб бұлмас ибтидо!»
Бахт учундир намозим...

XXIX

142. *Митрага* топинурмиз...
У энг буюк маъбуддир,
Муқадлас Рух гонг сахарда
Яратған уни қодир
Яратған уни шу чок
Ой тұлишганда порлок.

143. Нур ёғилған порлок юз
Гүсеки Зұхал²²⁰ юлдуз
«*Митрага* сиғипурман, –

²²⁰ Зұхал – Авеста Тиштрия деб атайди.
Юлдуз на у билан боғлык маъбуд поми.

Деди Ахура Мазда, –
Учкур арабасини
Күйшдән зиё эмган,
Күйшлек нур таратган.
Дунёда тенгсиз гүзәл
Маъбуда Аши торттан
Унинг арабасига
Топинчим ва имоним.
Чунки у ҳам яралган
Авлиё Рух хукмидан
Ва юлдуз-ла безалган.
Муножотим ул буюк
Вокиф худо *Mitraga*.
Күзлари ўн мингтага –
(Барча ерда хозирга)
Алданмас ул нозирга!»
Бахт учундир намозим...

XXX

144. *Mitraga* топинурмиз...
Mitraga топинурмиз
Юрга томон юрганда,
Юртлар аро турганда
Mitraga топинурмиз.
Юрт ичинда, юрт узра
Mitraga топинурмиз.
Юрт гирдида, остида
Mitraga топинурмиз.
Юрт ортида бүлса ҳам²²¹ ...
145. Ахурата ва *Mitraga*
Бүлсин бизнинг ўтиқод.
Ул абад ва улугвор
(Худолар бүлсинлар шод).
Ой-юлдузга ибодат,

Ҳам қуёшга ўтиқод.
Барсман кўкати қўлда
Барча эллар султони –
Қодир *Mitraga* бизнинг
(Топинчум намозимиз!)
Бахт учундир намозим...
Баралла ибодат-ла
Келтириб қурбонликлар
Mitraga сигинурман –
Яйловлари кенг зотга,
Ва роҳат бергувчига.
Арийлар юртларига
Фароғат бергувчига.
Бизга бўлсин мададкор
Бепоёнлик ҳакки у!
Бизга бўлсин худо ёр
Рахму шафқат килсин у!
Бизга ҳозик – келсин у,
Бизларга берсин зафар,
Келтирисин омад, барор,
Покдомонлик келтирисин!
Қодир *Mitraga*, музффар,
Ёлгонга алданмас у
Бир дунё мағловларга
Mitraga лойик, сазовор –
Чексиз ўтлок яйловдор.
Mitraga топинурмиз
Хилқат ичра курдаглига
Келтириб қурбонликлар
Унга эъзоз, намозим,
Баралла ибодатим.
Таъзим бажо *Mitraga* –
Яйлови чексиз зотга.
Mitraga топинурмиз
Яйловлари кенг зотга
Сут қотиб ҳаомата
Ва барсман тутиб қўлда,
Нозик тил санъати-ла

²²¹ Куёшнинг ҳаракати ҳақидаги примитив материалистик тасаввур билан бөглиқ матн. Буңда стихияни тарзда ернинг юмалоқлиги фикрини ўзиши мумкин.

Муқаддас дуо ўкиб,
Сүзу иш бирлиги-ла
Курбонлик солиб, тұқиб,
Хак сүзин тұғри сұзлаб,
Хақикатни эъзозлаб
«Намозим йұлламокни
Ахұр Мазда савоб билган,
Ул зотгадир намозим».

146. «Эңг әзгу маъбуд
сифатида
Шарафлов, кудрат
Ва куч тилайман мен
Mitraga
Яйловлари кенг зотта ва
Осоийш маъбуд Раманга –
Үтлоклари булиққа.
Хақикат – эңг олий
неъмат...»²²²

²²² Бу парча зердүштійларнинг имон келтириши луоси «Ахұна Варіа»дан.

8-яшт

(Тиштр яшт – Сириус юлдузи шаънига айтилган алқов)

Кувонсин *Aхура Мазда*, Ҳақнинг истаклари рүёбга чикиб,
Анрхрамайний даф бўлсин...

Порлок. Пурнеъмат *Тиштрийя*²²³ ҳамда Сатаваэса
юлдузларининг ризолиги ҳакқи. (олам) сувларини тўлдириб
тоштиргувчи, *Мазда* яратган қудратли зотга юкунчимиз,
мактвларимизни қувонч ила йўллаб шарафлаймиз (алкаймиз).

«Эзгуликда эгам сингари» дея намоз бошлаб беради заотар...

²²³ Барча алқовлар ижроси, тиловати олдидан айтиладиган дуо сўллари тақрорланади. Бу ўринада фарқ шунлави иборатки, багишлов сўзи Гиштрийя юлпутига караштилган.

I

*1. Ахура Мазда деди
Спитама Зардуштга;
«Хукмдорликни асра
Авайлагин бошчингни!»
Ойга ихлос, эътикод –
(У ҳурматига сазовор).
Эҳсон қилинган овқат.
Худоёш, худовандо,
Муқаддас барча юлдуз
Ой кетидан эргашиб,
Эркакларга баҳт берсин.
Мен ҳам *Тиштрийа* томон
Ихлос-ла йўллаб эҳсон,
Этай қўнглини шодон.*

*2. Тиштрийага намоз –
Нури бўлсин сарфароз!
Бергувчига осойиш
Ҳамда фаровон турмуш,
Нурғидига, порлокка.
Дардга эм, ёлкинлига,
Кўкда қилгувчи парвоз,
Осмон тубидан жилва
Қилиб нур таратгичга,
Олислардаги чексиз
Вахви денгиз сувига.
Ахура Мазданинг ўзи
*Яратган Букаға олкиш*²²⁴,
Намозим бўлсин равон
Имонли *Спитама*
Зардуши франшиига.
3. Шукрига намозимлир,
Баралла овозимдир,
Сидкидилдан эҳсоним
Гиштирия юлдузга.*

²²⁴ Бука ва унинг руҳи улугланган. Гўаш урваси деб аталгана. Бу Тиштри юлдузининг кўринишларидан бири.

*Тиштрийага иззат –
Порлок ва кудратлига.
Сут күшиб шопирилган
Муқаддас ҳаома-ю
Кулда тутиб барсаман
Ширин сўзу лутф ила
Эзгу ўй, эзгу сузу
Эзгу амаллар билан,
Чин юракдан, чин ихлос
Ила айтилган ҳак сўз
(Бўлсин имон-ла маҳкам).
*«Ахура Мазда кимга
Намоз багишлини савоб
Деса, ўшангага намоз».**

II

*4. Тиштрийага шаънига,
Порлок юлдуз номига,
Юксак зот, кудратига.
Барча сувлар уруғин.
Саклагувчи энг олий
Зот шаънига намозим
Апам Напат номига.*

III

*5. Яркирок ўшал юлдуз –
Имонсиз ёлғон сузлар*²²⁵
*Барча жонзот ёд этар.
Шунда самода пайдо
Бўлганида *Тиштрийа**²²⁶

²²⁵ «Сувлар набираси» (кучма маънода эркаблаб айтини).

²²⁶ Тиштранинг чиқиши ёмғир, само сувларини коинот сувларини чакиради. Бу эса имон ва эътикодни кўпайтиради. Евонларни ҳам этгулик йўлигига жалб этади. Чунки коинот суви барча учун баробар. Бутун борликни поклайди. Демак, бу лавҳада Ахриман ёмонга айлантирган нарсалар ҳам яхши булиш, узларидаги сувзликдан форин

Отдан-да кучли сувлар
Келар Күкдән окарок.
Намозимиз Кутлукқа!
Уни майда чорва-ю,
Хатто, ёвуз одамлар
Ки, килвир иш излар
Барча жонзот ёд этар.
Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

IV

6. Порлок үшал юлдузга,
Күтлугт зотта намозим.
Эранлардан эң мерган
Эрхин үз камонидан
Ворукаша дөңгизи
Узра отган самовий
Үшал үкдек тезучар
Тиштрийя нурлари.
7. Ариахшута тогидан
Хванаваит токкача
Бу нурни йүллаб турар
Холик *Ахура Мазда*.
Сувлару Набоготга
Жон багишлаб йүллайды
Тиштрийя юлдузни
Кудратли маъбуд *Митра*.
Шукригадир намозимдир,
Баралла овозимдир...

V

8. Порлок үшал юлдузга –
Күтлуг *Тиштрийага* намоз
Йүллайлик, Еру күкниңг
Орасига курт каби
Тушган, юлдузлар мисол

Ёгилтган жин-алвасты –
Барини йүк килгича
Йүллайлик, намозимиз,
Сохибжамол, кудратли
Тубсиз ҳамда беспоён
Ворукаша бүйида...
Мана, мукаддас отдек
Қанот боғлаб *Тиштрия*
Денгиз томон келмоқда
Сувларни тұлкинлатиб,
Шамол пуркаб харёкка.
9. Ва сувларни оқизар
Етти иклимга томон,
Гузал Сатаваэсани
Инъом килиб етказар –
Хосил унар бешумор.
(*Тиштрийадан назар*)
Тушса әран юртларга
Серхосил, баракотли
(Булар йиллар сарбасар).
Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...
10–11. Яркирок *Тиштрийа*
Томон йүллаймиз намоз –
Ахура яратғанга
Шундай дея марҳамат
Килди сұнгра *Тиштрийя*:
«Менга ихлос кил, дея
Килган нидоларимга
Жавобан гар одамлар
Намозу алқовлар-ла
Мени йүклаб турсалар,
Бошка маъбуллар томон
Килган каби илтижо.
Уларниң нидосига
Килган каби хуш жавоб
Шунда мен самолардан
Одамлар томон тушиб,

Ҳақ учун Ҳақдек бўлиб,
Абад ҳаётим кисман
Уларга баҳш этардим²²⁷,
Бир кеча, ё икки тун
(балқиб турган бўлардим)».
12. Юлдузларнинг ҳамроҳи
Тиштрийага намоз!
Сомон йўли бағрида
Сомон йўл юлдузларин
(Барига алковимиз).
Хафтайринг – Катта айик
(Биздан бўлсин миннатдор).
Жодугар афсунгарлар
Йўқ бўлсинлар, бўлиб хор.
Ванант юлдузга эъзоз
Маздалан яралганга.
Куч кудратга у ҳамроҳ.
Фолиблиқ, устиворлик
Бергувчи файзли зотга.
Балолардан асрарич,
Нифокни йўқ қилгичга.
Кўзларга нуру зиё
Тиштрийага намоз!
13. Аввал, эй Зара-туштра,
Ўн кечадавомида
Нур таратиб самода
Порлок кўркам *Тиштрийа*
Ўн беш ёшли йигитча
Киёфасига кирад.
Кўзлари унинг чакнок,
Кадли комати алпдек
Кучли, эпчил ва чақкон.
14. Ўн беш ёшда йигитга
Илк бор боғланар белбоғ.

Бу ёшда белбоғ таққан
Йигит кучга тўлишар.
Ўн бешида йигитлар
(Эл қаторига кириб),
Сузга ҳақли бўлишар.
15. Ўн беш ёшли йигитдек
Тиштирийа савлат-ла
Шундай деб сўзлаб турар:
«Ким менга эҳсон қилас
Сут кўшиб ҳаомага,
Адо этиб намозлар?
Кимга мен ажрин берай
Борлигу бойлик этиб?
Чорвасини кўпайтиб,
Одамларин мул этай.
Жонин озод дузахдан,
(Жаннатта дохил этай).
Чиндан-да ушбу дамда
Мен борлик дунётарнинг
Алкову намозига
Лойику сазоворман».
16. Сунг яна тур булиб
(Узин курсатар Тиштр),
О, *Спитамаи Зардуши*,
Порлок, гўзал Тиштирийа
Нурланиб этиб парвоз,
Кирад Буқа шаслига,
Бошида олгин мўгуз.
17. Шундай деб одам-лардан
Бир савол сўраб турар:
«Ким менга эҳсон қилас
Сут кўшиб ҳаомага?
Намоз йўллаб мўътабар
Номим мукаддас билар?
Кимга улапай савоб,
Бойлигу борлик ойлаб?
Сигиру букаларин
Мул этай бугун кимнинг?

²²⁷ Тиштирийа юлдузи узининг энг юкори, њини кантар ҳолатидаги дуне ва конпот сувларини барокати килади. Сунг унинг оғизи босқичи бошланади. Лекин айланни орасилида бу юлдуз абалий деб тушунлади.

Рухин халос эгайин
Дүзахнинг азобидан?
Чиндан-да мени хозир
Худо лойик қилғандир
Намозу мактovларга».
18. Сунгра яна ўн кунга
О Спитамаи Зардушт,
Нурафшон гўзал Тиштирийа
Парвоз эттак нурланиб,
Чиройли оқ от шаклин
Оғзида олтин қулокли,
Оғзида олтин сувлук.
19. У шундай дея нидо
Бирлан сўраб туради:
«Ким менига ибодату
Хайру эхсон багишлар
Сутли хаомлардан?
Кори хайри-чун кимни
Отлару бойликларга
Эга килай ва жонин
Куткарай азоблардан?
Чиндан-да ҳозирда мен
Дунёларнинг намозу
Алковига лойикман».
20. Шу замон порлок
Тиштирийа,
О Спитамаи Зардушт,
Ворукаша денгизи
Томон оқ от мисоли
Гўзал, олтин қулокли
Олтин тизгин, сувлукли –
(Осмондан тушиб келди).
21. Унга қарши қаро дев.
Кирчанги от бўлволиб,
Апаоша борар ўқдек
Жунлари туллаб тушган,
Кулоклари ғирт чинок,
Кўркинчли, ёллари йўк.

Курсанг думи ҳам йўқдек.
22. Тутиши бир-бирини,
О Спитамаи Зардушт,
Порлок, Гўзал Тиштирийа
Ва бадбашара Апаоша.
Уч кеча-ю уч кундуз
Улар олишавсрди,
О Спитамаи Зардушт.
Бирдан енга бошлади
Кирчанги Апаоша
Порлок зот Тиштирийани.
23. Ҳақдаб узок йўл оша
Ворукаша бўйидан
Бир хатра²²⁸ масофага
Ҳайдаб жўнатди шу он.
Тиштирийа зор билан
Шунда Аҳура Маздага
Айлади илтижолар:
«Кулфат бу, о Аҳура!
Бахтсизликдир Сувларга,
Набототга бахтсизлик,
Беҳдин учун-да кулфат!
Агар одамлар менинг–
Шарофатли номимни
Намоз-ла ёл этмаса,
Бошқа маъбуллар томон
Намозу назру ниёз
Йўллаганлари каби
(Йўклаб турмаса мени).
24. Одамлар қай вакт менинг
Номим зикр этсалар,
Намозу дуоларда
Бошқа маъбуллар
Номин такрорлагандек
Намоз, дуолар йўллаб,
Мен шу он куч кудратта
Тўлган бўлардим бешак.

²²⁸ Хатра – бир чакирим масофа.

Үн от, үнта түяning,
Үн буқанинг кудрати,
Үнта тогнинг савлати,
Үнта дарё гайрати
Менда булган буларди».

25.Шунда мен, *Aхура Мазда*,
Тиштрийа номини

Зикр этиб, шамоз ўқиб,
Ибодатим кучидан
Унга үн от қудратин,
Үн түяning қувватин,
Үн буқанинг кучини,
Үнта тог савлатини
Үн дарёнинг суръатин
Ато этдим, (о Зардушт).

26.Мана, у қайтиб яна
Ворукаша денгизи

Устига келди якин.

Порлок, гүзәл *Тиштрийа*,

Ок от бўлиб шамолдек

Олтин кулоқ ва олтин
Тизгину олтин сувлук.

27.Унга қарши кора дев
Кирчанги от мисоли.

Апаоша борар шошиб,
Туллаб тушган жунлари,
Кулоқларидир чинок,
Кўркинчли, ёллари йўқ,

Ортида думи ҳам йўқ.

28.Яна улар беллашди,
О Спитама Зардушт –
Порлок *Тиштрийа* билан
Кирчанги Апаоша.

Иккалови олишди
Куёш тикка келгуйча.
Шунда *Тиштрийа* голиб
Кела бошлади бирдан
Порлок зот устун келиб,

Апаоша булди мағлуб.

29.Ворукаша бўйидан –
Уни *Тиштрийа* ҳайдаб,
Солди йўлин узокка
Бир хатра нарирокка.

Ўзига эса омад
Ёрлигин этди изхор
Порлок гўзал *Тиштрийа*:

Бахт менга ёр, *Aхура*,
Ўсимлик ва сув кутлуг!
– Эзгу шароит (кутлуг).

Беҳдин сийлови улуг!

Ариқ, анҳор, ёблардан
Сувлар эркин оксинлар.

Дони мўл далаларга,
Дони сийрак ўтлокка.

Оксин маъмур тошкин сув
Ҳак яратган борлиққа».

30.Мана у якин қелди
Спитама Заратуштра.

Порлок ва дов *Тиштрийа*
Ок от бўлиб, ел каби

Учиб етди Ворукаша
Денгизининг лабига.

Ок отки, олтин кулоқ
Оғзида олтин сувлик.

31.Денгизни жунбушлатар,
Тулкинланар барча сув.

Тулдирап ва тоширап,
Кирғоқлардан оширап.

Бундан *Ворукашанинг*
Четлари жунбушдадир
Ўргаси кўкка сапчир.

32.Порлок, кўркам *Тиштрийа*,
О Спитама Заратуштра,
Ворукаша денгизидан
Само тоқига чикар.
Ўша срдан унга эш

Сатаваэса пайдо
Ворукаша устида.
Ворукаша ўртасида
Турган тог Усхиқдунинг
Устидан күкка ўрлар
(Пага-пага) булутлар.
33. Намликларни синқар-ган
Булутларни олд шамол²³⁰
Аста елиб хайдайди.
Булут иули нурафшон
Хаоманинг йўлидир.
Бу йўлдир Аҳуранинг
Эзгу дунёсин йўли.
Сўнгра ўша томондан²³⁰
Мазда берган кудратли
*Vайу*²³¹ ёмғир, кор ва дўл
Йўллайди маконларга:
Кишлокларга (ва яна)
Етти иқлим элларга.
34. Апам-Напат,
О Спитамиа Заратуштра
Бу сувларнинг барини
Дунёнинг барча кишиюк
Маконларига лойик
Микдорларда тарайди.
Кудратли *Vайу* ҳамда
Сув остидаги Хварно
Ва имонли фравашилар
Кўмаклошлиқ айлади».
Шукригадир намозим

Баралладир овозим...

VII

36. Яркирок *Тиштрийага*
Йўллаймиз намозимиз
Порлок гонг ёғдуси-ла
Узок давра йул солиб
Учид ўтар ул тузал
Худо берган маконга
(Ўтар муҳлат-муддати)
Ёзилган тақдир-азал
Аҳура Мазда рози,
Амэшаспандлар хурсанд
Бўлсин дея осмонда
(Пайдо булар у баланд).
Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

VIII

36. Порлок юлдуз *Тиштрийага*
Намозимиз йўллаймиз.
Йил яхши келарми, ё
Ёмон келарми дея,
«Эранлар юрти ризкли,
Серхосил булар дея»,
Факиру фукаролар²³².
Элнинг билга беслари
Тогларда изгиб юрган
Барча жонзоту ҳайвон,
Ҳамда қўлда бокилган
Яйловлардаги чорва.

²³⁰ Жанубини Авеста олд томон леб ятайди. Олд шамол жанубий шамол демақдир. У булутларни Ворукаша денгизи ўртасидаги тог устига йигиб, шимол томон хайдайди.

²³¹ Вайу – Аҳура Мазда яраттган шамол ҳаёт учун зарур ёмғир, корларни жуннатади.

²³² Авеста шу ўринда жамиятни, колаверса тирик жонларни оддий фонийларга (улали-гандларга) иш улмасларга ажратади. Жумладан, юртнинг одамлари – оддий фукаролар умрени иншаб бўлгич, ўтувчиладир. Улоннинг рухлари ёўқ, факат жисмлари бор. Жисм ёса ўз аслига юйтади. Шунинг учун ҳар бир тирик жон руҳ поклили учун курашиб, уч рукига – эзгу ўй, эзгу суз, эзгу амал кондасига мувоғик яшамоги лозим.

Бокиб Сомон йўлига
Кутарлар умид билан
(Тишрийанинг чикишин)²³³.

Шукригадир намозим
Баралладир овозим.

37. Порлоқ юлдуз *Тиштрийага*
Йўллайлик намозимиз.
Эранлардан энг эпчил
Эрехш деган бир мерган
Отган осмоний ўки,
Ариахшуга тоғида
Хванират тоф кадар
(Бир зумда етган каби)
Ворукашага томон
Учар *Тиштрийа* чаққон.

38. Шу пайт уни *Ахъора-Мазд*
(Ва үлмас малаклари)
Учирганди уя томон.
Яйловлари кенг *Митра*
Самога унга шу он
Йўл солиб берган эди.
Баланд бўйли, валий зот
Илюхий Арта – хакиқат,
Унга ёвдош ва ҳамроҳ
Булиб Бойлик боради
Тезюар аравада.
Шундай килиб, *Тиштрийа*
Эреш ўки Хваниратга
Бориб тушмасдан аввал
Ворукашага етар.

²³³ Тиштрийа порлок «түгилса» йил бараллали, файзли серхосил келали, дей хурсанд бўлишган. Бу юлдузининг чикиши муддатларини анига белгилаш учун унинг йўналинига түргилаб белгилар кўйилган, хатто йирик иморат-иншоотлар курилган. Масалан, Хоразмда Кўйқирилган калъянинг доира ичидаги томонлари Шимол-Жаоб-Шарқ-Гарб чизикларда кесишувчи твирих осмон жисмларининг ҳарикатини кулатниша мўжказалаб тузилган змасми, деган фикрлар бор

Шукригадир намозим,
Баралладир овозим.

X

39. Бахти, Порлок *Тиштрийа*
Юлдузга намозимиз.
Сувлар уруғин қароғи
Бўлган юлдузлар йўлин
Тусиб тұхтатмок учун
Анхрамайну юборган
Алвастию жинларни
Бартараф этгувчига –
(Бахти порлок *Тиштрийа*
Юлдузга намозимиз).

40. *Тиштрийа* уларнинг –
(Алвастию жинларнинг)
Барин енгиб кувлайди
Ворукашা ёнидан.
Сунгра денгиз устидан
Ҳосил, тўклиқ сёдириб,
Кучли кенг оқим каби
Етти каршварга томон²³⁴
Неммат ёмгири оқар.
Шукригадир намозим.
Баралладир овозим...

XI

41. Порлок кут *Тиштрийага* –
Юлдузга топинайлик...
Оқар сувлар мунгизир,
Туррун сувлар кўз тутган,
Дарс сувлар орзикиб,
Булок сувлар пойлаган,
Ёмғир сувлари ҳамда
Эрувгарлик йўқлаган
(*Тиштрийага* намоз

²³⁴ Каршвар – кишивар, ислам сўзининг варианти.

Йүллайлик астойдил)
42. *Тиштрийа* биз томон
Балқиб чиқаркин қачон?
Оқар сувлар макони –
Айғир каби курдатли
Оқимин йүллар қачон?
Юрту манзиллар томон,
Үтлоқ яйловтар оша
Үсімлікпәрчі күм-күк
Яшнатар экан қачон?
Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

XII

43. Порлок юлдуз *Тиштрийага* –
Күтлукқа намозимиз.
Бор ёмронликни ювар,
Сув булиб жиб барча
Жонзотни түйинтирап.
Курдатли *Тиштрийа*
Агар эъзозда булса
Алжов, намозда булса.
Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

XIII

44. Гүёки *Заратуштра*ни
Одамларга бош бұл, деб
Тайин эттани каби
Юлдузларнинг барига
Ахура бошлиқ қылган
Порлок, бахтли *Тиштрийа* –
Юлдузга намозимиз.
Унга Ангхрамайний.
Зарар келтиролмайди.
Уни на афсунгару
На жодугар, на девлар

Асло үлдиролмайди.
Шукригадир намозим,
Баралладир намозим,
Баралладир овозим...
45. Порлок, бахтли *Тиштрийа*
Юлдузга намозимиз.
Юлдузлар ичра кучли
Тиштрийага Ахура
Минг ишнинг зевин берган,
Сувларнинг уругини
Саклагувчи айлаган –
Үтган йүли шурафишон.
46. Курдатли ва чиройли.
Тубсиз, чексиз, кирғоқсиз
Ворукаша денгизин
Барча құлтиқларини,
Барча тағоб оқимлар,
Барча тұлқынларини,
Баҳодир *Тиштрийа*
Оқ тулпор, олтин қулок,
Олгин тизгин ва сувлук
(Таккан гұзал от мисол)
Айланди бир зумдаёк.
47. Шу он *Ворукашадан*,
Спитама Заратуштра,
Пок сувлар чикар оқиб-
Дардга эм тиник сувлар.
Баҳодир *Тиштрийи* қайда.
Лойик булса намозга,
(Лойик булса эъзозга)
Қайда у булса мамнун,
Шу юртларға сувларни
Этар мұл-құл ва равон.
Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...
48. Порлок, бахтли *Тиштрийа*
Юлдузга намозимиз.

Спента майнйу – Муқаллас
рух
Яратган барча хилкат–
Ер остида, ер устида,
Сув юзида, сув остида,
Қанотли ва оёкли –
Бор хилкат күз гуттан
(*Тиширийага намоз*).
Шукрки, бу чексиз борлик
Поёнсиз дунё ичра
Имонлилар шоиста
Эгарлар *Тиширийани*.
Шукригадир намозим,
Баралладир овозим...

XVI

49.Порлок, баҳтли *Тиширийа*
Юлдузига топинчим...
Мехрибону бетиним
Кули гул, ўзлук зотта
Омад келтиргувчига,
Унга топинганларга
Баракот бергувчига –
(*Тиширийага намозим*).
«*Спитама Заратуштра*,
Порлок уша юлдузни
Мен яратдим, мен – *Мазда*.
Канчалик менинг ўзим»
Намозу алқовларға,
Нечоғлик шарафларга
Лойикман мен *Ахура*–
У хам шунга лойикдир.
51.Мен уни деву жинлар,
Алвастилар радиғига,
Алув йүколсин дея.
Шум ният суюнчилиги
Күрғок, қаҳат йүк бұлсин,
Дея яратган эдим.

52. Ёвуз Ахриманзода,
О *Спитама Заратуштра*
Бу порлок *Тиширийани*
Яратмасам шод эдим.
Лекин мен уни пайдо
Қилдим, ўзимдек этиб.
Намозу алқовларга,
Нечоғлик шараф-шонга
Лойикман мен *Ахура*–
Шунга сазовор этиб.
53.Мен уни деву жинлар,
Алвастилар даф бұлсин,
Ёвлик фикри йүк бұлсин,
Дея халқ қылғанман,
Күрғок йил, қаҳатчилик
Ёвзларнинг суюнчи
Йүк бұлсин абад дея,
(Мен уни яратғанман).
54.Мен уни яратмасам,
Кундузи тун баробар
Ҳосилсизлик девлари
Бу борлик дунё ичра
Бемалол, эмин-эркин
Барчани кийратарлы
(Мен уни яратмасам).
55.Ана порлок *Тиширийа*
Алвастиларни тутиб
Күш тушов, қуша гулга
Оёкларин боғлайды.
Танларини чандирлаб,
Ечолмас қиб таштайди.
Гүё битта душманни
Минг нахлавон туттандек.
56.Агарчи, о *Заро туштра*,
Порлок *Тиширийи* ҳақда
Эран юртларнинг бари
Барча намоз, алқовга
Шарафларга лойик деб,

Хак йулида уйласа,
Шунда эран юртларга
Душман қүшин торгмасди,
Босиб ғорат этмасди.
Ёвништ жанг араваси
Ва туғи тик бұлмасди!

57. *Спитама Зара-туштра*
Аҳура Маздан сұраб
Деди: «Эй Аҳура Мизда,
Порлок *Тиштрийага*
Кандай намоз лойикдир?
Унга кандай эхсонлар
Килмоқлигимиз даркор?
Хак йулида ул учун
Лойик кандай юкунчлар?»

58. *Аҳура Мазда* деди:
«Эранларнинг юртлари
Унга эхсон этсинглар.
Йүлига барсман ёйиб,
Уни эъзоз этсинглар,
Қўйу улок сўйсинглар
Эранларининг юртлари.
Хохи оқ, хохи кора,
Лекин ола бұлмасин²³⁵.

59. *Ҳайру* эхсон қилимасин.
Аблах ва фохиши инсон,
Қотил, кофир, беимон,
Гоҳларни куйламасжон.

Аҳура ва *Заратуштра*
Динига бұлса душман,
(Ҳайру эхсон қилимасин).

60. Ёвуз ва бузук аёл
Агар келтирса эхсон,
Диндор була гурсаю,

Лекин қотил бұлса ким
Ва куйламаса «Гоҳ»ни,
Аҳура ва *Заратуштра*,
Динига бұлса душман,
Тиштрийа ожиз колар –
Қайтаролмас балони.
61. Шунда эран юртларни
Душман лашкари босар.
Бостириб келар улар
Душманнинг аскарлари.
Эллик зарб билан юзта
Эранни ўлдираплар,
Юз зарбада мингининг
Ҳаётин сундираплар,
Минг зарбада минг туман
Минг саноқсиз, беалал
Эранлар киргин булар».
Шукригадир намозим,
Баралладир овозим
Эхсон хайр киларман,
Тиштрийага юкунчим –
Порлок ва қудратлига
(Намозимиз йўллаймиз)
Сут кўшиб шопирилган
Ҳаома-ю кўлда борсман
Билан, Нозик лутф ҳамда
Ширин сухан-нутқ билан.
62. «Энг эзгу илоҳ каби»

²³⁵ Ола кўй, ўчки, молни курбонлик килиш маъқул ҳисобланмагат. Ўзбекларда кора кучкор сўйиб эхсон қилиш одати шундан. Курбонлик учун уроҷи ҳайвон сўйиш ҳам расм бўлмаган.

Дея намозу, мактров сўзларим порлок, бобарокот *Тиштрийага*. Унга *Аҳурадан* куч-кудраг ато бўлсин. Худди шундай сувларни тулдиргувчи, борокатли Сатавасага, *Мазда* яратганга ҳам намозимиз бахшида. «Ҳакиқат – олий пеъмат».

Эзгу ўй, эзгу сўз ва Эзгу иш-амал билан Чин ҳакиқатни ёқлаб «*Аҳура Мазда* Лойик, деб айтган ўшал зотга Бахшида намозимиз».

14-яшт

(Бахран Яшт – Вараҳран алқови)²³⁶

Кувонсин *Аҳура Мазда*,

«Энг муносиб Зотнинг хохишу иродаси билан Ҳакиқат карор топиб» Ахриман –Анхрамайнйу даф Бўлсин...²³⁷

²³⁶ Бу Яшт «Денкард» китобида сакланғаёт Яштлар номларининг рўйхатида 14-урняда кайд этилган.

²³⁷ Бу сувлар алков ижросига кириш дуодари булиб, исломдаги салог олдидан инят сўзларини эслатади. Бу дуодар хамма Яштларда шаклан ва матмунан бир хил. Йекин чуайян алков кайси маъбуд шашнига айтиластган бўлса, мурожват сувлари шу маъбуд номига каратилиган булади. Масалан, *Ардовисура* Яштда обидаёт, сую маъбути Ачударё ва, умуман, Ардингъ, Хуршид Яштда Күёшга ва ҳ. к.

1. Топинчлар *Вараҳранга*
Ахура Мазда яраттанга.
Спитамаи Зардушт
Ахура Маздан сүради:
«Борлик дунё халлоки,
Муқаддас рух, айт менга,
Самодаги маъбуллар
Ичра ким жанговарроқ?»
Ахура Мазда деди:
«Илохий зот *Вараҳран*,
Спитамаи Зардушт!

2. *Зардуштга* пайдо шу он
Бўлди илохий *Бахран*²³⁸.
Биринчи бор кўринди
Ахура Мазда яратган
Кучли шамол бўлиб, у
Ва лекин хуш, ёкимли,
Канотида *Хварно*²³⁹

²³⁸ Авестада илох *Ахура Мазда* яраттан вакил маъбуллардан бирни *Вараҳран* бўлиб, анъананий антропонимлар инакс исмлари каторида ўбеклар ва тоҷислар орасида *Бахром*, Батрон шакиларида ишлатилиб келинмоқда. Авестада «*Бахром Яшт»* аткоши *Вараҳранга* нисбатан эътиқод маъноларини сакнаб колган Авало *Вараҳран* – адолов, имон кўрикиси. Колаверса, у харбий куч – жамият посони. Булардан ташкири. у *Ахура Мазда* яратган эзгу борликнинг азалий тартибини химоя қилиди. Унга толинганларга сеҳрли жасорат ва кудрат баҳш этади Эзгу фикр, эзгу суз ва эзгу амал гарабасини таъминлайди. Сузни таъсири этиди. Авестанинг болика кисмларida эзгу кучлар ёмонлик кучларни устидан қатон голиб бўлған бўлсалар, ҳаммасига голиблик бағишлаган *Вараҳранлир*. Шу билан бирга *Вараҳраннинг ўзи* тоҳ кучли шамол бўлиб, тоҳ оху, кучли енгилмас кобон бўлиб, тоҳ *Вараги* номли куш бўлиб, тоҳо ғузал йигит хиёфасида пайдо бўлиб, эзгу нияти одаларга ёрдам беради. Бу хусусиятлар *Вараҳран*нинг образининг мифологик маъноларини нуқтур таҳлил килишини тақою тадди.

Хварно – илохий баҳт, омад рамзи. Фонетик ўзгарган кўришини фарн, фарр. Кимга фарн (хварно) кўнса, салтанат – «таҳт

Балолардан куткарап
Кудратбахш танти, барно.
3. Ва *Заратуштра* деди:
«Кудратидан кучлимсан,
Химояти ихотам»²⁴⁰.
Менман эзгу маъмурлик,
Мен сенга энг меҳрибон,
Эзгулик хосилимдир
Дардга эм бўлгич (малҳам).
4. Мен одамлар ва девлар
Ёвлигин этиб барҳам»²⁴¹.
Алвастию жодугар,
Золим каёнийларни²⁴².

эзаси булади», деб ишопилган. Хварно ёмон нияти одалардан кочади. У тутсич бермас нур кўринишида булади. Баъзан эса куш, оқ ранги кўй ва бошқа киёфаларига ҳам кира олади. Масалан, Ардашир Попак ўтилларнига салтанат баҳти – хварно рамзи у мингдан от сагрисида утирган ок кўй каби ёргаштаг деб ривоят килинади. Бу хол Аршакийлар сулоласидан таҳтининг кетини ифодасиди. Фарн – фарр ўзаги ўзбек, тоҷик тилларида баъзи сузлар – исмларни ясашда иштирок этади: Фарах, Фарруҳ на б.

²⁴⁰ *Ахура Мазда* қудратидан олуви чечмакдир. Илохнинг химояти *Вараҳранни* ҳам эҳтиётловчи куч ҳамда у ориси имонли одамни ҳам ўз химояти, шафкатига олади.

²⁴¹ Авестада девлар Ахриман яратган қабодат дунёсининг вакиллари. Улар одамга душманлар. Шунинг унун катор яштларда у ёки бу маъуд, баъзан Зардушт найтамбарнинг уни *Ахура Маздан* мадад сўраб «одамлар ва девлар ёвлигини йўқ қилиш» иятини билдиради.

²⁴² «Кавийлар» сўзи орқали берилган бу тушучка Зардуштга қадар ҳукмдор ҳамда коҳин вазифасини узда бирлаштирган ижтимоий катламини ифодалаган. Кавий – коҳинлар анияти Зардушт таълимотига душман булишган. Кейинрок Виштаспа Зардушт таълимотини юбуб килгач, муносабат ўтигариши керак эди. Лекин Авестага кирби колган эски инъана – кавийлар душман деган караш сакланаб колаверган. Бу хол Авеста китобининг турли катламлари Зардуштдан аввалиги лаъялар махсули булган, деган фикрия яна бир бор тасдиклидай.

Карапанларнинг барин
(Енгай, илоҳ мададкор)».
5. Бахт учундир намозим
барағла овоз билан²⁴³,
Кудратли *Вараҳранга*
Йўллаб хайр ила эхсон,
Топинурмиз Бахранга,
Аҳураяратганга,
Аҳура Мазда буйруги –
Намозимиздир унга.
Сут күшиб шопирилган
Хаома бирлан тийрак
Туриб, барсман повда-ла,
Нозик нукта–нутк ила
Эзгу фикр, ҳак сузни
Түғри айтиб зикр ила
(*Баҳромга* намозимиз);
«Иуллаймиз силку дилдан
Аҳура Мазда савоб деб,
Буюрган ўшал зотга»²⁴⁵.

²⁴³ Бу сұзлар билан бошланғучи банд диний маросимда күпчілік қатнашчилар томонидан баравар жур овозда ижро этишга мулжалдиган. Авеста житобининг Вараҳран алкови мятинини ҳар бир банди кетидан бу накорат сұзларидан иборат банд тақрорланиб келаверади. Шунинг учун таржимада бу банднинг биринчи категорияни берини билан чекланишини маъқул курдик.

Хаома – эфедра – иғна бағрын бутасынан үсімдіккінен күшбүй сиома сувита сут күшиб узок шопириши хисобнага тайёрланадиган тийраклаشتыручин ичимдик. Уни диний маросимнанда ичиш худоги чин дикдан, хүшёр туриб идрон ва түтүгу билан мурожаат қилиш яоситаси хисобланади. *Хаома* ичимдиги, мұжадлас деб түпнұсиятланған. Уни асрарш, жамоатта етарлы миссиядорда Яштиб, күпайтириши учун кавта союз идмисшар ишлатылған, уннинг хум деб аталиши авестача «хадома».

Шу уч катор таъкид Авеста Яштиришиниң ҳар бир банди охирида, бөйтән зса яшт охирида бир хилда тақрорланиб келади. Узаро фарқын ўрни мұнайян Яшт бағышла-

II

6. Топинчимиз *Баҳромга*
Аҳур Мазд яраттанга...²⁴⁶
7. Олтин мутиз буқадек
Куриниб *Зардушт* томон,
Иккинчи бор намоён
Бұлда шунда *Вараҳран* –
Аҳурадан яралған.
Шохлари ўргасидан
Куч, Кудрат ховри ўрлар.
Шундай булди намоён
Аҳурадан яралған.
Бахт учундир намозим...

III

8. Топинчимиз *Баҳромга*
Аҳураяратганга...
9. Учинчи бор *Вараҳран*
Зардуштга куринибди,
Аҳурадан яралған
Оппок от, олтин юган.
Олтин кулок бир жијрон.
Боши узра күкка буй
Чузар Куч Кудрат ховри, –
Шундай булди намоён
Аҳурадан яралған.
Бахт учундир намозим...

IV

10. Топинчимиз *Баҳромга*
Аҳураяратганга...
11. *Зардуштнинг* хузурида
Кудрагининг зўридан

наётан маъбуд номига мурожват қисмидан иборат бұлади.

²⁴⁶ Бундан буен шундай бошлов билан очи-лидиган бандлар алков бошилаги биринчи банд билан бир хил булғаны учун уни тақрор ёзмаймиз.

Тұхтатолмай эпкишин,
Тұртинги бора *Баҳром*
Зур түя буб күрииди.
Шиддаткор, майин жуни
Кийимбоп, қойилмаком.
12. Энг кучли түя булиб,
Нор туяларнинг зури,
Үзи күриклаб юрган
Мойалари томонга,
Интилар әхтирос-ла –
Үркачлари гүё төг,
Күчда тенгсиз тұрт оёк.
Катта-катта құзлари
Оқыл бокар атрофга,
Күркам танти, кудратли,
Бүйдор улкан нортгүя.
13. Құзлари ёниб турар
Түннинг қоронгусида,
Узокдан юлдуз мисол,
Оқ күпиклар сочади,
Юзу күзи аралаш,
Оёқлари остига²⁴⁷
Сачрар түпнуруклари.
Кучли ҳұкмдор каби
Тик караб ұтара олға,
Пайдо бұлди *Вараҳран*,
(Яқынлаб Зардушт томон).
Бахт учун намозимиз...

V

14. Топинчим *Вараҳранга*...
15. Бешинчи бор Зар-душтга
Күринди *Ахур Мазда*,
Яратган Веретрагна,
Дарғазаб Қобон мисол,
Үткір озиқ тишилари,

Үткір қозық тишилари
Санчилса, тик үлдирар.
Кутуриб ён-верига
Хеч кимсаны йұлатмас.
Юзлари ола-пайса
Чаккон, әпчил ва чапдаст.
Шундай келди Веретрагн.
Бахт учундир намозим,
Баралладир овозим...

VI

16. Топинчим *Вараҳ-ранга*...
17. Зардушт құзи үнгіда.
Олтинчи бор Веретрагн
Ахурадан яралған,
Еш гұзал йигит булиб.
Үн беш ёшли²⁴⁸ навқирон,
Кұзлари тиник, оқыл,
Оёги чаккон, бүйчан,
Бұлды яна намоён.
Бахт учундир намозим,
Баралладир овозим...

VII

18. Намозимиз *Баҳронга*...
19. Еттинги бор Зардуштга,
Күриңди Веретрагна,
Ахураяратған (зот),
Ұлжасини гоҳ пастдан,
Гоҳ тепадан чүқіган
Варағи қуши мисол,
Күшлар ичар энг чаккон,
Энг тез учар, энг паррон.
20. Факат у құвиб етар,
Тирик жонлар ичида,

²⁴⁷ Бу лауҳада Сомон иули – галактика күзде тутилған деб үктаймыз.

²⁴⁸ 15 ёшда зардуштийлар жамновсі въжлары жамнитнинг тұла құкуюлары аъзодлары қисобланышты.

Хато кетмас, тез учар
Тири паррон кетидан.
Учар у канот ёйиб.
Тонг шафағига томон.
Кечга насиба излар,
Тонгта излар (хүш) таом.
21.Даралар тубин сийнар.
Төг чүқкиларин сийпар,
Дарә камарларига,
Дараҳтлар учларига
(Тегар сиғил қаноти),
Күшлар сайрокларига
Дамо-дам күлок тутар.
Шундай бүлди намоён
Вараҳран Зардушт томон
Бахт үчүндир намозим...

VIII

22.Намозимиз *Баҳромға*...
23.Саккизинчи бор *Баҳрон*
Бакамти *Зардушт* томон.
Келди *Хурмуз*²⁴⁹ яраттан.
Төг күчкори архардек
Бурамашох, сервикор –
Пайдо бүлди *Вараҳран*.
Юкунчимиз күт бүлсин...

IX

24.Топинайлик *Баҳромға*
(*Ахура Мазд* топин деб,
Буюрган улут зотга...)
25.Түккизинчи бор *Баҳром*
Куриниб *Зардушт* томон.
Келди *Мазда* яраттан
Ёввойи така мисол.

²⁴⁹ Хурмуз шакли Авестада и *Ахура Мазда* исминини илк урта асрлардан бошлаб фонетик үзүргөн күршилдилер. Шеър улчови зарулати билән ишләтдик.

Шохи үткир санчкидек...
Шундай күринди *Баҳрон*.
Юкунчимиз күт учун...

X

26.Топинчим *Вараҳ-ранга*...
27.Зардушт күзи үнгиде
Бүлди пайдо *Вараҳран*,
Үнинчи бор, сүнгти бор
Ахур Мазд яраттан.
Девкомат эркак булиб,
Нозик дид-ла безалган,
Ханжар кулида туттан
Шу тарз күринди *Баҳрон*.
Юкунчимиз күт бүлсин...

XI

28.Топинчимиз *Баҳромға*,
Мұъжизакор қудратли,
Жасорат баҳш этгүвчи
Омонликка этгүвчи.
Ахураяраттанга.
Чин дилдан әтиқод-ла,
Спитамайи Зардушт
Намоз аді айлади,
Ихлос-ла сұраб ундан
Эзгу үйлар зафарин,
Эзгу сүз голиблигин,
Эзгу амаллар барин,
Элда устуворлигин.
Сүзлаганда сүз голиб,
Ёлғон билан чин баҳси,
Бүлганла чин сүз голиб²⁵⁰

²⁵⁰ Бу ливхә үчи хибәр бергән динги дәлват килиш жарабнана. Зардушт мухолиф мульбадлар билан тез-тез бахсга киришиб турғанидан далолат булса керак. Шу түфайли у «бахсада ракып сүзларига ради жараб берганимда, менинг сүзларымға голиблик багишлаган», деб илтижо кылади. Бу ҳол Вараҳ-

(Бұлсін, дея ёлборди).

29.Шундан сұнг унга *Баҳром*
Аҳур Мазда яратған,
Күлларига күч-кудрат,
Тан-жонин қилди соғлом.
Эркаклигига кувват,
Чидаму бардош берди.
Күзларин үткір қилди,
Чуқурулғы минг полвон
Эркак бүйің а булған.
Кенг дарё Ранха ичра,
Сув остида кил эттан.
Қылчани хам сезгувчи²⁵¹,
Балықтарнинг лим сезгир,
Күзлари каби үткір
(Қилди унинг күзларин).
Юқунчимиз күт бұлсін...

XII

30.Топинчимиз *Баҳ-ромга...*
31.Сұнғра унинг *Вараҳран-*
Аҳурадан яралған –
Күлларига күч берди,
Тан-жонин қилди соғлом.
Чидаму бардош берди.
Күзларин қилди үткір,
Зим-зиә туманли тун
Ерда ётған қылнин¹ бир
От ёли ё думидан
Эканини ажраттич,
Үткір күзли той
Күзларин қилди үткір.
Топинчимиз күт бұлсін...

рашнин маъбуд сифатнда мантрикій фикр
ва иотиқтик хислатларинин устидан хо-
мияттик каби вазифаси хам бұлған дегән
таджнинг имкон беради.

²⁵¹ Авестанинг шу сатыларыда сув үрамаси
хакида гыл боларды ва «соч толасылек үра-
мади хам сезадиган», деб.

XIII

32. Топинчимиз *Баҳ-*
ромга...²⁵²
Аҳурадан яралған
Вараҳран берди унинг
Күлларига күч-кудрат,
Тан-жонин қилди соғлом.
Берди чидам ва барлош,
Күзларин үткір қилди.
Бир түпканинг тагидан.
Кинғирокнинг ортидан
Мушілдек бир бұлак этии
Күргувчи карчиғайдеск.
Ёки мисол игнанинг
Йилт этган учини хам.
Унга күрингич этди.
Топинчимиз күт бұлсін...

XIV

34.Топинчимиз *Баҳромга...*
Аҳураяратганга.
Аҳур Маздадан *Зардушт*
Бир масала сұради:
«Эй Муқаддас рух, тангрим,
Эй холік худо, айт-чи,
Сеҳрлансан агар ман
Душманнинг жодусидан
Кутулмоқ чораси не,
(Илюж не, недир ирим)?»
35.«Қаноти кенг *Вараги*
Күшнинг олтін патини –
Патини ол, о *Зардушт*,
Астойдил қилиб ихлюс.
У билан танинг сийпаб,
Душманнинг жодусидан
Бұларсан бутқул халос»²⁵³.

²⁵² 28-банд тақрорланады.

Ахура Мазда деди:
«Спитама, күлга ол
Кенг қанотли күш патин –
Бўлсин Варагн²⁵⁴ пати.
Танинг сийлаб у билан
Душманинг жодусини
Хайда нари ўзилгдан²⁵⁵.
36. Бу пат бизга хайрли,
Кудратли Варагнинг;
Кучли қүшнинг сўнгати –
У ҳам ҳатто сехрли.
Кимга мададкор бўлса.
Кимга омад ёр бўлса,
Уни қуллар меҳр-ла,
Муқаддас қүшнинг пати.
37. Уни үлдира олмас.
Ҳеч вакт котилу ғаддор,
Пат кимда бўлса агар,
Уни катл килолмас –
У барча ёвин снгар!»
38. Күш патин тутган зотдан
Барча ёмонлар қўрксин,
Барча душманлар қўрксин

(Варагн пати туфайли).
Кучи ғолиблигимдан
Қўрксин барча ёмонлар.
39. Юрт ҳокими, подшоҳлар
Эга бўлган кудратдан,
Уларнинг ворислари
Насибдор ул кудратдан
(Курксиналар барча душман),
Кавиусаңда²⁵⁶ бор эди,
Кавиусанга ёр эди.
Варагнинг кут пати,
Ундан топган кудрати.
Бу куч гўёки тойчок,
Каби (шўхчан ва) уйнок,
(Моясига интилган)
Қора Нор каби кайнок.
Гўё дарё каби ул,
Кучин тутолмас кирғоқ.
40. Алпкомат Фаридун²⁵⁷
Учбошли Захҳок илон,
Бошларини чопганда,
Шу патдан кувват олган,
Уч оғиз, олти кўз²⁵⁸
Маккору кинғир кўнгил
Бадфеъл девлар боласи.
Уни Анхра Майнийу
Килган кучли, кудратли.

Ажло, паримиздан колган бир удум ҳозиргача ачал киммоқда, яъни бола бешингига, дўнгисига, кийимига укки патини (укпар) кадаш пазор нафасдан, сехру жодудан асрар воситаси ҳисобланган.

Варагн – мифологик күш. У «кушларнинг күши» деб таърифланади Анесгада. Унинг пати сехрли кучга эга леб тушунилган. Кимки ихлос билан Варагн патини олиб бадали, танаси бўйиб, у билан сийласи душманларининг сехру жодуси, исму омалларидан кутулади, куч-кудратга тудади. Унта омал кулиб бокади, майдонда довюрак булади, зуравон ёки котил уни үлдирмайди. Уз душманини маҳв этади.

Ушиб манзара Варагн патини ишлаттиб килинган кандайдир расм-руслу, ирим. магик ҳатти-харакати ишорат юлади. Бу ҳозиргача сакланган укки қупин пати ва парларини кийимга кадаш билан боғлик одатнинизда сакланган, дейин мумкин.

²⁵⁶ Кави Усан «Шоҳнома» ва ўрга аср анъанасида Кайковус. Испнинг «ковус» қисми Анесстча Кави Усан шахлининг давомида туради. Кави Усан шахлининг давомида авват «коҳин – подшоҳ, башпоратчи, шоир» каби маъноларда бўлган суз турган.

²⁵⁷ Фаридун – Авестада қондоли қаҳрамон – шоҳ. Ахриман яратган кабих учи бошли илон қиёфасидаги конхур Заджоки синтиб одамларни балодан куткарған, деб нақл килинади. Бу сюжет «Шоҳнома»да ҳам ишлабтилган. Эртаге вариантилари ҳам бор.

²⁵⁸ Бу бандда шу сатрдан бошланувчи Заджокини таърифи билан Фаридуннинг қаҳрамонлиги таркибдан чич бояламаган.

Ёлғонда тенгсиздир у.
Үндан дунё горатлар,
У имоннинг балоси.
Кут бўлсин намозларим...

XV

41. Намозимиз *Баҳромга-Аҳурајратганга*.
Улкап Саэнга куши²⁵⁹
Ёмғирли булутдайин,
Тоғни қошлаган каби
Тўлдиради *Вараҳран*
(Имонлиларнинг уйин)
Молу-кўйу кут билан.
Кут бўлсин намозимиз...

XVI

42. Намозимиз *Баҳромга-Аҳурајратганта*.
Аҳура Маздалан савол
Сурали Заратуштра:
«Муқаддас Рух, айт менга,
Борликнинг холики айт,
Вараҳранни биз качон
Қумакка чорласаккин?
Качон унга сигиниб
(Сенга изҳори имон
Келтиргандек уни ҳам)
Мактайлек дилдан суйиб?»
43. Марҳамат килди *Хурмузд*:
Кўшинлар жангга ҳозир

Турганида, о *Зардушт*,
Бир-бирига юзма-юз
Қаторларини сафлаб.
Лекин ҳали голиб йўқ,
Маглуб ҳам йўқ – қўнгил тўк.
44. Шунда Варағи күшнинг
Туртта патини олиб,
Ҳар икки саф олдида
Тутиб тургин дам солиб.
Кимки биринчи унга
Йулласа намозини,
Вараҳранни ким агар
Кумак бер, дея чорлар
Ушангадир зафар ёр,
(Бўлар голиб баҳтиёр).
45. *Вараҳранга* намозим
Куч-кудратга эъзозим.
Бу икки химоятнинг,
Асрарувчи жуфт зотнинг
Иккитадан пати бор;
Ёйик кенг қаноти бор.
Мухтоҷни елпид үтар
(Унга сиғингувчини),
Патлари селлиб үтар,
Аста сийпалаб үтар²⁶⁰.
46. Аммо бу синоатни,
О *Спитамай Зардушт*,
(Кимгаки бўлса насиб)
Ҳеч кимга билдири масин.
Ота ўз фарзандига,
Ака туғишганига,
Муъбад ўз муридига

²⁵⁹ Саэнга ирреа – ёртаклардаги синмурғ> симурғ>семурғ күшининг Авестадаги куринини. Унинг улкапи қанотлари сояси фаровонлик, тұжық көлтирувчи ёми ирли булутта ўхшатилмоқда. Қолалерса, *Вараҳран*дан келадиган молу ҳол фаровоплик ёмғирига киёс килинмоқда. Бу тасвири Авестадаги ынходат, гипербола санъатидан бир намознадир.

²⁶⁰ Бу уринда *Вараҳран* ва Куч (Кудрат) иккиси мустакил ўтиқод объектидир. Ҳар иккисида иккигадан маглук сирги пат борки, ундар ичония ва ердамга мухгожларига чададта шошилади. Бунинг учун патлар сийпалаб ўтса, тегиб ўтса кифия. Аммо бу лавҳанини мифологик илдизлари ҳакида ўйлаб қуриш лозим.

Тайинлаб қүйсін буни.
Бу сұзлар курдатлидір,
Курдатли ва мустақам,
Улар ўта пурмаңы
Кучли ва ғолибона.
Курдатли ва шифобахш,
Улар бари шундай-ки,
Зарб остида бұлса бош,
Асрар уни, тегмас тош.
Тиг солса кимки агар,
Тири ўзига қайтар».
Намозимиз қут бұлсии...

XVII

47. Намозимиз *Баҳромга Ахураяраттана*.
Митра ва *Рашну* билан
Бирга-бирга *Вараҳран*,
Қүшин қаторин кезар
Сұраб бир-бир хаммадан:
«Кім *Митрані* алдабон,
Қайтган бергап ахдидан?
Кім *Рашнуні* ёдидан
Чикарган ул даргумон?
Кімга йұллай дард, оғат
Кимиңгі бошига кулфат.
(Ёндірай? Илохимдан)
Берилған менға құдрат».
48. Мархаматли *Ахура Мазд* (Нозил кілди бул оят):
«Тангри бергап *Бахронга*
Намозу назру ниәз
Муносиб олқиши, зъязоз
Ила чин ёлворганга,
Хақдан ззгу хидоят
(Арта-хақ абадият!
Егілгайдір ҳимоят).
Эранларнинг юртига -

- Ёғий ҳужум қилолмас,
Ёпирилиб келолмас.
Бу юртни ўлат олмас,
Яра-чака йиколмас,
На ёвнинг аробаси,
На баланд тутган туғи
(Бу юртта кор қилолмас)».
49. *Ахурадан* яна бир
Савол суради *Зардушт*:
«Айт-чи, *Ахура Мазда*,
Кай йүсін сигинайлик,
Нелар эхсон айлайлик.
Сен ҳак деб танитганга.
Эзгу зот *Вараҳран-ға?*»
50. *Ахура Мазда* деди:
«Эранларнинг юртлари
Келтирсінлар эхсонлар.
Күлда барсманлар²⁶¹
(*Вараҳранинг йүлиға*)
Курбон этиб ҳайвоңлар,
Эхсон этсин эранлар.
51. Майли эхсон қилмасин,
Бузук хотин ва покас.
Ғаддор котил, жоғолгич,
Киёфаси мұйминдек (риә),
«Гоҳ»ни дилдан куйламас-
Ахура Мазд ва *Зардушт*.
Динин ул дүсті эмас.
52. Эхсон келтира туриб,
Бузук, нокас ва қотил,
Тилда «имонлимап», – деб,

²⁶¹ Барсман – мұқаллас саналмаш даражаттывалары дастансы. Немис, ҳайру-хосон маросымларыда дус үкувчы мұльбад (диндор) кулида шундай жауда дастансыны тутиб турған. Ҳозир парслар ва зерткелерлер (зардуштийлари) жамоаларда барсман дастансы урнинг күмушсымон рангли металдан ишланған ингичка сим дастансы гүлтап ҳолда маросым үтказышади.

«Гоҳ»га күймаса күнгил,
Уларни Зардушт динин,
Ашаддий ёви деб бил.
Бундайларни (дўзахдан)
Кутқармайди Вараҳран.
53. Улар касофатига
Эранларнинг юртини
Ёгий ланикари босгай.
Ёв кўли келгай баланд,
Элликта зарба билан
Юз арийни ўлдиргай,
Минг эран ҳалок бўлгай,
Ёвнинг юз зарби билан
Минг зарбдан бир туман –
Улар имонли эран».

54. «Девга соттсанлар имон
Бузук, гар, нокас – ёмон,
Эссиз тўкиб қапча кон
Келтирса, хайру эҳсон.
Говмиш руҳи-чун равон –
Барчаси бекор шу он,
Гар «Гоҳ»ни билмас экан.

55. Кутурган девлар ҳамда,
Уларни «Ҳак» деганлар,
Оловга хапараси²⁶²,
Ва намадка новдасин,
Қанчалик ихлос билан
Астойдил солмасин.

56. Ўша кутурган девлар,
Уларга ихлослилар.
Қаддин букиб намозда,
Қўлин илтижо билан
Чўзмоклиги не даркор.
Ёлвориб нечун тураг,
Имони гар бекарор?
Ўша кутурган девлар,

Уларга ихлослар
«Гоҳ» учун кар қулоқлар,
Қўзларида маъно йўқ,
Юраклари ўйноклар».
Кут бўлсин намозимиз...

XVIII

57. Юкунчимиз Баҳромга,
Аҳураяратганга,
Енгизнинг қўриқчиси
Ҳаомата бош уриб,²⁶³
Келарман ёлвориш-ла
Тан-жону бойликларим
Ҳомийси, соқчисига.
Татиб қўрса уни ким,
Уни синголмас ганим.
58. Кут бўлсин намозимиз...
Менинг пайимга тушган,
Ёвларимни хор этай,
Күшинин барбод этай,
Лашкарин тор-мор этай.
Кут бўлсин намозларим...

XIX

59. Топинчим Вараҳранга–
Аҳураяратганга.
Сигура тошга бокиб²⁶⁴.

²⁶² Енгиз – галаба. Аввастача бу тушунча шахсиятнинг тимсол – образ даражасига етган. Ушбу бандда эса алков Вараҳранга – голиблик, енгиз маъбулига каратилгани ҳолда бу маъбудинг голиблитигин қўриқлаб турувчи ҳаома маъбулига мурожиат алков шаклини олған. Уни ўзозлаш гояси зардуштий оғигида Ҳаома номли маъбул образини ҳам яратган. Демак, ҳаома қадимда уч катланми мұқаддис тимсол: Ҳаома – маъбул; ҳаома – усичлик; Ҳаома – сут кўшиб тайёрланадиган ичимлик. Ҳаома – бу ўринда факат ичимлик эмас, балки шу номдаги ичимликни тайёрлапшила ҳом-аше булавчи бута, ингабергли ўснытик ҳамдир.

²⁶³ Хапараси, намадка – оловга солниб ёкиладиган ўсичликлар.

Шахризодлар ёлворди.
Үндан мадад үтениб.
Сарханглар фарзандлари –
Шахриёрзодлар борди.
У кудрат деб аталур,
Голиб деб номи машхур.
60.Эш булагай ғалабага,
Барча эранлар каби
Менниң изимдан түшгән,
Лашкарни тор-мор этай,
Күшинни барбод этай,
Аскарларин хор этай.
Күтлүр булсın намозим,
Баланд чиксин овозим,
Эхсонлар көлтирганда,
Кудратли Варахранга.
Топинайлик Бахронга,
Ахураяратганга.
Намозга лойик қилиб
Топин, деб буюрганга.
Сут күшиб ҳаомата,
Барсман новдасин тутиб,
Эзгу сүзни рост сүзлаб,
Эзгу ўй, эзгу амал
Бирла ҳакнинг йўлида
Топинайлик Бахронга.
«Ахура Мазда» савоб

Деб тан олган зотга
Намозимиздир жавоб».
Кут булсин намозимиз...

XX

61.(Намоз ийлайлик чиндан,
Таъзим айлайлик дилдан),
Қабул килсин *Варахран*
Ахурадан яралган.
(Магупат бошлаб берсин,
Ҳак сүз гавхарин терсин):
Эзгу илоҳсан, *Мазда*,
Эзгу Бошчи үзингсан.
Сен ҳақиқат йўлида
Мазда Яснани нозил
Айладинг ва дединг: «Бил!»
Сендандир эзгу юмуш,
Вилоят у, ҳокимият –
Эзгулик учун шият.
Бандани қўллаш сендан
Оч-нахору почорга,
Бор жонзот, умидворга
Ризқ улашгич үзингсан».
Букага шон-шараф булсин,
Бука кулрат, кучга тўлсин,
Бука зъязоз, енгиш топсин,
Бука биздан емиш топсин,
Биздан у парвариши топсин,
Ҳамда топсин эзгу иш,
Чунки бука шарофати –
Инсон учун ризқу емиш²⁶⁵

²⁶⁴ Сигура тоши – қайдайлир унутылган мағик тушунча. Уни И.С.Каменский ижлос билан караладиган тумор тош бўлса керак, дейди Варахранини голибдан маъбути сифатидаги образи талиннина кўшинимча кирра сифатида ушбу тош, унинг кудрат бағишловчи мағик ҳусусиги бекиси киритилмаган. Демак, Варахран ҳам жанговар голибликни ҳаома, сирур тоши каби манбалярдан янгилаёт турған. Шу уринда эслаш мумкинки, якни утмишда болалар ўйинлари каторида «беш тош» унини буларади. Бу шунчаки ўйин эмис эди. Амалий маънода чақонлик, яничтилик, кўл ва бармоқларга нозик ва муражакаб ҳаракатлар мадданини беришган.

²⁶⁵ Бу банде Варахран кириши мумкин бўлган киёфатлардан бирин – бука обрати юйд этилган. Юкорида, 7-бандда Зардуни хузурида Нирадран олтин шошли бука тимсолида пайдо бўлганни ҳадисдиги лавҳага каралсин. Авестала мукавказас бука билан боянчи асториий Гаваҷартан – Кайумарс – ярми олам, ярим ҳуқиқат обраги бор. У ҳалок бўлган чоғди тукилиб ерга тушган урутидан бир эркак ва бир вёл ибтидоси, одамзод аж-

Намозим бұлсин қутлуғ...

XXI

62. Намозимиз *Бахронга*,
Ахураяратганга,
Лашкар сафин гүзгитиб.
Топинайлик *Бахронга*,
Ахураяратганга.
Намозга лойик килиб
Топин, деб буюрганга.
Сут қүшиб ҳаомата,
Барсман новдасин тутиб.
Эзгу сүзни рост сузлаб,
Эзгу үй, эзгу амал
Бирла қаштинг йулида
Топинайлик *Бахронга*.
«Ахура *Мазда* савоб
Деб тан олган зотта
Намозимиздир жавоб».
Күт бұлсин намозимиз...
Бандани құллаш сендан
Оч-находу noctorga,
Бор жонзот, умидворга
Ризк улашгич үзингсан».
Буқага шон-шараф бұлсин,
Буқа кулфат, кучга тұлсин.
Буқа әззоз, енгиш топсип,
Буқа биздан емиш топсип,
Биздан у парвариш топсип,
Хамда топсип эзгу иш,
Чунки буқа шарофати –
Инсон учун ризқу смиш
Намозим бұлсин қутлуғ...
Қаторини парчалаб,
Гүлгұла солгувчига

подлары униб чиккан деб ишенилган. Бу риваят Одам Ато билан Момо Ҳаво вокасини зиятувчи жуда кадимий сюжет қолдигендір.

Ер-ля тенің қилғувчига.
Удир душман сафини
Яксон қилғувчи ботир.
У күшинлар қаторин
Супуриб күкка отар.
Варахран маглуб этар
(*Мазда* ясна ёвларин).
Одамми у, ё девми
Ва ёки у жодугар,
Хохи бұлсин алвасти,
Кави золим ва жохил
Карапанинг барчасин.
Күт учундир юқунчим...

XXII

63. Намозимиз *Бахронга*
Ахураяратганга.
Илоҳ хилкат *Варахран*
Чин *ахураяратган*.
Доруғ, Елғон маконин,
Лашкарларин қатори
Бирлашса-да, бир сафта
Гар улар илохий сүз –
Қасамдан чекинсалар,
Барчасини *Варахран*
Күлларин бирга боғлар,
Күзларин беркитиб,
Күлекларин қылар кар.
Варахранга бас келмай,
Оёклари қалтирад.
Күт келтирисин намозим,
Баралладыр овозим,
Курбонлик келтирараман.
Эксонларим *Варахран*.
(Кабул этсін, илохим),
Кудрагли *Варахранга*
Намозу әззозларим
Ахураяратганға.

Ахура Мазда ўзи
Йокун деб үргатганга,
Сутли ҳаома билан,
Күлдә тутиб барасман.
Түгри талаффуз ила
Айтилган Ҳақ сүз ила,
Эзгу ўй ва ишимиз
Қабул этсин *Варахран*.
«Намозимиз йүллаймиз.
Ахура Мазда савоб

Деб билган маъбулларга».
64.«Энг эзгу илоҳ каби...
Энг эзгу илоҳ ҳақки...»
Ахураяратган зот,
Варахранга намозу,
алқовимиз,
Энг олий голибликка
Шарафлар булсин, деймиз.
Ҳакикат – олий пеъмат...

19-яшт

(Замйад яшт – Хварно (фарн) алқови)

Ушбу Яшт инсониятнинг бешиги, ҳаёт мухити, бору йўклиги, очу тўклигининг бош омили, илохий кафолати булмиши Ер – она заминга бағишлиланган алқовидир. Авестада *Митра* самовий маъбуд, *Ардови Сура Анаҳита* дунёда бор барча сувлар маъбуда бўлгани каби Ер маъбулига ҳам улуғ хурмат билан қаралган ва у Зам деб аталган.

Замйад Яштнинг бизгача етиб келган таркиби асли, кадимийсига нисбатан жиддий равишда узгарган. Афтидан, ҳакикий Ер алковидан 8 бандигина саксланган. Сўнгра 1-кисм 9-банддан баҳт, омад рамзи, эзгу нияти инсонга куч-кудрат бағишиловчи, шоҳлик мартабасини бергувчи, ҳар кимга ҳам насиб қиласкермайдиган муқаддас симо – Хварно шаънига айтилган алқов бошланади. Хварно сўзи бизга етиб келгунича фарн, фар (охири товуш р – қаттиқ талаффуз қилинади-фарр) шаклига кирган. Унини бир кўриниши баҳт маъносида кўлланиб келаётган фарах сўзида бор: фарах–кал, фаррважу – «баҳтиёр ҳаёт» сўзидан ўсиб чиккан. Бу сўз кадимти дауж ваҳу «ёмон ҳаёт», яъни ҳозирги тилимиздаги «дўзах» сўзига карама-қарши қўйилган.

Алқовнинг биринчи 9 бандини ўзига хос географик, тўгрироги, орологик (горшунослик) достонидан сакланиб қолган парча деб хисобланади. Унда номи, баъзан тавсифи келтирилган тоналар ҳозирги Ўрта Осиё тоғлари, улардаги тизмалар, чуккиларга мувофиқидир. Лекин уларнинг номлари замонлар оша узгариб борган тил вазияти туфайли Авестада акс этган тил ҳам уну-

тилгани каби аста-секин унугилган, янгиланган. Шунга қарамай баъзи муқоясалар учун имкон бор. Масалан, Ҳаратти – юксак төғ, мағрибдан (кун ботишдан) манриккача (кун чиқарган) түзилган. Ҳаратти – Ҳартанг; Зардаза – Зараут сой бўйлаб жойлашиши төғ тизмаси, Мануша – Аддижон Ҳужабод туманидаги Одамтөғ (Тангри төғ – Тяншашнинг бир исми), Авестача Мануша – «Одам»; Ушида – Ўш (ота) – бу төғ зардуштийлик таркалган ўлкаларнинг шарқида жойлашгани учун шундай ном олган бўлса керак. Авестача Ушида, «тонготар» тор демақдир. Балки бу минтақа Зардуштийлик таркалган элларнинг энг шарқида жойлашгандир. Ушида шу сабабли тонготар, яъни энг Шарқдаги төғ деб тушунилган. Эрзифи тори Зирабулук (?); Антар дахай – Кунгай олатов (Бу тор зардуштийлик таркалган ўлкалардан бири – Фарғона водийсининг шимолида шарқ-гарб йўналишида жойлашгани тизманинг жанубий, кунгай томонидир. У мамлакат ичкарисига караб турган төғ деб аталган). Раодита – Кўнгуртов (раодита – Авестача сарғиши, кўнғир тусли демақдир); ўлкамизда шу ном билан аталувчи төғ ҳам бор... Эриша – Тик төғ, баланд төғтантри төғ (осмон билан тенг төғ маъносида); Ватагайсай – Балхиз ясентоғлиги ва бошқалар. Бизнинг бу киёсларимиз баҳсли бўлиши мумкин. Лекин замонлар ўз ишини қылгани, шуңдай бўлса-да, аждоҳлар кўп атамаларни эквивалент маънолари орқали ёнги тил лексикаси ва грамматик шартлари мувофикалаштирган бўлишлари шубҳасизлар.

Энди Ҳварно ҳакида баъзи мулоҳазаларга тұхтасак. Ҳварно узок аждоҳларимиз тасаввурда дину либнатда, имону зътиқодда, эзгулик ва адолатда событу мустахкам, ҳак буюрган ишларга ўзлигини сафарбар этган, жисми, калби, руҳида қабоҳат ва ёмонликни, фикри-зикри ва сўзидан алдок ва ёвузликни. Ахриман пайдо қишлоған норавонликни ситиб чиқарған, пок инсонларга насиб булағитган илоҳий баҳт тажаллисилар. Борликнинг яратувчиси ва олий ҳаками Аҳуру Мазда ўзи иродаси билан Ҳварнога лойинқ этган суюкли бандалари саноқли бўлган. Кадимий анъана-вий тасаввурға кўра эл-юрт қўрикчиси, унда илоҳий тартибни химоя килгувчи подшохларнинг салтанат, таҳт – баҳти уларга Ҳварнонинг «қуниши» гуфайли бўлган. Жумладан. Авестада айтилишича, Кайсний шоҳларидан Кайкубод, Кайковус, Кайшишин, Кайорини, Сидвушилар илоҳий Ҳварнога сазовор булишган.

Бу ривоягда ўлкамизда илк давлатчилик даврларида ёк шаклланган хокимиятнинг илохийлиги концепцияга акс этган дейиш мумкин. Яъни подио бўлганлар Хварнога мушарраф бўлган зотлардир. Улар *Аҳура Мазда* суйган бандалар булиб, савобли, тўқ, фаровон килиб яратилган ўлкалардаги барча эзгу инсонларга баҳт – икбол беришлари лозим ҳисобланган.

Хварно факат подшоларга эмас, балки пок ниятли оддий инсонларга ҳам насиб этиши мумкин. Жумладан, Зардушт ҳам Хварнога мушарраф бўлган зотдир. Илоҳ *Аҳура Мазда* Зардуштга ўзининг борлигини ва унга эътиқод қилишликни, қавму кариндошларга, бутун эран ва туранларга бу ҳакикатни билдиришни вазифа килади яъни Зардуштни пайғамбар – хабар етказувчи килиб суюкли бандаси килиб танлайди. Зардушт умрининг охиритгача одамларни *Маздага* – энг оқил зот, имон келтиришга даъват килди.

Хварно сўзи илк ўрта асрларда фарн шаклида қўлланган. Манбаларда унинг фарр шаклида ёзилиши ҳам учрайди. Ҳозир тилимизда фарр (фарн) сўзи ўзига кам ишлатилса-да, лекин мавжуд. Масалан, «баҳт, сурур, шодлик». Фарах сўзининг биринчи бутиши фардир. Сўзининг 2-кисми авестача вахи=«ҳаёт» сўзининг фонетик қисқарганидир. Яъни, фарах<фаррахи = «баҳтли ҳаёт». Авестача фарр ҳақидаги тасавурлар упутила бориб ўрниши «давлат куши», «баҳт қуши» каби иборалар ва улар билан боғлик тушунча ҳамда ишончлар эгаллаган. Бугун Ўзбекистонимиз гербидаги Ҳумо қуши тасвири маънавий жиҳатдан ҳалқимиздии Авеста китобида қайд этилган энг қадимий қадриятларимиздан бирига боғлаб турибди. Бошингта Баҳт қуши қўнгани абадий бўлсин, ҳалқим!

Хварно Яшт Авеста Яштларининг ўн тўққизинеиси. Сакстанг қўлёзмаларда бу Яшт олдидан Замйад Яшт помли қадимий географик достоннинг тоғлар ҳақидаги орологик кисмидан 8 бандлан иборат парча сақланган. Бу ўзига хос географик достон зардуштийликда она заминга, ундаги барча унсурларга, айникса тоғларга, чўққиларга эътиқод билан қаралганини курсатади. Авестада тоғ чўққисига олиб чиқиб эҳсон қилинган қурбонликлар ҳақидаги хабарлар, зардуштийлик отапгоҳлари эса маҳсус тепалик, суфа каби курилмалар устида булиши, даҳмалар баланд жойларга, ёки сунъий дўнглик – платформалар устига курилгани

бекиз эмас. Зеро, ерниң баланд нүкталари самодаги илохга якин туради, деб ҳисобланган. Қолаверса, тоғлар, айникса чүккилар Үрга Осиё шаронтида Ахриман яраттан зулматни тутатувчи күөші оламга нур таратиб самога кутариладиган мұқаддас манзилдир. Улар орасыда Харатти چүқкиси айникса ҳурматта сазовор, деб каралған. «Тоғлар ва чүккилар достони» 8-баңдидан умумлаштирув қилиниб, «Бу тоғлар ер узра шунча юксалдиларки, уларнинг сони эхсон дастурхонидан мұльсад (рухоний), жангчи, шудгорчи ва чүпонлар олган нон бурдаларичадир. Яъни Авсеста яралған жамиятида одам жон – нұфуси шу кадар күпки, илох яраттан торлар ҳам шунча тарз�다 маҳобат, үзига хос муболага ишлатилған. Бундан сал юқоририкда – 7-баңдидан еса Ер юзини гир атрофини үраб турған тоғлар сони иккі мингү иккі юзу кирк түрттә, деб гаъкидланған эди. Чин маънода ушбу одатни Үрта Осиё ва унинг атрофидағи тоғларға нисбат берилса, тавсифу тарьиф юртимиз учун бегона эмаслиги аён булади. Лескин бу манзарани үзига хос бадий санъат орқали асотирлаштирган десак хато эмасдир.

Шундай килиб 9-баңдан Баҳт жилvasи Ҳварно алқови бошланади;

Кувонсин *Ахура Мазда*...

Унинг шодлиги учун *Мазда* Яраттан Ушидарна тоғини шод этиб, *Мазда* яраттан ҳар недан-да мұқаддас кавийвор Ҳварнопи шарафлаб, *Мазда* берган этиб бўлмас Ҳварнопи улуғлаб, юқунчи топинчимиз, алқову мактовимиз, севишчу эъзозимиз (баҳтида бўлсин)!

«Энг эзгу илох каби»²⁶⁶ (деб бошлайди) намозни (мульсад). Билганлар ўқиб унга эргашади. Билмаганлар иктидо килади...

ҲВАРНО АЛҚОВИ (Замйад Яшт)

Кувонсин *Ахура Мазда*...

Унинг иродаси рӯёбга чиксин. *Мазда* яратмиш Ушидарна тоғининг кувончи учун энг эзгу көвавор Ҳварнога, *Мазда* яраттан (эзгу қулратта), ҳар ким ҳам ета олмас хилқатта, *Маздадан* унинг

²⁶⁶ Намоз олдидан иштей сузлари матни тўлалигича *Ахура Мазда* яшти бошида таржима кириб иштасанган эди. Бу ўринда Замйад Яшт мазмуниниң мос шакъда келган матн юскартириб берилди.

үзи лойик қилған бандаларигагина насиб бүлур (илюхий жилвага) топинчимиз, алковимиз бұлсип. Намозу алковимиздан (хосил бұлмиш) дилимиздаги қувончимиз, (тилимиздаги) шараф - ол-кишларимиз унга бұлсин, (токи ихлосимиздан Ахура Мазда қувонсин).

«Эң әзгу тангрим...» деб такбир бошлаб берар заотар... (Билғанлар бирга үкір, билмаганлар унга әргашур)...

1.Кунботардан күнчиқар
Томон барча юртларни
Үраб күкка бүй тутар
Баланд Харрати тоғи.
Эй Спитамаи Зардұшт,
(Худо сүйгән пайғамбар!)
Сүңг ер узра өзді бүй,
Иккінчи тоғ Зәрдаза
(Бұлды эш улар иккөв)
Кунботару күнчиқар
Бүйлаб ётган Мунуштов.
2.Ушида, Ушиидарна
Тоғларидир устувор.
Уларнинг орқасида
Яшириндир Эрзиғай,
Олтинчи (тоғ) – Эрзура,
Еттинчи тоғ – Бумийа,
Саккизинчи – Раодита,
Тұқкызынчи – Мазншва,
Үнинчи – Антардахайу,
Үн биринчи – Эрзиша,
Үн иккінчи – Ваттиса.
3.Адарана ва Бояна,
Ишката, Упарисаэпа –
Устида кор эримас.
Иккі тизма Хаманкун
Ва саккиз тоғ Вашана,
Саккиз асов от каби,
Яна турт тоғ Видвана.
4. Аэзахан, Маэнхан,
Ахәдрика, Асайа,

Тутадқа ва Вишава,
Сайривант Дарашишва,
Нанхушэмант ва Кахахья
Ва Канғханинг тоғлари,
5-6. Сичидава, Ахурана,
Размана, Ашастамбэна,
Аснавант...
...Франпайа²⁶⁷
Удрийа, Раэвантада
Бори тоғларки, одам
Үрлаб чикиб уларға,
Ёки куриб узокдан
Турлича бергандир ном.
7.Хуллас, тоғлар ср узра,
Спитама Заратуштра,
Икки мингү иккі юз
Ва киркү яна тұртта,
8.Ушбу баланд күкүнапар
Сервикор күркам тоғлар
Ер узра шунчадирки,
Улар сони муғлару
Жангчи, қаҳрамон әрлар,
Барча чұпону деңқон
Эхсон дастурхонидан
Қанча олса ризқ нонин,
Шунчадир тоғлар сони²⁶⁸.

²⁶⁷ Учыб кеттап сатрларда яна үн турт тоғ номы бұлған деб тахмин килинади.

²⁶⁸ Замідал Яшт – Ер маъбуди (Зам. Замин) шынынга айтылған географик (օրнографик – тоғызунослық) достондан бир парча шу білал түгайды. Матннинг давоми – 9-97-бандлар. Хварпо - Фар алковидир. Бу алков

9. Кавийча Хварнодир,²⁶⁹
Маздадан ул атодир.
У хурматта сазодир.
Энг шарафли улуғвор,
Хурматларга сазовор,
Нокасу ножинсларга
Туткич бермас ҳеч қачон²⁷⁰.
Ахурагратганлар
Ичра энг олий мақом.
10. Табаррук этиб,
Хусида тенгсиз,
Чексиз фойдали,
Ранг-барант дунё,
Нурафшон борлик
Яраттан ул зот –
Аҳур Мазд фарни.
11. Жон ато этди
Жонсиз хилқатта.
Кексаймас, улмас,
Карилик билмас,
Абал барҳаёт,
Абад ўстувчи

(Этди дунсни).
(У дунёсидан)
Келар бир куни
Амэрэтот Саошиант
Масихвор бўлиб,
Барча бандани
Куткаргувчи зот.
Биҳишт эшигин
Очгувчи абад.
12. Ҳак йўлни деган
Ўлмас булгайдир.
Ёлғон йўқ бўлиб,
Абад улгайдир.
Имонли қатли
Учун келган ул
Ёлғон барибир
Имонлиларнинг
Уруғ аймогин
Килолмай кирғин
Келган срига
Кетгайдир бир кун.
Йўқолгай бадбин.
Энг эзгу Илоҳ каби,
Энг эзгу Бошчи мисол
Мазда дин амалига
Чин йўл очиб бемалол
Килиб берган ўша зот.
Маздага савоб учун
Килтайлик биз ибодат.
(Шунда илоҳ рози-ю.)
Имонлилар бўлар шод».
13. Кутлуг бўлсин намозим,
Баралладир овозим
Эҳсоишар келтиурман
Мазда берган хварнога
Кудратли, Кавийворга.
Ихлосимиз фарнга.
Кавийвор кудратлига.

фарни – илоҳий омадни шарафтаган.
Шоҳлик, пайтамбарлик мартабалари фарнинг кимга қунишига боғлиқ, деб тушунилгани. Фар илоҳий лейиктик концепцияси деб карланши мумкин.

²⁶⁹ Кавийтарига хос хварно (фарн фар). Бу тушунчада кадимги кайенийлар подшолик сурʼоваси вакилтарига тварно салтанат бахти бўлиб келганди чохидаги ривоят акс этгани. Бу ривоят салтанатиган гўё ялоғибчиликни ташминловчи иш давлатчилик концепцияси билган, дейишта ҳам асос бор. Кимчалик фар кўлимай туриб шоҳлик дъявосини юнали қонуний ҳисобланмаган. Шундай кимлиб. Авестада табар бермалишича, наисиб бўлганини сўнгти юнданадир.

Хварно (фар) нолойик хотарига наисиб утмайди. У ағонимон, кўзга кўрингиси сиймо. Хадомондада «барт күшгі», «кумo» каби тушунчаларни тарғимӣ наисиб фар тушувчиши билди боғлиқ. Фар иса турни юбғазарди наимоён бўла олади. Год күш, год оқ кўй ва досло.

Сутли ҳаома бирлан
Күлдә тутиб барасман,
Нозик лутф – сұз билан
Дилда пок нияту үй
Ва эзгу амал билан,
Тұгри талаффуз билан
Айтилған ҳак сұз билан
(Келтирүрман чин әхсон).
«Ахура Мазда савоб
Деб буюрган зоттарға
Намозимиздир жавоб».

14. Кавийвор Хварнодир –
Мазданан ул атодир...²⁷¹

15. Амэртот хварноси –
Амәшаспант хварноси
Амр этгувчи зотларнинг,
Башоратчи зотларнинг,
Ута юксак ва кучли.
Илохий зотлар фарни,

Тезлиқда (чакмок мисол)
Йитмас валийлар фарни.
16. Еттовлондир фикрдош,
Еттовлондир ҳамжиқат,
Еттовлоннинг ҳукми бир,
Үйи, сұзи, иши бир.

Ахура Мазда үзи
Уларнинг холиқидир.
Уларнинг ҳукмдори
Яратган Ахуралыр.
17. Бир-бірининг қалбадаги,
Фикридаги эзгу үй,
Эзгу сұз, иродасин,
Эзгу ишга ниягин
Күриб турар үзаро.
Фикрининг түридаги
Шараф Уйин²⁷² күрөдир.

²⁷¹ 9-бандыннан тәкровери.

Уларнинг холиқидир,
Уларнин ҳукмдори
Яратган Ахурадир.

18. Улар – Ахура Мазда
Буюрганларни ижол
Этгувчи малойк зот²⁷³
Ва құриқчи, химоят.

19. Улар үз билганича
(Ахура буюрган чок)
Хилқатларға жон ато
Этарлар үлмас этиб
Ва каримас этарлар,
Ва тұзимас этарлар...

20. ... Ночорларин парвариши
(Килиб бокиб, гарбият
Этарлар, токим улар
Бұлсиналар камарбаста²⁷⁴
Бахт учундир намозим...

III

21. Кучли кавийвор Хварно...
22. Тансиз гангрилар фарни²⁷⁵
Түғилмиси хилқатларни,
Түғилмаган соаштандылар,

²⁷² Шараф уйн – Мактөв уйн. Авестада жаннат – бедишт (ваху қынса) гушучасынға нисбетан күлланған сифат. «Фикрининг түридеги Шараф уйн» иборасы кар киминниң күнгали тубида бұлуши позим бүлтап жиһнэттә түшицидан умидворлық, демек ділдегі Етти азалий, діном бардағы мұқалдағы мавжуд хилқатлар хар бир инсон қалбидеги нияттың ҳам күриб тұрады, деб ишонилған.

²⁷³ Бу жумлада Ахура Мазда яратышта хо-хиши, иродада эттеги нарасаларни у буюргандык килемдеги яратыш малойклярнинг иши килиб курсатылмоқда. Бу манзара Одами сағилюлложки түроқдаш пайдо килимени фәрншыларнинг қызметини әслатады.

²⁷⁴ Ушбу бандын мазмұн тақозосы билан түлдірдік. Аслида йүкөлған (тарж).

²⁷⁵ Илохий взад зотлардың молдий тана бўлмайди. Улар нур сиймоларилир.

Очун кароклар фарни.
(Борликни эзгулика
Үгиргич зотлар фарни).
23-24. Улар үз курдати-ла
(Ахұра буюрган чок)
Хилқатларга жон ато...
Ночорларин парвариши...
Әтарлар үлмас этиб.
Ва қаримас әтарлар,
Ұлиб үйтмас әтарлар...
Бахт учундир намозим...

IV

25.Кучли кавийвор хварно...
26.Хүшанғи Пешдодийға²⁷⁶
Хварно булып насиб,
Үзөк йиллар ер узра
Подшоқликни қилди касб.
Етти икlim ичра у
Девлару одамларға,
Жин-ажина ва жоду
(Қалбидан жой олғанлар),
Кован мустабидлар.
Жохил қарапанларға
Подшоқлик қилиб турди.
Мозан девларининг ва
Варна хизматкорларин
Учдан бирин үлдирди²⁷⁷.

²⁷⁶ Авеста Хасхайында Парадигта. Фирдағынин «Шоқнома» сезде Пешдоди судолалығы мәмсүб шоғ Ҳушанғи.

²⁷⁷ Авеста девларин Ахриман вриған жаңа күчлар сиғиттегі көршілді. Жин, жоду ва жодугарлар... кабилар ұл Ахұра Маздага ұтысқан сүсітірүүчілардир. Имен - фагит Ахұра Манында бүйнеш талаб пілтанды; Кован мустабидлар - Вишваспіача Һардуштадында кирайш үттегі шоғдар. Мәншік девлар Авеста Ахриман вриған көліларинин мәннен көзіндеңдегі деталар ер басты болғайды. Сосомийлар дауры

Шукронама намозимдир,
(Баралла овозимдир...)

V

27.Кучли кавийвор Хварно...
28.Тулки тери пустинли
Баҳодир Урупига²⁷⁸
Хварно қүнгән эди.
Етти Кишвар шоҳлиги
Унға қылғанди насиб.
У девлару одамлар,
Жину жоду арларга,
Кавий мустабидлару
Жохил қарапанларға
Подшоқлик қилтан эди.
29.Жангларда киргин солди
Барча деву одамлар,
Жину жодугарларга.
Ахримани от қилиб,
Устиға миниб олди.
Уттис киши давомида
Уни тутиб измида
Юртма-корт кезиб юрди²⁷⁹.
Бахт учунлир намозим.
Баралладир овозим...

анъанасти ... Эроннин шымолтасығы визеңт болып болжайды. Бу бөлжаныш Авестача тиссауырлар ассоциация искелтіліміні ходиса бұлса керак: Варн - Әрдүруштап тағыншының кабул шынчылган юрттингі номи

²⁷⁸ Уруп - Авеста Тахын Уроп, янын рубод - «түлкін» үрүткіші. «Шоқнома»да - Талмурас. У девларни тутиб, мәнди қылувчи, Ахриманини миниб юртвачи баһодир жет.

²⁷⁹ Талмурас Ахриманини уттис мінз үзінде қызымет килингіш мағжбур тиіб, зыу зүндейт шарар көлтөришдем тийіб түрғын. Эртакшарда уттардигитан девлардың үз қызыметтегі мағжур қызыған қадырмоналар мотивининде күдікші жу мифологияк ассоция борно тақталса керак.

VI

- 30.Күчли кавийвор Хварно...
31.Құнди *Йима* Хшайатига²⁸⁰
Подалари түқ, семиз –
(Ернинг илк подшохига).
Узок муддат шох бұлди,
Етти кишвар ишод бұлди.
Девлар ва одамларга,
Жинлару жодугарлар.
Кавий зуравонларга
Жохайл *карапанларга*
Инсоғу тавфикс тилаб
Ер узра шохлик қилди.
32.У девлардан асралы
Бойликлару мулжларни,
Подалар, бұлек яйлов,
Қаноат ва иззатни.
Жамшид подшох бұлғанда
Озиқ-овқат туганмас,
Чорва-ю одам үлмас,
Усимликтар хам сұлмас
Эди, сувлар туганмас.
33.Йима шох замонида
У шох булган томонида
На совуқ ва на иссиқ,
На қартайиш, на үлім,
На ҳасад – қалбға ғорат,
На ёлғон бұлган эди.
Чунки у алдоққа ёт,
Ночин сұзни у ҳатто,
Хаёлға олмас эди.
34.Қачонки, фикрида у
Ёлғонни қилди хаёл,
Шу онда бир лахзада
Күз үнгіда *Йимадан*

²⁸⁰ *Йима* Хшайатига – Авестада Ахура Мазда үйінші хабар берін польшо этиб тайинланған. Уннинг «Шохнома»даги номи – Жамшид.

- Хварно күтарилиб,
Учиб кетди қүш мисол.
Шунда ғұзал *Йимахшайттыа* –
Түк подалар сохиби
Ғамгин кетди тентираб,
Ұзи тузган ср бўйлаб²⁸¹
Душманларга бериб чап.
35.Биринчи бор Хварно
Вивахвант авлоди ул
Йимадан кетган чоғи
Варағи қуши мисол
Хварноны минг ақл,
Яйловлари чексиз зот,
Барчани эшитгувчи
Митра тутиб олганди.
Барча эллар сохиби,
Ахураяратгани,
Ута мұқаллас зотни –
Эъзозлаймиз *Митрани*
Күк маъбуллари ичра.
36.Иккинчи бор Хварно
Йимани тарк этганды,
Вивахвант авлодидан –
Йимадан воз кечганда
Варағи қуши мисол
Хварноны тутғаңды
Баходир Траэтгаона.
Атвийага у авлод
Зардуштдан сұнг иккинчи
Уриндаги ғолиб зот.
37.Хварно қүнгән чоғи

²⁸¹ Ахура Мазда күрсәтмаси ва иғодаси билан подшохлик даврида Жамшид ер юзини уч марға көнтәйтірган эди. Уннинг замонида үлім йүк, оғлтан замон эди. Энди эса уннинг гүнохі тұзагын ерга үлім, совуқ, касаллиқтар, дард, ғам вужуды жеди. Оғлтан аср тугаб, эзту дүней билви кабоқат, раззолат лүнбеси коришиб жетди. Бу жарадаң үш иккى минг йил дақындағы, эзыу дүнен ғолиб чиқмоги керак.

У маглуб килган эди
Учбошли Аждахони –
Уч чакак, олти күзли
Маккор, кабиҳ, қаждилни,
Девларнинг сардорини.
Куч-кудратда тенгсизни.
Уни Анхра Майнийу
Ёлғонда кучли килиц,.
Эзгу дунё ғорати,
Тақводорлар ҳалоки
Учун яратган эди.

38. Учинчи бор Хварно
Йимадан воз кечканда
Вивахвантнинг авлоди –
Йимани тарк этганда
Варагн куши мисол,
Уни аҳдидан қайтмас
Киришасп тутган эди.
У ўткинчи дунёда,
Одамлар орасида
Эркак ботирлигига
Заратуштрадан кейин
Кучлиларнинг кучлиги.
39. Эрлар мәрдоналиги
Киришаспга текканда,
Мардликни олқишилайлик.
Доим уйғок мардликни,
Энг чидамли мардликни,
Доим ҳушёр мардликни.
Енгилмас Киришаспга
Тақдир берган мардликни
(Чин дилдан олқишилайлик).
40. Шоҳдор илон Серэварни–
Отлару одамларни
Ютгувчи аждахони
Киришасп үлдирганда,
Тани тұла сап-сарик
Захрини сочиб баланд,

Оғусин найза буйи
Сачратган ул илонни
(Киришасп үлдирганда
Бундай иш булган эди):
Кун тиккага келганди,
Киришасп үзи учун
Бир дүнгликнинг устида
Таомга осиб қозон
(Олон ёқди остига).
Бу дүнглик эмас экан–
Экан Серэвар илон...
Иссик ўтиб танига,
Билинибди жонига.
Терлаб у тұлғонибди,
Ағдарилибди қозон
Қайнаб турған сув билан.
Ўзин четга олибди
Киришасп – қайтмас полвон.
41. Шундан сунг Киришасп
Имонли хилқатларнинг
Үлимин орзу қилиб,
Оғзини катта очган
Олтин туёк Гандарва
(Номли девни үллирли).
Сүнгра нокас Патананинг
Түккиз ўғлини кирди.
Даштаяштар авлодин,
Нивики болаларин,
Хитаспуни йүқ килди.
Олтин тож кийиб юргич
Данай Варшавасин,
Зиёнкор Питаонани
Үлдирди *Киришаспа*.
42. Енгилмас *Киришаспа*
Дов Арэзошаманани –
Жангга кирган чогида
Тарафсиз қаҳрамонни.
Чап беріб олға томон

Изин чалғытиб қочган
Чок үлдирди беомон.

43. Сүнг үлдирди күрөшин
Тишили Снавидкани,
Үлдирди күли тошни
Шундай мактанаарди у:
«Хали мен жуда ёшман
(Кулим ҳалол бүлгәнмас)
Вояга етмаганман.
Улғайиб олсам эдим,
Күкни ароба, срни

Гилдирак киляр эдим.
44. Шараф Уйидан Спанд
Майшйуни срга томон
Тушириб. Ахримани
Дүзахдан обчикардим.
Сүнгра улар иккови –
Бири эзгу, бошқаси
Қабоҳат – бирга бўлиб,
Аробам шотисига
Кўшилиб тортар эди.

Факат (битта хавфим бор):
Киришаспа (бсомон)
Мени үлдирмасайди!»
Уни Киришасп худди
Кудратта тўлар чоғда
Йўқ айлади батамом²⁸².
Шукронасига намоз.
(Иўшай дуо, хуш овоз)...

45. Етиб бўлмасга алков –
Илохий Хварнога
Энг мушарраф, энг афзал,
Энг лутфли, энг мушфик
Энг эпчили, туткич бермас
Хилкат ичра мукаммалга.

Бу бандлардаги исмлар Киришаспининг
лумшманлари. Афтидан, Киришасп қаҷа-
мойисликларига бағиғланган улкан эпик скю-
жетининг Авестада сақланган ити.

46. Шу Хварно йўлида
Қабих рух ҳам, Валий ҳам
Курашиб етолмади.
Ҳар биридан тезюарар
Чопарлар борди унга:
Муқаддас Рух – Вахуманни
Ва Артани юборди.
Муқаддас Оташни ҳам –
(Бу зот асли *Аҳура*;
Мазданинг ўғли эди.
Қабих Рух эса Ако –
Манани тез жўнатди,
Қонхўр Газабни, Илон –
Учбош Зарҳокка қушиб.
Ва Аблах Спитйурани
Уларга ҳамроҳ килди.
Шу мараз Спитйура
Йимани қоқ белидан
Икки бўлған аррапаб.
47. Хварно томон учди
Аҳура Мазда олови.
Хаёлида битта үй:
«Етиб бўлмас Хварнони
Қандай кўлга киритай?»
Лекин унинг ортидан
Кувлади Илон Зарҳок,
Коски сўзи буралав:
48. «Қайт орқанита, тегмагин,
Аҳура Мазда Олови!
Кўл етмасга тегмагин.
Гар сен унга кўл урсанг,
Сени этарман ҳалок.
Ҳак дунёсин қўриклаб,
Сунг нур гаратолмайсан
Аҳураберган Ерга».
Шундан сунг *Аҳуранинг*
Олови кўлин тортди
Теголмай Хварнога –

Үз жонинги аяди.

Ахир Заҳжок жуда ҳам
Күркинчлийди, мугтахам.

49. Сүнгра Хварно томоп

Уч оғиз Илон – имонсиз

Югурди. Фикри ёмон:

«Етиб бүлмас Хварнони

Құлга қандай киригай?»

Изма-из кувиб уни

Олов – Ахура үғли

Отилди, деб ушбуни:

50. «Қайт ортингга, тегма, хәй

Уч оғиз Илон Заҳжок,

Бул құл етмасға тегма!

Агар қулинг теккиссанг,

Орқанғдин ёниб кириб,

Оғзингің үт құярман.

Ахура берған срга

Шундан сүнг чиколмассан.

Ҳак дунёсини бузиб,

(Ҳак ишин бузолмассан)!»

Иккала панжасини

(Муқаддас Хварнодан)

Тортди уч бошли Заҳжок

Үз жонини авайлаб –

Күркинчили эди Олов.

51. Хварно бұлды пайдо

Ворукаша денгизда.

Шу заҳотиёк уни

Тутди ҳукмдор Апам –

Напат, отлари учкур.

Апам Напат елади,

Оти учкур келади

Ва дейди хаёлида:

Тутыб бүлмас Хварнони

Денгизнинг кок тубидан

Тагсиз сувнинг тубидан

Қандай чикай гутибон?»

52. Кудратли ҳукмдорни –

Апам Напатни алқаб,

Алштарнинг күмакдоши, -

Эрларни бунёл эттич,

Эрларни Яратгичга,

Сув ости маъбудларнинг

Ичидә Ҳак сүзига

Кулок согтичига намоз...

53. Эй содик Заратуштра, –

– Марҳамат қилди Мазда,

– Бандаларимдаи кимки,

Хварнога әга бұлса,

У муқаддас ҳидоят

Сохиби бұлгай албат.

(Кимға құнса Хварно),

У топгай баҳту саодат.

Магупатлар әхсонин

Үнга қылтай марҳамат.

54. Муқаддас Аппи унинг

Ҳамрохи бұлғусидир,

Беріб бойлик ва давлат.

Кенг яйловлар ва чорва,

Ҳар күнлик сұнмас Зафар

Үнга бұлиб эш, раво.

Кудратидан дүшманлар

Суринишиб кетарлар.

Бу күлрат туганмас бир

Кучки, йилларга етар.

Хварно кимга тегса,

У берган Зафардир ёр-

Дүшманлари зер-забар».

VIII

55. Илохий Хварнога

Эъзозу алковимиз

(Ұшал нурли барнога)...

56. Хварнони тутмокқа

Жазм қиілди Франгхрасйон²⁸³.
Ворукаша денгизи
Сувига үзин отиб,
Ялангоч суза кетди
Тутмоқ бұлди Хварнони.
Келгувси ва үтмишда
Эран юрт подшолари
Такдирига битилған
Үшат илохий нурни,
Зардуштга насиб булған
Нурли сиймо Хварнони
Тутмоқ қасдида булди
(Балқирдор зот
Франгхрасйон)
Денгизда кува кетди.
Хварно тутқич бермай
Ворукаша сувида
(Унға чап берди шу он)
Бир оқим пайдо этди
Ва үзин четта әлтди.
Бу мұқаддас тұлқинни,
Бу мұқаддас әпкінни
Ворукаша сувида
Хаосрав тұлқин дерлар²⁸⁴
(Хусравий тұлқин дерлар).
57. Ворукаша тубидан

Франгхрасйон – Авестада салбий образ. Бу исемдә түрт таркийбі кисм бор: фр – «устыда» маъносига эта олд күшімчы; - анг – најас, ифлюслик, храс – хира (к) «нурсизлик, коронгулық», сн-әрдам, жұллаб-кунвагаш. Исемнің умумий мағынны «коронгунлик, зұлматдан күч олувчи нопок зот».

Франгхрасей Авестадаги мифологик ленигиз – Ворукаша тубига яшириңган Хварнони тутиб олишта бир неча бор уринади. Лекин ҳар гал деңгиз сувида Франгхрасейдан Хварнони үзоклағытирувчы тұлқин – оқим пайдо бұлды. Ҳар бир оқим Авестада түрли номялар билан аталаған: Кизилкүм ва Қоракүм үрингілеріда булған Тетис оқсаны ва үндегі оқимлар ҳақидаги хотиранинг изләри булиши мүмкін.

Чиқди турлар чакқони
Нокас, коски Франгхрасйон
Сүкінгәнча, бәхәс
(Сүзлар айтиб, бешиб);
«Итэ – ита – ятна – ахмай».
Үтмишу бұлғувсида
Эран юртлар шохлари
Эга бұлған Хварнони
Мен тутиб ололмадым.
Спитама Заратуштрата
Насиб нурли сиймони
(Мен кувиб етолмадым).
58. Менга күнса Хварно,
Кориштириб ташлардим
Яхши билан ёмонни,
Қаттиқ билан юмшокни,
Суюқ билан қуюқни,
Кора билан опшокни,
Ранжитсам бұлди әди
Aхура Мазда – худони!
(Шу сүзларни айтибон),
Үзин отди *Ворукаша*
Тұлқинлари қаърига
Турлар зоти Франгхрасйон.
59. Кийимсиз, кип-ялангоч
(Холда у суза кетди),
Хварнони кува кетди.
Үтмишу келажакнинг
Эран шохлари топған,
Спитама Зардуштга
Насиб бұлған Хварнони.
Нурли Хварно томэн
Суза кеди Франгхрасйон.
Леск Хварно чап берди
Бир оқим булиб хосил.
Бу оқимга *Ворукаша*
Денгизида Ранхазда
Деган ном бұлди нозил.

60-61. Шүлүп этиб чиқди
сувдан
Турлар зүри Франграсйон.
Оғзи гүла коски сүз,
(Сузди сүнг киргок томон).
Яна кайта ташланди
Турлар ичра зұравон
Ворукаша суви томон.

62. Яланғоч излай кетди
Учинчи бор Хварнони.
Эран юртлар шохлари
Үтмишу келажақда
Эга бұлган сиймоги.
Ва ниҳоят, *Заратуштраға*
Насиб эттан маъвони...
Лек Хварно чап беріб,
Үзини четта олди.
Ворукаша – дengизда
Бир оқим пайдо бұлди,
Номи бұлди Авжданва.

63. Чиқди сувдан
Франграсйон,
Турлар ичра паҳлавон,
Ворукаша – дengиздан
Ифлос сүкениш билан:
«Итэ-ита...
Үтмишу келажақда
Эран шохларға күнган
Хварно йирок мейдан.
Менга якын келмади
Спитама Заратуштраға
Илоҳдан насиб бұлган».

64. Шундай килиб, Франг-
расйон
Хварнони тутолмади,
(Илоҳдан қут олмади).
Үтмишу келажақда
Эран юртлар шоҳлари.

Спитама Заратуштра
Эга бұлган Хварнони
Кувли, леск столмади.
65.(Бунинг учун шукрон).
Бахт учундир намозим,
Баралладыр овозим.
(Хайру эхсонлар бұлсип
Ёмонларга йұламас,
Ёмонларни йұлатмас)
Күл стмас Хварнога...
66. Етиб бұлмас сиймога,
Илохий Хварнога
Менниң олқиши әзозим.
Шириң лафзу лутф ила
Сүт-ла ҳаома шопириб,
Күлда барсман тутами
Хварнога намозим...
67. Ушида чүккисидан
Хаэтумант дарёсининг
Жұшқин, тошқин сувлари
Кансава күли томон
Оккан оқимларидан
Чикиб күнди бошиға
Подшо булажак зотнинг
(Нурли сиймо – Хварно).
68. Кансава күли томон
Оқади қайнаб тошиб
Хвастра ва Фрадата,
Хвасна, Хварнахвати –
Гузал дарә, бенуксон
Кудратли Уштавайти,
Киргоклари яйловзор.
Урвадава Эрзи сув,
Зарнувати (сервикор),
Хаэтумант дарёси,
Жилваланиб маъмурлар
Келтирада гүлкінлари
Тошқин босгудек бұлғиб.

69.Хаэтумант дарёсида
От кудрати мужассам,
Түя кучи унга ёр
Эрлар курби унда бор
Хаэтумант сувларида.
Шундай Хварно борки,
Садоқатли Заратуштра,
Унда шунчча Хваршоки
Эран эмас юргларни
Бир эпинде ювгайдир.
70.Барча эран эмаслар
Ортга чекингай ундан.
Сүнтра очлик ва чанкок,
Жазира машина ва совук,
Үтгай улар жонидан.
Шундай Хварно элтар
Эран юрглар кароғи
Саклар эсон омонда
Барча молу-холларни.
Такволи одамларни.
Фарогатин күриклар
Беҳдиннинг равиакини²⁸⁵.
Ахура Мазда ақдида
(Борларни омон саклаб).
71.Кавийвор кучли Хварно...
72.Кайкубодга кўнганли,
Кави Аливохга ҳам
Ва барча Кайёнийлар –
Кави Усан, Кай-Аршан,
Кай Пишин ва Биаршан,
Ниҳоят, Сйаваршан –
(Уларнинг барчасига)
Хварно насиб этган.
73.Шунинг чун барчасига
Довюрак ва қудратли,

Оқилу доно, ботир
Шоҳ бўлмок бўлди тақдир.
Бахт учундир намозим...

XI

74.Кавийвор кучли Хварно.
75.Худо берган сиғишлиқ,
Бахту омад ёрлиги,
Сузин савобдорлиги
Аҳдда устуворлиги
Сабаб булиб, Хварно
Енгилмас Кайхусравга
(Насиб бўлди нур-сиймо).
76.Шарофатин улашди,
Мустаҳкам Ҳаурватат
(Соғлиқ берди барчага),
Тандурустлик бсадад,
Доно, зуқко ва соғлом
Берди ақсли авлод.
Сузамол, аҳдда маҳкам
Кузлари ўтқир, топқир
Ҳакнинг бор афзалигин
Бир йул кўришга кодир.
77.(Хварно яқин келди)
Шоҳона нурга томон²⁸⁶.
Умрзоклик баҳш этди,
Омадни қилди тўлиқ,
Эзгуликлар мўл бўлди.
78.Кайёний Ҳаосрава
Разил Нэрэман билан
Отчопарда беллашди.
Узун йўлнинг борича
Куйилган пистирма-ю

²⁸⁵ Беҳдин – зардуштийлик динининг сифатловчи номларидан бири. «Яхши дин» демакдир.

²⁸⁶ «Нур» бу ўринла подшоҳликнинг чин илоҳий мартаба экалини исботловчи Авестача хашасти иборасига ишоратлир. Подшоҳ сузи Авестада патихияти – «нурағфон» зот деб тушунилади. Бу хислат *Ахура Маздадан* ято бўлади.

Қошкондан үзин асраб,
Хукмдор Ҳаосрава
Душманларга берди зарб.
Қабих Франхрасийонни
Ҳамда шум Құрсақтанды
Жанғда тутиб боғлади.
Макр ила үлдирилган
Отаси Сыйаваршан
Ва Фрасайак қулида
Ҳалок бұлған Ағерат –
Наравид уруғидан
Чикқан үлмас қаҳрамон
Қони ҳакки – үч олди.
79. Кавий Хварносига –
Мазда берғанга олқиши...
80. Имон-ла үйлаши-чун,
Имон-ла сұзлаши-чун
Эзгу иш излаши-чун
Кұмак бұлмак нияти –
Құнды Хварно *Спитама*
Заратуштра бошига.
Шундан сұнг бұлди қабиб
Ахура Маздага Зардушт –
Ҳак үйлида мұқаддас
(Илк пайғамбар, валий зот),
Хукмдорликла тенгісиз,
Бойликлари дунёлар
Бойлигидан-да сұнгисиз.
Кутлуғнафас, баҳтиёр
Енгишлиқ зот – музaffer.
81. Уни күрган заҳоти
Бир-бирига қапишиб,
Тұп-тұп кегди кочишиб
Йитдилар барча девздод.
Уларнинг қийногида
Фигон юмған аблу
Эркаклар бұлши озод.
82. *Спитама* Зардушт

Ахуна Варіа дуосин
Ихлос-ла, кироат-ла,
Охирини баландрок
Овоз-ла үкіган чөғ,
Рал бұлған барча девлар
Ерга кириб бұлди гум.
Уларни карғиши урди
Дуодан бұлди маҳрум.
83. Шу пайт етти иқтимада
Нобакор Франхрасийон
Хвариони тутмокка
Ният қилди беомон.
Етти иқтимад ер узра
Тур (шохи) Франхрасийон
Зардуштнинг Хварносин
Тутмокчи булиб тоза,
(Үзин уриб ҳар ёкқа).
Хварнога ташланди...
Зардушт ҳам, Хварно ҳам –
Иккиси юз үгирди
(Шум ният Франхрасийондан)
Бу иш мен – *Ахурадан*
Маздадан бұлған эди.
Менинг иродам ҳамда
Мазда динин ахдига
Күнгил берғанлар ҳакки
(Шундай иш бұлған эди).
Шукрига намозимдир...

XIII

84. Кавий Хварносини,
Алкай Мазда берғанини...
85. Ки, Кавий Виштаспа
Бошига күнганды,
Чин Имонли бұлсын деб,
Имон сұзин десин деб,
Эзгу ишлар қылсиян деб,
Шунда Кавий Виштаспа

Бәхдинни қабул этиб,
Юз үгирди күшанды
Деву жин илончидан
(Күтүлди у тоабад
Этиб девлар динин рад).

86.Именига яраша
Сүңг Виштаспа Зардушиға
Хамда Аҳұра Маздага
Күлу оёк, дастёр
(Таянч бұлды Бәхдинга)
Шундан топди әътибор.
Хакикат учун кенглик
Излади ҳамма ёқдан.
Юртларни Ҳак дин учун
Кенгайтири ҳар томон.
87.Бәхдинни озод этди
Девлар исканжасидан.
Туткунлиқдан күткарди,
Олий мақомға қўйди,
Мартаба берди баланд.
Мустаҳкамдир бу мақом -
(Имени юрг мустаҳкам),
Чорваси тўқ ва бардам,
Чорва емли – хотиржам.
88.Виштаспа мағлуб этди
Дарғазаб Тантрийавантни,
Девпарат Пешанани,
Ёлгончи Аржатаспни
Ва бошқа қабиҳларни.
Лаънати хоинларни.
Шукронаси йўлида
Намозим бўлсин эҳсон...

XIV

89.Кучли Кавий Хварноси...
90.Эзгу Масиҳ зот боши
Узра күнди Хварно
Бўлди у яна насиб,

Масиҳга кимки ҳамроҳ
Хилкатларга жон берди
Килди қаримас, үлмас
Умрини этди абад,
Ўсишда ҳам тұхтамас.
(Барча хукмдор ўткинч)
Масиҳ эса абалдир
Чин ҳукмдор у ўзи
У дунёдан кайтадир
Тирик, тийрак у келар
Үлмас күткарғувчимиз
Ва дунёни гунохдан
(Тоабадга пок этар)²⁸⁷.
91.Ҳакни деганлар үлмас.
Одамларнинг уругин
Куритгувчи ғам, ғорат
Булиб келган ҳалокат-
Ёлғон даф бўлар абад.
Чикқан жойига шу он
Даф бўлгай қабиҳ ёлғон.
«Энг эзгу илоҳ мисол.
Энг эзгу раҳнамодек
Мазданинг ҳақ ишини,
Аҳқомин этди ҳалол
Очу ночор подани,
Ўтлокка ёйган мисол».
Шукрингтадир намозим,
Баралладир овозим...

XV

92.Кова фари қудратли...

²⁸⁷ Зардушийлар ишончига кўра, Зардушиғининг Зувратидан дунёга келажак ўғиллари охират куни тирилиб келиб ғуноҳ билан көришган дунёни күткардишлар. Бу лавҳада биринчи масиҳнинг кетилиши тасвирланған. Бу ходисага сабаб Хварнодир. У мысих руҳига купиб, дунёни қуткарнига давъаг этади. Авестада бу гушунчя осушшант дейилади.

93. *Ахура* Маздадан чопар
Кансаванинг кўлидан
Чикди Астраватэрия –
Зоги Виспатаурвар.
Даҳшат солиб ёвларга,
Кўлда курол ўйнатиб.
Бу ўша голиб курол –
Фариудун кутарганди
Заҳҳокни ўлдирганда.
94. Бу ўша курол эди,
Кайсики, Франрхрасион
Имонсиз Зайнигуни
Ўлдирганда ишлатган²⁸⁸,
Бу ўша курол эди
Хаосрав кўлда тутиб
Франрхрасионни ўлдирган²⁸⁹.
Бу ўша курол эди –
Виштаспа ҳак йўлида
Тутиб кўлда жанг қилган.
Душманларни маҳв этиб,
Ёлғонга барҳам берган;
Бу курол билан кўлда
Виштаспа пок айлаган
Иймонлилар дунёсин
Мурғалик ва ёлғонлардан²⁹⁰.
95. Оқилнинг кўзи бирлан
Хилқатларга бокар у.
Балбуруш Ёлғонлариз
Бари борликдир эзгу.
Бу қараашдан табаррук.
Бу қараашдан ўлмаслир

²⁸⁸ Бу ўрвали Франрхрасион юзиги юсобий
ни келинди. Бу натад Авестада Хварнога
это майдонлар билан Франрхрасион душ-
манларига нийдо бўлгандан олдинги ўзир чи-
ккасидан кўзиди бўлса керак.

²⁸⁹ Франрхрасион Сийавушининг
Узинига айларъ сифатига ушини Ҳас-
ро гоччанинди ўзидирлаби

²⁹⁰ Еноти читниод не ялоғди ийлончи шамтире-
пич, алди гурӯмишни ўзир.

Бори яраган маҳлук.
96. Астват – Эрэт изидан
Голиблар стишгайлар.
Үйларида эзгулик,
Яхшиликка сўзлари,
Ишлари – кор – хайрлар.
Валий таъб хуш хулклилар,
Тилларида бирон-бир
Ёлғон сўз айтмаганлар.
Уларнинг каршисида
Қонхўр Газаб лол булар²⁹¹,
Ҳакикат топиб қарор,
Йўқ булар бадбашара
Зулматдан хосил бўлган.
Ёлкин, нур не – билмаган
Жоҳил Ёлғон йўқолар.²⁹²
97. *Воҳумана* енгажак²⁹³
Шум фикр – Акомани.
Ҳак сўз булар устувор,
Ёлғонга ҳаёт қани?
*Ҳаурватат*²⁹⁴ ва Амэрэтот
Очлигу ва ташналикини
Йўқ килар, этар барбод.
Шафқатсиз очлик, чанқок
Йуламас элга абад.
Ғазабкор Ахриман-чи?
Кучи киркилиб, охир
Тез жўнаб колгай кочиб.
Шукронамдир намозим
Баралладир овозим –
Хайру эҳсонлар килиб.
Мазда берган Хварнога
Кучли, Кавий сиймога.
Хварнони алқаймиз.

²⁹¹ Газаб – Ажони жинният таъсилас. Газаб – ажон туманини.

²⁹² Йоҳумана – тагу фикр.

²⁹³ Ҳаурватат – сагтик, садомитик.

²⁹⁴ Амэрэтот – майдан берильётни, ўзинлас.

Кавийворга шарафлар!
Сут котиб ҳаомага
Құлда тутиб барсман.
Навдаларин дасталаб,
Нозик лутф нутк ила.
Эзғу ўй, эзғу ишлар
(Йұлида баҳшидаман)

Ихлосу, сидки дилдан
Түгри талаффуз айлаб
Айтилган дуо, такбир
Бұлсиян охир мустажоб.
Ақура Мазда савоб.
Деб билған вали зотта
Бахшида намозимиз»...

ВИДЕВДОТ

1-фрагарл

1. *Aхура Мазда Спитамаи Зардуштга* сүз очиб дейди:

2. – «(Дунёдаги) барча ерларни унда яшовчи бандаларим назарида (узга ерлардан) яхширок килиб мен яратганман. Ҳар бир ерии ундаги халклар учун маъқул қилиб яратмасам эди, барча срлардан одамлар (Ерларнинг энг биҳишт-жаннатмисоли этиб яратганим) Ариянам-Ваэжӯ (Эранвеж)га караб окиб кславерган бўлар эди.

3. Энг аввал мен, *Aхура Мазда*, одамлар учун илк (муқаддас) макон этиб Даитийа (дарсси) буйида ўрин топган (сұлим ўлка), гўзал ўлка Ариянам-Ваэжӯни яратдим.

Шундан сўнг (бу эзгу хилқатимга карши) Ахриман (Ангхрамайнйу) Даитийа сувларининг тубида Ажи-Даҳака (Аждаҳо)ни ўзидан пайдо килди. Унинг (Ахриманинг) кабих ҳимояти остида зимистон – киш совуғининг девлари борликка ҳукмрон бўлдилар.

4. Ариянам Ваэжӯда зимистон (киш) девлари ўн ой қишини (ушлаб турадилар). Тобистони (ёзи) эса икки ойгина. Қиска ёз (fasli)да бу ўлканинг ерлари, суви, ҳавоси исиб улгурмайди. (Усимлик) ва дараҳтлари учун (ҳаво) старли қизимайди.

5. Мен – *Aхура Мазда*, яратган гўзал ва фаровон юртларнинг иккинчиси – Гава. Бу (ўлкала) сұғдлар яшайдилар.

Бу ўлкага ўлим ва горат ибтидоси Ангхрамайнйу чорвага ўлим келтирувчи скатийа ҳашоратини – сұнани ва (бошқа) хира паишшаларни – храфстраларни²⁹² яратди. Улар чорва подаларига ўлат келтирадилар.

6. Мен – *Aхура Мазда*, учинчи галда гўзал ва қудратли ҳамда покиза (имонли) ср (килиб) Моури ўлкасини яратдим. Вужуди (дан) кабоҳат ва ўлим (ёғилган) Ангхрамайнйу мен *Aхура Мазда*-нинг эзгулигига ҳасад килиб, (унинг зидди учун) (одамлар кўнглига жо бўлгувчи қабих ният, гуноҳ истакларни - хирсни) яратди.

7. Мен – *Aхура Мазда*, яратган гўзал ва фаровон ўлкаларнинг туртинчиси минг туғли – минг байроқли (хазахра драфша), Баҳди эди. Борлик вужуди (ва моҳияти) ўлим ва разолат бўлган Ангхрамайнйу кину адоват, кора ният билан (Баҳди юргининг эзгулигига карши) заарқунаила жонворларни яратди.

²⁹² Бу қабих жониворлар иоми авестача - бранара сўзи билан берилган.

8. Мен – *Аҳура Мазда*, фаровон ерлардан бешинчиси килиб Нисайя²⁹⁶ юртими яратдимки, (бу юрг) Бахди ва Моури (үлкаларининг) уртасидир. Вужуду мохияти ўлим булмиш Анғрамайнийу келиб, Нисайя юртининг эзгу яралмишига ғашлик ва адоваг билан (одамлар қалбига) ноумидлик туйғуси, каби гуноҳ фикрни солди²⁹⁷.

9. Мен – *Аҳура Мазда*, олтинчи (навбатда Хери дарёси бўйлаб) гўзал ўлка Харойвани яратдим ва ғоратвужуд Анғрамайнийу пайдо бўлиб, (бу юртда инсон қалбига) қаҳр-ғазаб, аччиқланиш, кўз (туби)га кузёши, бағрига аччиқ ўт каби зардолбларни яратиб (жо килди)²⁹⁸.

10. Мен – *Аҳура Мазда*, яратган юртлардан еттинчиси гўзал Вайукирт юртидир²⁹⁹. Мавжудлигининг бари (мохияти) ўлим ва қабоҳат булмиш Анғрамайнийу (бу гўзал юрг фаровонлиги ва кўркига ғараздан Хнантайтий (исмли) ножисем жинсни - парилар қавмидан бўлмиш ёвуз ва алдок ниятли зотни яратди. У ножинс Курушаспга тегиб олди³⁰⁰.

11. Мен – *Аҳура Мазда*, яратган гўзал юртларнинг саккизинчиси ўтлоқларининг чеки йўк Авравадир³⁰¹. Бу ўлка кепглигини, ўтлоқлари бепоёнлигини куриб, бузғун рух, ўлим тимсоли Анғрамайнийу ҳасаддан (ёниб), фармон бергувчилар онгу шуурига зурлик ва адолатсизлик, золимликни карор топтиргувчи фармонлар беришга даъват килгич ёвуз, гуноҳ фикрни жо қилиди.

12. Мен – *Аҳура Мазда*, гўзал фаровон юртларнинг тўккизинчиси килиб, Ҳиркан юрти (Журжон)даги Ҳннита деган маконни яратдим. Бу ўлка гузалигини куриб чидамаган, ҳасад ва ўлим

²⁹⁶ Нисайя ўрга асрларда Ниса, Нисо. Авеста географик тасаввурига кура, бу ўлка миљ. ав. I минг йилликда Марғиёна билин Бахди уртасида жойлашган, яъни милоддан аввалиг III аср ўрталаридан бошлаб кадимиги Парфия подийогитининг пойтахти булган Михрдаткирт (урта аср Нисо) шаҳридан анча шарқда жойлашган.

Зардуштийликда умидсиз яшаш гуноҳ ҳисобланган. Ноумидлик худонинг кулдатига ишончмасник деб баҳолланган. Бу коида хозирги «ибуумид шайгон» деган иборамизда акс этган.

Матида дарёноми йўқ. Тарихан, бу ларё Херирудга тўғри келади, деган фикр билан помони биз кириғедик (тарж).

Вайукирт авестача Вайу крта, яъни эзгу Шамол, хуш, ёкимли шабади маъбуди томонидан суйиб химоят қилинган ер демакдир. Крта сўзи хозирги кардан - «қилмок» феълиниң кад. авестача ўтган замон сифатдош шакладир. Лекин *Аҳура Мазда* бу ўрипди яратиш валифасини Вайу шамол маъбуди зиммасига ишлаб, шамол унинг измinda деб билдиригал.

Бу лавҳада мифологтик ҳаракамон Курушаспнинг уйланини билан бошлиқ катта бир унтилган достонинин колдиги якъ эттан бўлса ажаб эмас.

Аврава юртни бирор ерз nisbat берин бажсли. Бунинг учун маҳсус топонимик таҳлил лозимдир.

тимсоли бұлмиш Ангхрамайның ул юрт (одамлари орасыга) улуғ гунохни, яъни кунтичиликни – әркак билан әркак үзаро зино килиши каби разолатни киритди³⁰².

13. Мен – *Аҳура Мазда*, яраттан гүзәл ва латиф юрт Харайва. Бу юрт гүзәлліги ва латофатига баҳиллік билан үлім тимсоли, туриш турмуши разолат Ангхрамайның (унинг) одамларига мислесиз гунох бұлмиш «жасални ерга күмиш»дек гунохи азим одатни келтирди³⁰³.

14. Мен – *Аҳура Мазда*, гүзәл ва фаровонлик, түқлик туғувчи ер Хизімандның үн биринчи фароғатлы юрт килиб яратдым. Үлім ва разолат тимсоли Ангхрамайның эса дархол келди-ю, (шу замонок) ғайрлик (ва баҳиллікдан юрт учун, унинг ғорати учун) йатук кар – жодугарлар амали бұлмиш гунох ишни – жодуни яратди.

15. Жоду – (слғондирким), афсунгарлик орқали пайдо килинадиган (алдоқдир). Жодуга дуч келган пайтда (имонли) одам (хак сүзи бұлмиш) дуоларни үқиб, уни қайтармоғи лозимдир.

16. Мен – *Аҳура Мазда*, гүзәл юртларнинг үн иккінчиси килиб уч пахлавон ҳукмдори бор Рага (Рей) юрттани яратдым³⁰⁴. Шунда үлім ва ғорат тимсоли Ангхрамайның пайдо бўлиб, душманлик билан (одамлар қалбига) эътиқодда изчил, астойдил эмасликдек гунохни (муноғиқликни) жо килди³⁰⁵.

17. Мен – *Аҳура Мазда*, үн учинчи навбатда (имонли, эътиқодли) гүзәл ва покиза юрт Чахрани яратдым. Бунинг ала-мига үлім ва бадкирдорлик ибтидоси Ангхрамайның келиб, мурдани (муқаддас) оловда скувчилар лойик килинган гунохи азимини яратди.

18. Мен – *Аҳура Мазда*, үн тұрттынчи галда гүзәл ва фаровон юрт, Ажи Даҳакани үлдірган Трастона түғилған ерни – тұрт

³⁰² Кунтичилик – әркак билан әркак үртасыда шахвоний атока зардышт диннің энг улут гунох хисобланған. Гаржина учун тояққа сұздан фойдаланып. Форс тиғли напрода – кунварзид.

³⁰³ Зардыштыйліккінде жасад Дуружд насы номли дөв томопидан ифлос килинған. Ахримандан пайдо бўлған нопок нарса хисобланған. Уни мұқаддас ва покита ерга күмиш ерни ҳаром килиш деб, таъқылантан. Насу сүзидан тилемизде нас шакли колган. «Нас босмок» ибораси бунинг мисолидир. Маълумки, нас босгай нарса ҳаром ва уядая покланмагунча бирор ишта қул уриш мұмкін эмас.

³⁰⁴ Бу лавхадагы Рага улкаси хозирғи Рей бўлиб, Видевдот таркибиға сосонийлар лаврила кирған булиши эхтимол. Зеро, Авеста Үрта Осиб худулларизда шаклланған ва зардыштыйлік Эронда сосонийлар лавридана расмий давлат дини даражасыга күтарилилган.

³⁰⁵ Зардыштыйлік эътиқодда сидкіділіккін асосий қонда деб билған. Динда сүстлик, чала эътиқод гунох хисобланған. Шу сабабля Авеста китобида барча несьматларды учун «Шукриғаңыр намозим, барадлладир овозим» деган накорат тақрор-тақрор келади.

бурчакли (құрғон) *Варнани* яратдим. (Бунинг зилдига эса үлім зағорат келгіргувчи Аңғрамаййұ ой құрған хотинларнинг (харом) конини пайдо килди. (Бундан ташқари), хвабава, яның үзүйлиғи қокимиятни босиб олган хукмдорларнинг юртга зулму асортини яратди (бу үринде подшохлик илохий марғаба, унга хар ким ҳам лойик әмас, дегап фикр ифодаланған).

19. Мен – *Аҳура Мазда*, яратған гұзал юртларнинг үн бешинчиси Хафтруддир. Бу юрт гұзаллігидан (бахишлиги құзғаб) ажал ва (кулфат) вужуд Аңғрамаййұ күтмаган кунда ой курган аёлнинг (харом) конини яратди. (Бу стмагандек) у яна жазира маисиқи пайдо килди³⁰⁶.

20. Мен – *Аҳура Мазда*, үн олтінчи навбатда гұзал юрт этиб Ранқа дарёси ҳавзасидаги (фаровон) ерларни яратдым. У ерлар бирор сардорсиз, үз бошича яшаган халқлар юртилер. Лекиң үлім ва разолат вужуд Аңғрамаййұ келиб, (үз холица бұлса-да осойишта, кун кураёттәнларга) ғайрлік ва дүшманилікден девлар махсуси коронгиликни яратди. Борлыққа зулматни хукмрон қылды.

21. Мен – *Аҳура Мазда*, яна күплаб (фаровон) юртлар, иқлимелер (каршварға-кишварлар)ки бор – барчасини үзим яратдым.

2- фрагард

Йима-хшайатийа - (Жамишил) ҳакидағи асотир

1. *Заратуштра* *Аҳура Маздадан* сұрады: «*Аҳура Мазда*, әй муқаллас рух, борлық дүнёни яратған парвардигори поко, үзинг Ҳаксан. Бу фоний дүнёда әй *Аҳура Мазда*, Мен *Заратуштра*дан олдин үзингдан кимга хабар бергандынг? *Аҳура* динига, *Заратуштра* имонига кимни даъват қылғандынг?»³⁰⁷

2. *Аҳура Мазда* шундай деди: – «Подалари сесиз ва мұл гұзал *Йимага*, әй *Заратуштра*, үзімден ҳабар бергандим. Сендан олдин, мен, *Аҳура Мазда*, одамлардан биринчи марта у билан (*Йима* билан) сұзлашгандим. Уни *Аҳура* динига, (*Мазда Ясна*) *Заратуштра* динига даъват қылғандым».

3. Эй *Заратуштра*, мен – *Аҳура Мазда*, унга шундай дегандым: «Мен учун, о гұзал *Йима* Вивахвант үғли, динни асрагувчи

³⁰⁶ Бунгача, Видевают китобида (иккінчи фрагард) айттылғанылек, «на иссык әди ва на совук», мұбыздыл әкимли ҳаво хукмрон зәнихи, одамзод учун роҳат бағш этарды.

³⁰⁷ Матида «сен ким билан сұзлашған зәнинг» шақылда берилған.

ва (одамларга) элтувчи бүлгін!» Лекин эй Заратуштра, гүзәл Йима менә шундай жавоб берди: – «Мен динни асраш ва (одамларга етказиш учун яратылмаганман)».

4. Шунда мен, эй Заратуштра, «Агар сен динимни асраш ва одамларга элтишни зыммантта олмасант, унда сен (мен яратын) борлық дүнёни күпайтир, уни тарбият кил! Дүнёнинг күрикчиси, химоюти ва раҳнамоси (насиҳатгүйи) бул!» – дедим.

5. Эй Зардуш! Гүзәл Йима бунга жавоб бериб деди: – «Мен сенинг яратғашарынгни күнайтираман, дүнёнгни парваришилайман, борликни химоя киламан, унинг асровчиси ва раҳнамоси бүламан. Менинг подшолигимда совук шамол ҳам, жазирама иссик ҳам, коронгулик-зулмат ҳам, әрд ҳам, ўлим ҳам, ёлғон ва ёвуз ният ҳам бүлмайди».

6. Шунда мен, Ахура Мазда, унинг күлигә икки курол бердим: олтин шох – най (бурғи) ва олтин безакли қамчи.

7. Икки дунё мулки Йимага тобедир³⁰⁸.

8. Мана, Йима подшолигига уч юз киши түлди (Зардуштийлар йилдан йилга ўтиш чегарасини киши билан белгилаганлар – тарж.). Шунда бу ер юзи майда ва йирик чорва билан түлди, одамлар, итлар, күшлар, лахча чүт бериб ёнувчи оловлар ер юзига сиғмай қолди. Сурувлар, подалар, одамларга жой етишмай қолди.

9. Шунда мен Йимага ваҳий етказдым: «Эй гүзәл Йима, Вивахвант ўғли, Ер майда йирик туёк билан түлди, одамлар, итлар, күшлар, кип-қизил оловлар унга сиғмай қолди. Майда ва йирик чорва, одамлар ўзларига жой тополмай қолдилар».

10. Шунда Йима қоқ пешин чөғи қуёш йүлигча чикиб, олд томон (жануб)га қараб шох найини (бургисини) چалди. Ерга (олтин бечакли) қамчиси билан узун из солди ва деди: «Мұльтабар Спенита Армайти, бағрингни кенгрөк оч, куличингни кенгрөк сый, токим (сендә) майда туёк, катта подалар ва одамлар (бесмалол) жойлашсın!»

11. Шундай килиб, Йима учун Ерни аввалгидан учдан бир баробар кенгайтирдим. Ундан майда туёклару, корамол (подалари) ва одамлар күңгилларига сиққанича, хоҳиши-иродаларнiga қараб ўзларига макон топдилар.

Бу жумлалдан «икки дунё» ибораси «тирикшар дүнёсі» ва «үлкілар дүнёсі» деб тушунылады. Йималының бундай вазифаси ушбу асотирнинг жуда кадимийлігінин күрсатады. «Ригведа»да Йимага Ер ости дунё күдоси Яма түрги келади. Авестада жаңа бунга тескари төз – борлинан асраш, күпайтириштә хизмет көлиш Йимага буюрилған.

12. *Йима* подшолигига, карабсанки, олти юз киш (йил) түлибди. Шунда Ер майда ҳайвоңлару, йирик подалар, одамлар, құшлар, кизил (лахча чүгли) оловлар билан лиқ тұлди. Майда туёклару йирик моллар ва одамларга, жой етишмай қолди.

13. Шунда мен *Йимага* вахий стказдым: «Эй гүзәл *Йима*! Сенға топширган сримга майда туёқ, йирик мол, одамлар, құшлар, итлар, кизил ёнган оловлар сиғмай қолди. Майда туёқ, йирик моллар ва одамлар үзларига жой тополмай қолдилар».

14. *Йима* күёш йүлиға чикиб, кундуз қантарға келған чоги юзини олд томон – (жануб)га буриб олтін бурғы – найни (яна бир бора) қалди. Қамчин билан ерни сийпади ва деди: «Эй Мұқаддас Спента Армайти, бағрингни қснгрок оч, қулочингни ёй, токи майда туёклару йирик молу ҳол ҳамда одамлар (бағрингга) сиғсін!»

15. *Йима* шундай қилиб Ерни учдан иккى хиссага көнгайтирди. Унда майда туёқ, йирик молу ҳол, одамлар үз ҳохишлирачы, ихтиёрларыға мос тарзда паноқ топдилар.

16. *Йима* подшолигига тұkkыз юз йил тұлди (тұkkыз юз киш). Шунда Ер майда ва йирик чорва, одамлар, итлар, құшлар, кизил ёнган оловлар билан тұлди. Майда ва йирик моллар ва одамлар ерга сиғмай қолди.

17. *Йимага* мен хабар бердім: – «Эй гүзәл *Йима*, Вивахвант үгли! Бу ер майда ва йирик чорва билан, одамлар, итлар, құшлар, кизил оловлар билан тұлди. Майда туёклар, йирик молу-ҳол ва одамлар үзларига жой тополмай қолдилар».

18. *Йима* шунда, Қүёш тикка келганды унині йүлиға чикиб, юзини олд (жануб) томонға буриб олтін бурғы найини олиб яна бир қалди ва камчин билан Ер юзини узун сийпади (каршварз торғды) ва деди: – «Мұқаддас Спента-Армайти, бағрингни оч, көнгай, токим майда туёқ, йирик мол ва одамлар сенда жойлашсın!»

19. У ерга бир қатра узунликда сув келтиргин, үтлоклар барпо қылғын, улар доимо күм-күк бұлсін, озик-овқатлар тутанмас бұлсін; у ерла үйлар курғин, хоналари мұл бұлсін. айвонлар курғин, ғов билан түсгін, деворлар курғин³⁰⁹.

³⁰⁹ Бу тағылардың мудоғзаға девори билан уралған шаһар күрінгенде күйес килем мүмкін. Лекин Вар тиқиляғы археологиялық елғарникларда халықтың көміретінде күзатылған зерттеуден жумылған. Хоразмияның күзатылған олымндар томонидан авестасча Варға пискат жазылған. У ерда ички майдонда девор бүйілаб бир катор имараттар тиғизими, үртада әса умумий

20. Варга («у ерга») барча эркак ва аёл, нару мода, түя-ю моя, така-ю эчки, хўрозу-товук бу улкан ерда нимаини бор – барчасининг уруғидан жуфтини, энг гўзалларининг жуфтини келтир. У ерга чорванинг барча хилидан энг яхшиси, улкани ва чиройлисидан келтир.

21. У ерга ердаги энг баланд, энг кўркам, энг хушбуй ўсимликларнинг барчасидан (жуфтини) келтир. У ерга Ердаги емишларнинг энг ширини, тотлиси ва лаззатлигидан келтир. Одамлар Варда яшаб турар эканлар шу вакт ичилада уларнинг барини жуфт-жуфт килиб қўй.

22. Вар ичра кўкси олдига чиккан, кураги, умурткаси орка турган буқурлар бўлмасин, чўлоқ-мўлтоқ бўлмасин, эси йўқ тенгтак бўлмасин, тугма доғли, кийшик-кингир, тиши куртлаган, маҳхову пес бўлмасин. Ва бошқа кўплаб Ахриманнинг ўлим белгиси бор жонзотлар Варда бўлмасин.

23. Варнинг олд томонидан тўққиз копқа (дарвоза), Ўрта Вар кисмида олти копқа, ички кисмида учта копқа кил. Олд кисм Варга минг эркак ва минг аёл уругини келтир, Ўрта Варга олти юзтасининг, ички Варга уч юзта эр ва уч юз хотин уругини келтир. Уларни олтин мутуз бурғингни чалиб Варга кирит, сўнгра Варнинг копқаларини, тешик-туйнукларини маҳкам ёп. Ичига нур тушиб турадиган бўлсин³¹⁰.

24. *Йима* ўйлаб колди: – «Мен Аҳура Мазда айтган Варни қандай килиб курсам экан?» Шунда Аҳура Мазда деди: – «Эй, *Йима*, гўзал (бацдам), Вивахвант ўғли, товонинг билан ерини тепкила, сўнг лой бўлган тупрокни қулингга олиб эз».

25. *Йима* шундай килди, худди Аҳура Мазда ундан кутгани каби товонлари билан ерини тепкилади, нам тупрокни кўллари билан одамлар каби эзди.

26. Шундай килиб *Йима* турт томони бир от чопими булған Варни курди. У ерга майда ҳайвонлару йирик мол-хол, одамлару итлар, кушгиру кизил оловлар уругини олиб келди. *Йима* бир от чопими Варнинг тўртала томонини одамлар яшаши учун ва бир от чопими Варнинг турт томонини майда ва йирик пода учун макон килди.

жамоат маросимчалиги биноси колдислави топтилган.

³¹⁰ Бу ўринда том тепасидан колдирилган мури. туйнуклар кутда тутился керак. Олтин мутуз бурғинни чалиб уларнинг барчасини Варга киритди. Копқалари-ю дарчаларини, ичкаркаги нур тушадиган тешик-туйнукларини чаҳкам ёпди.

27. Варга бир хагра масофадан (узунликдан) сув келтириди, у ерда доимо күм-күк үтлок, еб тугалмас емишлар олиб келди. Уйлар, хоналар, айвонлар, девору түсиклар, говлар бино килди.

28. Варга барча эркак ва урғочи ҳайвонларнинг дунёда бор энг йирик, энг яхши, энг гўзалларидан уруг олиб келди. Чорванинг барча турларидан энг йирик, энг яхши, энг гўзалларининг уруғларидан (жуфт) келтириди.

29. У срга ер юзида ўсадиган барча ўсимликларнинг энг баланд, энг хушбўйларидан, емишларнинг энг лаззатлиси, энг хушбўйидан уруг келтириди. Одамлар Варда яшаб турган пайт уларнинг барчасидан жуфт-жуфт этиб жойлади.

30. Варда кўкси туртиб чиккан, орти бўргиб чиккан, чулоқ-маймок, эсини йўқоттап тентак-пентак, баданида тутма лоғи бор, дардчил, нокис, касал, кийшик-кинғир, тиши куртлаган, маххову песлар, эти илвираганлар, Ахриман учун улимдан хабар белгиси булиб хизмат киладиган нуксонлари бор одамлар йўқ эди.

31. Биринчи (олд ӯрам) деворда тўккиз копка, иккинчи ӯрамла - олти, учинчи ӯрамда уч копка килди. Олд ӯрамга минг эркак ва минг аёл уругини, ўрга ӯрамга олти юз, кичик-ички ӯрамга уч юз эркак ва аёл уругини келтириди.

32. «Эй борликни яратган Ҳак таоло, ўша Йишиа қурган Варнинг ичини ёритиб турган ялин ёлқин (нур)лар қандай нур эди, эй Ҳак Аҳура Мазда?»

33. *Аҳура Мазда* деди: – «Ўзича (илохий) мавжуд нурлар ва ясама нурлар эди. Уларнинг бири уфқдан кўтарилаётган бўлади, бири эса уфкка ботаётган бўлади – Ой ва Куёш каби»³¹¹.

34. Бир йил бир кундек туюларди (ўша Варла). Қирқ йил уттач, бир жуфт одамдан икки одам тугилди. Улар ҳам жуфт – эркак ва аёл. Барча ҳайвон (чорва) турларидан-да шу каби – эркак ва урғочи (нару мода)лар тугилди. Бу одамлар *Йишиа* қурган Варда баҳтиср яшардилар?

35. «Борликни яратган эй бори ҳакки таоло! *Йишиа* қурган Варда *Мазда*-ясна динини ким таркатди?» *Аҳура Мазда* деди: – «Каршишта куши, о Спитама-Заратуштра».

36. «Борликни яратган о парвардигор, ҳак! Яралмишларга

³¹¹ Табний ёриткичлар – ой ва куёш тепалан, сунъий нурлар ўса пастдан ёритади, деб тушунилган.

(Варда яшаганларга) ким бошчи, ким етакчи?» *Ахура Мазда* деди:
— «Урватот-нара, эй Заратуштра ва Сен-Заратуштра (уларга
бошчи ва стакчисан)!»

«Хақиқат олий неъмат...» — Ошум ваху вахиштам асти...³¹²

³¹² «Аша-Вахишта» дуоси матти келади.

II ЗАРАТУШТРА ГАТАЛАРИ

КИРИШ

«Гоҳ»лар исломга қадар аждодларимиз эътиқод киlgан *Мазда* Ясна дини мұқаддас китоби Авестанинг эзг мұльтабар ҳисобланувчи қисмидир. Улар уша дин ва унинг худоси *Аҳура Мазда* ҳакида одамларға хабар (пайғом) келтирған Заратуштра Пурушаспа үғли томонидан бадиҳа килинган күшиклар булиб, мазмун-моҳияти бутун борликни фақат эзгу килиб яратған Олий Ақл эгаси ёки мутлак Олий Ақл мужассами худо *Маздага* эътиқод килингага чакиришдан иборат. Заратуштра *Мазда* сүзини «Гоҳ» ёлғиз. «Гоҳ» *Аҳура* сүзи билан күшиб айтади. Бу жуфтликда *Аҳура* жузъи *Мазданы* улуғловчы сүз булиб «Улугтвор, юксак шарафли», мурожаат маъносида «жаноб» каби маъноларни ифодалайди.

«Гоҳ»ларда *Аҳура Мазда* исми күп ҳолларда унинг эманациялари, яъни олий илохий функцияларининг ижрочи малоикалари, олти нафар “абадий бархаёт, үлмас ва мұқаддас сиймолар” номлари билан алмаштириб ишлатилади. Буларнинг бошида Зардуштийликнинг олий ахлокий-фалсафий принциплеридан бири Эзгу ўй тимсоли Ваху Мана туради. Унинг ипостаси, одамлар кўз ўнгига намоён булиш шакли қорамол, мұқаддас Бука киёфасида деб тушунилади. “Бука рухи, Олам рухи” каби тушунчалар Ваху Мана, Эзгу ўй маъносида амал қиласди.

Аҳура Мазданынг иккинчи вазифадор малак сиймоси Арта Вахишта, Ҳакикий беҳиштый, жаннатий ҳаёт тимсоли. Бу малак сиймо *Аҳура Мазданынг* борлик асосларини эзгу килиб, ёвутлик унсурларини күшмай яратгани Ҳак деб ишопишга даъватдир. Арта авестача талаффузда Ашна шаклини олган. Лекин Арта шаклига диккат килинса, бу сўз заминида оламнинг илк эзгу тартиби ва таркиби деган маъно тушунилади. Шу сабали борлиқлаги ҳар бир нарсанинг ўз ради бор, яъни қодир парвардигор эзгу килиб яратған асоси бор деб ҳисобланади. Ушбу радни, борликнинг адолатли ва эзгу асосларига тажовуз килиш, уни бузиш, вайрон килиш Ҳакиқат асосларини барбод қилиш деб кораларади. Оламни ўстириш, улгайтириш, эзгуликларни кўпайтириш савоб, борликка бузғунчилик килиш гуноҳ ҳисобланади. Эзгулик-

лар ажру мукофотга лойик, ёвузликлар эса сўзсиз жазога мустаҳидир.

Учинчи малак сиймо *Спента Армаситий* «Муносиб оқиллик, имон саломатлиги». *Аҳура Мазда* эзгуликнираво кўриб бирор ишни ирода этса, албаттага ўзининг муқаддас руҳи орқали шумалак зотнинг воситачилигига мурожаат қиласди.

Малак сиймоларнинг тўртингчиси Хшатра Варйа олам устидан орзудаги адолатли ҳукмдорлик ғоясини ифодалайди. Бир қарашда бу функция оламнинг эзгу асосларини сақлаш ва маълум маънода бошқариш ғоясини кўзда тутади. Лекин мутлак адолат рамзи *Аҳура Маздининг* ўзида мужассам ва Хшатра Варйа унинг иродасини ижро этади. Нима бўлганда ҳам Хшатра Варйа тимсолида *Заратуштра* жамиятни адолат билан бошқариш орзусини курган. Бу ўзига хос социал утопик қарашнинг бир кўриниши деб хисобланishi мумкин.

Хаурватат тимсоли – *Аҳура Мазда* эманацияларининг (дустларининг) бешинчиси. Бу малак зот *Аҳура Мазда* яратган эзгу оламнинг, унда инсон, ҳайвонот, наботот, барининг бир бутунлиги ғоясига хизмат қиласди. Бутунлик борлиқнинг ўзаро узвий асосларига ишорат киладиган тушунча. Бу узвийликнинг бирор бўғини стишмаса, ёки ёвузликлар сабабидан бузилса, борлиқнинг радиға шикаст этади. Ниҳоят, олтинчи эманация аввалги беш илохий функция мукаммал амал қилган тақдирда эзгу борлиқнинг абадий ўлмаслиги ғоясини ифодалайди. Унинг номи *Амэретот*. Бу сўзнинг ўзаги мрт- “ўлим” демакдир. Сўз олдидағи префикс (олд кўшимча) *а-* инкор маъносини берувчиidir. Шундай килиб, *Амэретот* “ўлмас” демакдир. Бундан маъно шуки, мазкур олти эманацияга юкланган эзгу функциялар тұла амал қиласа, ҳар бир имонли инсон шу руҳда яшаб, эзгу максадларга хизмат қиласа, Эзгу борлиқ абадий ўлмас бўлади.

«Гоҳ»ларда *Аҳура Маздининг* якка-ягона яратувчи олий илохий мақомини асослаш руҳи етакчи. Аммо матнларда келувчи илохийликнинг турлича ифодалари бир қарашда яккалик маъносига соя солғандек кўринади. Бу таассурат алдамчиidir. Чунки, «Гоҳ»ларда келган барча теологик тушунчалар остида ёлғиз *Аҳура Маздининг* хилма-хил функциялари акс этган. Олти эманация, Олам руҳи, Муқаддас руҳ, Ҳакикат, Ҳак, (булар, айникса,

бевосита *Аҳура Мазданинг хоссалари* кабилар ҳакида гап борганда *Аҳура Мазда* тушунилиши лозим хисобланган.

Аҳура Мазданинг эзгу борлиги тимсоли сифатида яралган борлик, афсуски, азалий эзгу асосларда колмади. Эзгу олам да ёвузлик ҳам ёнма-ён. Бунга сабаб инсоннинг имонда сустлиги, шаккоклик, эзгу оламни асрашда событ эмаслиги. Масалан, эзгу яралган оламни қуриклаш, унга равнақ бериш, эзгуликларнинг кўнайишига хизмат қилишга буюрилган *Йима* Хшаятий (Жамшид) манманлик қилиб *Аҳура Мазданинг* таъкикларини бузгани учун жазоланди. Бирок унинг гунохи туфайли ёвуз кучлар, Ахриманинг чексиз ёвуз киёфалари маҳбуслик занжирларидан бушаб кетиб, эзгу олам ёвузликлар билан қоришиб кетди. Ахриман ёвузликларининг бош тимсоли девлардир. Ахриманинг барча ишлари *Аҳура Мазда* Ҳақлиги ва Ҳакикатига карши Ёлғон, Алдоқ тимсолида берилади. Хуллас, «Гоҳ»ларда амал килган тушунчалар икки кутг – Эзгулик ва Евузлик ўртасида азалий кураш ифодасидир. Оламни ёвузликлар тажовузидан куткариш масаласида зардушиятлик инсон омилини, унинг имонда мустаҳкамлигини, эзгулик учун курашда қатъиятини биринчи ўринга қўяди. Шунинг учун Заратуштра «Гоҳ»ларининг бошидан оёқ инсонга, унинг жамоасига ва бутун инсониятга мурожаат этади, одамзод аҳлини инсофу диёнатга чорлайди, ёмошлика карши муросасизликка чақиради. Эзгулик учун мукофот, ёвузлик учун жазо борлингини уқтиради...

Аҳунавад «гоҳ»

28.0. Имонли

Заратуштранинг

Эзгу ўйи,

Эзгу сўзи,

Амали Эзгу.

Ибрат олинг

Улмас Валийлар,

(Аменшаспандлар)

Тингланг «Гоҳ»ларни...

Сизларга юқунчим

Эй имонли «Гоҳ»лар!

- 28.1. Дуога күл күтариб, Муқаллас Рух, Сендан илніжим,
Хаклигинг йўлида амал учун, *Мазда*, Сендан ўгинч:
Эзгу Ният – қувонсин, Баҳмоннинг Рухи, унга севинч.
- 28.2. *Аҳура*, Сен Эзгулигинг-ла қовушмок – дардим.
Жисмим ичра эзгу рухни айла жо-бажо,
Ҳақ йўлинг ажри учун беҳишт истардим.
- 28.3. Кутлайман, Эзгу ўй ва Ҳақдир сифатинг,
Кўмак бер, эй Ҳурмузд, кенгдир Кудратинг.
Оқилсан, шул сабабдан чексиз ҳимматинг.
- 28.4. Ҳурмуздни мақташга жонимни фидо Эзгу ўй билан
Айласам, бунгадир мукофот тайин. Ҳурмуздга аён.
То ҳаётман, чин юракдан интилгум Ҳакиқат томон.
- 28.5. Эй Ҳақ, Эзгу ўй, сизларни, (ниягим) эрур, тан олмоқ
Валий ул-авлиё Ҳурмузд сўзига тутмоқлик кулок
Зикр этиб дил сўзин, ёвувларга кирғин солароқ.
- 28.6. *Аҳура Mazda*, Ҳакиқат-ла кел, Эзгу фикрат-ла
Зардуштга бергил кўмак Эзгу ҳақ сўзинг бирлан
Бизлар ёвликни шунда йўқ килурмиз бегумон.
- 28.7. Эзгу ўй учун шундайин мукофоту омад бер.
Софлом Ақл соҳиби, эй *Mazda*, Вишласпага
Давлат менга эса, пайғомини элтишлик тақдир.
- 28.8. Сенга энг муносиб Ризолигим, *Аҳура*, ёлвораман
Менга ва Фрашаоштрага Абад Эзгу ўй билан
Эзгу бандангта раво ажр, сийлов умидвориман.
- 28.9. Сендан кўп нарса сўраб ғазабингга сазовор бўлмаймиз,
эй *Аҳура*. эй
Ҳакиқат! –деб мурожаат этмоқда Заратуштра:
Аҳура, Ҳаксан ўзинг, ёлворишим келмасин маюл
Чин юракдан сени мақтасам бас, ажрииг берақол.
Чунки сенсан қалбим туғ'еппил эшигтүвчи bemalol.

28.10. Аша билан ким содиқdir Эзгү фикратга,
Мактovларим чавандознинг отидек гўзал,
Эй Аҳура, етказ ўзинг кўнглимдаги ниятга.

28.11. Бу сўзлар ила Ҳакиқат ва Эзгу ййни абад сакловчи
Эй Мазда менга гўзал лутғ ила ўргат, токи мен билай:
Охиратда покланажак янги дунё кандайин бўлгай?

Ясна 29

29.1. Сенга нола қилибон, суроқлайди Буқанинг жони³¹³
Мени нечун яратдинг, кимларгadir бўлай қурбони,
Ана ҳепим³¹⁴, зурликлару боскин мени айлайди асир
Сендан булак чўпоним³¹⁵ йўқ, эзгу соҳиб, яйлов пошибони.

Нола қилибон Сизга суроқлайди буқанинг жони:
Жон багишлаб менга нечун этдинг покас қурбони?
Ваҳшат, зўрлик бунга келур, газабкор ёвуз,
Асир этар азиз жоним, қабиҳлик ва адоварат энди
Сендан ўзга чўпоним йўқ, курсатакол менга ёруғ юз!

Мени нечун яратдинг,
Нечун яралдим йўқдан борлиқда?
Аэшма³¹⁶, Араск³¹⁷, қабих густохлик
Ёлғон ичра қолдим хорликда
Ўзинг меснинг бор ҳимоятим,
Ўзга суянч меша бегона.
Сенга фақат монанд, муносиб
Ҳомий зотлар айлагил насиб
Менинг жоним, руҳимни токим,
Асрасинлар улар, илоҳим!

³¹³ Авестада Гэши урван образи орқали чорвага нисбатан мұқаидласптириш кутъда тутилади.

³¹⁴ Авестада Аэшма номли дев, газаб, пафрат туйгуларини кўзнатади деб тушунилган. Ҳозирги талаффути ҳечми.

Хиупана, бу уринла илоҳий ваколатли ҳимоят, ҳомий зот ортусини кўзда тутмокда. Қу пайгамбарлик миссиясига ишорат деб каралади.

Лоҳима газаб деви. Ҳешим, жаҳолат.

Араск – рашик, араз, кин (гине), адоварат каби маъно ёйилмалар каби амал юлувчи сўз, ёвуз левлардан бири.

29.2. Буқа жони яратгандан сүроклаб деди:

Чорваларнинг Ҳакки кимдир, ким уларнинг пушти панохи,
Ким тэйинлар ҳукмдорин, парваришлаб бўлиқ ўтлогин.
Ғазаб девин ким ҳайдайди, кимдир ўптал ҳомий илоҳи?

Эй Аҳура Мазда, сен ўзинг мукаллас Мийну булиб,
Бор нафосат, яхшиликни аргабонга бойладинг.
Борлигини бадфеълликка, гуноҳларга топширган
Дуругбандни мурувватдан абад маҳрум айладинг.

29.3. Унинг солих ҳомийси йўқ, - деди (олий ҳакиқат),-
Имонлилар химматин билмас ҳали жонзотлар.
Қай бигрига етишсам, ўшал кучлидир албат.

29.4. Деву мардум жаҳолати *Маздага* маълум бари.
Яна вокиф у келажак бўлгувси гуноҳлардан.
Лекин *Мазда* иродаси етовдир Ҳакиқат сари.

29.5. Икки ардок рух бу кун *Маздага* ёлворишда.
Мен Зардушт ва бўғоз Сигир руҳидир булар:
Ёвузлар ичра имону жонимиз парваришла!

29.6. Аҳура Мазда оқил бир сўзни деб турибли:
Ҳақ йўлида, эй чорва, сенгадир Бошлиқ, Ҳакам,
Чупон сени ардоклар, унингчун яралгансан.

29.7. Ҳакиқатга ҳамқадам Аҳурадандир ато,
Илоҳий каломе-ким, олам ишин ўнгаргай
Чорвага ёғу гуштни, сутни ҳам айлар фидо.
Ким бўлса гар артабон, оч-наҳорни тўйдиргай.

29.8. Бунда мен артабон, ҳукмингга сомеъ
Зардушти танибон бўлайин қонеъ.
Эй Мазда, ўшал зот ҳақ сўзинг айтиб.
Бизларни шарафлар, куйлаб ҳар оне!

29.9. Говширови нола килиб деди: Эй Худо
Нечун ул ожизу потовои эрга

Менинг асровимни күрмишсан раво?
Истагим кудратли курикчи, ҳакам.
Ким унга күмакдош, бұлай хотиржам!

29.10. Эй *Аҳура*, ато айла Ҳакиқатнинг ҳукмини,
Эзгу үй-ла күч бағишла, Эзгулик тайинини.
Осудалик ато этгил борлық Маконлар ичра,
Чунки ўзинг бергувчисан суревчи тилагини.

29.11. Ҳак не с尔да эй Ваҳуман, аё Шахриёр.
Сизку мени илохлар-ла узвий бұл десбон.
Лойик этиб танлаганлар! Эй *Аҳура Мазда*,
Бизларни хам хушнуд этиб, бер шундай эхсон.

Ясна 30

30.1. Излаганлар билсингилар, билғанлар ёдда тутсин:
Сўзим тинглагувчига сўзларим Менинг:
Эзгу оқиллик билан алқангиз *Аҳурани*,
Кўз ўнгингизда бўлгай рангин маскани.

30.2. Кулогингиз-ла тингланг, очинг қалб кўзингизни,
Икки хилдир аҳду паймон, ҳар кимниги ўзига.
Аммо, кай биридан насиб кадарда ёзукингиз.

30.3. Икки рух алмисоқда икки эгиздек пайдо,
Ниятда хам сўзда хам, амалда икки дунё,
Эзгу рух Ёвуз руҳдан устун ва Ҳақдир аъло.

30.4. Тўқнашганда икки эгиз, ибтидо дамда ўшал,
Тирикликни танлаб бири, бошкаси ўлим деди,
Ҳақ деган сўнг бсхиштга, Ёлғон дузахга дохил.

30.5. Икки руҳдан бири кабиҳ ишларни танлаб,
Муқаддас Рух эса, Ҳакиқат менга, деди.
Зирхи самодай маҳкам *Аҳурага мақтоворлар*!

30.6. Девлар хато килиб иштибоҳда ёвузиликнинг кулин

тутдилар
Танловда адашиб, Ёлғонга учиб ёвузиликнинг йўлин

Имонлилар қатли-чун Ғазаб девин думин тутдилар.

30.7. Ҳакамлик кимга насиб? Эзгулигү Ҳак бұлса бас,
Узок умр, умрзоклик Үнга ато, рухига доно акт.
Шул әваздан гуноҳсиз ул, маъдан синокда куймас.

30.8. Ясоққа лойиклар жазо топганда
Ёлғонни күш құллаб сенга топширган
Эзгу фикрат зөгаси тошувси кудрат.

30.9. Қалбимиз-ла дининг илмин туяйлик,
Сен *Мазда* ва *Ахуралар* күмаги билан
Оlamни янгиловчи бизлар бурайлик.

30.10. Ёлғоннинг шундай килиб, қули булур акашай
Ва Эзгу сүз чопкирлари Эзгу үй саройига
Ҳакиқат ва *Мазданинг* шарафига етишгай.

30.11. Қачонки сиз, эй мардум, *Мазданинг* иродасин
Ақлан қабул этсангиз, шунда сизга муносиб
Бұлгай бсхиштий роҳат, муртадга дұзах – азоб.

Ясна 31

31.1. Тингланғиз, эй, инсон зоти эшитмаган
Сүзларни айтажакмиз. Ёлғон Ҳакни үлдирапар,
Кимки *Маздата* содиқ, Ҳақ йүлини ундирапар.

31.2. Қалб танлаган йүл күзга ташланмас
Рату бўлиб келарман ушбу йўлдан мен
Ахурани таниган, *Мазданни* билған
Икки қутб тақдирни Менга юклантган.

31.3. Эзгу Рух ва Ҳакиқат ила сен бердинг
Оловда синаш-чун ажру жазойинг.
Имонли ажрингта, ёвуз қаҳрингта
Эканин кай сўзла айтгайн, билдири!

31.4. Ҳакни чорлаб, о *Мазда*, *Аҳура*лар
Ваҳумандан эзгу тақдирлар тилаб,
Эй оқил Зот, менига бер Кудрат
Улгайса ул, Ёлғон йүқолур албат.

31.5. Эзгулик недир ул, Ҳак йулида уни
Қандайин ажратай, эзгу фикратла.
Неларни башорат айлайин охир
О *Мазда*, не бўлмас ва нелар бўлур.

31.6. *Мазданинг* кудрати ҳукмидир асли,
Эзгу фикратни улгайтирмоқлик.
Жаннатий яхшилик булғайдир насиб
Ким Ҳак ва Хурдоду, Мурдод каломин
Айласа талаффуз топиб маромин.

31.7. Ким илк бор «нурга эзгуликни жо этган» деся
Фикр килди Ҳақиқатни яраттан аклдан ул Зот.
О *Аҳура*, Руҳингдан унган азал саодат
Эзгу фикр (эгагин) тутган эрур у албат.

31.8. Ибтидо-ю интиҳо Эзгу Ақлнинг
Отасисан деся танидим сенни.
Чин Ҳак ўзинг, ҳаллоқсан – Борлик эгаси.

31.9. Исфандарматни ҳам яраттан ўзинг.
Чорвани ҳам ўзинг айладинг ҳалак.
Чўпон томон ва ё чўпон эмаслар
Томон бормоқ – сенда эрур ихтиёр.

31.10. Мана, у иккидан бирни танлабон
Етишди бокувчи чўпони гомон.
Аҳурадан топган ақл ва имон
Чўпон эмасларга насибмас ҳамон.

31.11. Сен ўзинг яратдинг эзгу ақлинг-ла
Илк бор, о *Мазда*, очун билан дин.
Танларига бахшида айладинг жонни
Имонли зот Суз ва Амалда эркин.

31.12. (Илохий) сўзни кимки билган ёки бишмаган,
Тўгрилир ёғализдир, сидқ-ла истар айтмокни,
Тушар самодан кумак окил Исфандарматдан.

31.13. Очик овоз биланми, ёки дисида сураса
Сураганинг берар у. Куз илғамас гунохинг
Бўлса кўриб жазолар Ҳақ қўзининг эгаси.

31.14. Бугунгача ва келажак имонлилар ишига
Кандайин сийловинг бор, о *Мазда*, сендан сурай:
Ёлғондан тарқалганилар охиратдан не топгай?

31.15. Сурай сендан, о *Аҳура*, Каззобга ҳукмдорлик
Ишониб топширилса, ҳайвоноту одамзот
Чўпонига бу зарар, жазоси не окибат?

31.16. Сурайнин мен, *Мазда*, сендан, Ул Эзгу яралажак
Ҳукмни качон олар – уй, кишлок, юрт устидан
О *Аҳура*, унга қай бир ишинг ибрат бўлажак?

31.17. Кимга ишонч, кимдир шубҳали ашабонми ёки
дуругбон
Вокиф зот бизларга ҳақ сўзни айтур, дурутгуй – Ёлғон.
Аҳура, бўл бизга устоз – муаллим, *Мазда*, меҳрибон!

31.18. Каззобнинг сўзларин хеч бирингиз тингламанг асло
Ўз нману, вису, занту ва даҳюларин этдилар ҳалок.
Ярог бирлан уларни айлангиз барбод, жонидан жудо.

31.19. Сўзи тўгри, Ҳакиқат не, уни билгувчи
О *Аҳура*, нотикдир у, гўзал тили бор,
Эзгуликни оловда синаб ажрим килгувчи.

31.20. Имонлилар этилажак кўкдан нурга сазовор,
Дуруғбандга насиб зулмат, чиркин емиш, оху зор.
Динимиздан бизга – шараф, имонсизлар эрур хор.

31.21. Эзгу ўй, Эзгу иш, сидки дил учун
Дуст тутиб *Аҳура Мазда* яратмиш
Хурдолу Мурдод, Аша, Шахриёр –
Имоили хизматида булдилар тайёр.

31.22. Оқил зотіа аёңдир, билгічға ҳам маълумдир,
Шахриёрлик туфайли Ҳақиқатдир ҳукмрон.
Эзгу ўй ва ишинг-чун Ҳурмузд сенга күш мекмон.

Ясна 32

32.1. Занту, вислар каби девлар Ҳурмуздга караб:
«Қавмишгизмиз» дейдилар үхшабон менга.
Дерлар япа: «ёвларимиз айла бартараф».

32.2. Исфаңдармат ва Ҳурмузд бирга дұстона
Шахриёрлик ва порлоқ Ҳақиқат ҳакки
Дедилар: «ашабон биздан, девлар бегона».

32.3. Акамана қавмидаңыз, эй девлар, асли сизлар.
Ёлғон бандаси, адашғанлар – сизни деганлар.
Еттинчи икlimда маълумдир – сизлар ёвуздар.

32.4. Ёвузылқдан урчиб күпаясизлар
Эй девлар, алдоқни иша солиб сиз
Сизни севган мәрдүм охири бир күн
Ақлдан мосуво бұларлар, эсиз.
Мазда Аҳурадан ва Ҳақиқатдан
Ажралиб қолишиңға бұлурлар мажкүм.

32.5. Мәрдлар бебақт, сиз девлар деб бенасиб рұшликдан,
Бирок сизга Ёлғонингиз, Ёвуз сүз ва амалингиз
Келтиражак үлимингиз – шудир тақдир азалингиз.

32.6. Эзгу Ақли туфайли Ҳурмузд ёдда сақтайди
Ёвузлик-ла номдорлар келтиражак зарарни.
Ё Маздо! Ҳакам үзинг, Ҳақ үйлігі сол бизларни.

32.7. Ёмон ишларни килмас Ҳақни билған хеч қачон,

Имонлилар каттоли-чи, олов ичра берар жон.
Ахура, сен Билимдон, оловингдир Имтиҳон.

32.8. Виваҳвант ўғли Йима ёвуз бир иши сабаб
Ўзин айлади машхур Ҳукиз – худо, деб мактаб.
Шукрки, мени ундан асрординг, мен Сен тараф.

32.9. Ёмон муаллимнинг сўзи ёмон, тириклар аклини барбод
айлагай.
Этар маҳрум бизларни Эзгу фикр-ниятдан унинг Ёлғони
охир.
Эй Ҳакиқат, О Мазда, рух изхорим айтиб нолон мен Сизга
йиглай.

32.10. Кимки Күш ва Чорва ҳаққига ёмонликни
Башорат килса агар, Ҳақиқатни деб ёлғон,
Қурол ўқталиб гүё яйловни килди пайҳон.

32.11. Буюкликка нолойик ружув қўйган баъзилар
Торож килар бирорвлар мол-мулку месъросин.
Ашавонни қайтарар Эзгу ўй ихлосидан.

32.12. Сўз борки, одамларни эзгу ишдан чалғитар.
Урваҳш, дея молларни ҳалок этганни Мазда
Қаҳрига олар, улар – карапанча ўғрилар.

32.13. Борликни вайрон этиб, торож этган Грехма –
Ҳукминг ила дўзахга йўл олсин, у – гийбатчи.
Пайғамбар унга гүё Ҳакиқатни айтмасмиш.

32.15. Шу боис кавий ва карапанлар ғурбатда.
Имонлиларга кун бермай, илохий иродатга
Бўйсимиш тушар охир дўзахий укубатга.

32.14. Герехма, жоҳил Кавий – мени тутқунда саклар
Ақл кучини Ёлғонга кўмаклош этди улар.
Демишилар: «Бука суйиб, тутатинг исириклар!»

32.16. Эзгуликлан баҳра олгай, бу ҳак гаң, аксин қылған.
Мазда, мендан ёв хавфини йирок айла, бұлсın даф!
Ахура, курашмоққа күч бер менга, йүк бұлсın Елғон.

Ясна 33

33.1. Тирикликтінг, борликтінг асосидир Ҳак,
Артадыр дунёнынг борлық конуны.
Барчага ҳак йүлин фарз эрүр тутмок
Артабоң масъулдир, дуруғбон агар
Адашса, тұғрилік йүлиға әлтмок.

33.2. Барчадан лозимдир эзгу андеша
Дуруғбанд ёлғонин йүлин тусмокқа.
Ул гуноқ бандасин яхшилік сари
Етаклаб савобға дохил ҳамеша¹
Ахура меҳридан униб усмокқа.

33.3. Ким агар ҳақ йүлин тутса – артабон,
У билан ким агар йүлдошу ҳамкор.
Охират манзили бұлгай Гранудмон!
Ким агар үз аклу идреки бирлан
Борликтің ёвузылғы комидан омон
Сакласа, унгалир *Мазда* Мехрибон.

33.4 Ае *Мазда!* Менинг сен ардоғымдасан!
Мадад бер! Сүзимга бовар қымасынг,
Аросат банданинг, алдоққа учган
Дүстүр ёр йүлиға ҳак нурин сочай.

33.5. Мен буюк орзуим Эзгу ниятта,
Үнинг адли ичра абадиятта
Етишмоқ йүлида илохий мадад
Бермогиң армонаң солдым күнгилга.
Эзгулик илохи, сени чорлайман
Ашаң – ҳақ Шахриёр бұлған манзилга.

33.6. Артанинг құшыгын, ҳақ күйин күйлаб
Эй Баҳмон, сенга бир илтижоим бор.

Йул кўрсат, токи мен *Маздан* ўйлаб,
Одамлар калбида айлай баркарор
Аҳура, орзуим - сен билан дийдор.

33.7. Ҳузуримда ҳозир бўлинг! Яхшилар
Яхшиси *Мазданинг* Кузи ўнгида
Вахумана ва Арта гувоҳ бўлсинлар
Тоагу ибодат, намоз сўнгидан
Мукофот, ажрлар бўлсин намоён.

33.8. Эзгу ўй изидан издош истагим
Нидосин тилтланигиз, илтижом Сизга!
Ниятим сизгадир айни муносиб
Ҳакнинг ҳак ҳурмати *Мазда* ва Мурдод
Ва Хурдод, абаллик бағишланг бизга!

33.9. Артанинг Чинлиги қувват бағишлаб,
Унинг улуглигин осмонга баланд
Элттувчи Хурдоду Ҳакку Амэрэтот
Пок бўлса ниягинг бўлгувсидир эш.
Охират кунида икки малакдан
Ажабмас, бизга-да насибдир бихишт.

33.10. Сенинг борлиғингда эзгулик азал,
Ҳозир бор, позир у, абаддир абал
Азалда, ҳозир ва келажак албат
Бер Эзгулик учун фарогат бадал
Эй *Мазда*! Вахуман, Арта, Шахриёр
Йўллағи Ҳидоят бўлсин ҳар маҳал!

33.11. Испандармат, Аша ва Шахриёру Вахуман
Қудратлари кўмакдош Оламни тутиб турган
Эй Аҳура *Мазда* сен сўзимга тутгил қулоқ
Гуноҳларни кечириш чоғингда бизга ҳам бок.
Сен ўзинг-ку мағфират ваъдасин охир берган.

33.12. Мукаррам кил, токи бизни Испандармат ва
Оlam руҳи қулратидан килгил баҳраманд.

Бахшида кил эзгуликнинг ажрини бизга
Ибодату, назру ниёс бўлсин давомат.
Ҳакиқат снгишлиги, эзгу ният
Ғолиб бўлсин, устувор эзгу ният.

33.13. Ўз мулкингдан менга мадад бергилки, мудом
Кизинг Аши тақдиримда, Испандармат ҳам.
Үргат менга дин-диёнат – бу сендан ўтинч.
Олий Ақл бергин менга, эй Ҳак, эй Ҳакам,
Узокларни кургувчи – сен, Вайуби чашман.

33.14. *Зардушт Маздата* бори бисогин
Кучу кудрат, бори ҳаётин
Эзгу ният, Эзгу сўз ила
Чин юракдан назру ниёз
Килди, дилида Эзгу ният.
Эзгу сўзу эзгу амални
Айлади пайваст, айлади эъзоз.

Ясна 34

34.1. Артанинг Чинлиги қувват бағишлаб,
Унинг улуғлигин осмонга баланд
Элтгувчи Хурдоду Ҳак ва Амэротот
Пок бўлса ниятинг, бўлгувсиdir эш.
Охират кунида икки малақдан
Ажабмас бизга-да насибидир мадад.

34.2. Сенинг борлигингда эзгулик азал, ҳозир бор, нозир у,
абаддир агад
Азалда, ҳозир ва истикболда бер Эзгулик учун фароғат
бадал.
Эй *Мазда!* Ваҳуман, Арта, Шаҳриёр ҳидоят бўлсин бизга
ҳар маҳал!

34.3. Испандармат, Аша ва Шаҳриёру Ваҳуман
Кулратлари кўмаклош Оламини тутиб турган
Эй Ҳўра *Мазда*, сўзларимга туттил қулоқ
Сен ўзин-ку мағфират ваъдасин охир берган.
Гуноҳларни кечириш чоғингда бизга ҳам бок.

34.4. Эй *Aхура* оташингни истаймиз Ҳак билишни,
Ўта чакқон ва курратли зот Сенинг ўзингсан.
Оловинг тиллари-ла Асли кони зарар ул разолатга биз
дупман.

34.5. Давлатингиз соясида мен бечорани асралғ ҳақ Эзгу
фирим учун
Девлару ҳайвонлару одамлардан қўйган Сизни бандангиз
устун
Сизниг ҳукмнингизга барча тебе, ёвуздар эса албатта
маҳкум.

34.6. Ҳакикат ва Чин эзгу фикр-ла дунёни янгилашинг
Ҳакида берсанг эди бир ишончли ишорат менга
Хузурингта мактобингда намоз билан келардим.

34.7. Кани сенинг, эй *Mазда*, Эзгу сўзинг уққанлар?
Билик очун қайгусин этмасми охир барҳам?
Билганим Сен, Сен химоям, сен Ҳақсан, эгам!

34.8. Савоб амалларимиз кимгадир куркув ва хавф
Чунки Имон гарчи ожиз, йикар кучли ёғийни.
Ҳакиқатта зид фикрли кўрмас беҳишт богини

34.9. Муқаддас Исфандармат оқиллиги сендан, о *Mазда*!
Оқилликни ортга отган ул ёвуздар Баҳмондан нари.
Қоч улардан Аша, храфстра биздан қочган сингари.

34.10. Эзгу ўй, Ҳолик ва Ҳак, ҳам унинг сафдошлиари
Aхура Mазда ҳукмидан ҳимоят топғанларнинг
Эзгу амалларидан Оқил зот вокиф факат.

34.11. Хурдод билан Мурдод сенинг тириклик ғизоингдир.
Баҳмону Ордубихишт, Шахриёр, Исфандармат,
Аша ва Ҳак – бўлсалар бир, о *Mазда*, бу – ёвга даҳнат.

34.12. Эй *Mазда*, ҳамду олқиши, дуюю такбирларим
Ўзингта маъқул этдинг қай йўсина булмогин?
Аша йулин ўргат бизга, насиб эт беҳишт богин.

34.13. *Aхура*, Окиллик-ла ул йүлни менга күрсат.
Аши кайда, кай йүлдан келур Осушийантлар?
Ваъдангта лойиқ ажринг, насибми бизга жаннат?

34.14. О *Мазда*, Эзгу ўй хохиши шулки,
Сенинг розилигинг, таълимотингдан
Чорваси семиз бўлсин, эли фаровон.

34.15. Эй *Мазда*, бизга билдири эзгулик қаломини
Эзгу амалда булиб, токи сидқидил билан
Эзгу ўй бирла сенинг килайлик дуоингни.

43-Ясна. Уштаванти «Гоҳ»

Ҳак истаги Ҳақдир, ҳакам барчага
Истасанг *Aхура*, сен *Мазда* қодир.

43.1. Ирод этсанг ўзинг ҳакам, ўзинг Ҳак,
Мазда ўзинг, *Aхура* ҳам асли ўзинг!
Боқийлик бср, куч ато эттил мутлак,
Токи мен Ҳак йўлин тутай, ҳам Сўзинг
Оқилларга етказмоққа айла муваффак.

43.2. Кимга ким баҳт ато этса, унга-да баҳт
Келар албат, эзгу ишлар изсиз колмас
Сен муқаддас рух билан бир-қоришгансан
Ҳакиқатга ошно ўзинг, эзгу ўйсан
Оlam ахлин ҳар куни, ҳар бир дамини
Эзгудан-да, эзгуроқ кил, шодлик ичра кил шодмоҳ.

43.3. Имонли эр имоничун орзулади ушалсин
Ҳалос йўлин ўргатар ул-холис йўли тўшалсин
Борлик астум дунё эзгу ният ила бор бўлсин
Сенга томон етакласин имонли эр барчани
О муқаддас *Aхура* *Мазда*, Биҳишт маконинг тўлсин.

43.4. Сени исфанд атарман, о кудратли *Aхура*,
Ўзинг билиб берарсан ажр ёки жазони
Ёлгон ўз жазосини, Ҳакиқат мукофотин

Тонар охир окибат, чунки сенсан Ҳакикат
Бул ззгулик сенлантир. Сендантир эзгу фикрат.

43.5. Тақдирим биттан чоғинг, ибтидаёк таниб
Эзгусан, муқаддас дедим сени, *Мазда Ахура*.
Эзгуга ажр, ёвуз сүзга жазосин айладинг тайин
Ақлингдан куч олиб, мен ажрингни топайин.

43.6. Муқаддас рух булиб ташриф айладинг
Шаҳриёру Қахмон, Атпа сенга эш.
Эзгулигинг йўлида Ҳакиқи танладинг
Ҳакикат, бу Аша, сен-ла купаймиш
Ҳакамсан, хукмингни *Спента Армайтий*
Хабар қилгувсидир, сенсан Оқиллик.
Ҳеч кимса Ақлигни алдай олмайди.

43.7. Муқаддас билиб, о, *Ахура*, сени танлаган
Онимда сўрадинг: «Кимсан, кимдансан?
Қай куни хабарим билдинг, узлигинг
Қачон англадинг, ўзинг қайдансан?»

43.8. Мен дедим, аввало Зардуштман, чиндан
Ёвдирман барча ул кабиҳ разилга
Кудратим таянчи имонли билга
Ёярдим, *Мазда* донғингни элга.

43.9. Ибтидода сени танигандаёк,
Муқаддас атадим сени, эй *Мазда!*
«Кимга хизматдасан, кимга эшсан, айт?» -
Дединг. Ушанда, мен дедим тезда:
Оловинг мен учун юксак ўззозда.

43.10. Ҳак йулинг курсаттил айлагил ошкор, токи чорлайн
Ҳакикатинг бирлан келсинлар охир Олий Аклга
Биздан ҳам сўрагил ўшал такбирни бизга кил тайин
Кудратинг зиёда айлагич ўшал улуғ таъбирни
Гарчи сен истасанг кучли булмокни такбир айттайин.

43.11. Мен сени фикримда авлиё дерман, *Ахура, Мазда*,
Борлигим эзгулик, фикринг-ла топдинг, мен ўта бахтли.
Ваҳий сұзларингни ёд әсдим илк бор, шунда, о «Гоҳ», бұл,
Деб мени ургатдинг жабру ситамлар, дарду аламлар,
Дединг, жаҳолат қавмидан ҳали анчайин келадир ғамлар.

43.12. Сен менға Ҳак сүзині айтған чөгингда
Итоат этмасға топмадим журъат.
Тақдир эса икки: дұзах ё жаннат.
Турдиму йўл тутгидим истиқболингга
Сурӯшдан етгунча буюк мукофот.

43.13. Сен валийсан дерман, *Ахура, чиң дилдан, Мазда*,
Эзгу фикринг ила топдинг – қалбимда не бор.
Истагим билардинг, истадинг яна билмок:
Башоратим шу, олам баҳтиёр токи жаҳон бор,
Чунки сен олдиндан күргувчи, ўзинг бизга ёр.

43.14. Эзгуликни билгувчи, эй *Мазда*, күлла мени
Дүстга дүст Ҳак йулида муруват килганидек.
Чиң ҳакам сеп ўзингсан, Ҳакиқат мужассами.
Шунда туриб куварман Сүзинг инкор этгани
Ўзимга эш килурман Сүзинг иқрор этгани.

43.15. Сен валийсан, фикримдасан, эй *Ахура Мазда!*
Үргатдинг толған чөгинг Эзгу ўй бирлан мени
«Дилда айтмок эзгу сүзни барадыдан яхширок,
Эътиқодни күз-күз қилас мактанчоқ ва бакироқ
Бундайин зот мунофиқ, иймонга эмас ўртож».

43.16. Эй *Ахура, Заратуштра* сенинг мұқаддас рухиниг
Ҳаклигин йўлин ганлаб, кучига куч қушилди.
Күёшдек порлок Аша донолик-ла муносиб
Эзгу амал ажрини етказар бир кун насиб.

Ясна 44

44.1. Сұрайман, чин сүзинг айтгин, *Ахура*,
Дүст дүстіга муруват күрсатған каби –

Намозинг кай йусин айлайнин адо?
Ашага қовуپімок қалбим матлаби,
Ваҳумон бизга уни айларми фидо?

44.2. Сұрайман, чин сұзинг айтгин, *Ахура*,
Дүст дүсттә мурувват курсаттан каби –
Очун жавхари сен, *Мазда!* Ҳак билан
Ким бирға – топарми нажот? Сен табиб
Оlam дарди сендан топарми малҳам?

44.3. Сұрайман, чин сұзинг айтгин, *Ахура*,
Дүст дүсттә мурувват курсаттан каби.
Тугилаңда Ҳакикат кимдир отаси?
Күёшу юлдузларниң ким очган йулии?
Недан Ойнинг хилоли, недан у тулин?

44.4. Сұрайман, чин сұзинг айтгин, *Ахура*,
Дүст дүсттә мурувват курсаттан каби.
Осмону ер турумин тутиб турған ким?
Набототу сувнинг айт изми кимда?
Шамол аравасин торттан құш Ҳұқыз
Вахумана – Эзгу үй яралған кимдан?

44.5. Сұрайман, чин сұзинг айтгин, *Ахура*,
Дүст дүсттә мурувват курсаттан каби.
Кимнинг сунъидан кеча ва кундуз,
Уйғониш кимдану кимдан уйқумиз?
Бомдод ва пешинда, хуфтонда эзгу
Ишимиңизни бизларга эслатгуучимиз?

44.6. Сұрайман, чин сұзинг айтгин, *Ахура*,
Дүст дүсттә мурувват курсаттан каби.
Исфандармат Ашага қувватми охир?
Олий Ҳакамлигинг Ваҳумонданми?
Кувонч неъматимиз чорва сенданми?

44.7. Сұрайман, чин сұзинг айтгин, *Ахура*,
Дүст дүсттә мурувват курсаттан каби.

Отага ким ўтил ато эгаркан?
Сураш муддаомдир мукаадас рухинг,
О *Мазда*, сен ўзинг парвардигорсан.

44.8. Сўрайман, чин сўзинг айтгин, *Aхура*,
Дуст дўстга мурувват курсатган каби.
Саклашни ёдимда ўргат сўзларинг
Ваҳумана билдирган ўгит сўзларинг,
Охирад қалбимга кувонч булгувси
Ҳақдан нидо ўшал ибрат сўзларинг.

44.9. Сўрайман, чин сўзинг айтгин, *Aхура*,
Дуст дўстга мурувват курсатган каби.
Ҳақ дининг қай йўсиш тақрир айлайин?
Эзгу Ҳакамга кайтиб тақбир айтайин?
Дининг мақбул деганг ваъданг беҳишт,
Гранудман насиби Ҳакқа бўлсак эш?

44.10. Сўрайман, чин сўзинг айтгин, *Aхура*,
Дуст дўстга мурувват курсатган каби.
Диистарнинг яхшиси беҳдинми ахир?
Аша шарофатими – чорва мул бўлғай?
Муносиб оқиллик, сўз, амал билан,
О *Мазда*, насиби мизга илми гайб?

44.11. Сўрайман, чин сўзинг айтгин, *Aхура*,
Дуст дўстга мурувват курсатган каби.
Дилингдан кимгadir бердингми ахбор?
Е фақат меними чорладинг илк бор?
Ўзгалар менга св, мен сенга ҳабиб.

44.12. Сўрайман, чин сўзинг айтгин, *Aхура*,
Дуст дўстга мурувват курсатган каби.
Иккидан қай бири ёвуз ё эзгу,
Другбанд қай бири, қайси ашабон?
Ёлғон қай томон – Сенга у душман.
Ҳак томон агар ким, буларми ёмон?

44.13. Сұрайман, чин сұзинг айтғын, *Ахура*,
Дүст дүсттә муруват күрсатған каби.
Не кілсак Ілғонни ҳайдаб солурмиз?
Калб қулоги чиппа биттанга борсин.
Баҳмон әзгулигин таң олмас ағар
Хақиқат душмани Ілғонга борсин.

44.14. Сұраймал, чин сұзинг айтғын, *Ахура*,
Дүст дүсттә муруват күрсатған каби.
Ілғонни, қүш құллаб Ҳаққа топширсам,
Анашаңонни Сұзинг-ла Ердан қуритсам,
Шунда чиндан Ілғонга зақмат етарми?

44.15. Сұрайман, чин сұзинг айтғын, *Ахура*,
Дүст дүсттә муруват күрсатған каби.
Әзгулик ва ёвузылғы – лашқар юзма-юз,
Сұкишда омонлигим измингідә бұлса,
Ирод айлармисан, ғолиблик ҳаққын
Әзгулик топмогига берармисан сұз?

44.16. Сұрайман, чин сұзинг айтғын, *Ахура*,
Дүст дүсттә муруват күрсатған каби.
Борми илмингдан нажот, йүғу боримни,
Ким асрайди, эй *Мазда*, химояти ким?
Әмчи йұллаб буюр, Олам дарлиға
Сурушу Вахумана бұлсингелар ҳаким.

44.17. Сұрайман, чин сұзинг айтғын, *Ахура*,
Дүст дүсттә муруват күрсатған каби.
Сениң мададингта қандай етишай?
Сенға узвий бұлай, сұзимга күч бер
Ҳақ сұzlари билан күнглини топиб,
Хурдод, Мурлод-ла дүст тутунишай.

44.18. Сұраймал, чин сұзинг айтғын, *Ахура*,
Дүст дүсттә муруват күрсатған каби.
Үн байтал, бир жиірон ва бир бош түя
Хурлоду Мурлоддан менға насибми?

Иккови ҳам сендан, тансоғлик бири,
Иккинчисидан умрим абадnihоят.

44.19. Сүрайман, чин сүзинг айттин, *Aхура*,
Дүст дүсттә муруват күрсатган каби.
Муносиб эътиқод учун мукофот
Ваъда этиб уни ким адо этмас?
Унинг жазоси тайинми азал?
Бу ўзи маълум эди аслида аввал.

44.20. О *Мазда*, десвлар эзгу ҳакам булурми?
Ул кazzоблар ҳолин сендан сүрайман.
Улар иймонсиздир, караплару Ҳешмга,
Кавийга чорва бериб, яйловни ғорат килар.
Ҳакикатга улардан шубҳасиз оғат келар.

44.21. Бу банд зардушийликда энг муқаллас дуоларнинг
номлари ва уларни шарафлашта даъват сўзларидан иборат.

Ясна 45

46.1. Кайга қочай, қаерлардан излайн паноҳ,
Қон-кардошу аймоғимдан кувилган бўлсан.
Вису занту сўзларингни писанд этмас, оҳ!
Дуругбанддир ҳаттоки даҳйупат, эвоҳ!
Сени кандай рози қиласай, эй Олий Ҳакам?

46.2. Чигайлик ёмон, билдим, *Мазда*, эканман ночор,
Чорпо, молу ҳолим кам, на бир купроқ хизматкор.
Оҳим сенга, *Aхура*, мен томон сол назар,
Эзгу ўй Ҳакикатин Эзгу ният-ла кўрмок
Дүстни дуст куллаганлек, менга бўлсин мұяссар.

46.3. Эй *Мазда*, кўк буқалари бизга ҳаёт
Эй *Мазда*, биз учун кўк буқалари
Ҳакикат карвонин йулга соларлар
Ходий зотлар иродаси, аклу идроки.

Ясна 47

- 47.1. Мукаадлас рух билан Эзгулик – маслак,
Хак йүлигэ мувофиқ бүлса сүз, амал,
Ашабонга башида Хурдод ва Мурлод
Ахъра Хакамдир, Исфандлик – тамал.
- 47.2. Бу Олий рухнинг асли ўгитлари эзгулар
Энг Эзгу ўй бирла эзгу сўзи таҳтба-таҳт.
Исфандармат қули-ла эзгу ишлар ўзгурдир,
“Хакнинги отаси – *Мазда* таълимидан Хакиқат”
- 47.3. Сен бу рухнинг отаси, отасисан мукаадлас
Бахшиш айлаб унга сен чорвани яратғансан
Яйловларини сўлим, Оромбахш, осойишта
Айламиш Исфандармат бирла кодир Вахуман
- 47.4. Дуруванд Олий Рухдан терс бокар
Ашабон эр эрса буннинг аксиdir.
Чигайми ё бой бўлсин, хар иккала эр,
Ашабонга стмасин улардан озор.
- 47.5. Эй *Мазда*, Мукаадлас Рухдан ажрини
Имонлига ижобат ваъла килгансан.
Дуруванд лутфингдан маҳрумдир албат
Ёвуз ният жазосин қаъда килгансан.
- 47.6. Мукаадлас рухнинг ва эзгу оташинг
Кофил, эй *Мазда*, икки тақдирдан
Охирада эзгусин танлашга шошиб,
Келарлар кўп одам имон талашиб.

Ясна 48

- 48.1. Гар Хакикат устун келса Ёлгондан
Дев ё одам *Ахъра* *Маздага* шон
Шараф сўзин ишлатса ошкор аён
Үлмас деву одам *Хурмузд* шаънига шон
О *Ахъра* куч қудратинг бунда намоён

48.2. Билгасен, айт, аё *Хурмузд*, Аълам зотсан
Ёлғонларнинг жазосиги имонли эр
Бериб ғолиб бўлганда, ёй улуғ *Мазда*,
Эзгу борлик топгаймикин ўз асосин?

48.3. Сенинг эзгу таълимотинг кабул айлаган
Бандаларинг, эй *Аҳура*, Ҳакиқатинг-ла
Зиё топган авлиёлар сўзларинг тинглаб
Эзгу Ақл билан топгай теран мазмунинг.

48.4. О *Мазда*! Ким ўша Эзгу ва ёвуз
Ниятларни ҳамроҳ айлайди дилга
Ёвуздир ё эзгу амал бирла сўз
Ақл ила топмаса ҳакни бил афсус.

48.5. Эзгу ҳукмдорлар, ёвуздар эмас – бизга
Эзгу таълимотдан бош бўлсин амал ила
Пок айла туғмоқда то улимгача, гуноҳ кувилсин!
Чорвани сийлагин, ул насибадир ризкимиз тулсин!

48.6. Чорва - тўклиқ, ул бергайдир умрзоқликни
Кучу кудрат Эзгу фикрат Ваҳуманага
Ҳак кудрати *Аҳура Мазда* сут оқлик учун
Кўм кўк ўтлок яратгайдир Говмиш – онага.

48.7. Эзгу ўй йўлдоши ким, Фазабни килсии ҳалок.
Мен *Аҳура* Ҳак дўст унга, мен унга паноҳ
Уйи менинг матзилимдир, хатардан ҳалос.

48.8. Эй *Мазда*, исдандир, кудсий Мулк ҳукминг кудрати?
Эзгу амалларим гаров, исдир бунга сийлов - химматинг
Сен маъқуллаб тан олган Эзгу амал савоби қанча?

Ясна 51

51.1. Бахту омад келтиргич эзгудир ул ҳакамлик
Солиҳ амаллар учун. Кимки ҳак йўлда бўлса
Мазда ато айлагай, ул сира курмас камлик.

51.2. Кел, эй *Мазда*, эй Аша, сен үзинг Ҳакиқат.

Сен Армайти – Окил малак, күрсатчи менга.

Эзгу ният фариштангдан токим топайин нажот.

51.3. Менниң сүзим сенгадир, эй сүзим тинглагувчи.

Чиндан ҳам Сен *Ахура* үзинг ҳаксан пубҳасиз.

Үгит бергувчи үзинг, ҳак йулда устоз азиз.

51.4. Айтакол менга, кайла азобларнинг якуни,

Уқубатларга тортиқ, худонинг истиғфори.

Ҳак маңзили қайдалир, Испандармат макони

Ваҳумана саройи – эзгу ният пойдори?

51.5. Мен сендан суроқлайман: эзгу амалли Чупон

Эзгу намозда хүшёр, Окил тилак билдири

Унга насибам Чорва, икки йул ўртасида

Илохий сўз этаси, *Мазданинг ўрдасида*.

51.6. Икки йул ўртасида ким ислами танласа,

Эзгуликни ким десса, *Маздадир одил*

Ёвузлик учун сса, ёвузликдан-да ёвуз

Охиратда топажак жазоси хеч булмас кам.

51.7 Ато эттил, эй *Мазда*, чорванинг холикисен,

Хауроват ва Мурдод, сувлару ўсимликлар

Барчаси сенда асли, Менга ҳам беринг қудрат

Эзгу фикрат, эзгу сўзда бўлайн мен баркарор.

* * *

Авеста китоби минг йиллардан бери аждодларимиз да-
ҳосини ўзида ве эттириб келаётган *Маздаясна* (*Маздага топи-
нувчилар*) динининг муборак битиклари хисобланади. Авеста
китоби борасида жуда узок даврлардан бери бир-бирини инкор
этувчи фикр ва мулоҳазалар билдириб келинмоқда. Ҳатто унинг
яратилган даври ва жойи хусусида ҳам олимларнинг фикрлари
бир эмас. Аслида Авеста китоби «*Исо Масиҳдан, таҳминан, ет-
ти мин*» йигит анвагт унинг яратиучилари таъмонидан кўйташ кетин-

ган»³¹⁸ булиб, кейинчалик китобат қилишган. Хуш, агар аввал оғзаки тарзда яратилиб, кейинчалик ёзилган булса, бу ерда Заратуштранинг ўрни қаерда? Гахамбар³¹⁹ Аша³²⁰ Заратуштра Спитами ёки шу матнларнинг яратувчиси (балки тартиба солувчиси) булган ёки оғзаки диний матнлар учун алоҳида алифбо яратиб, китоб ҳолига келтирған тарихий шахсdir. Бундай тұхтамга келишимизгә сабаб шуки, авеста тилида ёзилган Авеста китобидан бошқа бирон манба ҳозирги фанга маълум эмас. Ҳатто бу ёзув тури борасида Абу Райхон Беруний «Зардушт мајусиylар «Абисто» деб итапидиган китоб билан [юзага] келди. Бу китоб барча бошқа халқлар тиілдеги мухолиф бир тиіда [ёзилган] ва алоҳида тартибда бўлиб, маҳсус бир тиіл әгалари билib, бошқа тиіл әгалари билмай қоямаслиги учун [у тиідаги] ҳарфлар сони ҳамма тиіллар ҳарфларидан ортиқ эди»³²¹, деб ёзади.

Китоб яратилган макони эса Қадимги Хоразм давлатидир. Бу давлат борасида археология фанининг берган маълумогларидан кўра униш ҳудудлари анча катта бўлганга ўхшайди. Ҳархолда, Авеста китобидаги үлкалар таърифи шундай фикр юритишга олиб келади.

Мазкур китобининг юраги бу – *Заратуштра гаталаридир*. Гаталар Авестанинг энг қадимги кисми бўлиб, ўзига хос мураккаб тиіда бигилгандир. гаталар тили Авестанинг қолган бошқа қисмларидан фарқ килади. Гаталар ҳажм жиҳатидан кичик булсада, (ёрдамчи матнларни ҳам ҳисобга олганда, унда жами 6045 та лутғавий бирлик, ёрдамчи матнларсиз эса 5255 та сўз, 896 та қатор, 238 та банд(строфа), 17 боб ҳоити – муножот бор) унда *Заратуштра* таълимотининг мағзи берилган. Инсониятга ҳозиргача маълум бўлган манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, гаталарда илк маротаба яккахудолик-ваҳдоният ғоялари илгари суриласди. Бу тарихий ҳақиқат дин моҳиятини тұлиқ англамаслик, дин вакиллари томонидан муқаддас деб зътиқод қилинувчи калом –

³¹⁸ Bejon N. Desai. A manual for learning Avesta. - Mumbai, 2004. – P.54.

³¹⁹ Пахлавийчайд «гоҳ (диний муножот)ларни бар (олиб келувчи)» мъъносларини винглатади.

³²⁰ Аша сўзи Авеста тиілда «адолат» мазмунини билдиради. Инсонга нисбатан кулланылганда «адолаттўй» мъъносини беради. Бу суз іаталарда энг фаол кўлланылган каломлардиндир.

³²¹ Ал-Беруний Абу-р-Райхон Муҳаммал иби Аҳмад. Таилланған асрлар. Т. 1. Торжимон А.Расулов. Изохларни И.Абдуллаев ва А.Расулов тузган. Масъул мұхаррирлар: И.Абдуллаев на О.Файзулаев. /Қадимги халқлардан қолган ёдгорлистар/. Кириш сўзи И.Абдуллаев на О.Файзулаевни. Г.: «Фан». 1968. – Б. 237.

мансарайар тилини билмаслик натижасида бузиб күрсатилди. Буни ўз вактида англаган авесталог олимлар *Заратуштра* гаталарини айнан авеста тилидан таржима қилиши кераклыгини қайтакайта таъкидлаб келмоқдалар.

Гаталарда күплаб рамзий белгилар, яширин ишоралар күлланилганки, айнан мана шу омил жуда күплаб тадқикотчиларни янгишиб кетишларига сабаб булали. Бандлардаги (биз бобнинг маҳсус қисмчалари-строфани шундай атадик) деярли ҳар бир сўз икки-уч маънони англатади. Бу эса уша сўзнинг кенг тарқалган маъносида таржима қилинишига олиб келса (кўпгина таржималарда мазкур хато учрайди), мати бошқа мазмун, яширин маъноси билан таржима қилингнида эса мутлақо янгича моҳият касб этади. Ҳатто кўринган маъносида (таржимада зохирий маъно деб берилди) таржима қилиш динни кўпхудолик-политеизм деб тушунишга олиб келади. Агар дин биз тахмин қилаёттандек, монотеизм бўлса, нега энди унинг ақидаларини баён этишла кўпхудолик динига тегишли терминологиядан фойдаланилди? Буни куйидагича изоҳлаш мумкин:

– Кўпхудолик дини вакиллари *Заратуштра* (агар у диний тояларнинг тарғиботчиси бўлса) яшаган даврда хукмрон бўлган бўлсалар (*Заратуштранинг* ўз ватанидан ҳижрат қилиши бунга ишорадир), у ўз таълимотини шундай яратганки, динни қабул килганлар уни тинглаганларида кўпхудолик дини тушунчалари остида яширганг анслаганлар, даъватни эшитган хукмрон донира вакиллари эса уни ўз динлари деб тушунганлар, яъни бу *Заратуштра* учун ўзига хос никоб вазифасини бажарган;

– *Заратуштра* яратган (ёки олиб келган) таълимот соғ ваҳдоният булиб, вакт ўтиши билан атайлаб бузиб таъкин қилинган ва ҳозиргидек кўпхудолик мазмуни биринчи плаига чиқиб олган (ҳали бу версия олға суримаган ва габиийки исботланмаган).

Аҳунаванти гата

Илоҳ³²² номи билан (бошлайман)³²³.

³²² Илоҳ деб мавъи беринган қилима Авеста тилисида «язд» деб берилган. Бу сўз «язд» сўзидан исалган. Кўшина Авестанин гаржималарида у «худоъар» ёки «кўзи худоъар» деб кўрсатилинади. Аслида эса Олиҳ Илоҳ Ахру *Mādā* нинг 101 илемидан лиг биринчиси «Язд»дир. Шунинг ўти ҳам зардустийлик тътиқодинини яккахудоликка асосланганлигини кўрсатади.

Зот³²⁴ ва распи³²⁵.

0. (Күйіда) Аша Заратуштраниң (*Aхура Мазда* нозил қилеман) фикр, сұз, амал(лар)и. Амеша Спенталар ва Гаталар (оламига)ға марҳамат қилиш. Уларга иймон көлтириңг. Эй мұқаддас Гаталар, мен сизларға буюк эктиром ила ибодат қиласман.

1. Ибодат қиласманки, құлларим билан, Сенға *Мазда*, Аша Спента, әзгу фикр билан Геуш Урванта хүшнудлик баҳш айлағын. (икки маротаба)³²⁶

2. Зот. Эй *Мазда Ахура!* Мен сен томон *Воҳу Мана* воситаси билан бутун борлығым билан талпинаманки, сен мени (хар иккі оламда:) ҳам моддий (яғни бу дунё), ҳам рухий (яғни охират ҳаёти)да ажру-савоблар билан мукофатлаган!

3. Эй *Мазда Ахура*, Аша ва *Воҳу Мана!* Мен сен учун аввал кимса әшитмаган қүшикни түқийман. Менинг дуоларимни ижобат айлашинг учун Армайти Хшатрани юксак даражага күттарсЫН, (унинг даражасини) насытирмасын.

4. Эй гүзәл хилқатда яратылған рух! Сендан *Мазда Ахура* (бергән илохий) таълимот воситасида (одамларни) адолат ва яхшиликка доимий ҳидоят қилишимда менга мададкор булишингни сүрайман.

5. Эй адолат ҳақидағи билимга йүткілін Аша! Қачон мен сени құраман ва яна *Воҳу Мана* ҳам? Сраоша воситаси билан қачон барчадан меҳрибон *Мазданинг* құзурига бораман? Бу

Хар бир динда әзгу амаллар үз илохининг номиниң айтишлар бошланғаныңдек, Маздаасна (зардуштийлик)да ҳам хайрли санаған ишлар илох номи биләу болылапади. Масалан, Ислом диніндегі «Аллах - мәхрибон ва рахимли Аллах номи билан (боплайман)», дегандек.

³²⁴ «... бу сұз ҳам хөтирги зардаштылар құлдағы Авеста материяға кейінгі даврларда кирилған «Зот» сүзини «ибодат», «тоат-ибодат» деб таржима қылғып мүмкін. Ағар бу сұз Авестаға зақыт - бошлаб боруувчи, диний маросымларда Авестасы кироят қылувчи рухоний сүзининг бир шекли бұлса, Авестаның кай тәріда үқишлишини курсатып туруувчи қүшичика матидір қозирда ибодат қылғыда Авестаны Зот кироят қылды, распи эса бавзы жойларда үнгі жүр булиб туради.

«Распи» сүзінің ҳам кейінгі даврларда Авеста китобига кириллігінде жүмшалардан булып, «ибодат әяқтида айттыладыған құшик», «мұқаддас битик» деген мағыноларни ифодалайды. Распи деган диний лағовының оташқадаларда мәлжуд булып, уннан ассоциациялар көрініп, оловци ғынышып. Авестадағы «зот» ва «распи» сүздері диний лағовозимни ифодаласа, кироят тәртибиини курсатуячи әрдамны матидір.

Ду бар қалимасы бізге маңытум бўлған Авеста қўлёзмалариниң ҳаммасынгы иисбетан кейинги даврға тегишли эканлигини курсатады. Сабаби, тулық китоб кискартириб конспект қилинген. (du bol) мақкур Авеста кисмийи икки маротаба үқишлишини курсатувчи пактавийча сўзлардир. Авеста китобининг бошка кисмларында төз-тез тақрорланувчи зуоларнинг ҳам кискартичеси бериліши шунданыпидір.

илохий каломни тиловат килиш билан шайтондан *Мазда* томонга одимлаймиз.

6. Адолат йүлини туттган зотларга мукофот берувчи булган Зот, кел! *Воху Мана* орқали *Заратуштра* ва такводор зотларга узок умр, бахтиёрлик ҳамда эй *Мазда*, (үзингнинг) мукаддас ва мукаммал ҳамдинги юборгинки, унинг воситаси билан қасоскор ва доимий адоватлашувчилардан бизларни ғолиб қилгин!

7. Эй Аша! *Воху Мана* маҳсули булган эзгуликларни ато айла! Эй Армайти! Сен менга ва Виштаспга орзу қилган эзгуликларимизни (амалга оширишда) мададкор бўлгин. Эй *Мазда*! Сен вахий ила нозил қилган илохий таълимотингни (барчага) кенг тарқатувчиларга үзинг куч-кудрат ато айла!

8. Эй сен! Сен барчадан олийсан, сенинг олийлигинг шу қадарки, (хатто) у Аша билан тенгланиши. *Аҳурадан* Фрашаоштра ва суюкли намозхон зотларга – улар шундай зотлардирки, ибодатларини тўлиқ қиласидар – *Воху Мана* билан неъматланиш бахтини мусассар айла!

9. Эй *Аҳура Мазда*! (Одамларга) Аша воситасида олтин каби қадрли тафаккур қилишни ўргатувчига, унинг ўзи (Сенга) ҳамд айтувчидир, раҳматининг ёғидир! Мана шу (ҳамд айтувчининг йўли) энг яхши (таълимотдир). Сизлар (эй одамлар.) орзиқиб куттилганнинг (таълимотига өргашиб) умидида Хшатрани бахтиёрлика (бошлайсизлар).

10. Эй *Мазда Аҳура*! Ҳеч бир шубха йўкки, албатта сен адолат ва яхшилик учун курашганларнинг орзусини камолот ҳосил қиласидан донишмандлик билан тўлдирасанки, окибатда (у банд) сенинг ҳузурингда олий макомларга дохил бўлади. Аниқки, сен ўз каломинг билан доимо сенга қалбларида мадҳ айтувчиларни (дунёю-охиратда) бообру бандаларингдан қиласан.

11. Бу мұқалдас таълимотлар воситасида Аша ва *Воху Мана*-ни абадул-абад ҳифз этарман. Эй *Мазда Аҳура*! Сен менга руҳинг ва сўзларинг билан оламнинг яратишинг ва унинг аввалги борлиғию унда ўрнатилган тартиботлар ҳақида маълум қил.

12. Зот ва распи. «Аҳя яса»³²⁷ ... «Геушча урванем»³²⁸ (икки маротаба). «Ята аху вайрё»³²⁹ (тўрт маротаба). «Ашем воху»³³⁰

³²⁷ Шу сўзлар билан бошланувчи дуога ишора. Бу дуонинг тўлиқ матни Ясна 28:1 да берилган Авестанинг қолған кисмларидан эса ушга ишора қиласинган.

³²⁸ Дуони шу кисмigaча ўюиш ларкорлини кўрсатади. Бу Ясна 28:1 нинг бошидан охиригача деи анидир.

(уч маротаба). Бу ҳайти³³¹ ибодат килмок учун (нозил қилинган). «Еңіхе ҳатам»³³² – (адолатни) севгувчи инсоннинг буюк амали шуки, *Мазда Ахуранинг* барча эзгу ҳамдлари ҳақидағи билим Аппанинг ортидан уларга ва буларга амал қылғанларга ошкор бұлиб боравсришини (англаб боришидир).

Ясна 29

Зот

1. Сендан Гсуш Урван сүради: «Сен мени нима учун яратдинг? Ва ким менга бундай қадди-қоматни ато айлади? Аешема үз одати буйича мени жанжал ва құпоплик, (данғасалик билан) күрғоқчылық, шовқин-сурон ва шошқолоклик, қаҳр-ғазаб қилишим учун васваса қилади. Мени бундан халос айлайдиган биронта ҳам қудрат йүқдир, илло Сенинг мададинг (эй *Ахура Мазда*). (Сенинг ёрдаминг) ерга ишлов берішдірким, у яхши ибодатдир.

2. Гсушга қадди-қомат ато қылған зот марҳамат қилиб Ашадан сүради: «Ким(ни) Она заминда адолат дастури билан фармон-бардорлық килишга энг лойик (деб биласан)? *Ахура* үнга шундай бир саломат (идрок) ато этадики, натижада у Ҳак борасида бүхтон қылувчи ва Аешемага (бу дунсю-охиратда бирон) насиба қолдирмайди».

3. Аша жавоб қилди: «Инсониятни қайгу-аламлардан халос этиб. Сенинг илохий таълимотингда буйрилганидеск, адолат (нинг устун булиши йүлидаги уринишларида уларга) боп буладиган са-мимий инсонни билмайман. Мен у ошик-орзуманднинг ҳузурига

³³¹ Шу ном билан бошланувчи дуо. Бу дуо қиска бұлғаннандаған гаталарда ун маротаба тұлғыннан қолда берілген. *yathā ahū vairyo zaotā frā-tiṣṭe mṛtē. aīhā ratuṣh ashācīt hasc frā aśhava vīdhvā mṛtaḥ* – жаноби (Ҳак таълим бергани)дек, әй рұхоний, биыларға ҳам диний таълимотларни ўргат! зот шу дүни үкігализа, распи *yathā ahū vairyud ub zaotā frā-te mṛtē* – кимга жаноби (Ҳак илмда насиба ато эттан бұлса), әй рұхоний, у биыларға диний таълимотларни ўргатсан! тиловат қилади.

Иловага қараш.

сүзи *ш* (гаталарнинг боблари)нинг бошқаша номланиши. Бундан ташкари сүтнинг «хакиқи», «очик», «борник» деган мағынелери бор. Шуннинг учун ҳам бу матнни «хакиқатта олжын айттымыз», «олий борникка сиғинаямиз» деб ҳам таржима қылса бұлади.

³³² Шу ном билан ататүрчи эп мешхүр уч дуоятт бері. (Маъносы 1) кимки, 2) кайсанки, 3) буюк амал: 1) ошик, 2) орзуманд, яғни (Адолатни) севгувчи инсоннинг буюк амалы...)

ёрдам учун борурман. У шундай зотки, Сенға илтижо килишіда әнг күчли бандадир».

4. Албаттаки, *Мазда* девлар ва инсониятни үтмишда қилған ва келажакда қиладиган амалларига қараб (жаннатий ва дұзахийлар тоифасын) ажратған Зотдир. *Ахура* хоҳлаган нарсагина бұлади.

5. *Ахура* хузурига менинг рухим ва Геуш күлларимизни дуога очиб, бутун вужудимиз билан ёлвориб сұраймиз: «*Мазда*, адолатни үзиге ҳамроҳ қилиб яшаган бандаларинға дреквантларни ёмонлукларидан паноҳ бергін».

6. Шундан сүнг бу оламни (Ұз) билеміс воситасыда фаровонлик масканы қилиб қўйған доно *Ахура Мазда* сұз бошлади: «Биронта ҳам (калби) адолат билан тұла йүлбошчи бұлмаганligидан (инсонларға) таълимотни етказишилгінг учун сени яратдым».

7. *Ахура* Ұзининг илохий каломида гүзәл бир ҳолатда ва (доимо) фаровонликка олиб боришни ният қилувчи этиб яратған Ашага юзланиб деди: «Кимки муқаддас таълимотларни маҳкам тутмок истаса, уларни олти маротаба қайтарсан. Сен уни *Воҳу Мана* билан түйинтир».

8. «Илохий таълимотни тұлалигича қабул қилғина инсон бу – Заратуштра Спитамадир. *Мазданинг* Аша ҳакидағи вахийесини (одамларға) олиб боришни базиға қилғаним учун Мен унға фасоҳатли нұтқ (несъматини) ато киілдім».

9. Сүніра Геуш Урван чинқириб деди: «(Сен) уннің күлларига буюқ күдратни ато қилған сардерни доимо орзу қилғаним ҳолда қандай қилиб баҳтсизлик ва азиятта (сабаб бұлувчи) заиф инсоннинг (халоскорлигига рози булиб,) унға дуоларим билан марҳамат күрсатайтын?»

10. Эй *Ахура!* Сен мен ва издошларимга құдратлы қилиб яратылған Аша (хар қандай) сұлтонликдан афзал бұлған *Воҳу Мана*ны тортиқ қиғинки, уларннің құлрати ила, эй *Мазда*, Сенға бұлған (одамларннің) фикрини баҳтиёрлікка тұла бұлған мұлк томонға бошлаб борайлык.

11. Качон Аша *Воҳу Мана* ва Хшатра мен томонға ошиқадилар? Эй *Мазда!* Мұл-құлчиликннің сабаби бұлған *Ахура* таълимогларини буюқ маганинг қабул қилишида (Ұзинг) бизға маддәлкор бұлғин.

12. Зот ва распи. «Ахя яса»... «Гусчча урванем» (икки маротаба). «Ята аху вайрё» (түрт маротаба). «Ашем воху» (уч маротаба). Хшмавя-Геуші Урванга ҳакиқий олқишлиарни айтамиз. «Енгхе ҳатам»...«тасча язамайде»³³³.

Ясна 30

Зот

1. Эй эзгу пиятли зотлар! Ахуранинг қадрли ҳамдлари ҳакидаги ваҳийисини ъылон қиласман. Воҳу Мана ва Ашани ҳамроҳ қилиб Маздага илтижо қиласманки, У осмон чироклари восита сида дин арконларини ошкор айласин.

2. Кимнинг эшитар қулоги бўлса, эшитсан: ҳар ким ўз-ўзи учун кўзга кўринимас қалбини хотиржам қилмоқ илинжида (эзгулик ва ёвузлик орасидан) иймон-эътиқод йўлини охирги тўхтам дея танлади. Устимизга Буюк Кун келгунинг қадар барчага бизга таълим берилганлиги учун (Ахура Мазда ваҳийисини) етказайликки, танамизга (бизларни у Кунда фосиқлардан) ажратиб турадиган буюк (нур ато этилсан).

3. Азалда икки рух булиб, улар орасида фикр, сўз ва амаллар яхши ва ёмонга ажратилди. Соғлом фикрли зотлар Тўғри Сузни танлайдилар, ёвузнинг жирканч ишларини эмас.

4. Сўнгра бу икки Рух келиб, биринчи булиб ҳаёт ва ўлимни ўзларидан яратдилар ҳамда уни (дунёнинг) якунинг қадар бардавом килиб қўйди. Ёвузларнинг (такдирларига) дретгантга, яхшиларнинг (такдирларига) Воҳу Манага (эрғашмокликни ёзб кўйди).

5. Бу рухлардан (бири) ҳақ йўлдан тойған ёлғон ва ёвузликнинг ҳосиласини (ихтиёр этди). Аша Рух эса энг сахий Зотнинг (таълимотларини) маҳкам ушилаб, Ахурани шодон этувчи Маздага иймон келтирган сахий ва ҳақ амал (устида коим бўлувчи) инсонларга (йулбошли бўлди).

6. Девпарастлар ҳақ бўлган эзгу амалларни эмас, балки ёвуз тафаккурга ҳомиладор бўлган йўлни (ўзлари учун нажот топиш эътиқоли деб) танладилар. Сўнгра улар инсоният ҳаётини ҳаромхарини билан булғаб, вайрон қилувчи Аешема томонга шошилдилар.

«Енгхе ҳатам» дурсини «тасча язамайде» гача, яъни охирніча кироат килиш кераклигини билдиради. Ҳангичларнинг охирги матни борасида Ясна 29:12 га караш.

7. Унинг ҳузурига Ҳшатра келди *Воҳу Мана* ва Аша билан. Сүнгра (*Аҳура Мазда*) биринчи бўлиб темирдек (мустаҳкам савобли) амалли қилиб яратган Армайти билан унинг танасини кувватлантириди.

8. Эй *Мазда!* Вактики, гуноҳкорларни Жазолаш Куни келганида Ҳшатра ва *Воҳу Мана* оркали уларга (Сенинг) илоҳий таълимотингни (ўйин деб билиш қандай хунук оқибатларга олиб келишишигини) кazzобни Ашанинг қўлларига топшириш билан кўрсатиб қўйгин, эй *Аҳура!*

9. Бизлар Сенинг бу дунёингти яшнатишга хизмат килувчилардан бўлайлик. *Мазда Аҳуранинг* (таълимотларини келажак авлодларга) саклаб қолиш учун Аша билан тезда иттифок бўлиш лозим. (Албаттаки,) у бор ерда донишмандлик кўним топади.

10. Вактики, кazzоблар (узларининг) ёвузликлари билан тўлалигича вайронага айланганларида, Эзгу Каломда таъкидланганидек, солиҳ зотлар *Воҳу Мана*, *Мазда* ва Ашанинг ваъда килинган масканига эришадилар.

11. Эй инсонлар жамоаси! Холиқ *Мазда* (сизларга) баҳтиёрлик ва қайғу-алам йўлини баён қилиб берди. Буларнинг (бири) узоқ вакт (тортиладиган) азобга бошлаб борувчи кazzобларнинг (йўли) ва (иккинчиси эса) адолатли инсонларнинг (йўлини), у баҳтиёрлик масканига (олиб боради).

12. Зот ва распи. «Аҳя яса»... «Геушча урванем» (икки маротаба). «Ята аху вайрё» (турт маротаба). «Ашем воҳу» (уч маротаба). Фаровонлик асл сабабчисига ҳакикий олқишлиарни айтамиз. «Енгже ҳатам»...«тасча язамайдс»¹³⁴.

Ясна 31

Зот

1. Эй инсонлар! Мен сизларга шундай бир катималарни етказайинки, уларни ҳали бирон жонзот эшифтмагандир ва у ўз ёлғонлари билан борлик мувозанатини бузишга (ҳаракат килувчи) кazzобларга маъқул бўлмайди, (аммо) *Маздага* содиқ зотларда (адолат) илмини ҳосил қилиш билан уларга ғоят мамнуният баҳш этадиган дуолардир.

¹³⁴ «Енгже ҳатам» дуосини «тасча язамайдс»га яъни охирніча кироэт қилиш керактигини билдиради. Ҳайтиларнинг охирги матти борасида Ясна 29:12 га караиг.

2. Модомики, сизлар гумон билан васвасага солиниб, ҳақ бўлган *Аҳуранинг* йўлини бус-бутун ҳолича танлай олмас экан-сизлар, *Мазда* мени сизлар учун йулбошли сифатида танладики, ҳаёт Аша (кунунлари) билан тўлиб-тошсин.

3. Эй *Мазда!* Тилида Сенинг каломларингни илм билан тиловат қилиб, олкиш олиш (га сабаб бўлувчи) гўзал тариқатни ато қилиб, уларнинг ҳаётини барокотлар билан тўлдирган зотларинг ва уларнинг мухолифи бўлган кимсаларнинг асл мохияти ҳакида хабар бер. Мен инсонларни шу (*Тўғри Иўл*) ҳидоятга чорлайин.

4. Вактики, *Мазда Аҳурага* севимли бўлгаи Ашани (воситачи) килиб дуо килганимизда, (*Ўзинг*) бизга Армaitига хос (гумонларни) кувиб чиқарувчи идрок ва *Хшатрага* хос кудрат ато қилгинки, (уларнинг ёрдами билан) друж – кazzобнинг устидан галаба козонайлик.

5. Менга Аша билан яратган *Воҳу Мана* воситасида, эй *Мазда Аҳура*, *Ўзингдан* бошланувчи ҳикматли каломни вахий қилгинки, бор бўлган ва йўқ бўлган нарсалар (ҳақикати) ни билайн.

6. Менинг бу эзгуликка чорлайдиган ва ҳикматта тўла илоҳий каломларим шундай зотларгаки, улар Ҳаурватат ва Аша *Амеретат*дир. *Мазданинг* бу *Хшатраси Воҳу Мана* воситасида гуллаб-яшнайди.

7. Эй (бизнинг) тафаккур доирамизга сиғмайдиган азалий Зот, (Сен) ноопокликларни ўта нурли ҳамдлар (билин кетказгин). У шундай ҳамдки, уни оқил Аша яратади, (Аша эса) *Воҳу Манани* химоя килади. Эй *Мазда!* Сен мени шу калар юксакларга кутаргин, (аммо) у *Аҳуранинг* (мақоми) билан бирга турадиган бўлмасин.

8. Эй *Мазда!* Мен Сени бутун вужудим билан севлим. Қалбимдан (амин бўлдимки), Сен азалсан ва доимо бор бўлган муқаддас зотсан. Сени *Воҳу Мананинг* тарбиячиси. Ашанинг яратувчиси ва бу ҳаёти дунёда қилган амалларимиз учун (хисоб-китоб қиласидиган) Ҳакам эканлигинги кўзларим билан «тутиб олдим».

9. Армaitи Сенсан, Ерии яратган Ҳрату Сенсан, эй *Мазда Аҳура!* Унга эргашишлари учун ободликка олиб борувчи (йўл) ва ободликка олиб бормайдиган (йўлни) яратдинг.

10. Сүнгра (*Маздаясна*) динига иймон келтирган ашаван *Ахураны* гуллаб-яшннатишга (сабаб бүлүвчи) *Воху Мана* йүлини танлади. Эй *Мазда!* Ишёкмас ва иккиюзламачи бүлган кимсаларга (Сен берган) диннинг ақидалари фойда бермас.

11. Сен бизларни аввалда яраттанингда, эй *Мазда*, сўзламоқ ва амал килмоқ учун дин, (сезиш ва) билим ҳосил қилиш учун рух ва қўлларимизни юкорига қутариб дуо килмоқ учун моддийликни (ато килдинг). (Сенинг) олий ироданг истадики, (дин, рух ва тана воситасида) ҳар ким уз зътиқодини узи танласин.

12. Кимки дуо келтирадиган ростгўйлар ёки кazzоблар йўлини, маърифат ёки жаҳолат йўлини ихтиёр қилса, бу унинг қалби ва руҳиятига (тамға килиб босиб) қўйилади. Каердаки саволлар (гирдобида қолган) рух бўлса, ўша ерда Арманди қўним топади.

13. Эй *Мазда!* Сен очик-ойдин сўралган нарсаларни ҳам, утиликини (калбидан яширинча) ўтказганларни ҳам, (узганинг қалбига етказилган) жуда кичик жароҳатни ҳам, тавба ва Сенинг хузурингида энг катта гуноҳ саналган слғонни ҳам ўткир қўзларини билан кўриб (билиб) турасан. Барча солиҳ зотларни Ашага хидоят қилишлик билан (Ўзингнинг қаҳр-ғазабингдан) саклагин.

14. Эй *Ахура!* Сендан ўтмишда, ҳозирда ва келажакдаги солиҳ ва фосиқ кимсаларга нималарни фарз қилиб, нималарда енгиллик ато қилғанлигинг (ва қилишлигинг) хусусида сурайман. Эй *Мазда!* Ҳисоб-китоб Кунида улар кай холатда бўлишлигининг (хабарини бер).

15. Эй *Ахура!* Сендан дрэгвант Хшатра ва қайгули фикрларни тарқагувчи шайтон малайлари ҳамда инсониятни ёнгон сўз айтмайдиган Чўпон¹¹⁵ и билан (ораларини) бузишни (узларига қасб қилиб), (илоҳий таълимотга) нолойик умр ўтказганинг жазоси цима булишити ҳакида сурайман.

16. (Яна) сурайман: Сен бир бандангта буюк донишмандлик ато қилсанг (ва у ўша донишмандлик билан) Ашани уйнга, шах-

¹¹⁵ «Чўпон» Шарқ ҳалисларининг диний китобларидаги қўйлар подаси (ювонинт) яи йиртсанч бури (шайтон ва унинг маддийлари) зам тимес қалуичи инсон, деб таъриф юзинида. «Ентон сўз айтмайдиган Чўпон» деганида ҳам Ҳаремумарининг ўзини, там узи юборгам Зот - Ахура Мазда ни тушуниш мумкин. Авестидаги «чўпон» обрайи тейинчлики Кадимига Грекнига стиб боради ва башка юнанинг томони каби ҳалисларни дозл колдигради. Кенинчлики грек евангелистлари Николаи сўнгда ҳам «чўпон - пода» ўшаштишини ишлатадигар Масалами. Юдамо беён этган Ихвалини шундай тейинларни ёғиб сўнг ё жаҳонгур бўйлар ҳам бирор тарз ётказиб айтудоң дарёй тарзбатон» сўнг «Мен яшсан Ҳамонимас. Яшсан Ҳамон ҳамъири учун дечиман ёланом тайлан». (Ионани Ишқичи 10.11)

рига ва давлатига ҳоким килишга бор күч-гайрати билан интилса, ушандагина Сенинг мұхаббатингга лойик буладими, эй *Мазда Ахура*?

17. Адолаттүй ва кazzоб иккисидан қайси бири (Сенинг даргохингла) юкорирок мавкега зет? Доно зот ўз билими билан нодон кимсага (илохий таълимотларни) айтты беради. Эй *Мазда Ахура!* Бизга *Воҳу Мананинг* үлчовини курсаттин!

18. Кироатчининг бу (ўқиган) каломларни кazzобларга эшигтирганлар! Кazzоб Ази хонадон, шахар ва салтанатни ёмошликлар билан түлдириб ташлашни истаганда, жанғ қуроли (каби) унга қарши турайлик.

19. Эй *Aхура!* Сен (инсонларга) Аша ҳакида мушоҳада қилиб юрадиган доно зотнинг каломларини эшигтиргин. Улар Сенинг динингни таркатувчи фасоҳатли нутқ соҳиби³³⁶ нинг сўзлариши тингласинлар. Эй *Мазда!* Икки тоифа вакилларининг кураши оқибатлари ҳакида Нурафшон йўлинг орқали хабар бергин.

20. Кимки адолаттүй бўлса, унга кейинги (ҳаётида) нурга тўла маскан (насиб қилади). Кazzобларининг дини эса (унга эргашувчиларни) ҳаром лукма еб, ёлғонга дастак берадиган амалларни қилишлик билан Каломни паст санагаилари учун зулматли ҳаётга бошлаб боради.

21. *Мазда Ахурани*, *Хаурватни*, *Амеретатни*, мўл-кулчилик ато қилинган Ашани, Узининг барча нарсаға кодир курратининг (рамзи сифатида) Хшатрани яратдики, улар дустона муносабатни ўринатувчи инсонларга баҳтиёрлик баҳш этувчи сардорлар бўлсин.

22. Сўзда ва амалда ўзига *Воҳу Манани* ҳамроҳ айлаб, Ашани карор топтиришда Хшатрага таянадиган зотларга булат очикойдин кўрсатмадир. Эй *Мазда Ахура*, уларни Узиниг қўллаб-кувватлагин.

23. Зот ва расни. «Ахя яса»... «Геушча урванем» (икки маротаба). «Ята аху ваирё» (тўрт маротаба). «Ашем воҳу» (уч маротаба). (Ягона Тангрига) иймон келтирган зотларга олқишилар айтамиз. «Енгхе ҳатам»...«тасча язамайдс»³³⁷.

³³⁶ Зартигуштари ўзига ишора қилмоқда (карант: Ясна 29:8).

«Енгхе ҳатам» дусини «тасча язамайдигача, жыны охиригача кироат қилин» кераклигини билдирамди. Ҳактиларининг охирги матни борасида Ясна 29:12 га каранг.

Зог

1. Мен билан бирга булганлар *Аҳура Маздадан* меҳнат билан ҳайтимизга осоиишталик ва баҳтиёрлик ато қилишилигини илтижо қилиб сўраймиз. Эй дев! Сен ҳам шу йўлни танла. Барча инсонларнинг орзуси Сенинг таълимотингни етказувчи ва Сенинг номингни айтишдан ҳазар қиладиганларни (бу йўлдан) кайтарувчи пайғамбардир.

2. (Бутун дунёни) *Воҳу Мана* воситасида бошкарувчи ва Ашанинг чин дўсти (юзидан) нур ёғилиб турувчи *Мазда Аҳура* жавоб берди: сизларни синаш учун *Спента Армайтини* юбордим.

3. Ёвуз тафаккур маҳсули бўлган, эй девлар жамоаси! Сизларнинг кazzоблигингиз ва ғууруга кетишингиз энг яхши ҳамдларни ҳам ёлғонга чикаради. Сизларнинг ёлғонларнингиз етти икlimни тутдиди.

4. Сизлар инсонларни йўлдан уриб, девпаратликини ёйишда *Мазда Аҳура*нинг Ашага таянувчи донишмандлигини булғаб, хайртланарли жоҳилона фикрларни мулойимлик билан тарқатдингиз.

5. Ва сиз ёвуз ниятли девларлар барчага ҳайтий зарурият бўлган *Амеретатларни* вайрон қилишилик учун дрэгвант шоҳлиги билан ҳамкорликда ёвуз ўй, ёвуз амал ва ёвуз қаломни (инсонлар орасида ёйлингиз).

6. Эй *Аҳура!* *Воҳу Мана* асосида барчанинг амалларини хисоб-китоб қилганингдан сўнг улардан тўлик қасос олинади. Албатта, Сен севимли бандаларингга ҳақиқий илм бериш билан (уларнини) Ҳшатра ва Ашага (тентлаштирувчи) *Маздасан*.

7. Эй *Аҳура Мазда!* Сенинг мулкинг бўлган бу дунёни ҳароб қилишни истаб юрган фосикларнинг ҳеч бирига ўз кazzобликлари темир (кишанларда) бериладиган жазога олиб боришлиги ҳақидаги очик-ойдин илоҳий қалом берилмаган.

8. Ана ўша фосиклардан бўлган Вивангҳ ўғли *Йима* бизнинг заминий қувватимизни даъво килди. Ўшаларнинг устида Сен Қиёматни қоим килувчисан, эй *Мазда*!

9. Илоҳий таълимотни ёлғон дегувчи кимса доноликни вайрон қилишни истайди. Сен *Воҳу Мана* орқали руҳимга берган илоҳий таълимотингни униш фитналаридан Аша воситасида химоя айлашингни ёлвориб сўрайман, эй *Мазда*!

10. У шундай ёвуз кимсаки, Она-Замин ва Қүёшни икки күзлари билан хурматламайды, (Худо) яраттан мавжудотларни эъзозлашдан бош тортади, кек саклаб юради, (Она заминни) қурғокчилик билан қақшатади, адолатли кимсаларга ғазаб қилади.

11. Улар дунё ва (инсониятта) кадрли тұхфантын булған рухиятни чиритиб вайрон қилиб ташлаш учун дреттәннелерни буюк деб билдилар. Улар адолатли зотларга маңнавий азоб беруви-дирилар, эй *Мазда*!

12. Бу шарағсизлар *Мазданинг* энг яхши (курган) амали сраванх³³⁸ни ҳам ёмонлик билан эслашни истайдылар. Улар Ерни ҳаробага айлантиришни, ҳәётни эрмак деб (одамларга күрса-тишни), Герехма ва *Карапанинг* Ашани ҳақ йүлдан тойдиришни ўзларининг шайтоний ниятлари билан орзу қиладылар.

13. Герсхма уй-жойда бузғунчиликларни қилишлиги учун ёвуз кимсаларнинг бошлиқ булишини истайды. Эй *Мазда*! Сен берган илохий қаломни тиловат қилувчи пайғамбарнинг овозини (ўзларининг) бакир-чакирлари билан түсіб. Аша ҳақикатини (ин-сонлардан) ажратышга уринадылар.

14. Бу Герехма ва кадрсиз Кавайлар ақл-идроқда комил ки-либ яратылған зотни (хақ) йүлидан адаштириб, кazzоб қилиб кур-сатиш учун анчадан бусын уринадылар. Инсониятнинг гунохла-рини покловчи машъялани учирмоқни режалаشتырадылар.

15. (Яратган) ато эттан икки иноятни қалбига жо қилмаган кимсаларни Карап ва Кевиталар бутунлай ҳароб қиладылар.

16. Барча нарсадан энг афзал амал бу – диний таълимитлар воситасида тафаккурни қархлаш ва (уни қалба) жойлаштыр. Гумон билан тұлиб тошган қасоскор кazzобнинг тиляда буюк қаломлардан асар ҳам йүк.

17. Зот ва распи. «Ахя яса»... «Геушча урванем» (икки маротаба). «Ята аху вайрё» (тұрт маротаба). «Ашем воху» (уч маро-таба). «Ҳаэтумайтә ҳәити»³³⁹ га олқышлар айтамиз. «Еңгіхе ҳа-там»... «тасча язамайде»³⁴⁰.

³³⁸ сүзи күйндеги маңноларни англатады: 1) сүз 21 ибодат 3) мұкалас матн (Авеста назарда тутилады).

³³⁹ бу мазкур ҳәитиппен поми. сүзининг лугавий мағынын «Киәмат ҳақида тафаккур қилувчилар», «окыт инсонлар билан дүст тутинувчилар» дыр.

³⁴⁰ «Еңгіхе ҳатам» дуосини «тасча язамайде»ғана, яъни охяриғача кироат килип көркілгіни биддірады. Ҳәитиппен охирғы матн борасыда Ясна 29:12 га карағы.

Ясна 33

Зот

1. Барча ўз мәхнати билан әзгуликни яратышга интилтоги керак. Энг курдатли ва энг одил Рату кazzобии ҳам, адолатли зоттарни ҳам, ёлғон билап үхаш бұлған ҳалол кимсаларни ҳам хисоб-китоб килади.

2. Кимки ёлғонга қарши фикри, сүзи, амали, икки күли билан курашса, *Aхура Мазда* унга (солих бандалар) орзу кила-диган иймонни ато килади.

3. Кимки үзига адолат ва ғұзал (хулк)ни одат килиб, ин-сониятта баҳтиёрлик улашиши, *Aхуранинг таълимотларини тарка-тиш* учун интилса ва доимо (мухтожларга) ёрдам бериш учун шай турса, Аша ва *Воҳу Мана* салтанатига баҳтиёр (холда ки-ради).

4. Эй *Мазда!* Сендаңгина күзларимдан ёшшарни оқизиб дуо килиб сұрайманки, ёвуз ниятдан, (ундан түгилувчи) беҳаे амал-шардан ва (ёвуз пиятнинг) энг яқин бұлған ёлғондан, инсониятта баҳтиёрлик ва осойиншатылар үлашувчидан нафратланадиган ин-сондан мени узоқда қылғин.

5. Энг буюк үтінчимни (Сендан, эй *Aхура Мазда*,) дуо килиб сұрайман: алдамчи ва тартибсиз ҳаётнинг якунида *Мазда Ахуранинг* (солих бандалар учун тайёрлаб қўйган) *Воҳу Мана* ва Ашанинг баҳтиёрлик билан тўлиб-тошған масканига олиб бора-диган йўлда *Срошшага* (Ўзинг) мадад бергин.

6. Мен Ашанинг адолати ва *Воҳу Манининг* ободончиллиги ҳақида мушоҳада қилувчи йўлбошли сифатида, эй *Aхура Мазда*, Сенинг (жамолингни) куришни ва (Сен билап) ҳамсуҳбат бўлиши-ни ният қиласман.

7. Эй азалдан бор бўлған ва абадий бор бўлувчи, барча нар-садан энг афзал бўлған зот *Мазда!* Магалар ҳузурида Аша ва *Воҳу Мана* ҳақидаги Каломни тиловат килиш журъатини ато айла. Бу бизга марҳамат қилған ҳак диний таълимотлар (халқ) орасида ёйилсин.

8. Охирги нұкта бўлған адолатни баён айла, эй *Мазда!* Сен *Воҳу Мана* воситасида, айнан Сенинг Ўзинг бўлған Аша ҳақидаги илоҳий Каломни яратылсан. *Амеретат* ва курдатли *Хаурватат* драонасини (бизларга) ато айла.

9. Эй *Мазда!* Адолат нурлари тарашиб турадиган бу икки маънавий қудратиңгт *Воҳу Мана* воситасида ҳамд айтадиган калбда қўним топтирилиши энг яхши илмидир. Бу икковининг биргаликдаги меҳнати урванга олиб боради.

10. Барча ўтмишдаги ва келажакдаги баҳтиёрликларни бизга ато айла, эй *Мазда!* Сен *Воҳу Манадан* Хшатрага ўсиб чикиши ни ният қилувчи зотга Ашанинг баҳтиёргигини насиб килгин.

11. Эй энг сахий ва энг раҳимли зот бўлган *Аҳура Мазда!* Армайти ва Ашани билан оламни обод айла. *Воҳу Мана* ва Хшатра воситасида менинг гуноҳларимни унинг акси бўлган хайрли амалларга айлантиргин.

12. Мени ўз даргоҳинга юксалтири, эй *Аҳура!* Энг сахий зот бўлган *Мазда!* Ашани маҳкам тутиб, *Воҳу Манани* ҳўмоя килиб, дуойи-хайр ва донишмандлик билан подани ҳайдаб борувчи зотга Армайтининг қудратини ато қилгин.

13. Кувонмоқсигим учун менга, эй *Аҳура*, линий билимларда олим бўлган бир зотни курсат. У (инсонларни) Сен ҳақингдаги шубха - гумонларидан покласин ва Хшатра. *Воҳу Мана*, Аша ҳамда *Спента Армайти* воситасида динингни обод айласин.

14. Албаттаки, *Заратуштра* *Мазданинг* инояти ва *Воҳу Мана*, Аша амаллари воситасида Олий ҳамд Хшатрасига (аввало) ўзини, (сўнгра) бутун инсониятни (бошлаб бормок учун) кулларини юқорига кўтариб дуо қилади.

15. Зот ва распи. «Ахя яса»... «Геушча урванем» (икки маротаба). «Ята аҳу вайрё» (тўрт маротаба). «Ашем воҳу» (уч маротаба). «Ятаишита ҳаити»¹⁴² га олқишилар айтамиз. «Ёнгъе ҳатам»...«тасча язамайде»¹⁴².

Ясна 34

Зот

1. Амал, калом ва ибодат билан, эй доно *Мазда*, (инсоният) Амератат, Ашем, Хшатра, *Хаурвататга* эришади. Эй *Аҳура!* Бу-

сүти икки қисмдан иборат: — сўти асосан боғловчи юзифасида келиб, качонки, буки, ушанда каби ёргаштирувчи боғловчи сўзлар яв — дек қўшинчнинг маъносига тўғри келади. (—6) сўтининг шахсе-сон қўшимчасини олган шакли) «ишионтироқ», «мойил булмока», «орту киммоқ» каби маъноларни англатади. — ни «ортиқиб куттилган ҳаити» деб таржима килиш мумкин.

«Ёнгъе ҳатам» дуосини «тасча язамайде»гача, яъни охиригача кироят килиш кераклигини билдиради. Ҳаитиларининг охириги матни борасида Ясна 29:12 га карани.

ларнинг барчасини бизларга неъмат қилиб берипшиңгдан умидворман.

2. Рухияти *Воҳу Мана* ва қалби Ашаб билан тулиб-топған, барчадан афзал қизиб яратилған, (Сенинг таълимотларингни) худди Үзингдек (омонотдорлик билан бандаларингга етказувчи), бутун борлик (унинг таълимотини) маҳкам тутувчи, (доимо) Сенгагина ҳамд айтувчи бўлган зотни юборгин, эй *Мазда!*

3. Албаттаки, унинг Ашага асосланиб буюрадиган диний амаллари бетартиб Ҳшатранги *Воҳу Мана* билан яшнатиб, Сенинг Үзингагина хос бўлган баҳтиёрлик томонга бошлиб боради, эй *Аҳура Мазда!*

4. Эй *Аҳура!* Албаттаки, унинг олови Ашага куч-кулрат ва доимий равишда ҳимоят беришини хохлади. Эй *Мазда!* (Үзингнинг) құдратли қўлларинг билан даргазабларнинг амалларига (барҳам бергин).

5. Сенинг Ҳшатранг накадар (құдратлидир), эй *Мазда!* (Унга лойик бўлмоқ учун) Аша ва *Воҳу Манага* хос амалларни қилмоқ, ночор инсонларға ғамхўрлик кўрсатмоқ, инсониятга Муқаддас Калом воситасида дсв ва девпарастларға (карши курашиб йўлларни таълим бермоқ даркор).

6. Эй *Мазда!* Аша ва *Воҳу Мана* ҳакидағи Каломни севиш бу шундай (баҳтдирки), менга аниқ нишона қилиб берганинг – Ер юзидағи барча жонзорларнинг Сенинг Зотинга мос ҳамд айтишилини ва Сенинг Үзингагина қайтиши (борлигини тафаккур қилишидир).

7. *Воҳу Мана* воситасида илмни уларга мулк қилиб берган самимий бандаларинг каерда, эй *Мазда?* Тағиофотларнинг (сабабчиси бўлган) ғам-андуҳдан ҳеч ким ҳалос эта олмайди, магарам Аша воситасида фаровонликка (сабаб бўлувчи) буюк ақл ато этилган илсонларгина (ҳалос эта оладилар).

8. Улар ўзларининг амаллари билан кўркинчли бутунлай таркатиб, Сенинг құдратинга қарши чиқиб, ёвулиқдан роҳат оладиган, Аша ва *Воҳу Мана* воситасида Сенинг диний ақидаларинга иймон келтиришга норозилик қиласидан бўлдилар, эй *Мазда.*

9. Эй *Мазда!* Девпарастлар севикли Каломни, *Спента Армаитини* ўзларининг ифлос тафаккури туфайли (тан олмайдилар), Аша ва бизни эса бутунлай ибубуд қилиб юборишни истайдилар бу ваҳший маҳлуклар.

10. Эй *Aхура Мазда!* Үз амалларини *Воху Манага* бүйсуп-дирувчи зотлар таълим беріб айтдиларки, Холиқнің чексиз илми (натижаси бұлған) *Спента Армасити*, Ашага катый амал қилиш ва (Ярагтанинг қаҳридан) күркінч (охир-окибатда) ором масканига олиб боради.

11. Сенинг иккі (сифатинг бұлған) *Хаурватат* ва *Амеретат* Аша воситада эзгу маънавий Хшатрага (инсониятни) бошлаб боради. Мени Армасити билан кувватлантиргинки, эй *Мазда*, (азалдан) Сеники бұлған қудратли Илохий Каломга мұяс-саρ бұлайин.

12. Нимадир Сен үрнаттан тартибот? Нимадир (Сенинг) истагинг? Кимдир у ҳамд айтүвчи? Қайси ҳамд Сени (ширқдан) поклаб зикр этишдір, эй *Мазда?* *Воху Мана* орқали бизга Ашанинг йүл-йүрикларини таълим бср.

13. Эй *Aхура!* Менга *Воху Мана* орқали нозил килған (нарсанғ) шубха-гумонлардан холи бұлған Халоскорпинг дипидирки, эй *Мазда*, у Аша воситасида гұзақ амалларни килишшиги учун унга баҳтиёрлик ва мукофотни Сен совға қиласан.

14. Эй *Мазда!* Құлларимни юкорига кутариб дуо киламанки, (мени) *Воху Манага* асосланувчи амалларда бардавом килғын. Она-заминни (үз) мөхнати билан обод қилувчи инсонларға, эй *Aхура*, Сенинг илохий Каломингла баён қилинганидек. Ашага асосланған (неъматларингни зиёда қил).

15. *Воху Мана* ва Аша воситасида менга англатгин, эй *Мазда*, эзгу қалом ва амални. Эй *Aхура!* Сенинг Хшатрангни улуғлаб, бу ёруғ дунёни адолатта (тұлдириб), гуллаб-яшнаташни ният қиламан (тұрт маротаба).

16. Зот ва распи. «Ахя яса»... «Геушча урванем» (икки ма-ротаба). «Ята аху вайрё» (тұрт маротаба). «Ашем воху» (уч маротаба). «Я-шялотана ҳайти»³⁴³ та олқишлиар айтамиз. Аша «Ахунаваити гата»ға ва Аша ратуга олқишлиар айтамиз. «Ахунаваити гата»ға оғишмай амал қилувчи зотта олқишлиар айтамиз. «Енгхе ҳатам»...«тасча язамаиде»³⁴⁴.

³⁴³ Маңкур бобнинг номи. Мәйноси «(Эзгу) амал қилувчилар».

³⁴⁴ «Еңгхе ҳатам» дүосини «тасча язамаиде»ғача, яғни охирніча кироат қилиш керектігінни билдіради. Ҳанттыарнинг охирғи матнін борасыда Ясна 29:12 гә караңг.

Уштаваити тата

43 ха

Зот ва распи.

Адолатли зотларнинг иззат-икроми гаталарга.

1. Шундай зотларга бахтиёрлик бўлсинки, улар бошқаларни бахтга олиб борадилар. *Аҳура Мазда* Ўзининг куч-кудрати ва (чексиз) илми (натижаси бўлган) Аша ва кудратли Арманди воситасида (уларга) гўзал ҳаётни тақдир киласди (икки маротаба).

Зот

2. Дарҳакиқат, бундай зотларга Сен бизга неъмат килиб берган мақтovларнинг энг яхшини эҳтиёткорлик билан айтамиз. Энг муқаддас зот бўлган *Мазда!* Аша ва *Воҳу Мананинг* совғаси бўлган илму-маърифат билан бу ёлғончи дунёнинг ҳар бир кунини бахтиёрлик билан тулдиргич.

3. Албаттаки, бизларга бахтиёрликнинг асл моҳияти йўлиши таълим берган зот яхшиларнинг энг яхшиси. (Бу йўл инсонларни) яхшиликни (ён-атрофга) ёйишга, фақатгина *Аҳурани севишга*, (барча ишларда) самимий бўлишга (чорлайди), эй олимларнинг олимни бўлган *Мазда!*

4. Эй кудрат ва тафаккур соҳиби бўлган муқаддас *Мазда!* Албаттаки, (Сен бу дунёда) кассобга ҳам, адолатшарватга ҳам иноятларнингни берасан. *Воҳу Мана* воситасида (қалбларга) кириб келувчи Сенинг чароғон йўлингни менга ато айлагин.

5. Сени муқаддас ва тафаккур соҳиби деб билб, эй *Мазда Аҳура*, биринчи булиб эзгу амаллар учун мукофот ва ёвузлик учун ёвуз (оқибат) тайёрлаб қўйганингни кўрдим. Ва бу хол олам ўз якунига еттунича давом этажак.

6. Эй муқаддас *Мазда!* Хшатра ва *Воҳу Мана* воситасида борликни Аша билан тўлдириб, обод қиласидан ратуга Армантига хос илм ва Ўзинингни донишмандлигингдан ато айлагники, ҳеч кимса уни ёлғонга чиқара олмасин.

7. Вактики, (мен) Сени, эй *Мазда Аҳура*, муқаддас ва тафаккурнинг ҳакиқий соҳиби деб билдим, *Воҳу Мана* бутунлай менга келди ва мендан савол қиласди: «Кимсан? Кимлардансан? Саволлар тирдобида қолганингда кайси белгили кунни танлаисан? Ўзинта ва сенига эрганинларга қайси динни ихтиёр қиласан?»

8. Дедимки: «Мен дөв ва уларнинг килемини булмиси
каззоблик билан бор кучи билан курашувчи, адолатли зотлар ва
уларнинг амали бўлмиш Хшатрани баҳтиёрлик билан кувватлан-
тириш ва уни нафис қилиб безатишни, эй *Мазда*, Сенинг Үзинг-
дангина доимо дуо қилиб, бутун вужуди билан сурагувчи
Заратуштраман».

9. Дарҳакиқат, *Мазда Аҳура*, мен Сени мұқаддас деб
биламан. *Воҳу Мана* келди ва сүради: «(*Аҳура Мазда*) кимни ило-
хий таълимотга ҳидоят қилади?» Мен жавоб қилдим: «(У шундай
зотки) доимо ҳидоят йўлининг кенг тарқалишини орзу қиласди».

10. Дарҳакиқат, Сен менга Аша илмини ато айлагинки,
унинг воситасида Армaitи (ҳакида) Сендан савол сурайин. Чун-
ки Сен шундай бир қудрат ато киласанки, унинг ёрдамида бош-
ликлар (кул остидагиларга) омонлик улашидилар.

11. Эй *Аҳура!* Мен Сени мұқаддас *Мазда* деб биламан. *Воҳу
Мана* воситасида Сен (менга) олий ҳамдингни нозил қилдинг.
Буни (яъни оғир вазифани) бутун инсониятга садоқат билан
эҳтиёт қилиб етказиши энг зўр (амал) деб биламан.

12. Вактики, менга Аша томон кел! – деб марҳамат қилдинг.
(У) шундай тўкин-сочинлик (малбайдир)ки, (бунда) *Сроша* (ва)
Ашининг зўр савлати (ва бир-биридан) Аша билан фарқланади-
ган икки жанг майдони ҳакида (бутун инсониятта), аниқки. Эши-
тилмасдан колмайди.

13. *Воҳу Мана* ташриф буюрган замон (мен) Сени мұқаддас
деб билдим, эй *Мазда Аҳура!* Хшатранинг дуоси (билин) менга
ҳеч ким орзу ҳам қилмаган узок умрни ато қилгинки, (унинг во-
ситасида барча ёвузликларни инсоният ҳаётидан) ҳайлаб чиқа-
райин.

14. Эзгу ниятли, (илохий) билимлар сохиби, диний амал-
ларни (бутун вужуди билан) бажарадиган (бир) зотни бизга
юборгинки, эй *Мазда*, (у) Сенинг илохий қаломларнингда (васф
этилган) тўкин-сочинлик ва баҳтиёрлик (маскани бўлган) Аша
салтанатини ва Сенинг амрларининг барчага таълим беришда
сардор бўлсин.

15. *Воҳу Мана* (меннинг хузуримга) келгани замон (мен)
Сени Илоҳ деб тан олдим, *Мазда Аҳура!* (У) эзгу амал сана-
лавчи ақлнинг мамнунлигидан бутун дреквантлар (амалларини)
исташни, у шундай (амалки), уни барча девлар ва ашаванлар яра-
тади, бир-биридан ажратиб курсатиб берди.

16. Аникки, Заратуштранинг тафаккури, эй *Aхура Мазда*, (Сенинг) құлратыннан дуо килиб, Аша моддий борлиғини, Хшатра Күёшини ва Армайти билан (содир бұлувчи) *Воҳу Манага* йүргилган әзігу амалларни күради.

17. Зот ва распи. «Ушта аҳмаи»... «Гәем мананхо» (иккى маротаба). «Ашем воҳу» (уч маротаба). «Уштаваити ҳәити»³⁴⁵ га олқышлар айтамиз. «Енгхе ҳатам»...«тасча язамайде»³⁴⁶.

Ясна 44

Зот

1. Сендан, эй Ҳак, сұрайман, эй *Aхура*, менга жавоб бер. (Үзинга қандай) ибодат қилишнинг таълимими бсрғинки, (биз) Сенга Үзингнинг Зотингтә мос ҳамдни совға сифатида биргаликда *Воҳу Мана* воситасида келтирайлик. эй *Мазда*.

2. Сендан ҳақрост сұрайман, эй *Aхура*, менга жавоб бер. Бутун маҳлүқотнинг әнг ағло мақсади нима? Ёвузликдан (bugun инсониятни) химоя қилиши (үзига) дүст тутиб (шу олий максад) сари интилиб борувлы зотнинг савоби қаңдай булади, эй *Мазда*?

3. Сендан ҳақрост сұрайман, эй *Aхура*, менга жавоб бергін. Кім барча Ашани яратди? Кім Күёш ва юлдузларни яратди, тұлдирди (күкка чикарди) ва камайтирди (ұз манзили а ботирди)? Буларни ва башка (нарсалар)ни билмок истайман, эй *Мазда*.

4. Сендан ҳақрост сұрайман, эй *Aхура*, менга жавоб бергін. Кім пастдаги заминни ва (Ерга) әгилиб турувчи осмонни, сувни ва меваларни, шамолни ва булутни бирданига яратди? *Воҳу Мананинг* яратувчиси кім?

5. Сендан ҳақрост сұрайман, эй *Aхура*, менга жавоб бергін. Кім мұъжиза бұлған нүрни ва зулматни яратди? Кім мұъжиза бұлған үйқу ва бедорликни яратди? Нажот топадиган зоттар (Яратташнинг буюрган) фарз амаллари тұла-тұқис ва садоқат билан адо қилишлари учун кім тонг, пешін ва түнни яратди?

6. Сендан ҳақрост сұрайман, эй *Aхура*, менга жавоб бергін. Мен айтадиганлар очық ҳақиқатми? Армайти әзігу амалларда (инсониятга) ёрдам берадими? Сенинг Хшатранг *Воҳу Мана*

³⁴⁵ Мазкур бобнинг номи Мальноси «Эзгулик».

«Енгхе ҳатам» дүосини «тасча язамайде» гача, жыны охирнегача киректі қылыш көркестігінни билдірді. Ҳәитилярнин охирғи мәтни борысыда Ясна 29:12 га карасты.

воситасида юксалтириладими? Бу серхосыл заминни ким учун яратдинг?

7. Сендан ҳакрост сұрайман, эй *Aхура*, менга жавоб бергин. Ким Хшатра ва Армандига шакт-шамоил ато қылди? Ким үғилни отага үткір заковати билан суюкли қилиб яратди? Мен Сени бу барча түкин-сочинлик (яғни барча борлик)нинг (ягона) илохи ва яратувчиси деб биламан.

8. Сендан ҳакрост сұрайман, эй *Aхура*, менга жавоб бергин. Эй *Мазда!* Кимки беш маротаба диний ақидаларни *Воҳу Мана* воситасида (улар Сенинг) буйрукларинг бўлганлиги учун талаб киша, унинг руҳи эзгулик сари юкса(лтири)лади.

9. Сендан ҳакрост сұрайман, эй *Aхура*, менга жавоб бергин. Мен қандай килиб мукаддас динимнинг муқалдас саломатлигини (асраб қоламан)? Буюк акт соҳиби ва барчадан чақкон бўлган, эй *Мазда*, Сенинг шоҳлигинг Аша ва *Воҳу Мана* воситасидагина кириш мумкинлигини ўргаттин.

10. Сендан ҳакрост сұрайман, эй *Aхура*, менга жавоб бергин. Дунёдаги энг яхши (нарса) иймондирки, (у) Аша ва Армандига хос ободлик, калом (ва) амалларга таянади, айнан мана шу Сенинг билиминг (ва) истагингдир, эй *Мазда*.

11. Сендан ҳакрост сұрайман, эй *Aхура*, менга жавоб бергин. Эй *Мазда!* Арманди қандай килиб Сенинг диний таълимотларингни тарқатувчиларнинг ҳузурига келади? Мен үшаларни бутунилигича етказиш учун (танланган) биринчи (инсон)ман. (Бу таълимотлар воситасида) барча ғузулар бирданига снгилади.

12. Сендан ҳакрост сұрайман, эй *Aхура*, менга жавоб бергин. (Мен) кайси тарафда бўлишлигим керак: ашаванми ёки дрэгвант, эзгулик ёки ёвузлик? Ёки Сенинг баҳтиёрлигинг³⁴⁷ а карши бўлган дрэгвант (томондами)? У қандай ёвузки (Сенинг қудратинг ҳакида) тафаккур килмайди?

13. Сендан ҳакрост сұрайман, эй *Aхура*, менга жавоб бергин. Биз ўзимиздан қандай килиб дружни кувиб чикарайлик? Бу (каз-

³⁴⁷ Сенинг баҳтиёрлигинг шу на шунга ухшаш Авеста матнлари Ведани ёғанин парни жиҳдий хато килишв мажбур килган. Яғни чатнинги гишке, биз юзаки, авом учун деган мазмунинг кўра. Яратган баҳтиёр бўлиш учун бир нима билан машнгул бўлади, деб тасаввур килгандар на уларининг инсоний чеклланган тафakkурлари билан мана шу «бир инма»га турли хил нарсаларни нисбатлаганлар. Масалан, ведистлар Яратган худди инсонлардек ўйин-култи килади, дегандар. Худди шу хатони қадимиги юноналар ҳам уз динларни зардуштийлик асосида шакллантириб тура тақрорлагалар. Шунинг учун ҳам улар уз илюҳтарини инсон сифат деб (антропоморфизм) тасаввур килгандар. Матнинг ички маъноси эса жаннатдир.

зоблик) шундай нарсаки, у (ўз қалбини) Ашага кулок осмаслик (ва) *Воҳу Мана* каломларини севмаслик билан тұлдирған.

14. Сендан ҳақрост сұрайман, эй *Ахұра*, менга жавоб бергін. Қандай қилиб дружни Аша құлларига топширайинки, Сенинг илохий таъшимотинг каломлари воситасида саломатда бұлай(лик) (ва) ичи қаззоблик билан тулиб-топған анашаванни барбод қилиб, азоб-укубатлар гирдобига ташлансин, эй *Мазда*?

15. Сендан ҳақрост сұрайман, эй *Ахұра*. менга жавоб бергін. Качонки иккى қүшин (бир-бири билан) абадий (жантта) киришганида, мени Аша воситасида (Ўз) химоятингда сақлағын, улардан қайси бирини (азобинг билан) тутиб, кайсисини ғолиб киласан, эй *Мазда*?

16. Сендан ҳақрост сұрайман, эй *Ахұра*, менга жавоб бергін. У кимки, душманларини йүк қилиб, Сенинг химоятингни бизга таълим беради? Менга дунёсинг ратуси (ва) унга (Сенинг) ироданг билан *Воҳу Мана* воситасида *Срашанинг* келиши ҳакида очик (маълумотларни) ато айла, эй *Мазда*!

17. Сендан ҳақрост сұрайман, эй *Ахұра*, менга жавоб бергін. Эй *Мазда*, қандай қилиб бу майдонда Сенинг каломынг воситасида мен камолотта етишгайман? (Қандай қилиб) *Хаурватат* ва *Амеретат* бош булиб, (Сенинг) илохий каломынг воситасида (инсонларни) Аша томонға бошлаб борадилар?

18. Сендан ҳақрост сұрайман, эй *Ахұра*, менга жавоб бергін. Мен қандай қилиб ўнта от ва ҳомиладор түя³⁴⁸ мукофотига сти-шаман? Сен томонингдан халқ қилинған *Хаурватат* ва *Амеретатни* (инсониятта қандай қилиб) олиб бораман?

³⁴⁸ Ўнта от ва ҳомиладор түя - жарылған шаштың түрлі таржималарда бир-бирилан жиддий фарқтануучы изохшар берилады. Масалан, баъзилар буни тұрғыдан-гүрті түшүниб, үй хайнолары, десалар, бошқалар эса инсоннинг 10 та сегтиси, лейдилар. Зардуңшылық динде жұла күп амасшар ўн ракамын болғап түшүнтилады да бунға алохила зұттар берилады. Бизнинча жа, буни маскани билан болғап шархлатп лозимдек: Пахлавий тәсіле битилген «Дина-и манинг ҳирад» (Дено рухнинг фіқрлары) китебіда күйідегіларни үйімді «Дөниншінді доно рұздан сұрады: «Кайсы заман бахтилардір?» Доно рух қүйіндегі жағоб қылды: «(Бирніңгі эң жаши заман шуки.) унда хасият бол әзіз масканини бундегі этады. Иккінчісі (шундай жойқы,) үлар үшін жойда олов ёқатылар. Учинчісі, корамол ва құйлар ором оладилар. Тұртқинчісі, ишлов берілмаган вә яшаш шароити бұлмажын ерга ишлов беріб, яшаш үчүн күлай шароит яратадилар. Бешінчісі, зарарқунанда хайвон ға ҳашоретілдірнін үз ға инларини йүк қыладылар. Олтінчісі, диний маросымларни адо қилиб, дөмінекі яхшилік қылладылар. Еттінчісі, ташшандык ерларға (Ұлаштыриб), ахолясын күп мас-камыларға айлантырадылар. Саккаппинчісі, ємон нарсаны мұлі қылды оспалыр, албатта унни яхшилікка айлантырадылар. Тұркізінчісі, качонки бирон-бир яхшилік вә фойда күрсәтілар, бу уларнин нымондары вә диндердің коміл бүлишінга олиб кетады. Үннинчісі, мұқалдаст сүнни олиб келиб, маржынын адо қылладылар (У бөб 1-13 мәтінлар).

19. Сендан ҳақрост сўрайман, эй *Аҳура*, менга жавоб бергин. Бир ҳақзабон зот (бирон-бир) мукофотга лойик бўлсаю, (биров уни) бермаса, унга келажакда (кандай) жазо беришилигинг ҳақидаги илмни (бидир).

20. Эй *Мазда!* Қандай қилиб девлар яхши подшоҳ булишлари мумкин? Буни ким куришини сўрайман. (Мен Сендан) бу *карапан*, усуж, аешма ва кавайки, (улар Сенинг) Аша билан безатилиган бараканг воситаси гуллаб-яшнайдиган конушиятларингга хукм эта олмаслар.

21. «Аем манаңҳо» (икки маротаба). «Ашем воҳу» (уч маротаба). «Тат тва перссам ҳайти»³⁴⁹ га олкишлар айтамиз. «Енгҳе ҳатам»...«тасча язамайде»³⁵⁰.

Ясна 45

Зот

1. Эй якин ва узоқдан келганилар! Мен ҳозир (сизларга) айтадиган барча каломларни чукур тафаккур қилиб кўринглар! Бу (Яратганинг) очик-ойдин (оятлари бўлиб, у кслганидан сўнг бу хусусида) кизбга иймон келтирган дружшар тилларини бурро қилиб ёғон тапира олмаслар, (ҳак йўл излаганиларга) нотўри маслаҳат беролмайдилар, (Холикнинг гузал) дунёсини вайрон кила олмайдилар.

2. Дарҳақиқат, мен икки нафар илк борлик рухи ҳақидэ сўзлайман. Улардан донороги анграга деди: «На фикримиз ва на таълимимиз, на донолигимиз ва на иймонимиз, на каломимиз ва на амалимиз, на динимиз ва на рухимиз бир-бирлари билан келиша олмайдилар».

3. Ҷарҳақиқат, мен сизларга *Мазда Аҳура* сўзлаб берган билим – оламнинг илк (асоси) ҳақидаги (таълимотни) етказаман: «Кимки мен сизларга тиловат қилиб бераёттан илохий каломлар асосида амал қилмас экан, унга аламли оқибат берилади».

4. Дарҳақиқат, оламдаги энг яхши (нарсани) сўзлайман: *Мазда* Ашани яратди. (У) *Воҳу Мананинг* отасидир. Аникли, эзгу амаллар (сабабчиси) Армаги кизидир (унинг). Барча нарсани кўриб турувчи *Аҳурани* алдаб булмас.

³⁴⁹ Мазкур бобининг биринчи сўзлари. Манъоси «Сендан ҳақрост сўрайман».

³⁵⁰ «Енгҳе ҳагач» дуосини «тасча язамайдигача, яъни охиригача кироат қилиш кераклгини белдиради. Ҳаитиларнинг охириги матни борсанда Ясна 29:12 га каранг.

5. Дарҳакикат, мен энг мукаддас Зотнинг каломини етказаман: «Ақлга хотиржамлик баҳш этувчи *Сраоша*, *Воҳу Мананинг* амали бўлган Ҳаурватат ва Амеретат билан инсонларнинг энг яхшилари (хузурига) келаман». *Мазда Аҳура* (шундай) деди.

6. Дарҳакикат, барчадан буюк Зотнинг каломини етказаман: «Апа воситасида (инсониятни) яхшилика (хилоят килувчи каломни) тиловат қиласман. *Мазда Аҳура* (Ўзининг) Мукаддас Рухи билан бизларни тингласа. *Воҳу Мана* воситасида энг олий подішоҳ томон мени хидоят килсин.

7. Ҳозирда яшайдиганлар, яшаб ўтганлар ва (келажакда) яшайдиганлар Ундан тўғри йўлни ато килишини дуо килганлар. Ашаван рухлар Амеретат билан кудратли бўладилар. Дружэрларга *Мазда Аҳураяратган* Хшатрада азобу-укубатлар бордир.

8. Мен дуо ва ҳамдлар билан Уни олкишлайман. Эзгу фикр, сўз (ва) амал билан Ашани қўзим билан танийман. Аниқки, ҳамларни Деманс Гарога олиб боргайман.

9. *Воҳу Мана* воситасида мен (Уни) истайман. (У) биз учун таракқиёт ва таназзулнини яратди. *Мазда Аҳура* (Ўзининг) Хшатраси воситасида Аша ва *Воҳу Манага* мувофик чорва ривожини яратди.

10. Биз Унга мукаддас каломлар ва Арманди воситасида сиғинамиз. У шундай зотдирки, (Унинг Ўзигина) кудрат сохиби ва ибодатга (лойик) *Мазда Аҳурадир*. (У) Аша ва *Воҳу Мана* устига Ҳаурватат ва Амеретат (сифатли) Уз Хшатрасини тиклаган кудратлиларнинг кудратлисиdir.

11. Дев ва ёмон нияти кимсалар доно Саопиянт (йўлини тутувчилар)дан ажралиб қоладилар. *Мазда Аҳура* мукаддас динни олиб келувчининг дўсти ва ота¹⁵¹ сидир.

12. Зот ва распи. «Ушта аҳмаи»... «Гаэм мананҳо» (икки маротаба). «Ашем воҳу» (уч маротаба). «Ат-фраваҳшям ҳаити»¹⁵² га олкишлар айтамиз. «Енгхе ҳатам»...«тасча язамайде»¹⁵³.

¹⁵¹ Авеста матнларida жуда кўп уринларда сўзларнинг лугавий маъноларига алоҳида мазмун юқсанади. Малкур матнда ҳам ота («^и») сўзи ўзининг ўзиги («^и», яъни «тарбиз юлчою», «тавом бермок» маъноларини ифодалаган).

¹⁵² Малкур бобининг биринчи сурлари. Маъноси «Дарҳакикат, мен сузлайманки».

¹⁵³ «Енгхе ҳатам» дусоним «тасча язамайде» яча, яъни охиригача кироёт юлини кераклигини билдиради. Ҳаитиларнинг охирги матни борасида Ясна 29:12 га каран.

Ясна 46

Зот

1. Қайси ерга юзланайин? Қаерга борайин? (Барча мен билан) мулокатда бұлғаншар дүстона муносабатларини қылмай күйділар. Девлар ҳокими мутлак бұлған мамлакат мени ҳеч қачон мамнун қилмайди. Эй Мазда *Aхура*, қандай килиб Сенинг рози этамаи?

2. Мен (уз) бахтсизлігімни биламан, эй *Mазда!* Менде чорва молларининг озлігідан (атрофимда) озгина эр кишилар бор. Унинг нолаларини бахтиёрликни ато кишилік билан бартараф этгін, эй *Aхура!* Дүстни дүстга ёрдам берішини *Воху Мана* ва Аша воситасида таълим бер.

3. Қачон, эй *Mазда*, борлық узра камолот ҳосил килиниб, ашавий яхшилик (уни) тәсда тұлдириб юборади? Қачон доно Саошянтнинг таълимоти билан *Воху Мана* ташриф буюради? Сенинг курдатингнигина тан оламан, эй *Aхура!*

4. Шубхасизки, дреквантлар Ашага ёрдамға шошилувчилар маскан туттан шаҳар ёки мамлакатни ҳақорат кильмокка итиладылар. Кимки үзининг амали билан *Mазданинг Шохли*идан (ёзулықтарни) кувлаб чикарап экан, у илохий донолик йүлиға рухларни бошлаб боради.

5. Кудрат ато килинганды Ашаван ёки *Митравий* буюк тафаккур, ёки *рашнавий* ҳаёт, ёки (у ашаван) дружга (хақ йүлни) танитиш билан, эй *Mазда Ахура*, бу азоблардан сақлаб колади.

6. Ұша қудрат (ато этилшан кимса) дружларға (үзларини үнглаб олишлик учун) имкон берілішини истамаса, уни (кизб) маскан тутади. Чунки дружга зиян жағы нарса кассоблик бұлса, ашаванга тоат-ибодат (доимий) ҳамрохлір. (Бу Сенинг) аввал бошданок яратған диннингдір, эй *Aхура!*

7. Вақтқи дружнинг даргазаблиги кучайғанда, мени үзимдек ким ҳимоя қиласы? Ашага ҳос амалларга (сабаб булувчи) Сенинг йүлинг ва тафаккуринг воситасида мени кувватлантириб, (Уз) панохиңга оласан, эй *Aхура!* Динимнинг бу билимларига (барчани) даъват киламан.

8. Кимки меніңга ёки *Mазданинг* дүнёсига заар етказмокчы бұлса, (унинг) тұгма қасоскорлығи менің етиб келмасин, унинг зарари күпайиб бизға тегмасин, бу яхши ҳастимизни өмөн ҳаётта

(айлантиришни) хоҳловчи шайтонлардан (Үзинг) хифзу-химоятингда саклагин, эй *Мазда*!

9. Ким ўша самимий зотки, мени биринчи бўлиб тафакурга ургатса? Сен (Үзинг) ашаванларнинг эзгу амалларига марҳаматли булган севимли *Аҳурасан*. Сен *Воҳу Мана* воситасида Аша ва ашавий борликни баён килиб берган (Зотсан).

10. Хоҳ эр киши, хоҳ аёл киши бўлсин, эй *Мазда Аҳура*, (Сен) яратган бу ёрг дунёдаги энг яхши нарсанни ихтиёр этса, Аша, *Воҳу Мана* ва Хшатра хулди Сенинг Үзингдек (уларнинг) тоат-ибодатлари сабабидан (у зотларнинг) барчаларини Чинват кўпригидан олиб ўтади.

11. (Узларнинг) салғанатлари воситасида *карапанлар* ва кавайлар бутун борлиқ ва инсониятни уларнинг динларини ёвуз амаллар билан боғлаб олиб, барча (инсонларнинг) таналарини Друж деманга³⁵⁴ Чинват кўпригидан доимо кулатишга харакат қиласилар.

12. Вактики, туронлик³⁵⁵ Фраяна³⁵⁶ ларнинг аша қон-кариношлари ва набиралари курдатли Арманти воситасида динни чакконлик билан гуллаб-яшнатишинг ҳаракатида бўлар эканилар, буларга ҳокими мутлак *Мазда Аҳура Воҳу Мана* орқали қувончни ато айлайди.

13. *Спитама Заратуштра* гим бахтиёрлик бахш эта олади? У шундай зотки, оламнинг холики *Мазда Аҳурам* поклаб ёд этади, бизниш динимизни *Воҳу Мана* воситасида гуллатиб-яшнатади, Ашани ўзига содик дўст деб (қабул қиласиди).

14. Эй *Заратуштра*! Кимки у ашаван дўст, буюк магага мардлик билан ғамхўрлик қиласиди? У зот Кава Вишласидирки, ўнга (Сен), эй *Мазда Аҳура*, серҳашам маконни (ато этасан ва) у *Воҳу Мана* воситасида олий ҳамдга чорлангай.

³⁵⁴ друж деманга - сузма-сўз таржимаси друж - ёлгоқчилик уйи, яъни жаҳоннам.

Матида келтан сўзи ўзагидан ясалгая бўлиб, куйидаги маъноларни айлатади:

1) туронлик;

2) тўрт мэротаба;

3) курдатли, кучли. Шунга куре, матинни аниқ бир туронлик оқиа деб кам, исталган курдатли оқиа деб чам таржима қилиш мумкин.

³⁵⁶ Бу сут савониши. . . атуб ўзагидан ясалган бўлиб, «севимли», «узгуликни соинувчи кимса», «дўст» каби маъноларни англатади.

15. Эй ҳаечатаспалар³⁵⁷! Эй Спитаманлар³⁵⁸! (Мен) сизларга энг яхши нарсаларнинг таълимини бераманки, амалларни Ашага мос ёхуд мос эмаслигини ажрата олинглар. (Албатта бу) Ахуранинг яратган энг биринчи конунидир.

16. Эй самимий инсон Ҳвогвадан дунёга келган Фрашаоштра! Бахтиёрликни олқишлоғчилинг (йулига) юришишгии орзу қиласизки, у ерда Аши Армайти билан (булади), у ерда Ҳиштрага суюкли бўлган Ҳоҳу Мана (булади), у ерда Мазда Ахура шод-хуррамликини яратади.

17. У ерда вазнга солинган матнлар билан маърифат ҳосил қиласан, (бу иш, яъни маърифат ҳосил қилиш) вазнга солинмаган матнлар билан бўлмайди, эй Жамаспа Ҳвогва³⁵⁹! Дуо-ибодат воситаси билан Сраоший бахтиёрликни Аша Мазда Ахура бералики, у оркали доно мушоҳада ҳосил қилинади.

18. Ким мен билан бўлса, ўша энг яхшиидир ва (унга) бахтиёрлик билан Ҳоҳу Манани ато айлайман. Кимки бизга карши бош кўтарса, мен унинг лушманидирман. Эй Мазда! Аша қонулари Сенинг яйловингни шодликка тўлдиради ҳамда у менга хикматли тафаккур ва қарор(лар)имдир.

19. Кимки Ашага амал қилиб, Заратуштранинг ниятини амалга ошмоги учун шиддат қисса, охиратда бахтиёрликни мукофот қилиб олади ва бу ҳаёти дунёдаги барча баракаларга мусассар (булади). (Буларининг барчасидан Сен) менга (бидирған) дуо энг афзалидир, эй Мазда!

20. Зот ва распи. «Унта аҳмаи»... «Гасем мананҳо» (икки маротаба). «Ашем воҳу» (уч маротаба). «Камнамасза ҳаити»³⁶⁰ га олқишлиар айтамиз. «Уштаваити Гата»³⁶¹, ашаван (ва) Аша ратуга олқишилар айтамиз, «Уштаваити Гата»ларнинг мукалдас тўпламига олқишлиар айтамиз. «Енгҳе ҳатам»...«тасча язамайде»³⁶².

Ҳаҷҷаспа – Заратуштранинг 4-яждоди (Бетафсил маълумот учун қаралсин: Динкард VII 2:70).

Спитаман (спитамана) – Заратуштранинг 9-яждоди.

Жамаспа – Ништасининг бош вазири (The sacred books of the East. Vol. XXXII. -р.70, 324) Заратуштра қафтидан сўнг олий рухоний (Дадистани диник. XLIV:16). У Авеста ва Зандни қарашол терисига олтин билан ёздирган (Динкард V китоб, III:4). Жамаспа ҳакида Авеста китобининг 8 ерида эслатилади (Ясна 12:7; 46:17; 49:9; 51:18; Яштлар 5:68; 13:103; 13:104; 13:127).

Мазкур бобининг биринчи сўнлари. Маъноси «Кай заминга (юзлашайин)?».

Заратуштранинг иккинчи Гўғашлари.

«Енгҳе ҳатам» дуссини «тасча язамайде»га, яъни охиригача кироат килиш жерасигигина билдиради. Ҳаитиътвранинг охирги матни бетасида Ясна 29:12 га каранг.

Зот ва распи.

Хурмат Сизларга, эй ашаван Гаталар!

1. Муқаддас тафаккур энг яхши фикрдир. *Мазда Аҳура* бизларни Аша амал ва калом воситасида *Хаурватат*. Амсрарат, *Хшатра* ва Армайти билан құлласин (икки маротаба).

2. Бу муқаддас фикр энг яхши (нарасадир): тил эзгу калом ва Армайтий фикр билан, икки құл мәрифат (хосил қилиш йүлида) банд бұлсın. Ашапинг отаси *Маздадир*.

3. Сен муқаддас тафаккурдирсанки, чорва моллари воситасида (инсониятта) баҳтиёрлик ато айлайсан, Армайти воситасида құплаб либосларни яратасан. Эй *Мазда! Вөхү Манани* (Үзингдан) биргалашиб сұраймиз.

4. Каззоб рухлар билан бирга бұлған золим бу – пок (зот) эмасдир, эй *Мазда!* Ашаван эса ҳар қандай ҳолатда ҳам ашаван-лигича колаверади. Искант³⁶³ ёвуз дрегвантдан фарқланиб туради.

5. Бу муқаддас рух билан, эй *Мазда Аҳура*, ашванга ниманики лойиқ құрган бұлсанг, у энг яхши (таңлов)дир. Сенға (яъни Сенинг марҳаматиңға) муносиб булиш ниятини дрегвантта бер(ма)гансал, бу (нииг боиси, унинг) ёвузылқка (тұлған) фикрига мос амалларидір.

6. Бу муқаддас рух воситасида, эй *Мазда Аҳура*, икки бир-бири билан курашувчи йүлни ато айлайсан, оқибатда Армайти ва Аша билан (уларни) күвватлайсан, албатта, барча (хакиқат) истовчилар (Сенинг таълимотиңға) қулоқ тутгайлар.

7. Зот ва распи. «Спента манию»... «Армайти Аҳуро»³⁶⁴ (икки маротаба). «Ашем вөхү» (уч маротаба). «Спента-манию ҳайти»³⁶⁵ та олқишилар айтамиз. «Еңгұе ҳатам»...«тасча язамайде»³⁶⁶.

³⁶³ Искант сузининг мәньоси хакида түрли хил карашлар мавжуд. Кеңі тарқалтани диндордир.

³⁶⁴ Мазкур бобинни биринчи матні бошидан охиргача үқылады.

³⁶⁵ Мазкур бобинен биринчи сұзлари. Мәньоси «Муқаддас рух».

³⁶⁶ «Еңгұе ҳатам» дуосини «тасча язамайде»ғача, яъни охирғақча киректің кириллицегінде билдирилген. Ҳантіларнинг охирғи матні борасида Ясса 29:12 да каралы.

Ясна 48

1. Агар донишманд Аша дружга марҳамат кўрсатса, ўшанда кazzоб сўзлар билан (друж) устун келади. Амератат дасвалар ва жонзотлар Сенинг баҳтиёрик (ҳакидаги) дуоларингни кироат киладилар, эй *Аҳура*!

2. Айттин менга Сен, эй барча нарсани билувчи *Аҳура*, диккатимни шубҳалар эгалтамасидан аввал: кандай қилиб ашаван, эй *Мазда*, дрсгвантдан голиб келади? Албатта ҳаёт барча эзгуликларнинг (асосидир).

3. Бу диний буйруклар энг яхши месроидирки, у ҳокими мутлақ *Аҳураяратган* эзгуликлар. Мукалдас таълимот кимга (ато этилса, у) Сенинг маҳфий илмингни, эй *Мазда*, эзгу ва доно тафаккур билан фахм этади.

4. Кимки фикрини эзгу қилса, эй *Мазда*, (ёки) ёвуз, у (ўз) динининг амаллари ва каломларини (ҳам ана ўшандай қилибди). Фаровоиликни ният килиш Сенинг ақлинга охиригача очикойдин олий эргашишдир.

5. Адолатли подшоҳ бизларга ҳукмдор бўлсин, кazzоб ҳукмдор эмас. (Хуҳшатра – адолатли ҳукмдор) Армайтига хос эзгу қалом (ва) амал билан (хукм юритсин). Энг яхши борлик билан инсониятни поясласин. Бизнинг бойлигимиз бўлган корамолга (мўл-кўл) ризкни берсин.

6. У бизни қудрати билан (Ўз) паноҳига олади. Мадх этилувчи *Воҳу Мана* қудратни яратади. Бу *Мазда Аҳуранинг Ашасидирки*, (унинг воситасида) олам яратилишининг аввалида ўсимликни ўстирди.

7. Ғазаб нари бўлсин, ҳар бир қуполлик нари бўлсин! Кимки *Воҳу Манани* тезда тутиб олса, Аша (унинг қалбини) маскан қилса, (демак,) у Сенинг уйингдан жой олган авлиёдир, эй *Аҳура*!

8. Эй *Мазда*! Қайси турдаги Ҳаштрага эгалик афзалдир? Қандай Сенинг мукофотинг менга (насиб килади), эй *Аҳура*? Қайси Ашавий равшан совгани *Воҳу Мана* билан (эзгу) амалга яқинлашаётган зотга маъқул кўрасан?

9. Мен качон Сени мени шубҳага солувчиларнинг Аша ҳукмдори деб биламан, эй *Мазда*? Менга ҳакки-рост баён айла: *Воҳу Мана* воситасида юксалувчи Ҳалоскор ўзининг мукофоти ҳакида хабарлор бўлсин.

10. Қачон, эй *Мазда*, инсоннинг ақли камолот ҳосил килиб, (Сенинг амрларингни) тушунади? Қачон оғир юумуп бўлган шайтонларни қувинн содир бўлади? Бу (шайтонлар) ёвуз *карапан* (булиб), ёвузликни бунёд этади, у (узининг) ақли билан мамлакатни ёвузларча бошкаради.

11. Қачон, эй *Мазда*, Аша билан Армaitи ва Ҳшатра яхши макон бўлган яйловларга келади? Ким (бизларни) каттиккўл дрэгвантлардан халос қиласди? Кимга *Воҳу Мана* таълимоти келади?

12. Бу мамлакатларнинг Халоскорлариdirki, у(лар) *Воҳу Манага* эргашади(лар), Сен (буюрган) Аша амаллар билан, эй *Мазда*, илм ҳосил қиладилар, улар Аешемага қарши жаигта киришадилар.

13. Зот ва распи. «Спента майню»... «Армaitи Ахуро»³⁶⁷ (икки маротаба). «Ашем воҳу» (уч маротаба). «Езида ҳайти»³⁶⁸ га олқишилар айтгамиш. «Енгъе ҳатам»...«тасча язамайде»³⁶⁹.

Ясна 49

Зот

1. Бу буюк Бенгдва³⁷⁰ доимо менга қарши курашиб келади. у ёлгон амал килувчидан (паноҳ сўрайман), эй Аша *Мазда!* Эзгу амал билан гамгишликни аритгин, окибатда бу *Воҳу Мана* воситасида (ёвузликларни) халок килгин!

2. Бу Бенгдва менинг ҳакимда бадгумондадир, Аша диний амалларни (у) золим ёлгонга чиқармоқчи бўлади. (У) муқаддас Армaitий ҳамдни қабул қилмайди ва эй *Мазда*, *Воҳу Манани* сўрамади.

3. Демак, бу олий қарордир, эй *Мазда!* Аша диний тартиботдир, ёлгон(чи) эса халок бўлгувчиидир. Шунинг учун ҳам *Воҳу Мана* билан бирга бўлишга тајиннаман. Барча дрэгвантлар билан дўст тутинишни бекор киламан.

4. У ёвуз ақғи соҳиби Аэшемса осонлик билан макон қилган ўз тили билан мулкни вайрон қиладилар. Кимки эзгу бўлмаган

³⁶⁷ 47-яснанинг биринчиги матни бошидан охиригача ўқилади.

³⁶⁸ Маскур бобнинг биринчи сұллари. Маъноси «Агарда...».

³⁶⁹ «Енгъе ҳатам» дусини «тасча язамайде»гача, яъни охиригача кироат килиш кераклигини билдиради. Ҳалилларнинг охирги матни борасида Ясна 29:12 га карант.

³⁷⁰ Бенгдва – Зиратуштра таълимотига қарши чиқсан тарихий шахс.

амаллари билан шайтоний амалларни хаёл килса, уни даева дретвантлар динига васваса килибди.

5. Кимки фаровонликни Сенинг ризолигинг учун ният қилса, эй *Мазда*, у *Воҳу Мана* қалбан боғланади. Кимда Арманди билан Ашанинг буюк тафаккури (булса), у билан барча Сенинг Хшатраларинг (булади), эй *Аҳура*!

6. Сендан мадад сўрайман, эй *Мазда*, эй Аша. (муқаддас қаломни инсонларга) сўзламок учун. У Сенинг аклинг маҳсулидир. Адолатни англаш (уни) эшитишдан сунг (булади). У шуцай динидирки, (фақат) Сеникидир, эй *Аҳура*!

7. Эй *Мазда*! Буни *Воҳу Мана* воситасида тингласинлар! Аша воситасида тингласинлар! Сен ҳам тингла, эй *Аҳура*! Қайси аирыма³⁷¹, қайси қариндошлар (Сенинг) меҳнат воситасида барака келтирувчи коиданг билан бирга булади?

8. Фрашаоштранинг руҳига Ашани ато айла, (шуни) Сендан сўрайман, эй *Мазда Аҳура*! (Ba) менга ҳам Үзингнинг эзгу Хшатрангни (ато айла)ки, (биз) доимо (Сенинг) энг яқинларинг булавлик!

9. Фаровонлик бахш этувчи муқаддас таълимотларни тингланглар: эзгу қаломли зот дретвантлар билан бирга булмайди. (Балки) у даэна билан иттифок қиласи ва (унинг иттифоки) энг яхши мукофотдир. Савол-жавобда (улар) Аша билан бирга буладилар, эй Жамасна!

10. Албаттаки, эй *Мазда*, Үзиншнинг даргоҳингда ибодат ва орзу этилувчи Арманди ҳамда Сенинг қудратинг (рамзи бўлган) абадий Хшатра воситасида *Воҳу Мана* ва ашаванлар руҳини ҳимоя қиласан.

11. Ёвуз хукмдор, ёвуз амал ва ёвуз қалом соҳиблари, ёлғон дин уммалари, ёвуз фикр өгаси ҳамда дретвантларнинг руҳлари ёмон ризқ билан бирга буладилар. (Улар) друж-деманда ҳақиқий «мехмон» буладилар.

12. Қандай килиб Аша воситасида на *Воҳу Мана* билан Заратуштрага ёрдам берасан? (У шундай зотдирки, Сени) дуо билан олкишловчи, эй *Мазда Аҳура*, (Сендан) энг яхши нарсаларни илтижо килиб сўровчидир.

³⁷¹ Бу (*աւուզ*) сўзни аспида иккى ҳил маъноси бор: «лустлик» ва «мехмон» (ёки бегона). Қейинчалик ундан «врий» (орий) атамаси келиб чинкан. Ҷагафсил маълум от учун карамасин: Bartholomae Chr. Altiranisches Wörterbuch. Strassburg, 1904. – Р. 198.

13. Зот ва распи. «Спента майшю»... «Армайти Ахуро»³⁷² (икки маротаба). «Ашем воху» (уч маротаба). «Ат-маява ҳайти»³⁷³ га олқишилар айтамиз. «Енгхе ҳатам»...«тасча язамайде»³⁷⁴.

Ясна 50

1. Узимнинг рухимга кимининг ёрдамини излайн? Ким менинг чорвамни ва билимни ҳимоя қилади? Магар Сенинг Ашангдир (уларни ҳимоя қилувчи), эй *Мазда Ахуро!* Энг эзгу тафаккур воситасида (буни) баён эт!

2. Эй *Мазда!* Қаерда бахтиёрлик бахш этувчи баракали корамол³⁷⁵ парвариш килинади? У бизларга мактовни ният қилувчи либос булади. Ҳақиқатнараст зот Ашага амал қилиб, жуда узок Қуёш нурлари остида яшайди. Менга очик-ойдин (макондан) жойни совга қил!

3. Унга, эй *Мазда*, Апани насиб айла ва (яна) *Воҳу Мана* Ҳшатрасини ато эт! Унга қудратни мукофот килиб бср! Каззобга энг якин қаломни бахшида қил!

4. Дуо-ҳамд билан Сизларга таъзим-ибодат қиласман, эй *Мазда Ахуро*, Аша ва Энг аъло фикр билан! (Ва яна) йўлда турувчи Ҳшатра билан! Сенинг даргоҳинингда (Сенинг қаломларинингта) кулок тутаман.

5. Аша воситасида пайғамбар³⁷⁶ га қувонч ато айладинг, эй *Мазда Ахуро!* Эзгу амал (уни бажарувчига) очик-ойдин фойдалир! (Бу фойдаки,) кўл воситасида (бажарилади) ва (бунинг учун унга) мактов ато этилади.

6. У мантра ва дуони олиб келади, эй *Мазда!* (У узининг) ибодатлари билан Ашанинг дўсти бўлган Заратуштадир. (У) аклининг ёрдамида тили билан (ҳак) йўлга (чорловчи) мактovлар яратади. *Воҳу Манани* диний амалларнинг карор топиши учун йўналтиради.

7. У Сизлар билан энг тез иттифок бўлали Сизларга (айтган) кўп олқиши ва мақтovларининг галабаси шарофатидан. Эй *Мазда!*

³⁷² 47-яснанинг биринчи матни бошидан охиригача ўқилади.

³⁷³ Мазкур бобнинг биринчи сўзларни. Майноси «Доимо бу мен(и)...».

³⁷⁴ «Енгхе ҳатам» дуосини «тасча язамайде»га, яъни охиригача кироят юлиш керақлигини билдиради. Ҳавтиларнинг охирги матни борасида Ясна 29:12 га каранг.

³⁷⁵ Замин деб ҳам тушупиш мумкин.

³⁷⁶ Матнда келган сўзини «мантрани кубловчи», «мантра соҳиби» деб таржима юлитиш мумкин. Мантра. Акестага мувоғиғ. Яратганинг қаломи саналади. Уни кўйловчи эса Заратуштадир.

Кудратли Аша ва *Воҳу Мана* воситасида мени ёрдамга бошлаб борасан!

8. Мадҳлар билан Сизларга³⁷⁷, ёлгиз Сенинг учунгина, кўлларимни юкорига кутариб ҳамду-сано (айтиб) яқинлашаман, эй *Мазда!* Сизларга Ашавий самимий таъзим ва Сизларга эзгуликка тула *Воҳу Мана* билан (яқинлашаман).

9. Бу Ясна³⁷⁸ билан Сизларга ҳамд айтиб келаман, эй *Мазда*, (яна) *Воҳу Мана* воситасида бажарилган ашавий амал билан. Қачон менга орзуйимдаги ҳшая³⁷⁹ ни мукофот килиб берасан? Зероки, мен буюк тафаккур билан (Сен) томонга талпингайман!

10. Мен *Воҳу Мана* воситасида қилган амалларим билан кўзни кувватлантираман. Қуёшнинг нури ва фаровонлик (олиб келувчи) ҳўқиз (бу) – Сизларнинг Аша ҳамду-саноларингиз (баракасидандир), эй *Мазда Аҳура!*

11. (Мен узимни) Сизларга ҳамд айтувчи деб номлайман ва Сенинг Ашанг билан (ҳамд айтувчи) бўламан, эй *Мазда!* Самимий *Воҳу Мана* воситасида оламни яратган (*Аҳура Мазда*) энг адолатли ва меҳнатсеварлар (инсонлар)ни (дунёга ҳоким бўлишларини) истовчи (Зотдир).

12. Зот ва распи. «Спента майню»... «Арманди Ахуро»³⁸⁰ (икки маротаба). «Ашем воҳу» (уч маротаба). «Кат-мои урва ҳайти»³⁸¹ га олқишилар айтамиз. «Спента майню»³⁸² гата»га ва ашаван ҳамда аша ратуга олқишилар айтамиз. «Спента майню гата»ларнинг муқаддас тўпламига олқишилар айтамиз. «Енгхе ҳатам»...«тасча язаманде»³⁸³.

Сизлар (-и) ўдди мурод Амеса Сиентъ, яъни *Аҳура Мазда* винг сифатлари. Матнданги *винг* вазнга солинган шеър маъносини билдиради (яна қаранг Ясна 46:17).

Авеста тилица «Ясна» (—) сузи куп маъноларни билдиради: ибодат, дуо, эзгулик, Авеста китобининг бир қисм (наск)и ва бошқалар.

Матнданги *—* сузини ҳам давлатни бошкарниш, ҳам кароргоҳ, ҳам буюк қудрат деб тушуниш мумкин.

³⁷⁷ 47-жиснанинг биринчи матни бошидан охиригача уқилади.

Мазкур бобнинг биринчи сузлари. Маъноси «Ким менинг рухим...»

Мазкур бобнинг 2омия. Маъноси «муқаддас рух».

«Енгхе ҳатам» дуосини «тасча язаманде»гача, яъни охиригача кироат қилиш кераклигини билдиради. Ҳайтиларнинг охиригичи матни борасида Ясна 29:12 га қаранг.

Воҳу Ҳшатра гата

51 Ҳа

Зот ва распи.

Адолатли зотларнинг иззат-икроми гаталарга.

1. Воҳу Ҳшатра Ваири³⁸⁴ – олий энг кўп ёрдам берувчи қудратdir. (У) муқаддас истак билан бирга булган Аша маъсумдир. Энг эзгу амаллар билан, эй *Мазда*, бизларни хулклантири! (икки маротаба)

Зот

2. Бу Сенсан, эй *Мазда Аҳура*, азалдан Аша (булган), Арманди (айнан) Сенинг (Ўзинг)дир. Менга орзу қилинган Ҳшатрани курсат. (Ва яна) Фаровонлик яратувчи дуо(лар)ни Ўзингнинг Воҳу *Мана*нг воситасида (намоён айла)!

3. Самимий амаллар билан (яшаган инсоннинг ҳолатини) билдиргин! Эй *Аҳура*! (У шундай зотки,) Аша-тил билан Воҳу *Мана* ҳамроҳлигида (факат) эзгуликларни сўзлади. Албаттаки, Сен, эй *Мазда*, энг биринчи мезондирсан.

4. Қаерда чиркинликлардан паноҳ? Қаерда раҳм-шафкат қарор топади? Қаерда Аша дуо қилинади? Қаерда Спента Арманти? Қаерда Воҳу *Мана*? Қаерда Сенинг Ҳшатранг, эй *Мазда*?

5. Барчасини Сендан сўрайман: «Қандай килиб Аша чорвани савол-жавоб килади?» (Ўз) меҳнати билан ерга ишлов берувчи инсон эзгу тафаккур билан фикрлайдиган (зотдир)ки. унга адолатли ратулик билан (қўлостидағиларни) бошкаргани учун Чиста мукофот килиб берилади.

6. Кимгаки эзгулик ато қилинган бўлса, у баҳтиёр қалб (сохиби)дир. Ҳшатра *Аҳура Мазданикидир*. Кимки ёвуз инсонни тўғри йўлга хидоят килса, натижала унга дунё ўз якунинга стғанда ҳам якун бўлмас!

7. Мешга *Хаурватат*, Спента Маню, Амерататни ато айла, эй чорва, сув ва ўсимликни яратган *Мазда*! (Ва яна) куч-кудрат ҳамда Воҳу *Мана* воситасида диний ақидаларни (ато айла)!

³⁸⁴ Ҳшатра – ҳокимнинг, қудрат:

сўзининг гаржимаси қуйидагича: Воҳу – яхшилик, эзгулик; Ҳшатра – ҳокимнинг, қудрат: Ваири – тилак, рози-ризалик, ўз-ўзига фарбонбардор. Матидя велдагичча колдиринин мъъқул тоғдик.

8. Доно зот дуо қиілганида айтаман Сенга, *Мазда*: «Дретвантнинг ёвузылигидан Ашанинг баҳтиёрги олийроқдир. Кимки илохий каломни тиловат-қылса, ана ўша баҳтиёр доно (инсон)-дир».

9. Ҳар икки курашувчи томонни Сен (Ўзингнинг) Қизил Оловинг билан синаисан, эй *Мазда!* Темири эритиш бу – олий нишонадирки, (у орқали) дретвантни жазолаб, ашаванни баҳтиёр этасан.

10. Мени турли йўллар билан йўқ қилишни истовчи, эй *Мазда*, у друж яратган қайғули фикрдир, бизларнинг ёвуз фикрлиларимиздир. Ашани чорлагайман: у Эзгу дуо билан келсин!

11. Ким *Спитама Заратуштранинг* дўсти, эй *Мазда?* Ким Ашадан таълим олган? *Спента Армайтидан-чи?* Ким *Воҳу Мана* билан (ҳамқадам булган) адолатгўй магалар?

12. Кавининг издошлари билан бир хил бўлганиларни (Чинват) куприги хушнуд қилмайди. *Заратуштра Спитамага* билдирилган хабар шудир: «Бу шайтонлар (Яратганинг) кучкудрати олдида ожиз бўладилар».

13. Албатта, дретвантлар адолатгўй зотларнинг динини йўқ қилишни истайдилар. Ана ўшаларнинг рухлари Чинват кўпригига балога гирифтор бўладилар. Ўзларнинг амаллари билан Ашавий тарикатдан юз ўғирганликларига икрор бўладилар.

14. Яратга иймон келтирмаган *карапанлар* ерга ишлов беринши комил қилмайдилар. Чорвачилик илмини ўрганиш амал қилиш билан бўлади. Бундай илмнинг охири шуки, дружларнинг макони ёвузыликлар.

15. *Заратуштра* магаларга *Аҳура Мазда* (Ўзига) энг биринчи макон қиласидан Гаро Демане мукофотининг хабарини беради. Албатта, Сиз – *Воҳу Мана* ва Ашани баҳтиёрлик сабабчиси (леб биламан).

16. Кава Виштаспа Хшатра воситасида магаларга ётиши. *Воҳу Мана* йўлида у Аша воситасида тафаккур килиб, вазнга солинган матини англади: «*Мазда Аҳура* муқаддасдир». Бизга баҳтиёрлик (илми)ни таълим бер!

17. Менинг суюклигим Фрашаоштрава баракали инсондир. Эзгулик динини кабул килгани учун (у баҳтиёрдир). Кудрат сохиби бўлган *Мазда Аҳура* (ҳақни тоимок учун) илтижо килувчиларга Ашани ёрдамга юборади.

18. Доно Жамаспа (ўзининг) ибодатлари билан мақтоворга сазовордир. У *Воҳу Мана* воситасида (ато килинган) бизим билан Ашани ўзида мужассамлаган Ҳшатрадир. Эй *Аҳура Мазда*, менга Ўзингнинг ҳимоятингни ато айла!

19. Бу зотга, эй *Майдёи-мангҳа Спитама*³⁸⁵, (шундай) мулк ато этилганки, унинг воситасида олам ва бу дин обод булар. *Мазданинг қонунлари оламни* (эзгу) амаллар билан фаровон (бўлишилигини) баён этади.

20. Эй ҳамфир зотлар! Барча бахтиёрлик мукофотлари *Воҳу Манага* хос бўлган олий ҳамддирки, у Арманди билан Ашадир. (Учарни) кувонч ила истармиз *Маздага* ибодат қилиб.

21. Арманди билан инсон пок бўлади ҳикматли калом, амал (ва яна) Аша дини ҳамда мукаддас *Воҳу Ҳшатра* воситасида. *Мазда Аҳура уни Воҳу Мана* воситасида дуо қилсин!

22. Ашага мувофик бўлган инсон мен учун энг қалтрулидирки, улар (аввалда) бўлган ва (ҳозирда) мавжуд *Мазда Аҳуранинг* мулкидир. Ўзингнинг номинг билан бу ибодатларни (адо қилиб), муҳаббатта бор-боримча яқинлашарман.

23. Зот ва распи. «*Воҳу Ҳшатра вири*»... «*варешане*³⁸⁶ (икки маротаба). «*Ашем воҳу*» (уч маротаба). «*Воҳухшатра ҳанти*³⁸⁷» га олқишлиар айтамиз. «*Воҳухшатра гата*» га олқишиларга, ашаван ва аша ратуга олқишлиар айтамиз. «*Воҳухшатра гата*» лар мукаддас тўпламига олқишлиар айтамиз. «*Енгхе ҳатам*»...«*тасча язаманде*³⁸⁸».

Ваҳиштоишли гата

53 Ҳа

Зот ва распи.

Адолатли зотларнинг иззат-икроми гаталарга.

1. *Заратуштра Спитамага* ато этилган энг яхши нарса бу – каломдирки, у эзгулик (йўли)ни ато айлайди. Аша воситасида *Аҳура Мазда* абадий баракали ҳастни шундай зотларнинг

³⁸⁵ *Заратуштра* амакисининг угли (Буюдахшин XXXII:2), *Заратуштра* динини энг биринчи кабул килган зот (Фаряардин Яшт XIV:95).

³⁸⁶ 51-жиснинг биринчи матни бошидан охиригача училади.

³⁸⁷ Мазкур бобнинг биринчи сўзлари. Манъоси «Эзгу Ҳокимият».

³⁸⁸ «Енгхе ҳатам» дусони «тасча язаманде» яча, яъни охиригача кироат қилиш кераклигини билдиради. Ҳантларнинг охири и матни борасида Яспа 29:12 га каран.

барчасига насиб этадики, у ёлғондан қочади ва эзгулик дини каломларини ва амалларини таълим олади.

2. Тафаккур, калом ва амаллар (бир-бирлари билан) мос бўлсин. *Маздага* ибодат қилипгага бел боғламоқ мақтовор эзгу амалдир. Кави Виштаспа *Заратуштра Спитама* ва Фрашашоштра билан донолик тарикатини (тутувчи) адолатли кимсаки, у *Аҳура* диннинг Халоскоридир.

3. Эй сен Пуричиста Ҳаечатаспана *Спитама!* *Заратуштра* энг кичик қизи! *Воҳу Мана* ва Аша билан маҳкам боғланиб, *Маздани* (узингнинг) йўлбошчинг (деб билгин)! Сен *Спента Армайтига* хос дополикни ақлинг маслаҳатчиси (деб билгин)!

4. Унинг иймон-эътиқодини худди отам ва ҳрим (мени асрагани)дек саклагайман. *Воҳу Мана* пурлари остида адолатли эркакка адолатли аёл (етишсин). *Мазда Аҳура* эзгулик динини комил килиб агадул-абадга беради.

5. Кизларга бу насиҳатларни сўзлайман ва (яна) никохланувчиларгаки, (буни) тафаккур қиласинлар: «*Воҳу Мана* воситасида (ато қилинган) динларинг билан бу дунёга тришинглар. (У) Аша билан тўлгандирки, унинг киёси баҳтиёр маскан кабидир».

6. Эй адолатли эрлар ва аёллар! Ёлгончилар (узларининг) адаштирувчи тарикатини тутиб, ёлғонлар орқали таналарни, ҳаром лукма ва үлк лукмалар билан тириклик нафасини ўлдиришни орзу қиладилар. Драгвантлар адолатта қарши қурашувчилардир. Бу билан маънавий борликни халок этурсизлар.

7. Сизларга бу магалик мукофот бўлади. Доимий ободликни орзу қилиш – тирикликнинг асосидир. Драгвантнинг рухи (уни) хор қиладиган срга улоктириб юборилади. Магадан воз кечмоқ – бу сизлар учун охирида (афсусли) каломлар айтиладиган масканидир.

8. Бу билан шайтоний амал қилувчилар бизларга халақит берадилар. Қахқаҳа отиб кулиш барча ғазабларининг устиладир. Адолатли подшоҳ билан қабиҳликлар баҳтиёрлик томонига (узгаради). Бу амаллар билан эса (обод) маконлар яратилади. Риёкорларга энг буюк ӯлимни жуда тез муддатда йўллагин!

Зот ва распи.

9. Ёвузлик малайлари омадсизликни инсонларни шайтон йўлидан ҳимоя қилувчи Кудратни истовчиларни адолатта қарши

курашувчи ва осий бандага (айлантириш билан) излайдилар. (Ёвузларнинг) хаёти ва эркларини йўқ килувчи *Аши Аҳура* каерда? Сен *Маздадирсанки*, *Хшатра Сенингдир*, адолат билан яшайдиган факир инсонга хайр-баракаларни ато айлайсан. (Уч маротаба)

10. Зот ва распи, «Вахишта иштиш срави Заратуштрахе»... «ухда шяошатанача»³⁸⁹ (икки маротаба). «Ашем воху» (уч маротаба). «Вахиштоишига ҳайти»³⁹⁰га олқишилар айтамиз. «Вахиштоишига олқишиларга, ашаван ва аша ратуга олқишилар айтамиз. «Вахиштоишига олқишиларга мукаддас түпламига олқишилар айтамиз. «Енгхе ҳатам»...«тасча язаманде»³⁹¹.

³⁸⁹ 53-яснанинг биринчи матни бошидан охиригача уқилади.

³⁹⁰ Маткур бобнинг биринчи сўзлари. Маъноси «Энг яхши калом»

³⁹¹ «Енгхе ҳатам» дуосини «тасча язаманде»гача, ўзин охиригача кироат килиш жерактигини билдиради. Ҳамтиларнинг охирги матни борасида Ясна 29:12 га караш.

III ЗАРДУШТИЙЛИК НАТУРФАЛСАФАСИ, КОСМОГОНИЯ ВА ОНТОЛОГИЯСИ

КИРИШ

Инсон эволюцияси тарихи шундайки, табиат ҳодисаларини англашдан бошлаб, түйланган ҳаётий тажрибалар асосида абстракт тафаккур юритиш кобилиятининг шаклланиши билан, ижтимоий онг шакллари сифатида диний ва фалсафий тафаккур тарақкӣ эта бошлади.

Агар табиат ҳодисаларини тотемистик англаш даврида одамлар кўпроқ конкрет, ягона нарсаларни илохийлаштирган бўлсалар, дунёни анимистик идрок килиш ривожланиши билан илохларнинг ҳам, рух ва ибодат ҳакидаги тасаввурлар чегараси ва мазмунининг ҳам кенгайиши юз беради. Осмон, ер, ўлдузлар, ой, кўёш, шамол, кор, момоқалдириқ, чакмок, тоғлар, дарёлар, шаршараалар, ўрмонлар, тошилар, дарахтлар, ҳаво, яъни инсонни ўраб турган барча нарсалар илохийлаштирилган. Ибтидоий одам тасаввурига биноан, улар ҳам аклга, рухга эга, улар одамларга ёрдам беринши ёки зарар килиши мумкин. Уларни ўз доирасига жалб қилиш учун инсон мазкур ҳодисалар рухи ва калбига хакоратламаслиги керак. Улар ғазабланмаслиги, жаҳли чикмаслиги керак, зеро одамларнинг тинч ва фаровон ҳаёти ҳамда рухий хотиржамлиги уларнинг марҳаматига боғлик. Шунинг учун вакти-вакти билан курбонлик килиш, уларнинг шарифига дуоли удумлар ва сиғиниши маросимларини ўтказиш зарур.

Зардуштийликда дауалистик тафаккур ўзининг табиатда ҳам, инсон ҳаёти ва жамиятда ҳам ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, ғузалик ва мажрухлик, ҳаёт ва ўлим ва ҳ.к. қарама-каршилигига ифодаланган энг юкори ривожланган кўринишига эга. Табиатда қарама-карши кураш олиб борувчи ибтидолар мавжудлиги тушунчаси зардуштийликда *Аҳура Мазда* ва *Анхра Майнью* бошчилигидаги икки қарама-карши кучларнинг конунлаштирилган тизими сифатида ўз аксини топади. Барча эзгулик *Аҳура Маздадан* чикади, бузғунчилик эса *Анхра Майнью* билан боғлик.

Ахура Мазда кароргоҳида тинч ҳаёт барқ уради, ҳакиқат галаба козонади, қуёш порлайди, тиник сув оқади, мукаддас олов снали, Ахра Майныю билан эса бахтсизликлар, үлим, қиш, ёлғон, одамлар ва молларга зарар келтирувчи ҳар кандай зараркунанда кумурскалар ва ҳайвонлар билан боғлиқ.

Ахура Мазда Зардуши тасаввурида янги таълимотни ифодаловчи сифатида, унга янги эътиқодни тарғиб этишини тошширди.

Ахура Мазда томонидан дунёнинг барпо этилиши Авестада марказий үринни эгаллайди. Зардуштийликда дунёнинг давр ва маконда мавжудлиги туганмас, деб қайд этилади. Коинот икки карама-карши кисмга бўлишади: бир томонини *Ахура Мазда* ижоди - чексиз иссиклик, ёргулук, ҳаёт ва яхшилик ташкил этса, иккинчи томони чексиз зулмат, совуклик, үлим ва ёмонликдан иборат бўлиб, у Ахра Майныюга тегишилидир.

Карама-карши ибgidолар – ижобий ва салбий, гўзаллик ва мажрухлик, ёргулук ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва үлим зардуштийлик дуалистик ғоясининг асосини ташкил қилади.

Авеста дуализми моддий ва маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларида кўзга ташланади: табиат дунёсида ёргулук ва зулмат, иссик ва совук, фойдали ва зарарли, маънавий-ахлоқий жабҳада – яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва мажрухлик уртасидаги кураш, ижтимоий ҳаётда – адолат ва адолатсизлик, фойдали ва зарарли ишлар, диний эътиқодда *Ахура Мазданинг* эзгу ишлари ва Ахра Майнининг зарарли фикрлари уртасидаги кураш.

Мазкур шиддатли жангда *Ахура Мазда* ғолиб чиқади, Ахра Майню эса зулматта чўкади ва умрбод йўколади.

Зардуштийлик ва Авестанинг фалсафий моҳияти куйидаги онтологик, диалектик ғояларда ўз ифодасини топган: биринчидан, дунё асосини *Ахура Мазда* яратган ва унинг бунёдкорлик тамойилига тобеъ танали (моддий) ва рухий (идеал) мавжудот ташкил этади. Бу тамойил шировардила *Ахура Мазда* ғояларининг ғалабасини такозо этади; иккинчидан, бу ғалаба бунёдкорлик ва бузгунчилик ғояларини ифодаловчи икки карама-карши рухларнинг кураши (диалектика) оркали эришилали; учинчидан, бу кураш муайян вакт ва маконда (вакт ва макон ҳакидаги тасаввур) солир бўлиб, ахлоқий тамойил – «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» (этика) нинг ғалабаси билан якунланади.

Бутун Авеста дуализм ғоялари билан сүгорилған. Бириңчидан, икки рухлар – яхшилик ва ёмонлык, хаёт ва ұлим рамзи хисобланған *Аҳура Мазда* ва Аңха Майның тамойилларининг қарама-каршилиги; иккінчидан, табиат, ҳайвонот ва үсімлик дүнесін үз асосига күра қарама-қарши – үсаётган, гуллаб-яшнаётгап табиат ва табиат оғатлари: сув тошқинлари, күрғокчилик, ер силкенишлари; учинчидан, ҳайвонлар ҳам икки күтбага булинған – фойдалы ва заарлы; тұрткынчидан, тафакқур дуализми – жаңнагат, қуёш, ой, ҳаво ва сув ҳамда дұзах, зулмат, касалликтар, ұлим ва х.к. каби қарама-қарши түшунчаларда ифодаланған.

Зардұштийлік онтологиясида дунәш шар шаклида, думалок деб тасаввур қилинған. *Аҳура Мазда* учта боскичдан иборат дунёни яратты: қуёш, ой ва юлдузлар сфераси. Қуёш сферасида *Аҳура Мазда* кароргохи жойладыған, пастда, қуёшга қарама-қаршы томонда – мангу зулмат, заарлы девлар салтанаты, ұлим сатхи жойлашыған. Бириңчи ва иккінчи сфералар үртасида хаёт жойлашыған бўлиб, унда Ёргулук ва Зулмат, Эзгулик ва Ёвуздык, Хаёт ва Ұлим мангу кураш олиб боради.

Шу билан биргә, зардұштийлік дуализми доктринаси (икки қарама-қарши кучлар кураши) маълум турғунылғы билан ажралиб туради. *Аҳура Мазда* фаолияти соҳасига кора кучлар кириб бормагунча, дунёда ҳаракат содир бўлмайди. Аңха Майның үзининг қора кучлари билан *Аҳура Мазда* дунёсінде құжум қилғанидан сўнг, дунёда ҳаракат бошланади. Фазовий жисмлар ҳаракат қила бошлайди, қуёш дунёга янада иссиқрок нур сочади, ёмғирлар ёғади, тоғлар пайдо бўлади, дараҳтлар үсади. Юлдузлар коинотни безайди ва йўловчиларга йул курсатади. Ой дунёга хотиржамтикни ёйади ва х.к. Лекин *Аҳура Мазда* юлдузлар ёрдамида ҳар бир сайёрада Аңха Манью кучларини бартараф этилиған жисмларни пайдо килади. Булар – Тир (Меркурий), *Тиштрия*, *Баҳром* (Марс) – Вэрэтраги, Ормузд (Юпитер) – *Аҳура Мазда*, Нахид (Венера) – *Анаҳита*⁹².

Вактнинг мангу давом этиши *Аҳура Мазда* буйругига биноан чегараланған доирага эга бўлади ва 12 минг йилни үз ичига олади, мана шу вакт давомида дунёда ҳар уч минг йилда тўрт маротаба үзгариш юз беради. Бириңчи даврда *Аҳура Мазда*

⁹² Соколов С.Н. Зороастризм. Авеста в русских переводах (1861-1996). СПб.: "Журнал "Неба""; "Летний Сад", 1998.- Б. 17.

төялар дунёсини яратади. Мазкур идеал дунёда *Ахура Мазда* томонидан кейинчалик молдий дунёла яратиладиган барча нарса образлари мавжуд бўлади.

Иккинчи даврда *Ахура Мазда* осмон, юлдузлар, ой ва қўёшни яратади. Айнан шу даврда Анхра Майнью осмони фалакка кириб боради, у ерда осмон жисмлари бир хилда ҳаракатланишига ҳалакит берувчи ёвуз сайёralарни, кометаларни ва метеорларни яратади. Икки қарама-қарши кучларининг очик кураши юз беради. Ҳар иккала тарафлар улар яратган нарсаларни куллаб-куватловчи кучларни тўплайдилар. Бу кураш натижасида бутун дунё ҳаракатга келади, Эзгулик ва Ёвузилик дунёси пайдо бўлади.

Ахура Мазда ҳар бир сайёрага Анхра Майньюдан ҳимоя килувчи ўзининг эзгу рухларидан бирини қўйиб чикади. Бу давр ҳам уч минг йил давом этади. Дунёни яратиш бу билан тугалланмайди. Ривоятлардан бирига кура, *Ахура Мазда* яна уч минг йил ичидаги «бутун дунёни ўзининг танасида яратади, кейин бошидан осмонни, оёғидан – ерни, куз ёшлиридан – сувни, соchlаридан – ўсимликларни, руҳдан – оловни яратди»⁹⁰.

Зардуштийлик ривоятларига биноан, ҳаракат зардуштийликда ниҳоятда қадрланган эътиқодлардан бири – сувнинг мавжудлик манбани ҳисобланади.

Ёмғирлар ва ерда сувнинг тарқалиши юлдузларга боғлик. Сув табиатда тирик мавжудотлар танасидаги қон ҳаракатланишини эслатади. Худди ҳайвон танасида қон мангу айланишда бўлганидек, сув ҳам дастлаб срга қуйилади ва одамлар, ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар томонидан кўлланилади ва бунда ўзининг бирламчи тозалигини йўқотиб боради. Ер юзида ифлосланган сув денгизда тозаланади, кейинчалик эса Ворукаш қулига қуйилади, у ердан дунё чархпалаги сабабли ўзининг дастлабки ҳолатига қайгади. Бу билан сувнинг одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар хаёт манбани сифатидаги мангу түкинлиги таъминланади.

Анхра Майнью ҳам куя ковуштириб ўтирамайди, балки қаршилик курсатиш усуллари ва воситаларини излайди. У сувни ифлослантиради, қўёшни туман билан үрайди, турли касалликларни тарқатади, боғларни куригади, яйловларни бушатади ва охир-окибатда буқанги ҳамда биринчи одам Гайомартни ўлди-

⁹⁰ История таджикского народа. Т. I.- М., 1963.- Б. 181.

ришга муваффак булади. Бироқ у ҳаёт ва ривожланиш манбаларини батамом йўқ килишга ожиз эди. Бука ва одам уруғидан яна хайвонлар, эркаклар ва аёллар пайдо булади, улардан инсон қавми юзага келади.

Кейинги уч минг йиллик пайғамбар Зардушият пайдо бўлгунга қадар икки қарама-қарши кучларнинг кураш даврини акс эттиради. Учинчи давр пайғамбар Зардушиятнинг пайдо булиш даврини қамраб олади. Авестада бу давр олтин салтанат даври сифатида тавсифланиб, у ерда на иссик, на совук, на касаллик, на карилик, на ҳасад ва на ёвузлик бор. Мазкур олтин даврга мол ва яйловларни очлик, совук, ёвузлик ва сув тошканидан ҳимоя килувчи Виштаси подшохлиги даври мисол бўлади.

Зардушийтлик ривоятларига кура, Зардушиятдан сунг дунёя уч минг йил туради. Бу даврда Зардушиятнинг учта ўғли Халоскорлар кўринишида пайдо булади. Улардан ҳар бирини минг йилликдан сунг вужудга келади. Учинчи Халоскор – Саоштьянт лунёга келипни билан мисли курилмаган курап юз беради. Алихра Майнью ўзининг барча қора кучларини тўплаб, «учта панжаси, учта боини ва минглаб хийлалари мавжуд бўлган» Аджи Ҷаҳакни озод қиласи, Зардушиятнинг учинчи ўғли меҳрибон ва донишманд Саоштьянт ҳам ўз илоҳларини (Амеша-Спента) куроллантиради ва барча ўлик диндорларни тирилтиради ҳамда ҳал килувчи ва охирги кураш, жанг бошланади. Бу жангда Эзгулик, Ёруғлик ҳамда Ҳаёт кучлари ва руҳлари ғалаба қозопади. Дунё ҳар қандай қабоҳатлардан озод, мангу ва хотиржам ҳаётга эришиади. Бундай янгиланиш, ёруғ ва адолатли осойишталикка эришиш билан дунёning 12 минг йиллик яратилиш ва тасдикланиши даври тугайди.

Юкорида келтирилган фикрлардан куринаники, зардушийтлик натурфалсафаси бутунилигича қадимги ҳалклар мифологиясидан келиб чиккан ва унга таянган эди. Табиат ва ижтимоий ҳодисаларни кўп асрлар давомида англаш натижалари, шунингдек, ўз павбатида тугалланган диний-фалсафий концепция асосини ташкил этган афсона ва ривоятларда ўз мазмунини тошган ғоялар умумлашуви мифологик шаклда ифодаланган эди. Мифологик куринишлаги мазкур концепцияда дунёning яратилиши, коинотни тузилиши, фазовий жисмларнинг ўзаро таъсири, табиат ва жамиятда булаётган ҳодисалар, инсоннинг бу дунёдаги ўрни ва

роли, инсоният тақдири ва инсоннинг бутун дунё тақдири учун маъсулииги тушунтирилган эди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган матн О.М.Чунакова томонидан тайёрланган, 1997 йил, Москва «Восточная литература» нашриёти томонидан нашр этилган Створение основы (Бундахишн) – Бундахишпин Асослар яратилишининг ўзбек тилига ўтирилган тўлик матнидан иборат. Бундахишн «Яратилишнинг асоси» тизимлаштирилган изохлаци-тирилган ўрта форс тилидаги Авестанинг йўқолган леб хисобла-надиган «Дамтат наска» қисми бўлиб асосан космогония ва космология масалаларига багишланган³⁶⁴.

Бундахишнинг яратилиши эрамизнинг III-IV асрларига хос бўлган диний догматизм гояларини ифодалаган. Лекин шунга қарамай оламнинг яратилиши ва унинг манзараси, жойлашиши билан боғлиқ бўлган «Дамтат наска»га нисбатан Бундахишн «Ахура Мазда»нинг-тоғлар, сув иншоотлари, ирк ва халклар, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот оламини яратиш ҳакидаги; мифологик образлар генеологияси; фрашкард – охирги дунё ҳакидаги тарихий ва тўлиқроқ классификацияга эга бўлган маълумот беради.

³⁶⁴ Авеста в русских переводах (1861-1996). Спб. Журнал "Нева" "Летний Сад". 1998, стр.454

І БОБ

«ЗЕНДОГОХ»ДАН АСОСНИНГ ЯРАТИЛИШИ ҲАҚИДА

Яратган *Ormazd* номи билан. «Зендогох»дан: аввало, *Ormazd* томонидан (борлик) асосининг яратилиши ва Ёвуз рухнинг (Ахриманинг) карама-каршилиги ҳакида, сұнг, мавжудотлар яратилишининг асосидан то сұнгига кадар, якуний асосини (моясини) гавдалантиришига кадар. *Mazdayasniй* Авеста (китоби)дан маълум бўлишича, *Ormazd* ҳамиша ёргулук ва яхшилик улашувчи энг олий рахнамо бўлган. Ёргулук олами – *Ormazdning* макопи, бу жойни у «чексиз нур (ёлкин)» деб атайди. Аъламлик (барча нарсани билувчилик) ва эзгулик *Ormazdning* (азал) баркарор хусусиятидир. Авестада унинг (яъни *Ormazdning*) айтишича, Авестга – бу иккисининг (эзгулик ва аъламликнинг) мужасасами: бири замон ва маконда муттасиллар – негаки, *Ormazdning* ўзи, унинг эътиқоди, макони (азалдан) бўлган, бор ва ҳамиша булади. Иккинчиси, бу – зулмат, жаҳолат, нодонлик ва бузгунчилик эҳтиросига бурканган Ахримандир. У жар тубида эди, бор, аммо, бўлмайдиган нарса. Бузгуичилик ва зулматнинг жойлашган макони – «абадий зулмат». Уларнинг (*Aхура Mazda* ва Ахриманинг) орасида «ҳаво» деб аталмиш бўшлик бўлган, бу ҳавода икки маънавий (рухий) асос аралашган, юқоридаги «чексиз нур» ва тубанликдаги чекланган «абадий зулмат».

Ormazd ўзининг яратган маҳсулини билади. Бири имкониятлари чекланган ёвуз Ахриман. Иккинчиси имкониятлари беспосн *Ormazdning* ўзи. Икки рухнинг ўзаро келишувини билади. Сұнгра *Ormazd* яратганлари абадул-абад чексиз бўладилар. Ахриман яратганлари эса, охир-оқибат ҳалок бўладилар. Бу ҳалокат ҳам кайта тикланмас абадиятдир. *Ormazd* билгувчи (зот) бўлгани учун, Ахримандан ва унинг кирдикорларидан хабардор эди. Ахриман эзгу борлиқка охиригача астойдил аралашшини *Ormazd* билар эди. Шу сабабли, яратилажак мавжудотларнинг рухий илоҳий тимсолиларини яратган. Уч минг йил улар маънавий рухий тимсолилар бўлганлар. На фикрлаганлар, на ҳаракат қилганлар. Улар сезилмас номоддий ҳолатдаги рӯёлар бўлганлар. Ёвуз рух нодонлиги ва жоҳиллиги сабаб, *Ormazdning* мавжудлигидан дараги бўтмаган ва ер қаъридан кўтарилиган пайти ўзи

кутмаган ҳолда *Ормаздинг* нурига бурканган маҳал тушуниб етган. Лекин үзининг бузғунчи табиати сабабли девлар учун етишиб бўйлас нурни кўпоришга киришган.

Аммо *Ормаздинг* кучига бас келолмаслигини билгач. *Ормазд* ундан устунлигига амин бўлгач, ср қаърига қайтиб кетган ва бузғунчи девлар ҳамда иблисларни яратиб, ёруғликни куркитишига шайлаган. Хунук, кўпол, кўркинчли мавжудотларни кўрган *Ормазд* уларни мактовга лойик эмас деб топган. Аксинча, *Ормаздинг* яратганлари эса илоҳий, кизикувчан, билимдон бўлиб, мактовга сазовор бўлиб кўринган. Шунда *Ормазд* якун ҳақида тасаввурга эга бўлиб, Ёвуз рухга пешвоз чиқсан ва «О Ёвуз рух! Менинг яратганларимга ёрдам қўлингни чуз, уларни мактовга сазовор эт ва бу ишингнинг мукофотига чанқок сезмас, оч колмас, ҳеч қачон қаримас мангу бокий бўл!» деб айтган. Аммо Ёвуз рух ўкириб: «Мен сенинг яратганларингта қарамайман, ёрдам бермайман ва уларни ҳеч қачон мактамайман, сенинг эзгу ишларинг билан ҳеч қачон келишмайман. Сенинг яратган барча нарсаларингни йўқ киламан ва барчасини сен билан эмас мен билан дўстлашадиган киламан». Ахриман ўйлаганки, *Ормазд* кийин ахволда қолгани сабабли унга келишув таклиф килмоқда. Ахриман келишув ҳақидағи таклифни кабул қилмай *Ормазд* билан жангта киришди. Шунда *Ормазд* деди: «О Ёвуз рух, сен билгувчи эмассан, қудратинг ҳам чексиз эмас. Шу сабабли, менинг яратганларимни йўқ қилиб, менга қаршилик кила олмайсан». Сунг, үзининг билгувчилиги сабаб, *Ормазд* англади: «Агар мен ракобат муддатини яратмасам, менинг яратганларим алдануб, Ёвуз рухга буйсуниб колиши мумкин. Ҳозирда ҳам эзгулик ва ёвузык дунёсининг коришиклиги даврида кўпилаб одамлар эзгу амаллар килиш ўнига ғуноҳ қилмоқдалар». *Ормазд* Ёвуз рухга деди: «Муддатни кабул қил, бизнинг кураш қоришиқ вактида тўккиз минг йил давом этсин». Бу муддатни кабул килса, Ёвуз рух кучсизланишини *Ормазд* билган. Аклсиз Ёвуз рух бу таклифи кабул килди.

Ормазд билгувчи эканлиги сабаб, шу даврининг уч минг йили мобайннида ҳар нарса унинг ихтиёрида бўлади, кейинги уч минг йил ўзи ва Ахриманинг ихтиёри аралашганида бўлади ва охирги уч минг йили Ахриман кучсизланишиб мавжудотларни ўз измига солини учун курашни бас қиласи. Шунда *Ормазд* Ахунавар (*yatha*

ahu vairiyo...) дуосини бир марта үқиди ва йигирма битта сүз деди. Сұнгидә Ёвуз рухға үзининг ғалабасини, унинг эса кучсизлигини, девларнинг йўқ қилинишини ва охир-окибаг тириклик ва тинчликнинг мангалигини кўрсатди. Үзининг кучсизлиги ва девларнинг мағлубиятини кўрган Ёвуз рух шошиб қолди ва тубанликка яна юз тутди.

Авестадан мълум бўлишича, уч дуодан бири үқилганда, Ёвуз рух буқчайиб қолди, колган дуо икки марта үқилганда тиз чўкли. Дуо тулиқ үқиб бўлинганда у шопиб қолиб, *Ormazdning яратганларига ёмонлик* кила олмайдиган ҳолатта келди. Ахриман уч минг йил саросимада гаптиб юрди. *Ormazd* эса, үзининг мавжудотларини яратди. Аввало Бахмонни яратиб, унинг ёрдамида яратувчилик килди. Ёвуз рух эса, аввало Ёлғонни яратди, сунг эса Акомани.

Биринчи галда *Ormazd* Бахмоннинг эзгу амали ва нуридан, *Маздаясний* эътиқодидан моддий мавжудотлардан аевали осмонни яратди. Чунки у яратилганлар жонланишини билган эди. Сунг, Ардаҳишт, сунг Шаҳревар, сунг *Испандармад*, сунг Хурдод, сунг Амурдодни пайдо килди. Коронгу ёвуз оламдан эса, Ахриман, Акоман, Андар, Савар сунг Накасд, сунг Тарсв ва Заревлар пайдо булганлар. *Ormazd* яратганларининг ичидаги моддий оламда биринчи осмон, иккинчи сув, учинчи ер, тўртинчи ўсимликлар, бешинчи – чорва, олтинчи булиб, инсон пайдо бўлган.

П БОБ Ёритқичлар янглиғ

Aхура Мазда осмон ва ер оралигида аввал нур, самовий юлдузларни эмас, юлдузлар самосини, сунгра ойни, кейин күёшни яратди. У таъкидлаганидек, аввал у самовий борликни яратиб, унга ун иккита буржни: Ҳамал (Куй), Савр (Бузок), Жавзо (Эгизак), Саратон (Қисқичбақа), Асад (Арслон), Сунбула (Буғдойбоши), Мезон (Тарози), Ақраб (Чаён), Қавс (Ўқчи), Жадий (Тоғ эчкиси), Даљв (Сувчи) ва Хут (Балик) буржларини (булажак) юлдузлар самосига жойлаштириди. (Буржларни) яратиши билан уларни ойнинг йигирма еттита бекатларига (уйларига) жойлаштириди ва шундай номлади: Падасавар, Пеш-Парвиз,

Парвиз, Пас (Парвиз), Ахуксар, Баху (?), Рашиават, Тришак, Азарак, Нахв, Мийан, Апатум, Мушта, Стар, Хусрав, Срув, Вар, Диіл, Драфш, Вананд, Дит, Йог, Мулук (?), Беш, Катаксар, Катак-Мийан, Катак.

Ахура Мазда барча моддий мавжудотларға шундай жой белгиладики, натижада Душман хужум қылган тақдирда улар рақибларига зарба бера оладиган бұлдылар. Жумладан, жаңтга тайёр турғап аскарлар сингари үз душманларидан шу йүл билан омон қоладиган бұлдылар. Уларға ёрдамчи сифатида ҳар бири олти миллион түрт юз саксон минг кичик юлдузлардан иборат бұлган юлдузлар самоси белгиланған. У юлдузлар орасыда оламнинг түрт томонига саркарда килип тайинланған тұртта асосий юлдуз бор. Бу саркардаларнинг буйругига биноан осмоннинг турли жойларыда күп сөнли әзізу ва мапіхүр юлдузлар жойлаштирилған булыб, улар самовий юлдузлар түркүмларига куч ва кулрат бағишлиаб турадылар. *Ахура Мазда* айттанидек, *Тиштар* – Шарқ саркардаси, Садвес – Гарбга, Вананд – Жанубга, Хафторинг – Шимолға хұммдордир. Осмон марказини Шимолий күтбюлдузи ташкил этади. Ёв келгүнига қадар доимо күн ярим, яъни *рапитвин* (пешин) бұлған. *Ахура Мазда* күн ярмида аменасиендерлар (үзиннинг эмансациялари) билан маънавий урфни (ибодат маросимини) амалға ошириб, ёвни йүк килиш учун турли шароитлар яратади. У (Олий Ақл), онг билан маслахатлашды. Инсонларнинг химоятлари бұлмиш *фравашылар* оркали ва үзиннинг буюк дополиги воситасыда инсонларға мурожаат этди: «Бу оламда мен нима килишим керакки, сизлар учун фойдали бұлсин? Агар сиз моддий кобиқда (тирик пайтингизда) девлар билан курашиб, голиб бұлсангиз, піхоят мен яна сизларни соғлом ва абадий килеман, охир оқибат, сизларни ҳаётга кайтараман ва сизлар абадий бархаёт, қарилекни билмайдиган, озор чекмайдиган буласыз. Ёки мен абадий сизларни Душмандан химоя килишим керакми?» Шунда Ёлғоннинг душманлари ашабонлар (Хақпастастар) Олий донолик мужассами *Ахура Мазда* билан бир фикрга келдилар. Яъни, Ахриманнинг ёузүлиги улар билан тұқнашсын, токи, улар Ахриманни йүк килиб, охир-окибат яна заминда рақибларсиз, душманларсиз, соғлом ва бархаёт, доимий ва абадий бұлсингилар.

III БОБ

Душманинг хужуми ҳакида

Авестада душманинг хужуми ҳакида У (*Aхура Мазда*) шундай дейди: Ёвуз рух тақводор, имонли инсон туфайли үзининг кучсизлиги ва девларининг ожизлигини кўриб, шоппib қолди ва уч минг йил (бехудлиқда), саросимада юрди. У довдираb, эсанкираб юрган пайтида асосий девлари хайқирдилар: «Эй бизнинг отамиз, сен қўзғалишинг керак, бу дунёда жанг қилиб, *Ormazd* ва амахраспандларга зиён ва шикаст етказишимиз лозим!» Улар икки карра үзларишинг қиласжак ёвуз ишларини айтиб ўтдилар. Аммо бу уни (Ёвуз рухни – Ахримани хушиға келтирмади), тинчитмади. Уч минг йил интихосида бегавфиқ фохиша пайдо бўлди ва Ёвуз рухга «Эй бизнинг отамиз, мен бу дунёда жанг қилиб, *Ormazd* ва амахраспандларга зиён ва шикаст етказишмим учун сен қаддингни тут», дея ҳайқирмагуна бу маккор Ёвуз рух Тақводор, имонли инсон олдида боши эгилиб турди. У икки карра үзининг ёвуз қилмишларини айтиб ўтди, аммо бу уни тинчлантиrmади. Тақводор, имонли инсон сабабли, кўркқанидан Ёвуз рух үзиппи тиклай олмади. Шунда бетавфиқ фохиша яна ҳайқирди, «Эй бизнинг отамиз, сен қўзғалишинг, қадишни тутишинг керак, бу жангда тақводор, имонли инсон ва ерни шудгор қилаётган ҳўқизнинг бошинга шундай кулфаг солайки. менинг ёвуз ишларимдан уларнинг ҳаётга бўлған иштиёқи сўнсин. Шунда мен уларнинг фаррларини (фараҳвор, баҳт келтирувчи фаришталарини) йўқ қилиб, сув, ўсимликлар, *Ormazd*нинг олови ва унинг барча яратганларига зиён етказаман». Сунг, у (бузук аёл) икки карра үзининг ёвуз қилмишларини айтиб ўтган эди, Ёвуз рух тинчиidi, бехушлик ва саросимадан үзига келди. У фохишанинг пепонасидан ўпди. Шунда фохишадан окмалар кела бошлади (у ҳайз кўра бошлади). Ва Ёвуз рух фоҳипага ўкирди: «Не истайсан, айтган тилагингни бажо келтираман?» Фохиша чинкирди: «Менга инсонни берилингни истайман!» Ёвуз рухнинг танаси дараҳт пўстлоги каби (гадир-будир) қалтакесакники сингари эди (бақа каби), лекин бузук аёлнинг кўз олдида у ўн беш яшар йигит киёфасида пайдо бўлди ва фохиша у ҳақда ўйлай бошлади. Сунг Ёвуз рух үзининг ишонган девлари билан осмон ёриткичларининг олдига борди. Осмонни кўрди ва ёвуз ният билан (унга) хужум қилди. У осмон баландришинг учдан бир қисмита кута-

рилиб, илон мисоли ерга ташланди. Фарвардин ойининг *Ормазд* куни кун ярмида у қулаг түшди ва само, бўридан кўрккан қўй сингари чучиб кетиб, ёрилди. Ёвуз рух ер тагида йиғилган сув томон йўл олди ва ернинг марказини тешиб ўтиб, унга кириб кетди. Сунг у ўсимликларга, сунг буқага, сунг Гайомард ва ундан сунг оловга юзлаңди. Шунда пашша сингари у барча мавжудотларга ташланди ва дунёни шунчалик вайрон ва зимистон айладики, кун ярмида ернинг кўриниши ярим тунга ўхшар эди. У ер юзига чақадиган, зааркундан жониворларни сочиб ташлади, илон, чаён, калтакесак, бакалар шулар жумласидандир. Уларнинг кўплигидан ҳатто игнанинг уни сиғадиганчалик ҳам жой колмади. Ва у ўсимликларга заҳар сочди ва бир зумда уларни куритди. Ва бука ҳамда Гайомарднинг бошига кизганчиклик, мухтожлик, азоб-уқубат, очарчилик, касаллик, шаҳвоний нафс ҳамда эринчоқликни ёғиди. Буқанинг олдига келишидан аввал *Ормазд* шифобахш ҳавм ўсимлигини сув билан аралаштириди, (баъзилар уни «банг» деб атайдилар) сунг зарба ва хужумдан баҳтсизлиги камайсин деб, буқанинг кўзларига суртиб қўйди. Бука касал булиб, холсизланиб, нафаси кисилиб тугаб бора туриб, *Ормаздга* шундай деди: «Пода яратиш, унга вазифа юклаш ва ҳомий тайинлаш ксрак».

Ахриман Гайомардга келгунича *Ормазд* уни уйқу ҳолатига солди ва бу уйқу бир банд оят канча вактда уқилса, шунча давом этди. Чунки *Ормазд* шу уйқу ичида бир туш яратдик, бу туш уни беш яшар баланд бўйли, кўхлик йигит тимсолида эди. Гайомард уйкудан уйғонган маҳал, оламни тун каби коронгу ва срни зараркундалардан игнанинг учичалик буш қолмаган ҳолда курди. Само гардиши айланар эди, ой ва қўёшининг фазода жойлари ўзгарган, олам эса, *Мозандарон* девларининг ўкирикларидан ва юлдузлар билан курашларидан ларзага келарди. Ёвуз рух ўйлади: «*Ормаздинг* Гайомардан ташкари барча яратгаилари кучлизанди». Шунда у ўлим келтирувчи минглаб девлар билан Асвихадни Гайомардга карши жунатди. Лекин вакти келмаганилиги сабаб, девлар уни ўлдира олмадилар. Унинг айтишича, душман Ёвуз рух келганда, Гайомарднинг умри ўттиз йил қилиб белгилаб берилган эди. Душман келгунга қадар Гайомард ўттиз йил яшади ва шундай деди: «Энди душман келганда барча инсоният

менинг уруғимдан бўлади, одамлар (фақат) эзгу ишлар қилсалар ҳаммаси яхши бўлади».

Сунг Ёвуз рух оловниш олдига бориб уни тутун ва зулмат билан арашаштирилди, девлари билан кўпгина сайёраларни осмонга улоктирди ва улар юлдузлар билан аралашиб кетдилар. Ва барча яратилган нарсаларга худди олов сингари пуркалиб, тутун кўтарилигани каби зиён етказди. Шунда тўқсон кун ва тун само маъбулдари Ёвуз рух ва унинг девлари билан курашиб уларни жаҳаннамга улоқтирилдилар. Осмон эса ҳудди қальта сингари бўлгани сабаб, лушман у билан аралашиб кетолмади. Жаҳашнам сринг марказида, Ёвуз рух ерини тепшиб ўша ерга тушиб кетган жойда жойлашган. Шунда барча ерда содир бўладиган воқеъликларда иккиламчи табиат аниқ бўлди: дўстлик ва рақобатнинг аралашуви ҳамда юкори ва куйилик.

IV БОБ

Ягона яратилган буқа

Унинг (*Aхура Мазданинг*) айтишича, ўлимидан сунг ибти-дода якка яратилган бука, унинг (*Aхура Мазданинг*) ўнг кўл тара-фифида булиб қолди, ўлимидан сунг Гайомард эса, *Ormazdnинг* чап кўл томонида булиб қолди. Ягона яратилган буқанинг руҳи Говшурвон униш танасидан чиқди ва буқага юзланиб, *Ormazd* олдида минг кишинини ҳайкириғидек овоз берди. «Яратганинг устидан бошқарувни кимга колдирдинг, ўсимликлар куриб, ерга шунчак кулфат нега тушди? Сен айтган ўша «Мен бир инсонни яратаманки, у сиз ҳакингизда қайгуради» (деганинг) ўша (зот) қани?» Шунда *Ormazd* деди: «О Говшурвон! Сен Ёвуз рух келтирган касаллик билан хаастасан. Агар шу маҳал ерда инсонни яратишга имкон бўлганила эди, Ёвуз рух бу қадар шафкатсиз бўлмасди». Говшурван юлдузларга, ой ва кўшига ҳам юзланиб шуларни сўзлади. Шунда *Ormazd* Зардуши фравашисини кур-сатди ва деди: «Мен олам учун шундай инсонни яратаманки, у сизлар ҳакингизда ғамхўрлик қиласди». Гошурванинг руҳи хушнуд бўлди: «Мен барча яралмишларни гўйинтираман».

V БОБ

Етти сайёра талкани

У срда хаёт яратилишини күллаб қувватлади. Сайбәларнинг етти саркардаси юлдузларнинг етти саркардасига ташриф буюрди: бу, Тир сайёраси (хозир бўлди) *Тиштарга*. Баҳром сайёраси – Хафтторингга, *Ормазд* сайёраси – Ванандга, Анаҳид сайёраси – Садвесга, Кеван сайёраси – Кутб юлдузига, Говзихр ва думли қароқчи (комета) Мушпери – қуёшига, ойга ва юлдузларга. Қуёш Мушперини камрок зиён келтирсинг деб, ўзининг бир гилдиракли аробасига шатакка олди. Албруз тоги олам атрофида, олам марказида эса Тирак тоги жойлашгани ҳаммага маълум. Қуёшнинг айланиши, мисли олам атрофидаги тож каби. Албруз тоги узра ул пок (куёш) чарх уради. Айланиб Тирак атрофига кайтади. У (*Аҳура Мазда*) айтган эди: «Менинг қуёшим, ой ва юлдузларим Албруз Тираки учун қайтадилар. Албрузнинг шарқда бир юз саксон ва гарбда бир юз саксон дарчалари бор, қуёш ҳар куни бир дарчадан чиқиб, кейингисига киради, бунга барча ой ва юлдузларнинг алокадорлиги ва ҳаракати боғлиқ. Қуёш ҳар куни уч ярим кешварни ёритади. Қўзимиз курганидек, маълум бўлганидек, ҳар йили икки маротаба кун ва тун тенг келади, чунки ilk курашда қуёш биринчи юлдуз Ҳамал (Кўй) уйидан чиққанда кун ва тун тенг келиб, баҳор фасли бўлган. Ёзнинг бошланиши қуёш Саратон (Кискичбака) уйининг биринчи юлдузига етганда кун вақти анча узаяди. Қуёш Мезон (Тарози) уйининг биринчи юлдузига етганда, кун ва тун яна тенглашади, бу кузнинг бошланишидир. Қуёш Жадий (Тоғ эчки)си уйининг биринчи юлдузига стганда тунлар узаяди, бу кишининг бошланиши, у Ҳамал (Кўй)га етганда кун ва тун яна тенглашади. Демак у Ҳамал (Кўй)дан чиқиб, яна Ҳамал (Кўй)га қайтгунга қадар, уч юз отмиш кун ва яна қўшимча бес кун ана шу дарчалардан чиқиб кириб туради. Бу ойналарнинг исми йўқ, чунки уларнинг номи бўлгандан левлар сирларни билib, уларга азият келтириши мумкин буларди. Шаркий кешвар Савах бу қуёш чиқишининг энг узун кун томондан энг кисқа кун томон бўлган йўлидир. Жанубий ўлка, кешвар Фрададафш ва Видалафш шундай жойки, қуёш энг кисқа кун томондан чиқиб, энг кисқа кун томонга ботали. Гарбий кешвар Арзах, бу шундай жойки, қуёш энг кисқа кундан энг узун кунга киришидаги оралиқдир. Шимолий кешварлар Ворубарш ва

Ворузарштдир. Бу шундай маконки, күёш энг узун кунда чикиб, энг киска кун томон ботишидир. Күёш кутарилганда унинг нурлари кешвар Савахга (саванхага) етиб боради ва Фрададафш, Видадафш ҳамда Хванирасанинг ярмини нури билан қоплади. Тиракнинг париги томонига ботганда кешвар Арзах, Ворубаршт, Ворузаршт ва Хванирасанинг (иккитчи) ярмини ёритади. Бу ерда кун бўлса, у ерда тун булади.

VI БОБ

Аҳура Мазданинг яратмишлари билан Ахриман жангি

Оlamнинг яратувчиси билан унинг рақиби Ёвуз руҳнинг кураши хақида Авестада шундай дейилади: Ерга тушган Ёвуз руҳ илоҳларининг зафарини ва ўз кучининг иҷоратигина кўргач, кочишга шайланди. Само руҳи бир жангчи сингари барча анжомларини тақиб, осмонда Ёвуз руҳга карши чиқди ва *Аҳура Мазда* самони яратишдан аввал унинг атрофида осмондан кучли истехком қурмагунча курашини давом эттирди. Бошдаги соч сингари сон-саноксиз жангчиларнинг *фравашишлари* ва қаҳрамонларнинг руҳи кўлларига пайкон олиб, отларга миниб кўрикланадиган истеҳком сингари само атрофига тизилдилар.

Саросимала қолган Ёвуз руҳ қочиш учун йўл топа олмади. *Аҳура Мазда* якуний галабаси ва абадий тугилишини англагани каби. Ёвузилик ўзининг мадорсизлигини ҳис килиб, девларнинг ўлимини курди.

VII БОБ

Ёвуз руҳнинг сув билан курапни хақида

Иккинчи жангни Ёвуз руҳ сув билан бошлади. Чунки *Тиштар* юлдузи Саратон буржида бўлгани маҳал сув Азарак номли ой уйидан окиб ўтар эди. Душман ҳамла килган шу куни *Тиштар* кечки маҳал ғарб томондан куринди. Чунки ҳар ойнинг ўз буржи мавжуд ва Тир ойи йилнинг тўртинчи(?) ойи бўлгани каби Қискичбака(?) буржидан бошлаб Саратон - тўртинчи юлдузлар туркуми, *Тиштар* ҳам шу бурждга бўлиб қолиб, ўзида ёмғир ёғдириш кобилиятини пайдо эканини билди. У шамолнинг кучи срдамида сувни осмонга келтирди, *Тиштарнинг ёрдам-*

чилари эса – Вахман ва Хом илоҳлари – ўрнатилган тартибга кўра Бурз илоҳи ва одил *фравашитарнинг* раҳламолиги остида дидирлар. *Тиштар* уч инсон, от ва бука киёфасини қабул қилди. У ўттиз кун ўттиз тун нур сочли ва ҳар бир киёфасида ўн купдан ва ўн тундан булиб ёмғир ёғдирди. Раммолларнинг айтишича: «ҳар бир юлдузниң уч киёфаси мавжуд». Бу ёмғирнинг ҳар бир томчи суви шу қадар катталашдики, бутун дунёга сийилиб, инсоннинг бўйи баравар бўлди ва ердаги барча заараркунандаларга зарба берди, улар йўқ булиб ер каърига ўрмалаб кетдилар. Шамол руҳи, шамолни коришиб кетмаслиги учун, жисмда калб ҳаракатидек, ҳавода шамолни ҳаракатланишига мажбур этди. У бутун сувни ернинг чеккасига ҳайдаган эди Фрахвкард денгизи пайдо бўлди.

Ўлик заараркунандаларнинг захар ва сассик хидлари ср билан аралашиб кетди. Ерни заҳарлардан фориғ килиш учун узун думли оқ от тимсолида *Тиштар* денизга тушди. Шунда унинг кархисига Апаоша (Абуш) деви чиқди, у кора рангли калта думли от тимсолида эди. *Тиштар* безовта бўлиб, уйдан бир франсиг масофага кочди. У *Ормазд*дан ғалаба сўради, *Ормазд* унга куч ва кудрат инъом этди. Шу сонияда *Ормазд* унга ўнта от, ўнта тия, ўнта бука, ўнта тоғ ва ўнта дарёларнинг кучини берди ва Апош *Тиштар* ўкининг кучидан кўркиб, бир фрасанг масофага ундан қочди. Бу ишда курол була оладиган булатлар ва ойни хум, яъни идиш дейилади *Тиштар* сувни эгаллаб, ёмғир булиб, томчиларини буканинг, одамнинг боши сингари катталикда, мушт ва кафт сингари катталикда ётишга мажбур қилди. Шу ёмғир ёғастган маҳал Аспенджаргак ва дев Апош курашдилар, шунда Вазишт олови чиқди ва чўқморининг зарбидан Аспенджаргак баланд хайқирди, шунинг учун ҳам ёмғир уюштирувчи билан курашда момақалдироқ ва чақмоқ пайдо бўлади. Шундай килиб *Тиштар* ўн кун ва тун ёмғир ёғдирди ва ердаги заҳарлар ва заараркунандалар сув билан аралашиб кетдилар, шунда сув шўр булиб колди, чунки ерда заараркунандалар уругининг бир кисми колиб кетгани эди. Сунг, уч кун мобайнида шамол сувни ернинг ҳар хил жойларида ушлаб турди, оқибатда уч катта, йигирма уч кичик денизлар, ҳамда икки – бири – Чаечаст денизи, иккинчиси – Собар денизларининг ибтидоси пайдо бўлди. Шимолда эса шамол икки дарёни оқизди – бири таркка томон оқди, бошқаси – фарб томон оқди, булар – Хетменд ва Вехруд. Унинг

айтишича: «О *Ормазд!* Бу дарёларнинг сувини оқизиб, үзанини ангошт чуқурлиги томон йұналтири». Бу икки дарё бутун ер юзини ювіб, Фрахвкард деңгизшінг сувлари билан арапалыб кетади. Шу сарчашмадан бу икки дарё оккан замон үларга кема қатновига яроклик үн саккиз дарё қуйилади, сунг үлардан бошқа сувлар ажралып чиқадылар ва барчаси яна Арак ва Вехруд дарёларига қуйилади, шу сабаб – үлардан олам яшнайды.

VIII БОБ

Ёвуз рухнинг ер (замин) билан қураши

Ёвуз рухнинг ер билан қураши ҳакида. Ёвуз рух срга ҳамла қылғанда, ер-заминни титрок босди. Ерда тоғларнинг иксери, моддаси пайдо бўлди. Аввало Алброз тоги пайдо бўлди, сунгра ер марказида бошқа тоғлар найдо бўлди. Алброз-Элбрус (тоги) ўсиши билан, бошқалари ўсишдан тұхтади, чунки үларнинг барчаси Албурзниң илдизидан бошланади. Улар дараҳт мисол булатлар узра буй чўздилар. илдизлари пастта чирмашди. Бу тоғларнинг илдизлари шу қадар үзаро чирмашиб кетдик, бунинг оқибатида ернинг қатткىк силкиниши мумкин бўлмай қолди. У сўзлайдики, тоғларнинг сувлари унинг илдизлари пастликдан юкори баландликка қараб окиши учун тоғдан келадиган сувларнинг чиқиши йулидаи ер тұғонни ёриб чиқади. Дараҳтларнинг илдизлари ер карига инсоннинг бутун ганасига куч берувчи томирдаги қон сингари қуйилиб (оқиб) сингиб кетади. Умуман олганда, Алброз мустасно, барча тоғлар ер каридан үн саккиз йилда ўсиб чиқади, инсонларни химоя қилади ва үлардан одамларга фойда тегади.

IX БОБ

Ёвуз рухнинг ўсимликлар билан қураши ҳакида

Ёвуз рух ўсимликлар билан жаңг бошлади ва үларни вайрон қилди, шу боис үлар қуридилар. Ўсимликлар эгаси бўлмиш Аманраспанд Амурдол үларни майдалаб, *Тишитар* эгаллаган сув билан арапаштириди, сунгра *Тишитар* ер узра сувни ёмғир мисоли жүнатди. Инсоннинг соч толалари каби бутуи ер юзида ўсимликлар униб чиқди. Ёвуз рух томонидан мавжудотларга йўлланган

ўн минг тур касалликларнинг олдини олиш мақсадида битта асосий тур ўсимликдан ўн мингтаси ўсиб чиқди. Ўн мингта ўсимликлардан бир юз йигирма минг тур ўсимликлар ўсиб чиқди ва бу ўсимликларнинг уругидан барча уруғларнинг дараҳти яратилди. У Фрахвкард денгизида ўсиб чиқди, ундан барча ўсимликлар турининг уруғлари пайдо бўлди. Барча уруғларнинг дараҳти ёнида мункиллаб харсиллаган қарилкнинг олдини олувчи Токирн дараҳти яратилди. Ундан бутун борлиқ қароги униб чиқади.

X БОБ

Ёвуз руҳнинг бир йўла ҳаљк этилган бука билан кураши ҳақида

Бука ўлган замон, унинг ҳар бир аъзосидан, учинг бунёди аслида ўсимлик сифат бўлганлиги сабабли, ердан эллик беш хил галлали ва ўн икки хил доривор ўсимликлар ўсиб чиқди ва уларнинг нури ва кучи буқанинг уругидан эди. Бу уруғ ойнинг манзилидан ўтган эди ва унинг нурида тозаланиб, танага ҳаёт баҳш этган эди. Ундан икки ҳайвон чиқди, бука ва сигир, сўнг ерда уларнинг икки юз саксон икки хили пайдо бўлди. Кушларнинг яшаш манзили – осмонда, баликларнинг манзили эса, сувда.

XI БОБ

Ернинг ҳусусиятлари ҳақида

Авсстада У (*Aхура Мазда*) ср ҳақида гапирганда ернинг ўттиз уч хил тури мавжуд дейди. *Тиштар* ерга ёмғир ёғдириб, денгизлар пайдо бўлганда, ярми сув билан тўлган срлар сттита кисмга булиниб кетди. Тeng ярми – марказ, олти кисм эса – атрофика колди. Бу олти кисм Хванирасга тенг, уларни «кешвар» деб номладилар ва улар ёнма-ён жойлашган: Хванирасадан шаркий томон жойлашгани – кешвар Савах, гарб томон жойлашгани – кешвар Арзах, жанубда икки кисм – Фрададафш ва Видадафш кешварлар, шимолда икки кисм – Ворубарш ва Ворузаршт кешварлар, марказдаги эса – Хванираса. Хванирасада денгиз мавжуд, чунки Фрахвкард денгизининг бир кисми унинг атрофили ўраб туради.

Ворубаршт ва Ворузарштдан баланд төг үсіб чиқди, шу сабаб хеч ким кешвардан кепшварга үта олмайды. Етти кешварларнинг ичида Хванирасала энг күп эзгуликлар яралган. Қолаверса, Ёвуз рух ҳам бу эзгуликлардан хавфсирагани сабабли Хванирасага күп зарап келтирған. Чунки Кайёнийлар ва (кудратли ботирлар) Хванирасада яратылған, эзгу Маздаясний тұтықоди ҳам Хванирасала яратылыб, бошқа кешварларға үтказилиған. Хванирасада Соштанс ҳам дунёға келған, у Ёвуз рухнинг маҗолини қуритиб, рухларнинг тирилишини ва жисмоний киёфага киришини амалға оширади.

XII БОБ

Тоғларнинг хусусияти хақида

Авестада тоғларнинг хусусияги хақида у шундай дейди, аввал тоғлар үн саккиз йил ичида үсіб чиқдилар, Албурз тоғи эса саккиз юз йил үсди: иккі юз йил юлдузлар манзилигача, иккі юз йил ой манзилигача, иккі юз йил құыш манзилигача, яна иккі юз йил чексиз нур манзилигача (гранулманигача) үсди, бошқа тоғлар эса иккі минг иккі юз кирк түрт сони билан Албурз тоғидан үсіб чиқди. Уларнинг орасида Хугар номли баланд төг бор, Тирак, Албурз, Чикат-Даити. Арлезур тизмаси, Хусандом тоғи, Апарсип тоғи, уни Парса тоғи деб ҳам атайдилар, Заридаз, асли Мануш тоғидир, Агарз тоғи, Каф тоғи, Вадгис тоғи, Хоңдастар тоғи, Арлезурбум тоғи, Роишноманд тоғи, Падишхваргар тоғи, Хварисда энг катта, Чин номли тоғ, Реванд тоғи, Дарспед тоғи, Бакир тоғи, Васшескафт тоғи, Сиякоманд тоғи, Вафр(оманд) тоғи, Спендияд ва Кондрасп тоғи, Аснаванд тоғи, Кондрасп, Диздах тоғи, Кангиздаги тоғ, улар ҳақида эзгу яратувчининг тинчлигі ва шодлигі дейдилар ва бошқа кичик тоғлар. Уларни яна так-рорлайман: Албурз тоғи ерни үраб туради ва осмон билан боғлиқ. Тирак тоғи, яъни Албрұз орқали эса – юлдузлар, ой ва құыш үтиб айланиб қайтиб келади. Баланд Хугар тоғидан эса минг нафар инсон бүйига тенг баландлықдан Ардовисура сувлари пастта оқади. Хусанд тоғи – ялтирок металдан – само моддасидан – Фрахвкарл деңгизи марказида, Хугар тоғидан сув келиб куйлади. Чикат-Даити тоғи олам марказида, юз инсон бүйи биләп баравар, устида Чинвар күпрги мавжуд ва унда жонлар ва руҳларға хисоб

белгиланади. Албруз тоги Арезур тоғ тизмаси жаҳннам эшик-ларида жойлашган бўлиб, у ерда ҳамиша девлар тўпланадилар. Ва яна уни айтишича: «Албрузни ҳисобга олмагандан, Апарсин энг улкаш тўйдир». Апарсин тогини Парс тоги деб ҳам атайдилар, унинг бошланиши – Систонда, охири эса Хузистонда. Мануш тоги – унда Манушчихр дунёга келган. Кўпгина бошқа тоғлар улардан ўсиб чиққан. Ва унинг айтишича: «купгина гуллаб-яшнаган ерлар уларнинг атрофидадир». Агарз тоги Ҳамадондан Хваразмгача бўлган масофанинг ўртасида жойлашган ва Апарсин тогидан ўсиб чиқкан. Шарқдаги Мануш тоги Туркистон чегарасида жойлашган ва у ҳам Апарсин билан боғлик. Коғ тоги ҳам шундан ўсиб чиққан. Хошдастар тоги Систонда жойлашган, Арезур тоги Румо ҳудуридадир. Падишхваргар тоги – Табаристон ва Гилян минтақасида жойлашган. Реванд тоги Хурсонда жойлашган ва унга Бурзен олови ўрнатилган ва унинг номи яркирок бўлганилиги учун у «Реванд»дир. Вадгис тоги – Вадгис минтақасининг чегарасида жойлашган ва ўрмон ҳамда дараҳтларга лиммо-лим. Бакир тогини Турдан келган Фрасияг қатъа сифатида ишлатган. Йима (подшолик қилган) йилиарида бу срга кўчиб келиб, ўрнашиб, бу бахтли ва кўркам манзилда ўн минта шаҳар ва қишлоклар курдирган. Васшекафт тоги, Парсда жойлашган, у ҳам Апарсин тогидан ўсиб чиққан, Сиякоманд ва Вафроманд тоглари Қобул минтақасигача чузилган, улар ҳам Апарсин тогидан ўсиб чиқиб, Чин тогигача стиб борган. Спендияд тоги Реванд тоги тугаш жойларида жойлашган. Кондрасп тоги чўккисида Субар кули Туса минтақасида мавжуд, Эранвежда жойлашган. Адурбадаганда Аснаванд тоги, Роишноманд тогида ўсимликлар вужудга келган. Еринг ҳар хил манзилларидағи кичик тоғлар жойлашган минтакаларда баракали, фаровон ҳайдалған ерлар бор, уларнинг номи ҳам сони ҳам жуда куп. Булар барчаси Апарсин тогидан ўсиб чиққан Ганавад, Аспарог, Фрахгар, Демавенд, Равак, Зарин, Гесбахт, Давал, Мизин, Марак тоғлари-дир. Хузистондаги Давад тоги ҳам Апарсин тогидан ўсиб чиққан. Демавенд тоги – бу срга Беварасп боғлаб қўйилған жойдир. Шу тогдан Падишхваргар ва Кумиш тогларигача «Мадофрияд» тоги жойлашган, унда Виштаси Арджасини енгган. бу тог текисликда жойлашган. Бу тогни «ёрдамга келган тог» деб атайдилар, чунки, муқаддас уруш даврида эронликлар мағлуб булаётган пайт бу тоғ

булиниб, (бир булаги) текисликка қулаб тушган ва шунда эрон-ликлар кутулиб колгандар. Ганавад тоги ҳам Бурзениміх оловининг манзилида, Виштасп төғ тизмасида, гарбга үн фрасанг масофада жойлашган. Зравалдаги Равак чўккиси уни баъзилар Зравад деб атайдилар, баъзилар эса Бишан, баъзилар Калак, чунки унинг икки томони бўйлаб кальянинг яшаш манзилига икки йул тушган, шу сабабли ҳам уни «калак» – «қалъя» деб атайдилар. Бу жойни яна Сарадж манзилида жойлашган ер деб ҳам атайдилар. Аспарог тоги Парсадаги Чичаст оролида ўринатилган, Фрахлар – Хурросонда, Марак тоги – Ларанда. Зарин тоги – Туркистонда, Бахтан – Снаханда (Исфахон). Бу рўйхатдан ташкаридаги тоглар *Маздаясний* Авестага асосан унумдор, ҳосилдор ерлар ҳисобланади ва улар сескин-аста турли жойларда ўсиб чиқсан кичик тоғлардир.

XIII БОБ

Денгизларнинг хусусиятлари ҳакида

Денгизларнинг хусусиятлари ҳакида унинг айтишича, жанубда, Албурз билан чегарада Фрахвкард денгизи срнинг 1/3 (учдан бир) қисмини өгаллар экан, шу сабабли ҳам ўзида *Ардвисур* булоги каби минглаб кулларнинг сувларини сақсайди ва баъзилар уларни калит-кўл деб атайди. Ҳар бир кўл ўзгачадир. катта ва кичиклар, баъзилари эса бир минг турт юз фрасанг масофага эга бўлиб, уни чавандоз отга миишиб 40 кунда гир айланиб чиқа олади. Бонқа сувларга қараганда *Ардвисур* сувининг чашмаси мусаффо, соғ ва илик бўлганлиги учун барча нарса *Ардвисур* манбаидан оқиб чиқади. Албурз тогининг жанубида юз минг тилло кувурлар курилган ва мана шу илиқ, мусаффо сув кувурларидан баланд Хутар тогига оқиб чиқади. Бу тогининг чўккисида кўл мавжуд, шу кўлга сув тушиб, унда тозаланиб бонқа тилла кувур орқали оқиб кетади. Фрахвкард денгизи ўртасидаги Хусандом тогида минг киши бўйи баравар баландликка шу кувурдан очик тилла тармок ўтади. Бу ердан сувининг бир қисми тозаланиш учун денгизга оқиб кетади, колган қисми эса намлик бўлиб бутун ер бўйлаб сочилади ва *Ормаздинг* яратганилари ундан шифо топадилар, хавонинг ҳам куруклиги йўқолади. Шўр денгизлардан учтаси – асосий, йигирма учтаси эса – кичик денгизлардир. Уч асосий денгиз-

лар булар Путик, Камруд ва Сияхбун. Энг қаитаси Путик, унда сувнинг кўтарилиши ҳам қайтиши ҳам бор, у Фрахвкард дengизи билан бир манзилда жойлашган ва у билан bogланиб кетади. Фрахвкард ва Путик дengизларининг орасида Садвес кўли мавжуд. Путик дengизидан Фрахвкард дengизига оғир бадбуй, кулланса ис ўтади. Садвес кўли кучли баланд шамол билан қўллансани хайдайди ва барча тоза, ойдин нарсалар Фрахвкардга тушади ва *Арධисур* чашмаси яна Путикга оқиб тушади. Бу дengизнинг сатҳи ой ва шамол билан bogликлиги сабаб, ойнииг айланишига қараб бир катталашиб бир кичиклашади. Садвес кўлининг сатҳи эса Садвес юлдузи билан bogлик, унинг раҳнамолиги остида жашубдаги дengизлар тушади, колганлари шимол минтақасида Катта айик юлдузи туркуми раҳнамолиги остиладир. Сувнинг кўтарилиш ва қайтиши ҳақида унинг айтишича, ой сабаб ҳамиша икки шамол эсади, уларнинг жойлашуви Садвес кулидадир. Бири – куйи шамол йўналиши, иккинчиси – юқори. Юқори шамол йўналиши эсганда – сувнинг қайтиши рўй берали. Колган кўлларда ой ҳаракати билан bogлик, кўтарилиш ва қайтиш каби ҳодисалар бўлмайди. Камруд дengизи – шимолда Табаристонда. Сияхбун дengизи – Румода. Кичик дengизлардан энг кичиги Каинса, у Систонда жойлашган. Аввалида унда зааркунандалар, илонлар ва курбақалар бўлмаган, суви бошқа дengизларга қараганда энг ширин сув бўлган, сўнг унинг суви шур бўлиб колган. Бадбуй хид туфайли унинг якинига йўлаб бўлмайди, иссик шамол урганлиги сабаб бадбўйлиги жуда кучли. Жонланиш рўй берганда унинг суви яна ширин ва тотли бўлади. Аввестада дарёларнинг хусусиятлари ҳакила у шундай дейди, икки дарё шимолдан оқиб келади, кисман *Ормаздининг Албурзидан*, кисман Албурз шаркийдан. Бири гарбга томон оқади, бу – Арак, иккитинчиши шаркқа томон оқади, бу – Вехруд.

XIV БОЙ

Ҳайвонларнинг ҳусусиятлари ҳакида

Авестада Унинг (*Ормаздинг*) айтишича, ҳайвонларнинг беш тури мавжуд, ягона яратилган буқанинг ўлимидан сўнг, унинг миясидан эллик беш хил донларнинг ва ун икки хил доривор ўсимликларнинг уруглари ўсиб чиқди. Унинг айтишича: «Ҳар бир яралмий нарса миядандир, унинг жойлашуви ҳам миядадир». Буқанинг шохидан ясмик дони, бурнидан кўк писз, ко-нидан шароб қилиш учун ток навдаси (шунинг учун шаробни конни кўпайтириш учун ичадилар) ўсиб чиқди. Упкаларидан хантал уруги, бошининг коқ учидан оғиздаги бадбуй хидни йўқотиш учун гошчўп ва бирин-кетин қолган нарсалар ҳам ўсиб чиқа бошилади. Буқанинг уруги ой манзилига келтирилиб, тозаланиб, кўпгина ҳайвон турлари яратилган. Биринчидан, иккни ҳайвон – бука ва сигир, сўнг қолган ҳайвонларнинг жуфтлари ерга туширилиб, Эранвежга ҳатрачалик масофада яъни уч фрасанг масофага келтирилган. Унинг айтишича, буқанинг ўрни катта бўлганлиги учун у икки карра яратилган: бир гал бука сифатида, иккичи гал кўпгина ҳайвонлар тимсоли сифатида, улар минг кун ва тун оч қолган эдилар, сўнг, аввал сувга тўйинилар ва ўсимликлар едилар. Авестада айтилишича, ундан уч хил ҳайвон тури яратилди: аввал эчки ва қўй, сўнг тужа ва чўчкалар, ундан кейин эса от ва хачир. Аслини олганда, биринчи утлоқдаги ҳайвонлар яратилган, улар ҳозир яйловларда сакланади, иккичи, тоғларда яшовчи эмин-эркин ҳайвонлар, күшлар, яъни кўлга ўргатилмаганлар яратилган, учинчидан сувда яшовчи ҳайвонлар яратилган. Турларга келсак, биринчи тур – жуфттуёкли, яйловларга мулжалланган ҳайвонлар. Улардан энг каттаси – тужа, кичиги – эчки боласи ва тойчоқ(?). Иккинчи тур – хачир оёқлилар, уларнинг энг каттаси – тезкор от кичиги – эшак. Учинчи тур – бешбармоқли панжалилар, уларнинг энг каттаси – ит, кичиги – кирпи. Туртинчи тур – күшлар, каттаси – тужа, кичиги – саъва. Бесинчи тур – сувда яшайдиган ҳайвонлар, уларнинг каттаси – Кара балигидир.

Беш турдаги бу ҳайвонлар икки юз саксон икки хилга бўлинган. Биринчиси эчкининг беш тури: кийик, қўй, тоғ эчкиси, кўчкор ва эчки. Иккинчиси кўйнинг беш тури: бирининг думи бор, бошқасининг йўқ, тоғ кўчкори ва тог эчкиси, шохли кўчкор,

Курушк қўйи – отта ўхшаш ва шоҳлари бор. Унинг уч ўркачи бор ва уни чопкир сифатида ишлатадилар. Унинг (*Ормаздинг*) айтишича: «Манушчихр Курушкни чопкир сифатида ишлатган». Учинчиси туюнинг икки тури, тоғли ва яйловдаги, бирини тоғларда, иккincinnисини текисликларда ишлатса бўлади, бир ўркачли ва икки ўркачли туюлар мавжуд. Тұртингчиси, ўн беш хил буқа турлари: оқ, кулранг, кизил, сарик, қора, ола, буғу, буқа, жирафа, балиқ-буқа, ёввойи гүнғиз буқа ва бошқа турлари. Бешинчиси отларнинг саккиз хил тури: оқ, қора, сарик, түрик той, коратүрик чавкар, эшак, ёввойи эшак (кулон), бегемот ва бошқа от турлари. Олтинчиси итларнинг ўн тури: қўйчибон ит, қўриқловчи (яъни уйни), кидирудувчи, ёш ит, сув кундузи ёки сув ити, тулки, меҳрибон ит, кирпи (устида тиконлари бор), кундуз. Уларнинг икки тури итларда яшайди: бири – тулки, иккincinnиси – меҳрибон. Қолганлари эса кундуз ва кирпилар чакалакзорларда яшайдилар. Еттинчиси күёнлар. Уларнинг беш тури мавжуд: икки тури – сахро күсни, бир тури – уй күсни, яна бир тури – ўрмон күсни. Саккизинчиси меҳрибоннинг саккиз тури: сувсар, қора сувсар, олмахон, оқ сувсар ва бошқалар. Тўккизинчиси, саккиз хил мушклилар: бири ўзининг мушки билан машхур, иккincinnисида мушк бези мавжуд, унда унинг ёқимли мушки бўлади, мушкли «биш» ҳайвони, у аконит билан озикланади, қора мушкли, у илонларнинг душманидир, улар дарёларда кўп бўладилар ва яна бошқа хил мушклилар. Ўнинчиси, бир юз ўн хил күшлар. Сенмург, Каршипт, бургут, калхат, уларни «қобирғали» деб атайдилар, қарға, хуроз, лайлак. Ўн биринчиси – куршапалак. Унинг икки тури сут эмизиб болаларини боқади. Сенмург ва куршапалак тунда учади. Унинг айтишича: «Куршапалаклар уч хил тур ҳайвонлардан яратилган: жагли ит, күшлар ва мушкли ҳайвондан, чунки у күш мисоли учади, кўп сонли тишлари бор ва мушкли ҳайвон «биш каби инда яшайди». Күшларнинг бир юз ўн хил тури саккиз турархига булиниб, катта қисми одамзод бармоқлари орасидан сочилиб кеитган катта, ўрга, кичик уруғлар каби тарқаб кетган. Ўн иккincinnи булиб ўн хил тур баликлар яратилган. Аввал арез баликлар, арзува, арзука ва бошқа авестадаги номлар билан аталған баликлар, сунг ҳар бир турнинг ичидаги яна бопка янги тур яратилған, шу сабабли аслида турларнинг умумий сони икки юз саксон икки.

Итлар ҳакида у шундай дейди, улар молларни қуриклагани учун инсонлар мәнзилидан нарироқда, юлдузлар мәнзилидан, яъни Катта айқ юлдузлар туркумидан уларга жой ажратилган. Айнан шунинг учун ҳам барча ҳайвонлар ичида итларни одамни қуриклаш учун чорлайдилар, чунки улар инсондан уч карра устундирлар – унинг пойафзали ўзи билан, уст-боши ўзида ва у ҳамина тетик, сергак ва ҳаракатчандир. Ўн тўртичиси ўткир тишли, ёввойи ҳайвонлар, улар итсиз бир ўзи ёлғиз қолган чўпонни қўркитиб, унинг юрагига ваҳима соладилар. Шунда *Ормазд* ёввойи Вареш күшини яратган замон деди: «Сен менинг қўлимдан яралгансан, о Вареш купни! Лекин сен мени кайғута ботириб, менинг эмас Ёвуз руҳнинг хоҳиш-истагини бажо келтирмоқдасан. Худди бойлигига тўймаган бетавфик инсон сингари сен ҳам бошқа күшларни киришдан тўймадин», агарда мен сени яратмаганимда Вареш қуши, Ёвуз рух сени ҳеч бир қумурсқани ҳам тирик кўймайдиган канотли бури тимсолида яратган булар эди». Ҳайвонларнинг турлари бежиз кўп сонли қилиб яралмаган, сабаби, Ёвуз рух бирини йўқ қилса бопқаси хаётда давом этади.

XV БОБ Инсонларнинг табиати ҳакида

Инсонларнинг табиати ҳакида Авестада айтилишича, Гайомард дунёни тарқ этаётган замон, урут таратди ва бу уруғ күёни нури билан покланди. Унинг уч қисмини Нерйосанг саклади, бир қисми эса *Спандармадга* насиб этди. Кирк йилдан сўнг бир пояли ровоч пайдо бўлди, яна ўн беш йилдан сўнг эса ўн бешта барги пайдо бўлиб, ердан Машайа ва Машайна ўсиб чиқдилар. Улар шундай тарзда ўсиб чиқдиларки, қўллари бир-бирининг елкаларида эди ва таналари бир бўлиб, юzlари ҳам ухашадир. Беллари тугашиб, бир тану, бир жон бўлиб қолганларидан қай бири эркагу қай бири аёллиги билинmas эди. *Ормазд* фаррлари улар узра тарқалди. *Ормаздинг* айтишича: «Аввал нима пайдо бўлган? Фаррми ё тана?» Шунда *Ормазд* деди: «Танадан аввал Фарр яратилган, тана фарр учун яратилган. Фарр танада яратилган, худди мажбуриятлар сингари, уларни бажариш учун эса тана яратилган. Бу эса аввал руҳ-қалб, сўнг эса тана яратилганини исботлайди». Шунда иккови ўсимлик қиёфасидан инсон

киёфасига айланди ва фарр рух булиб уларга жойлапди, мана шу қалб дегани эди. Мана энди улар катта дарахт сингари ўсиб-улгайдилар, мевалари эса – одамзоднинг ўн хил тури бўлди. Ва шунда *Ormazd* Машайя ва Машайанага деди: «Сизлар инсонсиз, оламнинг отаси ва онасисиз, сизларни энг эзгу ниятда яратдим. Ихлосингизни кучайтиринг, эзгу фикрлар йўланг, эзгу сўзлар сўйланг, эзгу амаллар бажаринг, девларни иззат қилманг». Шунда иккявлон яхшиликни ўйладилар ва айтган биринчи сўзлари шу бўлди: «*Ormazd* сув, ер, ўсимликлар, хайвонлар, ой ва куёш, юлдузларни, ҳак йўлида пайдо бўлган меваларни барча-барчалини яратган». Сунг, душман уларнинг онтига кириб, уни захарлади. Шунда улар фифон қилидилар: «Ёвуз рух сув, ўсимликлар, хайвонлар ва бошқа нарсаларни яратган». Бу ёлғон сўзлар девлар таъсирида айтилган эди, шунда Ёвуз рух биринчи хурсандчилигини тоиди. Бу ёлғон туфайли иккиси Машайя ва Машайана гуноҳкор булиб қоядилар ва уларнинг рухлари хамиша дўзахда колиб кетди. Улар ўттиз кун ўсимликлардан бўлган кийим кийдилар, оч-нахор юрдилар. Ўттиз кундан сунг, улар дашту-биёбонга келдилар, ок эчкининг елинидан сут эмдилар. Сутни ичиб бўлгач, Машайя Машайанага қаратса сўзлади: «Менинг хурсандчилигим шу сутни ичмаган пайлам эди, энди шу сутни ичганимдан сунг менинг хурсандчилигим камайди ва танам озор чекди». Бу иккинчи бор девларнинг таъсирида айтилган сўзлар эди, бундан девларнинг кучи янада кўпайиб, улар емишининг маза-матрасини ўғирладилар, шундай килиб, таъмнинг юз кисмидан биргинаси қолди, холос. Улар ўттиз кун ва кечадан сунг, чакаги ок эчкининг олдига бориб, уни ўлдирдилар. Осмон худоларининг курсатмаси билан держи-дараҳт(?) ва самшитдан оғизлари билан пуркаб олов ёқдилар. Чунки, шу икки дараҳт олов ёқишда энг макбулидир. Улар ёқкан биринчи ўтинлар булар – сомон, держи-дараҳт, хурмо дараҳти ва миртлар (доим яшил ва хушбуй ўсимлик) эди. Улар шу қўзини сихга солдилар ва унинг уч бўлагини оловга отиб, дедилар: «Бу оловнинг улуши». Бошқа кисмини осмонга улоктириб, дедилар: «Бу худоларнинг улуши». Уларнинг ёнидан қалҳат учиб ўтиб, гуштнинг бу бўлагини олиб кетди, иккинчи булакни ит еди. Аввал улар теридан килинган кийим билан ёпиндилар, сунт калин тўқима тўқидилар. Ердан тош қазиб олиб ундан темир тоидилар, унга тош ва олов билан ишлов бериб

ұтқир болта ясадилар. У билан дарахтни кесиб, ёғоч идишлар ясадилар. Курсаттан ношукурликлари учун девларнинг ғазаби келиб, Машайа ва Машайана бир-бирига нисбатан гунохкор адопатни ҳис кила бошладилар. Иккови қарама-карши туриб, бир-бирини уриб, сочларини юлиб, юзларини тимдаладилар. Шунда девлар зулматдан ҳайқырдилар: «Сиз – инсонлар, девларга итоат килинг, сизнинг хусумат девингиз дам олсин». Машайа бориб сигир соғди, сутни шимол томон сепди ва бундан девлар янада кучайдилар, Машайа ва Машайана эса шу қадар күчсизландиларки, эллик йил (қишлоқ) мобайнода уларда яқинликни түйиштә иштиёқ бўлмади, яқинлик бўлсада, фарзандлар туғилмади. Эллик йилдан сўнг ўзидан насл қоидириш истаги аввал Машайада пайдо бўлди, сўнг Машайанада, шунда Машайа Машайанага деди: «Сени кўрганимда, менда жудда катта иштиёқ пайдо бўлади». Шунда Машайана деди: «О Машайа ога, сени танангни кўрганимда менда ҳам шундай иштиёқ туғилади». Шунда, уларниң икковида ўзаро иштиёқ туғилди ва бу иштиёқ қондирилгач, улар ўйладилар: «Бу бизнинг эллик йил аввали бурчимиз эди». Тўkkиз ойдан сўнг уларда эгизлар туғилди. Үгил ва қиз. Улар шу қадар гўзал эдик, бирини онаси, иккичисини отаси еб кўйдилар. Шунда *Ормазд* болаларни, ота-оналари бадном қилмаслиги ва яшаб колиши учун уларни хуснidan айрди. Машайа ва Машайанадан стти жуфт дунёга келди, аёл ва эркак, ҳар бир aka эр бўлди, ҳар бир сингил рафиқа бўлди. Ҳар бир жуфтликлардан эллик йил ичida болалар туғилди, Машайа ва Машайана эса юз йилдан сўнг вафот этдилар. Шу стти жуфтнинг биридан эркаги Сиямак ва аёли Нисак эди. Улардан яна жуфтлик туғилди эркаги Фравак, аёли Фравака. Улардан ўн беш жуфт туғилди. Ҳар бири иркка айланди ва улардан оламда инсон зоти кўпайди. Ирклар кўпайиб кетганидан сўнг, Сарсаок буқасининг устида тўkkиз ирк Фрахвкард денгизидан кечиб бошқа кешварларда қолди, қолган олти ирк Хванирасада қолди. Шу олти ирқдаги бир жуфтнинг эркагини исми – Таз ва аёлинни исми – Тазак эди ва улар Тазиган «араб» текислигига жўнадилар. Яна бир жуфтлик эркагининг исми – Хошанг, аёлининг исми – Гузак, улардан эронликлар келиб чиқкан. Бошқа бир жуфтликдан мазандарошликлар келиб чиқкан. Шулардан Эрон, Анэрон ерларида яшайдиганлар ҳам келиб чиқкан, яъни Тур ерларида, Салма яъни Румода, Синда, Чинистонда,

Дай ва Синд ерларида. Етти кешвардагилар – барчаси, Машай үтли Сиямак үтли Фраваканинг авлодидир. Үнга одамзол ирки булган бўлса, ўн бештаси Фравакадан келиб чикқан, умуман йигирма беш ирк Гайомард уруғидан бўлган, уларнинг ичидагерда яшовчилар. сувда яшовчилар (кукрагида қулоқли), кукрагида кўзлилар, бир оёклилар, яъни қаноти борлар, кўршапалак сингари ва ўрмонда яшовчи думли бадани туклилар.

XVI БОБ

Туғилиш моҳияти хақида

Туғилиш моҳияти хақида Авестада унинг айтишича, аёлнинг ҳайз куриши тугагач, ўн кеча мобайнода у билан якинлик булса, аёл ҳомиладор бўлар экан. У ҳайз куришдан покланиб, ҳомиладор бўлишга тайёр булса, доимо агар эркакнинг уруғи кучли келса у ўғил кўради, аёлнинг уруғи кучли келса, у киз фарзанд кўради, агарда икковининг уруғи ҳам кучли келса эгиз ёки уч бола кўради. Агар аввал эркак уруғи отилиб чиқса, у аёлга кўпилади ва аёл кучли бўлади, аввал аёлнинг уруғи отилиб чиқса, у конга айланиб, аёлни кучсизлантиради. Аёлнинг уруғи совуқ ва суюқ бўлиб, бели ва сонидан чиқади, ранги – қизиш ва сарик булади, эркакники эса илик ва курук бўлиб, бош миядан келади, ранги – ок ёки кулранг булади. Аёл уруғи бутун бачадонии эгаллади, эркакники эса аёлникуни устидан бўлиб, уни тўлдиради. Барчасидан қолган уруг конга айланиб, яна аёлнинг кон томирларига қайтади ва у тунгандан сўнг, сутга айланади. Шундай килиб сут эркакнинг уруғидан келиб чиқади, кон эса аёлникуидан. Ҳамиша шундай бўлади, бу тўрт унсур эркак туридандир – осмон, металл, шамол ва олов; аёл туридан эса – сув, ер, ўсимликлар ва баликлар. Қолган мавжудотлар ҳам эркак ҳам аёл туридан бўлиши мумкин. Баликлар хусусида гапирсак, улар насл қолдирмоқчи бўлсалар, сув буйлаб бир хаср масофада олдинга ва орқага сузадилар, бир хаср – франсангнинг турдан бирига тенг, яъни фрасаңг – тўрт хасрга тенг. Бундай ҳаракатлар даврида баликлар бир-бирларига таналари билан ишқаланиб, уларнинг орасида томчилар вужудга келади ва иккови ҳомиладор бўлади.

XVII БОБ

Олов хусусиятлари ҳақида

Олов хусусиятлари ҳақида Авестада айтилишича, унинг беш тури яратилган. Булар: Берзасаванг олови – *Ormazd* худоси олдида ёнган; Вохуфриян олови – одамлар ва ҳайвонларнинг танасида ёнган; Урвазишт олови – ўсимликларда ёнган; Вазишт олови – булутда ва у Аспенджаргакка қарши чикқан; Спаништ ва Вахрам олови – ерда ишлатиладиган оловлардир. Бу беш ўтдан бири инсонларнинг танасидаги каби ҳам сувни ҳам емишни ҳам ютиб юборади. Бошқаси ўсимликдагиси сув туфайли ҳаёт бўлгани учун сувни ютиб боради, смишни эмас. Ерда ишлатиладиган Вахрам олови сингариси смишни ютиб юборади. Вазишт олови сингариси на емиш ва на сувни ютади. Берзасаванг олови – ерда, тоғларда ва бошқа жисмларда бўлали. *Ormazd* томонидан асос яратилиш жараснида улар уч фарр сингари одамзодин ҳимоялаб, гуллаб яшнаши учун берилганлар. Тахмурупнинг хукмдорлиги даврида одамлар Хванирасдан Сарсаок букасининг устида бошқа кеншварларга кўчган пайтларида, бир куни тунда денгиз ўртасида шамол олов меҳробига кулади. Олов бука орқасининг уч жойида жойлашганлиги сабаб шамол туфайли денгизга улоқкан олов уч фарр мисоли ёниб турди ва ёруғ булганлиги учун одамлар денгизни кечиб ўтдилар. *Йиши* хукмронлиги даврида барча ишлар уч олов ёрдамида айникса яхши амалга оширилган. Фробак олови Хварезмдаги Фарроманд тоғидаги меҳробига ўрнатилган эди. *Йиши* үзини худоларга қиёслаб маглуб бўлганда, Даҳаканинг искаижасидан Фробак олови *Йишининг* фаррларини қуткарган. Авестадан маълум булишича, Виштасп подшоҳи хукмронлиги даврида, Фробак олови Хварезмдан ташкари Қобулистондаги Рошан тоғида, Қобул юртида асос топган, ҳозирда ҳам ўша ердадир. Шу каби, Кай Хосров хукмронлигига калар Гушасп олови оламга ҳомийлик килган, Кай Хосров Чичаст кулидаги мажусийлар бутхонасини бузайтган маҳал шу оловни отининг ёлига жойлади ва зулматни ҳайдаб ерни ёруғ қилди. Гушасп олови Аснаванд тоғидаги меҳробда жойлаштирилган эди. Шу каби Виштасп кироли хукмронлигига кадар Бурзенмиҳр олови ерга ҳомийлик қилган. Боқий калб эгаси Зардушт эътиқод ва ишончни сийин максадида сафарбар қилинганда, Виштасп ва унинг авлодларининг эътиқоди кучли бўлган, шунда Виштасп оловни

Реванд тоғидаги меҳробға жойлаган, бу ерни «Виштаспнинг төғизмаси» деб атайдилар. Бу уч олов Вахрам оловининг яхлит танасини ташкил этади, шу билан бирга унда ер олови ва фаррлар мавжуд. Инсон зоти онасининг корнида шаклангани каби, маънавий оламдаги қалб ҳам шу танага жойлашади. Тана яшагунча уни бошқаради, тана ўлгандан сўнг у ер билан аралашиб, яна маънавий оламга қайтади.

XVIII БОБ

Гокирн дараҳти хусусиятлари ҳакида

Яратгувучи – Худо номи билан. Гокирн деб номланган дараҳт хусусиятлари ҳакида Авестада айтилишича, Фрахвкард чукур кулида Гокирн деб номланган дараҳт ўсиб чиқканида, биринчи кун эди. У тирилтирувчи куч сифатида жуда зарур, сабаби ундан бокий яшащ учун ичимлик тайёрланади. Чукур сувда Ёвуз рух дараҳтнинг рақибини Ҳомға зарар келтирувчи бақани яратди. Бу бақани тутиб туриш учун *Ormazd* ўнта Кара балигини яратди, улар тинмасдан Ҳомнинг атрофида биттаси бошини бақага қаратган ҳолда айланадилар. Ҳулди бака сингари улар ҳам маънавиятдан озиклангани сабаб, уларга ҳеч қандай емишнинг ҳожати йўқ. Шундай килиб улар қайта тирилунга қадар рақобат килаверадилар. Авестанинг баъзи қисмларида бу баликлар «мовий Арез» деб ҳам аталадилар. Унда айтилишича, у балик *Ormazd* яратганларининг энг йиригидир, бака эса Ёвуз рух яратганларининг энг йиригидир ва ўзининг жаглари билан орага тушганларни иккига бўлиб тишлийдилар, фақатгина бир баликнинг олдида улар ожиздир, бу Вас-панчасадваран балифи. Яна унинг айтилишича, бу балиқ шу қадар сезирки, чукур сувнинг тубидаги игна учини каердалигини сезади, ишқаланиш туфайли сувни кўпайтириш ёки камайтириш мумкин. Вас-панчасадваран балифи Фрахвкард денгизида сузуб юради ва унинг узунилиги инсоннинг катта тезликда қўёш чиқиб ботгунига қадар юрган масофа кабидир, яна унинг узунилиги барча таналарнинг узунилигидан узундир. Яна айтилишича, сувда яшовчи жониворлар унинг раҳнамолиги остидадир. Фрахвкард денгизи ўргасила бир дараҳт ўсли ва унинг уругидан барча ўсимликлар унган. Баъзиларнинг айтилишича, у «асл шифо бергувчилир», баъзилар эса уни «куш билан шифо бергувчилир», баъзилар эса «барча нарсага шифо

бергувчидир» дейдилар. Ушбу дараҳтлар орасида ғорли тоғлар яратылған, уларнинг сони түккиз минг түккиз юз түксон түккиз миллиардга тенг, ҳар бир миллиард эса, үн мингта тент. Бу тоғга етти кешварларга оқадиган ва булоғи шу ердан бўлган сувларни химоялаш вазифаси юклатилган.

XIX БОБ

Уч оёкли эшак хўтиқ (эшак) ҳакида

Уч оёкли эшак ҳакида унинг айтишича, у Фрахвкард денгизининг ўртасида туради, оёклари – учта, кўзлари – олтита, оғзи – тўкқизта, кулоғи – иккита, шохи – битта, (боши кўк ранг), бадани оқ, смиши маърифат (маънавият) ва у такводор. Олти кузининг иккитаси – жойида, яна иккитаси – бошининг қок учида, яна иккитаси – ёлиниг ўрнида. Ва шу олти кузининг кучи билан у синдириб, бостиради(?). Тўккиз оғзининг учтаси – бошида, яна учтаси – ёлида ва яна учтаси – танасининг ичиди, ҳар бир оғизининг катталиги – уй билан баробар. Ўзининг катталиги эса Хунванд тоғига тенг, с尔да тик турган уч оёқларининг ҳар бири катталиги шундайки, минг кўзи йигилиб пода булиб тагидан ўтса бўлади, оёкларида хом чориги шундай каттаки, минг нафар одамлар йигилиб мингта от уюри билан унинг ичига кирсалар сиғадилар. Икки кулоғи билан эса Мозандаронни копласа бўлади. Битта олти шохидан эса, мингта шохлар ўсиб чиқсан, баъзиларининг бўйи тую билан, баъзиси от билан, колгани сиғир билан, яна эшак билан баробар, катта ва кичик шохлар. Бу шохлари билан у зарарли мавжудотларнинг ҳамма килғизиларини йўқ килади. Шу эшак бўйини дснгизга этиб, кулоқларини сувга туширса, Фрахвкард денгизининг сувлари жумбушга келиб, Ганавад мамлакати титрайди. У ҳайқириб ҳанграган замон сув жониворларининг *Ormazd* яратган ургочилари ҳомиладор бўладилар, зарарли ҳомиладор мавжудотларнинг эса, бу ҳайқирикни эшигтан замон болалари тушади. У денгизга пешобини солса, етти кешвардаги денгиз сувлари покланади, шу сабабли эшаклар сувга кириб ёзиладилар. Унинг айтишича: «О уч оёкли эшак! Агар сен сув учун яратилмаганингда, *Ormazd* яратганларини Ёвуз рухнинг килмишлари туфайли йўқ килиши оқибатида денгиздаги барча сув айниган булар эди». *Тиштар* денгиздан уч оёкли эшак ёрдамида жуда кўп сув олади. Яна амбра ҳакида маълумот бор, у уч

оёқли эшакнинг бавл маҳсулидир, чунки унинг емиши маърифат бўлғанлиги сабаб, суюклик унинг танасига кириб, томирлар оркали ва сийдик билан ундан чиқиб кетади. Сарсаок деб ага туничи Хадиош букаси ҳакида айтишича, асос яратилиш маҳалида одамлар унинг устида кешвардан кешварга кўчганлар, кайта тирилиш маҳали эса ундан боқий ҳаёт ичимлиги гайёрланган. Ва унинг яна айтишича, ҳаёт, шундай буюк одамнинг кўлидаки, у сенинг учдан бир кисмининг атрофида қалъалар курдирган ва шу қалъалар қайта тирилиш вақтида зарур булади. Чамрош куши ҳакида айтишича, у Албурз тогининг чўккисида учади. Ҳар уч йилда эрошликларники булмаган ерлардан кўп одамлар Эрон ерларига унга зарар етказиш ва оламни бузиш учун юришлар уюппирадилар. Шунда Бурз худоси Аранг кулининг куйи еридан келиб, Чамрош күшини кўтаради ва у баланд тоғлар чўккисидан учиб эронликларники булмаган ерларни дон тергандек йигади. Каршип куши эса, сўзлашишни билади. Йиши курдирган кальага эътиқод олиб келган ва барча денигизлар узра сўзларни тарқатган ва унинг ҳайқиригидан баликлар хомиладор бўлиб, сувдаги зарарли жониворлар боласини йўқотади. Сенмурғ ва кўршапалак бошқа бобда икки карра айтиб ўтилган. Ашозишт куши у асли Зобар-вахман куши деб аталади, ундан ташқари, Шок кушлари ўз тилларида Авестани етказганлар. У гапирганда девслар титрайдилар, улар ҳеч нарса ола олмайдилар. Агарда кесилган тирноклар устига дуо ўқилмаса, девлар уларни илиб олиб шу кушни ўлдирмок учун улардан найза киласидилар. Шунинг учун бу куш девслар ишлатмасин деб, тирнокларни йигиб сб ташлайди, агарда дуо ўқилмаган бўлса, девслар бу тирнокларни ишлатиб, зиён сткавазидилар. Ва бошқа кушлар ҳамда ҳайвонлар ҳам зарарли жониворларга карши чиқиш учун яратилганлар. Чунки у шундай деб айтган: «Барча куши ва ҳайвонлар зааркундаларга карши яратилганлар». Яна айтишича, аклии кушлардан бири бу – карға. Ок бургут ҳакида эса, қаноти билан илонни ўлдиради, дейди зағизхон эса чигирткани ўлдиради, улар қаршилик учун яратилганлар. Олгин бўйинбоги бор бу – бургут, у ўлимтикларни ейиш учун яратилган, шу каби қузғун ва тоғдаги калҳат ҳам. Тоғ букаси, эчкиси, оҳу ва бошқа ҳайвонлар илонларни сидилар. Итлар эса бошқа ҳайвонларга карши чиқиш учун яратилганлар, масалан, бўрига қарши қўзиларни химоялап учун; тулки кўршапалакка

карии, лайча ит эса илонлар ва инларида яшовчи бошқа заар-кунаңда ҳайвонларга қарши чикиш учун; катта каламуш тошбака ва илонларга қарши курашиш учун яратилған. Кирпи дон-дүнни ташиб кетадиган чумолиларга қарши яратилған. Унинг айтишича: ҳар гал чумоли инига кирпи ёзилса, минглаб чумолилар халок бұлади. Ер бүйлаб дөнни ташувчилар үрмаласы, улар дөнни тешадилар, кирпи дон устидан юрса, дон бут-бугун бұлади. Сув күндүзи эса сувда яшовчи зулукларга қарши яратилған. Ҳулоша шуки, ҳар бир ҳайвон ёки күш маълум бир зааркунандага қарши яратилған. Бургут ҳакида упинг айтишича, бургут ердаги муштедек үлжани юқори баландылардан ҳам күради. Қаногининг остида эса мушк хиди шакланади, оғзидан эса үлимтиқнинг хиди келади, бопини каногининг остиға олса, у тинчланади. Араб оти ҳакида агарда тунда срга соч түкілса ҳам уни күради дейдилар. Ҳуоз ва ит девлар ва жодугарларга қарши яратилған. Авестада унинг айтишича: «Ердаги мавжудотлардан ит ва ҳуоз маъбуд Срош билан ҳамкорлықда зааркунандаларга қарши курашадилар». Ва яна айтишича, «агарда күйбокар чупон итини – пасуш-хаурвани, асли қуриқчи ит виши-хаурвани яратмаганимда, шундай бұлмасди». Чunksи, Авестада айтилишича: «Айнан ит инсонлар ва ҳайвонларда мавжуд бұлған очқузлик десвини үлдиради». Ва айтилишича, ит хуриганда ҳар кандай кинна ва оғриклар йүқолади, унинг гүшти ва ёғи инсондаги оғриқ ва азобни енғишишга қаратылған. *Ормазд* барча нарсаны зое яратмаган, уларнин бары бир наф келтириш учундир. Агарда кимлир сабабини билмаса, ластурлардан (зардуштый мұллоларидан) сұрамоги лозим, чunksи уларнинг беш хусусияти Ёлғонни үлдириш учун хизмат килаға.

ХХ БОБ

Дарёларнинг хусусиятлари ҳакида

Дарёларнинг хусусиятлари ҳакида Авестада айтилишича, иккى дарё шимолдан оқади, ярми, кисман шаркий Албурздан, кисман *Ормазд* Албурзидан. Бири ғарб томон, бу – Арак, иккінчиси шарқ томон оқадилар, бу – Вехруд. Уларнинг кетидан худди шу chaşmaдан үн саккиз дарё ва уларнинг кетидан мұл-құл сувлар оқиб чикади. Айтишиларика, улар шу қадар тез оқарки, инсон биргина ашавоху сураларидан бирини үкиб үлгериши мүмкін. Шу сувлар яна дарёлар билан аралашади, айнан Арак ва

Вехруд билал. Улар иккиси ернинг икки чегарасини ювади, сўнг денгизга қайтиб куйилади. Барча кешварлар шу сувлардан, унинг манбаларидан фойда курдилар, сўнг икки дарё Фрахвард денгизида қайтиб бирлашадилар ва ўзанларига қайтадилар. Авестада унинг айтишича: «Албурз аро шур оралагани каби, сув ҳам унга келиб ва қайтиб оқиб кетади». Яна айтишича, Арак руҳи *Ormazd*дан сурари: «О буюк яратувчи! Сендан Вехруд муруватт сурари, бер! Унга менинг улушимни бер!» Вехруд руҳи ҳам *Ormazd*дан Арак дарёси учун сураган. Икковининг бирбирига мухаббати сабаб, улар иккови тенг куч билан оқди, душман келгунга қадар шошмасдан оқди, душман үлимидан сўнг ҳам худди шу йўсинда оқалилар. Ўн саккиз асосий дарёлардан Арак ва Вехруддан ташқари улардан оқиб чикувчи энг машҳур дарёларни санайман: Арак, Вехруд, Диглат дарёлари (бошкача килиб Всҳ деб ҳам атайдилар), Фрат дарёси, Даити дарёси, Даргом дарёси, Зенд дарёси, Харо дарёси, Марв дарёси, Хстменд дарёси (Ахошир дарёси, Навада дарёси, Зишманд дарёси), Хвеганд дарёси, Балх дарёси, Мехра дарёси, уни Хендва деб ҳам атайдилар, Спед дарёси, Рад дарёси, уни Коир деб ҳам атайдилар, Хварай дарёси уни Месрган ҳам лейдилар, Араз дарёси, Терсмет, Хванайдиш, Дарага, Касик дарёси, Шед дарёси, Мокарестондаги Пайдамайан ёки Чатрумайан дарёси. Уларни иккинчи марта такорлайман: Арак дарёси – Албурздан оқиб чиқади, Сурак юртидан оқиб ўтади, у срда уни Ами деб атайдилар. У Спстое Миср юртидан ҳам оқиб ўтади, у срда эса уни Нив деб атайдилар. Вехруд шаркка Синд юртида оқади ва Ҳиндистонда денгизга куйилади, у срда уни Мехра деб атайдилар. Фрат дарёсининг ўзани Арума чегараларига бориб тақалади ва Суристоннинг сувларидан чашма олади. Фрат Даити дарёси томон оқади, айнан Фрат дарёсидан ерни суғориш учун сув оладилар. Маълумки, Манушчихр бу чашмаларни кавлаб чикиб барча сувни бир жойга куйиб юборган. Унинг айтишича: «Мен Фратни эъзозлайман, унинг сувлари баликшарга лиммо-лим, уни Манушчихр ўзининг кўнгли учун кавлаб топган, унга эгалик қилиб, суғоришларга йўналтирган». Диглат дарёси Салма юртидан келиб чикиб, Ҳузистондаги денгиз томон оқади. Даити дарёси – Эранвеждан Панджастон тоги орқали оқади, унинг сувларидан барча дарёлар ичида энг кўп заараркунандалар мавжуд. Даргом дарёси Судада

жойлашган, Зенд дарёси Панжастан тоғларини кесиб үтиб, Харо дарёсига куйлади. Харо эса Апарсин тоғидан оқиб үтади. Хетменд Систондан оқади, чашма булоклари эса Апарсин тоғидан чиқади бундан ташқари уларни Фрасияг түсіб қўйган. Ахошир дарёси Кумишида, Зишманд дарёси эса Хвеганд дарёси томон Сүғдиёнага қараб оқади. Хвеганд дарёси Самарқанд ва Наргана марказидан оқади ва уни Аппард деб ҳам атайдилар. Марв шарқда Хурросонда мапхур дарёлардан, у Бамиандаги Апарсин тоғидан оқиб чиқиб, Вехрудга томон йўналади. Спед дарёси Адурбадаганда жойлашган, айтишларича: бу ерда Даҳак Ахриманда ёрдам сўраган. Торт дарёсими яна Коир ҳам дейдилар, у Каянсе денгизидан оқиб чиқиб, Верған денгизига куйлади. Захавай – бу дарё Адурбадаган денгизидан чиқиб, Парсадаги денгизга қуйлади. Спахандаги Хварай дарёсинин чашмалари Хузистондан үтиб, Диглат дарёсига томон йўналади. Спахандда эса уни Месрған дейдилар. Араз дарёси Табаристонда, чашмаси Демаванд тоғидан оқиб чиқади. Терсмет Всҳруд томон оқади. Вендесес эса Порснинг Систон деб аталмиш кисмидалир. Касик Тус юргидаги тоғлар аро оқади, уни Каси дейдилар. Ва у ерларда оқадиган Век дарёсими Касик деб атайдилар, ҳатто Синлда ҳам уни шундай биладилар. Пандамайан дарёси асли Чатрумайан – Кангдиздадир. Эранвеждаги Дарага дарёси соҳијларида Зардушининг падари Порушаспининг туаргохи булган. Бошқа кўпгина дарёлар шу ларёлардан ўзанини олади ва дунёнинг ҳар хил юртларида уларни ҳар хил номлайдилар. Фрасияг ҳакида айтишича, у Каянсе денгизидаги минглаб чашмаларнинг йулини тусган, бу чашмалардан отлар, туялар учун катта ва кичиклари учун кўпгина сугориладиган ерлар сув олган. Чашмалар ичиди Зариноманд Хетменд дарёсицир. У ҳам Вачаени дарёсининг ва ёти кема қатновига ярокли дарёларнинг чашмасини түсіб, у ерга одамларни кўчирган³⁹⁵

³⁹⁵ Денгиз, куд, дарёлар ҳакиқати бу маълумотлар «Бундажишин»га Сосонийлар ламрида Эрон нуктави пазаридан олиб кирилган. Ундаги географик тасаввур ушбу дарвадаги Эрон салтаватишининг ахломийлар даври янъзасига тасдиқлану хулуний давлатчини асослашти ҳизмат қилини керак эди. Шу сабабли ушбу «география» бир томони Ҳиндистон, кима бир томони Турон, Иккичи томони араб дунёси (Месопотамия, Сурға ва бошқалар), Кавказ ва Кавказ орти юртларни камрәб олган. Бундан ташкари ушбу гидрографники келтирилган дарёларнин эксангири Альбурз горидан бошливида ва унини тарроғиҳ тарқиётида деген шиклар кўрсатилиди. Бу уринда Албурз Эрон «кузи» билан қаритигацда революсиялик ва уни аостир гаславурига олиб кирини кулауд булган.

Дарёларнинг дунё борлигини айланыб, яна бир ерга – Эрон в бирлашиб манзараси «ираноцентризм»дан бошқа нурса эмас. Дарёларнинг ва кулларнинг. Фароғкарт дengиз кабиларнин мифлаштирилган образлар эксанги шубха йўк. Шу уринда айтиш лозимки, ялпи мифологик манзара

ХХI БОБ

Суюкликнинг етти тури хақида

Авестада у сувларнинг ўн етти тури хақида гапиради. Шундай килиб, бу сувларнинг бири – ўсимликларда, иккинчиси – тоглардан оқадиган сув, яъни дарёлар, учинчиси – ёмғир суви, тўртингчиси – тургун сув ва шупга ўхшаш сув ҳавзалари, бешинчиси – ҳайвоилар ва одамларнинг уруғи, олтинчиси – одамлар ва ҳайвоиларнинг пешоби, стгинчиси – одамлар ва ҳайвоиларнинг сўлаги, саккизинчиси – одамлар ва ҳайвоиларнинг тесрисидаги суюклик, тўккизинчиси – одамлар ва ҳайвоиларнинг кўз ёшлари, ўнинчиси – одамлар ва ҳайвоиларнинг кони, ўн биринчиси – одамлар ва ҳайвоиларнинг ёғи (икки оламда ҳам керак бўладиган), ўн иккинчиси – уларнинг терлари суюклиги (одамлар ва ҳайвоиларнинг бачадонидаги суюклик, у билан улар болаларини бокалилар), ўн учинчиси – шоҳ-шаббадаги сув, у оловдан турт бармоҳ узокликда шоҳ жойлаштирилса окиб чиқади, ўн туртингчиси – одамлар ва ҳайвоиларнинг сути. Шундай килиб, барча сувлар ўсиб униш жараённида яхлит бўлиб бирлашадилар. Яна айтишларича, уч ларс Арак, Марв ва Всҳруддан рухларнинг кўнгли тўлмаган, чунки, рухлар наздида бу дарёларнинг сувлари покиза эмаслиги сабабли улар олам ичра оқмокларидан уларнинг (рухларнинг) кўнгли тулмайди, зоро, улар суви тоза эмас тургун ҳавзадан озиқланишидаи. Шунинг учун ҳам ушбу дарёлар дунёга Зардушт келгунинг қадар изтиробда эдилар. У келган замон деди: «Мен сенга нажот ато этаман!» Зардушт дарёларни сувга тўлдирди, уларни согломлаштириди ва мурувват ваъда қилди. Яна унинг айтилпича, дарёнинг сувлари қанча кўп тўлдирилган бўлса, унда нопокликларнинг сони камаяди ва у уч йилда ўз узанига қайтади, сувлари билан зааркунандаларининг сони бир хил

итида «Бундахшти» южодигарларига мазъум объектларини номлари ҳам фвол ишлатилим. Бу матн баёнини ишотчилинига курслатишга кираттилган.

Векруд ҳақида баъзин мулоҳазалар. Бу ҳақида Маркмарти (?) 1938 йилда «Vehrud und Arang» номли мақоласида Амударё билан боғлиқ фикр берган эди. Шундан бўён Векруд Амударёга нисбат бериб келинган.

«Идрогсиграфиянинг чалкалди ўринлари ҳам кўп. Масалан Порсдан бошланган дарбни Систон билан боғланиб кийин. Чунки ўртада Эрон плагоси бор. Дарғом (?) ларёси, агар бу Самарқанд Сугднинг Дарғом бўлса, бу Зарабшондан ажраттилган ва ... Валагср тутони орқали сув чиқарилган канал бутган. Асрар оша бу канал сувлари узанини юваби чукурлаштиргани хисобига кетга анзорга айлантиш. Хозирда Дарғом сувлари Самарқанд вилояти хужалиги сарфлари туфайли тутал ишлатилади. Денизи а кайтмайди.

Ушбу география мазъумотларини тарихий топографиясини маҳсус урганиб, нима ровий, нима ҳаракат тегаси ялоҳида муаммолигича колади (М. Исдоқов).

бўлган дарёлар олти йилда кайтади, қай дарёнинг заараркунанда-лари сувларидан кўпайиб кетса, бу дарё тўққиз йилда ўзанига кайтади. Шу каби, ўсимликларнинг ўсиши уларниг илдизига боғлиқ бўлса, худди шундай такводорларниг ўкиган дуолари уларниг ўзларига кайтади. Наҳвадак дарёси ҳақида эса у шундай дейди. Туронлик Фрасияг (Афросиёбнинг Авестадаги аталиш шакли Фрахрасянг сўзининг пахлавийча талаффизи) уни тусиб қўйган. Хопилар келган замон у қайта оқиб, Каянсе денгизининг чашмаларини, яйловларни ҳосил қиласди.

XXII БОБ

Кўлларниг хусусиятлари ҳақида

Кўлларниг хусусиятлари ҳақида Авестада шундай дейи-лади: оламга кўпгина кўл деб аталмиш сувларниг сарчашма-лари маълум. Сувлари инсон кўзларидек зилол бўлган кўллар мавжуд. Булар Чичаст, Субар, Хварезм, Фраздан, Зариноманд. Асваст, Хосро, Садвес, Урвис. Уларни иккичи бор тақрор-лайман: Чичаст Адурбадаганда жойлашган, унинг суви илиқ ва тоза шунинг учун унда тирик мавжудотлар йўқ. Унинг сарчаш-маси Фрахвкард денизи билан боғлиқ. Субар кўли Туре тоғининг чўққисида, ернинг тепа қисмида жойлашган. Унинг айти-шича: «Судбар – бу улуш, яхшилик улашувчи, мурувватни кў-пайтирувчи эзгулик унинг томонидан яратилган». Хварезм кўли ҳақида айтилишича, эзгулик ва фойда, Ашаван бойлиги ва куч-кудрати унинг томонидан яратилган. Фраздан кўли Систонда жойлашган. Айтишларича, одил инсонлар унга бирон нарса таш-ласалар, у кабул бўлади, ҳақгўй бўлмаган инсон ташласа кўл қабул қилмайди. Унинг ҳам сарчашмаси Фрахвкард кўли билан боғлиқ. Зариноманд кўли Ҳамадонда жойлашиган. Асваст кўли эса жуда соф ва порлок ҳамиша денгиз томон оқади. У шу кадар соф ва зилолки, унга бамисоли қуёш тушгандай ва унинг сувини кўриб, (бу сув билан) ўликларни тирилтирса бўлади деб ўйлар экан дениз. Хосро кўли Чичаст кўлидан тўрт фрасанг масофада жойлашган. Садвес кўли ҳақида ёзилганидек, у Фрахвкард ва Путик кўлларининг орасида жойлашган. Камидонда эса, шундай жарлик борки, унга нимаики ташланса, албатта қайтиб чиқади, у ўзига фақатгина тирик мавжудотларни қабул қиласди. Агар унга

тирик мавжудотлар ташланса, күл уларни ўз домига тортади. Одамларнинг айтишича, бу кўлда жаҳаннамдан чиқадиган чаши манинг манбаси бор эмиш. Урвис кули эса баланд Хугар (авестаcha Хукаря) тогининг ортида жойлашган.

XXIII БОБ

Маймун ва айикнинг табиати ҳакида

Маймун ва айикнинг табиати ҳакида у шундай дейди: фарри (давлат бахти) Йимани тарк этгач, у девлардан қуркқанидан ўзига улардан хотин олди. Иимак исмли синглисини эса девга хотинликка берди. Улардан маймунлар пайдо бўлди, лумли айик ва бошқа бесупақай (бадбашара) турлар пайдо бўлган. Яна айтишларича, Ажидажакпинг хукмронлик даврларида ёш аёлни девга, ёш йигитни эса жодутарга кўшдилар. Улар бир-бирини куриб қўшилдилар ва уларнинг бу яқинлигидан кора таниллар пайдо бўлди. Уларнинг олдига Фаридун келганида улар Эрон ерларидан кочиб, денгиз атрофига жойлашдилар. Ҳозир эса арабларнинг хужуми туфайли Эрон ерларига (яна) тарқалиб (аралашиб) кетдилар.

XXIV БОБ

Хукмронлик ҳакида

Авестада инсонлар, ҳайвонлар ва бошқа нарсаларга бошлилик килувчилар (хукмронлиги) ҳакида айтилганки, инсон зотлилардан биринчи бўлиб Гайомард яратилган, у ёркин, равшан, оплок, барчадан кўра энг кўп Зардуштга ўхшали ҳам ўзи, ҳамманинг устидан хукмронлик ҳам унга Зардушт томонидан ато этилган.

Бошини эгик тутган кийик – эчкиларнинг сардори, шу турлардан биринчи бўлиб у яратилган. Оқ тумшукли кора қўй – қўйларнинг сардори, бу турлардан у биринчи бўлиб яратилган. Оқ тиззали тия ҳам биринчи бўлиб яратилган, у тиялар сардоридир. Биринчи бўлиб сарик тиззали буқа яратилган – у буқалар сардори. Биринчи бўлиб кулоклари сарик, жунълари ялтироқ, кўзлари оплок, ўзи ҳам оқ тулпор яратилган – у отларнинг сардори. Оёклари мушуксимон бўлган эшак – у хутикларнинг сардори. Итлардан биринчи бўлиб сарик жунгли ит яратилган – у итларга бошчи. Кул рангли қўён – энг тез югурадиганларнинг сардори. Ёввойи ҳайвоилар қўлга ўргатилмаган, чунки улар

вахлийдир. Күшлардан биринчи бўлиб уч карра қуш Саена яратилган, лекин бу дунё учун эмас, бу дунёда ҳукмрон Карпигт, уни киргий деб атайдилар, Авестада айтилишича у Йиша томонидан яратилган қароргоҳга ишонч олиб келган. Муйнали ҳайвонлардан биринчи бўлиб оқсичкон яратилган ва у – мўйналиларнинг сардори. Унинг айтишича айнан оқсичкон Амешаспенталарнинг йиғилишига етиб келган. Кара балиғи ёки Арез – сув мавжудотларининг сардори. Даити дарёси – оқар сувлар сардори. Дарага дарёси юқори дарёлар сардори, чунки Зардуштнинг ота уйи шу ерда ва Зардуштнинг узи ҳам шу ерда тугилган. Ўрмонларга оқ ўрмон ҳукмрон. Ардвисура сувлари оққан баланд Хугар (Хукари) тоги (барча) чўккилар бошлиғи, чунки унинг устида Садвес юлдузи айланади. Шифоҳаш ўсимликларнинг ҳукмрони – шарбати эзиз олинадиган хавмдир. Бугдой – йирик донти бошоқлиларнинг ҳукмрони. Даشت шувоги – доривор бўлмаган ўсимликлар ҳукмрони. Ёзги тарик, уни гал деб атайдилар – майда донлилар ҳукмрони. Муқаддас камар (кусти) – кийим бош ҳукмрони. Садок (елкадан осиб юриладиган ўқдон) – курол-аслаҳалар ҳукмрони. Икки инсондан ақолироқ ва ҳаққўйроги – ҳукмрони. Австада яна айтилишича: «Мен бутун дунёни бирдек teng қилиб яратдим, барча бирдек яхлит бўлсин учун. Чунки оламда ўз вазифасини бажарувчилар учун мол-дунё ва куч қудрат етарлидир». Ҳар яхшилик килган инсоннинг қадри ҳаётбахш сув кимматига тенгdir, сувнинг асл қиймати бебаҳодир, чунки Ардвисура суви Ҳванирасанинг буюк сувидир, унинг қадри осмон ва ср каби бебаҳодир, Арак ва Вехруд дарёларининг сувларидан ташқари. Мирт, миранта (доим яшил, хушбуй бута, ўсимлик) ва хурмо ўсимликлари киёфасидан барча ўсимликлар яратилган ва улар Ҳванирасадаги барча ўсимликлардан устун. Ўликларни тирилтирадиган Гокирн дарахтидан ташқари. Тоғлардан Апарсин тоги, унинг этаги Систанда, чўккиси эса Ҳузистонда. Баъзиларнинг айтишича, унинг қиймати барча Порс (Эрон платоси) тоғларининг қийматига teng ва Албурз тоғидан ташқари барча тоғларга бошлир. Күшлардан эса Чамрош куши, Ҳванирасанинг барча кушларига teng, факаттина Учлик Саен кушидан ташқари. Ҳулоса шуки, кимки энг кўп масъулиятли бўлиб энг кўп вазифани бажарса, утина қадрлироқдир.

ХХV БОБ

Эътикод ишлари ҳакида

Эътикод ишлари ҳакида Авсстада айтилишича: «Дунёдаги барча нарсаларни уч юз олтмиш беш кунда яратдим», яъни олти тоҳанвор – даврида. Бу бир йизни ташкил қилади. Ҳар сафар аввалида кунларни сўнг гунларни санамоқ лозим, чунки аввал кун кетиб сўнг тун келади. *Тир ойининг Ҳвар* кунидаги мадиょшам байрамидан, *Ваҳром* ойининг *Дай* кунидаги мадиорам байрамигача энг киска кун, бунда тун чўзилади. Мадиорам байрамидан Мадиょшам байрамигача тун кисқариб, кун чўзилади. Ёзги кун шундай – икки қишки кун каби, икки киска қишки кун каби, қишки тун эса шундай – икки қиска ёзги тун кабидир. Ёзги кун ўн икки хасрага тенг, тун эса олти хасрага. Қишки тун ўн икки хасрага, кун олтига тенг. Хаср – вакт ўлчами бўлиб, ер узунлигини англатади. Ҳамаспадмайдим байрамида *Стандармад* ойининг сўнгти беш кўшимча күшарида (навruz арафасида) кун ва тун яна тентлашадилар. *Фравардин* ойининг *Ормазд* кунидан *Меҳр* ойининг *Анаҳран* кунига қадар етти ой ёз булади. *Обон* ойининг *Ормазд* кунидан *Стандармад* ойининг охирги беш кунлигигача беш ой қиш булади. Ҳербад (дин амалдори) ана шу ёз ва қишилинг кунлариға қараб марҳумларни кўмиш (тап покланган суюкларни даҳмалардан олиб, остодонларга солиш ва навусларга қўйиш ҳакида бўлса керак) ва бошқа нарсалар юзасидан қоидалар ўрнатади.

Етти ёз ойларида бир кунда беш давр мавжуд. Тонг – ҳавони даври, туш вакти – рапитвин даври, кеч – узайерин даври, осмонда юлдузлар пайдо бўлганда – ярим тунгача – абисрутим даври, ярим тундан юлдузлар ғойиб бўлгунга қадар – ушахин давридир. Қишида тўрт давр мавжуд. Тонгдан узайеринга қадар – ҳавони, колгани эса айтганимдек. Бунинг сабаби, ёвуз қиш шимол ўлкаларида яшайди, у ерда Ворубаринги ва Ворузиришт қишварлари мавжуд. Ёз макони жапубда бўлгани сабабли, у ерда Фрададафш ва Видадафш қишварлари мавжуд. *Обон* ойининг *Ормазд* кунида кипп кучга тўлади ва оламга келади, рапитвиннинг рухи эса, тепадан пастта қараб ернинг тубига сув манбаи томон кетади. Сувда иссиқлик ва намлик бор, шу сабаб дараҳтларнинг илдизлари соvuқлик ва курғокчиликдан сўлимайди. *Дай* ойининг *Отар* (Оловга багишлиган) кунида Эранвежга кучли музиклар билан қиши

келади ва *Стандармад* ойининг сўнгги кунларигача қиши бутун оламни босади. Шунинг учун *Дай* ойининг *Отар* кунида барча қиши келганини нишонлаб гулхан ёкади. Шу беш ойда булоқлар ва каналларнинг сувлари илик, чунки, рапитвин байрами у ерда иссиклик ва намликни сақтайди, рапитвин байрамини эса ҳеч ким нишонламайди. *Фравардин* ойининг *Ормазд* куни келганида қишининг кучи кетиб, уз оромгохидан ёз кучга тұлиб келади. Ер остидан рапитвин келиб, дараҳтларнинг мевалари пишади, булоқларнинг сувлари эса муздек булади, чунки, ерда рапитвин йўқ булади. Шу етти ой барча рапитвинни нишонлайди ва ёз бутун олами нишонлайди. Лекин *Хиндистон* тарафда ёзинг оромгохига энг яқинпроқ жойда, доимо на иссиқ ва на совук булади, чунки, ёз хукмрон пайт ёмғирлар иссиқни кувади ва у сезилмайди, кишида эса ёмғир йўқ шунда совук у қадар сезилмайди. Шимол тарафда яъни *Хурсоңда* қиши доимо совук булади, ёзни иситиш учун уни ҳайдаб бўлмагани учун. Бу худудларнинг марказида қиши совуғи ва ёз жазирамаси жуда авжиди булади. Сўнг ойининг айланишига боғлиқ йил саналадиган йилга тенг эмас, чунки ой баъзида йигирма тўккиз, баъзида ўттиз кунда кайтади ва күёш кунлари ойининг ойларидан турт соатга кўпроқ. Айтишларича, ой ҳакида гапирган ҳар ким ёлғончидир, ойни олтмиш кунда икки марта келади деганлардан ташқари. Ва йилни ой айланишига қараб хисоблайдиганлар ҳам ёзни қиши билан, қишини ёз билан адаштирадилар. *Фравардин*, *Ордубиҳиншт*, *Тир*, *Хордад* ойлари – баҳор, *Амэрзад* ва *Шахривар* – ёз, *Мехр*. *Обон* ва *Одар* ойлари – куз, *Дай*, *Баҳмон*, *Испандармад* ойлари – қишини белгилайдилар. Күёпі ҳамал уйидан чикади ва уч юз олтминш бени кун ва олти соатда худди шу уйга қайтади, яъни бир йилда күёши чиқкан жойига яна кайтиб ботади.

XXVI БОБ Ҳаср ҳакида

Ҳаср – бу ўлчов бирлиги. У ердаги икки оёқнинг минг қадамидан иборат фрасангига тенг. Фрасанг – эса, ўткир нигоҳнинг қанчалик кўриши қобилияти билан ўлчанади. Юк ортилган хайвоннинг ранги ок ёки коралигини фарқлаган ўткир кўзнинг кучи билан ўлчанади.

XXVII БОБ

Ўсимликларнинг ҳусусиятлари ҳакида

Ўсимликларнинг ҳусусиятлари ҳакида Авестада айтишича, душман келгунга қадар ср юзидағи ўсимликларнинг тиканлари ва пўстлоқлари бўлмаган, душман кслгандан сўнг, барча нарсага ёмонлик аралашиб, улар заҳарли бўлиб қолдилар ва уларда пўстлоқ ва тиканлар пайдо бўлди. Шу сабабли, баъзи ўсимликларга кўпроқ заҳар аралашган, масалан: (аконит) ва анакардия, улар заҳарли бўлиб уларни еб қўйган барча одамзод ва ҳайвонлар ўлиб қолади. Ягона яратилган буқадан фойдали ўсимликларнинг эллик беш хил дони тури билан бошқа турдаги кўптина ўсимликлар ҳам яратилган. Юз минг хил ўсимликлар барча уруғларнинг дараҳтидан, кўп уруғли барча дардга даво Фрахвкард денгизидаги дараҳтдан ўсиб чиккан. Шу барча ўсимликларнинг уруғлари ва ягона яратилган буқадан таркаган ўсимликларнинг уруғларини ҳаёт дараҳтидан күшлар олиб кетади ва уларни сув билан аралаштириб юборади. *Тиштар* уларни ёмғир сувлари ёрдамида илиб кетади ва ёмғир қилиб оламга сочади. *Ардовисур* сув чашмасида мана шу ҳаётбахш дараҳтнинг ёнида шифобахш, тоза оқ ҳаома яратилган, уни татиган ҳар кимса бокий умр кечиради. Уни Гокирп дараҳти деб атайдилар, Авестада унинг айтишича, олам қайта тирилганда, ушбу дараҳтдан бокий умр ичимлиги тайёрланади, шу сабабли у ўсимликларнинг сардоридир. Баъзилар айтишича, ўсимликларнинг кўптина тури мавжуд: мевали дараҳтлар, бошоқли ўсимликлар, гуллар, хушбуй ўтлар, овқатта солинадиган зиравор ўсимликлар, ёввойи ўсимликлар, доривор ўсимликлар, елимли шираси окиб чиқадиган ўсимликлар, ёғлар олинадиган ўсимликлар, бўёқ ҳосил килинадиган, кийим тикиладиган ўсимликлар. Мен уларни иккинчи бор таъкидлайман. Инсонларнинг емишига кор бўлмайдиган кўп йизлик ўсимликлар, масалан: сарв, чинор, оқ терак, шамшишт ва бошқа шунинга үхшашиблар – булар дараҳтлардир. Инсонтарнинг емишига кор бўладиган кўп йизлик ўсимликлар эса масалан: доим яшил, хуцибуй бута, ўсимлик, курмо, «ушлаб ол дараҳти», узум, беки, олма, шафтоли, анор, анжир, ёнғок, бодом ва бошқалар – булар мевалар турига киради. Үзига қаров ва меҳнатни талаб килалигандан барча ўсимликлар булар дараҳтлардир. Меваси куригандан кейин эътиборни талаб килалигандан барча ўсимликлар – гуруч.

буғлой, арпа, қар хил турдаги дүккакли үсімліклар ва нұхаг турлари – дөн деб аталаңдар. Хүшбүй, барглари үткір исли, доимо инсоннинг күл мәхнатига мұхтож бұлмаган үсімліктарни – муаттар үтлар деб атаймиз. Барча үсиб, хүшбүй ифор таратиб, инсон мәхнатига мұхтож бұлған ва мавсумий тарзда гуллаб туралыған, масалан, атир гул, нарицисс, жасмин, наматак, лола, колоквінт³⁹⁶, шаббүй, сарик заттар, бинафша ва х.к. ларни – гуллар деб атаймиз. Мевалари ва гуллари хүшбүй бұлған инсон мәхнатини талаб күлмайдыган үсімліктарни «ёввойи үсімліктар» деб атаймиз. Молларни ва салт, миниладыган ҳайвонларни бокиш учун емиш булаңыдан үсімліктар – үт-үлан деб атаймиз. Яхна оқкатта ярайдиган үсімліктарни – зиравор деймиз. Нон билан бирга истеммол қилинадыган үсімліктарни масалан, топбақа толи, шорей-пиёзи, кашнич, уруғдан күкартирилған пиёз кабиларни – сабзавот деймиз. Наша үсімлігі, пахта ва шу кабиларни – тукув (күйим-бош) үсімліктарни деймиз. Үзіда ғұрт бор үсімліктарни, күнжұт, наша үсімлігі ва х.к. – ғұл үсімліктар деб атаймиз. Күйимларни бүаш учун ишлатыладыган үсімліктарни, масалан, заттарон, бразилия дараҳты, занжабил ва шу каби турларни – бүеклар деб атаймиз. Барча илдизи ёки пояси үзидан хүшбүй ифор тарадыларни масалан, колоквінт, ладан, карданмон, кофур, цитрон ва шу кабиларни – хүшбүй модаңдар дейилади. Баъзы үсімліктардан оқиб чиқадыған ёпишкок ширани – елим деймиз. Бу дараҳтлардан ҳосил булаңыдан нам ёки қурук чоркирра узунчоқ булақларни – үтін деймиз. Доривор деб аталаң үсімліктарнің иккі тури мавжуд булиб, пифобахш ва яхши шифо берувчи саналади. Асосий меваларнинг үттіз туридан үнтасини ҳам устки ҳам ички қатлами билан озиқланса булади, булар: анжир, олма, беҳи, цитрон, узум, тут, нок ва шу кабилардир. Колган үнтасини – факат устки қатлами билан озиқланса булади – хурмо, шафтоголи, ок үрік ва шу кабилар шулар каторидандырылады. Яна үнтасини – факат ички қатлами билан озиқланса булади, булар – ёнгөк, бодом, анор, кокос, фундук, турған пистаси кабилардир. Бу бобда көлтирилған күпгина үсімліктар – меваларнинг асосий турлары дырылды.

Хар бир үсімлік табиати үзининг аманраспандыға тегишли булади, масалан: сарик жасмин *Бағмонга* тегишли, мирт ва жас-

³⁹⁶ Тарвушинш бир тури Франдаги номи *coccygynthis*.

мин *Ормаздга*, майоран Ордубиҳиштга тегишли, раҳоннинг эгаси Шахривор, лимон ялпизи *Испандармадники*, лилия Хурдолники – Амэрэлодадники. Дай (-пад-Одур) мелиssa лимон утнинг эгаси. Нилуфар Обонга тегишли, ок ўт Хуринедга, нарцисс Моҳга тегишли, бинафша Тирга, Гўушга – Дай (-пад-Мехрга), барча гунафшалар Мехрга тегишилдири, кизил шаббуй Сурушга, наъматак *Рашнуга*, амарант (гултоҳижхуроз) – Фарвардинга тегишли. Тимиан тошчўп – Вахрамга, сарик шаббуй Рамуга, мелиssa Валга, заъфарон Дей (-пад-Денга). Юз bargли атиргул Даенага, тирноқгул Ордга тегишли. Арштадга барча ок хавм, Асман, Замйадга заъфарон тегишли, Мараспандга Ардашир гули, Анахранга уч хил турли хавм тегишли.

XXX БОЙ

Қайта тирилиш (қиёмат коим)нинг моҳияти ҳақида

Австада қайта тирилиш (қиёмат) ва ўлганлар тирилишининг моҳияти ҳақида айтилишича, Машай ва Машайана срдан ўсиб чиққанлиги сабаб аввал сув билан озиқланганлар, кейин ўсимликлар билан, сўнг сут, сўнг эса гўштли овқат истеъмол қилганилар, одамлар ҳам охиратга якинлашгандла, аввал гўштни, сўнг сутни, сўнг ион сийини тўхтатадилар ва ўлгуналарига қадар сув ичадилар. Шундай қилиб, Хушидармахнинг минг йиллигига одамлар очкузлигининг кучи камаяди ва уч кун давомида улар табаррук озиқнинг самарасини кўрганлиги учун кўзлари тўқ булади. Шундан сўнг улар гўштли овқатларни сийини тўхтатиб ўсимликлар билан озиқланадилар, сўнг сут ичишни тўхтатиб ўсимликлар билан озиқланадилар ва сув ичадилар. Осушийанс (ҳодий зот) келгунга қадар ўн йил мобайнида улар озиқ-овқатсиз буладилар, аммо ўлмайдилар. Шунда Осушийанс ўлганларни коматта келтиринш, тиристиришга тайёрлайди. Унинг айтишича, *Зардушт Ормазд*дан сўради: «Шамол олиб кетган, сув сидириб кетган тана, жилем қаердан олинади? Ўлганларнинг тирилиши қанчай юз беради?» Ормазд жавоб берди: «Мен осмонни устунларенз – кўринимас маънавий асосда, ялтироқ металдан, узокка чушилган нурдан яратдим; ерни яратдим, у бутун моддий дунёни тутиб туради, лекин унинг ўзини хеч нарса тутмайди; мен осмону фалакка ҳаво, хуршишарини, юлдузларни, ойу-куёшни йўнаттирдим, мен донни яратдим, ерга сочила, ўзидан кўпая-

диган; ўсимликтардаги ранг-барангликни яратдим; ўсимликлардаги ва бошқа жисмлардаги оташни яратдим; она қорнила ўғилни яратдим, унинг териси, күз, қулоқлари, қони, тирноги барчасини алоҳида яратдим; сув оёқларини яратдим, сувларда югуриш учун, булутни яратдим ердан сувни олиб қочиб истаган жойида ёмғир килиб қўйиши учун; хавони яратдим, шамол кучи билан ердан кўтарилиб эсадиган, кўз билан кўрилсада, ушлаб бўлмас; тирилишини амалга оширишдан кўра шуларнинг барчасини яратиш менга осон кечди, чунки жонлантириш маҳал шуларнинг бари мавжудлиги менга кўмаклашади. Шуларнинг барчаси бўлмагандан эди, йўқликдан мавжуд килишга тўғри келарди. Энди ўйла, умуман йўқ нарсаларни яратган бўлсам, нега мавжуд бўлганини кайта тиклай олмай? Барча яратгандарим жонланиш маҳали инсонларга керак бўлади, асос яратилиши пайтида ернинг руҳи суюклар учун, сув кон учун, ўсимликтар соchlар учун, оташ кўзлар учун зарур бўлади». Аввал Гайомардининг, сунг Мапий ва Мапийнанинг, ундан сунг эса колган одамларнинг суюклари кўтарилади. Эллик стти йилда Осушайант барча ўғланларни тайёрлайди, шунда одил инсонлар ҳам гуноҳкорлар ҳам барчаси руҳи кетган ердан кўтарилилар. Барча моддий нарсалар үзининг танаси ва жисмини олгандан сунг, руҳлар уларга ягона қиёфа бералилар. Кўёшининг нурига келсак, ярмини Гайомардга, колган ярмини одамларга бералилар. Шунда одамлар ҳам рух, ҳам тана мавжудлигини англайдилар, яна шуни биладиларки – бу менинг онам, менинг отам, рафикам, акам ёки якин қариндошим эканлигини англайдилар. Сунг Исадвастара мажлиси бўлади ва ср юзида барча одамлар унла ҳозир бўладилар. Ва барча үзининг яхши ва ёмон ишларини кўради, шунда гуноҳкор кора пода ичидағи оқ кузи каби ажралиб колади. Шу мажлиисда одил инсон гуноҳкорнинг дўсти бўлгани, гуноҳкор эса унга нисбатан шикоят килиши ҳақида гапирилади: «Нима сабабдан одил инсон ер юзида үзи бажарган эзгу амаллар билан мени таништирмади?» Шунда агарда одил инсон ҳақиқатан ҳам гуноҳкорни огоҳ этмаган бўлса, ушбу мажлиисда уялишига тўғри келади. Сунг, тақводор ва гуноҳкорларни ажратиб, одил инсонларни жаннатта, гуноҳкорларни эса жаҳанинг жўнатадилар. Уч куну уч тун гуноҳкорни даужваҳу (дўзах)да танаси азобда колади, одил инсон эса жаннат тоғларида жисми хузур-халоватда бўлади. Унинг айтиппича,

гуноҳкор одил инсондан ажаратилган маҳал, куз ёшлиари оёқла-рига тўкилади. Ўғил отадан ажралганда, дуст дўстидан ажрал-ганда, уларнинг барчаси ўз килмишларидан ачинади, одил инсон гуноҳкорга ачинади, гуноҳкор эса ўзининг килмишлари учун ачинади, чунки ота одил инсон булиши мумкин, лекин ўғил гу-ноҳкор, ака-укаларнинг бири одил бири гуноҳкор булиши мум-кин. Кимки ўз истаги билан Даҳак *Ажидаҳака* ва Фрасияг (Фрахрасянг) каби ёвуз ишлар киlgан булса, улимга маҳкумлар каби «уч кунлик жазо»ни оладилар. Тирилгандар ичидан ўн беш эркак ва ўн беш аёл бўлади, улар Осушайантга ёрдамга келадилар. Осмондаги Гозихр ой нури тепалигидан ерга йикилганда, ер, бўрига талангап кўзидек оғриқ хис килали. Сўнг оташ ва Дарийман рухи тоглардаги металлни эритиб, ер юзида дарё мисоли килали. Шунда барча одамларни шу металлига шўнгигиб тозаланишга мажбур этадилар. Имонли одил инсонлар ишлек сутда сузаётгандек ўзларини хис этадилар, гуноҳкорлар эса, ёнган чўғ каби ерда зриган металл устидан юраётгандек ўзларини хис этадилар.

Шундан сўнг, барча одамлар кенг меҳр маконида йигилилади-лар: ота ва ўғил, ака-ука, дўстлар. Ва бири иккинчисидан сурайди: Шунча ўйл қаерда бўлдинг? Рухинг, калбинг устида қандай гашшар бўлди? Сен одилмидинг ёки гуноҳкор? Аввал рух танани кўради, уни сўроққа тутиб, шу саволларга жавоб олади. Барча одамлар овозлари бирлашиб, *Ормазд* ва амахраспандамни мадҳ килалилар. Бу вактта қадар *Ормазд* ўз ишини якунлайди ва ярат-ганлари тайёр бўлганида бошқа инн килемайди, ўлганларни тирил-тиралигандар ҳам ишни тўхтатади. Осушайант ва унинг ёрдам-чилари ўлганларни жонлантириш учун қурбошликлар килали. Қурбонлик учун улар Хадиош букасини сўядилар, унинг ёлларига оқ хом кўшиб жонлантириш ичимлиги тайёрланади ва барча ин-сонларга улашилади, шунда оламлар агадул-абад боқий умр курадилар. Етуклик ёшига етганларни кирқ ёшида, гудаклиқда жон берганларни ўн беш ёшда килиб тирилтирадилар. Ва барчага турмуш ўрток ва бола бериладики, худди ердаги каби яшаши учун, аммо ортиқ фарзанд кўрмайдилар. Сўнг *Ормазд* буйруги билан Осушайант ҳамма одамларга киlgан эзгу ишлари учун мукофотлар улашади. Шундай одил инсонлар бўлалики, уларни *Ормаздинг* тоғли жаннатига элтадилар, чунки улар ҳамиша у

билан юришіга лойикдірлар. Яна айтишича: «Ерда сажда қилеманлар, гетиг-хидіг буюртма бермаганлар, садака қилиб кийим-кечак тарқатмаганлар, у ерда яланғочдірлар». *Ормазд*га сажда қилеманлар худолардан кийим-кечак оладилар. Шундан сүнг *Ормазд* Ёвуз рухни каттық ушлаб олади, Бахмон-Акоманни, Ардвахишт - Андарни, Шахривар - Саварни, *Стандармад* - Накаед бұлган Тарумадни, Хұрдад ва Амэрзәд - Тарев ва Заревни, ҳақ сұз-әлғонни, Суруш - Хешмни. Шунда иккі шайтон колади-Ахриман ва Аз (очкұзлик). *Ормазд* ер юзига тушиб, үзи илк кохинга айланади. Суруш эса иккінчи кохин бұлади. Ва улар құлларига мұқаддас камарни олиб, Ёвуз рух ва Азни гоҳларни тилюват қилиб, ибодатлари ёрдамида күчсизлантирадилар. Улар осмонға күтариған йұлакдан яна қайтиб ер қаъриға, коронгукекка тушиб кетадилар. Гозихр илон, әриған металда ёниб кетади, даужағудаги (дұзахлаги) бадбүй хид ва ифлосгарчиликтер ҳам унда әриб ёниб кетади, шунда дұзах тозаланади. Ахриман ва Ёвуз рух шу мегалда чүкиб кетадилар. *Ормазд* дүңзін ерларини оламни кенгайтиришінде олиб келади, шунда тирилиш юз беради ва уннің амри билан олам абадул-абад бокий умр қуради. *Ормазд* яна шуни айтады, ер юзи сиылқи өз текис булиб қолади, унда на баландликтер, на төглар, на чукурлар, на пастгилер көлмайди.

XXXIV БОБ Йил ҳисоби ҳакида

(Аввало) вакт үн иккі минг йилдан иборат зди. Авестада айтилишича, уч минг йил борлық рухий қолатда бұлған. Бу пайт яратылған барча нарсалар сезилмас, кимирламас, фикрламас зди. Шу уч минг йил ичіда Гайомард ва новвос тинчликкінде яшадилар. Иккінчи уч минг йиллік (ёвузылар әзгулық билан коришиб, үзаро кураш) даври бұлғанда, Саратон, Асад ва Сүмбуланинг минг йиллік хукмронлігі даври бұлған. Олти минг йил үтінде кейин, хукмронник даври Тарози буржига үтди, ер юзига ёвузыл (душман) ёғилди ва Гайомард (Гава Мартан) ёвузыл курсовида үттіз йил яшади. Үттіз йилдан сүнг Машайра ва Машайана пайдо бўлдилар, кейин бир юз элилк йил улар эр хотин булиб яшамадилар. Хошанг келгүнинге қадар түксон уч йил улар бирга эр хотин бўлдилар. Хошанг кирк йил подшо бўлди. Тахмуруп үттіз йил, *Ишманин* фарри қулидан кетгүнинге қадар олти юз үн

олти йил ва олти ой булди, сунг Йима юз йил яширинди. Шундан сунг минг йиллик хукмронлик даври Чаён буржига ўтди. Ажидашака (Заххок) минг йил хукмронлик қилди. Сунг минг йиллик хукмронлик Үқ отар буржига ўтди. Фариудун беш юз йил бошкарувда турди. Унинг шу беш юз йил хукмроитиги давридан ўн икки йили (үгли) Эражники эди. Манушчехр бир юз йигирма йил подшолик қилди. Унинг Надишхваргардаги даврида ўн икки йил Фрахрасиённинг хукмронлик даври бўлган. Тахмасп ўғли Узав беш йил хукмронлик қилган. Кайкубод ўн беш йил. Кай Кавус осмонига кўтарилигунга қадар етмиш бепе ва яна стмиш беш, умумий бир юз эллик йил хукмронлик қилди. Кай Хосров олтминнинг йил, Кай Лоҳраси бир юз йигирма йил, Кай Вишасп ётиқод келгунига қадар ўттиз йил, умумий эса бир юз йигирма йил хукмронлик қилди. Ваҳмон Спенсодининг ўғли бир юз ўн икки йил, Хумай Баҳмоннинг қизи ўттиз йил хукмронлик қилди. Дарай Чехрозоднинг ўгли, у Баҳмоннинг қизидан эли – ўн икки йил. Доройи Доронинг ўгли ўн тўрт йил, Искандар Румий ўн гўрт йил хукмронлик қилди. Одил хукмроилик унвонини Ашконийлар хукмдорлари икки юз саксон тўрт йил такиб юрдилар. Ардашир Бобак ўғли ва бир неча Сосонийлар тўрт юз олтмиш йил хукмронлик қилди, сунг хукмронлик арабларга ўтиб кетди.

Опарс (тамом). Авестада у барча нарсалар ҳакида: инсоннинг худолар томонидан яратилиши, хайз кўришдан тозаланган аёл ҳакида, оловлар ҳакида, Гокирн деб атапган дараҳт ҳакида, уч оёқли ҳутик ҳакида, Чамрош ва Каршипт күшлари ҳакида, бука-балик, дарёлар, маймун ва айик тўғрисида гаширган. «Зендогоҳ»-дан маълумки, аввало Ормазд барча нарсани кўргувчи, билгувчи бўлган, шу сабабдан ҳам у осмоннинг марказида турган. Ёвузилик уйғониб келгунига қадар ҳамиша куннинг ўргаси бўлган. Куйидаги нарсаларнинг бари: яратилган нарсаларга душманнинг ёгилиши, етти сайёрлашар ҳакида ва уларнинг ердаги мавжудотлар билан кураши ҳакида. Ёвууз рух ҳакида, тоғларнинг хусусиятлари ҳакида, денгизларининг хусусиятлари ҳакида, беш хил ҳайвонлар ҳакида, инсонлар ва ҳайвонлар олами ўртасидаги хукмронлик ҳакида, ётиқоднинг ишлари ҳакида, ойнинг айланишига боғлик йил ҳакида, ўсимликларнинг хусусиятлари ҳакида, ҳар бир кулнинг ўз хусусиятлари ҳакида, қиёматда қайга тирилиш ҳакида,

Поурушасын сүлоласы ҳақида, йил (вакт) сархисоби ҳақида, буларнинг барчаси Авестанинг маълум бир жойларида ёзилган.

936 Йездигерд Йилининг Амэрэдод ойи, Фравардин кунида, *Ормазд* авлюидан бўлган шоҳларнинг шохи, ушбу нусҳани мен (кўчириб) ёздим, дин хизматкори, хербаднинг ўғли, Асдин Кака Дханпал Лахмидар Бахрам Лахмидар мубад Комдин Зардушт мубад Хурмаздийар хербад Ромйор, устозим Пешотан Ром Комдин Шаҳриёрнинг кўлёзмасидан. Худоларнинг амри бўлсин. Мен бу нусхани Наосари шаҳрида ёздим, ўзимнинг шахсий эгалигим учун, уни 150 йил имонли ва ҳақтўй аждодларга қолдириш учун. Менинг тилагим ушбу кўлёzmани хотираси ва қалби учун ўкиғаллар, мендан сўнг ҳаққимга дуо ўкинглар, токи мен ҳам сиз каби имонли ва тақводордирман. Мени ҳам ўзингиз билан тенг кўринг. *stomi.aэм.nyaишim.daevuo.* (ҳақиқатни мактайман, дэвларни лаънатлайман). *aevuo.panta.yo.aшаhe.vuispe.aniiiaeшam.apantam.* Ягона йўл мавжуд – бу ҳак йули, бошка йўллар – йўл эмасдир.

ЗАРДУШТИЙЛИК ЭТИКАСИ (АХЛОҚШУНОСЛИГИ)

КИРИШ

У ёки бу тарихий ходисанинг диний-фалсафий, ижтимоий-ахлоий мөхиятини очиб беришда нафакат у билан боғлик булган воқсалар, далил ва ҳодисалар, балки унинг содир булиши, мазмуни ва йўналишининг ўзгаришига кўмаклашган ижтимоий-тарихий замин ҳам катта аҳамият касб этади. Ҳар қандай тарихий ёдгорлик куйидагиларни акс этади: биринчидан, у юзага келган даврнинг моддий-иктисодий ва ижтимоий асоси; иккинчидан, ушбу ёдгорликни яраттан одамларнинг асосий ғоялари ва ахлокий тамойиллари; учинчидан, ғоя ва қарашларни ифода этиш жараёнида этномаданий, ахлокий, фалсафий меросининг вужудга келиши.

Авестанинг ижтимоий-тарихий ва ахлокий-фалсафий борлигини аниқлашнинг мураккаблиги шундаки, ушбу ёдгорлик ўз ичига хронологик жиҳатдан бир-биридан узоқ турган ғоя ва воқеаларни олиши билан бирга, инсоният маънавиятининг «болалик» даврига хос бўлган хусусиятларни саклаб келади. Авестада келтирилган олам манзараси кошинкор, зиддиятли, кўп ҳолларда мантиқка туғри келмаганилиги турли эҳтимоллар, фаразлар ва шарҳлар пайдо бўлишига замин яратди.

Ҳар қандай фалсафий тизимда инсон муаммоси, унинг дунё-караши ва маънавий-ахлокий дунёси масалалари муайян ўрин эгалтайди. Шунингдек, шахсларро муносабатларни такомиллаштириш масаласини ҳал этишга, жамият ижтимоий-сиёсий тузилишини ташкил этишга ёрдам беради. Авестада биз нафакат инсонлараро муносабатларнинг секин-аста юкори маданиятли даражага ўтиб бориши билан боғлик жараёнларни, шунингдек, ҳалқ хотирасида одамлар турмуш тарзининг ўзига хос локомотиви булиб ҳизмат килган турли тарихий альянатар, ахлокий тамойилларнинг сакланиб келишини кузатамиз. Буларни Авестанинг сакланиб қолган Гоҳ, Ясна, Яштлар, Видевдот кисмларида ҳам, янги тузилган Динкард ва Бундахишн кисмларида ҳам аник кўриш мумкин.

Авестага кўра, инсон ҳаёти унинг мөхияти, қанчалик эзгулик ғоянгина содик эксанлиги, эзгулик учун кураш олиб бориш ва

уни ўз хатти-харакатлари, фаолиятида амалга оширишга тайёр эканынги билан боғлиқидир. Ислом Каримовнинг таъкидлашича, «Авесто»нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилини оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқиар борлигини куриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор гояси сифатида талкин этиш бизнинг буғунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир»³⁹⁷.

Инсон ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шахслараро муносабатлар мураккаблашгани сари, биринчидан, ахлоқ инсонининг маънавий-диний ва ижтимоий борлиги сифатида шаклланади ва ривожланади; иккинчидан, ахлоқий тамойиллар моҳияти ва чегаралари кенгайиб боради. У ёки бу қабилалар ва ҳалқлар ҳаётида ўрнашган ахлоқий иклим уларнинг маданий-тарихий ривожланиши натижаси бўлган. Ушбу иклимининг баъзи ҳусусиятлари ҳозирги замон ҳалқлари ахлоқий кодексининг ажралмас кисмини ташкил қиласди.

Ахлоқий месъсрлар ва тамойиллар кўп асрлар давомида шаклланади. Ижтимоий-тарихий тажрибанинг қенгайиши, ортиши ва ногаҳон аклий салоҳиятнинг вужудга келиши оқибатида, инсон онгининг ривожланиши давомида сескин-аста ахлоқий кўрсатмаларнинг бир мажмууга бирлашиши ва тизимлаштирилишига асос бўлган.

Авестада қайд этилган ахлоқий гоялар ибтидоий жамоа тузумида мавжуд бўлган энг қадимги ахлоқий тасаввурларнинг қоришмаси булиб, кейинги даврларда ижтимоий-тарихий шарт-шароитларга мувофиқ равишда ўзгарган, бойиган ва ривожланган.

Ижтимоий-тарихий ўзгаришлар фалокатлар ва ҳалокатлар натижасида одамлар диний-фалсафий ва ахлоқий онгига нафакат диффузион ўзгаришлар содир бўлган, балки янги интеграцион бирлаштирувчи жараёнлар ҳам кечган. Ушбу маъниода, Авеста инсон ҳаётининг турли даврлари ва боскичларини ҳамда унинг маънавий улгайишини акс эттирувчи ўзига хос энциклопедиядир. Шунинг учун Авестада ҳаёт асотир, ривоят ва афсоналар

³⁹⁷ Каримов И.А. Юқсак маънавият – сингилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 32.

орқали акс эттирилган, улар асогирий булишинга қарамай, ўз навбатида, ҳаётайлик хусусиятига эга. Масалан, Авестада ҳозирги давр дунёкараши ва тафаккурига тушунарли бўлгали фикр, сўз ва амалнинг бирлиги түгрисидаги гоя мифологик образлар орқали ифодалананади.

Шу билан бирга, *зардуштийлик* ахлоқида мифологик қатлам секин-аста иккинчи даражали аҳамиятга эга булиб, оптимистик рух бағишлайдиган, онг ва ахлоқ шахмат ўйинида инсон асосий сипоҳ дегани фикрини мустаҳкамлайдиган ахлоқий меъёрлар устун келади.

Зардуштийлик этикаси дуалистик характерга эга. Лекин илоҳ *Аҳура Мазда* табиий белгилардан ҳоли. У – руҳдир – эзгулик, ҳақиқат ва олижанобликни ўзида мужассам этувчи, эзгу, муқаддас руҳдир. Шунинг учун «*Мазда*» сўзи этимологик жиҳатдан «донишмандлик» маъносига эга. Унинг азалий душмани – Анҳра Майнью ҳам худди шуңдай руҳдир, лекин у ёвузлик, ёлғон ва турли иллатлар руҳидир.

Аҳура Мазда томонидан яратилган инсоннинг ахлоқий киёфаси Анҳра Майньюга карши курашда инсон қайси йулни танлашига боғлиқ. Ушбу танловига боғлиқ равишда у ўзида ё яратувчи, ёки бузгунчи кучни мужассам этади.

Зардуштийлик ахлоқининг асосий ислами – Муқаддас рух аҳдларини тақвони бажариш ва бунинг оқибатида ҳаётда осойишталиқ, ҳузур-ҳаловатга эришиш, оила қуриш, фарзандли булиш, молларни купайтиришдир. Авестада зикр этилган сатрлардан кўриниб турганидеск, жонлантирилган *Аҳура Мазданинг* образи орқали ифодаланган *зардуштийлик*нинг ахлоқий этикага оид мезонлари, мифологик қобиғига қарамасдан, ҳаётийдир. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида англанади, меҳнат маънавий жиҳатдан яхшиланган ҳамда жамият, оила ва мамлакатни бокиши ва таъминлатига йўналтирилган.

Ушбу стихияли ахлоқий-фалсафий тафаккурда инсон мөхияти жамият шарафи учун килинадиган тақвони меҳнатнинг натижаси сифатида тушунилади. *Зардуштийлик* этикасининг олий инсонпарвар жўшқинлиги айнан шу билан тавсифланади. Эзгу ишлар нафакат тақводорлик кузгуси, балки инсон онги ва меҳнати билан амалга ошириладиган яратувчи фаолиятнинг намоён булишидир. Инсон оламни ҳар доим муайян таъсирлар ос-

тида идрок этади, бунда унинг фикрлари, сўзлари ва амаллари ушбу таъсиrlарга боғлиқ равишда пайдо бўлади ва ўзгарили. *Аҳура Мазда* рухи таъсири остида эзгу амалларда ифодаланадиган эзгу фикрлар, эзгу сўзлар вужудга келади; Ахра Майнью таъсири остида фикрлар, сўзлар ёвузлик билан қушилиб, ёмон, ноҳуш ва ножӯя қилмиш-қидирмиси ҳаракатларда намоён бўлади.

«Эзгу фикр» тушунчаси инсоннинг ички соф ва шаффофи нияти, хайриҳоҳлиги билан боғлиқ чуқур маънога эга. Булар зардуштийлар фикрига кўра, одамлар, табиат ва жамиятга катарилган диккат-эътиборида ҳамда нафакат оила, балки қабила, жамият фаровонлигини орттириш, барча одамларнинг бир-бири билан тинч ва тотув, ҳамжиҳатликда ҳаст кечиришида ифодаланади. Инсон ўз фикр-хаёлларида ёмон, беадаб хоҳишистаклар, тийиб бўлмайдиган жаҳл ва ғазабга бормаслиги, оила ва қабила олдидағи мажбуриятларини эса тутиши, адолатга интилиши керак. Шунингдек, ўргамиёна ва оғир, вазмин бўлиш, ўз онги ва хаёлидан такаббурлик, ҳасадни чикариб ташлаш, шафкатсиз булмаслик ва қонунга хилоф ишлар қилмаслик каби фазилатлар «эзгу фикр» моҳиятини ифодалайди.

«Эзгу сўз» тамойили яқинларини ҳамда қабила, жамиятнинг барча аъзоларини ҳақорат қилмаслик, нафсониятига тегмаслик, ваъда ва шартномаларни амалга оширишида вижлонли ва инсофли бўлиш, бошқа одамлар ҳақида уларга каттик тегалигани, айил ботадиган гаплар, фикрлар тарқатмаслик кабиларда ифодаланади.

Зардушт дастлаб Авестада мавжуд бўлган ахлоқий кодексни механик равишда зардуштийликка олиб кирмаган. У асосий ахлоқий ғояларни ислоҳ қилган, ўзининг диний-фалсафий тамойилига мувофиқ равишда маънавий кадриятларни қайта баҳолаган. Сусткапи, эзгу фикр, эзгу сўзлар ва эзгу амаллар ҳақида ташвишилмайдиган, ёвузлик ҳақида ўйлайдиган ҳамда ерга ва ўзгалар қўйнига ёвузлик уруғларини сочувчи инсон. Охират кунида шунга мувофиқ жазоланади. Охират кунида ҳар ким амаллари, қилмишларига яраша ё тақдирланади, ё жазоланади. Демак, эзгулик ва ёвузлик уруғлари инсоннинг ўзида жойлашган бўлиб, ҳар ким ўз ҳатти-ҳаракатлари, амаллари, қилмишлари учун ўзи жавоб беради. Авестанинг ахлоқий-фалсафий ғоялари ва ахлоқий тамойилиарини ўрганишида, қадимги илк матнлари йўқолганига қарамасдан, ривоят ва ҳикоялар, кейинги даврларда Авестага ёзилган шархлар ва унинг талқинларига эмас, балки

эрта зардустийлик дунёкараши ва фалсафасига мос келадиган матнларга таяниш максадга мувофик булади.

Зардустийлик дини, ахлоқи ва фалсафасининг ҳақиқий манбаси, асосий йўналишлари, шунингдек, руҳини аниқлашда Авестанинг йигилган қадимги матнлари ва биринчи минг йилликнинг бошида қайта ёзилган қадимги матнлари бизни тўғри йўлга олиб чиқиш ўрнига, чалкаштириб юбориши мумкин.

Мисол учун, ахлоқийлик ғояси гўзаллик тушунчаси билан мунштарак эканлиги масаласини олайлик. Авестада Эзгулик ва Гузалик, Ёлгон ва Хунуклик инсон ҳаётида бир-бирига қарама-карши бўлган бошлангич асослар бирлигини ифода этади. Авестага кура, барча ахлоқка тўғри келадиган нарса гўзалдир, барча гўзал нарса ва ҳодисалар – ахлоқийдир. Бу бирлик бузилган ва ажралиб кетган жойда, ёлғон, хунуклик, бевафолик ва хиёнат салтанати бошланади. Чунки ахлоқнинг гўзалликда намоён буладиган нировард максади бу – *Аҳура Мазда* тимсолида мужассамланувчи Ҳақиқат, Эзгулик ва Тақводорлик бирлигидир.

Бундай бирлик турли мамлакатлар ва ҳудудларнинг яратилиши тўғрисида баён килувчи «Видевдот»нинг биринчи фрагардида якқол кўриниб туради. *Аҳура Мазда* Зардустга ҳузур-ҳаловатсиз дунёда осойишталик ва кўпдан-кўп хурсандчилик булиши учун энг яхши жойлар ва мамлакатлардан биринчиси бўлган Арианем-Вайэжани яратганинги тушунтиради. Агар И.С.Брагинскийнинг фикрига кура, *Аҳура Мазданинг* ушбу тушунтиришида «энг яхши» сўзи «осойишга жаннат»нинг яратилишини ифодаласа, «осойишталик» ва «хурсандчилик» сұzlари бсвосита ахлоқий мазмунга эгадир.

Авестанинг ахлоқий идеали шу даражада вокелик билан боғлиқки, унда нима ҳақида гап кетмасин – ҳақиқат ёки ёлғон, гўзаллик ёки хунуклик ва ниҳоят, ёътиқод, дин ҳақида гап кетгандга ҳам, барча фикрлар ва умидлар бу дунёдаги барча ташвишлар, ер юзида бойлик ва фаровоғликни кўпайтириш орқали уни мустаҳкамлаш билан боғланади.

«Видевдот»да баён этилишича, *Аҳура Мазда* Йимата унинг динини ўрганиб, уни ҳимоя қилиши ҳақида сураганда, гўзал Йима «.... Мен жаҳонда сенинг динингдан огоҳ эттувчи ва динингни элтгувчи бўлиб туғилмадим ва ўрганмадим!»³⁹⁸ -деб жавоб беради. «Эй Зардуст! Шунда Мен – *Аҳура Мазда*, – унга

³⁹⁸ Авеста. Аскар Маҳкам таржимаси. - Т.: Шарқ. 2001. - Б.109

дедим: – Эй Жам! Агар менинг динимдан огох эттувчи ва динимни эттувчи бұлмасанғ, унда менинг жақонимга кенглиқ бахш айла. Менинг жақонимни ардоқла, жақон ахлиға пешіво ва асрагувчи бұл!»³⁹⁹

Шундай килиб, Авеста этикаси Үрта Осиё ва Эроннинг қадимги халқлари юксак маънавий қадриятидир. Унда инсон ахлоқининг күйида келтирилған катор асосий тамсайиллари, ватанга садокатни ифодаловчи она-ерга мухаббат; инсоннинг маънавий-ахлоқий бурчи сифатидаги ер, сув, олов ва ҳавони аср-авайлаш; аёллар ва тақводор ҳаётнинг давомчилари бұлған фарзандларға нисбатан үзига хос муносабат; меҳнатни ахлоқ ва гүзаллик манбай сифатида гасавтур қилиш; нафақат моддий дунё, баъжи маънавий-ахлоқий ҳаётнинг соғлигини асраш, уни поклаш амаллари ва расм-руссумларини үрнатиш каби умуминсоний қадриятлар даражасига күтәрілған ахлоқий тартиблар конунийлаштирилған.

ВИДЕВДОТ

З-Фрагард

Ер шаънига айтилған сұзлар

1.– «Эй борлик дунёнинг парвардигори! Эй ҳак! Энг баҳтиёр, кувончларга тұла бириңчи ер қандай ер бұлади?»

Аҳура Мазда деди: – «Энг баҳтли ер шундай ерки, ундан, эй Спитама-Заратуштра, (Мукаддас оловга аталған) тоза курук үтии күтартған, құлида барсман туттган, сут (оқлик) күтартған, ҳаомани япчиш учун тош ҳавонча күтартған имонли одамлар *Мазда* динига мувоғик амаллар биләп *Митранининг* – яйловлари чексиз зотнинг шаънига олқишилар айтиб, (маъбуд) *Романнинг* (кенг, покиза ва булиқ яйловлар, эл-юрт осойишталиги маъбулининг) файзли үтлекларини шарафлаб үтиб тұрса (шундай ер энг баҳтиёр ердир)».

2.– «Эй дунёнинг парвардигори! Эй ҳак! Энг баҳтиёр ернинг иккінчиси қайси ер?»

Аҳура Мазда жавоб берди: – «Имонли әр үй курған жой баҳтлидир. Үйда олов ёнса, сут мұл бұлса, хотинлару фарзандлар, үгиллар баҳтиёр бұлса, подалари мұл-күл бұлса, шундай ер энг суюнчға бой ердир.

³⁹⁹Уша асар. – Б. 109.

3. Шундай срдаги уйда сигирлар күплиги ҳакикат - (Арта)-нинг күплигидир. Утлоқлар күп, итлар күп, хотинлар күп, фарзандлар күп, олов күп бўлса, булар шу ернинг туклиги, мўл-кўзлигидир».

4. – «Эй борликни яратган зот! Эй ҳақ! Кувончларга, баҳту фарахга энг бой учигчи ер кайси бўлади?»

Аҳура Мазда деди: – «Эй Спитама-Заратуштра! Имонли эр каерда энг күп срни парвариш қилса, унга дон экса, углоқлар парвариш қилса, ёниш учун экиплар экиб (хосил ундиrsa), сувсиз қакроқ ерни сугорса, зах срни куритса, ўша ер учинчи галда энг баҳтли ердир».

5. – «Эй борликни яратган парвардигор! Эй ҳақ! Ўша баҳтли, кувончларга тўла тўртинчи (хил) ер каер бўлади?»

Аҳура Мазда деди: – «Майда туёқ ва йирик мол туёқлари кўплаб тугилган ер ўта баҳтли, кувончга ўта бойдир».

6. – «Эй борликни яратган Ҳакки таоло! Ўта хушнуд бешинчли хил ер кайси ер бўлади?»

Аҳура Мазда деди: – «Ўта шодликка тўла, хушнуд ер шундай ерки, у ерда майдада йирик чорванинг пешоби мўл-кўл бўлса»⁴⁰⁰.

7. – «Эй борликни яратган Ҳакки таоло! Энг ўксик, шодликка бегона биринчи (хил) ер қаңдай ер бўлади?» *Аҳура Мазда* деди: – «Эрезура тоғ тизмаси, эй Спитама-Заратуштра. Ёлғон – Дуруж девлари уяларидан чиқиб тупланадиган ер энг ўксик ердир».

8. – «Эй борликни яратган Ҳакки таоло! Энг ўксик срларнинг иккинчи хили кайси?»

Аҳура Мазда деди: – «Одамлар ва итларнинг мурдалари энг куп ерга кўмилган жой ўта ўксик ердир».

9. – «Эй борликни яратган Ҳакки таоло! Ўта баҳтсиз учинчи хил ер қандай ер бўлади?»

Аҳура Мазда деди: – «Мурдаларни қўйиш учун энг куп даҳмалар курилган жой ўта ўксикдир».

10. – «Эй борликни яратган Ҳакки таоло! Ўта ўксик тўртингичи хил ер кайси ер бўлади?»

⁴⁰⁰Пешоб (сийдик) – мол сийдиги ҳаромдан похловчи нарса ҳисобланади. Унинг мўл-кул бўлиши хайрли белгидир.

⁴⁰¹Дахма бу ерда майтларни этдан тозалаш учун курилган минорасимон махсус курилма.

Ахура Мазда деди: – «Ёвуз рух маконлари күп жой энг ўксик (хүшнүдлиги йўқ) жойдир».

11. – «Эй дунёни яратган Ҳакки таоло! Бешинчи (хил) ўксик ер қандай ердир?»

Ахура Мазда деди: – «Болалари билан бирға душман асир олган, кум-кақрок, такирлардан хайдаб кетилаётган, нола-фигон чекиб бораётган хотин ва имонли эр нола билан бораётган ер бу дунёда энг ўксикдир, энг баҳтсиз ердир».

12. – «Эй борликни яратган Ҳакки таоло! Ким бу срга энг яхши ободлик келтириб, (энг яхши) севинчлилик баҳих этади?»

Ахура Мазда деди: – «(Агар имонли одамлар Еғта күмилгандар) одамлар ва итлар мурдаларини казиб олсалар ўша ерни (энг яхши) обод қилинган бўладилар».

13. – «Эй борликни яратган Ҳакки таоло! Бу ерни иккинчи хил (усулда) ким энг күп хушнуд кила олади?»

Ахура Мазда деди: – «Курилган мақбара, сағана (каби) ларни артабон (хакпараст) одамлар томонидан қанчалик күп бузилса, шундай ер энг хушнуд, баҳтиёр қилинган бўлади»⁴⁰².

14. – «Мурдани ҳеч ким ёлғиз, кутармасин. Агар мурдани ким ёлғиз кутарса, мурданинг наси унинг бурни, кузи, оғзи ... оркали унга ўтиб тирнокларигача Друхшия-насу жойлашиб олади ва тоабад у покланмай ўтади».

15. – «Эй дунёни яратган Ҳакки таоло! Мурдани ёлғиз кутарган одамнинг ўрни қасрда?»

Ахура Мазда деди: – «Ер юзида қайси жой энг какрок бўлса, ўт- ўлансиз такирроқ бўлса, каердан майда ва йирик туёқ энг кам ўтса, *Ахура Мазданинг* олови энг кам ўтса, ҳак йўлида барсман боғламини баланд кутариб ўтилмаса, имонли эрлар ўтмаса, ўша (ер мурдани ёлғиз кутариб гуноҳга ботган) одам учун муносибдир».

16. – «Эй дунёни яратган, Ҳакки таоло! Бу жой оловдан, сувдан, барсман новдаларидан қанчалик олисда бўлмоғи керак?»

17. *Ахура Мазда* деди: – «Оловдан ўтгиз калам, сувдан ўтгиз кадам, барсман навдаларидан ўтгиз қадам, маздопарастлардан ўтгиз қадам».

18. *Маздояснийлар* бу ерни девор билан урашсин. Сунг у ерға овқат ва кийим боп келтиришисин (токи жамоатдан ажра-

⁴⁰² «Видевдот»нинг шу бандида «дахма»ларни бузини ҳакида зилас, балки ерга мурда кумини олади билан боғлик курилмалар, мақбаралар ҳакида гап боради (Х. Ҳумбахига биноан).

тилган нопок одам ихотадан ташқарига чиқишига эхтиёж сезмасин).

19. Хоҳ ўрта ёшда бўлсин, хоҳ улут ёшда бўлсин, хоҳ кекса ёшда бўлсин, хоҳ уруғи қуриган қария бўлсин, (гуноҳкор бўлған одам) бу таомларни есин, кийимларни кийсин (токи, пок имонлилардан нарида бўлсин)⁴⁰³.

20. Гуноҳкор банда (яъни, мурдани бир узи кутариб нас босган, энди тоабад покланиши мумкин бўлмаган одам), қаригач, мункиллаб қолгач, баданидан суви кочиб уруғи ҳам қуригач, *Маздаяснийлар* унинг ёнига бакувват, чаккон ва үллабурор бир одамни юборсинлар. Токи у (гуноҳкорни) тоғ тепасига олиб чикиб бошини танидан жудо килсан. Унинг мурдасини Муқаддас Рух яратган эзгу яралмиш хилқатлардан энг мурда тозалагичларига – бургутларга ташласин ва ушбу дуони ўқисин: «Шу билан ёвуз ўй, ёмон сўз, ёмон ишлар (бу гуноҳкор банда)ни тарк этсин».

21. Агар бу банда яна-да ёвуз ишлар килган бўлса, улар учун ҳам жазо шудир. Бошқа гуноҳлар қилмаган бўлса тоабад у килган гуноҳидан қутилган бўлади.

22. – «Эй борликни яратган Ҳакки таоло! Бупдай ерни училчи (хил) усуулда ким яна хушнуд эта олади?»

Аҳура Мазда деди: – «Ким ҳак йулида Ахриман яратган зарарли жонзотларни, (храфстра)ларнинг уяларини йўқ қилса, ўша ер хушнуд бўлади, обод бўлади».

23. – «Эй борликни яратган Ҳакки таоло! Туртингчидан бу ерни буюк хурсанлигик билан ким кувонтиради?»

– «*Спитама-Заратуштра*, Ҳак йулида ким энг мўл-кўл экинлар экса, ерларни парвариш қилса, дон стиштиrsa, ўт-уланлар ўстирса, мева-чевалар стказса, сувсиз ерни суғорса, захоб срни куритса;

24. Узок муддат хайдалмаган ерни қўшчи шудгор қилса, бу ер деҳкондан рози бўлади. Бу гўё ёш, келишган жувон тирноқка зор юрган эди-ю, ниятига етиб, қўнгли хоҳлаган эрдан бўйила бўлганлек;

⁴⁰³Бу банддаги иборалар изоҳга муҳтоҷ даражада мавхум: «хароб, тукилиб тушган, эрлик уруғи қуриган» иборалари «улуг на кекса ёшдаги одам» деб тушунтириллади (Ж. Дармистер). Афғидан, бу лавҳада ибтидой даврларга хос қадимги одат, яъни «ортикча юқдан» сингиллатиб туриш одатига ишорат бордек қуринали.

25. Кимки, эй *Спитама-Заратуштра*, Ерга үнгү сүл кули билан, сүлу үнгү күли билан ишлов берса, Ер уна ҳосил туғиб беради. Гүёки, бу суюкли хотини билан тұшакда ором олган эр хотини бүйінде орзикіб күттән пайдо күлганидек;

26. О *Спитама-Заратуштра!* Кимки соғы сүл құл-ла, кимки сүлу соғ⁴⁰⁴ құл-ла Ерни қылса парвариш, Ер үнга сүз айтармиш: «Эй имонли эр, сен мени соғы сүл құлларинг-ла, сүлу соғ құлларинг-ла парваришилар экансан,

27. Худо ҳаққи, юртни мен ризк ила тұлдируман. Худо ҳаққи, барчани емиш-ла түйдируман. Бұлық бүтдей, дон-дунни хирмонга үйдируман.

28. Эй *Спитама-Заратуштра!* Кимки бу мұқаддас Ерни соғы сүл құллари билан, сүлу соғ құллари билан⁴⁰⁵ парвариш килмаса, үнга Ер бундай дейди: «Эй одам! Сен мени соғы сүл, сүлу соғ құлларинг билан парваришиң қымаяпсан. Сен то абад бирөвлар останасида емиш тиляб турасан. Худо ҳаққи, шундоққина оғзинг ёнидан емишшарни олиб үтиб, (мехнатига яратпа) түк фаровон яшаёттәнларга беришади».

29. – «Эй дүнёни яратған Ҳаққи таоло! *Маздаясна* динининг мәгзи (мохияти) нима?»

Ахура Мазда жавоб берди: – «Ерда ихлюс билан дон етиширишады.

30. Ким дон экиб парвариш қылса, у имон уругини эккан бұлади. Бу одам *Мазда* динига ривож берган бұлади. У *Маздаясна* динини юзлаб қиплоқтарга, минглаб күргөнларга ёйған бұлади. У етишириганды доннинг доналари сон-саноқсиз дуоларға айланади.

31. Дон униб чиканда девларни тер босади. Дон еллип соврилғанда девлар ҳолсизланади. Дон янчилғанда девлар ув тортиб, фарёд чекадилар. Үндан хамир қорғанда девлар жин шамоли күзгатадилар. Үйинг бүтдейге тұлсын, токи бундан девлар кирилиб үлсін. Үндан таом пишганда девлар оғзы куйиб шаталоқ отиб қочганини (хамма) күрсін. Дон мұл-құл, фаровон бұлғанда, бу мұқаддас сүзни айтиб дуо үқілсін:

32. – «Кимки емиш емаса имонда ва ззгу ишларида событ булолмайды. У на ерни парвариши қила олади, на чорвага астой-

⁴⁰⁴ Кадимін түркій тілдә соғ сүзін «үнг» маъносига әтга.

⁴⁰⁵ Күш құллаб астойдил...

дил карай олмайди. На үзидан зуврот қолдиришта кодир булолмайди. Борликкінг борлығы емиш биландир. Емиш бұлмас экан, ҳаёт ҳам йүқлір».

33. – «Эй борликкін яраттан Ҳакқи таоло! Бешинчи галда ким бу ерни буюк суюнч ила севинтиради?»

Ахура Мазда деди: – «Ҳак йүлида кимки ерни (силқіділдан) парвариши кілса, уннің хизматига лойік қилиб Ернінг згаси ҳаққини бериши лозимдір».

34. Кимгаки Ерни парвариши қылғани учун ер згаси мұносиб ҳаққини бермаса, бундай ер згасини (Ер қомийси) Спента-Арманғы зулмат бағрига туширади. Уннің вужуди ириб чирийди. (рухына) даужвахта – дұзахта, тұппа-тұғри тикан, қаслар устига тущаади.

35. Эй борликкін яраттан Ҳакқи таоло! Ерга құмилған одам ёки ит мурдасини ярим йил давомида қазіб олинмаса, буннің жағоси недір?»

Ахура Мазда деди: – «От камчиси билан беш юз марта урылсін, токим бу беш юз марта итоат қамчиси зарбідек бұлсін».

36. «Эй борликкін парвардигори, Ҳак таоло! Ерга құмилған ит ёки одам мурдасини бир йил давомида ердан қазіб олинмаса, буннің жағоси недір?»

Ахура Мазда деди: – «От камчиси билан минг марта урылсін ва сүнгра хипчін билан минг марта урылсін».

37. – «Эй дүнёни яраттан Ҳак таоло! Ерга құмилған ит ёки одам мурдасини иккі йил давомида қазіб олмаган одамнінг жағоси нима бұлсін? Уннің гунохини нима ювади? Бу гунохдан покланиш мүмкінми?»

38. *Ахура Мазда* деди: – «Хеч қандай жазо билан, хеч қандай товон билан бу гунохдан кутилиб бұлмайди. Бу гунох аба туладаб адымас гунохдір».

39. – «То агадми? Агар борди-ю, гунохкор динда ахд қылған, *Мазда Ясна* диніда маърифатлы одам бўлган бўлса-ю, (юқоридаги гунохни содир этса, бу кечирилмасдир). Агар динда ахд қилмаган *Мазда Ясна* диніда маърифатсиз одам бўлса, бундай гунохни бошқа қилмасликка *Мазда Ясна* дили таомилига мос тарзда қасамёл кілса,

40. Бундай одамнінг гунохи қасамёдига яраша кечирилді. Эй *Спитана – Заратуштра* (астойділ тавба кілса), иймонли

одамни ўлдиргани ҳам, мурданинг ҳаромлигидан ҳазар килмаслик ҳам, ёвуз килемишлари ҳам, кечирилмас гунохлари ҳам, изи учмас айблари ҳам – ҳар қандай бўлмасин ёвуз амалларининг барчаси кечирилади.

41. *Мазда Ясна дини, эй Спитама Заратуштра, барча ёвуз уй, ёвуз сўз, ёвуз амални гарбдан эсган шамол каби тўзгитиб учириб кетишига қодир».*

САДДАР ХХV БОБ

1. Йигирма бешинчи дор (мавзу) келишув ва ваъда ҳақидадирки, ҳар ким унга катъий амал қилиши лозимдир.

2. Кўп ишлар унинг сабабидан зиён етказувчи бўлмайди, агар унга (келишув ва ваъда – Б.Ж.) амал қилинса. Ваъдага ёлғонни аралаштириш ёвузликнинг аломатидир.

3. Бизнинг динимизда бу ҳолат (яъни ёлғон) Михирдруж деб аталади ва ким унга яқин йўласа, жаннат эшиклари у учун ёнилиб, машаққат эшиклари кенг очиб кўйилади...

V

ЗАРДУШТИЙЛИК ХУҚУҚИ

КИРИШ

Авеста, айникса Видевдотни, урганиш шундан далолат берадики, қадимги зардүштийлар синкретик онгига теогония (худоларнинг келиб чиқиши ва мавжуд булиши), космогония (коинотнинг келиб чиқиши ва ривожланиши), мифология (афсона ва ривоятлар йигинидиси), шунингдек, диний, ахлоқий ва хуқукий нормалар, поклаш урф-одатлари ва маросимлари билан боғлик масалалар бир-биридан ҳали ажратилмаган, ягона ҳолда мавжуд бўлган. Шунинг учун, алоҳида бўлимни Авестадаги хуқукий масалаларга бағишланамоқчи бўлганимизда, биз қўйида келтирилган кийинчиликлар билан тўкнашдик. Биринчидан, Авестада хуқукий фикр туталлан характерга эга эмас. Яъни тасдиқланган конунлар тўплами мажмуаси сифатида мавжуд эмас, балки у мифология, диний ва тарихий воқеалар билан чатишиб кетган, бу айникса Авестанинг ахлоқий таълимотида кўзга ташланади. Иккинчидан, Авеста ва Видевдотнинг алоҳида фрагардлари муайян тарихий даврда бир киши томонидан бир йўла ёзилган яхлит фалсафий-хуқукий асар эмас. Улар илоҳлар, табиат, инсон ва жамият масалаларига бағишланган турли асарлар тўпламидир. Учинчидан, Видевдотда кенг намойиш этилган хуқукий фикрлар жамият ривожланишининг бир-биридан узок турган ижтимоий-тарихий даражаларини акс эттиради. Шунинг учун, «Видевдотнинг энг қадимги қисми эрамизнинг биринчичи аслида Ўрта Осиё ва Шарқий Эрон худулларида шаклланган, деб таҳмин қилиш мумкин, лекин кодекснинг ўзи Сосонийлар сулоласи хукмронлиги даврида. IV асрда, Авестанинг охирги таҳрири қабул қилингача даврда тузилган»⁴⁰⁶.

Авеста тақдирининг тарихий ўзгаришларига қарамасдан, зардүштийлик хуқукий таълимоти қадимги хукукнинг буюк ётторлигидир, унда қадимги инсон хуқуклари ва мажбуриятлари. унинг фукаровий бурчи ва у яшаган жамият олдидағи мастьулияти ўз аксини топган.

⁴⁰⁶ Ртвездадзе З.Б., Сайдов А.Х., Абдуллаев Е.В. Авеста. «Закон против злого». Выпевдот. СПб.: Издательство Политехнического университета. 2008. – Б. 21.

Авестада акс этгән деярли барча хукукий мсьёрлар ва конуултар зардушийлик диний маросимлари билан боғлик, улардан келиб чиқади, шунингдек зардушийликнинг хукук тұғрисидаги тасаввурларини белгилаб беради.

А.Г.Периханян, Авестанинг кейинги даврларда ёзилган қисмлари ва шархларига асосланган ҳолда, зардушийликда инсон хукуклари ғоясининг эволюциясини ёритиб берган.

Зардушийлик таълимотига күра, инсон онасининг корнидаёк хукукий имкониятларга зга, туғилгандан сұнг ҳақиқий хукукларга зга бұлади, хукуқдорға айланади. Инсон хукуклариппээтироф этиш мантиғи инсон илохий рухнинг эркин намойиш эканлыги ёки инсонда илохий рухнинг эркин ифода этилишидан, намоён булишидан келиб чиқкан.

Инсон хукукларининг кейишги даврларда мұкаммалаштирилиши, диний жамоанинг ҳар бир аъзоси балогатта стиб, вассийликнинг патриархал занжиридан холи бұлғандан сұнг, үзининг хукукларини, хукуқдорлигини ҳимоя қилиши мүмкін бұлғанligiga олиб келген. Бунда оила бошлиғи оила ва жамоа аъзоларининг мол-мұлк билан боғлик ва маиший хукукларини тартибга солувчи субъект булиб хизмат килади.

Зардушийликда үн беш ёшга стган шахслар, жинсидан катый назар, балогатта стган хисобланади. Үн беш ёшга стган йигит, балогатта етганилигидан далолат берувчи Күшти камарини боғлаш ҳамда оила куриш хукуқыга зга бұлған, яъни мустақіл хукуқдор шахсга айланған. Инсоннинг табиий хукуқтарига зардушийликнинг диний-хукукий ва ахлоқий таълимотидан келиб чиқадиган хукук ва мажбуриятларини адо этиши қүшилған. М.Исхоков таъқидлаганидек: «Видевдот» наски ижтимоий йұналитирилған мазмұни, ахлоқий-фалсафий асослари, хукукий мазмұнга зга катлами ҳамда зардушийларининг күлдәлик турмуш тарзини мөўрлаптирувчи конун-коидалари билан Авеста китобининг диппий моҳиятини ҳәёттій жараёнлар билан боғлашга хизмат килувчи мұхим кисми хисобланади. «Видевдот» Авестанинг мифологик руҳдаги ёки диний-ровий хусусиятли қисмларидан фарқли равицца асос әтибиори билан ижтимоий муносабатларга яқин туради. Үнда айрим олинған шахсга уннинг жамоасыға, инсонни үраған жонли ва жонсиз табиатта, жамиятнинг маънавий мағкуравий дунёқараң тизимиға, диний ахком даражасида талқин

килингган ҳак-хуқуқка, жисмоний ва рухий покланишга, имону зътиқодда сидқидијликка таалтуқди масалалар қатлам-катлам булиб жойлашган»⁴⁰.

Видевдот «Девларга карши конун» маъносига эга бўлган лигига қарамасдан, конунларнинг бош субъекти ва обьекти инсон бўлган, чунки у *Аҳура Мазданинг Анҳра-Майньюга* қарши яратган маросимларининг бажарувчиси бўлган. *Аҳура Мазда* қонунларига риоя килган инсон саодат ва осоийшталикка эришиши мумкин бўлган, чунки *Аҳура Мазданинг* асосий максади исталган баҳтли ва фаровон ҳаёт кесириувчи дунёни яратишлир.

ВИДЕВДОТ

4-фрагард

Биринчи боб

Бу фрагард Битим ва унинг шартларини бажармаслик юзасидан содир бўладиган «гуноҳлар», уларнинг жазо меъсрлари ҳакила баҳс юритади. Бир карашда унинг мазмуни ижтимоий ҳаётнинг қундалик воқеаларига муносабатдек туюлали. Аслида эса, фрагарднинг гоявий асосида муҳим ахлокий-фалсафий масала ётади. Бу ҳам бўлса, инсон бир бора Ҳакни таниб, унга имон келиргач, бу йўлдан тоабад қайтмаслиги, худо олдила берган сўзидан тонмаслигидир. Суздан қайтиш – диндан, имондан қайтиш деб ҳисобланган. Қундалик ҳаётда бу ижтимоий-ахлокий тушунча ҳар бир масалада келипгувга, аҳдлашув ва битимга тадбик этилиши мумкин бўлган. Битим бузилишининг энг олий даражаси Ҳак – худо билан инсон аро аҳднинг бузилишидек гуноҳ леб баҳоланганди. Бу эса гунохнинг катта-кичиги бўлмайди, деган гап эди.

1. – «Ўзгадан карз олиб, уни қайтармаслик кипи молини ўғирламоқдир. Бундай одам кўпинининг молини (шарсасини) ўзиники килиб уйида қанча муддат сақласа, у шунча муддат ўзгала́р молини (тинимсиз) кечакундуз ўғирлаши билан шуғулланган кабидир».

2. Эй борлиқнинг халлоқи *Аҳура Мазда!* Эй мұтабар зот! Сен битимларни нечта килгансан? – суради Зардуши.

3. Аҳура Мазда деди: – «Эй имонли Заратуштра. Менинг битимларим олтита:

Биринчиси – сўз бериб аҳдлашиш.

Иккинчиси – кўл сикиб келишмоқлик.

Учинчиси – гаровга кўй тикиб аҳдлашув.

Туртинчиси – гаровга бука кўйиш

Бешинчиси – одамни гаровга кўйиб битишиш.

Олтинчиси – серхосил ердан далани гаровга кўйиб (килина-диган) аҳдлашув турлари бор.

4. Биринчи (турдаги) битим сўз билан катый килинади. Бу битим (икки томоннинг хоҳиши билан) бекор килинадиган бўлса, тарафлар кўл олишиб келишиб олишади;

(Иккинчи тур) битим қўл сикишиб тузилади. Бу битимнинг бекор килиниши учун кўй (совлик) гаровга кўйилади:

(Учинчи тур) битим кўйни гаровга кўйиб тузилган битимки, уни бекор килиш учун хўқиз (бука) кафолат учун гаров килинади.

5. Буқани гаровга кўйиб тузилган битим (бу – туртинчи тур). Уни бекор кила оловчи битим гаровга одамни қўйилсагина мумкиндири. Ушбу сўнгти битимни эса (экин) даласини гаровга кўйилган пайтдагина бекор килиш мумкин».

6. – «Эй борликни яратган мұътабар зот! Агар киши сўз бериб тузган битимини бузса, бунинг гунохидан қандай кутилиш мумкин?»

Аҳура Мазда деди: – «Бундай кишининг гунохи унинг ўзи ва уруғидан бўлган 300 киши томонидан ювилмоғи лозим».

7. – «Эй борликни яратган мұътабар зот! Агар киши кўл сикиб тузган битимини бузса, гунохдан кутилиши қандай бўлади?»

Аҳура Мазда деди: – «Бу гунохнинг ўзи ва уругига мансуб 600 киши ювилмоғи лозим».

8. – «Агар киши кўйни гаровга кўйиб тузган битимни бузса-чи?» – «Унинг гунохини ўзи ва етти юз унинг уругига мансуб эркаклар ювилмоғи лозим».

9. – «Агар киши хўқиз (бука) ни ўртага кўйиб тузилган битимни бузса, бу гуноҳни қандай ювмол мумкин?»

10. – «Бу гуноҳни у ва унинг уругидан саккиз юз ёр ювилмоғи мумкин».

11. – «Одамни ўртага қыйиб тузилган битим бузилса-чи?» – «Унинг ўзи ва унинг уругидан тўккиз юз эр ювмоғи мумкин».

12. – «(Экин) даласини ўртага қыйиб тузилган битимни киши агар бузса, бу гуноҳдан нима озод этади?» – «Унинг ўзи ва унинг уругидан тўккиз юз эр ювмоғи мумкин».

13. «Эй борликни яратган мұтабар зот! Агар киши сўз бериб тузган битимини бузса, унинг жазоси кандай?

Аҳура Мазда деди: – «Уни уч юз марта от камчиси билан савалансин, уч юз марта новда билан (урисин)⁴⁰⁸».

14. – «Қўл сикишиб тузилган битимни киши агар бузса унинг жазоси недир?» – «От камчиси билан олти юз марта урилсин. Ва олти юз марта хипчин зарби қамчи зарби леб тушунилсин».

15. – «Қўйни ўртага (гаров) қыйиб тузилса-чи?» – «Бу гуноҳни ювиш учун (гуноҳкорга етти юз марта от қамчиси урилсин. Яна етти юз марта хипчин билан урилсин)».

16. – «Букани ўртага қыйиб тузилган битим бузилса, гунохи қандай ювилади?» – «Гуноҳкорни от камчиси билан саккиз юз марта, саккиз юч марта хивич билан урилсин».

17. – «Гаровга ўртага одам қўйилса-ю, битим бузилса-чи?» – «От камчиси билан тўккиз юз марта, шунча марта хипчин билан урилсин».

18. – «Агар одам (экин) даласини гаровга қўйиб тузилган битимни бузса, гуноҳига жазо недир?» – «От камчиси билан минг зарба берилсин. Минг марта хипчин билан (урисин)».

Зўравонлик хатти-харакатлар ва уларга жазо чоралари ҳакида

19. «Агар одам қўлига курол олса, бу таҳлидидир. Агар бу курол билан (хавф солиб) уқталса, бу хужумдидир.

Агар бу куролни ёмон шият билан бирорга урса, бу ярадор килиш (гуноҳидир). Бу каби курол зарби стказиш билан ўзини оғир гуноҳга колдиради».

20. «Эй мұтабар яраттан зот! Таҳлид (туғдирилган хавф) учун жазо не бўлур?»

21. *Аҳура Мазда* деди: – «От камчиси билан беш марта, хипчин билан беш марта урилсин.

Иккинчи марта бу гуноҳни такрорласа - ўн марта.

⁴⁰⁸ Бу ибора бошкка ўриниларди ятоат қамчиси леб таъкидлансан.

Учинчи марта - ўн беш,
Түрткінчи марта - ўттіз,
Бешинчи марта - эллик,
Олтінчи марта - етмиш.

Еттінчи марта тақрор этса, тұқсон марта от қамчиси билан урилсін, тұқсон марта хипчин билан савалсан».

22. – «Агар одам аввалғи гунохлари учун жазо тортмай туриб, үзгәларга саккизинчи марта яна (курол билан) таҳдид солса, бунинг жазоси қандай, қандай кутулиши мүмкін?»

Ахура Мазда жавоб берди: – «Бундай одам каттық жазога лойик: от қамчиси билан икки юз, хипчин билан икки юз марта урилсін».

23. «Агар одам таҳдид солипіда айбдор бұлса-ю, товон тұлашдан бош торға, (бунинг жазоси недір?)»

Ахура Мазда деди: – «У каттық жазога лойиқдір; икки юз марта қамчи билан, икки юз марта хипчин билан савалансын».

24. – «Эй борлықни яратған мұтабар зот! Одам үзға бир кишиға хужум қылмокқылда айбдор бұлса, ушинг жазоси недір, не қылса у гунохдан покланур?»

Ахура Мазда деди: – «От қамчиси билан ўн марта, ўн марта хипчин билан урсынлар». – «Яна тақрор хужум қылса-чи?» – «Унда ўн беш марта от қамчиси, ўн беш марта хипчин билан урилсін».

25. – «Учинчи марта тақрорласа-чи?» – «... Үттіз марта урилсін».

Түрткінчи марта - эллик зарб урилсін.

Бешинчи марта - етмиш зарб урилсін.

Олтінчи марта - тұқсон марта урилсін.

26. Еттінчи марта үзгага хужум қылса-ю, аввалғи гунохларини юмаган бұлса, бундай одам каттық жазога мустахиқдір: икки юз марта от қамчиси, икки юз марта хипчин билан урилсін».

27. «Эй борлықни яратған мұтабар зот! Агар одам кимнидір, ярадор қылғанлықда айбдор бұлса, уннің жазоси недур? Не қылса гунохдан у күтулгувсі?»

28. *Ахура Мазда* деди: – «От қамчиси билан ўн беш марта, ўн беш марта хипчин билан урилсін».

29. Иккінчи бор бу одам кимнидір ярадор қылса, үттіз

маргадан ҳам от қамчиси билан, ҳам хипчин билан урилсин.

Учинчи бора тақрорласа, эллик зарб, түргинчисида, тұксон марта урилсин».

30. – «Борлық дунёнинг холики, эй, *Аҳура Мазда!* О мұтабар зот! Агар одам үзгани олтинги марта ярадор килишда айбдор бұлса-ю, ҳали аввалиғи гунохларини ювмаган бұлса-чи?»

– «Бу холда у аёвсиз жазога – от қамчиси билан икки юз марга, хипчин билан икки юз марта саваланишга лойикдір».

31. Одам үзгага жароҳат етказиб айбдор бұлса, лекин (гунохни ювиб) товон тұлашдан (?) бүйін товласа уни икки юз марта от қамчиси билан, икки юз марта хипчин билан уриш лозим».

32. – «Эй борликни яраттан мұтабар зот! Одам агар кимгәдір лат егунча шикаст еткәзса, унинг жазоси нима, гунохини нима билан ювса булади».

33. *Аҳура Мазда* жавоб берди: – «От қамчиси билан үттіз марта, үттіз марта хипчин билан уриш буюрлади. Иккінчи марта шундай гунох учун эллик марта, учинчи марга етмиш марта, тұрттыңи марта тұксон марта урилади.

34. Агар одам бешинчи марта шундай гунох содир килса ва у аввалиғи гунохларининг жазосидан күтулмаган бұлса, бу холда уни икки юз марта (от қамчиси ва икки юз марта хипчин билан) уриш лозим.

35. Одам шундай гунохни килиб, бу гунохи учун товон тұлашдан бош тортса, аввалгилари учун жазодан ташқары яна икки юз марта от қамчиси, икки юз марта хипчин билан уриш лозим».

36. – «Эй борликни яраттан мұтабар зот! Одамнинг құлмишидан үзга бирор шикаст топиб (яраланса), ундан кон окса, буннинг жазоси иедир, у гунохдан кандай күтулгувсі?»

Аҳура Мазда жавоб берди: – «Отқамчиси билан эллик зарб, хипчин билан эллик марта зарб берилсін. Иккінчи марта шундай гунох килса, етмиш марта ҳам униси, ҳам буниси билан, учинчи марга тұксон марта урилсин.

37. Одам агар тұрттыңи марта шундай разолатни содир килса ва унинг товонини тұламаса (?) (гунохини ювмаса), икки юз марта от қамчиси билан, икки юз марта хипчин билан калтақлансан.

38. Одам агар бирорни кон чиққудек ярадор килса-ю гунохини ювишни бүйніга олмаса, унинг аввалғы гунохлари учун жазолагач, устига яна икки юз марта от қамчиси, икки юз марта хипчин билан уриш лозим».

39. – «Эй борликни яраттан мұльтабар зот! Одам агар кимнидир сүяклари синадиган килиб ярадор килса, бу гунохнинг жазоси нима, нима қилса гунохи ювилади?»

Аҳура Мазда жавоб берди: – «У шафқатсиз жазога тортилажак: етмиш марта от қамчи билан, етмиш марта хипчин билан савалансин. Иккінчи марта шу жиңінен тақрор этса, тұқсон марта от қамчиси билан, тұқсон марта хипчин билан уриш лозимдир.

40. Учинчи марта бу одам шу каби гунохни содир қилса, аввалғы гунохларини ҳам ювмаса, уни икки юз қамчи зарби билан жазолаш лозим.

41. Агар кимса бирорга жароҳат етказиб, сүягини синдерса, бу гунохи учун жазо олишдан (товор тұлашдан?) бош тортса, (бу гунохи учун жазо устига) құшимча равиша от қамчиси билан икки юз марта, хипчин билан икки юз марта урилсин».

42. – «Эй борликни яраттан мұльтабар зот! Кимлир бирорни жароҳатлав үлдирса, униң жазоси nedir? Унинг гунохи учун қандай жазо лозимдир?»

Аҳура Мазда жавоб берди: – «От қамчиси билан тұқсон марта, хипчин билан олтмиш марта урилсин».

43. – «Аввалғы гунохлари учун жазо олмай (ёки товор тұла-май туриб), яна шу каби гунох қилса, бундай одамнинг жазоси нималигини билдір!»

Аҳура Мазда жавоб берди: – «Бундай гунох тан жазосига лойик. От қамчи билан йигирма марта, хипчин билан йигирма марта урилсин!»

44. – «Эй борликни яраттан пок парвардигор! Кимки бирорни уриб бесхүш қилса да, жазосидан ёки товор тұлашдан бош тортса, унинг жазоси нима?»

Аҳура Мазда деди: – «Бу гунох қаттык жазога лойик: от қамчиси билан йигирма марта, хипчин билан йигирма марта.

45. Гунохкорлар айтиб үтилган жазоларга үзларини топширсалар, гунохларидан поқланадилар, (Арта – қак йүлида) ашавон (Арта йүлини танлаган одам) буладилар».

Иккинчи боб

46. (Кимлигидан катьи назар) икки диндор шахсми, дўстми, ака-уками ўртада аҳд боғлашса, (масалан,) бири иккинчисининг оиласидан ўзига хотин тиласа, унинг истаги бажо келтирилиши шарт. Хоҳлаган нарсаси берилмоғи лозим. Агар бу одам хонадондан маърифат, дин билими ўргатишни тиласа, бу истак адо этилиши керак.

47. Кунчиқардан кунботар палласигача, оқшомдан то тонг сахаргача бу одам билим олсин, ақшу-идроқини тулдирсин, иатижала арта (ҳақ) йўлига кириб, руҳи камол топсии. (*Аҳора яратган*) маъбуллар шаънига алқовлар багишлайдиган, эзгу сўзлар билан сўчлайдиган бўлсин. Шу тарз ўзини ҳам ҳақдан хабардор этсин. Шундай ибодатлар орқали у тун ярмида ором уйкусида бўлиб, (рухини) яна илму билимга астойдил тайёрламоғи мумкинцир. Уттанлардан қолган хикматларни, билим ва ибратларни жон-дил билан ўрганимогига бу имконлар.

Учинчи боб

48. Эй *Спитама Заратуштра!* Ҳеч кимса (пок) сув ва (муқаддас) оловга нисбатан беҳурматлик қиласин. Кўшидан олинган омонатга хиёнат қиласин. Ундан тониб, ёлғон сўзлар айтиб, (гуноҳга ботмасин).

49. Эй *Спитама Заратуштра!* Хотин олган кимса, у дунёдан ток ва ферзандсиз ўталиган одамдан афзалдир.

Кимнинг уйи бор, у уйсиз бошпанасиз одамдан афзал. Кимнинг ғамлаган бойлиги бўлса, мол-дунёсиз қашшоқдан (албатта) афзал.

50. Кимки гўшт еб тўйиши имконига эга бўлса, Ундан яхшилик кутиш мумкин. Оч колган одамдан тук одам яхширок⁴⁰⁹.

51. Тук одам суюктарни этдан айириб ҳаром этини олгувчи девлар билан курашмокда го:иб булади. Жонлининг жонига қасд юлгувчи ўлим девларига карши бардошли булади. (Тук одам) ўз тани устидаги (эт) либосини коронгулик девлари ҳужумига кундаланг килтигига кодир булади. У ҳақ амрига «лаббай» деб, ёвузликка карши курашали ва сингади. У борини ҳам емас зикна Ашмур левини жангда енгиб чиқади.

⁴⁰⁹ Бу урини «мечида тўплми и, кўз тўклиги» каби фикр бор. Ўбеклар айтганидек, «Очдан коч!» ёки «Оч ўлдириш, тук ўлдириш».

Сув олдида ва олов олдида ахдга хиёнат килиш гуноҳи кечирилмасдир. (Бундай гуноҳкор тавбаси макбул эмас.)

52. Бундай гуноҳ дўзах азобига лойикдир. Азобки, гўё ўтмас матаҳ билан тани қиймалагандан-да даҳшатли.

53. Бу гуноҳ учун дўзах азоби ҳар қандай азоблардан оғирроқ, гўё тирик танга тўмток михлар кокиб кийнаш каби даҳшатли.

54. Бу гуноҳ учун дўзах азоби бу дунёдаги барча азоблар (оғирклардан)-да оғир. Бу гўё чўкқидан чукур дарага ташланган одамнинг боши урилгандан ҳам кўркинчлироқдир.

55. Бу гуноҳ учун дўзах азоби дунёдаги барча азоблардан оғирроқдир. Гўё бу дор сиртмоғидаги одам кўрқувидан-да қўрқипчили.

56. Пок сув ва алангали (муқаддас) олов олдида бехурматлик қилган одам учун ёзилган жазо олдида бу дунё азоблари роҳат мисоли.

7-фрагард Табиблар учун рисола

36. – «Эй борликни яратган муқаддас зот! Агар *Маздага* имон келтирган одам эмчилик (табобат) ҳунари билан шуғулланишини истаса, ўз билимини кимларни даволаб исботлаши мумкин: *Мазда* эътиқотидаги мўминларними, ёки дев издошлиарними?»

37. *Aҳура Мазда* жавоб берди: – «У узинни аввало дев издошлиарнини даволашда синамоғи лозим. Агар дев издошини тиғ (наштар) билан даволаса-ю, у тузалмай ўлса, иккинчи дев издошини ҳам наштар (тиғ) билан даволаса-да, у ҳам ўлса, девнинг издошидан учинчисини ҳам тиғ билан даволаса-ю, у ҳам ўлса. демак (табиблик) килмокчи булган одам абадул-абад эмчилик (табиблик) килмаслиги лозим.

38. Унга *Мазда* имонидагиларни парвариш килиш асло мумкин эмас: маздонараастни на тиғ билан даволаши, на унга тиғ теккизисиб жароҳатлани мумкин эмас. Агар у *Мазда* имонидаги мўминларни ё даволаса, ё уларга жарроҳлик қиласа, ё жароҳат стказса, бу жароҳат учун атайлаб одам ўлдирганлик гуноҳига эга булади ва жазосили топади.

39. Агар у лев издошларини тиг билан даволаса, иккинчи девпаастни ҳам, учинчи девпаастни ҳам тиг билан (наштар ёрдамида) даволаса, бу холда табиблик ҳунарини килаверсинг.

40. Шундан бошлаб у ўз билганича ҳар қандай маздопааст мүминни даволапти, тиг ёрдамида тузатиш мумкин.

Эмчи (табиб)га ҳак тұлап, мульбад (зардуштий диндорлари)нинг бу соҳадаги имтиёзлари ҳакида

41. Табиб мульбадни унинг дуолари эвазига даволаши лозим; нманупатини (уй әгаси – эркакни) бир танаача эвазига; кишелек оқсоколи (виспати)ни букача эвазига; зантупати (туман оқсоколи)ни новвос эвазига; дахюпати (юрг башлиги)ни эса түрт от күшилган арава эвазига даволаши лозим.

42. Нманупатни (уй бескаси)ни бир моча (урғочи эшак) эвазига; виспатни (кишелек оқсоколи хотини)ни бир сигир эвазига; зантупатни (туман оқсоколи хотини)ни бир бия хисобига; дахюпатни (юрг қокими хотинини бир моя (түянинг урғочиси) хисобига даволаши мумкин.

43. Нманупатийнинг (уй хұжайини) ворисини новвос хисобига; новвосни тана эвазига; танани бузоқ эвазига; бузокни күй нархига; күйни эса бир бұлак гүшт эвазига даволаш мумкин.

Улы бола гүккан аёлнинг покланиши ва гусули пайтида сувни ҳаром киғлани тақдирда бериладиган жазо

70. – «Эй борликни яратған мұқаддас зот! Агар аёлнинг гусул олмаган баданини безгак хуружи камраб олса, агар очлик ва чанқоқ унинг силласини куритса, унга сув ичиш учун рухсат бериш мүмкінми?»

71. *Ахура Мазда* жавоб берди: – «Мүмкін, чунки унинг ҳаётини сақтаб колмок даркор. Азобдаги аёл имонли кишининг ҳұқақасыдан сув ичса бұлади. Бу сув унга күвват бағишилайди. Лекин бу иши учун сув берған жазо олмоги лозим. Жазони эса мульбад-ҳакам тайин этади. Ижросини даррачи мульбад адo этади».

72. – «Жазо пимадан иборат, қандай жазо тортмоги мүмкін?»

Ахура Мазда деди: – «У тан жазосига лойик, от камчиси билан иккى юз зарба, хипчин билан иккى юз зарба».

73. – «Эй борликни яратган мұқаддас зот! Нас теккан (босған), ит ёки одам мурдаси ҳаромлиги теккап күза яна тоза була оладими?»

74. *Aхура Мазда* жавоб берди: – «Тоза була олади. Эй Заратуштра!»

– «Қаңдай қилиб?»

– «Агар күзалар олтіндан бұлса, бир марта сигир сийдиги билап ювиш кифоя, сұнг тупрөк билан ишқаланади, сув билан бир марта чайлади. Шундан кейин күза тоза булади.

75. Агар идиш кумушдан бұлса, уни сигир сийдиги билан иккі марта ювиш, тупрөк билан иккі марта, сұнгра сув билан чайиш лозимдир. Шунда идиш тоза булади.

76. Идиш мисдан бұлса, сигир сийдиги билан уч марта ювиш, тупрөк билан уч марта ишқалаш, сув билан үйиш лозим. Шунда идиш тоза булади.

77. Идиш пұлат (?) дан бұлса ... түрт марта;

78. Топ идиш бұлса олти марта... ювиб поклаш лозим булади.

79. Тупрекдан (сонол идиш) бұлса, ёки дарақтдан бұлса, бундай идишлар абад ул-абад нопоклигича колади, тоза булмайди».

Сигирни (нас) ҳаром булишдан асраш ва поклаш қоидалари

80. – «Эй борликни яратган мұқаллас зот! Ит ёки одам мурдасидан ҳаромлик орттирган сигир поклана оладими?»

81. *Aхура Мазда* жавоб берди: – «Поклана олади. Мұльбад йил давомида ундан на сутини, на пипленини олмасин. Эхсон учун (бу нарсалардан) фойдаланмасин. Этини ҳам емасип, эхсон учун ишлатмасин. Бир йил үтгач мұльбад (ёки мұммин одам) сигирдан келадиган барча неъматлардан фойдаланиши мүмкін».

Ҳаром сув ёрдамида қылжанадиган эхсонларни таъқиқлаш түгрисида

Тунда эхсон тарқатишини ман этиши ҳақида

82. – «Эй *Aхура Мазда!* Адолат ҳақида үйлаб туриб, үзи адолатнинг йүлини түсадиган одамни ким деб аташ мүмкін? Ҳақиқат ҳақида үйлаб туриб, үзи Дуруждар – ёлғон йүлидан юрадиган ким?»

83. Ахура Мазда жавоб берди: – «Адолат излаб туриб, адолат йўлини тўсгувчи, Ҳакикат йўлини ўйлаб туриб, ўзи ёлғон йўлини тутадиган одам бу – шундай одамки, у мурда ҳаром килган сувни келтиргувчи билан, ёки коронги тунда эхсон – худойи қилгувчи билан тенгдир».

8-фрагард

1. Ёғочдан (синчкор усулида) курилган ёки шох-шабба билан спилган (чайла) турар жойда агар одам казо қилса ёки ит (ўлса) маздопарастлар нима қилмоқлари лозим?

2. *Ахура Мазда* деди: – «Улар бир (покиза) даҳма қуришсин ёки даҳма топишсин⁴¹⁰. Мумкин деб топсалар, жасадни турар жойдан даҳмага олиб ўтишсин, уйни эса қолдиришсин⁴¹¹ ва (яхшилаб) исириқ – урвасна, вохутаона, вохукерсти ёки хадапаста⁴¹² тутатиб поклашсин⁴¹³.

3. Агар маздопарастлар жасал ётган уйни кутариб (бопика жойга) ўтказиш эвини қилсалар, уйни кучирсингилар. Мурдани эса (жойида) қолдирсингилар. (Шундан сунг) уйни урвасна, вохутаона, вахукерета, ҳаланашта ва ёки бошқа хушбуй гиёхлар билан дудлаб покласингилар.

4. – «Эй, бу фоний дунёнинг пок парвардигори! Агар маздопарастнинг уйида одам ёки ит қазо қилса, бу онда ёмғир ёга бошлиса, ёки кор учқунласа, ёки бурон кузгалса, ёки кош корайса. ёки тонг ёринча бошлиса, ҳали (хайвонлар), мол-хол кўрада одамлар хам бошпанасидан чиқмаган бўлса, маздопараст не чора кўрмоги лозим?»⁴¹⁴

5. *Ахура Мазда* деди: – «Маздопараст мурдани уйининг шундай жойига кўйсинки, у ср ўта покиза бўлсин, ута қуруқ бул-

⁴¹⁰ Зардуштийлик расмий тус олмасдан аввал габиний тепиялардан улини дағи этишга таъиёллашда фойдаланилган. Зардушт испохотидан кейин курилма даҳмалар етакчи урия туттиви.

⁴¹¹ Зардуштийликкитава үлгик чиқсан уй қўйдирилган. Лекин бу одат ютисадий жиҳаддан эсмийтга малоз келадиган бўла борган, уйни исирикстар, күшбўй тутунлар билан поклаш кенг тус олган. Ҳозиргача бу одат ўзбек халқида яхши сакланган. Мурда ётган ва ковилган хона албетта исирикланди.

⁴¹² Бу ўсимликлар хозир кайси ўсимликларга тутри кезинни аник эмас. Лекин хозирги зардушт жамоатида (Бомбай, Гужарат) сандал, алоҳ, анор пусты ва бошқа исирикстар тутатилиди.

⁴¹³ Исирик авестача атураспента сунидая олинган булиб, хозирги талаффуз шакли - ҳаёриспанд ўзбек шевалариде ва тожиғ тишинда сакланган. Исирик шакли эса турким тишида «кушбўй гарратувчи гиёҳ» деган умумий маънода аник бир ўсимлик помини ифодалашга ўтган.

⁴¹⁴ Бу сурок мурдани дарҳол даҳмаларни таъиин мумкин бўлмаган холни кўтгалиши тушниш. Узбектарда мурдани иложи борича гетроқ дағи килин савобли деб хисобланishi шу одат билан боғлик (Гетроқ дағи этишининг зардуштийлик билан эмас, балки Ислом билан боғланиши тўтирироклир – Б.Ж.).

син ва (мурда нас босгани сабабли) у ердан майда ва йирик туёқ моллар ўтмасин⁴¹⁵, *Ахура Мазданинг* (ҳақ рамзи) ўт – оташ ҳам олиб ўтилмасин. Бу нопок ердан барсман – Ҳак йўлида баҳшида (павдалар), (ниҳоят), имонли эрлар ўтмасин»⁴¹⁶.

6. – Эй ўткинч дунёни яратган поко парвардигор! Мурдаши оловдан, сувдан, барсман дастасидан, имонли эрлардан қанчалик узок тутмок лозим?

7. *Ахура Мазда* деди: – «Оловдан ўтгиз қадам, сувдан ўттиз қадам, ёйисіган барсман новдаларидан ўтгиз қадам, имонли эрлардан ўтгиз қадам нарида тутмок ксрак.

8. Шундан сўнг маздоларастлар шу ерда, агар қаттиқ ер бўлса, тизза бўйи, юмшоқ ер бўлса, бел баробар чукур казисинлар. Бу ерга (курук) кул келтирисинлар, ёки курук гўнг солсинлар. Буларнинг устидан (курук) фишт терсинлар, ёки тош терсинлар, (жуда бўлмаса,) курук тупроқ (лой... солсинлар)⁴¹⁷.

9. (Шундай усуlda тайёрланган) бу *жойда тики покловчи (этидан халос этиб сўнгакларини тозалаб бергувчи) қушлар келгунига қадар⁴¹⁸ хоҳ уч кечага, хоҳи бир ойгача, балки тоабад, (мурданинг ўрнидан ўт-ўланлар ўсиб чиккунигача,) (у ерда,) кўлмак сувлар пайдо булиб, ҳар томон окиб кетмагунча, ниҳоят, шамол бу ернинг (намини кутариб) қуритмагунча хиссиз мурдани колдиришлари мумкин.

10. Қушлар (учиб) келгач, ўсимликлар униб чиқа бошлигач, тўпланган кўлмак сувлар мурдалан узоқлангач, шамол ерни намликтан халос килиб (ховрини кутаргач⁴¹⁹), маздоларастлар (мурда кўйилган) уйга тешик очишиади. Сунгра икки чақкон эркак ялангоч ҳолда, кийимсиз (мурда ёнига кирадилар). уни хом фиштга чандилиб (боғлайдилар), кейин эса ганч билан суваб пок

⁴¹⁵ Мурда хисобланганни учун пок парвардигор ўтили хисобланмиш Оловнинг «кузи» нас деви босин мурда тушмаслиги керак, деб хисобланганди.

⁴¹⁶ Акс ҳолда насу деви мурдалдан чиқиб, бу пок хилкатларга кириб олади ва уларни ҳам ичиндан бузади ўлимга маҳкум этади. Чунки нас улика кунади. Ҳозир ўзбекларда «нас босмок» ибораси турли маъноларда, кенг кўлтанинга кўчган. Аслида, нас (насу) – ўлим ва нопоклик деви. Уни Ахриман яратсан, деб хисоблананди.

⁴¹⁷ Бу гасиф иволоз ҳолла вактинча кабр куриш одатини ифода этади. Кум, гунг (бу чорвага муқаддас деб караш билан боғлик), гишт кабилар муқаддас ерни ҳарқим мурдалан гүё ҳимоя килисан.

⁴¹⁸ Махсус даҳмага ёки муқаддас ердан нопок мурдални ажратиш учун маҳсус қурилмаша колдирилган жасал эти итлар, қушлар томонидан қанчалик тез еб битирнила, шунчалик савобни во хулога маъқул деб хисобланган.

⁴¹⁹ Бу ерда санаалёттан ҳолатлар мурданинг нопоклигини усимликларни, ерни, сувни саклашга каттиқ ўтибор берилтишини курсатади.

ердан ажратылған (суфача) ерга, мурда этини қүшлар, итлар еб тозалаши аник бўлған ерга кўчирадилар.

11. Мурдани кутарғанлар шу ерда – мурдадан уч қадам нарига ўтирсинглар. Тўплангандар маздопараастларга магу (муғ) – заотар⁴²¹ бундай деб айтсин: «Маздопараастлар пешоб йигъсинларки, мурда кўтарганилар у билан қўлларни ювиб покласинлар ва соchlарини покласинлар».

12. – «Ўткинчи дунёни ва у дунёни яратган, эй, поко парвардигор! Мурдани кўтарған одамлар қўлини ва сочини ювиши лозим бўлған бу пешоб кимники (ёки нимапики) бўлмоги керак? Майда туёқнишгми, йирик поданингми ёки эркак пешобими ёки аёл пешоби?»

13. *Аҳура Мазда* деди: – «Майда туёқ ва қорамол сийдиги билан ... (эркак ёки аёл сийдиги ножоиздир) мурдани кўтарганилар қўллари ва соchlарини ювсинглар».

14. «Борлик дунёни яратган эй парвардигор! Мурдани – итни ёки одам жасадини олиб ўтилған йўлдан майда туёқ, қора мол, эркак ва аёллар, *Аҳура Мазданинг ўғли Атар* (олов), ҳак йўлига бахшида барсман дастаси ўтиши ҳалолми?»

15. *Аҳура Мазда* деди: – «На майда туёқ, на шохли қорамол, на эркак ва на аёл, на *Аҳура Мазда* ўғли булмиш Атар (олов), на ҳак йўлига бахшида барсман бу йўлдан ўтмаслиги лозим!»⁴²²

16. У йўлдан (мурда олиб ўтилганидан кейин) тўрткўз сарик ит ёки сарик қулоқ оқ итни олиб ўтилса, бу йўл покланади. Сарик тўрткўз ит, оқ, сарик қулоқ ит ўтганда бу йўлдан Арухшия-Нас (деви) орқа томонга⁴²³ (яъни шимол томонга кочиб) учиб кетади.

17. (Шунда ҳам мурда ўтган йўлнинг покланганига ишонч бўлмаса,) сарик тўрткўз итни ёки оқ, сарик қулоқ итни олти марга ўтказиш керак. Натижада ... Друхшия-Нас (деви) шимол томонга учиб кетади.

18. Шунда ҳам бўлмаса ... тўккиз марта ўтказиш лозим будади... Сунг Друхшия-Нас (деви) шимол томонга учиб кетади.

⁴²⁰ Мурданияни киши бўлиб кутарни шарт бўлған. Бунини иложи булмагандаги ит мурданинг қулига боғлаб қўйилгаш. Акс ҳолда мурдани ёнисиз кутарған одам бир умр тадоридитан маҳрум бўлади, деб хисобланган.

⁴²¹ Магу «бошлик» дегани. Бу уринда «дағғи» маросимиши бошкарған диндор ёки маросим мутахассиси. Заотар – заргулгитай диний жамоасинин пешвоси. Исломдаги «имом» тушунчасига гўтти жедади.

⁴²² Майда туёқ ва йирик қорамол сийдиги пословчи хисобланган.

⁴²³ Авестада жануб олд томони, шимол-орқа томон деб ўргатилади.

19. Борди-ю, шунда ҳам йўл покланмади, деб ўйлашса, унда сарик турткuz ит, ок-сариқ кулок ит билан бирга мутьбад бу йулдан ўтсин ва ушибу (нас устидан ғолиб келувчи) дуони (баралла овоз билан) укиб борсин: «Танлаганим, о эгам, энг пок парвардигорим, энг эзгу бошчим, ҳақ билан мувофиқ таитланган ҳақ парвардигорим, ҳаётдаги аъмолларимни, эзгу ният билан бошлаган ишларимни ўзинг қўллагин, эгам *Мазда* ҳақки, ночорларини мададкори, ҳақ, ўзинг мадад бер!» – десин.

20. О *Мазда*, менга кимни хомий қилиб, қўярсан, агар Друджвант⁴²⁴ алдок билан мени үлдирмоқчи булса? Атар (оташинг)ни менинг химоятим учун юбор, эзгу ўй йулла менга. Улуғ мулки ҳақиқатинг (менга була қолсин ёр), эй илоҳим, ҳақиқатингни ўргатгин менга. Мен сенинг неъматларингни асрой, кўпайтиб эзгуликни. Унга берай балоғат. Ким енгиб тусикларин ҳақиқатни кўриклар? Менинг хонаённимга ва менга Ҳақ ҳукмини қаердан олиб эзгу *Воҳуман* ва *Срашага* ихлос имонини топарлар? Кимдир бизга химоят?

21. *Мазда* ва *Спента Армасити* бизларни балолардан асрани. «Даф бўл, девдан туғилган, Друхш (Нас). Девлар яраттан нас, йўқол. Девбачча нас, йўқ бўлгни! Орт томонга учиб кет ва унда йўқ бўл абад! (*Аҳура Мазда*) нинг ҳақ, эзгу дунёсини ғорат килма ҳеч қачон!»

22. (Шу дуодан сўнг) маздапарастлар бу йулдан майда кўй-кўзи туёқларини, корамол подаларини олиб ўтмоқда эркиндирилар, (шундан кейин бу йулдан эркакслару, аёллар, *Аҳура Мазда* ўғли Атар (оташ), ҳақ йўлига баҳшида барсман олиб ўтилиши мумкиндирилар.

Шундан кейин маздопарастлар эт, бол, (май) кабиларни илгари бегуноҳ пайтларида қандай келтирган бўлсалар, шундай поклик билан олиб келтиришлари мумкин».

23. – «Эй фоний дунё ҳаллоки, пок парвардигор! Мурланинг устидан тўкилган ёки теридан (тиклилган) кийимни колдирилса, бу кийим мурданинг оёқстаригача ёпиб турган бўлса, бунинг жазоси нима булади?»

Аҳура Мазда деди: – «Бундай одамини от қамчиси билан турт юз марта уриш, турт юз марта итоатта келтирувчи қамчи билан уриш лозим бўлади».

⁴²⁴ Бу дуо зардуштйарнине диндаги асосий дуосидир. Уни христиан динидаги «Отче наш» дуосига ўхшатишади.

24. – «Эй бори дунёни яратган парвардигор! Мурданинг устида унинг сошларигача беркитиб турувчи тўкилган матодан ёки теридан бўлган кийимни колдирган одамнинг жазоси нима?»

Аҳура Мазда деди: – «Олти юз марта от қамчиси билан, олти юз марта «итоатта келтириш» қамчиси билан уриш лозим».

25. – «Эй бори дунёни яратган парвардигор! Мурданинг устида эркаклар хаётида доим киядиган қийимларни колдирса, хоҳ тўкилган, хоҳ тери матодан, бундай одамнинг жазоси недер?»

Аҳура Мазда деди: – «Уни от қамчиси билан минг марта урсинлар, сўнгра «итоатга келтирувчи» қамчиди минг марта урсинлар».

26. – «О бори дунё халлоқи, парвардигори поко! Эр киши зурланиб (эрлик шаҳват уругини қабул қиласа ёки кимгаки шаҳватини тўксса), бунинг жазоси нима?»

Аҳура Мазда деди: – «Бундай одамлар олти юз марта от қамчиси билан урилсин, олти юз марта «итоат» қамчисида савалансин»⁴²⁵.

27. – «О бори эзгу очунни яратган парвардигори поко! Агар эр ўз ихтиёри билан шаҳват қабул қиласа ёки ўзга эрга шаҳватини тўксса, унинг жазоси нима, гуноҳидан кутула оладими, у поклана оладими?»

Аҳура Мазда деди: – «Бу гуноҳдан абалул-абад кутула олмайди, бу қилмишдан покланиш йўқдир».

28. – «Бу дунё-ю у дунё бу гуноҳдан фориг булиш мумкин эмасми?» – «Агар *Мазда* динига имон келтирган булса-ю, бу гуноҳни содир этса, омонлик йўқ. Агар *Мазда* динига имон келтирмаган булса-ю, шу гуноҳидан сўнг имон келтирса, имон ахдига лойик тарзда у ушбу гуноҳдан озод булади ва бундан сўнг мазкур нолойик гуноҳни содир килмайди.

29. – Эй Спитана Заратуштра, имон ажри баробаринда *Маздаясна* динида (сидкидил билан бўлғанлар)нинг гуноҳлари тугуни ечиштагай, ёвуз қилмишлари гуноҳидан кечилгай, имонли кишини ӯлиришдек қаттоллик гуноҳидан ўтилгай, мурданинг нопоклигидан ҳазар қилмаслик гуноҳи кечирилгай. Кечирилмас қилмишлари жавобидан озод этилгай, изи учмас қилмишлари, ёвузликлари, килин барча ёмонликларининг баҳридан ўтилгай.

⁴²⁵ Бу башада эркаклар уртасида шаҳвоний муносабет коралланган. Эркак билан эркак шаҳвоний алоқаси тардуштийлинида бу гумоҳ энг оғир гуноҳларниң иккинчиси хисобланган.

30. Гүё бу шундайки, эй *Спитамаи Заратуштра*, Маздаясна дини эрнинг барча ёвуз ўйларини, қабиҳ (разилона) сўзларини, имон ишларини худди гарб шамолининг курратли оқими учирив кеттани каби супуриб ташлайди»⁴²⁶.

31. – «Эй бори дунёни яратган парвардигори поко! Дев кимдир, девпаст кимдир, ким девларниң жорияси, ким дев бўлмаса-да, барибир дев(дан бадтар), ким ўлимдан олдин дев, ким эса ўлганидан сўнг тансиз (кўринмас) девга айлангуси?»

32. *Аҳура Мазда* деди: – «Ўзаро шаҳвоний алоҳага киришадиган эркак («уруг оловчи, уруг тўкувчи») эрлар, о *Спитамаи Заратуштра*, шулар дев, мана кимлар девпаст. Шулар дев билан-да шаҳвоний ўнашувчи, шулар девларниң ирkit томчилари учун (мисоли) тувақлирлар. Улар девларниң жориялари. Мана кимлар дев бўлмаса ҳам барибир девлар, мана кимлар мутлақо девлар, ўлмасдан аввалда ҳам дев, ўлгач эса тансиз (кўзга кўринмас) девга айлангувчилар ҳам шулар. Девлар шуларки, ёр ургини қабул килгувчилар, девлар шуларки, эркакка эрлик ургини куйгувчилар».

33. – «Эй бори дунёни яратган парвардигори поко! Бир йил аввал ўлган, куриб қолган мурдага тсгиб кеттани ул икки киши, о *Аҳура Мазда*, поклана оладиларми?»

34. – «О имонли *Заратуштра*, улар поклана оладилар. Чунки қурук (нарсадан) қурук нарсага (нас) ўта олмайди. Агар қурукдан қурукка (нас) ўта олганда эди, менинг яратган дунёимда ҳар бир жон қўркув, вахшат ичра яшаган бўларди, ичдан бузилиган мурдашар касрига қолган бўларди»⁴²⁷.

35. – «Эй борлик дунёни яратган парвардигор! Мурдани ёки ит ўлигини кўтарган икки кипи покланишга эриша оладиларми?»

36. *Аҳура Мазда* деди: – «Эй имонли *Заратуштра*, улар поклана олишади»

– «Қандай килиб?»

– «Агар бу мурда мурдахўр итлар ёки қушлар томонидан этдан тозаланган бўлса, (мурдани кўтарганилар корамол сийдиги билан, кетидан эса сув билан ўз танларини покласинлар).

⁴²⁶ Бу кондалар Мазда динида мустаққач, балоғат ёшига етганиларга нисбатан амал киётан. «Зинд Авеста» шарҳ китобида бу алоҳида таъкидлалган.

⁴²⁷ Бу уринда турзи сабығга кура ернини поклиги сакланмаган ҳоллар, зардуштийликдан явавалги леғи одатлари акс ўтган. Демак, зардуштийлар катъий кондага кириттган «ерга кўуммаслик» кондаси Зардушт ислодотидан кейин катъий тус олган.

37. Агар мурда устихони этдан тоза бўлмаган бўлса, уни мурдахўр итлар ёки ... қушлар тозаламаган бўлса, маздопараастлар аввало учта чукур казисинлар ва мурда танини мол сийдиги билан шу чукурга ювсинлар. Сув ишлатмасинлар. Сунгра мурда ёнига итларимни олиб кирсинглар. Токим итлар назари тушгач, мурдадан Насу деви чикиб кетгай (ва у покиза бўлгай).

38. Сунгра маздопараастлар иккинчи марта ерга учта чукур казисинлар. Мурдани мол сийдиги билан ювсинлар. Сув билан эмас. Шундан кейин мурда ёнига менинг итларимни олиб кирсинглар... Кейин мурданинг соchlари бопдан оёқ обдан куригунча кутсинглар.

39. Шундан кейин маздопараастлар яна учта чукур казисинлар. Олдингиларидан уч қадам наридан (Бу чукурларга ўз танларини сув билан ювсинлар).

40. Аввал қўлларини ювсинлар. Чунки ювуксиз қўл нопок булиб, барча танага ҳаромлик етказали. Қўллар покланган, қўлни сувлаб бошнинг олд кисмини мия тепаси соч ўрамасигача ювиб тозаласинглар».

41. – «Бор дунёни яратган парвардигори ноко! Муқаддас сув мия тепасидан пешонагача стишган пайтида Друхшия-Насу деви кайси қисмга ташланади?»

Аҳура Мазда деди: – «Друхшия-Насу икки кош ўртаси ва бурун устига ёпирилади».

42. – «Бори борлик дунёни яратган, эй парвардигори ноко! Сув кош ўртаси ва каншарга ҳам етиб келганди Друхшия-Насу (деви) каерга ташланади?»

Аҳура Мазда жавоб берди: – «Друхшия-Насу гарданга ёнишади».

43. – «Эй бори дунёни яратган парвардигор! Муборак сув гарданга ҳам етиб боргач, Друхшия-Насу яна каерга ёпирилади?»

Аҳура Мазда жавоб берди: – «Ундан кейин юкори жағта ташланади Друхшия-Насу».

44. – «Эй бори дунёни яратган парвардигори ноко! Муборак сув юкори жағтacha келганди. Друхшия-Насу қаерга ўтиб олади?»

Аҳура Мазда деди: – «Друхшия-Насу ўнг қулокка ўтиб олади».

45. – «Эй бори дунёни яратган парвардигор! Муборак сув ўнг қулокка стишганда Друхшия-Насу қаёққа ташланади?

Аҳура Мазда деди: – «Сўл қулокка ўтиб олади Друхшия-Насу».

46. – «Эй борликнинг ҳаллоқи, поко парвардигор! Муборак сув сүл кулокка етгач, Друхшия-Насу қаерга үзини уради?»

Аҳура Мазда деди: – «Үнг елкага түшиб олаңи Друхшия-Насу...⁴²⁸

72. Шундагина Друхшия-Насу шимол томондан учеб келалиган манфур хира нашша киёфасида, тиззалари олдга чиқиб букилған, думлари диккайтан ҳолда ғойиб бўлади.

73. – «Эй борликни яратган поко парвардигор! Агар маздо-парастлар пиёда ёки уловда мурдага дуч келсалар, мурда кайнок сувда пиширилаётган, оловда қовурилаёттан бўлса, уларнинг чоралари нима бўлади?»

74. *Аҳура Мазда* деди: – «Мурда кайнатаётган одам ўлимга лойик, уни ўлдирсингилар, козонини парчалаб ташласингилар, ўтин қаловларини тузгитсингилар.

75. Йиккан ўтиналарни эса алоҳида гулхан килиб (яъни мурда кайнаттан оловда эмас) ёкиб юборсингилар. Бу олов уруги бораҳат ўтиними, мурда кайнатишга (ният килинган) ўтинми, буни зудлик билан, у оловга айланмай туриб ташқарига олиб чиқисин, оловдаги чала ёнган ёғочлар ҳам олиб, бопка оловда тезлик билан ёндинсингилар. Чала кўмир ва кулларини чукурга кумиб кўйсингилар.

76. (Тупланган) ўтиналарнинг биринчи кучогини ёнаётган мурда пиширувчи оловдан бир катта қарич (?) масоғига ажратиб кўйсингилар, (хонада бўлса,) ташқарига олиб чиқсингилар, тезроқ узоклатсингилар...⁴²⁹

79-80. Ҳак (таоло) буюрганидек, о *Спитама-Зардуштра*, ўтин учун атаб урвасин ёки вохутаона ёки вохукерети ёки хаданапаста ёки бошқа ёқимли ис берувчи ўсимликлар келтирилса, унинг ҳидларини хушбуй шамол қай томонга олиб кетса, *Аҳура Мазданинг* олови уша томонга чиқади. Танаси йўқ, кўзга кўрини-мас девларнинг мингини ўлдиргувчи, ёлғондан тугилганиларнинг, эркагу аёл жодугару парилар, сеҳргар, жодугар, жинларнинг

⁴²⁸ Шу таҳлилда «Видевдот» китоби И-фрагардининг 72-бандигача сўл елла, үнг кўзтик, сўл кўзтик, орка, орқасининг сўл ва ўни, үнг кўкрак, ўнг конуралар, сўл қовуралар, үнг ёнбош (думба), сўл ёнбош (думба), фарж ёки закар каби орият актолорига (бунда эрини биринчи газда ювоги лозим) сўнг сонларга, тиззаларга, сўнг сонларга, ғаким, болдири, тўпик, товоң бармоқларга, ҳу́лас, танининг барча аъзоларига сув еттунига қалар Друхшия-Насу деди кочиб бораверади.

⁴²⁹ 77-78 баңдула тўтиланган нопок ўтини 2-кучок, 3-кучок.. 9-кучоккача ёнаётган оловлан узоклатиш хаюнда бир хил жумлалар тақорорланади.

барини бир йўла жуфт-жуфт килиб, йўқ этгувчи (олов шамол йўли бўйлаб чикади ва борликни поклайди)».

Түққизинчи қисм

81. – «Борликни яратган эй парвардигор! Мурдани қайнатётган оловни оташкадага етказиб, Муқаддас *Баҳром* оловига кўшган одамга унинг рухи танидан учтандан сунг қандай савоб ато этилажакдир?»

Аҳора Мазда деди: – «Унинг ажри бу дунёда худди минг дона чала ёнган нопок ўтинни тегишли масофага олиб борганчалик савобдир».

82. – «Бори ёрук дунёни яратган парвардигор! Мурдадан оқкан-томган чикиндиларни қайнатишга ёкилган оловни тегишли жойга элтган одам учун унинг жони танидан кўчгандан кейин қандай савоб ёзилажак?»

Аҳора Мазда деди: – «Бу одамнинг топгувси савоби минг дона чала ёнган ўтинни тегишли срга етказганлик савоби билан тенг».

83. – «Эй борлик дунёни яратган парвардигор! Сурув ва пода гўнги (угитидан) узоклатиб, оловни муқаддас оловга кўшган одамнинг жони танидан кўчганидан кейинги топажак савоби канчаликдир?»

Аҳора Мазда деди: – «Бу ёрук дунёда у беш юз чала ёнган ўтиннинг оловини *Баҳром* оловига элтганчалик савоб унга ато булажак».

84. – «Борлик дунёни яратган эй парвардигор! (Нопок оловни сопол кўрасидан олиб, муқаддас оловга айлангирган одамга унинг танидан жони кўчгач, қандай савоб етишажак?»

Аҳора Мазда деди: – «У бу ўткинчи дунёда тўрт юз чала ёнган ўтинни керак масофага элтиб, (курадан) узоклатганчалик савобга лойикдир».

85. – «О борликни яратган поко парвардигор! (Нопок) оловни сопол пишираётган хўмдоңдан нари, муқаддас олов томон элтган одамга, унинг жони танидан кўчгач, қандай ажру савоблар ато этилажак?»

Аҳора Мазда деди: – «Кўрасида пиширилган сопол синиб канча парча бўлса, шунча савоб унга етишажак».

86. – «Борлик дунёни яратган эй парвардигор! Кимки темирчи құрасидаги оловни мұқадdas оловга етказса, унинг жони танидан күчгач, ёзилажак савоб нечоғликті?»

Аҳура Мазда деди: – «Үт-ұлашлар, майса-гиёхлар қанча күп бўлса, шунча миқдорда үтинни керак ерга узоқлатган каби савобга эга бўлгусидир».

87. – «Борлик дунёни халлоқи, эй парвардигори поко! (Нопок, үликии қайнатиш ниятида ёкылған оловни олтип эритиладиган ўчоқдан керакли ерга узоқлатган одамга, унинг жони танидан күчгач, қанчалик савоб ато этажак?»

Аҳура Мазда деди: – «У бу дунёда юз ғұла үтинни керакли масофага элтганнинг савобини топгай».

88. – «Бори дунёни яратган, эй, парвардигори поко! Бирор кумуш эритиладиган қурадан нопок оловни керакли узоқликка элтса, у ўлгач, ажри нечоғликтір?»

Аҳура Мазда деди: – «У бу дунёда түксон дона ғұла үтинни (мурда қайнатиш ниятида йиғилған үтинни) тегишли ерга узоқлатганчалик савобга дохилдир».

89. – «Борлик дунёни яратган, эй, парвардигори поко! Ким агар маъдан биринж куйилаётган ўчоқдаги нопок оловни Мұқадас *Баҳром* оловига етказиб покласа, у ўлгач, топажак савоби қанчалик?»

Аҳура Мазда деди: – «Бу дунёда у саксон ғұла үтинни вархран (*Баҳром*) оташкадасы а етказганчалик савобга дохил булади».

90. – «Борлик дунё ҳаллоқи, яратган, эй, парвардигори поко! Кимки (нопок) оловни темир эрийдиган қурадан узоқлатса, у ўлгач, аъмолига ато этилажак савоб не қадар?»

Аҳура Мазда деди: – «Бу дунёда у стмиш ғұла үтинни Мұқадас оловга етказганчалик савоб топажак».

91. – «Эй бори дунёни яратган парвардигор! Таңдирдан (авестача ганур) кимки (нопок) оловни керакли ерга узоқлатса, унинг жони танидан узилған, қанчалик савоб топгуси?»

Аҳура Мазда деди: – «Бу дунёсида олтмиш ғұла үтинни пок оташкада оловига етказганчалик савоб топгусидир».

92. – «Эй бор дунёни яратган парвардигор! Кимки (покиза) козондан (нопок) оловни керакли ерга узоқлатса, унинг жони танидан күчгач, ёзилажак ажру савоб нечоғликтір?»

Аҳура Мазда деди: – «У бу дунёда эллик ғұла үтинни керакли ерга элтганчалик савоб топгусидир».

93. – «Борлиқни яратган, эй, парвардигор, пок Ҳақиқат! Ким (напок) оловни Илохий Ҳақиқат манзилидан узоклатиб, пок оташгоҳ оловига айлантирса, унинг жони танидан күчгач, қандай савобга эришажак?»

Ахұра Мазда деди: – «У бу дунёда кирк ғула үтіннинг оловини керакли ерга әлтгапчалик савобга эришажак».

94. – «Борлик дунёни яратган, эй, парвардигори поко! Қүйкүзи, моллар күрасидан (напок) оловни узоклатган зотта у үлгач ато этилажак савоб қанчаликдир?»

Ахұра Мазда деди: – «У бу үткинчи дунёда үттіз ғула үтін оловини поклаганчалик савобга эга бұлғусидир».

95. – «Борлик дунёни яратган, эй, парвардигор! Овлок (ов қиладиган ср)дан напок оловни керакли масофага әлтгап кимсага унинг жони танидан күчгач, қанча савоб етажак?»

Ахұра Мазда деди: – «У бу ҳәстида йигирма ғула үтін оловини тегишли срга стказғаннинг савобини топғусидир».

96. – «Бори дунёни яратган, эй, парвардигори поко! Ким үзігің әнг яқын Атар – олов манзилида (мурда қайнатиш ниятида) ёқылған напок оловни узокқа әлтиб йүк кілса, уни жони танидан күчгач, қанчалик савобга эришажак?»

Ахұра Мазда деди: – «У тириклик ҳәстида үн (юз?) ғула үтін оловини пок оташгоҳға әлтгапчалик савобга дохил бұлажак».

Ұннинчи қисм

97. – «Борлик дунё поко парвардигори! У иккі зот (эркакми ёки аёл) овлок бир чекка жойда, чұлу дашт ичра мурдага дуч келиб қолса, үлкіннинг наслиги таъсиридан поклана олишарми? Қандай қылғиб?»

98. *Ахұра Мазда* деди: – «Эй имонлы Заратуштра, агар жасад итлар ва күшлар томонидан этдан гозаланған булса, у холда мол пешоби билан үттіз марта ювиниб поклансынлар.

99. Агар мурда этдан тоза бұлмаган булса, итлар ва күшлар уни покламаган булса, унда мурдага дуч келгаптар үзтарины сигир пешоби билан эллик марта ювиб поклашлари лозим.

100. Мурдага дуч келгап одам бир хатра югурған хеч кимни учратмаса, яна югурсин, бу йүлдә худо яратған жонзотта ёки одамга дуч келса ва барадла овоз билан «мен үзим үйламаган

холда, ўзим ва сўзим билан қидирмаганим ҳолда мурдага дуч келдим, нопокман, покланишимга ёрдам беринглар», – деса, лекин буни эшитганилар унга ёрдам бермаса, унинг гуноҳидан учдан бири буларга ўтади.

101. Иккинчи хатра йўлни югуриб ўтиб, яна йўлда давом этсин, токи бу йўл узра яратганинг жонзотлари йўлиқса, қаттиқ овозда уларга «Бу ерда мурдага дуч келиб нопок бўлган одам бор, ўйламаган, сўзламаган ҳолда мурдага дуч келган (атайлаб эмас). Менга покланиш жоиз бўлсин». Шунда упинг покланишига дуч келган одамлар ёрдам бермасалар, гуноҳидан ярми буларга ўтгувчидир.

102. Учинчи хатра йўлни чошиб ўтгач, яна югуришила давом этсин, токи йўлида учраган одаму жонзотларга қаттиқ овоз билан билдирысин: «Бу ерда мен мурда билан... беихтиёр дуч келган нопок одамман. Менинг покланишим жоиздир». Агар шунда хам одамлар унинг покланишига ёрдам бермасалар бутун гуноҳни ўз гарданларига олган буладилар.

103. Шундан сўнг мурдага дуч келган одам яна бир хатра югурга бориб, йўлида уй (дмано)га, қургонга, қишлоққа, юртга дуч келса барадла товуш билан «Бу ерда мурда билан дуч келган... одам бораяпти. Унга покланиш жоиздир», – деб бакирсын. Унга ёрдам бермасалар, бу одам узи говmez – сигир ишебини олиб, у билан ювиниб поклансан. Кетидан сув билан ғусл қилсан. Шунда у покланган хисобланади».

104. – «О дунёши яратгувчиси, поко парвардигор! Агар (мурдага дуч келган одам) йўлида унинг нас босган нолок бўлиши мумкин бўлган сув булса, унинг гунохи учун қандай жазо лойикдир?»

105. *Аҳура Мазда* деди: – «От камчиси билан уни тўрт юз марта урсилар. Тўрт юз «итоат қамчиси» билан урсилар».

106. – «Эй борлик дунёни яратган парвардигор! Агар бу йўлда (муқаддас оловга ишлатиладиган) ўсимликлар бўлса-ю, улар мурдага дуч келган одамдан нопок булиб қолсалар, бунинг учун у одамининг жазоси нима?»

107. *Аҳура Мазда* деди: – «Унга от қамчиси билан тўрт юз зарб урилсан, яна торт юз «итоат қамчиси» билан урилсан. Гуноҳидан фориг бўлиш ҳакида имонли артабонлар амал қилишлари лозим бўлган шартларни баён этлик. Кимки буларга риоясиз бў-

лар әкан, гунохидан қутулишігә ҳаракат килмас әкан, (унинг тақдирі) дұзахнинг (дауж вахуның) доимий ахын булыб қолмок-дир».

12-Фрагмент

1. *Заратуштра Ахура Маздалан* сүради: – «Әй борликни яратған парвардигор, әй Ҳак! Ота ва она вафот этса, үғил ва қызы бири ота учун, иккінчиси она учун қанча вакт азадорлық қиласылдар? Имонли одамлар учун аза муддати қанча? Гунохкор, яны (гунохини ювмай қайтиш килған) одам азасининг муддати қанча?»

Ахура Мазда деди: – «Имонлилар азаси уч күн, гунохи билан кеттіндер азаси эса олтмиш күндір».

2. – «Әй дүнёни яратған парвардигор, әй Ҳак! (Мурда ёттан хонани (нас леви таъсиридан) қандай поклаш мүмкін)?»

Ахура Мазда деди: – «Уч марта тан ғусули қилингач, кийимлар уч марта ювилади. Уч марта (муқаддас) Гохлар күйланади. Менниң Атар – оловимга әхсонлар бағишиланади. Барсман тутамларини күлде тутиб, ҳаома құпланади. Эй Спитама Заратуштра! Мурда ёттан хона шундан сүнг настан ариған булади. У ерга олов, сув ҳамда доимо барxaёт малоикалар (амэшаспента)лар кела олади».

3. Агар хонадонда үғил ёки қызы вафот этса, үғил учун ота, қызы учун она қанча вакт аза тутмоги лозим? Бегунох фарзаңд учун аза нечөгликті? Гунох кори билан кеттіндер учун нечөгликті?»

Ахура Мазда жавоб берди: – «Бегунохи учун уч күн, гунохкори учун олтмиш күн азадорлық қилиш лозим».

4. – «Әй борликниң парвардигори, ё Ҳак! Опа-сингил ака-ука үлганаң тақдирда опа сингил учун ёки (сингил опа учун) ака ука учун (ука ака учун) қанча вакт (узлат чекиб) аза тутиши буюрилади? Бегунохи учун қанча, гунохкори учун қанча?»

5. *Ахура Мазда* деди: – «Бегунохи учун уч күн, гунохкори учун олтмиш күн аза тутмок лозимдір».

6. – «Әй бори дүнёни яратған парвардигор, әй Ҳак! Әманұпти – хонадон сохиби, ёки әманұпти – хонадон сохиябаси үлса, хонадон атъолари қанча муддат аза тутсынлар? Бегунохи учун не муддат, гунохкор бандаси учун қанча вакт?»

Ахура Мазда деди: – Бегунохи учун олти ой, гунохкор кеттіндер учуп бир аза тутсынлар».

13-фрагард

Авеста китобида *Аҳуралар* ва *Язатлар* девларга қарши эзгулик кучлари бўлгани сингари, Ахриман яратган заарли жонивору жондорларга қарши эзгулик хизматидаги ҳайвонлар ҳам яратилгани ҳакида ёзилган. Ахриманинг заарли жониворлари умуман храфстра номига бирлаштирилади. Храфстралар турли заарли ҳашаротлар ва ҳайвонлардир. Уларга қарши курашувчи ҳайвонлар эса, *Аҳура Мазда* яратган хилқатлар қаторида туради. Шулардан бири *зардуштиликда* алоҳида хурмат билан каралган ҳайвон – итдир. Бу ҳайвон шаънига «*Видевдот*» китобининг 13-фрагарди багишланган. Ит ҳакида у билан боғлиқ расм-русумлар, итни парваришлиш ҳакида баъзи парчалар бошқа фрагардларда ҳам учраб туради.

1. – «Муқаддас рух, яратган жонзотларниpg орасида кайси бир жонзот муқаддас руҳдан яралмиш, ҳар тун ярмидан то тонг оттунига қадар (куёш чиккунча) Ёвуз рух яратган (заарли) хилқатларни минглаб ўлдириш учун отланиб (чикади)?»

2. *Аҳура Мазда* деди: – «Бу (кирпи) Ванхапара – типратикан, тумшуклари узун ёввойи кучукча⁴³⁰. Унга оғзи бузук одамлар Дужака деб лакаб кўйганлар. Бу ҳайвон муқаддас рух яратган, эзгу хилқатларданки, уларни Муқаддас рух яратган ҳар тун ярмиди чикиб, то қуёш чиккуннига қадар минглаб, ёвуз рух яратган (заарли) жонзотларни йўқ киласди.

3. Агар кимки, эй *Заратуштра*, Ванхапара – ўткир тумшукли кучукчани, оғзи бузуклар Дужака деб атайдиганни ўлдирса, ўз калбиси (ва руҳини) тўқкиз авлодига қадар бузган булади. Ҳаёт вактида *Сраоша* олдилда ўз гуноҳидан кутулмаса⁴³¹, Чинвод кўпрги⁴³² унинг учун утиб бўлмасдир».

4. – «Эй борлиқ (моддий, ўткинчи) дунёни яратган парвардигори поко! Агар кимдир тумшуги учун Ванхапара – итни, оғзи шалюк одамлар Дужака деб (камситиб) атайдиган жонзотни ўлдирса, унинг жазоси недир?»

Аҳура Мазда деди: – «Унга от камчиси билан минг марта зарб уришсин, минг марта «итоатта келтирувчи камчи» билан уришсин».

⁴³⁰ Кирпи, типратикан Авестада ит турига киритилади.

⁴³¹ Сраоша одамлар гуноҳу санобининг ҳисобини олиб борувчи музаккил.

⁴³² Чинвод кўпрги – зардуштиликда жаннатга олиб утгувчи кил кўпприк. Ўз ножкорлар ундан ўтолмай, дўзахга куладилар. Яратталлар орасида Ёвуз рух яраттан жонзот шудирки, у ҳар куни «рим тупсан то кун чиккуннига қадар (Эзгу) Муқаддас рух яратганларни қирғин киласди.

5. – «Ёвуз рух яратган жонзотлар ичра Ёвуз руҳдан яралган хилкат недирки, ҳар ярим тунда чикиб, күёш қурингунча Мукадас (эзгу) рух яратмиш (жонзот)ларни минглаб йўқ қиласди?»

6. *Аҳура Мазда* деди: – «Бу, эй *Спитамаи Заратуштра*, Заиримайнурга – тошбакадир. Уни (сўзга бефарк) шалоқ оғизлар Заиримайка дейдилар. Ёвуз рух яратганилар орасидаги жонзот шудирки, у ҳар куни ярим тундан то кун чиккунига қадар эзгу килиб яратилганиларни қирғин қиласди.

7. Агар қимки, эй *Спитамаи Заратуштра*, оғзи шалоқ, сўзига эътиборсиз одамлар Заиримайка деб атайдиган жонивор заиримайнурани ўлдирса, унинг эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал ўрнига ёвуз ўй, ёмон амаллар килиб (орттирган) гуноҳлари ювилаб кетади, ёвуз ўй, нолойик сўз, ёмон ишлари (худо томонидан) кечирилади.

8. Мол-ҳолни қўриқловчи итни, хонадон посбони итни, овчи итни, (юмушга) ўргатилган итни ва ёки саёк итни ўлдирган одамнинг жони (рухи) танидан кучгандан кейин у дунёга дод солиб, бури чангалида зор бараган кўй каби уввос тортиб дўзахга кетади, гўё чукур хандакка тушиб колган бури ув тортган каби.

9. Ва ҳеч кандай рух фарёду дод солиб ётган (гуноҳкорнинг) руҳига кўмак бермайди. Вахухишта – беҳиштга (жаннатга) олиб ўтувчи Чинват қўпргини қўриқлаб тургувчи икки итдан бирор таси ҳам (гуноҳкорнинг) ув торгаётган руҳига мадац бермайди.

10. Кимдир подалар қўриқчиси итга шикаст етказса, итнинг кулогини кесса ва ё итнинг оёғини синдирса, унинг бу килмиши гуфайли ўтри ёки кашкир бирор тўёкни сездирмай судраб колган бўлса, инсонга сттан зарарни ул кимса тулаши лозим; унинг жазоси атайлаб итга шикаст етказган одамнинг жазоси билан тенгдир.

11. Кимки уйни қўриқловчи итга шикаст етказса, унинг кулогини кесса, оёғини синдирса, натижада ўтри ёки бури хонадондан бирор нарсани олиб кетса, бундай одам жазо топмоғи керак; унинг жазоси итга атайин шикаст етказганинг жазосига тенгдир».

12. – «Эй бори лунёни яратган парвардигор! Подани қуриқловчи итни ўласи қилиб урган одамнинг жазоси недир, токи унинг зарбидан ит жон берса?»

Аҳура Мазда деди: – «Уни от камчиси билан саккиз юз марта урсынлар, яна саккиз юз марта «итоат камчиси» билан урилсин».

13. – «Эй ўткинчи дунёни яратган парвардигор! Уй курикчиши итни ўладиган қилиб урган одам, унинг зарбидан ит жон берган такдирда қандай жазога лойик?»

Аҳура Мазда деди: – «Уни от камчиси билан егги юз марта урсынлар. Етти юз марта «итоат қамчиси» билан урсынлар».

14. – «Эй борликни яратган парвардигор! Овчи ит⁴³³ ни ўладиган қилиб урган одам, унинг зарбидан ит жон берса, қандай жазога лойик?»

Аҳура Мазда деди: – «Уни олти юз марта от қамчиси билан урсынлар. Олти юз марта «итоат камчиси» билан урсынлар».

15. – «О борликни яратган парвардигор! Балоғатта етмаган (яни 4 ойга тұлмаған) күчукни уриб ўлдирған одамга унинг зарбидан күчук жон берса, жазоси қандай бұлади?»

Аҳура Мазда деди: – «Уни беш юз марта от қамчиси билан урсынлар. Яна беш юз марта «итоат камчиси» билан урсынлар».

16. Худди шундай жазога кирпини, ... жайрани, тишлиари... жунлари пахмоқ тулкини – мукаддас рух (*Аҳура Мазда*) яратған барча итсімонаңларни ўлдирғанлар лойиктер (яни беш юз от қамчиси зарбін).

17. – «Эй борликни яратган парвардигор! Подани куриклөчи итнинг карамоғидаги ҳудуд қаер бұлади?»

Аҳура Мазда деди: – «Йүжійасты масофада пода атрофини у куриклаб юради, үгри ёки бурининг изларига түшади»⁴³⁴.

18. – «Эй борлик дунёниң парвардигори! Уйни пойлайдиган итнинг жойи қаерда бұлади?»

Аҳура Мазда деди: – «Үй томонға келувчи йул бир хатра қолған ердан бошлаб ит қаровида бұлиши керак».

19. – «Эй борликни яратған парвардигор! Овчи итнинг үрни қаер?»⁴³⁵

Аҳура Мазда деди: – «Бирор юмушни бажаришға ўргатилмаган (ит) (инсон), ҳимоясига мұхтождир»⁴³⁶.

⁴³³ «Овчи ит» иборасы әтвөйи, дайди (әтвөзі) ит маънисида.

⁴³⁴ 16 хатрага тенг масофа. Агар хатра 1 чакирим бұлса, подани куриклөчи ит 16 чакирим радиус бүйлаб подадан уттын иккى чакиримчы масофа да күрікшаш керак. Бу часофа да мүболага бордек күрінади. Лекин Авестада бу түшүнчі одамдагиәк кабул китинган.

⁴³⁵ Янын овчи ит – дайди холда күн күрувчи ит.

20. – «Эй борликни яратган парвардигор! Подани пойловчи итни овқатдан сиққан одам бу иши билан қанчалик гуноҳ қилған булади?»

Ахұра Мазда деди: – «Унинг гунохи шунчаликки, бу фоний дунёда у гүё зодагон хонадон бошлигининг насибасини кирккан қадар».

21. – «Эй борликни яратган парвардигор! Уйни қурикловчи итни овқатдан сиққан одам үз ишлари билан қанчалик гуноҳга боттан булади?»

Ахұра Мазда деди: – «Бу фоний дунёда гүё ўртахол уй сохи-бини насибасидан қисганчалик».

22. – «Эй борликни яратган парвардигор! Овчи итни овқатдан маҳрум қилған одам қилмиши қанчалик гуноҳ булади?»

Ахұра Мазда деди: – «Унинг гунохи шу қадарлики, мисоли бу фоний дунёда унинг уйига келгап, рухоний хислатига⁴³⁷ эга ҳамда үзига үхшаш имонли одамни насибасиз қилғанчалик гу-ноҳга қолгай»⁴³⁸.

23. – «Эй борликни яратган парвардигор! Кучук (ит бола-си)ни насибасидан маҳрум қилған үз қилмиши билан қанча гуноҳ орттиради?»

Ахұра Мазда деди: – «Унинг гунохи шунчаликки, гүё у имонга келгап (үн беш ёшли) ўспиринни, машаққат билан бур-чини адо этәёттеган йигитчани насибасидан қисганчалик».

24. – «Эй фоний дунёни яратган парвардигор! Подани қу-рикловчи итнинг насибасидан маҳрум қилғаннинг жазоси нима?»

Ахұра Мазда деди: – «Унга тан жазоси берилиши керак: уни икки юз марта от қамчиси билан урсиналар, икки юз марта «итоат қамчиси» билан урсиналар».

25. – «Эй фоний дунёни яратган парвардигор! Уйни қурик-ловчи итни овқатидан маҳрум қилған одам жазоси нима?»

Ахұра Мазда деди: – «Уни от қамчиси билан тұқсон марта урсиналар. Тұксон марта хипчин билан урсиналар».

26. – «Эй борлик дунё парвардигори! Овчи итни овқатдан маҳрум қилған одамнинг жазоси нима?»

⁴³⁶ Унинг жонини сакслаш одамларнинг вазифасидир.

⁴³⁷ Артавон – хак Йұлға кирган имонлы одам.

⁴³⁸ Бу үрінде тидаңчылғы одаттнинг қадиғи құрыннан ҳаңдаған кетаёттән құрнанағы.

Аҳұра Мазда деди: – «Уни етмиш марта от қамчиси билан урсынлар, стмииң марта хипчин билан урсынлар».

27. – «Эй борликни яратган парвардигор! Ёш кучукчани насибасидан маҳрум қилғанлар жазоси нима?»

Аҳұра Мазда деди: – «От камчиси билан эллик марта урсынлар, эллик марта (итоатта келиши учун) хипчин билан урсынлар.

28. Бу фоний дунёда, эй *Спитама Заратуштра*, Муқаддас рух яратган зэгу хилкатлардан ул итлар тез қариб қолурларки, емиш еб турган одамлар олдида овкатдан маҳрум қилингандар, итлар, овқатни күриб туриб, уни ея олмаган итларга, сен (эй *Заратуштра*), бундай итларга уларнинг емишини – сут, мой ва эт келтиргин»⁴³⁹.

29. – «Эй фоний дунёни яратган парвардигор! *Маздаясна* зътиқодидаги одам уйидаги ит товуш чиқармай күйса, яъни кутуриб қолса, маздапараст нима қилмоғи лозим?»

30. *Аҳұра Мазда* деди: – «Униіг бүйнита маҳсус ёғоч бүйинтурук боғлаб, сұнг түмшүгини ҳам сириб боғлаб ташласындар. Ёғоч каттик бұлсиян, үлчамлари тұрт бүғин»⁴⁴⁰.

31. Шундай килиб агар оғзи сирилмаса, итни боғлаб ташлансан. Борди-ю, вовилламай күйгап (кутурған) ит молни ёки одамни тишлиласа, у жазолансин. Қилмиши атайлаб қилингандар гуноҳ катори хисоблансан.

32. Одамни ёки ҳайвонни биринчи марта тишлилаган пайти унинг үнг қулоги кесилсисин; иккинчи марта ҳайвонга ёки одамга ташланса, унинг чап қулоги кесилсисин.

33. Агар учинчи дафъа (бундай ит) чорвага ташланса, учинчи марта одамни тишлиласа, унинг үнг оёгини (бүғинидан) кесилсисин.

34. Тұртингичи бор чорвага хужум қылса, одамни копса, унинг чап оёғи кесилсисин.

35. Бешинчи марта чорвани таласа, одамни бешинчи марта қопса, унинг думи кесилсисин. Бундай итнинг түмшуги (ёғочдан ясалған түмшүқбанд) билан боғлаб күйилмаса, улимай күйгап кутурған ит чорвани ёки одамни копиб олса, бу қылмиши учун худди атайлаб қилингандар гуноҳ учун жазолангандек жазо олсисин».

⁴³⁹ Ит бир әрқак сәйлигін миқдорда овқат сәйиши керак, дейіллади Авестада.

Лаштру – бүғин ёки бармок эки.

36. – «Эй фоний дунёни яратган парвардигор! Мазда параастнинг уйида ис билмас булиб қолган ит кутурган бўлса, мазда-парастлар на чора кўрсинлар?»

Аҳура Мазда деди: – «Уни даволаш чорасини кўрсинлар (топсинлар), ўзини *Маздага* бағишлаган имонли кишини даволаган каби».

37. – «Эй борликни яратган парвардигор! Агар бунинг да-воси тошилмаса-чи?» *Аҳура Мазда* деди: – «Бундай итнинг бўйни-дан боғлаб, тумшуқбоғ тутаб қўйишин: каттиқ ёғочдан бўлса, ўлчами ашти⁴⁴¹, юмшоқ матодан бўлса ўлчами икки баробар катта бўлсин. Агар тумшуқбоғ билан боғламасалар, итнинг ўзини боғлаб қўйинлар. Агар шундай қўлмасалар ис сезмай қолган ит бирор чукурга, кудукка, жарга, жилғага, кайик (кема) юрар сувга тушиб қолиши мумкин. (У ўлса мурдасидан) шу муқаддас нар-саларга заرار келади»⁴⁴².

38. Ит шу каби (кийналиб) азоб чексса, (яъни чукурга тушиб қолса, сувга тушиб кетса...) бунинг учун айборлар тан жа-зоси олишлари жоиздир.

39. Итни Мен – *Аҳура Мазда*, ўз кийимига уранган ҳолда яратдим. Эй *Заратуштра!* Оёғида бошмоги билан яратдим. Доимо уйғок (яратдим), ўткир тишли (килиб яратдим). Бир эркак насибасига лойик смиш бермокқа лойик килиб яратдим⁴⁴³, токи у олам осойишталигини куриқласин. Мен, *Аҳура Мазда*, ёвуз душманлардан юртни қуриклари учун итни яратдим. Ҳакикат бар-қарор бўлар экан, дунё тургунча шундай булиб қолади.

40. Эй *Спитама Зардушт*, кайси уйдан тийрак, зийрак ит овози эшитилиб турса, на ўгри ва на бўри билдирамасдан бирор нарсани тортиб кетолмайди. Ит ўғриларни ўлдиради, сўлаклари сачраган бўриларни даф килади».

41. – «Эй фоний дунёни яратган парвардигор! Икки бўридан кай бири аввал үлдиришга лойик: Итдан бўри туғилгандами ёки бўридан ит туғилгандами?»

⁴⁴¹ Ашти – ўлчов бирғлиги: 4 бармоқ. Мурда бузарни харом кишини ҳавфли ҳисобланади.

⁴⁴² Чукур срағ, ўсига, сув демак, жарзик (ер ёрини деб берилган) бу ҳам ер. Кутурган ит мурдаси бузарни харом кишини ҳавфзи ҳисобланади.

⁴⁴³ Ит смиши бир эркак смишинга тенг булиши керак. Акс ҳолда бу меъёр бузилади. Кимки итниг насибасини киркса, яхсога лойикадир (карниг 13-фрагма, 28- бинад).

Ахура Мазда деди: – «Эй имонли Заратуштра, итдан туғилган бүри, бүридан туғилған итдан олдинрок үлдиришга лойикдир⁴⁴⁴.

42. Бу икки тур итнинг бири, яъни чўпон ити, уй кўрикчиси, овчи ит, ўргатилған ит кабилардан туғилған (бүри) ит тирик жон учун ҳалокатлидир. У хавфлирок, ёвузрок, тирик жонли хилқатлар учун кўпроқ хавфли, кўпроқ ёвуз, бошқа итлардан кура кўнрок қаттол бўлур.

43. Ўша икки бүри (кашқир ва она бүри)дирки, ит билан күшилгандан туғиладиган кучук тирик махлуклар учун янада бошқа оддий бўрилардан кура ҳалокатлирок, ёвузрок, қаттолроқ.

44. Бир ит ўзи, лекин саккиз хилқат билан тенг: феъли рухоний каби; жангчи мисол рафтори, чорвадор каби хислати, кул нинг атвори ва ўгри ҳуйи бор унда, мисоли тун вахшийси, гоҳ қилиги бузук хотиндек, баъзан боладек.

45. Емиши озга қаноат, гўё рухонийдек, камтаринлиги ҳам рухонийдек ҳилм (юмшоқ) кунгил, рухонийдек озга тук. Айниқса, шу хислати рухоний мисол. Жангчи каби доим олдинда подани жангчидек фидоийлик билан химоя килади, поданинг кетида ҳам у худди жангчи, уй атрофила ҳам мисоли жангчи. Айниқса, уй кўриқлаганда у жангчидир.

46. У сергак. Уйқусида ҳам чорвадор каби ҳушёр. Уй олдида ҳам, уй ортида ҳам худди чорвадордек (лоимо ҳушёр). Бу хислатда ит гўё чорвадор. Кул каби кўнглингни топувчи ҳам ит, кул каби айёру маккор ҳам ит. Бу унинг қулча хислатидадир.

47. Тун коронғу тушишини кутиши худди ўғридек, тунда «тириклик» қилиши ўгри мисол; қулига тупланини тортиб кетиши ўғри мисол. Бекарору ишончсизлиги ўгри кабидир. Бу хислатларида итнинг ўғрилиги бор. Тунни кутишда тун вахшийси каби; тунда тириклик қилиши худди тун вахшийсидек, илингган нарсани илиб кетавериши тун вахшийси каби⁴⁴⁵.

48. Бузук аёл каби кунгил онловчи, бузук аёлдек маккор... Бу хислатлари билан ит бузук аёлдек. Бола каби уйкуга ўч, бола каби сұлакайи окқан, бола каби тилини чиқарувчи, бола каби олдинга

Бу ўринда бўри билан илакиниб колган итлан ёки ит билан илакиниб бўридан туғилған кучукнинг бўридан ҳам ҳанфли экани таъкидланмоқда.

⁴⁴⁵ Бу сўз всл матнида ғаирмийасфма трийфесма - тушушиб изоҳланмаган. Тажминап, «тунда ов қилювчи вахший» деб олдик.

пилдирлаб кетиб колувчидир ит. Бу ҳислатлари билан болага ўхшаш⁴⁴⁶

49. Бу иккови⁴⁴⁷ уйларимизга яқинлашган пайтда пода күрекловчи, уй пойловчи итлар уларни йұлатмасин. *Ахұра Мазда* яратған Ер юзида агар шу ит бұлмаганда зди, пода ва уй күрикчиши бұлмаганда зди, Менинг уйларим ҳам мустахкам турмаган бўларди.

50. – «Эй борликин яратған парвардигор! Ҳеч қандай хизматга ярамайдиган, ҳатто уруги ҳам куриган ит ўлса, унинг рухи қаерға кутарилади?»

51. *Ахұра Мазда* деди: – «Итнинг рухи сувларнинг сарчашмаси бопига келади. Мингта қанжик рухидан бир жуфт – эркак ва ургочи сассиккүзан туғилади. Сассиккүзанни ўлдирған киши эса кургокчилик чакирған ва яйловларни күйдирған бўлади.

52. Шундан кейин, эй, *Спитамаи Заратуштра*, бу обод срни куту барака тарк этади, соғлик, бардамлик бу манзилдан кетади. Бу ер гуллаб яшнамайди, неъматлари күпаймайди. У срдан майсалар ўсиб чиқмайди, дон унда стишмайди, ўтлоклар бўлмайди.

53. – «Эй борликин яратған парвардигор! Бу обод срга кутбарака, ободлик, соғломлик, бардамлик, неъматларга мўл-кўллик, майсаларга униш, донларга етилиш, яйловларга бўлиқлик качон қайтиб келади?»

54. *Ахұра Мазда* деди: – «Бу срда сассиккүзанни ўлдирған гуноҳкор ... ўлдирилмагунча, сассиқкүзаннинг рухига эхсонлар килиб уч кечаю уч кундуз олов ёкилмагунча, барсман новдаларидан тутам ушланмагуича, ҳаома тайёрлаб ичилмагуича (бу ерга ободлик қайтиб келмайди).

55. Шундан кейингина бу ерга мўл-кўллик, ободлик, соғломлик, бардамлик, ҳозиқлик, гуллаб-яшнашу ўзидан күпайиш, униб – ўсиш, донлар бўлиқлиги, яйловлар яшиллиги қайтиб келади».

15 - фрагард

1. – «Гуноҳкорни ўлим жазосига лойик этувчи гуноҳ учун пушаймонлик ёки товон туланса-да, кечирилмайдиган гуноҳлар канча?»

⁴⁴⁶ Бу ҳислатлар бўри билан ит қони күшалиб туғилған итларга мисбатан санаған.

⁴⁴⁷ Яъни, иккى тонфа арадашсан ит: бўри билан итдан, ит билан бўридан туғилған ит.

2. *Ахура-Мазда* деди: – «Эй Спитама Заратуштра, бундай гуноҳлар бештадир. Биринчи гуноҳ: ўзгача ва хато динни кимки (*Ахура* динига) имонли (артавон) кимсага ўргатмоқ бўлса, бу гуноҳ (кечиримсиз), ўлимга лойиқдир.

3. Иккинчи гуноҳ: дайди итга ёки уй кўрикловчи итга қаттиқ сувяк бериш ёки қайнок овқат солиш.

4. Борди-ю қаттиқ сувяк ит тишларини синдирса, ёки томоғига тикилса, қайнок овқат тилини, оғзини (ичини) куйдирса ва ит ҳалок бўлса, бу гуноҳни содир қилган кимса ўлимга лойиқдир.

5. Учинчи гуноҳ: бўғоз итни уриш, уни ҳайдаш мақсадида кўркитиш, унга бакириш, турли ҳаракатлар билан дўк-пўписа килиш.

6. Булар натижасида туғадиган ит қочиб, бирор чукурга, ўнгурга, жарликка, оқар ёки сокин сувга тушиб кетиб шикаст топса, ёки ҳалок бўлса, бу гуноҳни содир қилган киши кечиримсиз ўлимга лойиқдир.

7. Тўртингчи гуноҳ: эркак ҳайз кўрган хотин билан билиб ёки билмай алоқа қилиши. Бу гуноҳ ўлимга лойиқдир.

8. Бешинчи гуноҳ: эрнинг ҳомиладор хотин билан алоқа қилиши хотиннинг қўкрагига сут қелган ёки қелмаганидан қатъи назар. Эрнинг бу иши туфайли хотинга зарап етса ёки ўлса, бу гуноҳ кечирилмасдир, унинг жазоси ўлим.

9. Агар бирор эркак бўй етган, лекин эр кўрмаган қиз билан ёки жувон билан бўлса ва у қиз ё жувон (бу эркакдан) юкли бўлса, сўнг элдан уялиб, болани туширса (ҳомиласи устидан кон кўришга чора қилса),

10. Ўша қиз ёки жувон номус килиб ўзида ножоиз ҳайз пайдо қилса бу – ёмон гуноҳдир.

11. Агар бирор эркак бўй етган, эр кўрмаган қиз ёки эр кўрган жувон билан бўлиб, уцдан шу қиз ё жувон юкли бўлса, лекин ор-номус гуфайли пуштидаги ҳомиласини – ҳаётининг нишонини тушириб йўқ қилса,

12. Агар ўша қиз ё жувон бўйидаги «тугун»ни номус туфайли нобуд қилса, қотиллик қилган билан тенг гуноҳ (бир вактнинг ўзида) ҳам жувоннинг ҳам (ҳомиланинг сабабчиси) эркак зиммасидадир. Улар очиқ, эл кўзида ўлдирилиши лозим.

13. Агар бирор эркак бўй етган эр кўрмаган қиз ёки эр кўрган жувон билан бўлиб, қиз ё жувон бўйида ундан бола пайдо

булса, шунда уша «Сен менинг буйимда бола наядо килдинг!», – деса, эркак унга: – «Кекса (ва билгувчи) кампир топиб буйингдагини гупильтир!» – деб айтса.

14. Киз ё жувон шундай кекса кампирни топиб, буйидаги болани туширишни сұраса, кампир эса баңға, шета, гинон, фарасиңта каби үт-уланлардан дори килем. болани туширса, шундан кейин эркак (жуфтига): «Энди бу ҳәётингдан нишонангни күздан нарига олиб бориб ташла!» – деса, киз ё жувон шундай килса, бу ғунохнинг залвори учови учун баробардир.

15. Агар бирор эркак буй етган, лекин эр күрган жувон билан булса, киз ё жувоннинг бундан буйида булиб колса, то күзи ёриб у жувон боладап бушанмагунча эркак уни үз карамогига олмоги лозимдир.

16. Агар эркак жуфтини етарли парвариш килмаса, бундан ҳомила зарап, шикаст топса, бу эркак үлимга маҳкумдир.

17. – «Эй борликнинг парвардигори! Эй ҳак! Ой куни тулиб иккикат аёл йўл устида күзи ёриса, маздопараствлардан ким уни үз ҳимоясига олади?»

18-19. (Бундай ҳолда аёлни) үз ҳимоясига олмоқлик хар бир ҳакка имон келтирган кимсанинг – (артавон)нинг вазифасидир.

(Йулда туккан) иккикат хоҳ одам бўлсин, хоҳ ҳайвон, хоҳ ит – уни артовон (имонли одам) үз ҳимоясига олмоги лозим».

20. – «Эй борликни яратган парвардигор! Эй ҳак! Ургочи ит йўл устида болаласа, маздопараствлардан ким уни парваришлами лозимдир?»

21. *Аҳура Мазда* деди: – «Уйи энг яқин маздопарааст корнида ҳомиласи бор итни то у туккунча ва тукқанидан сунг кучуклари билан кўшиб парвариш килиши лозим».

22. Маздопарааст бўгоз итни астойдил парвариш килмаса, бундан унинг кучукларига зарап етса, маздопарааст үлим жазосига лойиқдир.

23. – «Эй борликни яратган парвардигор! Эй ҳак! Ургочи ит тия Қўрасида⁴⁴ вакти-куни етиб болаласа, унга маздопараствлардан (биринч галда) ким қараши лозим?»

24. – «(Туялар бокиладиган) бинони қурган ёки ундан фойдаланишга ҳакли одам бўгоз итни то туккунига қалар, болалагач эса кучуклари билан бирга парвариш килмоғи керак.

⁴⁴ Туялар сакланадиган жой.

25. Ўша одам бүгоз итни керагича парвариш қилмаса, бундан кучукларга зиён етса, (бу ғуноҳ учун) ўлим жазосига лойикдир».

26. – «Эй борликнинг парвардигори! Эй ҳак! Ой-куни тұлиб бүгоз ит отхонада болаласа, маздошарастлардан ким уни парваришилаши лозим?»

27. *Aхура Мазда* деди: – «Отхонани қурган одам ёки ундан фойдаланишга ҳақын одам бүгоз ит болалагунча сунгра эса кучуклари билан бирга парваришлаб туриши лозим».

28. Агар бүгоз итта одам ёрдам қилмаса, бу ишдан кучукларига зиён етса, бундай одамнинг жазоси эл күз ўнгиде ўлимдир».

29. – «Эй борликни яратган! Эй ҳак! Бүгоз ит ой-куни тұлиб, сиғир охурида болаласа, унга ким парвариш курсатмоғи лозим?»

30. *Aхура Мазда* деди: – «Сиғир охурининг зөгиси, ёки ундан фойдаланишга ҳақын одам ит болалагунча ва сунгра кучукчалари билан бирга парвариш килиб туриши керак».

31. – «Бу одам бүгоз итни парвариш қилмаса, күчукчаларига зиён етса, унинг жазоси эл күз ўнгиде ўлимдир».

32. – «Эй борликни яратган! Эй ҳак! Бүгоз ит ой-куни тұлғач, күй күрасида болаласа, унга ким парвариш курсатиши лозим?»

33. *Aхура Мазда* деди: – «Күйга күра қурган ски күрадан фойдаланишга ҳақын одам бүгоз ит болалагунча, кейин эса кучукчалари билан күшиб парвариш қилиши керак.

34. Бу одам бүгоз итга етарли қарамаса, күчукчаларига зиён етса, унинг жазоси эл күз ўнгиде ўлимдир».

35. – «Эй борликнинг парвардигори! Эй ҳак! Бүгоз ит ой-куни тұлиб, десвор билан үралған уй ичида болаласа, *Мазда*яна жамоасидан ким уни парвариш қилсіп?»

36. *Aхура Мазда* деди: – «Десвони қурган одам ски ундан фойдаланиш ҳуқукига эта одам болалагунча итнинг ўзига, кейин эса күчукчаларини ҳам күшиб парвариш қилиши лозим.

37. Шу одам бүгоз итни етарли парвариш қилмаса, натижада күчукчаларига зиён етса, унинг жазоси эл күзида очик-ойдин ўлимдир».

38. – «Эй борликни яратган! Эй ҳак! Бүгоз ит ой-куни тұлиб, бирор чукур ичида болаласа, *Мазда* әзтиқолида бүлған қай одам уни парвариш қилиши лозим?»

⁴⁴⁹ Өчкідан-очик жамоат күз унгиде.

39. *Aхура Мазда* деди: – «Уша чукурни қазиган одам ит түгмасидан олдин үзини, болалагач, кучукчалари билан қүшиб парвариши қилиши лозим. (Чукур қазиган) бүгөн итни шарвариши этмаса, бу қылмишидан кучуклари зарар гопса, ундай одам жамоа күзи ўнгода ўлимга лойик».

41. – «Эй борликни яраттан! Эй ҳак! Бүгөн ит ой-куни етиб, үтлок ёки экин даласида болаласа, уни *Маздаясна* жамоасидан ким парвариши қылмоғи лозим?»

42. *Aхура Мазда* деди: – «Үтлок ёки экин даласидан фойдаланувчи одам ит болалагунча ва ундан кейин кучукчалари билан күнип парвариши қилиши керак.

43. Бу одам яхшилик нияти билан күнгли юмшаб, хас-хашак ва барг-хазонлар йиғиб итнинг остига түшаб ёткизмоғи лозим. Ит (бу жойда) бехавотир, тинч ётсии, кучукчалари теталиб, үзини-үзи әплагунига қадар (итта ҳам, болаларита ҳам) меҳрибонлик қилиб туриши керак».

44. – «Эй борликни яраттан Ҳак парвардигор! Итлар кай вакт үzlари мустакил яшай оладилар?»

45. *Aхура Мазда* деди: – «Итлар ўн түрт хонадон атрофини югуриб айланиб күриклай оладиган бүлгандан бошлаб, үzlарига мустакил кун күра олиши мумкин. *Aхура Мазда* ўғли Оташ иккىнат хотинни (назар-нафасдан) асррагани каби, бүгөн итни ҳам химоят килади».

46. – «Эй борликни яраттан! Эй ҳак! *Маздаясна* йўлини тутганлар зотли ит олиш учун ургочи итни қандай кочирсингилар?»

47. *Aхура Мазда* деди: – «Кий құраси олдидан бир чукур қасисингилар. Ер қаттык бұлса чукур тизза бўйи, юмшок ерда эса бел баробар бўлсин.

48. Аввало, ургочи итни *Маздаясна* жамоаси болаларидан ҳамда *Aхура Мазданинг* ўғли Оташ (олов)дан узокда асрайдилар⁴⁵⁰. Бу ит болалардан нари бўлиши керак⁴⁵¹. Сунгра уч нафартча кўппак келиб илиқкан ит билан қўшилмагунча қараб турадилар...

49. Уч нафар эркак ит билан қовушган ургочи ит корнида юк пайдо булади. (Вақти еттак), эмчаклари сут билан тўлишади. Ундан асл зотли кучуклар туғилади».

⁴⁵⁰ Бу тадбирнинг маъноси шуки, ургочи итпинг ичикиш вакти унинг ҳаром даври хисобланади. Ичикиш ит поклик рамзи оловдан узокда бўлиши керак.

⁴⁵¹ Ит – мукаддас хайвон. Болалар эса то ун беш ўшгача жамиятта аъзо эмас. Улар покланган хисобланмайди. Улардан итта нас, ҳаром назар тушиши мумкин.

50. – «Уч эркак ит билан қүшилиб бүгоз булган итни урган одамнинг жазоси нима бўлсии?»

51. *Aхура Мазда* деди: – «От камчиси билан етти юз марта, «итоат камчиси» билан етти юз марта урсинлар».

16 - фрагмент

1. – «Эй борликнинг парвардигори! Эй ҳак! *Маздаясна* жамоаси вакили оиласида бирор аёл хоҳ ўз вактида, хоҳ ўзга сабаб билан ой кўрса. (хайз кўрса) маздонарастлар нима чора курсинлар?»

2. *Aхури Мазда* деди: – «Ҳайзли аёлнинг йулида ҳеч қандай бута ёки гул-чечак бўлмасин. Уни олиб бориб кўйиладиган манзилга куруқ тупроқ ёйлади. Ҳайзли хотин алоҳида бинода яшаб туради. Бу бино шундай курилалики, ҳайзли аёлнинг нопок назари оловга тушмасин»

3. – «Эй борликни яратган! Эй ҳак! (Ҳайзли аёл) оловдан қанча ва (пок) сувдан қанча узоқда бўлсин? Барсман боғламиданчи? Артовон (имонли) эрдан-чи?»

4. *Aхура Мазда* деди: – «Оловдан ўн беш қадам; сувдан ўн беш қадам; Барсман боғламидан ўн беш қадам, Артовон эрдан уч қадам нарида бўлмоги лозим».

5. – «Эй борликни яратган! Эй ҳак! Хоҳ вақти соатида, хоҳ бемаҳал ой курган хотинга смиш олиб борган одам ундан қанча масофада турмоғи лозим?»

6. *Aхура Мазда* деди: – «Хоҳ вақтида, хоҳ бемаҳал ой курган аёлга смиш элтган кимса ундан уч қадам нари турмоғи керак».

– «Емишни қандай идишда, нонни қандай идишда элтмоқлари мақбул?»

– «Қалай, эриған қалай ва бошқа маъдан қотишмасидан қилинган идишда ёки матоҳи паст идишда».

7. – «Ой курган аёлга кай миқдорда емиш ва қай миқдорда нон берин маъқул?»

Aхура Мазда деди: – «Ой курган хотинга куввати ортиб кетмасин деб, оз миқдорда смиш ва оз миқдорда нон берин лозим⁴⁵²».

8. Гўлак фарзанд ой курган аслга таом берса, бу боланинг аввало қўллари ювилади. Кейин эса уни чўмилтириб покланади.

Форсча нашрда 2 динор миқдор вази бирлигига таом ва нон берин курсантилган. 1 динор 105 таджин 180 донагача бутдой дони вазнинг тенг.

9. Ой күрган аёл уч кунда покланмаса, тұртнинчи куни ҳам оиладан алохіда туради. Тұрт кунда ҳам қон куришверса, алохіда бинода олтнинчи куни ҳам колади... Олтнинчи куни ҳам тұхтамаса, еттинчи кунга алохіда яшашиға қолдирилади.

10. ... Етги кунда ҳам давом этаверса, ... саккизинчи кунға қолдирилади. Ойлиги саккиз кунда ҳам тұхтамаса, тұккизинчи кунға ҳам қолдирилади.

11. Ой күрган вәлнинг тұккиз кунда ҳам пок бұлмаслиги девларға сиғипувчилар учун шодиёналик, ёмонылк белгиси бұлади.

12. *Маздаясна* эътиқодини тутғанлар бундай аёлни (аввал қазиб тайёрланған) уcta чукур четига олиб боришилари керак. Аввалик икки чукур четида (ойлиги тұхтамаган аёл) сиғир сийдиги билан ювилиши, учинчи чукур четида эса, сув билан өзүнде тирилиши керак. Шу йүл билан ой күрган хотин танидаги Ахриман яратған попок храфстралар⁴²³ чикиб кетади».

13. – «Бирор *Маздаясна* йүлидаги зот вактида келган ёки бемаҳат күрилған ҳайз конини (сүпъий) тұхтатмокчи бұлса, бу одамнинг жазоси недир?»

Ахура Мазда деди: – «Бундай одам от қамчиси билан ва «итоат қамчиси» билан йигирма маргадан урилади».

14. – «Эй борлиқпинг парвардигори! Эй ҳақ! Ҳайз күрган аёл билан била туриб алоқа кылса (табиий, үз вактида келған ва бемаҳат келған ҳайз ҳолатлари бунда ҳам тақрорлаңади – тарж.), уннинг жазоси нима бұлади?»

15. *Ахура Мазда* деди: – «Илк марта алокаси учун үттис марта от қамчиси билан, үттис марта «итоат қамчиси» билан урилсін». Агар (бу әркак) ой күрган аёл билан иккинчи марта бұлса, от қамчиси билан эллик марта, итоат қамчиси билан эллик марта урилсін. Шундан кейин учинчи марта ой күрган хотин билан бұлса, от қамчиси билан етмиш марта. «итоат қамчиси» билан етмиш мартадан урилсін».

16. – «Ой күрган аёл билан тұртнинчи марта бирлашса, аёлнинг (нопок танини) кийимлари устидан қучоқласа жазоси недир?»

⁴²³ Бу үркінде ой күрган тұзойн баданда, тұждуда Ахриман яратған деслар, жинлар, турлы зарарлы ҳашшароттар бұлалы, деген фикр бор. Колаверса, ҳайз күриш жарағыннинг ҳауфы физиологик ва әкологияк моздилтіні тушунышта яқын амалын тәжриба изи жеке күрініб турибди. Қамчиси билан етмиш марта, «итоат қамчиси» билан етмиш мартадан урилсін.

Ахура Мазда деди: – «От қамчиси билан ва «итоат қамчиси» билан тұксон марта урилсін.

17. Вақыда келған ёки бевакт келған (нотабиій) ой күриш икра аёл билан бұлған әрқакнинг гунохи үзининг пуштидан булған фарзанд наизадан ҳалок булған тақдирда, мурдасини күйдирған билан ва (муқаддас оловни) нопок этгап билан тенг.

18. Саналған гунохларни содир этгап одамлар вужудига драуга – дрург (Ёлғон) деви үринашиб олған. Улар Ҳак хукми олдида ожизу нотавондирлар, буйинлари хам. Парвардигор олдида гунохкор бу бандаларнинг бошлари эгилған. Улар имоны артавонлар учун номусдир. Бұндай гуноқкорларнинг жазоси үлемдір».

17 - Фрагард

1. *Заратуштра Ахура Маздадан сүради*: – «Эй Ахура Мазда! Эй нурағышон сиймо. Эй борлық дүнёларнинг парвардигори! Эй ҳақ! Одамларнинг гунохларидан қай бир ашаддийси ва разили девларни сүюнтиради, димоғларини чөг килади?»

2. *Ахура Мазда* деди: – «Тараған соч толаларини, тирнокни (зарур ирим, чораларсиз) шунчаки бирор теник-теликка, чукур - пукурға ташлаб юборылса, бу ашаддий гуноҳ иш деялару жиналарға куч бағишлийди, уларга кувват беради, шаънига айттылған олкишдек булади.

3. *Мазда* дини амаллари, расм-коңдаларига беътиборлик (*Ахура яратған*) эзгу дүнс узра девларнинг күпайишига хизмат килади. *Маздаясна* русум-одатларини бажармаслик (*Ахриман яратған*) түрли храфстра – заарарлы ҳашаротлар күпайишига сабабдир: булар бит-бурға, экинзорларни куритувчи, бүтдей, дон – дунни еб битирудың қашаротлар, күя (ва бошқа) каби кийим – кечакни еб битирудың қашаркуналалардир.

4. Эй Заратуштра! Сочингни тараган чөғинг ёки тирногинг олған пайт танантан ажралған бу аззоларнингни Арта – Ҳак йүлінни тутган имоны одамдан үн қадам нарига, оловдан йигирма қадам нарига, сувдан, барсмашынг (муқаддас) боғламидан эллик қадам нарига олиб борғин.

5. Шундан кейин ерда чуқаноқ қазиб (каттық ер булса үн энли, юмшок ерда үн иккى энли), тароққа чиккан сочини, кесилған тирнокни чуқаноқ тубига тапша. Сүнг ушбу дуони үқиб девларни

қайтарик қил: «Одамзод вужудида олам мужассам. Одам үзи бир одамчадир. Унинг танида иеки бор бўлса, булар табиатнинг бўлағидир. Юлишган, кесилган тан қисмлари ўз табиатига қайтмокладир. Махшар куни (қиёмат коим, рўстоҳез), яъни барчанинг руҳи тик турганда бу одамниг суюқлари тупроқда, томирларида оқсан қони сувда, соchlари ўсимлик оловида қайта жонланади. (Менинг аъзоларимдан ажралған унсурлар шундай тақдирга эга бўлсин)».

6. (Дуодан) кейин чукурчани кўмиб пичоқ билан унинг атрофига уч, олти, тўкқиз доира чизиб ӯраб, кетидан энг улуғвор ва кучи ўткир дуолардан ўқиб тиловат қил...

9. Жумладан, ушбу дуони тиловат қил: «Эй Арта-Звашта! Бу ерга кел, бунда сенинг емишиларинг бор. Улар сен *Мозан* девлари билан олишганингда бакувват тирнок бўлипсизин, ханжар, (камон) ўқ (и) бўлишсин, палахмоннинг тоши бўлиб хизмат килишсин».

10. Агар тирноклар Арта-Звашта кушига бағишланмаса, уларни девлар топиб олиб (артавонларга карши) найза, ханжар, камон ўкига палахмоннинг тошига айлантиришади».

18-фрагард

1. Эй (*Мазда* ясна динининг кўрикчиси) артовон *Заратуштра!* Оғзига нафас банд (панум) боғлаб олиб беҳдинни кўриқлаш йўлида ҳеч иш килмайдиган, бунинг устига: «мен артавонман, яъни ҳак диннинг ҳимоясидаман», – деса, бундай одам Ёлғон (дуруғ) бандасидир⁴⁵⁴.

2. Кимки (Ахримандан пайдо бўлган) заарли ҳашаротларни (храфстраларни) тутса-ю, ўзини «артавонман, эзгу дин ҳомийсимиан» деса, храфстраларни эса ўлдирмаса, бундай одам Ёлғоннинг хизматидадир, риёкордир. Эй артовон *Заратуштра*, сен бундай одамни артовон деб атамагин».

Шундай деди *Аҳура Мазда*:

3. – «Барсман боғламини кўлида тутгани ҳолда дин фарзларини адо этмаса, лекин сўзларида «мен артавонман», «динни ҳимоя қиласман», деса, билгил, у Ёлғончи, динда риёкордир. Эй артовон *Заратуштра*, сен уни артовон демагил».

Шундай деди *Аҳура Мазда*:

⁴⁵⁴ Австрада Ёлғон шунчаки турмушдаги ҳодиса эмас, балки улкан салбий ахлоқий кутб. Диний-фалсафий маънода Ёлғон Арта – Ҳакиқатта зиддиият демакдир. Ахуре динига аҳд килган жотнинг риёкорлиги кечирилмас гуноҳдир.

4. – «Кимки аштрамайрйани⁴⁵⁵ қулда тутиб туриб динга астойдил хизмат килмаса, сўзда эса: «мен артавонман», деса, у Ёлғончидир, риёкордир. Эй артовон Заратуштра, сен уни артовор деб атама».

Шундай деди *Aхура Мазда*:

5. – «Кимки қадр тунларида⁴⁵⁶ гафлат босиб ухласа, ясна ўқимаса, гоҳларни куйламаса, эзгу сўз ва эзгу амалида катъий бўлмаса, бирорга эзгу ўй, иш ўргатмаса, узгадан ўзи ҳам ўрганмаса, лекин «мен артавонман» деб беҳишт абадий ҳаётини орзу қиласа, буңдай одам Ёлғончидир, у риёкордир. Эй артовон Заратуштра, сен уни артовор демагин».

Шундай деди *Aхура Мазда*:

6. – «Сен эй Заратуштра, шуңдай одамни артовор дегинки, у қадр тунларида *Aхура Мазда* розилиги йулида уйғоқ бўлсин. Олов кошига келиб: «Эй Арта – ҳакикат, беҳишт неъматингни мендан дариг тутма, дея очик дил билан, самовий рух завқи билан (худо шаънига алқовлар ўқиб) турсин.

7. Эй Заратуштра, эзгу амаллар (сохиби)! Ниятингни мендан тила, хоҳишингни менга айт! Мен энг эзгу яратувчи, парвардигорингман. Мен барчадан окилроқман. Барча мушкулотни осон эттувчи ўзим. Тилак бўлса, мендан тила, не истасанг мен бергувчи. Сейга энг афзал иш шудир, токи оқибатидан кувонурсан».

8. *Заратуштра Ахура Маздан* сўради: – «Эй дунёнинг парвардигори! Эй ҳак! Маришана⁴⁵⁷ девига куч-кудрат багишловчи нарса нима?»

9. *Aхура Мазда* деди: – «Одамларни ҳак йулдан тойдирувчи, нотуғри билимларга ўргатувчи ашемауг – соҳта муаллимларнинг ишлари маришана девининг курдатига пинхона қувват бағишлийди. Уч йил давомида (имон) белбогини боғламаган, (*Заратуштра*) гоҳларини кироат қилмаган, Обон яшт (*Ардви Сура*) алковини куйламаган, шукронаси учун намоз ўқимаган одамлар ҳам (маришана девини қувватлаган булади).

10. Гуноҳлари даужваҳга (дўзахга) лойик одамларнинг килмишларини маъкуллаган (уларнинг гуноҳларини кунайтиришга

⁴⁵⁵ Ултим ва тан жазосида қўйланган, диний ва ижтимоий итоат учун хизмат килувчи камчи. Уни тутган одамнинг нияти холис, динда мустахкам булиши талаб килинади.

⁴⁵⁶ Йил охирида зардуштийлар тақвимидан (360 кун) беш кун ортиб қолган. Шу кунлар байрам Килинган, тунларни эса иболатлар билан ўтган.

⁴⁵⁷ Маришана ҳакикагина унуптиришига хизмат килувчи хотирасизлик деви.

хизмат қылғанлар), ниҳоят, уларни (бандын) озод килиб юборғанлар иши (марышана деви кучига күч күшади).

11. Агар кимки имонсиз (артовон бұлмагап) одам сохта мұаллимни мактаб, шаңнига олқишилар айтса, унинг мақтovлари үзининг оғзидан нари кетмайди. Борди-ю, иккى дуруғванд⁴⁵⁸ шаңнига олқишилар айтиса, бу олқишилар айтuvчисининг тилидан нарига кетмайди. Уч дуруғвант шаңнига олқиши айтишда маъно йүкдир. Тұрт нафар дуруғвант сохта мұаллим шаңнига айтилган мақтов сүз айтuvчининг үзиге нафрат келтиради.

12. Кимки дуруғвант аірмаугни (сохта мұаллимни) ҳаома ёки мұзд (поп, эт, мева-чева) билан сийласа, бу одамнинг гунохи имонилилар (артавонлар) манзилига сон-саноқсиз (дұппам) отликлари бостириб келиб, ундаги имонли артавонларни кирғин килгани, чорvasини ҳайдаб кеттеган билап тенгдир.

13. Эй Заратуштра! Эй әзгу амалли зот! Ниятингни мейдан тила! Хохишингни менгә айт! Энг әзгу яратувчи, барча яралмишлардан афзали менман. Мен ҳаммадан оқилроқмап. Барча мүшкүлотни осон этгувчи үзим. Тилак бұлса мендан тила, истағингни бергувчи менман. Сен учун амалнинг афзали шудирки, оқибати қувончлидир».

14. *Заратуштра Аҳура Маздадан сұради: – «Калбимга мантра⁴⁵⁹ ни жо қылған қодир малак Сраошанинг (хизматидаги) Сраошавариза кимдир?»*⁴⁶⁰

15. *Аҳура Мазда деди: – «Эй артовор (имонли) Заратуштра! Хұroz – пародарш күшидир. Оғзи бузук одамлар уни қаҳрактос дейишиади. Бу күш сақар чоги шундай деся кичкиради»: «Эй одамлар! Үрнингиздан күзгалинг! Девларни хайдаб солувчи Арта (Хакикат)нинг шаңнига дуолар айтинг! (Танбағыл, эринчоклик) деви Бушайастани ённингизге йулатманг. (Акс холда) у узун құшлары билан чирмаб, тонгда әнди үйгониб хүшёр күз очған бутун борлықни уйқуга тортади. Бушайаста лев одамларға дейди»: «Ухла! Ухла! Ҳали үйғонишга әрта! Ухла...»*

17. Хұroz шунда яна бундай дейди: «Ҳеч қачон уч руқн кондага амал қылпілдан چалғыманлар»⁴⁶¹; әзгу уй, әзгу сүз, әзгу

⁴⁵⁸ Артавоннинг зияти дуруғвант, Етпен ҳуомидан имонсиз демекидир.

⁴⁵⁹ Мантра – илөхий сүз

⁴⁶⁰ Худони олқишилар меросимини тарғибға солып тұрадынан вазифадор ішке. У Сраошанинг хизматидас деб қисобланған.

⁴⁶¹ Уч устүн: тегу уй, әзгу сүз, әзгу амал.

амал ахдига содиқ бүлинглар. Ёвуз ўй, ёмон сүз, разил ишдан ўзингизни тұхтатинглар».

20. Олов (шундай) илтижо килади...

21. «(Эй инсон!) Ёрдамга шошил! Эй шудгорчи, эй чорвардор! Туракол үрнингдан, уйғон). Уст-бошингни кияқол. Белга белбоғингни бояла, (тезрок қўлингни юв, ўтиң келтир! Токим мен яна (туриллаб) алланга олай!...»

26. Ва шунда имонли дүст дүстига дейди: – «Уйғон, бизни хўроз (пародарш) уйғотмоқда»...

19-фрагард

1. Ернинг орқа томонидан, орқа ср кишварлардан⁴⁶² (шимол томондан) Ахрамайний елдек келади, у девларнинг деви, ўлим билан (вужуди) лик тұла. У разил, ўлим көлтирувчидир. У шундай дейди: «Дуружды⁴⁶³, югур, имонли Заратуштранни ўллар!» Шунда Заратуштранни Дуружды Бути⁴⁶⁴ – ўлим шарнаси маккор лев үраб олди.

2. Заратуштра Ахуна-Варя дуосини ўкыйди: «Озгу дунё борлиги ва (уни яратган) эгам борлиги, имон-эътиқод (ақдим) борлиги туфайли эзгу Рухдан имошли дунё яралмишdir».

3. Дуружды деди: «Эй Ахрамайний! Мен Спитама Заратуштранни ўлдириш учун (куч) топа олмадим. У бутушлай, имон нури билан чұлғанған!»

Заратуштра қалбап: «Девлар, разил, ёвуз девлар менинг катлым кепгашини курмокқалар», – деб, сезиб қолди.

4. Заратуштра Ёвуз рух унга кор килемай үрнидан турли, ниятларини писанды килемай қулига тошлар олдики, хар бири уйдек-уйдек. Ва сунгра Ахура Маздага ёлворди: «Бу заминнинг каеридан кутариб турған бұлмагин, бу юмалок, чек-чесараси йүк ерни қанлай қилиб тутиб турған бұлмагин, Ерга бок, Поурушаспа хоналонини химоятингіта ол!»

5. Заратуштра Ахрамайнийуга деди: – «Ёвуз Ахрамайний! Мен Кансава қулидан, шарқ томон – күнчикар кишвардан саош-йант туғилиб келмасдан бурун девлардан пайдо булған ёвуз хил-

⁴⁶² Ернинг «олди» – жануб, кунгай томон «орқа»си эса шимол – терскай леб ҳисобланған.

⁴⁶³ Дуружды – Ёлғон Арта – қакиқатнин ақс. Ахраман яраттан ёвузликтарнинг әншашадайтиси. Ёлғон туфайли дунё ҳалок бұлади.

⁴⁶⁴ Бути – улимдан ларак беруучи разил дев.

катларга кирғин соламан. Девдан туғилған Насни йүқ қиласман, десвиғат Паирика⁴⁶⁵ Хнафайтини ҳалок этаман».

6. Евуз табиат Анхрамайний (Заратуштра) деди: – «Мен яратгандарни үлдирма, эй имонли Заратуштра! Сен ахир Поуршаспанинг⁴⁶⁶ оддий аёлдан туғылған ўглисан. Беҳдинингдан⁴⁶⁷ воз кеч, Маздадан юз ўғир. Шунда сен баҳтиёр буласан Вадаган⁴⁶⁸ каби».

7. Спитама Заратуштра деди: – «Суякларим, жоним ва рухим бир бирларидан ажралсалар-да, мен Беҳдиндан, Мазда динидан воз кечмайман».

8. Ёвуз табиат Анхрамайний унга деди: – «Менинг, Анхрамайпүннинг яраттан (қабих) кучларимни кимнинг сузи билан маҳв этасан, кимнинг сузи билан ҳайдаб соласан, кимнинг куроли билан үлдирасан?»

9. Спитама Заратуштра деди: – «Ҳавонча билан, (ҳаома) косаси билан, ҳаома билан ва (Ахура) Мазда айтган мұқаддас сүз билан! Булар менинг энг яхши куролимдир. Шу сүз билан үлдирурман, шу сүз билан ҳайдаб солурман, шу курол билан маҳв этурман сенинг яратгандаринингни, эй Ёвуз Анхрамайний! Менинг куролларимни эзгу рух яраттан. Уларни Эзгу рух азалий ва абадий вакт (зурвон) ичра, ҳали замоңларнинг чегараси белгиланмасдан, аввал яраттан⁴⁶⁹. (Ахуна Варйани) абадий үлмас малаклар – Амэшпа Спенталар яратишган».

10. Заратуштра «Ахуна Варйа» дуосини үқиди: «Сурай сендан, айт ҳак сүзни, о Ахура. Менинг ихлосли кутловларим эвазига сендең ёр, мендек дүстига қалбини очурмикан? Сурай сендан, айт ҳак сүзни, о Ахура. Энг эзгу ҳәётнинг асослари қандай пайдо килинүр?...»⁴⁷⁰

11. Заратуштра Ахура Маздадан сүради – «Эй Мұқаддас Рух, борликни яратган парвардигор, эй ҳак таоло!

12. Мен қандай қилиб Дуруждан, ёвуз Анхрамайнийдан халос бүлайин? Қандай қилиб Насдан юқадиган ҳаромлик, нопок-

⁴⁶⁵ Паирика – левсімөн хилкат. «Пари» деган ҳәёлдің салбый тимсол маъносіда ҳозир ҳам мазъум. Парилар оламти ҳак йўлдан чапитиб, гунохга чорлайдилар.

⁴⁶⁶ Поуршаспа – Заратуштранинг отаси.

⁴⁶⁷ Беҳдин «энг афзал дин» маъносіда. Мазда динининг сифати.

⁴⁶⁸ Вадаган – Ажы Даҳаканинг сифати, яны у опаси «Вадақлан туғылған» леган маънода.

⁴⁶⁹ Гап «Ахуна Варйа» дуоси ҳакида кетаяпты. Бу дуо ҳали Ахура Мазда дүнёни яратмасдан аввал абадий ва азалий вакт ичиде Мұқаддас рух томонидан яратилған, леб хисобланади.

⁴⁷⁰ Заратуштранинг «Гоҳ»ларидан Бири. 44-яспа.

ликдан үзимни асрай? Имонлиларни Нас балосидан қандай пок лайн? Насни *Маздаясна* маконидан қандай узоклатай? Имонли аёлларни қандай пок этай?

13. *Ахура Мазда* деди – «Ибодат кил, *Заратуштра*, Беҳдин йулида. Ерда күзга куринмас, Етти иқлимга ёйилган Амшаш Спенталарга сиғин. Узи үзлигидан (Муқаддас рух яратған) осмонга сиғин, чеку чегараси йүк замонга (*Зруванага*) сиғин, Борликни тұлдирған Муқаддас рух нафаси *Вайуга* – Ҳавога сиғин, *Мазда* яраттан кучли шамолға фалакларда югурувчи зотта сиғин, *Ахура Мазданинг* гүзал кизи муқаддас Спэнгта-Армaitига сиғин!»

14. *Заратуштра*, мениңг *фравашимга* – *Ахура Мазданинг фравашыга*, ул буюк әзгуликка, ул мустаҳкам, ул доно, ул гүзал келбатта сиғин, ул имонда тенгсиззә сиғин, қалби Спенита Мантра – муқаддас дуодан (иборат)ға сиғин. Чин қалбиніңдан ибодат кил, эй *Заратуштра*, ушал *Ахура Мазда* яратғанға сиғин!»

15. *Заратуштра* *Ахура Мазда* айтғанларини адо этди: – «*Ахура Мазда* сиғинаман. Имонли борликни яраттаң зотта! *Митрага* намозимдир, көнт яйловлиға, күлида зүр куролли зотта, энг яркирок ва энг ғолиб курол туттган зотта намозим. *Срашата* девлар бошин мажакловчига намозим бахшида бүлсін!»

16. Муқаддас дуо – Спента-мантрани үкійман. Улдир энг олий дуо. Узи муқаддас Рухдан пайдо бүлмиш Осмоніа сиғинаман, чексиз замон (*Зрувана*)га намоз, баландларда юргувчи ҳавога сиғинаман. *Мазда* яратған кучли шамолға топинчим бүлсін. Муқаддас гүзал *Спенита Армaitига*, *Ахура Мазданинг* кизига намозим бахшида бүлсін. Беҳдин – әзіз *Маздаясна* диннің сиғинаман. Видевдотта – *Заратуштранинг* девларға карши қонунларига сиғинаман»...

27. – «Дунёниң ва унда бор әзгуликларнинг парвардигори! Одамнинг жони (рухи) бу дунёни тарк этті, уннинг хисоб-китоби қаерда қилинади, рух қаерда (хисобчиси) билан юзма-юз булади, хисоби учун аымоллары қаерда тұпланади?»

28. *Ахура Мазда* *Заратуштрага* жавоб берdi: – «Одам үлгандан кейин, уннинг руҳи танидан күчганидан кейин, ёвуз девлар қаро ният билан унға яқин келадилар. Тонғ ота бошлагач эса, (баланд) тог чүккисига пок нурларини таратиб *Митра* қүёшни олиб чикади. Куеш (осмонга) кутарила бошлайди. Шундай, эй *Заратуштра*!»

29. Визарша исмли дев имонсиз, девларға сиғиниб яшаган одам бүйпидаги сиртмокқа ёпишиб, уни торта бошлиайды. Ёвузлик кетида умранин үтказган билан имонли яшаб үтган (артавон) одамларнинг йули шу ердан икки томонга кетади. Уларниңг (у дунёдаги) йуллари чексиз вақтда (*Зрувана акаранада*) аввалдан белгиланған бұлади. *Ахура Мазда* яраттан пок Чинвад (куприги) кимнинг жони қаерга тушишини ажратиб беради. Кимнинг жони тириклик дүнёсида яшаган пайти савобгами, гуноҳгами хизмат қылгани шунда аён бұлади.

30. Чинвад олдига сарвкомат, гузал қиз (имонли артабон баңдаларниңг бу дунёда қылган барча зэгу амалларининг тимсоли) келади. Улға ҳамроҳ булиб *Спента Армаити*, Арта Вахишта, Ҳашатра варйа, *Ҳаурвататлар* (Амеша Спенталар – ҳамиша бархаёт малаклар) келишади. Бу қиз ёмон одамларниңг қабиҳ жонларини зим-зиё (дұзах)га ташлайды. Пок имонли одамларниңг жонини эса Хара Бэрзайти тогининг стиб бұлмас томонларига етказади. Бу қиз имонлилар рухини Чинвад купригидан олиб үтиб, уларни осмон язатлари каторига күшади.

31. У ерда имонлилар рухи истикболига үзининг олтин таҳтидан Муқаддас Рух (*Воҳу Мана*) туриб келади ва дейди: «Ва ниҳоят, эй имонли иисон, үткинчи дунёдан үтиб, абадий йитмас дунёға етиб келдинг!»

32. Имонлиларниң рухи бу үткинч дунёдан (вазифаларини адо этиб үтгач), *Ахура Мазда* ҳузурига борадилар. Амэша Спенталар (*Ахура Мазданың үлмас малаклари*) олдига борадилар.

33. Имонли одам үлгач, тани покланиши (ғусул олиши) пайтида нияти бузук ёвуз девлар имонли банда тани олдидәк титраб қашайдылар. Уларниңг бу қашаб туриши бури олдидә күйнинг маҳкүм қалтирашиңға үхшайды.

34. Имонлининг жони пок зотлар даврасида бұлади. Унинг ҳузурида *Ахура Маздага* яқын зотлар бўлишади.

21-фрагмент

5. Эй Қуёш! Отлари учкур зот! Харатти тоғи узра балқиб чикақол! Эзгу борлиқ узра нурларининг сочақол!

9. Эй мохи тобон Ой! (Муқаддас) Бука рухини тирилтирган зот! (Бу үринда илк бора яралған асотирий аждод иисон, танининг ярми иисон, ярми бука күринишидаги Гава мартан кузда

тутилмоқда. Уни ёвуз Ахриман үлдирған пайтда пуштидан икки томчи уруг срга томиб колған экан. Уруглар қирқ йил давомида күёш ва ой нурида ювилиб, сунг улардан бир әркак ва бир аёл ибтидолари униб чиқар экан. Ниҳоят булар қовушиб, ерда одамзод пайдо бўлган экан – тарж.) Чиқақол тезроқ Хара тоги чўқиси ортидан! Эзгу яралмиш борлиқ узра нурларингни сочақол!

13. Эй сирли живирлаган юлдузлар! Эй сувни пайдо қилгувчи зот! (Бу парча ёмғир, сув ва намлики келтирувчи Язат – *Tиштрия* – *Tir* юлдузига ишорат қиласди. Бу юлдуз шаънига Авестада маҳсус алқов бор.

22 - фрагард⁴⁷¹

У дунёда инсон рухининг тақдирни хакида

1. Заратуштра *Aхура Маздадап* сўради: – «Эй *Aхура Мазда*, Муқаллас рух, борлиқ дунёнинг парвардигори, Ҳақ таоло!

Имонли инсон ўлгач, биринчи тунда унинг рухи (жони) каерда бўлади?»

2. *Aхура Мазда* деди: – «Рух мурданинг боши узра Уштавайти гоҳни кироат қилиб, ўлганинг жони жашнатда (ваҳу ҳинчтада, яъни бихиштда) булишини истаб утиради: «*Aхура-Мазда* ато қилиб, шу банди бихиштй бўлсин». Шунда жон (рух) биринчи тунда шу қадар роҳатда бўладики, бу бутун борлиқ ичра топган роҳатидан мўлроқидир».

3. – «Иккичи тунда майитнинг жони қасерда бўлади?»

4. *Aхура-Мазда* деди: – «Мурданинг боши узра ўтириб. Уштавайти гоҳни кироат қиласди ва ўз-ўзидан содир зот *Aхура-Маздага* илтижо қилиб, ўлганинг у дунёлигини сўрайди: «*Aхура Маздадап* буюрган бандаси раҳматли бўлсин». Шу тун ҳам ўлганинг жони роҳатда, бу роҳат бутун борлиқ топган роҳатдан ва фароғатдан улуғроқидир.

5. – «Мурданинг жони учинчи тунда қасерда бўлади?»

⁴⁷¹ (Авеста китобишинг 20-шаси – «Хадўхт наск»дан сакланиб колған парча «Яш» наскининг таркибиға киритилган парча сифатида мавжуд. Бу ҳикда Авестанини хозирги форсий таржимаси асосида узбек тилига ўтирган шоир Аскар Маҳкам шундай ёлади: «Хадўхт наск кўхна Авестанинг ўтирманчи наск ҳам дейилади. Айрим авесташунослар «Хадўхт наск»ни ўтиргма иккинчи наск деб атаганилар». Биз ҳам шу фикрининг давомида туриб, «Видевот»нинг 19-фрагарди 27-34 бандлари ҳам куйила келтириладиган бандлар билтан мазмунан якин).

6. *Ахура-Мазда* деди: – «Мурданинг боши узра Уштавайти гоҳни ўқиб, яраттандан үлганга мағфират сўрайди»: Кимга *Ахура Мазда* ёр бўлса, ўша мағфират топгай, гуноҳлари кечирилтади. Бу мағфират олам ичра барча борлик роҳатидан-да улуғроқдир.

7. Учинчи тун ўтгач, эрта тонгда майитнинг жони ўсимликлар, хушбўй гуллар устида учиб юради. Унинг йулида кунгай (жануб) томондан эсадиган (майин) шабада эсиб туради. Жанубий кишварлар шабадаси ўзга еслардан хушбуйроқдир.

8. Мурданинг жони ушбу ёқимли исдан баҳраманд бўлиб, бундай фикр килади: «Бу пасим қайдан эсмоқда, барча еслардан хушбўй? Бундай хушбўй сабони кўрмаган, туймаган эдим».

9. Бу хушбўй шабала билан бирга унинг имони рӯбару келади. У хур қиз қиёфасида, келишган, тиккомат, бўйчан, кўкраклари бўлиқ, нок насл, порлок гулгун чехрали ўн беш ёшли гўзал қиз мисоли, гўзалликда хеч бир хилкат унга тенг кесолмас.

10. Имонли банданинг жони ундан сўрайди: – «Менинг кузларимга тенгсиз гўзал бўлиб кўринган, эй киз! Сен кимсан?»

11. Унинг ўз имони бундай жавоб беради: – «Эй эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амалда (имонти) яшаб ўтган йигит! Эзгу дининг, имонинг менман. Сени фоний дунёда одамлар улугвор имонинг, тўзал хулкинг, саковатинг, солихлигинг, эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амалларинг, девларга қарши курашида шижоатинг учун севишган эди. Уша эзгу хислатларини бугун менман, уларнинг барчаси менда мухайёб.

12. Эзгу ўйли, эзгу сўзли, эзгу амалии эй йигит, сен менга ихлюс кўйган эдинг. Сенинг эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амалларинг, девларга қарши ғолибона кучинг – мен буларнинг барини сенда кўраман.

13. Сен тириклик чоғинингда ўзгалар мурдани пок оловда ёқинини, турли бут ва ёнамларга сифинганини, одамларга зулм килганини, бор була туриб сураганга бермаганини кўриб тургансан ва ўшаларни инсофга чорлаб гоҳлар куйлагансан, Мукалдас сувларни, *Аҳуранинг* оловини олқишилаб намозлар ўқигансан, узоқ-яқиндан келганлар кўнглига эзгулик солишга харакат қилигансан.

14. Сен бу солиҳ амалларинг билан шундай ҳам гўзал ва эзгу бўлмиш мен – имонинг янада гўзал ва эзгу қилдинг, янада эхтиросли ва силқидилли қилдинг, асли юксак ўрнимни янада юк-

сак күлдинг. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амалларинг билан етказган шарофатинг туфайли энди одамлар мени ва *Аҳура Маздан* – азали мақтовларга мушарраф зотларни янада күпроқ шарафлайдилар.

15. (Шундан сўнг) имонли банданинг жони (рухи) бир қадам қўяди ва эзгу ўйлари учун берилган ажру савоблар устига ўрнашади. Сунтра иккинчи қадамни қўяди-ю, эзгу сўзлари учун берилган мукофот устига қўнади. Учинчи қадамни қўйгач, эзгу амалларидан ҳосил бўлган ажру савоб устига қўнади. Тўртинчи қадамда эса унинг жони абадий ёғду маконига (гранудманига, ваху ҳиштага, яъни биҳиштга) тушади.

16. Аввалроқ ўтган имонли банданинг жони ундан сурайди: – «Эй имонли инсон, сен кандай ӯлим толдинг? Қандай қилиб чорва, молу ҳол тўла маконингни тарк этдинг? Ӯзаро сирли тиллашадиган ажиб күшлар маконилини кандай қилиб ташлаб келдинг? Моддий фоний дунёдан абадият дунёсига кандай ўтдинг? Сенинг бунда топган роҳат-фароғатинг қанчалик абадий булур?»

17. Шунда *Аҳура Мазда* деди: – «Сен эй имонлининг жони, сўраётганингни сўраётганингдан сурама. Бу ибратни умрини кабоҳат ичра, даҳшатли разолатда ўтказган, рухи танидан айри одамлар ахволидан суря!

18. Бу имонли ўғлон жонига эса, сарик мойдан емиш келтирилсин⁴⁷². Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал йўлидаги ўғлоннинг руҳий емиши пайдир. Ута эзгу фикрли, ўта эзгу фикрли, ўта эзгу амали. Ўта сиддик диндор ҳамда эзгу ишларни одат килган аёлларга ҳам шундай биҳисит ризқи насиб бўлғусидир.

Дурутванл гуноҳкор бандалар жонининг у дунёдаги азоблари ҳақида

19. *Заратуштра Аҳура Маздадан* суради: – «Аҳура Мазда, Эзгу рух, борлиқнинг парвардигори, Ҳаққи таоло! Гуноҳкор банданинг жони узилгач, биринчи тунда қаерда туради?»

20. *Аҳура Мазда* деди: – «Эй имонли *Заратуштра*! Гуноҳкорнинг жони унинг боши узра тебрабаниб туради ва бундай деб зорланади: «Бошим олиб қайга кетай, қайларга борай? О *Аҳура*,

⁴⁷² *Аҳура Маздан*нинг Муқаддас оловига солиб турладиган хушбўй мой у лунёда ўлтнлар жонининг оғиги булади, деб ишонилган. Бу маъно таржималарда изоҳларда хотиргача етарти очиб берилмаган.

энди мен истай? Не ерда турай?» Шу тун давомида гуноҳкорнинг жони шу кадар кўп азоб тортадики, барча борлик азоб-укубаглари бунчалик эмас».

21. – «Иккинчи тунда гуноҳкорнинг жони қасрда бўлади?»

22. – «Эй имонли Заратуштра! Уша срда, мурданинг боши узра тебраниб туради... Иккинчи тунда ҳам унинг азоблари бехад бўладики, бу азоблар борлик дунёдаги барча азоблардан устун».

23. – «Учинчи тунда гуноҳкорнинг жони қасрда бўлади?»

24. – «Эй имонли Заратуштра, ўша срда, мурданинг боши узра қалқиб туради Готни айтиб туради: «Бошим солиб қайга кетай, қайларга борай?..» Бу кеча ҳам жоннинг азоблари шу кадар бўладики, тириклик дунёсидағи азоб-укубаглар бунга тенг келмасдир».

25. Учинчи кеча охирида, эй имонли Заратуштра, тонг сахарлаб гуноҳкорнинг жони даҳшатли ва бадбўй жойлар устида чарх уради. Унга томон (срнинг) орқа томонидан (шимолдан) кишварлардан (бадбўй) сассик шабада эсади. Бундай бадбўй шамол ҳеч ерда йўк.

26. Бу бадбўй шамол димогига урилгач, гуноҳкорнинг жони ўйлади: «Бу шамол – энг сассик шамол қайдан эсмоқда? Бу кадар сассик нарсани ҳаётимда билмаган эдим».

27. Сўнг унга рўпарадан киз эмас бир бадбашара кела бошилайди. Гуноҳкорнинг жони унга дейди: «Сен кимсан, бадбашара, кўнгил оздирар махлук? Мен умримда сенчалик хунук махлукни кўрган эмасман».

28. Бадбашара қиз унга дейди: «Мен қиз эмасман. Мен сенинг қабих ишларингман, эй ёвуз ўйли, ёмон сўзли, гуноҳ амалли имонсиз. Одамлар худо йўлида бел боғлаб имонда турганларида, сен девларга сиғинар эдинг.

29. Узок-якинданд келган мусофиirlар имончилиларга бошпана беришган, садака ризқ-рўз беришган пайтларида сен яхши одамларни ҳақорат қиласдинг, кўнглимни оғритардинг, хайр килмасдинг, эшигингни улар юзига ёпардинг.

30. Мана, ол энди! Мен ўша сенинг ёвуз ўйларинг, ёмон сўзларинг, қабих ишларингман (сен бир умр шу йулдан қайтмадинг).

31. Ўзим асли бузук хилқат эдим. Сенинг туфайли янада бузилдим. Ўзим асли муртад эдим, сен туфайли янада муртад булдим. Мепинг ўрним асли номус, уят жой эди, сен туфайли бадтар

шарманда бўлдим. Шундан сўнг гуноҳкорнинг жони талдираги-
нича олға босиб⁴⁷³.

33. Биринчи қадамни кўйган пайтида Дишмат (ёвуз ўй)
аъмолидан келтан гуноҳлари устига қунди; иккиичи қадамда эса
гуноҳкорнинг жони Дужух (ёвуз сўз) дан келган гуноҳлари
жазосипинг устига қунди; учинчи қадамни кўйганида Дужварешт
(ёвуз ишлари) дан келган жазо (хирмони) га тушди. Тўртинчи қа-
дами билан гуноҳкор осий банданинг жони чексиз зулматга,
(Дужваҳ, яъни дўзах) га тушди.

34. Олдин улган гуноҳкорнинг жони бу гуноҳкорнинг жони-
дан сўрайди: «Эй гуноҳкор, сен қандай ўлим топдинг? Эй алдок,
Ёлгоннинг бандаси, чорваю молу ҳол билан, ўзаро сирли тил-
лашувчи кушлар (жонзотлар) билан тұла фоний дунёдан қандай
килиб ўтдинг? Сенинг азбларинг чеки-чегараси борми?»

35. Ахура Мазда деди: «Сен эй сурагувчи, даҳшатли, кўр-
кинчли, ўлим йўлларини босиб келган суралгувчинг бу жондан
бу каби саволларингни сўрама! Бунинг йўли-тани бошқа руҳи
бошқаликдир. (Бунинг ибрагини кўргин)».

36. «Унга заҳар-заккумдан (энг) сассик заҳардан смиши кел-
тирсинглар. Ёвуз ўй, ёвуз сўз, разил ишлар йулида имонсиз ўтган-
нинг абадий дунёдаги (улганидан кейинги) смиши шулир. Ёвуз
фикрли, ёвуз сўзли, қабих килмишили, ута имонсиз, разил ишларга
урғантан, эрга итоатсиз аёлнинг ҳам насибаси шу зақкум емиши-
лир».

⁴⁷³ 27-32 -бандлар всл матнда сакланмаган. Шу парчани «Дотестони Менүки хирәд» китобида
келирилган иктибос асосида кирилдик.

VI ЗАРДУШТИЙЛИК ИБОДАТЛАРИ, РАСМ-РУСУМЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ

КИРИШ

Муайян этник гурухнинг шаклланиши узок тарихий давр ичидаги амалга ошади; инсониятнинг териб-йигин давридан бошлиниб, табиатни узлаштириш ва билиш ҳамда узок ва мураккаб тарихий ривожланиши талаб килувчи мифология, дин, фалсафа, ахлок каби ижтимоий онг шаклларининг пайдо бўлиш ва шаклланиш даврида давом этади. Иккинчи томондан, инсоният цивилизациясининг тарихий эволюциясини турли этномаданий тизимларнинг ўзаро муносабати, ўзаро мулоқотисиз тасаввур қилиб бўлмайди, бу ҳодиса доирасида гайри оддий, мураккаб диффузион ва интеграция жараёнлари кечган. Мазкур жараёнлар, тил ва маданиятларнинг фарқ килишига қарамасдан, этник гурухларнинг бирлашишига ёрдам берган. Бундан ташқари, биргаликда инсоннинг оламда туттган ўрнини мифологик, диний-фалсафий тарзда англат жараёни кечган, бу жараён ҳар бир этник гурухнинг ривожланиш даражасига тегишли бўлган урф-одатлар, анъаналар ва маросимларида акс этган. Айтан турли этник гурухларнинг ва уларнинг олам ва инсон ҳақидаги тасаввурларининг, анъана, одатлари ва маросимларининг аралашиш йўли билан олам ва инсон тўғрисида ягона тасаввур, умумий ва шу билан бирга ягона дунёкараш, дунёни ҳис этиш вужудга келган.

Зардуштийлик дунёда биринчи йирик метаэтник эътиқод булиб, унда Ўрта ва Яқин Шарқ халклари маънавий хаётининг аксарият қатламлари акс этган. Муайян ҳудудга гегишли аҳоли ҳамда турли этник гурухлар онгида кульглар, урф-одатлар, анъаналар ва маросимларининг ўрнашиши шунчалик мустахкам бўлган экан-ки, инсон маънавий конституциясининг кейинги даврларда ўзгариб боришига қарамасдан, мазкур этник гурухлар, халклар оғли ўзининг бирлаштирувчи синкетизмини саклаб келади, шу билан бирга ушбу маънавий бойликка ўзгаришлар киригигб келган.

Ушбу жараёнлар турли этник гурухлар онгида сакланган эътиқод ва урф-одатларнинг асос соловчи тамойилларини ўчира

олмади. Вакт үтиши билан одатлар ва анъаналар янгиланаади. баязи культлар ва маросимлар үзгарили, янги диний-фалсафий курсатмалар ва ижтимоий шароитларга мувофиқ янги маъни ва мазмунга эга булиб борди. Лекин кадимий зардуштийлик қолдиклари ўзининг яшовчанлиги туфайли Ўрта Осиё халқлари онгига ва майший ҳаётида XXI асргача сакланиб келмоқда.

Зардуштга кўра, диний-ахлоқий ҳодисалар инсон ахлоқида акс этибина колмасдан, балки бутун дунёни тизиб үтган, шунинг учун шодлик, эзгулик, саодат, шуцингдек кайну, ёвузлик, баҳтсизлик худолар томонидан яратилган, шу билан бир вактда инсоннинг ички дунёси ва муҳими, унинг саодатга эришиш йўлида иродаси эрки билан боғлиқдир. Инсоннинг ижтимоий-шахсий воқелиги, унинг ўзига хос самовий (космик) мавқеи инсон ўз баҳтини ўзи яратиши, табиат ва жамият ҳаётида фаол бошлангич асос сифатида намоён бўлишига кўмаклашади. Инсонлар ахлоқий ўзаро муносабатининг зардуштийликдаги талкини шундан далолат берадики, зардуштийлик ахлоқи инсонларни ҳаётдан чистлашибирмаган, таркидунёччилик ва мистикага тортиб кетмаган, аксинча, инсоннинг ҳаёт билан алюкаларини мустаҳкамлаган, уни ҳаётда саодатга эришиш мақсадида дунёвий неъматлардан баҳраманд булиш, роҳатланишга даъват этган.

Шуни таъкидлаб үтиш керакки, вакт үтиб ахлоқий месъёрлар одамларнинг барча ўзаро муносабагларини, яъни уларнинг жисмоний ва маънавий саломатлиги, оила, бутун жамият ва табиатни камраб олган конунийлаштирилган коидаларга, ҳар томонлама Покланиш концепциясига айланган, чунки факат ҳар томонлама пок инсон эзгу ишларни амалга ошириши, ижтимоий ва шахсий мажбуриятларни бажариши мумкин. «Покланиш» тушунчаси илк бор ижтимоий-ахлоқий ва диний маросим ва анъаналар моҳиятини белгилаб берувчи зардуштийликнинг асосий ахлоқий категорияси сифатида кўрилган экан, унинг мақсади Анхра-Майньюнинг моддий ва маънавий дунёда амалга оширган ёвуз амалларини, адолатли, эзгу ва такводор ҳаётни яратиш йўлида ёвуз кучлар билан кураши давомида инсоннинг ахлоқсиз фазилатларини бартараф этишдан иборат. Авестода покланиш нафакат ҳодисаларга нисбатан диний-фалсафий муносабат, балки унинг инсонпарвар мөҳиятини ифода этувчи ахлоқий категория сифатида талкин қилинади. Покланиш, бир томондан, муайян изчил

маросим сифатида, иккинчи томондан, инсоннинг жисмоний ва маънавий камолотини белгилаб берувчи инсонпарварликка оид қадрият сифатида таъкин қилинади.

Авестада қадимги давр жамиятида диний ва дунёвий эҳтиёжларнинг узвий боғлиқлиги контекстида шаклланган диний-ахлоқий қадриятлар мужассамлантирилган. Авеста ахлоқий таълимотининг таҳлили умуминсоний ва миллий қадриятлар шаклланниши ва ривожланишининг илк босқичларидан бирини ҳамда уларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини кузатиш, шунингдек уларнинг Авеста амал қиласиган кейинги тарихий даврларда эволюция қилишининг ўзига хос хусусиятларини ҳамда ушбу ғояларнинг умуминсоний маънавиятнинг шаклланишида бугунги кунга қадар тарихида ўйнаган роли ва аҳамиятини аниқлаш имконини беради. Зардуштийлик эътиқоди билан боғлик ашёвий, археологик материаллар орасида оссуарийлар энг ёрқин ва ишонтиаралилиги бўлиб, қадимги диний-фалсафий эътиқод сифатидаги зардуштийлик генезисини очиб беришга ёрдам беради. Хоразмда топилган ушбу барча топилмалар зардуштийликнинг хақикий генезиси, кейинги даврларда Эронда ҳамда барча Ҳиндистонгача жойлашган Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида тарқалган зардуштийлик айъаналари асосларини қайта тиклаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қиласи.

Вакт ўтиши билан аксарият зардуштийлик маросимлари, урф-одатлари йўқ бўлиб кетгани билан этнографик материаллар ибтидоий дин шакллари элементлари ва қадимги зардуштийлик реликтлари яшовчан эканлигини курсатади.

Зардуштийлар сув, ер, ҳаво ва күёшни, яъни барча ҳаёт баҳши этувчи нарса ва ҳодисаларни эъзозлаганлар ва уларнинг мұйжизали куч-кудратига ишонгандар. Авестада «ерга яхши ва пишик уруғ экиш», уни қизни севтандай севиш, уруглантириш, бой ҳосил берувчи она-ерга айлантириш энг муҳим конун ҳисобланади. Чунки одамлар баҳт-саодати дехкончилик билан боғлик, жонкуярлик билан амалга оширилган меҳнат ерни ҳосилдор киласи, ҳосилдорлик эса, ўз навбатида, инсон баҳт-саодати ва ернинг гуллаб япашининг белгисидир. Айнан шу маънода ср ва инсонлар жонли, ёрқин ва пок *Аҳора Мазда* рухининг тажасумидир.

Зардуштийлар ривоятлари Ўрта Осиёning аксарият халқлари фольклори, эртаклари, эпосида сакланиб келмоқда. «Видев-

дод»да тилга олинган шари, ажина, девлар каби жинлар бу халқ-лар онгига ҳали ҳам мавжуд. И. Жабборов ва Г. Дресвянскаялар тұғри таъқидшаганиңек, «Бундай ривоятлар манбанин зардушилікден аввалғы даврнинг қадимги катламларидан излаш керак»⁴⁷⁴. Масалан, зардушилілар худолари пантеонида дев образы марказий үрин әгаллаган: дев ё баҳайбат, ниҳоятта кучли, ёвуз аждахо, ё әгаси буйруғини бажариб юрадиган чүри, үз йүлида тирик жон қолдирмайдыган уюрма каби қуринишларда намоён бұлади.

Одамларни йигиши, ов қилиш босқичидан деңқопчилик, чор-вадорлик ва хұпармандчилік босқичига үтиши ижтимоий-тари-хий тажрибанинг оргиши натижасыда онгнинг үзгаришига олиб келди. «Бунда, бир томондан, инсоннинг табиат устидан илк ға-лабалари, ахлоқий мсъёрлар, умуминсоний қадриятлар ва тажри-бадан келиб чиккан билимлар күзатылса, иккінчи томондан, маросим ва таомиллар, уругдошлика хос ахлоқнинг торлиги, хурофот ва бидъат акс этади. Мазкур образларда жамиятнинг ижтимоий табакаланышы акс этган, ушбу жараённинг мағкура-вий ифодаси зардушилік дини зди, буни археологик маълу-мотлар тасдиклайды»⁴⁷⁵.

Қадимги Хоразм ҳудудида шаҳарлар, саройлар ва бошка объектлар, шунингдек. Үрга Осиёда жойлашған қадимги дағн қилиш билан боғлиқ иншоотларда олиб борилған казиш ішлари қадимғи даврда яшаган одамлар диний-фалсафий дүнёкараши-нинг эволюциясидан далолат беради. Онгнинг консерватив (яни секиңлик билан үзгариши) хусусияти туғайли қадимғи одамлар тасаввурларининг дастлабки мифологик образлари ва маросим-лари синтез қолда амалға ошади. Ушбу этномаданий коришма үз таркибида онгнинг ибтидоий диний, фалсафий, ижтимоий, ахло-кий ва эстетик шақулларини саклаб келади ҳамда халқлар ижти-моий ривожтаниш даражасыға мөсравиңде ривожлантириб боради. Бу маънода этнографик материаллар қизикарли маълумот-лар беради.

Мифологиянынг сөхрарлық, анимизм ва тотемизм билан боғлиқ бұлған ва халқ үртасыда ҳозирғи даврда ҳам тарқалған маросимлар, күльтлар ва ривоятлар билан биргә мавжуд бўлиши

⁴⁷⁴ Джабборов И., Дресвянская Г. Духи, святые, боги Средней Азии – Т. 1993 – Б. 60.

⁴⁷⁵ Джабборов И., Дресвянская Г. Үша асар. – Б. 39.

бевосита зардүштийликка тегишли ҳодиса хисобланали, вахо-ланки улар янада қадимий, архаик, зардүштийликдан олдинги даврни ҳам ўз ичига олали. Зардүштийлик эса уларни ўз вактида конунийлашгирган.

Шундай килиб, Ўрта Осиёда, хусусан, Хоразмда, археологлар томонидан дағн килишинг турли шакллари ва усуулари топилган, улар зардүштийлик эътиқодининг кўп қатламлилиги тұрсисида гувоҳлик беради. Буларга дастлаб дағн килишинг турли усуулари киради: жасадларни тоғ кияликтарнiga ҳайвонлар ва қушилар ейиши учун олиб чикиб қўйиш, жасадларнинг чириши, жасадларни куйдирит, сагана ва оссуарийлардан (остодонлар), шунингдек сопол, тош, лойдан ясалган илишлардан фойдаланиш, сопол идишларни пишириш учун кулолчилик печлари ва ўтхоналар, турли майший идишлар – хурмачалар, хумлар ва қузалар, ҳайкалсимон ва «кут» шаклидаги оссуарийлар, гупроқли қабрлар; зардүштийлар катар, даҳма, уздана, аус каби дағн килиш иморатларидан фойдаланганлар. Хоразмликлар дағн килиш одатларида учрайдиган усуулар ва шакллар, ушбу маросимлар кўп асрлар давомида мавжуд бўлганилиги ва анъана, ижтимоий-тарихий шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятларига мувофик равишдадан ўзгариб борганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, тадқиқотчилар томонидан таҳлил қилинган ва умумлаштирилган Ўрта Осиё этнографияси, археологияси, тарихи ва санъати материаллари асосида, зардүштийлик Ўрта Осиёда, Хоразм воҳасида нужудга келган ва у ердан секин-аста бутун Ўрта ва Яқин Шарқдан то Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда тарқалади, деган хулоса чиқариш мумкин.

Зардүштийлик биринчи жаҳон дини булиб, унинг таркибида қолдиклари ҳозирги давргача сақланиб келган қадимги Ўрта Осиё топинишлари элементлари мавжуд.

Муайян этник гурӯхнини шаклланиши узок давом этадиган тарихий жараён булиб, ибтидоий жамоа даврида табиатни ўзлаштириш ва билиш, ахлок, мифология, лин, фалсафа каби мураккаб тарихий ривожланиши узок вакт талаб килган ижтимоий онг шаклларининг шайдо булиши ва ривожланиши билан ифодаланади. Бошқа тарафдан, инсоният цивилизацияси эволюциясини турли этномаданий тизимлар ўзаро таъсири, муносабатисиз тасаввур килиш қийини, улар доирасида ғайри оддий, мураккаб диф-фузион ва интеграцион жараёнлари кечган. Ушбу жараёлар тил-

лар ва маданиятлар билан боғлик фарқларга қарамасдан этник гурухлар бирлашишига күмаклашып. Бундан ташқари, оламни ва инсоннинг ундағи үрнини мифологик, диний-фалсафий англициши биргаликта амалга ошган, бу жараён ҳар бир этник гурухларнинг ривожланғанлық даражасига мос бўлган маросимлар, одатлар ва анъаналарда ўз аксими топган. *Зардуштийлик* турли этник гурухлар ҳамда уларнинг олам ва инсон ҳақидаги тасаввурлари, одат ва анъаналарининг аралашishi йўлини босиб ўтиб, олам ва инсон тұғрисидаги ягона ва умумий тасаввурга ўтади.

Зардуштийлик илк метаэтник дин, Ўрта ва Якин Шарқ халқлари маънавий ҳаётининг кўп катламлари акс этган диний-фалсафий дунёкарашыдир. Муайян ҳудудлар ахолиси, турли этник гурухлар онгида үрнашган топинишлар, маросимлар, одатлар шунчалик мустаҳкам әдики, инсон маънавий конституциясининг кейинги даврларда ўзгаришига қарамасдан, улар онгида бирлаштирувчи синкретлик узок вақт сакланган ҳамда ушбу маънавий бойлик таркибиға жиddий ўзгартиришлар киритган.

Барча ушбу жараёнлар турли этник гурухлар онгида сакланган эътиқод ва одатларининг асос солувчи тамойилиарини учира олмаган. Баъзи одатлар ва анъаналар янгиланган, баъзи топиниш ва маросимлар янги диний-фалсафий курсатмалар ва ижтимоий шарт-шароитларга мос равишда ўзгарган, янги маъно ва мазмунга тўлиб борган. Шунинг учун Ўрта Осиё халқлари онги ва маиший ҳаётида *зардуштийлик* қолдиклари (реликтлари) яшовчан булиб, XXI асргача сакланган.

ҲАОМА ЯШТ

1. Эрта тонг пайтида курбонлик оловига (тоза) ўтилар қалаб алков дуоларидан ўқиётган *Заратуштра* ёнига Ҳаома келди. *Заратуштра* ундан сўради; «Сен кимсан, эй паҳлавон йигит? Бу фоний (моддий) дунёда мен сенчалик келишган, нурли ва ўлмас сиймони кўрган эмасман».

2. Имонли, улимни баргараф этувчи Ҳаома унга жавоб берди: Эй *Заратуштра*, эй *Спитама*, мени териб йиг, эзиз шарбатимни чикар, алков сўзларинг-ла олкишла мени. Сендан аввал келган осушийант⁴⁷⁶ (масих) зотлар олқишилагани қаби (шаънимга) мактовлар айтгин.

Осушийант – *Заратуштра* уругидан охирадан куни дунёга келиб, барча имонлилар руҳларини биҳиншта стаклағувчи, гунохкор бандалар учун худо Аҳора Маздадан магфират сурагувчи зотлар, деб ишопилтган.

3. Заратуштра леди: «Намозим сенга бўлсин, эй Ҳаома! (Айт-чи), бу дунё ичра сенинг шарбатингни сикиб олган ким? Бунинг учун у одамга қандай савоб стишди, қандай наф келди?»

4. Имонли Ҳаома, ўлимни даф килувчи зот шундай жавоб берди: «Борлик дунё фойдаси учун менинг шарбатимни биринчи булиб Вивахвант сикиб олган эди. Бу эзгу иши учун шундай савоб, шундай наф стишдики, Вивахвант қудратли ва порлок сиймоли Йима исмли ўғил курди. Йиманинг подалари сонсизсаноқсиз, одамзот ичра энг гузал, энг нурли юзли, қуёш тальят зот эди у. Худди уша Йима шохлик килгаг пайтида одамлару ҳайвонларни абадий ўлмас килди, сувни курилас (тимлас). ўсимликни сўлмас килди, токим, одамлар ва ҳайвонларнинг насибала-ри доимо бутун бўлсин, деб».

5. Чобуку чакқон Йима подшо бўлган замонда ва қаҳрли со-вук ва на жазирама иссик, на кексайиш ва на ўлим, девлар яратмиш сук – ҳасад йўқ эди. Подалари сонсиз Йима Вивахвант ўғли подшолик килган замонда ота билан ўғил бир хилла – худди ўн беш ёшдагидек⁴⁷⁷ эди».

6. «(Эй Ҳаома), сенинг шарбатингни сикиб олган, бу фоний дунёда иккичи (авлиё) зот ким бўлган? Унинг топган савоби, кўрган нафи-фойдаси нима бўлган?»

7. Имонли Ҳаома, ўлимни даф килувчи зот менга леди: «Менинг шарбатимни чиқариб сикиб олган бу ўткинчи дунёда иккичи одам Атвийя эди. Унинг савобли амали учун унга ашкокоматлар сирасидан Трастаона⁴⁷⁸ исмли ўғил ато бўлди».

8. Уша (угил) уч оғизли, уч бошли, олти кузли, минг кувватли Ажи-даҳакани⁴⁷⁹, дес дуруджи (слғон, алдоғининг) қудратли хилқатини, Ахримандан бўлғанни Аҳура Мазданинг эзгу яратмишлари учун оғатни, борлик дунё учун горатни, имонли эзгуликлар учун кулфатни ўлдири⁴⁸⁰.

9. (Эй Ҳаома!), бу фоний дунёда сенинг шарбатингни сикиб олган учинчи одам ким эди? Унга қандай савоблар ва нафи тегди бу савоб ишнинг.

10. Имонли Ҳаома, ўлимни даф килгувчи (зот) менга жавоб берди: «Сом уруғининг энг яхши вакили Трита бу фоний дунёда

⁴⁷⁷ Ўн беш ёшда ўғил болага кийимлар кийғизилиб, имон беъботи бояланган. У юлага етган хисобланиб уйланишты ҳақли бўлган.

⁴⁷⁸ Трастаона – Фаридун.

⁴⁷⁹ Атжадони.

⁴⁸⁰ Бинигача нақлга кўра, Ҳамонанд тогига занжирлаб таомлансан.

учинчи булиб менинг шарбатимни сикиб олган. Бунинг өвазига унга шундай савоб ато бүлгәнки, шундай наф унга етишганки, иккى ўғил күрган. Бири Урвахшайа, иккىнчиси *Киришаспа* эди. Бири диннинг нозири, конунларни яратгувчи, иккىнчиси пахлавон алпқомат (йигит) (?) гурзи кутариб юрувчи жангчи эди.

11. Заҳридан кўкариб кеңтән, отларни бутун юттән, одамларни ямлаган Сәрвар илони ўлдирган удир. Сәрвар шундай илонки, унинг заҳри бошмолдоқдек кенгликда устидан окиб турали. Киришасп Сәрварни излаб (тополмай юрганида), ўзи билмаган ҳолда худди унинг устига қозон куриб пешин вактида овқат нишира бошлибди. Илоннинг усти куйиб бир түлғанибдида, қозоннинг тагидан суғирилиб чиқишига ҳаракат қилибди. Қайноқ сув устига тўкилибди (бирдан илон кўзалиб қолгач), ботир Киришасп ҳам тисарилибди.

12. Ҳаома, сенинг шарбатингни бу дунс (фойласи) учун сикиб олган тұртингчи одам ким эди? Унга қандай савоб ато этдинг, қандай наф етишди?

13. Имонли Ҳаома, үлимни бартараф этгувчи зот менгә шундай жавоб берди: «Одамлардан тұртингчи булиб бу дунс балогати учун менинг шарбатимни сикиб олган (зот) Пурушаспа эди. Унга (бу савоб иши учун) мукофот булиб. Пурушаспа хонақонида сен түгілдинг, девлар душмани, Ахуранинг дүсті, эй имонли Заратуштра.

14. Сен Арынам – Васжуда әнді шавкатли зотсан. «Ахуна – Варя» дуосини дона-дона килиб тұрт марта – хар бир гаңда олдингисидан барадлароқ үқидинг.

15. Барча девларни ер қаърига кириб кетиппә мажбур килдинг. Улар эса ушбу ер узра илгари замонларда одам киёфасида изриб юришар эди» ...

ВИДЕВДОТ

6- Фрагард

I

(Покланиш қоидатари). Ер майдонини үлк макрұхтыгыдан поклаш йўллари

1. – «Ит ёки одамлар ўлган ер майдони канча муддат мотамсаро турмоги лозим?»

– «... Ит ёки одамлар ўлган ер майдони бир йил мотамсаро турмоги лозим, эй авлиє Заратуштра?»

2. Бир йил ичида *Маздага* имон келтирганлар бу срга бирор нарса экмасликлари, у ерни сугормасликлари керак. Колган бошка ерларини эса ўз ихтиёрлари билан экиб-тикиб, истаганларича сугоришлари мумкин.

3. Ит ёки одам ўлган ерни кимки экиб сугорса, унинг гунохи шу ерла қашча ўсимлик ўсса - шунча, қанча сув сингиса - шунча микдорда, гүёки ўликни кўмган каби гунохкордир».

4. - «Эй борликни яратган халлок, эй Муқаддас зот! Ит ёки одам ўлган ерда бир йил ичида кимки экин экса ва сугорса, унинг жазоси недир, қандай қилиб гунохи ювилгай?»

5. *Аҳура Мазда* жавоб берди: - «Улар тан жазосига лойикдирлар: икки юз от камчиси, икки юз хипчин билан».

6. - «Эй борликни яратган халлок! Эй муқаддас зот! Бир йил ўтгач, *Маздага* имон келтирилган ўша ерга яна ишлов беришни, уни шудгор килиш, сугориш, экишни хоҳласалар, нима амалларни бажаришлари керак?»

7. *Аҳура Мазда* жавоб берди: - «Ерда нопок, чиркин нарсалар (тирнок, тук, кон, тезак, сийдик) йўкми деб текшириб кўришлари керак».

8. - «Эй борликни яратган холик! Эй муқаддас зот! Агар улар ерни текшириб карамасалар, ерда ифлос нарсалар борми, деб ўйламасалар, у ҳолда жазо недир? Қанлай кутулгайлар?»

9. *Аҳура Мазда* жавоб берди: - «Улар тан жазосига маҳкумдирлар: икки юз от камчиси зарби, икки юз хипчин зарби».

II

10. - «Эй борликни яратган Муқаддас зот? Агар одам ерга ўлик кучукнинг ёки одамнинг, ақалли жимжилокнинг бир бүгинича бўлса-да парчасини ташласа, окибатла бир парчадан срга сел, мой, илик каби нопок нарсалар томса, бунинг жазоси нима бўлади, гуноҳ қандай ювилади?»

11. *Аҳура Мазда* жавоб берди: - «От қамчиси билан ўттиз зарб. хивич билан ўттиз зарб урилади».

12. - «Эй борликни яратган муқаддас зот? Агар бу эт парчаси номсиз бармоқ бүгиничалик бўлса-чи, унинг жазоси недир, гунохдан кутулмок йули қандай?»

13. *Аҳура Мазда* жавоб берди: - «От қамчиси билан эллик, хипчин билан эллик зарб уриш лозим».

- 14.– «Агар бу парча ўрта құлнинг бир бүгинича бұлса-чи?»
15.– «... От қамчиси билан етмиш марта, хипчин билан ст-миши марта урилсин».
16.– «Агар ташланган эт парчаси бармоқдай ёки қобирға бұлса-чи?»
17.– «От қамчиси билан юз марта, хипчин билан юз марта урилади».
18.– «Икки бармоқ ва икки қобирға микдорида бұлса-чи?»
19.– «У тан жазосига лойик: икки юз от қамчи зарби, икки юз хипчин билан уриш».
20.– «Агар ташланган парча күл суюги бұлса ёки сон суюги?»
21.– «Тұрт юз қамчи зарби, тұрт юз хипчин зарби».
22.– «Одам бош суюгини ёки ит калласини ерга ташласа, жа-зо недир?»
23.– «Олти юз зарб от қамчиси билан, олти юз хипчин билан».
24.– «Эй борлиқни яраттан Мұқалдас зот! Агар одам ерга үлік ит танасини ёки одам жасадини ташласа, жазоси недир?»
25. *Ахұра Мазда* жавоб берди: – «От қамчиси билан минг зарба, хипчин билан минг зарба урилади».

III

(Ұлік макрухлігидан (харомлігидан) сувни поклаш коидалари)

26. – «Эй борлиқни яраттан мұқалдас зот! *Маздага* имон келтирган іюли узра сувда ёттан ұлікни құрса нима құлмоги лозим?»
27. – «Әгнини сиңб сувға түшмоги, ұлік нарсаны олиб ташлашға, у канчалық чукурда бұлмасин, ҳаракат құлмоги лозим».
28. – «Эй борлиқни яраттан мұқаддас зот! Агар жасад чириб парчаланаёттан бұлса-чи, *Мазданы* деган одам нима құлмоги лозим?»
29. *Ахұра Мазда* деди: – «У икки құллаб тута олиш дара-жасида жасад парчасини сувдан олиб, курук ерга қўймоги лозим. Ололмаган ёки узилиб сувға қайтиб тушиб кеттан қисмлари учун у ҳеч қанча гуноҳкор бұлмайди».
30. – «Эй борлиқни яраттан Мұқаддас зот! Ұлік десви ховуз-нинг қайси қисмини зараптайди, харомлик гарқатали, нопок ки-

лади?»

31. *Ахұра Мазда* жавоб берди: – «Тұрт томонға олти қадамдан майдондаги сувни ҳаром қиласы. Бу нас үлкін деви то сувда ётар экан, уни ишлатиш ва ичиш мүмкін эмас. Шунинг учун одамлар үлкінни сувдан олиб куруқ жойга құймоклари керак.

32. Сұнғра сувнинг ярмини оқизиб юборишилари лозим. Қолған ярим миқдор сув эса тоза хисобланади. Уни үз хохишли-рича ичиб роҳатланишилари мүмкін».

33. – «Эй моддий дунёнинг яратувчиси, Муқаллас зот! Кудук сувида үлкін ётган бұлса, бу сувнинг қайси кисми ҳаром бұл-ған хисобланади?»

34. *Ахұра Мазда* деди: – «Жасад сувда ётар экан, кудук суви бошдан оёқ ҳаммаси ҳаромдир, ичишта яроқсиздір. Шунинг учун одамлар үлкінни қудукдан олиб ташлашлари ва куруқ ерга қўйиши-лари лозим.

35. Сұнғра кудук сувининг ярмини чикариб ташлашлари ёки кучлари еттанча чикаришилари лозим. Үлкін чикарилиб, сувнинг ярми олиб ташланғач, кудук суви тоза, уни илгаригидек ро-ҳат килиб ичса бұлади».

36. – «Эй борлық дунёни яратған мұқаллас зот! Ёмғир ёки әрүвгарлик сувида үлкін ётган бұлса, сувнинг қайси кисмини (кан-часини) ҳаром қилған бұлади? Үлкін деви уни канчалик булга-тали, ифлос қиласы?»

37. *Ахұра Мазда* жавоб берди: – «Тұрт томонға уч қадамдан сув ҳаром бұлади. Үлкін сувда ҳамон ётар экан бу сув попок, ичишта яроқсиздір. Шунинг учун одамлар үлкінни сувдан олиб, куруқ ерга қўйишилари лозим.

38. Үлкінни сувдан олишгач, ёғин ёки әрүв сувининг (яңти тұлкиншлари) оқиб үтиб кетгач, оқаётған колған сув тоза, уни ил-гаригидек мирикиб ичса бұлади».

39. – «Эй борлық дунёнинг яратувчиси! Эй Муқаллас зот! Үлкін деви жилға сувининг қанча қисмінде ҳаромлик тарқатади, бузади?»

40. *Ахұра Мазда* жавоб берди: – «Оким буйлаб уч қадам, оким юкорисига қараб түккіз қадам, олти қадам сув энінде ҳаром бұлади. Үлкін ҳамон сувда қолаверса, бу сув ҳаром, ичишта яроқсиздір. Шу туғайли одамлар үлкінни сувдан олиб ташлашлари ва куруқ ерга қўйишилари лозим.

41. Үлкінни сувдан олишгач, оким уч марта думаласа, сув

тоза булади. Уни одамлар ўз хоҳишилари билан роҳат қилиб ичишилари мумкин худди илгаригидек».

IV

(Ҳаомани поклаш)

42. – «Эй молдий борлиқпинг холиқи, Парвардигор! Үлкит ёки үлк одам теккан ҳаома навдалари яна қайта тозаланиши мумкинми?»

43. *Аҳура Мазда* жавоб берди: – «Тоза бўла олади, эй имонли Заратуштра. Агар у эҳсон учун тайёрганланган бўлса, унга ҳаромлик, на үлимдан, на үлк деви – Насдан юқиши мумкин эмас. Агар ҳаома эҳсон учун тайёрганмаган бўлса, ҳаома навдалари тўрт энлик миқдорда ҳаром булади. Уни тозалаш учун уй саҳнига уртага кўйиб кўйиш керак, шу холда токим у бир йил сақланисин. Йил утгач, имонли одам унинг шарбатини илгарни қандай бўлса, яна ушандай роҳат⁴⁸¹ килиб ичавериши мумкин».

V

(Улікларни даҳмага чиқариб кўйиш хақида)

44. – «Эй борликни яратган парвардигор! Эй муқаллас зот! Улғанлар жасадини каерга олиб борайлик, қайга қўяйлик?»

45. *Аҳура Мазда* жавоб берди: – «Шундай (лўнглик ва) чўк-киларгаки, у ерда үлк сб тириклиқ қиласиган ҳайвонлар ва қушлар борлиги аниқ бўлсин, эй Спитамаи Заратуштра.

46. Уша ерда *Маздага* имон келтирганлар үлкнинг қўл оёгини, соchlарини мис, тош ёки лой билан шундай бостириб кўйсингиларки, үлк этини егувчи итлар, үлк этини сгувчи қушлар суюк (ёки эт бўлагини сув томонга ва дараҳтларга олиб кетмасингилар».

47. – «Агар улар үлкнинг қўл оёгини, соchlарини мис, тош, лой (кесак) билан боғлаб (бостириб кўймасалар қандай жазо тоурлар) қандай килиб бу гуноҳдан кутилурлар?»

48. *Аҳура Мазда* жавоб берди: – «Улар тан жазосига лойиклар: от қамчиси билан икки юз марта, хипчин билан икки юз марта урилади».

49. – «Эй борлиқ дунёни яратган муқаллас зот! Улғанлар

⁴⁸¹ Ҳаоманинг шарбати үлк девидан ҳаром бўлиши 5-фрагардда айтнаган. Бу ўринда жавоҳишилари навдаси устида кетмоқда.

саягини қаерға элтайлик, үлгандар саягини қаерға тұплашимиз мүмкін?»

50. *Ахура Мазда* жавоб берди: – «*Маздага* имон келтирғандар саякларни асраш учун шундай жой қурсындарки, у ерга ит, тулки, бүри етолмасын, әмбір суви күтмак булиб тұшланолмасын.

51. Бундай жойни улар күч-кувватлари етса тош, тупроқдан куриб, устини сувасындар; Бу ишни үдделай олмасалар үлкені ё (курук) ерга ёки ғылам юзига күйсіндар. Үлкенка мовий кийим кийгизиб юзини күёшга қаратыб күйиш керак».

7- фрагмент

(Поклониши, тахорат шартлары)

(Майит танасынға ташланған үлкін деви – Насуны қувиб чиқарып хакида)

1. *Заратуштра Ахура Маздадан* сұради: – «Эй *Ахура Мазда*, рухлар ичра зинг хайрлиси, борлық дунёни яраттың мұқаддас зот! Одам үлган вактида айни қайси лаҳзада үлкін деви унинг жасадига ташланади?»

2. *Ахура Мазда* жавоб берди: – «Жон тандан күчиши биланың жасадига үлкін деви кириб олади. У коронгилик, ернинг ортынан (шымол) дан учеб келади, тиззалари диккайған, думи тиккайған, тинимсиз виз-визлаб етиб келади. Ёвузылкыннан зинг жирканч мажлүқидир (у).

3. Үлкін тани ичра, то уни ит покиза килиб тозаламағунча утиради. Құшлар үлкін томон учыб келагуница у үлкін ичра утиради. (Үлкін этдан пок бұлғач), үлкін деви (нас) шымол томон тиззалари диккайиб, думшары тиккайиб, тинимсиз визиллаганича учеб кетади, ёвуз яралмишларнан зинг жирканч (у)».

4. – «Эй борлықтың ярататұучиси, мұқаддас зот! Агар одам касал булиб змас, ит ё бүри томонидан үлдирилған бұлса, секруждодан үлган бұлса, ҳасад ёки нафратдан үлган бұлса, йикілиб үлса, боши танидан жудо бұлғын үлса, дорға осилиб үлса, унині жасадига үлкін деви қанча мұддатда кириб олади?»

Ахура Мазда деди: – «Күннинг кейинги палласида етиб келадын...»⁴⁸²

⁴⁸² «Күннинг кейинги палласи» - үзіні түнде содир бұлса, үлкін деви күндүзі келады, пешінде

(Кимдир ўлгач унинг ётган кўрпа-тўшагини поклаш шартлари)

10. – «Эй борликни яратган мұқаддас зот! Урин-кўрпа, тўшак ва ёстиқларнинг қайси кисмига ўлик деви ўз нас – нопоклигини, чиркинлигини ётган бўлади?»

Аҳура Мазда жавоб берди: – «Кўрпа билан чойшабни ҳаром килади».

11. – «Эй борликни яратган мұқаддас рух! Одам ёки ит ўлиги тегиб ҳаром бўлган урин тўшакни тозалаш мумкинми?»

Аҳура Мазда жавоб берди. – «Мумкин, эй авлиё Заратуштра».

– «Қандай килиб?»

12. – «Урин-тўшакда уша нопоклик бўлса, уни бурдалаб, булак-булак қилиб кўмиб гашлаш керак.

14. Борди-ю, (урин-кўрпала ўлик булиб), ундан нопок нарсалар қолмаган бўлса, бундай кўрпа-тўшакни сигир сийдиги билан ювиб тозалаш мумкин.

15. Агар кўрпа-тўшак чармдан ғилоф ичига солынган бўлса, уни сигир сийдиги билан уч марта ювмоқ лозим, сув билан ҳам уч марта. Ундан сўнг эса уч ой муддатта ташкарига осиб қўйиш керак.

Агар урин-кўрпа ғилофи тўқима матодан бўлса, уни сигир сийдиги билан олти марта ювмоқ лозим, тупроқдан балчик қилиб олти марта, сув билан олти марта ювгач, олти ой ҳавога осиб куритиб поклаш керак.

16. Покловчи сув манбаи буюк *Ардвидир*. Удир эрлар уруғини покловчи, удир аёл пуштини покловчи, удир аёл кўксини сутта тўлдиргувчи».

23. «Эй моддий борликнинг яратгувчиси, мұқаллас зот! Итнинг ёки одамнинг жасадидан татиб кўрган кимса ўликдан юқкан ҳаромликдан поклана оладими?»

24. *Аҳура Мазда* жавоб берди: – «Эй авлиё Заратуштра, ерга қабр куриб ҳаром қилгувчи, одам (ўлиги) кўксидан юрагини

бўлса, кечкурун демакдир. Яъни табиий ўлим топмаганлар танасига ўлик деви бир муддат бўйин стиг белади.

⁴⁸³ (Шу маъни *Ардвисура Анаҳита* – Обон Яшт матнида шеърий шаклда аник таракорланади – тарж.).

17-22 бандлари 5 фрагардининг 57-62 бандлари билан бир хил, яъни ҳаром бўлиш даражаси, урин-кўрпалар. ўлик бола туккани сабабли тукдан хотиннинги кийимлари ҳаром бўлиш даражалари кабилар.

сугуриб еб (рохатланувчи), күзларини үйгүвчи одамнинг тирноғи учиғача үлим деви (нас) үтириб жойлашиб олади ва у умрбод харому нопокликдан қутулоғмайды».

V

(Сув ва оловни поклаш йүлтари хақида)

25. – «Эй борликни яратган мүкаддас зот! Чириётган үликтин сувга ёки оловга ташлацган одам гунохидан қутулиб, пок була оладими?»

26. *Aхұра Мазда* жавоб берди: – «Покланолмайды, эй Заратұштра! У нопокдир. У насу (нас)нинг хизматкори (малайи). У туфайли үргимчактар, чигирткалар болалайды, күрғокчилик келади, үт-үланлар қуврайди.

27. Девлар юборған киши-қаҳратон забтига олади. Чорва кирилади. Қор босған, бурону изғиринли, совук, шафқатсиз киши авжига чиқади. Нопок одамлар ва үлік деви – Насу келиб, уларга ташланади. Тирноқларигача жойлаптиб олади ва у одам абадий нопок, гунохкорлыгыча қолади».

VI

(Харом булған үтін ва дөнни поклаш хақида)

28. – «Эй борликни яратган мүкаддас рух! Агар үтинга – ит ёки одам жасадилан – үліктан ҳаромлик етишган бұлса ва үлік деви үнга ёпишса, бу үтін поклана оладими?»

29. *Aхұра Мазда* жавоб берди: – «Ха, авлиә Заратұштра!»

– «Кандай килиб?»

– «Агар Нас (деви)ни үлиқшұр ит назари ёрдамида үлік танидан ҳайдаб чиқарылмаса, үлемтикхұр күшлар уни тозалашмаса, у ҳолда, агар үтін курук бұлса, үліқдан бир газ нарида. Ҳұл үтін бұлса, бир саржын нарида тұрса ҳам, ҳаром ҳисобланади. Үндән үтінләрни ажратиб олиб, курук ерга ёйләди ва устига сув сепилса, улар покланған ҳисобланади.

30. Агар Нас үлік тозаловчи ит ёки үлемтикхұр күшлар томониңдан ҳайдаб чиқарылған бұлса, үліқдан бир карич оралиқдаги курук үтін, бир тирсак оралиқдаги ҳұл үтинга ҳаромлик еттеган булади. Уларни ажратиб олиб, курук ерга ёйләди ва устидан сув сепиб поклаш лозим булади.

31. Үтіннинг курук ёки ҳұллігігің қараб шундай күлсінштар:

үтгінларни ажратиб сісінлар, сув сепсінлар – улар тоза буладилар!»

32. – «Эй борликни яраттан мұқаддас зот! Чорва учун ғамланған дон ёки ем ит ёки одам жасадидан ҳаром бұлғач, үлік деви (нас)дан покланған оладими?»

33. *Aхура Мазда* жавоб берди: – «Покланған олади, эй авлий *Заратуштра!*» – «Қандай килиб?»

– «Агар үлік тозаловчи итлар настин ҳайдаб чикармаган бұлсалар, у холда үлікден қурук дон ёки ем бир тирсак масофада, ҳұл дон ёки см бир саржын масофада туриб ҳаром бұлған хисобланади. Уларни ажратиб ёйиши ва сув сепиб поклаш мүмкін. Шунда улар тоза бұлған хисобланади.

34. Агар насту левини итлар қувиб чикарган, құшлар ҳайдаб чикарған бұлсалар, у холда үлікден бир кариң ва бир тирсак масофадаги қурук ва ҳұл дон ажратиб олинади ва сийиб устига сув сепилса, у покланған хисобланади.

35. Дон (см) нинг қурук ёки ҳұллигига караб шундай қилинілар: эланғанми, янчилғанми, соврулғанми, совурилмаганми – барини сув сепиб покласалар, улар тоза хисобланади».

VIII

(Ерни поклаш, дахмаларнинш нопоктити ҳақида)

45. – «Эй борликни яраттан мұқаддас зот! Одамнинг жасадига мөвий кийимлар кийгизиб, қурук срга юзини қүёшіга ва (сүнгра) срга қаратаб ёткизиб күйилғач, бу ср қачон үлік наслигидан пок бұлади?»

46. *Aхура Мазда* жавоб берди: – «Одам жасади мөвий ранғы кийимларда, юзи қүёшіга қараб бир йил ётгач, у ёттан ср яна покланған, десб хисобланади, эй авлий *Заратуштра!*»

47. – «Эй борликни яраттан мұғабар зот! Одам жасади ерга күмілған бұлса, бу ср қачон нас балосидан покланади?»

48. *Aхура Мазда* жавоб берди: – «Жасад ерда эллик йил ётгандан сүнг бу ер пок хисобланиши мүмкін, эй Спитама *Заратуштра!*»

49. – «Эй борликни яраттан Мұкалдас зот! Одам мурласи дахмага күйилғач, дахма турған ср қапча вактдан кейин покланади?»

50. *Aхура Мазда* жавоб берди: – «Мурла тупрок ғубори

билиң коришиб кетмагуича бу ер тоза бүлөлмайды. Шу туфайли бу ёргү дүнёла ҳар бир имонли одам дахмаларни йүк килишга масъул қилингандир.

51. Кимки ўз бүйи билан тенг дахмани бузса, унинг үй-фикрила, сүзида ва амалида содир булган гуноҳлари кечирилади, гүё истигфор (кечирим) дуоси ижобат булган каби.

52. Бундай одамнинг рухи эзгу ва ёвуз рух ўртасида талаш бўлмайди, чунки тўғри биҳиштта киради. У ерда бундай одамлар рухи учун юлдузлар, ой, қуёш кувонади. Бу одам рухи менн – Аҳура Маздани ҳам кувонтиради ва мен дейман: «Эй инсоннинг (пок рухи) мен сени қутлайман, чунки сен ўткинчи дунёдан абадий дунёга келдинг».

53. – «Эй борлик дунёни яратган мұътабар зот! Девларнинг макони каер? Девпастлар макони каер? Девдустлар каерда макон туттганлар? Дев малайлари макони каерда? Девлар лашкари юзлаб, минглаб, миллионлаб эзгу хилкатларни ўлдириш учун күпинга каерда бирлашади?»

54. Аҳура Мазда жавоб берди: – «Ер юзида одам мурдасини куйиш учун қурилган дахмаларда девлар истикомат килади, уша ерда девпастлар япайди дев қурдошлари ҳам уша ерда туради, дев дастёrlари (малтай)лари ҳам уша ерда макон топади, уша ерда девлар күшини юзлаб, минглаб, саноқсиз эзгу маҳлукларни нобуд килиш учун күшин бўлиб бирлашади.

55. Уша дахмаларда девлар еб-ичасидар, нажаслари билан булғайдилар. Бу айнан сиз – одамлар бу ўткинчи дунёда емиш пиширганингиз, еб-ичганингиз, айникса, этни ковуриб еганингиз кабилидар. Даҳмадан келиб турадиган бадбуй, ёмон ис девлар таомининг исидир.

56. Даҳмалар девлар яшайдиган жойдир. Бу даҳманинг бадбуйлиги йүк булгунча давом этади.

57. Бундай даҳмаларда юкумли касаллар уй қуради. Кутир, иситма, безтак, тез қариб қолиш каби (дардлар даҳмалардан келади).

58. Даҳмаларда ёвуз кучлар, айникса, кунботар чогида гужғон ўйнайди.

59. Нодон одамлар даҳмаларни бузмай колдириб касалликларни ята учдан бир ҳисса купайтиради».

9-Фрагарл Баршанум покланиш

1. *Заратуштра Ахура Маздадан суралы:* – «Эй рухлар ичра эңг эзгу рух, борлиқнинг яратгувчиси. Муқаддас зот! Үлим девидан нопок танини покламок истагида одамлар кимга мурожаат этишлари керак?»

2. *Ахура Мазда жавоб берди:* – «Имонли одамга мурожаат килсингилар, о Спитамиа Заратуштра! Сүзни чин айтгувчига, сўзни билбайтгувчига, Муқаддас дуоларни билгувчига, эътиқоди бутунга, покланиш (таҳорат) қоидаларини билгувчига, Мазда буюргандек нок, имонли одамга мурожаат этмоги лозим. Токим, уни Нас – үлим деви нопоклигидан тозаласин.

3. Сўнгра у ер ўсимлиги энг кам, бошка жойларга қараганда энг тоза, энг курук ер булсин. У срга кўйлар ва моллар оёни энг кам теккан бўлсин. *Ахура Мазданинг Муқаддас олови, барсман ва имонли одам оёғи тегмаган ер булсин».*

4. – «Бундай ер оловдан қанча олисда булсин? Сувдан қанча нари булсин? Муқаддас барсмандан қанча нари булсин? Имонли мўмин одамдан-чи?»

5. *Ахура Мазда жавоб берди:* – «Оловдан ўтгиз қадам, сувдан ўтгиз қадам. Муқаддас барсмандан ўтгиз қадам. Имонли мўмин (зардушийдан) уч қадам нарида булсин.

6-8. Ёз бўлса, ёзда чукурлиги икки бармоқ тўккиз чукур қазисин. Қишида эса турт бармоқ чукур қазисин. Қиши совугида ҳар бир чукур орасида уч осқ изи узунлигидаги бир қадам масофа бўлсин.

9-11. Сўнгра чукурчалар атрофига ун икки доира арикча килинсин. Ҳар бир уч чукурча атрофига учтадан, яъни биринчи учта чукурча атрофига бир арикча, иккинчи учта чукурча атрофига учта арикча, сўнгра сўнгти учта чукурча атрофига ҳам учта арикча килинсин. Сўнгра чукурчаларнинг ҳар бирига гўё зинаюя бўладиган қилиб тўккизта тош ёки бошка қаттиқ материалдан қўйиб чиқди».

VII

ЗАРАТУШТРА ШАХСИ ВА ҲАЁТИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

КИРИШ

Маздаясна динининг асосчиси ҳисобланувчи Заратуштра шахси ҳақидаги асотир ва ривоятлар хилма хил илмий, бадиий, адабий асарларга мавзу булган. Баъзилар унинг «қачон яшаганигини аник белгиташи мумкин эмас⁴⁸⁴», десалар, баъзилар эса «тош давридан бронза даврига ўтиши вакти, яъни милоддан аввалиги 1700-1500 йилларда яшаган⁴⁸⁵», деб фикр билдирадилар, бошқалар ҳатто фантастик-хаёлий рақамларни келтирадилар: «платончи Гермодорнинг ҳисоб-китобига кура («Фанлар ҳақида» китобида), Троянинг маглубиятидан 5000 йил аввал, Ксанф Лидийскийнинг ҳисоб-китобига кура эса, Зороастранд Ксеркс-гacha 6000 йил⁴⁸⁶» ёки «эрдизгача етмиши аср⁴⁸⁷», деб ёзалилар.

Мазкур бўлимда биз аждодлар ададига қараб Заратуштра нинг яшаган вақтини тизимлаштиришга ва таснифлаштиришга ҳаракат қилдик.

Динкард китобининг VII боб 70-қисмида ёзилишича, Ер юзидағи биринчи одам – Каюмарс⁴⁸⁸га Заратуштра 44 нафар аждод билан боғланади⁴⁸⁹.

Яхудийлик ва насронийлик динларининг муқаддас китоби саналувчи Библия (яхудийлар унинг фақат биринчи қисмини тан оладилар ва Тора деб атайдилар)ни Заратуштра аждодлари сони билан қиёслаш натижасида куйидаги хуносаларни олиш мумкин:

⁴⁸⁴ Агафий. О царствовании Юстиниана. / Перевод, статья и примечания доктора исторических наук М.В.Левченко/. - Москва-Ленинград: Изд-во Академии наук СССР, 1953. -с.59.

⁴⁸⁵ Boyce M. Zoroastrians: Their Religious Beliefs and Practices. - London, Burton and Henley: Routledge&Kegan Paul, 1979. -p.2

⁴⁸⁶ Лаврентский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов / Перевод М.Л.Гаспарова/ -Москва: «Мысль», 1979. -с. 63.

⁴⁸⁷ Гекерторн Ч.У. Тайные общества всех веков и всех стран. - Т.: «Шарк», 1994. -с.23.

⁴⁸⁸ Авесталаги шакли (Гая Марстан)

⁴⁸⁹ Зад-спарам китобида эса 46 нафар деб курсатилиши (Pahlavi texts. Translated by E.W.West. Part V. Marvels of Zoroastrianism. Sacred books of the East. Translated by various scholars. Volume XXXXVII. - Oxford, 1897. -p. 139-140)

⁴⁹⁰ Pahlavi texts. Translated by E.W.West. Part V. Marvels of Zoroastrianism. Sacred books of the East. Translated by various scholars. Volume XXXXVII - Oxford, 1897. -p. 34-35.

Библияда Одам⁴⁹¹ дан хисоблаганда 44-авлод Манассия⁴⁹²га түгри келади⁴⁹³. Агар биз Каюмарсни биринчи одам деб олсак (*Маздаясна* динига мувофиқ) ва Манасихнинг милоддан аввалги 698-642 йиллар⁴⁹⁴ да Яхудияда хукмронлик килганлиги таяниб. Заратуштрани VIII-VII асрларда яшаган дейиш мумкин.

Мирзо Улутбекнинг эътироф этишича, «*Турк ибн ёфас алай-хиссаюм Каюмарс замондоши бўлган*⁴⁹⁵». Бу манбага таянадиган бўлсак, Заратуштранинг ажлодлари сони 56 нафарга етади⁴⁹⁶ ва у Исо Масих⁴⁹⁷ дан 5 авлод⁴⁹⁸ аввал яшаган бўлиб қолади, тахминан милоддан аввалги III-II асрларда. Назаримизда, бу фикр мунозарали. «Аҳли таворих қавлида ибтидиои фунёса султон бўлғон Каюмарсдур дерлар...анинг ўғли Сиёминг, анинг ўғли Ҳушане, анинг ўғли Таҳмурас, анинг ўғли Жамшид... Булар барчаси тӯфондин шлари муқаддимфур⁴⁹⁹». Яъни Каюмарс биринчи одам бўлмаган такцирда ҳам, тӯфондан аввал яшаган.

Ислом таълимоти билан такқослаганда эса куйидаги кўришиш юзага келади: Одам Атодан Довуд пайғамбаргача 34 авлод⁵⁰⁰. Довудни милоддан аввалги 1083-1013 йилларда яшаб ўтганини⁵⁰¹ ва 10 авлод, тахминан, 250-300 йил вақт эканлиги зътиборидан, Заратуштрани милоддан аввалги VIII-VII асрларда дейиш мумкин.

⁴⁹¹ Яхудийча - ўск

⁴⁹² Яхудийча - (Манасиҳ)

⁴⁹³ Одамдан Нуҳ (яхудийча - Ӯғла)га 10 авлод (Борлик китоби V:1-32); Нуҳ билан Иброҳим (яхудийча - Ӯсқар-Абраҳам) нинг орасида 9 нафар ота бор (Борлик китоби X:1-XXV:26); Иброҳим билан Манасиҳ орасида 22 нафар ота бор (Матфей Инжили I:2-10)

⁴⁹⁴ Волкославский Р.Н. О библейских пророках и судьбах истории. - М.: «Источник жизни», 1997. -с. 263.

⁴⁹⁵ Улутбек Мирзо. Тўрт улус тарихи (Б.Аҳмедовнинг кириш шути, изоҳларни ва таҳтирида; Форс тилидан Б.Аҳмедов ва бошк. тарж.) - Т.: Чўлпон, 1993. -6.36.

⁴⁹⁶ Турк Нуҳини набираси.

⁴⁹⁷ Кадикми гreckасига Ҷәоси ҳристос - Иисус Христос

⁴⁹⁸ Матфей Инжилида ғизлинича, Испанин пинси Марина (трыкчесига - марю)

⁴⁹⁹ Тошкандий С. Темурнома. (Сўзбоши мувалифи ва лугатлар исосида нашрға тайёрловчи П.Равшанова) - Т.: Чўлпон, 1990. -6.34.

⁵⁰⁰ Одам Атодан Идрис пайғамбаргача ўзларини ҳам хисобга олганда 7 авлод (Навоий Алишер. МАТ. 16-том. - Т.: «Фон», 2000. -6.99-103). Идрис пайғамбардан Нуҳ пайғамбаргача ўзларини ҳам хисобга олганда 4 авлод (Обидов Р. Пайғамбарлар тарихи Исломият тарихидир. Биринчи китоб. - Т.: «Мовароунаҳр», 2005. -6.65), Нуҳ пайғамбардан Иброҳим пайғамбаргача 10 ота (Обидов Р. Пайғамбарлар тарихи 6.100). Иброҳим пайғамбер ва Довул пайғамбер орjalарида 12 ота бор (Обидов Р. Пайғамбарлар тарихи Исломият тарихидир. Иккинчи китоб. - Т.: «Мовароунаҳр», 2005. -6.30). жами 34 авлод.

⁵⁰¹ Аблуринсон А. Соаттаг эзгуви билим (дин, фалсафа, ҳаёт, маънавият ва маърифат сабоблари). Иккى китобдан иборат комусий, дидактик асар. Тўлидирсан 4-нашири. - Т.: «Мовароунаҳр», 2004. -6. 97.

Юқоридаги хисоб-китобларни наұтавий матнлари ҳам тасдиқтайтын. Бундахинш китобининг 34-боби 7-бандыда күйіндегилар ёзилған: «*Кай Виштасп дин келгүнича 30 йил, барчаси бирғатикда бир юз ишірмә йил (давлатни бошқарды)*»⁵⁰². Бу борада буюк Навоий ёзади: «*Гуштосб (Виштасп исмининг форсийдеги шакли – Б.Ж.) Ҳалаб мулкіда таҳтқа үлтурды ва зардұшт (?) – Б.Ж.) антін замонида зұхур қылды*»⁵⁰³.

Заратуштранинг вафот эттегінде (у 77 ёшида үлдирилған) Кай Виштасп динни қабул қылғалығында 35 йил бүлганса⁵⁰⁴. Юқоридагы иккі фактни бирлаштириб, Заратуштранинг түгілған йилини анықлаш мүмкін, яғни Виштасп шохлигининг 30 йили динни қабул қилды, қабул қылғаның 35 (шохлигининг 65 йили) Заратуштра 77 ёшида вафот этди: $65-77=12$ Демак, Заратуштра Виштасп шох бұлишидан 12 йил аввал таваллуд топған.

Виштаспдан олдинги ҳукмдор Лухрасп булып, у 120 йил салтанат сурған (Бундахиш 34:7). «Тарихи мулуки ажам» да «*ва Лухрасбнинг подшоҳлиги юз ишірмінан 506* йил эрди», деб ёзилади. Лухраспдан аввалғы сұлтон Кай Хусравки, унинг шохлиги 60 йилdir (Бундахиш 34:7)⁵⁰⁷. Навоийда бунга құшимча маълумотни ҳам топамиз: «*Кайхисравининг подшоҳлиги олтмиш йил эрди. Аннинг замонида анбиёдин Сулаймон алайхис-салом ва ахбордин Сиууни ва ҳукамодин Фишогурс әрділар*»⁵⁰⁸. Сулаймон пайғамбарнинг шохлик даври милоддан аввалғы 971-931 йиллар⁵⁰⁹ бұлса, Кай Хусравдан Заратуштрагача, тахминан 108⁵¹⁰-128⁵¹¹ йил, яғни милоддан аввалғы 823-803 йиллар. Демек, Заратуштра милоддан аввалғы IX-VIII асрда яшаб үтген.

⁵⁰² Pahlavi texts. Translated by E.W. West. Part I. The Bundahis, Bahman Yast, and Shayast la-shayast. Sacred books of the East. Translated by various scholars. Volume V. – Oxford, 1880. – p. 150.

⁵⁰³ Навоий Алишер. МАТ. 16 том. – Т.: «Фан», 2000. – 6. 210.

⁵⁰⁴ Динкард 7.1 47.121

⁵⁰⁵ Pahlavi texts. Translated by E.W. West. Part I. The Bundahis, Bahman Yast, and Shayast la-shayast. Sacred books of the East. Translated by various scholars. Volume V. – Oxford, 1880. – p. 150.

⁵⁰⁶ Навоий Алишер. МАТ. 16-том. – Т.: «Фан», 2000. – 6.209.

⁵⁰⁷ Pahlavi texts. Translated by E.W. West. Part I. The Bundahis, Bahman Yast, and Shayast la-shayast. Sacred books of the East. Translated by various scholars. Volume V. – Oxford, 1880. – p. 150.

⁵⁰⁸ Навоий Алишер. МАТ. 16-том. – Т.: «Фан», 2000. – 6.208.

⁵⁰⁹ Wikipedia.org/wiki/Solomon 13.09.2013

⁵¹⁰ Кай Хусравнинг шохлигі Сулаймонники билден бир зақтда тутғанда

⁵¹¹ Кай Хусравнинг шохлигі Сулаймонники билден бир зақтда бошланғанда

Беруний «Зардуштнинг юзага чиқиши билан Искандар эрасининг бошланиси орасида икки юз эллик саккиз йил бор⁵¹²», деб ёзди. Кигобнинг бошка срида шу маълумотни Беришда узи таянган шохлар рўйхатини келтиради:

... Кайбиштосп ибн Луҳросп, то Зардушт юзага чиққунича 30 йил;

Ундан кейин 90 йил;

Кайардашир ибн Баҳман ибн Исфандиёр ибн Биштосп 112 йил;

Хумоний, Ардашир Баҳман қизи 30 йил;

Доро ибн Ардашир Баҳман 12 йил;

Доро ибн Доро, то уни юнонтик Искандар ўлдиргунича 14 йил⁵¹³.

Демак, буларнинг йиллари 258 га тенг.

Берунийдаги бу маълумоглар Бундаҳиш китобидан айнан олинган⁵¹⁴. Агар бу маълумотга таянадиган бўлсак, Заратуштранинг яшаган йиллари милоддан аввалги 630⁵¹⁵-553⁵¹⁶ йиллар бўлади.

Бундан ташқари, Бехустун ёзувларида «Виштаси(а)» исми учрайди. Хусусан, Доро (Дарајавуш) шундай дейди:

۱۰۷۴ ﴿۳۵﴾ ﴿۲۸﴾ ﴿۲۷﴾ ﴿۲۶﴾ ﴿۲۵﴾ ﴿۲۴﴾ ﴿۲۳﴾ ﴿۲۲﴾ ﴿۲۱﴾ ﴿۲۰﴾ ﴿۱۹﴾ ﴿۱۸﴾ ﴿۱۷﴾ ﴿۱۶﴾ ﴿۱۵﴾ ﴿۱۴﴾ ﴿۱۳﴾ ﴿۱۲﴾ ﴿۱۱﴾ ﴿۱۰﴾ ﴿۹﴾ ﴿۸﴾ ﴿۷﴾ ﴿۶﴾ ﴿۵﴾ ﴿۴﴾ ﴿۳﴾ ﴿۲﴾ ﴿۱﴾ ﴿۰﴾ ﴿۱۰۷۵﴾

«Мен – Доро (ман), буюк подшоҳ, подшоҳлар подшоҳи. 2) Форснинг подшоҳи, мамлакатлар подшоҳи, Вишта 3) аспатиниг

⁵¹² Ал-Беруний, Абу-р-Райхон Мухаммад ибн Аҳмад. Асарлар. Т. I. /Кадимги ҳалқлардан колдан ёдгорликлар/ Таржимон А. Расулов. Изохларни И. Абдуллаев ва А. Расулов гузган. Маъсъул мухаррирлар: И. Абдуллаев ва О. Файзулаев/. –Т.: «Фан», 1968. –б. 51.

⁵¹³ Уша асар, 132 бет.

Pahlavi texts. Translated by E. W. West. Part I. The Bunderahis, Bahiran Yast, and Shayasti la-shayast. Sacred books of the East. Translated by various scholars. Volume V. – Oxford, 1880. –p 150-151.

⁵¹⁵ Заратуштранинг юзага чиқини билан Александр орасида 258 йил, Доронинг ёнгилиши милоддан аввалги 330 йил, Заратуштра Виштасп шоҳлигигдан 12 йил аввал тугилганилиги ва Виштасп шоҳлигининг 30 йили динни қабул килганигини ўтиборга олган ҳолда зўтиш мумкинки, Заратуштра 42 ёшида Виштасп қузурига келган. Демак, 258+330+42=630

⁵¹⁶ Заратуштра 77 ёнида ўлдирилган бўлса, 630 сонидан 77 ни вайрамиз.

фарзанди, Аршаманинг набираси, Аҳамоний». 4) Шоҳ Доро дейди: «Отам – Виштаспа, Виштаспанинг отаси Аршама, 5) Армашанинг отаси Ариярамна, Ариярамнанинг отаси Чишпаш. Чишпашининг 6) отаси Аҳамонийдир». Шоҳ Доро (дейди): «Шунинг учун ҳам 7) Азалдан бизлар Аҳамоний деб номланамиз. 8) Азалдан оиласиз шон-шарафли, наасабимиз шоҳлардан»⁵¹⁷.

Баъзи тадқиқотчилар Заратуштраға иймон келтирган ҳукмдор мана шу Виштасп, буюк Доронинг отаси, дейдилар. Агар бу фаразни оладиган бўлсак, Заратуштра милоддан аввалиги VII-VI асрларда яшаган булиб чиқади⁵¹⁸. Лекин бу у қадар тұғрига ўхшамайды: Гatalар ва Бехустун тили таҳлили шуни курсатади. Масалан, коя ёзувларининг биринчи сузи

ମନ୍ଦିର (адам) булиб, «мен» (бириңчи шахс бирлик кишилик олмоши) деган маънени англатади. Авеста китобида эса «мен» сузи ପତ୍ରା (азем) билан ифодаланган. Бундай мисолларни күплаб көлтириш мумкин:

Үғил фарзанд: Бехустунда ପତ୍ରା (пус(ч)а), Авестада ପତ୍ରା (пусра);

Үғил набира: Бехустунда କାହାରୀ (напа), Авестада କାହାରୀ (напат);

Ота: Бехустунда ପତ୍ରା (питта), Авестада ଲାଜାମୋ (питар) ва бошқалар. (Хатто даҳью (мамлакат, үлка) ва хшатра (подшох) каби сұздар икки манбада ҳам бир хил ёзилади).

Демак, тилда бир оз бўлса-да ўзгариш булиштиги учун тарихий жиҳатдан бир авлод умридан кўпроқ вакт талаб этилади. Агар гatalар тили Заратуштра даврида ҳам шундай бўлган бўлса, яъни Заратуштра эскирган тилда ўз даъватларини баён этмаган бўлса (бунинг иложи ҳам йўқ, чунки ҳалқка кўпроқ таъсир килиш учун уларга тушунарли тилнинг танланиши ҳакиқатта якинроқ). Дорога нисбат берилувчи коя ёзувлари Дородан кейин ёзилмаган бўлса (бунинг ҳам эҳтимоли кам, сабаби агар Дородан сунг бирор шоҳ у ёзувларни Доронинг тилидан ёздирган

⁵¹⁷ Бехустун ёзувлари I устун 1-8 қаторлар (Гаржима бизниси – Б.Ж.).

⁵¹⁸ Доро I ининг ҳукмронлик даври милоддан аввалиги 522-486 йиллар.

булса, албагта ўзининг ҳам номини зикр қилиган буларди), яъни икки тил таҳмин қилингандан шахсларга тегишли булса, улар орасида бир асрдан кўпроқ вақт ўтган, лейиш мумкин.

Яна бир эҳтимол борки, бу икки манба тиллари бир вақтда мавжуд бўлган шевалар булиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда айтишимиз мумкинки, Заратуштра Доронинг отаси Виштасп даврида яшаган, деган таҳмин ҳакиқатта якинроқдир.

Юкоридагилардан шундай хуносага келиш мумкинки, гаҳамбар Аша Заратуштра милоддан аввалги IX-VI асрлар оралиғида яшаган булиши эҳтимол.

САДДАР

Ваҳий (Авеста китоби назарда тутилади)да айтилинганидек, Ҳормазд Заратуштта деди: «Эй Заратушт! Бу ёруғ оламда мен сендан кўра азизрогини яратмадим. Мен сени ташлаб олдим ва бу дунёни сен туфайлигина яратдим. Мен яратган барча ҳалойик ва шохлар сени ўзларининг замонларида чикишингни ва сенга иймон келтиришни орзу киладилар. Ва бу орқали жаннатта дохил булишни хоҳлайдилар

(84:2-3).
(XXXII: 1-2, 5, 10)

ДИНКАРД

Зартуштни тур(он)лик Братараваҳш ўлдирди. Уни Виспрастнинг одами Срито от арава билан таъминлади.

(5:3:2)

БУНДАХИШН

ХХХII БОБ

Пурушаспа сулоласи ҳакида

Порушаспа сулоласи Патирасп ўғли, Урвидаспа ўғли, Хачаспа ўғли, Чахшнус ўғли, Патирасп ўғли, Хардарсан ўғли, Хардадар ўғли, Спитама ўғли, Видашт ўғли, Айзама ўғли, Ризан ўғли, Дура-срун ўғли, Манушчихр ўғли. Патираспнинг икки ўғли бўлганлиги сабаб бири – Порушасп, иккинчиси – Араст. Порушаспнинг ўғли Зардушт, эзгу эътиқод химоячиси туғилган, Арастда ўғил Мадйомах туғилган. Зардушт, эътиқодни олиб келган маҷал аввал осмони фалакка ибодатни кутарган, сўнг,

Арйанам Ваэжда уни тарқатган, Мадйомах эса бу эътиқодни ундан қабул килиб олган. Порс мобадларининг барчаси ушбу Манушчихр сулоласига мансубдирлар. Иккинчи марта тақрорлайман, Зардуштнинг уч ўғли ва уч кизи бўлган. Бир ўғли – Исадвастар, иккинчиси – Урватнар, учинчиси – Хуршедчихр. Исадвастар коҳинларнинг сардори бўлганлиги учун у олий мобед бўлган ва эътиқодининг юз йиллигига жони узилган. Урватнар ер остида Йима курдирган дәхқонлар қароргоҳининг сардори бўлган. Хуршедчихр саркарда бўлган, Кангдизда яшовчи Вишаси ўғлининг Пешотан армияси сардори бўлган. Кизларининг исмлари - Френ, Срит, Поручиста бўлган. Урватнар ва Хуршедчихр чакар-аёлидан бўлган. Қолганлари падшах-аёлидан бўлган зурриётдирлар. Исадвастарнинг ўғли бўлган исми Урувидж, уни Арапдж Баградан деб аташган, чунки у чакар-аёлидан бўлган. Ва унга Исадвастар ҳомий этиб тайинланган. Яна шуни билингки, Зардуштнинг уч ўғли, айнан ХУшидар, ХУшидармах ва Сошибанс Хволлардан бўлган, чунки у хволларга уч карра яқинлашганида унинг уруги ерга тўкилган. Нерйосанг худоси ушбу уругнинг нури ва кучини териб Анахид худосига берганки, у ўз вактида шу уругни онага кўшиб қўйиши учун. Тўқиз минг тўқиз юз тўқсон тўқиз мириад одил фравашилар ушбу уруг химоясига масъул бўлганларки, токи дэвлар унга зиён етказмасин учун. Зардушт онасининг исми Дутдав бўлган, онасининг отасини исми эса Фраҳмарв.

АТАМАЛАР ИЗОХИ

Абан – к. Апам Напат.

Алар – к. Атро.

Адур – к. Агро.

Ази Даҳака – энг кучли друж (*Yt. 17:34; 19:37*), уч оғизли (*Yt. 5:29; 14:40; 15:19, 24*), уч бошли, олти қўзли, минг сезгили (*Yt. 5:34; 14:40; 15:24; 17:34; 19:37; 23:3*) А.Д. Баври шахрида Ардви Сура Анаҳитага атаб, етти каршварсда инсониятни йўқ қилиши учун юз бош от, минг бош қорамол ва ўн минг бош қўйни курбон қилади, лекин Анаҳита бу курбошликини кабул кilmайди (*Yt. 5:29-31*). Трастаона иситма, мазах, хушини йўқотиш каби Илон (Ази Даҳака)нинг амалларига қарши кураш олиб боради (*Yt. 13:131*). Ангра Манию томонидан яратилган энг кучли Друж (*Yt. 14:40; 15:24*). Ўзининг Квиринта деб аталган саройида Ваюга етти каршварсда инсониятни йўқ қилишида мададкор бўлишини сўраб илтижо қилади, лекин дуоси қабул қилинмайди (*Yt. 15:19-21*).

Ажидаҳак – к. Ази Даҳака.

Ажидаҳака – к. Ази Даҳака.

Аириман [1] – бахтиёрлик ва тинчлик Язати.

Аириман [2] – шу номдаги дуо (*Y. 54*).

Амеретаг [1] (ав. «ӯлимсиз»; пах. *Мордод*; фор. *Amordod*) – Аҳура Мазда яратган (*Yt. 1:25*) аёл жинсидаги (кейинги даврларда эркак жинсидаги фаринита сифатида гавдаланади) Амеша Спенсталардан бири бўлған ўсимликлар ҳомийси (*Shnsh. 13:14*), осмон, қўёш ва ой (*Спента Армaiti ва Ҳаурватат* билан бирга) нинг ҳомийси (*AVN. 62:5-6*). Заирич девини янгиди (*Bd. 30:29*).

Ҳамкорлари: Зам, Ариштат, Раину.

Амеретаг [2] – Зардуштийлик йил ҳисобининг бешинчи ойи (19 июль - 17 август) ва ойнинг сттинчи куни.

Анагран – (пах. шакли Анагран ва фор. шакли Аниран) Зардуштийлик йил ҳисобида ойнинг ўттизинчи куни.

Аниран – к. Анагран.

Ард – к. Аши.

Ардваҳишт – к. Аша Ваҳинига.

Ардви Сура Анаҳита – эркакларнинг уругини покловчи, аёллар кўкракларини сутга тўлдирувчи (*Yt. 5:2*). А.С.А. тўртта оқ от қўшилган аравада келади (*Yt. 5:13*). Буйчан, хушсурат (*Yt.*

5:15). А.М. Даити дарёси бўйида А.С.А.га муножот килади (*Ут.* 5:16-19). Унга атаб Ҳара тоғининг тагида эзгулик мақсадида Ҳаошянгҳа (Хушанг) (*Ут.* 5:21) ва Йима (Жамшид) (*Ут.* 5:25), Варена шаҳрида Траетаона (Фаридун) (*Ут.* 5:33), Ванри Пишинангҳ кули ортида Кересаспа (*Ут.* 5:37); кейинчалик эса етти каршваредагъ барча инсонларнинг қирилиб битиши учун Баври шаҳрида Ази Даҳака (*Ут.* 5:29-31), орийлар юртини бўйсундириш учун Франграсян (Афросиёб) юз бош от, минг бош қорамол ва ўн минг бош қўйни қурбон килади (*Ут.* 5:41-43). А.С.А. эзгу мақсадли курбошликларни қабул килиб, ёвуз мақсадлиларини инкор килади. А.С.А.нинг минг ирмоқ ва минг кули бўлиб, уларпинг хар бирини энг учқур тулпорлар билан кирк куїда кечиб ўтса булади ва ҳар бир ирмоқ ёқасида юз ойнали, минг устуши, ўн минг айвонли қасрлар бор (*Ут.* 5:101). Унга атаб А.М. тўрт тулпор: шамол, ёмғир, булат ва қорни яратди, ёвузлик билан жангда булар гўё саноқсиз аскарга айланади (*Ут.* 5:120). А.С.А. эгнига олтин ёпинчик ёпиб олган (*Ут.* 5:123), кулогига тилла зирақ, бўйнига тилла тақинчок такиб олган (*Ут.* 5:127). Гўзал аёл қисфасида (*Ут.* 5:126). Бошида юзта юлдуз жойлашган олтин тож бор (*Ут.* 5:128). Инсонларга соғлик ато килувчи (*Ут.* 13:4).

Ариавак – к. Эренавач.

Арштад – к. Арштат.

Арштат [1] – (пах. ва фор. шакли Арштад) оламнинг гуллаб-яшнашини таъминчовчи Язата (*Sir.* 1:7; *Ут.* 11:21). А.га нисбатан яхши муносабатда булиш мамлакат ҳукмронлигига олиб боради (*Ут.* 13:18).

Арштат [2] – Зардуштийлик йил ҳисобида ойнинг йигирма олтинчи куни.

Асм [1] – (пах. ва фор. шакли Асман) осмоннинг Язатаси.

Асм [2] – Зардуштийлик йил ҳисобида ойнинг йигирма еттинчи куни.

Асман – к. Асм.

Атар (ав. «олов») – ўлик чиққан хонадонга қиши мавсумида тўққиз кеча, ёз мавсумида эса бир ой давомида олов олиб кириш мумкин эмас (*Vd.* 5:42). Мазкур қоида бузилганда, пешогану жазоси кўлланилган (*Vd.* 5:44). А. Ҳомиладор аёл ва итнинг ҳомийси (*Vd.* 15:45). А.нинг отаси А.М. (*Sir.* 1:7). Митранинг орқасида туради (*Ут.* 10:127). Унинг овозини тонг отар чоғи Паро-

дарш (хўроз) ва Карето Дасу қуши эспитади (*Yt.* 22:41). А. жангчидир (*Yt.* 24:26). У Кунда дасвасипи яксон қилади (*Yt.* 24:26).

Атро – Зардуштийлик йил ҳисобининг тўккизинчи ойи (16 ноябрь - 15 декабрь) ва ойнинг тўккизинчи куни.

Аша Ваҳишта [1] – (ав. «эшг эзгу адолат»; пах. шакли *Ардваҳишт*, *Ашаваҳишт*; фор. шакли *Ардивеҳишт*, *Ордивеҳешт*) – Амеша Спенталардан бири, *Аҳура Мазда* унинг отаси (ав. «патар», бу сўзни ҳам «ота», ҳам «тарбиячи», «бокувчи» деб таржима килиш мумкин) (*Y.* 44:3; 47:2), жанинат эшикларининг кўрикчиси.

«Аша» сўзининг қадимийрок шакли «рта» бўлиб, «оламнинг тартиботи», «адолат», «покдамонлик», «барча нарсанинг узаги» каби маъноларни англатади. Кейинги даврларда бу сўз «арта» шаклида кўлланилиб, *Дружс* – ёлғонга қарама-карши қўйлади. Ҳар бир *Маздаясний* (Зардуштий) ашаван бўлиши лозим.

«Ашаван» сўзи «адолатли», «тартибли», «диёнатли» деган маъноларни англатиб, «аша» сўзидан ясалган, янада аникроғи, «аша монанд бўлмок».

Ҳамкорлари: Атар (*Y.* 1:4; *Sir.* 1:7; 2:7), *Сраоша*.

Аша Ваҳишта [2] – Зардуштийлик йил ҳисобининг иккиличи ойи (20 апрель – 19 май) ва ойнинг учинчи куни.

Аши (Вангухи) [1] – (пах. ва фор. шакли Ард) Заратуштра Аши дуо қилади (*Vd.* 19:39). Тиштрянинг ортида А.В. ва Парсанди ёрдамга шай бўлиб туради (*Yt.* 8:38). А.В. Збаурвантнинг ўғли Кареснанинг хонадопида макон туттган; у баланд буйли, покиза аёл *Язата* (*Yt.* 13:107). Нурли, баланд буйли, эъзозга лойик, аравали, доно ва қудратли (*Yt.* 17:1). А.М.нинг кизи (*Yt.* 17:2, 16), онаси Спента Армакти (*Yt.* 17:16), *Сраоша*, Аша, *Рашну* ва *Митра* унинг ака-укалари (*Yt.* 17:16), Амеша Спенталарнинг опасинглиси, Саошянтларга покиза тафаккур ато қилади (*Yt.* 17:2). Ҳаома Аша ва А.В., қолгаи барча ичимликлар Аешма иштирокида тайёрланади (*Yt.* 17:5). Заратуштра А.В.нинг аравасига сужниб олади (*Yt.* 17:21). Мазананинг барча девларини ўзига бўйсундириш учун Ҳаошянгҳа Ҳара тогининг тагида А.В.га илтижо қилади (*Yt.* 17:24-26); Йима Ҳшаста Ҳукаиря ёқасида А.В.га илтижо қилиб, минг йил давомида инсонлар орасида қарилек ва улим бўлмаслиги ва тўкин хаёт ато қилишини сўрайди (*Yt.* 17:28-

31). Варена шаҳрида Траетаона Ази Даҳакани енгіб, унинг икки севиклиси: Сангаҳавач ва Эренавачни кўлга киритишда мададкор бўлишини илтижо қилиб А.В.га дуо килади (*Yt.* 17:33-35). Ҳаома Ҳаранди Барезала А.В.дан туронлик қотил – Франғрасянни ентишида Ҳусравахга мададкор бўлишини сўраб дуо килади (*Yt.* 17:37-39). Чаечаста кулининг ортида Ҳусравах отаси-нинг қассосини олиб Франғрасянни ўлдириши учун А.В.га илтижо килади (*Yt.* 17:41-43). Заратуштра Дайти дарёси ёқасида Аиряна Баежах ўлкасида А.В.га шарафига илтижо қилиб, Ҳутаосанинг адолатли каломларни сўзлаши ва унга кура яшапи учун дуо килади (*Yt.* 17:45-47). Кави Виштаспа Дайти бўйида Виспо Таурво Астининг ўғли Ашта Аурвант, Ҳвяона ва Арежат Аспа, Татравант, Спинжаурушканни ва Ҳвяона ҳалқини енгиши ва Вередака ҳамда Ҳвяона ҳалқига адолатли қонунни олиб бориши учун А.В.га илтижо килади (*Yt.* 17:49-52). У Тиштря ва Ариян ўлкаси билан ҳамкорликда Аеха ва Анаоша даеваларини яксон килади (*Yt.* 18:6).

Аши [2] – Зардуштийлик йиљ хисобида ойнинг йигирма бешинчи куни.

Ахура Мазда [1] (ав. «доно ҳукмдор»; пах. шакли *Oхrmazd*, *Хормузд*, *Хормизд*; фор. шакли *Ormazd*) – Зардуштийлик илоҳий тизимининг энг юкорисида турувчи илоҳий борлик. *Маздаясна* ўтиқодига кура, оламни яраттан илоҳ. Заратуштра ислохотида натижасида А.М. якка худо сифатида шакллантирилди, ундан кейинги даврларда эса кўпхудолик тизимининг йирик фигурасига айлантирилган.

Ахура Мазда [2] – Зардуштийлик ой ҳисобининг биринчи куни.

Ахурмазда – к. Ахура Мазда.

Баври – Бобил шаҳрининг Авестадаги номи⁵¹⁹. Ази Даҳака Ардви Сура Анахитаға атаб, етти каршвареда инсониятни йўқ қилиши учун юз бош от, минг бош корамол ва ўн минг бош қўйни курбон килади, лекин Анахита бу курбонликни қабул кilmайди (*Yt.* 5:29-31).

Бад – к. Вата.

Баҳман – к. Воду Мана.

⁵¹⁹ *Yasht bil-malni* – Mumtaz: Janez Printers, 2001 – P. 12;

The sacred books of the East. Vol. XXIII. – Oxford: Clarendon Press, 1883. – P. 60.

Бахрам – к. Веретрагна.

Баҳром – к. Веретрагна.

Вад – к. Вата.

Вата [1] – (шаҳ. шакли Вад ва фор. шакли Бад) шамол Язата.

Вата [2] – Зардуштийлик йил ҳисобида ойнинг йигирма иккинчи куни. **Варена** – А.М. яратган ўн тўртингчى үлка (*Vd. 1:18*). Ҳара тогининг темир билан чегараланган Таера деган жойида Мазана даевалари ва В. шайтонларини ситиши учун Ҳаошянгҳа Ваюга илтижо қиласи (Үт. 15:7-9). Кейинчалик ўзининг ёвуз девлари билан машхур бўлади.

Варна – к. Варена.

Ваю – Спента Майнюга тегишли (Үт. 15:5) бўлган энг вайронкор Язата (*Sir. 1:21*). А.М. В.га илтижо килиб Анgra Майню яратган ёвузликларини енгишда мадодкор булишини сўрайди ва В. А.М.нинг дуосини қабул қиласи (Үт. 15:2-5). Ҳара тогининг темир билан чегараланган Таера деган жойида Мазана даевалари ва Варена шайтонларини енгиши учун Ҳаошянгҳа В.га илтижо қиласи ва В. уни қабул қиласи (Үт. 15:7-9). Тахма Урупа барча даева ва ипсон, яту ва паирикаларни енгиш ҳамда Анgra Майнюни от килиб ўттиз йил миниб юриш учун илтижо қиласи ва В. уни қабул қиласи (Үт. 15:11-13). Ҳукаиряда Йима барча инсон ва ҳайвонотнинг ўлимсиз булиши, ўсимликларнинг куриб қолмаслиги, озик-овқатларнинг мўл-кўл булишини учун В.га илтижо қиласи ва дуоси қабул килинди (Үт. 15:15-17). Ази Даҳака ўзининг Квиринта деб аталган саройида В.га етти каршвареда инсониятни йўқ килишида мадалкор булишини сураб илтижо қиласи, лекин дуоси қабул килинмайди (Үт. 15:19-21). Траегаона тўрт бурчак Варена шаҳрида Ази Даҳакани енгиб, унинг икки севиқиси: Санѓваҳавач ва Эренавачни кўлга киритишда мададкор булишини илтижо килиб В.га ҳам илтижо қиласи ва дуоси қабул бўлади (Үт. 15:23-25). Гуда (Рага дарёсининг ирмоқларидан бири) Кересаспа акаси Урваҳшаянинг қасосини Ҳитасидан олиш учун В.га илтижо қиласи ва дуоси ижобат бўлади (Үт. 15:27-29) Аурвасара Арян халқларини бирлантирган Ҳусраваҳ унинг мулкига ҳужум қолмаслиги учун В.га илтижо қиласи ва у қабул бўлади (Үт. 15:31-33). Ҳутаоса подшоҳ Виштаснага турмушга чикиш учун В.га илтижо қиласи ва бу дуо қабул килинади (Үт.

15:35-37). Күшгина бокира қизлар яхши умр йүлдөнни ато қилишини сұраб В.га илтижо қиласылар ва дуолари қабул қилинади (*Yt.* 15:39-41). Ёвуз шоҳ, иймонсиз Ашемаға хужум қилганида уларнинг зиёнидан ва асириликдан кутилиши учун В.га унинг исмлари билан дуо килиш керак (*Yt.* 15:50-52). Аурвасара

() – даҳюнапти (мамлакат ҳукмдори), Арян халқларини бирлаптирган Ҳусравах унинг мулкига хужум қиласылiği учун Ваюга илтижо қиласылар ва у қабул бўлади (*Yt.* 15:31-33).

Ваҳман – к. Воҳу Мана.

Ваҳрам – к. Веретрагна.

Веретрагна [1] – (пах. шакли ваҳрам, фор. шакли баҳрам, *Баҳром*) А.М.нинг ҳварна (фар)сини кийган Язата (*Vd.* 19:37). Чиройли шаклда яратилган ва кудратли (*Sir.* 1:7). А.М. томонидан яратилган (*Yt.* 10:70; 14:0). В. ёвузликка қарши курашганида өввойи тўнғиз киёфасига киради ва унинг тишлари жуда ўткир бўлади (*Yt.* 10:70). Энг яхши куролланган (*Yt.* 14:1-2, 6). Биринчи бор В. кучли шамол (*Yt.* 14:2); иккинчи маротаби олтин шоҳ ва сарик кулокли чиройли буқа (*Yt.* 14:7); учинчи маротаба сарик кулокли, олтин эгарли оқ от (*Yt.* 14:9); тўртинчи маротаба туя (*Yt.* 14:11); бешинчи маротаба тишлари ўткир ёввойи тўнғиз (*Yt.* 14:15); олтинчи маротаба ўн беш ёшли ўспирин (*Yt.* 14:17); еттинчи маротаба қарға (*Yt.* 14:19); саккизинчи маротаба шоҳлари бурама-бурама тоғ эчкиси (*Yt.* 14:23); тўккизинчи маротаба муғузлари ўткир эчки (*Yt.* 14:25); ўнинчи маротаба кўлида ўткир олтин килич тутган нурли инсон киёфасида (*Yt.* 14:27) келиб, ёвузларнинг додини беради. Кудратлилар орасида энг кудратли, ғолиблар орасида энг ғолиб, яхшилар орасида энг яхши, энг яхши шифо ато этувчи (*Yt.* 14:3). У даева, ёвуз кимса, Яту, Паирика, карапан ва кавиларни яксон қиласы (*Yt.* 14:4). А.М. В.га буюк жасорат, кувватли билак, тан соғлиги, Кара балиғининг нигоҳи (*Yt.* 14:29), коронғи кечада ҳам равшан кўра оладиган от нигоҳи (*Yt.* 14:31), бўйнида олтин ранг нур бўлган афсонавий қушништаги нигоҳи (*Yt.* 14:33) каби (ўткир) қарашни ато килди. Унинг буйи инсонникидан минг баробар баланддир (*Yt.* 14:29). В. Кудратда Саена қушига ухшаб кетади (*Yt.* 14:41). Икки кураш олиб бораётган лашкарлардан ким биринчи булиб В.га илтижо қилса, галаба у томонида бўлади (*Yt.* 14:44). В.нинг исми Верет-

рава (музаффар) ва Амава (омонлик берувчи, кудратли) (*Yt.* 14:59). В. Даева ва инсон, Яту ва Нарика, Кави ва Карапанларнинг иттифоқини бузувчи (*Yt.* 14:62).

Веретрагна [2] – Зардушийлик йил ҳисобида ойнинг йигирманчи куни.

Воракуша – к. Воуру Каша.

Ворукаша – к. Воуру Каша.

Воуру Каша – афсонавий кўл (дентиз) бўлиб, кўнига Авеста қаҳрамошлари унинг бўйида курбонлик келтирадилар.

Воху Мана [1] – (ав. «эзгу тафаккур»; паҳ. Водуман; фор. Бағман) – Аҳура Мазда яратган илк мавжудот (*Bd.* 1:23), унинг фарзанди (*Dk.* IX. 38:6) ва Амеша Спенталардан бири. Ангра Маиню қарши курашда Атар билан биргаликда Аҳура Маздага (*Yt.* 13:77), Спента Маинюга ёрдамчи бўлади (*Yt.* 19:46); корамол (*Shnsh.* 15:4) ва илм Язатаси, жанинат эшикларининг қурикчиси, жанинатийларнинг раҳнамоси (*Aog.* 12), Акем Манони душмани (*Yt.* 19:96). В.М. Ашо-зушт деб аталадиган күш киёфасига киради (*Sad.* 14:8). Заратуштра гугилганда уни кулдиради (*Dk.* V. 2:5), янги туғилган Заратуштра турли қийинчилклар билан синов қилинганда В.М. ва Сраоша уни ҳимоя килиб туради (*Dk.* VIII. 3:17).

Ҳамкорлари: Тиштря (*Bd.* 7:3), Митра.

Воху Мана [2] – Зардушийлик йил ҳисобининг ўн биринчи ойи (15 январь - 13 февраль) ва ойнинг иккинчи куни.

Гаокерена – ок ҳаома. Аҳура Мазда инсонларга даво бўлсин деб яратган шифобахш ўсимлиги (*Vd.* 20:3; *Yt.* 1:30).

Гаҳамбар – (ав. *yairya*; паҳлавий ва форсийда *gahambar*) Зардушийлик динининг муқаддас байрамлари ҳисобланади. Улар олтитадир:

1) Майдё-зарема – (ав. «баҳор ўртаси»; паҳ. медок-зар) аша «ваҳишта ойининг хваре кунидан датушо аҳураҳу Мазда кунигача (11.II-15.II). Зардушийлар бу кунда осмон яратилганига эътиқод киладилар;

2) Майдё-шема – (ав. «ёз ўртаси»; паҳ. медок-шем) тиштря ойининг хваре кунидан датушо аҳураҳу Мазда кунигача (11.IV-15.IV). Зардушийлар бу кунда сув яратилганига эътиқод кила-дилар;

3) Паега-شاҳя – (ав. «машақкатли фасл»; паҳ. паеста-шем) хиштатра вайя ойининг арштат кунидан аниғран кунигача

(26.VI-30.VI). Зардүштийлар бу кунда замин яратилганига эътиқол киладилар;

4) Аятрима – (ав. «қувватланиш»; паҳ. аятрем) *Митра* ойнинг арштат кунидан анагран кунигача (26.VII-30.VII). Зардүштийлар бу кунда ўсимлик яратилганига эътиқод қиладилар;

5) Маидяиря – (ав. «ажойиб хордик вакти»; паҳ. медиярем) датушо ойнинг *Митра* кунидан веретрагна кунигача (16.X-20.X). Зардүштийлар бу кунда ҳайвонот яратилганига эътиқод киладилар;

6) Ҳамаспатпаедая – (ав. «иссик ва совук ҳароратнинг тенглашиши»; паҳ. ҳамаеспамадаем) гата кунлари. Зардүштийлик тақвимига кўра, йил 12 ойдан, ойлар эса 30 кундан иборат. Йилнинг қолган 5 куни гата кунлари деб аталиб, у кунларда Заратуштра гatalари тиловат килинади. Зардүштийлар бу кунда инсон яратилганига эътиқод қиладилар.

Геуш [1] (ав. геуш - «қорамол»; урван - «руҳ»; паҳ. шакли гош, фор. шакли гуш) – Заратуштра гatalаридан қулланилган маънавий тушунча, кейинги даврларда, бошқа маънавий тушунчалар каби, ўта моддийлаштирилиб, алоҳида табиий ҳодиса ҳомийсига айлантирилади. Кўп ҳолларда авесточа «Геуш» сўзи қорамол деб таржима килинса-да, лекин маъно камрови жихагидан у бутун инсоният, яъни ҳам ўтмишда яшаб ўтган, ҳам бугунги кунда яшаётган, ҳамда келажакда туғилажак башарни назарда тутади. Умумий маънода корамонлинг ҳомийси.

Ҳамкорлари: Геуш Ташан ва Дрваспа.

Геуш [2] – Зардүштийлик йил ҳисобида ойнинг ўн тўртинчи куни.

Гош – к. Геуш.

Гуш – к. Геуш.

Даена [1] – (паҳ. шакли Ден ва фор. шакли Дин) Зардүштийлик динининг ҳимоячиси бўлган ва инсоннинг вафотидан сўнг унинг рухини кутиб оловчи Язата.

Даена [2] – Зардүштийлик йил ҳисобида ойнинг йигирма тўртинчи куни.

Дай – к. Датушо.

Датушо – Зардүштийлик йил ҳисобининг ўнинчи ойи (16 декабрь – 14 январь) ва ойнинг саккизинчи (паҳ. шакли дай пад адур, фор. шакли дей бе адур), ўн бешинчи (паҳ. шакли дай пад

мехр, фор. шакли дей бе меҳр) ва йигирма учинчи (пах. шакли дай пад ден, фор. шакли дей бе дин) куни.

Дей – к. Датушо.

Ден – к. Даесна.

Дин – к. Даена.

Жам(шил) – к. Йима Хшаesta.

Зам (Худанғұ) [1] – (пах. ва фор. шакли Замяд) заминнинг Язатаси.

Зам [2] – Зардуштийлик йил ҳисобида ойнинг йигирма сак-кизинчи куни.

Замяд – к. Зам.

Заотар – рухоний.

Зарадушт – к. Заратуштра.

Заратунит – к. Заратуштра.

Заратуштра (пах. Заратушт, Зарадушт; Европа тилларидағи шакли Зороастер; туркий ва эроний халқлар орасида Зардушт шакли кснг тарқалған) – Зардуштийлик динининг асосчиси, аниқроғи, орийларнинг табиат күчларини илохийлаштиришга асосланған мифологик-политестик әзтиқодининги ислохчиси. Унинг исми Авестанинг эңг қадимий қисми – Заратуштра гатала-рида 17 маротаба құлланилған. Аввалиға тарихий шахс сифатида ғавдалантирилди, кейинрек эса Язаталардан бири сифатида *Маздаясна* пантеонига киритилди.

Зардушт – к. Заратуштра.

Заххок – к. Ази Даҳака.

Зендогоҳ – урта асрларда Авеста китобига пахлавий тилида ёзилған шархлар.

Зороастер – к. Заратуштра.

Зот – рухоний.

Йима Хшаesta () – А.М. динини инсонлар орасида биринчи булиб сыйган (*Vd. 2:2*), Виванғұтаппининг үтли (*Vd. 2:3; Yt. 13:130*), яхши чупон (*Yt. 15:15; 19:31; 23:3*). Заратуштра Й.ни дуо қиласы (*Vd. 19:39*). Й. Ҳукаирия күли буйида барча девларни яқсон қилишни сұраб Ардви Сура Анахитага (*Yt. 5:25*), касаллик ва үлемні даф қилишни сұраб Дрvaspaga юз бош от, минг бош қорамол ва үн минг бош күйни курбон қиласы (*Yt. 9:8-11*). Ҳукаирияда Й. барча инсон ва хайвоноттинг үлімсіз бўлиши, үсимликларнинг куриб қолмаслиги, озик-овқатларнинг мул-қўл

булиши учун Ваюга (*Yt.* 15:15-17); Аши Вантухига илтижо қилади (*Yt.* 17:28-31). Етти каршваре, бутун инсоният ва дасва, яту ва пайрика, карашан ва кавилар устидан ҳукмрон қилади (*Yt.* 19:31). Унинг акаси Спитюра ёвузлик кучларига хизмат қилади (*Yt.* 19:46). Унга А.М. томонидан ато килингган харета (харенангҳ) (шоҳлик нури) Й. Шаккоклик кила бошлагач, уни уч маротаба ташлаб кетади (*Yt.* 19:35-44).

Карашан (ав. «кар», «кӯзи кўр») – А.М. тъълимотидан юз утирган одам. К.лар А.М.нинг исм-сифатларини кечаю-кундуз ёд айлаш билан даф килингган (*Yt.* 1:10-11). Веретрафна К.ларни яксон қилади (*Yt.* 14:4). К. ва Кавипинг иттифоқини Веретрафна бузали (*Yt.* 14:62).

Кересаспа – Саманинг ўғли. Заратуштрадап кейинги энг кучли эр (*Yt.* 19:38); ўз дубулгаси билан девларни яксон этади ва уни тўқсон тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз нафар одил инсоннинг фравашиси уни ҳимоя қилиб туради (*Yt.* 13:61). Ваири Пишинангҳ ортида олтин туёкли Ганларевани йўқ килиши учун Ардви Сура Анахита шарафига юз бош от, минг бош қорамол ва ўн минг бош кўйни курбон қилади ва Анахита бу курбонликни қабул қилади (*Yt.* 5:37-39) ва уни ўлдиради (*Yt.* 19:41). Гуда (Рага дарёсининг ирмоқларидан бири) акаси Урваҳшаяннинг қасосини Ҳитаспадан олиш учун Ваюга илтижо қилади ва дуоси ижобат булади (*Yt.* 15:27-29; 19:41). Унинг фравашисини эъзозлармиз (*Yt.* 13:136). Йиманинг харета (шоҳлик нури)си учинчи маротаба ундан Варәғна куши шаклида ажралиб кетганда, К. уни тутиб олади (*Yt.* 19:38). К. Срвава деб аталувчи заҳарли илон (*Yt.* 19:40), ёвузликка хизмат килувчи Натана, Нивика, Даشتаяна, Дананинг ўғли Варешава, кўпгина пайрикаларнинг ҳукмдори бўлган Пигаона, слкаси ҳеч қачон ср кўрмаган ўта жасур Арезо Шамана, тош билакли Снавидака (*Yt.* 19:41-43) ни ўлдиради.

Киришаспа к. **Кересаспа**.

Кор (кор) – к. **Хваре**.

Мазана – ўзининг даевалари билан ном таратган ўлка, дазваларини гаталарни тиловат қилиш билан қувилади (*Vd.* 10:16). Ҳара тоғинчинг темир билан чегараланган Таера деган жойида М. даевалари ва Варена шайтонларини енгиши учун Ҳаошянгҳа Ваюга илтижо қилади (*Yt.* 15:7-9) ва уларнинг учдан икки қисмини яксон қилади (*Yt.* 19:26).

Мангха (пах. ва фор. шакли мах. мох) – Зардушийлик йил ҳисобида ойнинг ўн иккинчи куни.

Мантра (Спента) [1] – (пах. ва фор. шакли Мараспанд) муқаддас битикларнинг Язатаси. Уларни түри тиловат қилишини назорат қилиб туради.

Мантра [2] – Зардушийлик йил ҳисобида ойнинг йигирма тўккизинчи куни.

Мараспанд – к. **Мантра**.

Мехр – к. **Митра**.

Митра [1] – (ав. «келишув», «ваъда»; Ведалардаги шакли *Mittra*; пах. ва фор. *Mehr*) – келиб чиқиши буйича, эркак жинсидаги ҳинд-эроний худолар туркумидан. Адолат, аҳд-вафо, Қуёш ҳомийси ҳисобланади. Язаталарнинг орасида энг қудратлиси. Зардушийликнинг муқаддас еттилиги – *Aхура Мазда* ва олти Амеша Спенталар аллақачон шакллантирилганлиги учун М. унга кира олмаган. Шундай булса да, у *Амеретат* ва *Хаурватат* каби Амеша Спенталардан кўра кўпроқ қудрат соҳиби бўлган ва табиийки ҳалқ орасида унга атаб қурбонлик қилувчилар юкорида номлари санаб ўтилган Амеша Спенталарга атаб қурбонлик қилувчилардан кўра анчагина кўп бўлган. Унинг қуидаги сифатлари Авеста китобида сақтаниб колган:

- яхши қуролланган (*Vd. 19:15*);
- кенг яйловлар ҳомийси (*Yt. 10:1; Sir. 1:7*);
- минг қулоқли, ўн мини кўзли (*Yt. 6:5; 10:7; Sir. 1:16*);
- минг сэзгили (*Yt. 10:82*);
- барча нарсани билувчи (*Yt. 10:143*);
- олтин аравали (*Yt. 10:124*) (араваси атрофида мингтадан камон, афсонавий қуш патидан тайёрланган уқ, найза, икки томони ўткирланган пўлат болта, икки томони ўткирланган килич, тиф ва юзта боғламли ва юзта учли бир дона дубулга бор [*Yt. 10:128-32*]);
- кумуш қалқон ва олтин дубулғали (*Yt. 10:112*);
- *Aхура Мазда* томонидан яратилган (*Yt. 10:1*);
- М.га ибодат килиш *Aхура Мазда*га ибодат килиш билан баробардир (*Yt. 10:1*);
- отяларга учкурлик бахшида этувчи (*Yt. 10:3*);
- қудратли Язата (*Yt. 10:6*);
- чиройли қиёфали, бакувват, доно, доимо белор (*Yt. 10:7*).

- Бундан ташқари, М. бир қатор исмла ри ҳам мавжуд:
- Фрахшида (юксаклик ато қилувчи);
 - Азуитида (Азуити – ав. «ёғлиқ»; «тарақкиёт»; да – «ато қилувчи»);
 - Ватвода (қорамол ато қилувчи);
 - Хшатрода (хукмронлик, нурафшонлик ато қилувчи);
 - Путрода (үгил фарзанд ато қилувчи);
 - Гаёда (хаёт ато қилувчи);
 - Ҳанангхода (бахтиёрлик ато қилувчи);
 - Ашавастода (барака ато қилувчи) (*Yt.* 10:65).

Қолаверса, М. аҳдлашув ва меҳр ҳомийси саналади. Шу маънода у ўзини икки дуст орасида йигирма, маслакдошлиар орасида ўттиз, хизматдошлиар орасида қирк, эр ва хотин орасида эллик, икки ўкувчи орасида олтмиш, устоз ва шогирд орасида етмиш, қайнотга ва куёв орасида саксон, икки ака-ука орасида тўқсон, фарзанд ва үгил орасида юз, икки халқ орасида минг, инсон *Маздаясна* дини билан қалбини боғлагандга ўн минг маротаба ўзини намоён килади (*Yt.* 10:116-17).

М. барча ёвузиқларга қарши кураш олиб боради. Ҳусусан, *Ангра Манию, Аешма, Бушяста ва Вареня* ундан қочади (*Yt.* 10:134).

Акилавий томондан М.га ибодат қилиш олий худо – *Аҳура Маздага* ибодат қилишга тенглаштирилган (*Yt.* 10:1).

Ҳамкорлари: Сраоша ва Раину (*Yt.* 10:41).

Митра [2] – Зардуштийлик йил ҳисобининг еттинчи ойи (17 сентябрь - 16 октябрь) ва ойнинг ўн олтинчи куни.

Мозан – қ. *Мазана*.

Мозандарон – қ. *Мазана*.

Обон – қ. *Апам Напат*.

Олов – қ. *Атар*.

Оташ – қ. *Агар*.

Охрмазд – қ. *Аҳура Мазда*.

Парядатя – пешодийлар сулоласи.

Рам – қ. *Раман*.

Рама Хвастря – осмоннинг биринчи кисми ҳомийси, гўштларга маъза ато қилувчи *Язата*.

Раман [1] – (паҳ. ва фор. шакли Рам) адолат ва бахтиёрлик учун вазифалантирилган *Язата*.

Раман [2] – Зардуштийлик йил ҳисобида ойнинг йигирма биринчи куни.

Рата [1] – А.М.нинг инсонларга инояти, бойлик тимсоли булган (SBE, 4, 215), назр-ниёз ва курбонлик ишларига масъул қилинганд А.М. яратган (*Vd.* 19:19; *Yt.* 24:36), кўзчари ўткир **Язата** (*Yt.* 2:8).

Рата [2] – назр-ниёз ва курбонликка аталган нарса.

Рашн – қ. **Рашну**.

Рашну [1] – (пах. ва фор. шакли рашн) оламнинг гуллаб-яшнашини таъминловчи **Язата** (*Sir.* 1:7). **Митранинг** ҳамкори (*Yt.* 10:41) ва у **Митранинг** чап томонида туради (*Yt.* 10:100, 126). Бўй баланд, кувватли (*Yt.* 12:6). Угризарни какшатувчи (*Yt.* 12:7). Барча парсани, ўтмишни ва келажакни билтувчи (*Yt.* 12:7). Аши Вангхининг ака (ука) си (*Yt.* 17:16).

Рашну [2] – Зардуштийлик йил ҳисобида ойнинг ўн саккизинчи куни.

Саванғҳавач (Шоҳномада Шаҳриноз) – Ази Даҳаканинг кўлида асир колган Йиматнинг иккى кизидан бири (*Yt.* 5:33-35).

Сахнавак – қ. **Саванғҳавач**.

Соруш – қ. **Сраоша**.

Спандармад – қ. **Спента Арманди**.

Спента Арманди [1] – (ав. «мукардас садокат»; пах. *Сандармад*; янги фор. *Испандармад*) – олти Амеша Спенталардан бири, *Аҳура Мазданинг* кизи (*Vd.* 19:13, 16). Аши Вангхининг онаси (*Yt.* 17:16); ер ҳомийси (*Vd.* 3:35).

Ҳамкорлари: *Хшатра, Даена, Апам Напат*.

Спента Арманди [2] – Зардуштийлик йил ҳисобининг ўн иккинчи ойи (14 февраль - 14 март) ва ойнинг бешинчи куни.

Сраоша [1] – (ав. «tinglamok», «эшитмок»; пах. шакли срош, фор. шакли соруш) оламнинг гуллаб-яшнашини таъминловчи **Язата** (*Sir.* 1:7). Комати баланд (*Yt.* 23:6). Унга 11-яшт бағишланган. **Митранинг** ҳамкори (*Yt.* 10:41) ва у **Митранинг** ўнг томонида туради (*Yt.* 10:100). Дружнинг энг катта ракиби, камбағашларнинг ҳомийси (*Yt.* 11:3). С. чўпон ит билан келади (*Yt.* 11:7). С. хеч қачон ухламайди ва А.М. яратган эзгуликларнинг ҳимоячиси (*Yt.* 11:11). А.М. қонунини ўргатувчи мураббий ва А.М. эса унга бу қонуларни ўргатувчи устоздир (*Yt.* 11:14). У Аши Вангхининг ака (ука)си (*Yt.* 17:16).

Сраоша [2] – Зардуштийлик йил ҳисобида ойнинг ўн етгинчи куни.

Срош – к. Сраоша.

Тештар – к. Тиштря.

Тир – к. Тиштря.

Тиштря [1] (пах. *Тиштря*, *Tir*; фор. *Тештар*, *Tir*) – келиб чикиши бўйича, эркак жиҳисидаги эроний худолар туркумидан. Катта Ит юлдуз туркуми (*Canis Majoris*) а юлдузи (Сириус)нинг Язатаси. Т. барча юлдузларнинг султони (*Ут.* 8:44). Ҳар бир ойнинг биринчи ўн кунида у баланд бўйли, куч-кудратга тұла, кўзлари ўтқир ўн беш ёш ўглон (*Ут.* 8:13), иккинчи ўн кунида олтии шохли бука (*Ут.* 8:16), учинчи ўп кунида олтин эгар-жабдукли оқ тулпор киёфасида гавдаланади (*Ут.* 8:18). *Анаоша* деви кора от киёфасида келиб, уч кеча у билап курашади ва голиб чиқади (*Ут.* 8:20-23). Лекин иккинчи жангда Апаошани пешинга қадар яксон этади (*Ут.* 8:26-27). *Аҳура Мазда Амена Спента* ва *Митрани* унга ҳамроҳ қилиб беради ва унинг оргида нурли араваларда баланд бўйли *Аши Вангуҳи* ва *Паренди* ёрдамга шай булиб туради (*Ут.* 8:38). Минг сезгили (*Ут.* 8:45). Т.га топиниш *Аҳура Маздага* ибодат қилип билан баробардир (*Ут.* 8:50, 52). Курғокчилик деви булган Дузяиряни у енгади (*Ут.* 8:55).

Ҳамкорлари: *Ванант*, *Сатаваста*, *Ҳаптоириңга*.

Тиштря [2] – Зардуштийлик йил ҳисобининг тұрткынчи ойи (19 июнь - 18 июль) ва ойнинг ўн учинчи куни.

Траетаона – (*Фаридун*) Атвя хонадони вакили (*Ут.* 15:23; 17:33). Заратуштрадан кейин энг кучли эркак, Йиманинг харета (шоҳлик нури)си иккинчи маротаба ундан Варағна қуши шаклида ажрасиб кетганда, Т. уни тутиб олади (*Ут.* 19:36); унинг *фравашисига* ҳурматлар бажо келтирамиз (*Ут.* 13:131), тұрт бурчак Варена шаҳрида Ардви Сура Анахитага атаб, Ази Даҳакани енгіб, унинг икки севиклиси: Сангваҳавач ва Эренавач (Шоҳномада Шахриноз ва Арнавоз)ни күлга киритишда маддкор булишини илтижо қилиб Ардви Сура Анахита (*Ут.* 5:33-35), Дрvaspaga (*Ут.* 9:13-15) юз бош от, минг бош корамол ва ун минг бош кўйни курбон килади ва худди шу максадда Ваюга (*Ут.* 15:23-25); Аши Вангахута илтижо килади ва дуоси кабул булади (*Ут.* 17:33-35). Вифра Наваза исмли одамни осмонга қараб улоктиради ва у уч кечашо-уч кундуз ерга қайтиб туша олмайди. Шунда Вифра Наваза Ардви Сура Анахитага муножот қилиб, уни ерга соғ-саломат кайтаришини сўрайди ва Анахита

бу илтижони қабул қиласы (Үт. 5:61-66). Иситма, мазах, ҳүшини йүкотиш каби Илон (Ази Даҳака)нинг амалларига карши курап олиб боради (Үт. 13:131). Т. афсонавий күш Варенжанани ми-ниб юрган (Үт. 14:40).

Ушида – к. Ушидау.

Ушидарна – төгнинг поми.

Ушидау – атрофи сувлар билан үралган тоғ. Ундан Ҳаестумант дарёси ундаң бомпланади (Үт. 19:66).

Фаридун – к. Траетаона.

Фравардин – к. Фраваши.

Фраваши [1] – (ав. «илгарланма ҳаракат»; кад. фор. *фраварти*; пах. *фравард*, *фраваҳр*, *фроҳар*, *фраваҳш*; фор. *фаравардин*) – *Маздаясна* пантеонида *Аҳура Мазда*, *Амеша Спештапар* ва *Язаталардан* қўйида турувчи илохий борлик. Эзгуликка хизмат қилувчи барча борликнинг иккинчи номоддий борлиги (инсониятнинг ф. улар дунёга келишиларидан аввал яратилган [Үт. 13:17]), лекин рух эмас. Бундай тұхтамга келишимизга қўйида-гилар асос бўлди:

1) рух сўзи учун алоҳида термин (*урван*)нинг мавжудлиги ва у пайтсонда ф.лардан қўйида турувчи борлик әканлиги (айнан мана шу далил ф. ва урваннинг синоним булиши эҳтимолини йўкка чиқаради);

2) *урван* – рух инсоннинг ирова эркинлигининг ифодаси, яъни эзгулик ва ёвузлик орасидаги танлов айнан рухга асосланиб амалга оширилади ва шунга муносиб ажр ёки жазо олади;

3) ф.нинг факатгина яхшилик обьектларида бўлини;

4) географик обьектларнинг ҳам ф. борлиги (Үт. 13. 74, 86).

Вазифалари ҳам турлича: химоя (инсоният ва *Воуру Каша* кулини [Үт. 13:59], *Ҳаптоциринга* ўлдузларини [Үт. 13:60]), тұғри йул курсатувчи (инсонларга ва ўлдузлар, ой, қуёш ва сўнгиз нурларга [Үт. 13:57]), қишлоғдан сўнг сувларни куриб қозған ариклардан кайта оқизиш (Үт. 13:53), лекин *Аҳура Мазда* (унинг ф. унинг ўзиdir [Vd. 19:14]) ва бошқа *Язаталарнинг* ф. Борлигини (Ү. 23:2; Үт. 13:80, 82, 85) ва уларнинг вазифаси Авеста китобида сакланиб қолмаганлигини инобатта олсак, буларнинг ф. кайдай вазифани бажариппигини аниклаб булмайди. Илохий борлик ва инсонларнинг бу дунёда тутган үринларига қараб уларнинг ф.лари ҳам бир-бирларидан аъло буладилар. Масалан, энг курдат-

ли ф. *Ахура Мазданинг* ф.си (*Yt.* 13:80) ва одил инсоннинг ф.си мингта девни ҳалок килади (*Yt.* 13:45), *Амеша Спенталарнинг* ф.лари баланд бўйли, кудратли (*Yt.* 13:82) каби Авестадаги матнлар шундай хулоса килишга олиб келади.

Ф.лар икки рух: *Спента Майню* ва *Анgra Майню* яратганларининг орасидаги энг фойдалиси (*Yt.* 13:76), одил инсонларнинг ф.ни эъзозлаган одамга мамлакатининг хукмронлиги ато этилади (*Yt.* 13:18), улар ҳамаспатмаеда кунлари инсонлар орасига қайтадилар (*Yt.* 13:49) маъносидаги Авеста матнлари ф.ларга бўлган Зардушийларнинг имонини шакллантирувчи асосий ғоявий таянч бўлиб хизмат қилади.

Фраваши [2] – Зардушийлик йил ҳисобининг биринчи ойи (21 март – 19 апрель) ва ойнинг ўн туқизинчи куни.

Хвар – к. Хваре.

Хваре (паҳ. шакли хвар, фор. шакли кур, кор) – Зардушийлик йил ҳисобида ойнишг ўн биринчи куни.

Хшатра Ваиря [1] (ав. «кудрат»; «пур сочмок»; паҳ. *Шатравар*; фор. *Шаҳревар*, *Шаҳриёр*) – олти *Амеша Спенталардан* бири, жинси эркак; ҳомимиёт (*Y. 33:13; 43:8*), осмон, ер бойликлари (*Shnsh. 22:4*) ва металл (*Zsp. 22:8*) ҳомийси. Сифатлари: *воҳу* (эзгу), *Ваиря* (интиқиб кутилган), *истоши* (хоҳланган).

Ҳамкорлари: *Асман*, *Митра*, *Хваришд*.

Хшатра Ваиря [2] – Зардушийлик йил ҳисобининг олтинчи ойи (18 август – 16 сентябрь) ва ойнинг туртинчи куни.

Шатравар – к. Хшатра Ваиря.

Шаҳревар – к. Хшатра Ваиря.

Шаҳриёр – к. Хшатра Ваиря.

Эренавач (Шохномада Ариавоз) – Ази Даҳаканинг кўлида асир колган Йиманинг икки кизидан бири (*Yt.* 5:33-35).

Эсфанд – к. Спента Армaiti.

Ҳаома – олтин ва баланд Ҳаома, үлимни узоклаштирувчи (*Sir.* 2:30). Олтин кузли (*Yt.* 9:17). Франграсян (Афросиёб)ни сенгишда мададкор булиши учун Чаечаста кўли ортида курбонлик килади (*Yt.* 9:17-19). Ҳ.ни диндор томонидан курбон килиниши *Митрани* кучлантиради (*Yt.* 10:120). Инсон танасининг ҳимоячиси (*Yt.* 14:57). Ҳ.ни ичган одам барча душманларини ер билан битта килади (*Yt.* 14:57). Ҳ. Аша ва Ани Вантухи, колган барча ичимликлар Аешма иштирокида тайёрланади (*Yt.* 17:5).

Хаошянгха – Парадата сулоласидан бүлгән подшох (*Yt.* 19:26). Хара тогининг тагида Мазана девлари устидан юлиб чикиш учун Ардви Сура Анахита (*Yt.* 5:21) ва Дрваспага юз бош от, минг баш қорамол ва ўн минг баш күйни курбон килади ва унинг бу курбонлиги кабул қилинади (*Yt.* 9:3-6). Хара тогининг темир билан чегараланган Таера деган жойида Мазана даевалари ва Варена шайтонларини енгиши учун Ваюга (*Yt.* 15:7-9), Мазаннинг барча девларини ўзига бўйсундириш учун Хара тогининг тагида Аппи Вангуҳига илтижо килади (*Yt.* 17:24-26). Етти каршваре (кишвар), бутун инсоният ва даева, яту ва паирика, карапан ва кавиларни ўзига бўйсундиради ҳамда Мазана даевалари ва Вареня шайтоналарининг учдан икки кисмини яксон килади (*Yt.* 19:26).

Хаурватат [1] (ав. «мукаммаллик», «саломатлик»; пах. *Ҳурдод*; фор. *Ҳордод*) – саломатлик, сув (*Shnsh.* 13:14), фасл на йилларни (*Sir.* 1:6) химоя қилиш вазифаси юклатилган. *Аҳура Мазда* яратған аёл жинсидаги (кейинги лаврларда эркак жинсидаги фаришта сифатида гавдаланади) Амеша Спенталардан бири (*Yt.* 1:25). Амератат билан чамбарчас бөгланган. Тўргинчи яшт унга бағишланган. У *Ҳаши*, *Баши*, *Саени*, *Бужи* (*Yt.* 4:2), *Таирив* (*Bd.* 30:29) девларини ҳалок қилади.

Ҳамкорлари: Амератат, Тиштря, Ваю, Фраваши.

Хаурватат [2] – Зардуштийлик йил ҳисобининг учинчи ойи (20 май - 18 июнь) ва ойнинг олтинчи куни.

Хормоз (Хурмуз) – к. *Аҳура Мазда*.

Ҳукаирия – Ардви Сура дарёси бошланувчи Албурс тогининг чўккиси; у Воуру-каша денгизиша куйилади (*Yt.* 5:3). Олтинга киёсланали ва баландлиги минг эркак бўйига тенг (*Yt.* 5:96). Йима Ҳ. кўли бўйида барча девларни яксон килишни сўраб Ардви Сура Анахитага (*Yt.* 5:25), касаллик ва ўлимни даф килишни сўраб Дрваспага юз бош от, минг баш қорамол ва ўн минг бош күйни курбон килади (*Yt.* 9:8-11); Ҳ.да Йима барча инсон ва ҳайвонотнинг ўлимсиз булиши, ўсимлнкларнинг куриб қолмаслиги, озик-овкатларнинг мўл-кул булиши учун Ваюга илтижо килди ва дуоси кабул қилинди (*Yt.* 15:15-17).

Ҳукария – к. Ҳукаирия.

Ҳушані – к. Ҳаошянгха.

ХУЛОСА

Эътиборингизга хавола этилган ушбу зардушийлик ва авесташунослик хрестоматияси кенг оммага мулжаллаб тайёрланган. Унга кирган матнларни танлап ва жойлаштиришда муаммовий ёндашув тамойилига амал килинди. Хрестоматия бирламчи (Авестанинг асл матни) иккиламчи манбалар (унинг форс, рус, инглиз тиллари га таржималари) ва зардушийлик адабиёти намуналарининг ўрта форс-пахлавий тилидаги наширлари ҳамда рус тилига изоҳли ўтиргималари) асосида ӯзбек тилига қилинган таржималарининг тизимли йигма нашридир. Бу ишимиз шу йулда қилинган биринчи тажриба бўлгани учун хрестоматиянинг ташкилий қўринишида, таржималарининг аслият мазмунига мос ёки яқинлигидаги, зардушийликнинг турли хос тарихий атамалари маъносининг изоҳланишида баъзи камчиликлар, кўнгил тўлмас ҳолатлар булиши эҳтимолидан тайёрловчи муаллифлар хурматли китобхонни огоҳ этишга бурчлидирлар.

Авестанинг инсоният цивилизацияси тарихидаги аҳамияти унинг марказида инсон ва унинг имону эътиодда барқарорлиги, ҳалол ва пок ҳаёт тарзи, эзгуликларни ҳимоя қилиш ва купайтиришга масъуллиги, ёмонликнинг ҳар қандай қўринишига карши фаол кураши, яратувчи меҳнати каби умумбашарий гояларлар билан белгиланади. Борликда инсон фепомспининг моҳиятини англаш, ижтимоий-сийсий ва диний-ахлоқий гояларининг кенг доираси зардушийлик фалсафасининг ҳаётбахш, кутарипки ва инсонпарварлик хусусиятидан далолат берали. Бу фалсафанинг моҳият ӯзаги шундаки, икки карама-карши куч – эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва коронгилик ўртасида инсон учун танлаш майдонини очиб берган. Ушбу карама-карши куч ўртасидаги абадий курашда эзгуликнинг ғалабасини инсоннинг имони, эътиоди, вижлони, лину диснати таъминлайди, нировард натижада, инсонларнинг эркин танлови асосида эзгулик ёвузлик устидан устун келади, инсониятнинг орзуидаги азалий олтин аср яна қайтиб. абадий давом этади. Авеста гояларининг умумбашарийлиги шундадир.

Авестанинг узига хослиги шундан иборатки, биричидан, инсоннинг жамиятда эркин ҳаракат қилиши учун ижтимоий-хукукий месъёрларни асослаб берди; иккинчидан, инсонни адолат

ва ҳақиқат учун катъиятли булишга даъват этди; учинчидан, инсоннинг Эзгулик ва Ёвузлик курашининг оддий кузатувчиши эмас, балки инсоннаварварликнинг галабаси йулида Эзгуликнинг фаол тарафдори булишга даъват этди; бунда инсонни эзгуликларни яратиш йулида меҳнат қилишга, бойликларни кўпайтиришга, ўз рухини яхшилашга, поклашга, шундай қилиб, илоҳ билан рұхан яқинлапшишга чорлади.

Юкорида санаб ўтилган ғоявий масалалар зардушийлик ахлоқий фалсафаси инсонни хаётдан ажратишга, таркидунёчилик ва мистикага эмас, аксинча, баҳтли булиш мақсадида барча мөддий нозу-немматлардан, бойликлардан фойдаланишга, ўзи томонидан ҳам бу бойликлардан манфаатдор булишга даъват этган.

Зардушийлик фалсафий таълимотининг асосида инсонни куршаб турган олам – икки ибтидо – яратувчи ва бузгунчи рухларнинг кураши майдони эканлиги ётади. Бу ҳеч нарса сабабсиз пайдо бўлмаслиги ва ҳеч нарса оқибатсиз йўқ бўлиб кетмаслигини далилолатdir. Демак, дунён яратувчи – худо, табиий, мөддий нарса ва ҳодисалар ва инсон бирлиги натижаси бўлиб, инсон унда алоҳида ўрин эгаллайди, чунки худонинг дунёни яратишидан муддаоси инсондир.

Зардушт, тарихий шахс бўлиб, униш дини тубдан янги ҳодиса эмас эди. Зеро Зардушт асрлар давомида аста-ссин ривожланиб келган ўзига хос маросимларни, ибтидоий диний тасаввур ва анъаналарни ислоҳ қилиб, борликнинг бош эзгу яратувчиши бор, деган ғояга бирлаштириди. Ўзигача мавжуд бўлган диний эътиқод хилма-хиллигига барҳам бериб, якка худолик ғоясиши қарор топтириди, диний монотеистик таълимотга асос солди. Бунинг учун униш ўзи ва издошлиари қадимий диний тасаввурларни трансформация қилиш, уларнинг таъқинини ва амалиётини янги мазмун асосида ўзгартириш, тизимлаптириш йулида кўп ва узоқ меҳнат килдилар.

Шу маънода Авестада политеистик тизимдан монотеизм ғояларига ўтиш динамикасини ҳам кузатиш мумкин. Авестанинг «Яшт» наскида ҳар бир табиий ҳодиса ўзининг ҳомий-худосига эга қилиб, маъбул ва маъбудалар сифатида уларга бағициланган алқовларни ўқиймиз. Лекин «Яшт»ларнинг ўзидаёқ бу худолар секин-аста икки гурухга булиниши ҳис этилади: баъзилари бирлашиб, барча ёруғлик, эзгуликка доир нарса ва ҳодисаларнинг

тимсоли *Аҳура Маздани* ифодаласа, бошқалари коронғилик, ёвузликни Аңхра Майнью киёфасила намойиш этади. Зеро үз ҳолика амалда күп худолик булиб күринган ушбу тизим *Аҳура Мазданинг* үзи яратғанлар деган ғояга бираштирилади. Яньи, *Зардуштый тикнинг* туб ғоясига күра эзгу маъбуд ва маъбудалар *Аҳура Мазданинг* турли соҳаларга ёйилгувчи функциялари сифатида талқин этилади. Шунинг учун «Яшт»ларнинг күп үринларида *Аҳура Мазда* «у ёки бу маъбудни мен үзим яратғанман» каби хабарни *Заратуштра*га таъкидлаб үтади. Шундай килиб, *Зардушт* таълимотига кўра, бу худолар *Аҳура Мазда* иродаси билан турли соҳаларга ҳомий этиб тайинланади. *Аҳура Мазданинг* эса үзининг олий ва ягона моҳиятини саклайди.

Зардушт таълимоти инсонпарварлик билан йўғрилган. Бунга кўра. инсон эркинлиги нафакат шахсий баҳт-саодатга эрилиш билан, балки тақвадорликни кўпайтириш, яратувчилик меҳнаги билан умуминсоний жамият баҳти, порлок келажаги учун кураш билан белгиланади. Инсон фаолиятининг бундай олий даражали масъулиятта кутариш буюк руҳий инқилоб эди. Авеста ижтимоий-фалсафий мазмунининг юксаклиги ана шундайдир. Бундай ғояни амалга ошириш ҳақикатни, адолатни, фаровонликни, қадр-кимматни, инсонпарварликни, эзгуликни ҳимоя қилиш каби юксак ижтимоий-фалсафий тушунчаларга реал куч беришни такозо этиши табиий эди. Зеро, жамиятдаги осойиштаглик, тараққиёт омили икки ибтидо курашида эзгуликнинг галабасига мутлак бөглиқдир. Бу ғолибликнинг қалити инсон ва унинг руҳий баркамоллиги, эзгулик ғоясига садоқати ва сидқидилдан хизматига бөғлиқ, деб ўргатган эди *Зардушт*.

Авеста диний ътиқод тилига хос мавҳум хусусиятга эга шаклларда баён этилган ҳаёт фалсафасидир. Унинг универсал мазмуни ҳаётнинг истисносиз барча соҳаларини камраб олган. Авестада ҳақикат тушунчаси имону ътиқоднинг олий даражаси сифатида маҳсус фалсафий категория даражасидаги талқинга эга. Масалан, Арта (Аша) бу *Аҳура Мазданинг* үзи ва у яратган Олий Ҳақикат – Эзгу борлиқ маъноларида умумлаштан категориядир. Бунинг мазмун доираси чексиз ва ҳар кандай ёвуз кучни бартарап этишга қодир. Буцда бир шарт борки, бу ҳам бўлса, инсоннинг имону ътиқоди, эзгуликка содиқлиги барқарор бўлмоғи лозим.

Табиат, инсон ва жамият бирлиги коинотнинг чексиз маконида амалга ошар экан, унда доим харакат, ривожланиш ва карама-карпти кучлар кураши давом этади. Ёруғлик ва эзгулик томонини олган инсон рухан ва жисман камолотта ёршилади, бу эса, ўз навбатида, жамият ва атрофидаги табиатнинг равнак топишига, зардушийлик ғояларининг юзага чиқишига күмаклашади.

Авестага кўра, инсон камолининг асосий маънавий-ахлоқий мезонлари юксак ахлоқ, жисмоний ва маънавий поклик, меҳнат-севарлик, моддий бойликларни кўшайтириш ҳамда асосий ахлоқий тамойил – эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлиги билан белгиланади.

Ушбу хрестоматия шарофати билан ўқувчимиз буюк меросимиз Авesta кадрияларидан баҳраманд бўлса, юксак инсоний камолат йўлида бундаги эзгулик ибратларидан қалбан озикланса, жамиятимиз равнакига сидқидилдан хизмат қилиш йўлида қадим аждодларнимиз изидан бориб, ҳоли кудрат хисса кўшмокка бел боғласа, камтарин меҳнатимиз окланган бўлтур эди.

**ЗАРДУШТИЙЛИК
ХРЕСТОМАТИЯСИ**

Мухаррир: Маҳкам Маҳмудов
Техник мухаррир: Беҳзӣ Болтабоев
Мусаҳҳиха: Гулинигор Муродова

**«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамияти
нашисти**

Манзил: Тошкент, Навоий қўчаси, 69.
Тел.: (998 71) 241-60-33 E-mail: mumtoz_soz@mail.ru

Нашиёт лицензияси АI № 103. 15.07.2008
Босишга рухсат этилди 09.10.2017
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози Times New Roman
гарнитураси. Ҳисоб-нашиёт табоғи 22,0.
Шартли босма табоғи 22,25. Адади 50
8-сонли буюртма. Баҳоси келишилган нархда

**«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Навоий қўчаси, 69.
Тел.: 241-81-20**

28000 c.

